

Арабчадан
ЮНУСХОН ҲАКИМЖОНОВ
таржимаси

Шеърлар таржимони
СОБИР АБДУЛЛА

Кампир ва зиёратчи ҳикояси



икоя қиладиларки, ҳаж сафарига чиққан зиёратчилардан бири йўлда толиқиб узоқ уйқуга кетибди. Уйғониб қараса, ҳамсафар ҳожилардан асар ҳам қолмабди. Йўлда адашиб қолибди. Бир чодирга етибди. Чодирнинг олдида бир кампир ўтирибди-ю, ёнида бир ит ухлаб ётганмиш. Ҳожи чодирга яқинлашиб, кампирга салом берибди, ундан егу-



лик овқат сўрабди. Кампир қўли билан саҳрони кўрсатиб: «Саҳрога бориб, илон овлаб кел, кабоб қилиб бераман»,— дебди. Ҳожи кампирга: «Менда илон овлашга юрак қайда, илон еб ҳам кўрган эмасман»,— дебди. Шунда кампир: «Кўрқма, мен бирга бориб овлашаман»,— дебди. Кампир ғитни эргаштириб ҳожи билан саҳрога йўл олибди. Саҳрода анча-мунча илон овлаб, кабоб қилиб берибди. Ҳожи очликдан ноилож ебди. Ташна бўлиб, кампирдан сув сўраган экан, кампир: «Анув чашма сувидан ича қол»,— дебди. Чашма суви аччиқ экан. Ташналикка чидолмай, ноилож ичибди. Қайтиб келиб кампирга: «Сизнинг бу жойда истиқомат қилишингиздан таажжубда қолдим!»— дебди. Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб Шаҳризод ҳикоясини давом эттирди,— шундай қилиб, ҳожи ташналикка чидолмай, аччиқ бўлса ҳам, булоқ сувидан ичибди. Сўнг кампирнинг олдига келиб: «Эй кампир, шу хил овқат еб, аччиқ сув ичиб, бу жойда истиқомат қилишингиздан таажжубда қолдим»,— дебди. Кампир: «Сизларнинг шаҳарларингиз қандай?»— деб сўрабди. Ҳожи жавоб бериб: «Бизнинг шаҳримизда бағ-

*Тўрт юз ўттиз
бешинчи кеча*

ри кенг уй-жойлар, пишиб турган лаззатли мевалар, айқириб ётган ширин сувлар, тотли таомлар, семиз гўштлар, сон-саноксиз қўйлар ва ҳар хил эзгу нарсалар, яна оллонинг солиҳ бандалари учун жаннатий покиза гўзаллар бўлади»,— дебди.

«Буларнинг ҳаммасини эшигганман. Айтгин-чи, сизларнинг устингиздан ҳукм юргизадиган ва шу ҳукми билан жабр қиладиган, бирортангиз гуноҳ қилсангиз, мол-мулкларингизни тортиб олиб, совуриб юборадиган, хоҳлаганда сизларни ўз уйларингиздан ҳайдаб, бола-чақаларингизни сарсон-саргардон қиладиган султонларингиз ҳам борми?»— дебди. «Бундайлар бўлади»,— дебди ҳожи.

Кампир айтибди: «Ундай бўлса, тангри номи билан қасам ичаман, у тотли таомлар, гўзал ҳаёт, нозу неъматлар ўша жабру зулм туфайли заҳарга айланади, бизнинг тинч-осойишта еган таомларимиз эса, заҳарни кесадиган таряк бўлади. Ахир, эшитмаганмисан, мусулмонликдан кейинги энг улуғ неъмат соғлиқ ва тинчлик-ку, тинчлик эса оллонинг ердаги ноиби бўлган султоннинг адолати ва тўғри сиёсати билан муяссар бўлади. Ўтмишдаги султонлар, фуқаро қўрқиб турсин, деб ўзларини ҳайбагли қилиб кўрсатар эдилар. Ҳозирги замон султонларининг усул-идораси мукаммал, жуда салобатли бўлиши лозим, чунки ҳозирги одамлар илгари вақтлардагидай эмас, бизнинг замонамиз танқидга лойиқ қизиқ замон, халқлари ахлоқсиз, тошюрақ, бир-бирини кўролмайдиган, душманликка берилган. Агар султон (худо кўрсатмасин!) фуқаролар кўзига ожиз ёки сиёсат юргизолмайдиган салобатсиз кўриниб қолса борми, мамлакатнинг хароб бўлишига сабаб бўлади. «Фуқаронинг бир-бирига қилган бир йиллик жабридан султоннинг юз йиллик жабри яхшироқ», деган масал бор. Агар фуқаро бир-бирига жабр қила берса, худо уларнинг устига жабр қилувчи султонни, қаҳр қилувчи подшо-ни юборди.

Бизгача етиб келган нақлларда баён қилинишича, кунларнинг бирида Ал-Ҳажжож ибн Юсуф бир лавҳа

келтирдилар. Унда: «Оллодан қўрқ, бандаларини ҳар хил жабрлар билан азоблай берма», деб ёзилган экан. Ал-Ҳажжож бу лавҳани ўқиб, минбарга чиқибди. У сўзга уста киши экан, «Эй инсонлар, олло таоло мени сизларнинг устингизга қилмишинглар туфайли юборди...» Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб Шаҳризод ҳикоясини давом эттирди,— Ал-Ҳажжож ибн Юсуф, шу лавҳани ўқиб бўлиши билан минбарга чиқибди:—Эй инсонлар, олло таоло мени сизларнинг устингизга қилмишларингиз туфайли юборди. Мен ўлганимда ҳам, ёмон қилмишларингиз касридан зулмдан қутулмас эдингиз, чунки худо менга ўхшаганларни жуда кўп яратган, гарчи мен бўлмасам, мендан кўра золимроқ,

жабри зўроқ, қаҳри қаттиқроқ киши топилиб қолади. Шоир деганидек:

Ҳар бир ҳоким устидан парвардигор ҳукмрон,
Ҳар бир золим албатта зулмга дуч келар бир он,
Адоватдан ҳайиқар адолат ҳам мутлақо,
Бу сўзимиз ҳақиқат ҳам ростликда бегумон.



Канизак Таваддуд ҳикояси



на ҳикоя қиладиларки, Бағдод шаҳрида қудратли, мол-мулки ва ер-суви кўп, бадавлат бир савдогар бор экан. Олло унинг дунёсини кенг қилибди-ю, орзу қилган фарзандига етиша олмабди. Ана шу тахлит анча вақт умр кўрибди-ю, унга на қиз, на ўғил nasib бўлмабди, ёши улғайиб, суяклари кичра-



йибди, бели букчайиб, кундан-кун кучдан кетиб, ғам-ташвиши орғибди; меросхўр фарзанди бўлмаганидан, мол-мулки тугаб, номи насаби ўчиб кетишидан қўрқибди. Олло таолога ёлворибди, кундузлари рўза тутиб, кечалари ибодатдан бош кўтармабди, қудратли ва барҳаёт оллога назр-ниёз қилибди, муқаддас кишиларни зиёрат қилибди. Худонинг унга раҳми келиб, тилагини мустажаб этиб, дуосини қабул қилибди. Орадан кўп ўтмай, хотинларидан бири ҳомиладор бўлибди, вақти соати, ой-куни тўлиб, ой парчасидек бир ўғил туғибди.

Савдогар худога шукрона айтиб, яна назр-ниёз қилибди, садақа чиқарибди, етим-есирларни кийинтирибди. Фарзанд туғилган куннинг еттинчи кечасида унга Абул Ҳасан деб исм қўйибди. Энагалар унга сут бериб, мураббиялар тарбия қилишибди, хизматчилар ва қулу чўрилар уни катта бўлгунча қўлдан туширмай парвариш қилишибди. Фарзанди кундан-кун ўсиб-улғайиб, эсини ганийдиган бўлибди. Қуръонни, ислом фарзандларини, дин аҳкомларини ўрганибди. Шунингдек, хат, шеър, ҳисобни ва ёйдан ўқотишни ҳам машқ этибди; ёқимли, ширин сўз, чиройли бўлиб етишиб, асри ва замондошларининг гўзали ва даврининг яккаю яғонаси бўлибди. Юзининг қизиллиги, пешонасининг нуронийлиги ва янги сабза урган мўйловларига маҳлиё бўлиб, савлат тўкиб тўлғаниб юрар экан. Уни тасвир қилувчиларнинг бири айтгандай:

Баҳори ўтиш билан сабзалар сарғайса ҳам,
Кўз ўнгимда баҳори, ҳатто сабзи намоен.
Билдирар рамздан бинафша очган кўклам,
Бу майсалар ёшликнинг фаслидан бериб нишон.

У эсон-омон отаси билан бир қанча вақт бирга бўлиб, балоғатга етгунча отаси у билан шод ва хурсанд

умр кечирибди. Кунлардан бир кун отаси ёнига ўтқазиб унга: «Ўғлим, ёшим бир жойга бориб, вафот қилиш вақтим ҳам етиб келди. Парвардигор билан юз кўришиш орзусидан бошқа ниятим қолмади. Мол-дунё, ер-сув, боғу бўстонларимнинг ҳисоби йўқ, улар етти пуштингга ҳам етади. Ўғлим, мерос қолдирган мол-дунёларимни нес-нобуд қилма, сенга мададкорлик қилган кишиларнинг изидан қолмагин»,—дебди.

Орадан кўп ўтмай, отаси хаста бўлиб, вафот этибди. Ўғли гўри, кафани ва бошқа сарф-харажатларни ўрнига қўйиб, яхшилаб кўмибди. Бир неча кун аза тутибди. Шу кунлардан бирида ўртоқлари унинг ёнига кириб келиб: «Сендек фарзандни бу дунёда қолдириб кетган киши ўзи гўё ўлмагандек, кетган кетди, аза тутиб ўтириш парда ичидаги хотин-қизларга ярашади»,— дейишибди. Ўртоқлари Абул Ҳасанни қистаб ҳаммомга олиб боришиб, ғам-қайғусини тарқатиб юборишибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,—деб Шаҳризод ҳикоясини давом эттирди,—савдогарнинг ўғли Абул Ҳасанни

ўртоқлари ҳаммомга олиб бориб, унинг ғам-қайғусини тарқатишиб юборгач, у отасининг васиятларини унутибди. Мол-дунёнинг кўплигидан мағрурланиб, замон ҳамиша менга ёр бўлади, мол-дунём сира тугамайди, деб ўйлабди.

Қилган иши емоқ-ичмоқ, кайфи сафо ва хурсандчилик бўлибди.

Тўрт юз ўттиз
еттинчи кеча

Кишиларга кийим-кечак ва ҳадялар берар, олтин-кумушлар инъом қиларкан. Егани товуқ гўшти-ю, май шишаларининг муҳрини очиб, қулқуллаганига қулоқ солиш, қўшиқ тинглаш билан умр кечираверибди. Мол-дунёси соврилиб, бир ерда ўтириб қолгунча шу кўйи давом этибди. Бор нарсасидан ажраб, отасининг қолдирган мол-дунёсидан бир канизакдан бошқа ҳеч вақоси қолмабди.

Бу канизак ҳусну жамолда, ҳадду камолда ва қадду қоматда мисли йўқ экан. Ҳар бир фандан хабардор, турли фазилатлар бобида ўз асрдошларидан устун турар ва шуҳрат таратган экан. Гўзаллиги, илму амали ва назокати билан бирга, ўрта бўйли, пешонаси янги туғилган шаъбон ойидек, икки қоши ингичка ва узундан келган, кўзлари оҳу кўзидек, қиррабурун, юзлари лоладек қизил, оғзи Сулаймон пайғамбар узугидек бежирим, тишлари ипга тизилган дур доналаридек, киндиги бир бон¹ ёғи сиққудек, бели эса ишқ дардига гирифтор бўлиб, озиб кетган кишининг танидай ингичка, думбаси қум уюмидан ҳам оғир, қисқаси, ҳусну жамоли шоирнинг қўйидаги сўзларига муносиб экан:

Юзини кўрсатур маҳваш: солиб кўпларни ҳайратга,
Қилиб кўзларни хушнуду, ўзини бахтиёр айлар.

Ўгурса орқа гар: солгай ҳаммани доғу ҳасратга,
Кўришга интизору, кўзга кенг оламини тор айлар.

Юзи хуршедга ўхшар, қомати тол новлага монанд.
Унга қаҳру ғазаб, нозу карашма ёту бегона.

¹ Бон — Ҳиндистонда ўсадиган хушбўй ёғ олинадиган дарахт.

Либос остига беркинмиш гўзал тан гул билан пайванд
Яқодан бош чиқарган ой эмас у, балки жонона.

Канизак оқ, тиниқ баданли, ҳавони хушбўй қилувчи, гўё нурдан яратилиб, биллурдан пайдо бўлгандек, қадду қомати келишган эканки, баъзи тавсиф қилувчилар у ҳақда айтгандек:

У нуқра ичра зару ё садаф ичидаги дур,
У қомат ила ярашгай гар этса қанча гурур
Уни «чаманнинг гули» деб аташга бордир асос:
Кийиб чиқипти у гул баргидан ҳарир либос.
Ва ёки бутхона ичра санам десам уни: кам,
Тамоми таъриф агар бўлса жам, десам уни: кам.
Чиройли қомат унга тик туришга амр айлар,
Эгилса, бўксалари ўлтиришга амр айлар.
Қачонки кўйида кездим, умид этишда висол,
Эришмадим мен унга, ваҳ, висоли бўлди маҳол:
Саховат этса чиройи, назокати қўймас,
Қараб қўйиб кўзи бир, жабр этишда ҳеч тўймас.
Дедим ҳамиша тасанно, уни яратганга,
Отини «Қисмат» атаб, йўлига қаратганга.

У ҳусну жамоли ва иссиқ табассуми билан боққан кишиларнинг ақлу ҳушини ўғирлар, мижгон ўқи билан отаркан; шу билан бирга, сўз интизомини яхши сақлар ва чиройли сўзлаш маҳоратига эга экан.

Абул Ҳасаннинг барча мол-мулки тугаб, шу канизакдан бошқа ҳеч вақоси қолмагач, уч кунгача таом таъминини тотмабди, ухлаб уйқудан роҳатланмабди. Шунда канизак: «Эй бегим, мени мўминлар амири Ҳорун ар-Рашид ҳузурига олиб боринг...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз ўттиз
саккизинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб Шаҳризод ҳикоясини давом эттирди,— канизак ўз хожасига: «Эй бегим, мени аббосийларнинг бешинчиси Ҳорун ар-Рашид ҳузурига олиб боринг-да, ундан менга ўн минг динор ҳақ сўранг, агар у қимматсинса: «Канизагимнинг баҳоси бундан ҳам ортиқ, имтиҳон қилиб кўрсангиз, қадр қиммати маълум бўлади. Бу канизакнинг тенги йўқ, у сиздан бошқага лойиқ эмас деб айтинг»,— дебди. Яна давом этиб: «Эй хожам, яна мен айтган баҳодан камга сотиб қўйманг, менга ўхшаганлар учун бу ҳам кам»,— дебди.

Хожаси канизакнинг қадрини билмаганидек, унинг замонида тенги йўқлигини ҳам англамас экан. Ниҳоят, хожаси канизакни Ҳорун ар-Рашид ҳузурига олиб бориб, унга тақдим этибди ва канизак айтган гапларни такрорлабди. Халифа канизакдан: «Отинг нима?»— деб сўрабди. У: «Исмим Таваддуд»,— дебди. Халифа сўрабди: «Эй, Таваддуд, илмлардан қайсисини яхши биласан?» Таваддуд айтибди: «Эй, халифа, мен сарф-наҳвни, шеърятни, қонуншуносликни, қуръонни шарҳлаш, шунингдек мусиқий илми, мерос тақсим қилиш илмини, ҳисобни, мол-мулк бўлиш илмини, ер ўлчаш илмини, қадимги кишилар ҳақидаги афсоналарни биламан. Яна, қуръонни етти ва ўн қироат билан ўқийман, қуръон сураларининг ададини, оятлар ададини, ҳизблар ададини, қуръоннинг ярмини ва ундаги пораларнинг ярмини, тўртдан бири, саккиздан бири, ҳатто ўндан бирларининг ададини ҳам биламан. Мен раёсат-сиёсат илмларини, ҳандаса,

фалсафа, ҳикмат илмларини, мантиқни биламан, фалсоҳат-балоғатни ўргандим ва кўп хил илмлар хотирамда сақланиб қолган.

Шеърятга ҳам мухлис эдим, уд ҳам чалардим. Улдаги оҳангларнинг чиқиш ўрнини, ундаги торларнинг ҳаракат ва сокинлик мавқеларини билардим. Куйлаганимда ва ўйинга тушганимда ҳаммани мафтун қилардим. Ўзимга зеб бериб, атир-упа суртиб олсам, мени кўрганларнинг тили дол бўлиб ҳушдан кетади. Қисқаси, мен илмда камол топган кишиларгина биладиган билимларни билиб олганман».

Халифа Ҳорун ар-Рашид бу ёш қизнинг гапини эшитгач, унинг чиройли сўзлаш санъатидан таажжубланиб, хожасига дебди: «Мен бу қизнинг даъво қилган ҳамма илмлари соҳасида мунозара қилиша оладиган казо-казоларни чақираман, агар улар билан баҳсу жавоб қилолса, сен айтган баҳонинг устига қўшимча ҳам бераман, борди-ю жавоб беролмаса, канизак ўзингники». «Эй, мўминлар амири, ҳурматингизни бажо келтираман, сўзингизни қабул қиламан!»— деб жавоб берибди канизакнинг хожаси.

Мўминлар амири Басра ҳокимига Иброҳим бин Сайёрун-Наззомни юборишликни сўраб хат ёзибди. Чунки у мунозарада, далилларни исботлашда, фалсоҳату балоғатда ва шеърятда, мантиқда замондошлари орасида машҳур ва улардан устун турар экан. Шунингдек қори, уламо, табиб, мунажжимларни, ҳикматшунослар, муҳандисларни, файласуфларни чақаришни буюрибди.

Орадан кўп ўтмай, уламо-фузалолар халифа саройига йиғилибдилар. Мўминлар амири уларни қабулхонасига тўплабди. Халифа, канизак Таваддуд

ҳозир бўлсин, деб буюрибди. Таваддуд ёруғ юлдуздек ярқираб кириб келиб, ўтирганларга таъзим қилиб, ўзини кўрсатибди. Унга олтин курси келтириб қўйибдилар. Шунда Таваддуд ўтирганларга яна бир салом бериб, фасоҳат ила сўзлаб дебди: «Эй мўминлар амири, буюринг, шу мажлисда ҳозир бўлган уламолар, қорилар, табиблар, мунажжимлар, ҳикматушунослар, муҳандислар, файласуфлар мен билан мунозарага киришсинлар».

Амир ал-мўминин уларга айтибди: «Сизлардан тилагим шуки, бу канизак билан мунозарага киришиб, унинг ҳар бир даъво қилган илмига оид ҳужжатларини рад қилсангизлар дейман».

Йиғилганлар: «Амрингга итоат қилиш бизнинг вазифамиздир!»—деб жавоб берибдилар. Шунда канизак бошини қўйи солиб: «Сизларнинг қайси бирларингиз олим, қори ва ҳадис илмини билувчидир?»—деб сўрабди. Ҳозир бўлганлардан бири: «Сен талаб қилган кишилардан бири мен бўлман»,—дебди. Канизак унга қараб: «Марҳамат қилиб хоҳлаган нарсангни сўра»,—дебди.

Фақиҳ ва қори Таваддудга бир қанча саволлар беришди. Канизак ёш бўлишига қарамай, барча саволларга фасоҳат ва фаросат билан жавоб қайтарибди.

Фақиҳ ва қори амир ал-мўминин қаршисида моту мулзам бўлиб, мажлисни ташлаб чиқиб кетишибди...¹»

Қисса шу ерга егганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

¹ Тўрт юз ўттиз тўққиз—тўрт юз қирқ саккизинчи кечалардаги ҳикояларда ислом дини ва унинг қонун-қоидалари бобидаги фақиҳ, қори ҳамда Таваддуд мунозаралари баён қилинган. (Ред.)



Тўрт юз қирқ тўққизинчи кеча



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,—канизак қорини енгандан сўнг, у устидаги кийимларини ечиб, мулзам бўлиб чиқиб кетибди.

Ундан кейин канизак қаршисига моҳир бир табиб ўтиб: «Дин илмлари ҳақидаги гаплар тамом бўлди, энди бадан илмлари учун зеҳнингни уйғот ва одам ҳақида хабар бергин: у қандай яратилган? Унинг жасадида қанча томири ва қанча суяги бор, қанча умуртқалари бор? Томирларнинг биринчиси қаерда ва нима учун одамга Одам деб ном берилди?»—деб савол қилибди. Канизак айтибди: «Одамнинг ранги буғдой ранг бўлгани учун Одам деб ном берилган. Баъзиларнинг айтишича, Одам ернинг юзидан яратилгани учун Одам деб ном берилган. Одамнинг кўкраги Қаъба тупроғидан, боши Шарқ тупроғидан, икки оёғи Ғарб тупроғидан яратилган. Одамнинг бошида етти эшик (тешик) яратилган: улар — икки кўз, икки қулоқ, буруннинг икки тешиги ва оғиз; яна олд ва орқадан чиқариш йўллари ҳам яратилган. Икки кўзга кўриш сезгиси, икки қулоққа эшитиш сезгиси, буруннинг икки тешигига ҳид билиш сезгиси, оғизга таъм билиш сезгиси, тилга дилдаги муддаони сўзлаш қуввати берилди. Одамзод тўрт унсурдан яратилди. Улар: сув, тупроқ, ўт, ҳаво. Сафрода ўт табиати бор, чунки ўт қуруқ ва иссиқдир; савдо (ўтда сақланадиган кўк суюқлик)да тупроқ табиати бор, чунки тупроқ — қуруқ ва совуқ; балғамда сув табиати бор, чунки у ҳўл ва иссиқдир. Уч юз олтмиш томир, икки юз қирқ суяк, уч руҳ: ҳай-

воний, нафсоний ва табиий руҳ яратилган ва уларнинг ҳар бирига бир хосият берилган. Тангри инсон учун юрак, қорабағир (талоқ) ва ўпка, олти ичак, жигар, икки буйрак, икки думба, мияга улашадиган ҳароммағиз, суяк, тери, беш ҳис: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, ушлаб сезиш ҳисларини яратди. Қалбни кўкракнинг чап томонида яратди, ошқозонни қалбнинг олдига қўйди, ўпкани қалб учун ҳаво берувчи елпиғич қилди, жигарни ўнг томонга, қалбнинг рўбарўсига жойлаштирди. Булардан ташқари, парда ва ичакларни яратди, кўкрак суяқларини бир-бирига таркиб бериб, қобирға суяқлари билан жипслаштирди». «Яхши айтдинг!—дебди табиб.—Менга одамнинг миясида бўладиган каваклардан хабар бергин». «Бу чуқурчалар учта,—дебди канизак,—у беш қувватни ўз ичига олади ва улар ички ҳислар деб аталади: ҳисси муштарак, хаёл қилиш сезгиси, тасарруф қилиш қобилияти, қуввати ваҳима ва хотирда сақлаш қуввати». «Яхши айтдинг!—дебди табиб,—энди суякларнинг тузилиш суратидан хабар бергин».

Қисса шу ерга етганда табиб Шохриод ва Шаҳризод хикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз элликни тўлдирувчи кеча



ли шох,—деб ҳиди давом эттирди Шаҳризод.— Табиб канизакка: «Энди суякларнинг тузилиш суратидан хабар бергин», деганда, канизак жавоб берибди: «У икки юз қирқ суякдан ташкил топган бўлиб, уч қисмга бўлинади: бош, гавда ва қўл-оёқ. Қалла эса бош косаси билан юздан ташкил топган: бош косаси саккиз суякдан таркиб топган, унга тўрт эшиттириш суяги қўшилади: юз,

юқори жағ ва пастки жағга бўлинади. Юқориги жағ ўн бир суякдан, пастки жағ бир суякдан иборат, жағларга ўттиз икки тиш ўрнатилган. Инсоннинг бош суяги ана шулардан тузилган. Одамнинг скелети умуртқа поғоналари, кўкрак ва тос суягидан иборат. Умуртқа поғонаси йигирма тўрт суякдан таркиб топган, улар умуртқалар деб юритилади, кўкрак, кўкрак қафаси ва йигирма тўрт қобирға суяқларидан таркиб топган, қобирға суяқлари ҳар тарафда ўн иккитадан-дир, тос суяқлари: икки думбанинг бош суяги, қуй-ч ва думғазадан таркиб топган. Оёқ-қўл суяқларига келсак, улар иккига бўлинади: юқори ва пастки суяқлар. Юқори қисм суяқлар, биринчидан, кифт ва ўмров суяқларига бўлинадиган елкадан, иккинчидан, битта юқори билак суягидан, учинчидан, кафт суяги билан тирсак суягидан ташкил топган билакдан, тўртинчидан кифтдан иборат, у эса тирсак суяги билан кифт бирлашган жойга, муштга ва панжаларга бўлинади. Кафтнинг билакка қўшилган ери (ҳар қаторда тўрт суякдан) икки қатор тизилган саккиз суякдан иборат; панжалар билан та, уларнинг ҳар бири яна уч суякдан иборат. Қўл ва тешик суякчалар деб аталади, бош суяқлари: икки кичик суякчадан иборат. Оёқ суяқлари: биринчидан, йўғон сон суягидан иборат бўлиб, у битта; иккинчиси, почка суяги бўлиб, у уч суякдан: йўғон болдир суяги, ингичка болдир суяги ва тиззанинг кўз суягидан таркиб топган; учинчиси қадам бўлиб, у кафтга ўхшаш, тўпиқ, мушт ва панжалардан иборат. Оёқнинг тўпиқдан пасти икки қатор тизилган етти суякдан таркиб топган: биринчи қаторда икки суяк, иккинчи қаторда беш суяк; кафти эса беш суякдан ташкил топган. Панжаларнинг сони бешта, ҳар бири уч кавак суякча-

лардан, бош бармоқ бўлса икки кавак суякчадан **иборат**».

— «Яхши айтдинг!— дебди табиб.— Менга томирларнинг асосидан хабар бергин».

— «Томирларнинг асоси,— дебди канизак,— юрак томиридир, бошқа томирлар шунинг тармоқларидир. Бу томирлар жуда кўп бўлиб, уларнинг сонини худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Юқорида айтилганидек, улар уч юз олтмишта. Худо тилни дилга таржимон, икки кўзни икки чароғ, буруннинг икки кавагини ҳид билиш воситаси ва икки қўлни икки қанот қилиб яратган. Сўнгра, жигарга меҳрибонликни, қорабағирга кулгини, икки буйракка макрни жойлади-да, ўпкани ҳаво олиш воситаси, ошқозонни таом хазиначиси, юракни эса гавда тираги қилди. Юрак дуруст бўлса, гавданинг ҳаммаси тузук бўлади, агар у бузилса, гавданинг ҳаммаси бузилади».

— «Ички-ташқи аъзолардаги касалликлардан далолат қиладиган ташқи аломатлардан хабар бергин»,—дебди табиб.

Канизак айтибди: «Агар табиб ҳушёр бўлса, баданнинг аҳволига қарайди ва икки қўли билан **силаб** кўриб, баданнинг юмшоқ-қаттиқлиги, ҳарорати, қуруқлиги, совуқлиги ва ҳўллигини билади. Диққат билан текширганда, ички касалликлардан далолат берадиган белгилар топилади. Масалан, икки кўзнинг сариқлиги сариқ касалидан далолат берса, белнинг букчайиши ўпка касалидан далолат беради».

Шунда табиб:

— «Яхши айтдинг!»— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини бошлади Шаҳризод,— канизак ташқи белгиларни табибга гапи-

риб берганда, у: «Яхши айтдинг»,— дебди ва:

— «Касалликнинг ички аломатлари нима?»— деб сўрабди.

Канизак айтибди: «Касалликларнинг ички аломатидан воқиф бўлиш учун олти қонунга амал қилинади: биринчи, феъл-атвордан, иккинчи, бадандан чиқадиغان нарсалардан

(яъни, сийдик, ич келиш ва бошқа), учинчи, оғригидан, тўртинчи, касалликларнинг ўрnidан, бешинчи, шишдан ва олтинчи, бошқа пайдо бўлиб турадиган ҳолатлардан тажриба олинади».

«Менга, дард қандай сабаблар билан бошга етишидан хабар бергин»,— дебди табиб. Канизак жавоб берибди: «Тўқ қоринга таом еб, у ҳазм бўлмасдан яна таом устига таом ейиш билан бўлади, халқларни ҳалок қилган нарса шудир. Кимки дунёда узоқ яшашни истаса, эрталабки таомни кечиктирмасдан есин. кечки овқатни кечиктирмасин, хотин билан алоқани кам қилсин, қарздор бўлмасин, бола-чақани камроқ қилсин, қон олдирмасин ва қортиқ солдирмасин. Қоринини учга бўлсин: учдан бирини таом учун, бирини сув учун ва бирини нафас олиш учун, чунки одамнинг ичаги ўн саккиз қарич бўлиб, олти қаричини таом учун, олти қаричини суюқлик учун ва олти қаричини нафас учун қўйиши керак. Осойишта юриш айни муддао бўлиб, бадани учун шунча яхши ва тўлиқ сифатдир. Тангрининг айтгани шу: «Ер юзида мағрурланиб юрма».



*Тўрт юз эллик
биринчи кеча*

«Яхши айтдинг!— дебди табиб.— Менга сафро ғалабасининг аломатидан, ундан пайдо бўладиган касалликлардан хабар бергин». «Сафрони сафромижоз киши рангининг сариқлигидан, оғзининг аччиқлиги ва қақраб туришидан, иштаҳасизлигидан, томирининг тез-тез уришидан билинади. Сафромижоз киши учун қиздирувчи иситма, жигар ва юрак ўрта-сидаги пардаларнинг яллиғланиши, оташак яра, сарияқ касали, шишлар, ичаклардаги яраларнинг пайдо бўлиши, ташналикнинг кучайиши хавфлидир. Буларнинг ҳаммаси сафро ғалабасининг аломатларидир.

— «Яхши айтдинг!— дебди табиб.— Савдо (қора сафро) хилти ғалабасининг аломатларидан ва бу баданга ғалаба қилган вақтда савдомижоз кишига етадиган хавф-хатардан хабар бергин». «Ундан ёлғон иштаҳа, васвасалар кўплиги, ғам-андуҳнинг кўплиги пайдо бўлади,—дебди канизак.— Аҳвол шу даражага етгач, махсус даволар йўли билан қутулиш керак. Агар ундай бўлмаса, ундан руҳий хасталиклар, мохов касали, саратон, қорабағир дарди, ичаклар яраси пайдо бўлади».

«Яхши айтдинг!— дебди табиб.— Менга тиб илми қанча бўлимларга бўлинишидан хабар бергин». «Икки бўлимга бўлинади,— дебди канизак.— Улардан бири: касал баданнинг тадбири илми; иккинчиси, саломатлик ҳолига қайтаришни билиш илми». Табиб яна сўрабди: «Менга қачон дори ичиш фойдалироқ эканини айтгин». Канизак: «Дарахтларнинг шохларига сув югурган вақтда, донлар бошоқда тўлишган вақтда, бахт юлдузи чиққанда дори ичиб, касалларни қувлаш вақти киради»,— дебди.

«Менга одам янги идишда сув ичганда бошқа вақтдагига қараганда сингимли, ёқимли бўладиган ва тоза, хушбўй ҳидлар кўтариладиган вақтдан хабар

бергин». Канизак айтибди: «Таом егандан кейин бир соатча сабр қилиб ичса, сен айтгандек бўлади. Ахир, шоир айтган-ку:

Овқатдан сўнг дарров чой, сув ичманглар.
Саломатлик давлатидан кечманглар!
Чанқасанг ҳам бир оз тоқат этарсан:
Ажаб эрмас, мақсадинга етарсан!»

«Менга касалликларга сабаб бўлмайдиган овқатлардан хабар бергин»,— дебди табиб. Канизак айтибди: «Қорин очгандан кейин таом ейиш ва қобиргалари тўлмасдан таомдан тўхташдир. Жолинус ҳакимининг айтишича: «Кимки таом емакни хоҳласа, кечиктириб есин, шундагина у хато қилмайди. Сўзни пайғамбарнинг (худо раҳмат қилсин) фикрлари билан тугатишимиз керак: «Ошқозон — касалнинг уяси, парҳез — ҳамма давонинг боши, ҳамма касалнинг асли таом устига таом емакликдир...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини бошлади Шаҳризод,— канизак табибга: «Ошқозон — касалнинг

уяси, парҳез эса, ҳамма давонинг боши»— деб, ҳадисни охиригача айтгандан кейин, табиб: «Ҳаммом ҳақида нима дейсан?»— деб савол сўрабди. Канизак жавоб берибди: «Ҳаммомга қорни тўқ киши кирмасин. Ҳаммом тўғрисида пайғамбар: «Ҳаммом қандай яхши уй. Баданни кирлардан тозалайди, дўзах ўтини ёдингга солади»,— деган. Табиб сўрабди: «Қайси ҳаммом яхшидир?» «Суви ширин, сатҳи кенг ва



Тўрт юз эллик
иккинчи кеча

ҳавоси тоза ҳаммом яхшидир. Ундаги ҳаво тўрт хил: куз, ёз, қиш ва баҳор ҳаволарига мувофиқ бўлса». «Менга қайси таом бошқаларидан афзалроқ эканини айтгин»,— дебди табиб. Канизак айтибди: «Хотинлар тайёрлаган, машаққати кам бўлган, ейиши сингимли таом афзалдир. Овқатларнинг афзали сарид (жаркоб)дир. Пайғамбарнинг (худо раҳмат қилсин!) сўзларига қараганда: «Сариднинг бошқа таомлардан афзаллиги Ойшанинг бошқа хотинлардан афзаллигидайди».

«Нон хуришлардан (татимли зираворлардан) қайси бири афзалроқ?» «Гўшт»,— дебди канизак.— Пайғамбарнинг (худо раҳмат қилсин!) айтишларича: «Нон хуришларнинг афзали гўштдир, чунки гўшт дунё ва охират лаззатидир». Табиб сўрабди: «Қайси гўшт афзалроқ?» Канизак айтибди: «Қўй гўшти. Аммо, лекин қотган гўшtdан сақланиш керак, чунки унинг фойдаси йўқ». «Менга ҳўл мевалардан гапиргин»,— дебди табиб. Канизак: «Янги чиққан вақтда егин, вақти ўтгандан кейин тарк қилгин»,— дебди. «Сув ичиш ҳақида нима дейсан?»— деб сўрабди табиб. Канизак дебди: «Сувни бирданига симириб ичма, чунки бош оғриғи сенга зарар қилади ва ҳар хил зарарлари сенга ташвиш беради. Ҳаммомдан чиққандан кейин сув ичма. Таомдан кейин йигитлар учун ўн беш дақиқадан аввал, кексалар учун қирқ дақиқадан аввал ичмаслик керак, шунингдек уйқудан тургандан кейин ҳам сув ичма».

«Яхши айтдинг!— дебди табиб.— Менга шароб ичишдан гапиргин». «Тангрининг китобида келтирилган оят шаробдан ўзингни тийишга кифоя қилмайди-ми? Тангри айтганки: «Ичкилик ичиш, қимор ўйнаш, бутга чўқиниш, жоҳилиёт фоллари билан фол очиш шайтон амалларидан ҳаром ишдир, улардан сақла-

нинглар, шояд, нажот топгайсизлар. Яна худойн таоло айтган:— Эй пайғамбар, сендан ичкилик ва қимордан сўрайдилар: айт — бу икковида катта гуноҳ бор, лекин инсонлар учун манфаати ҳам бор. Бу икковининг гуноҳи фойдасидан каттароқ. Шоир айтгандек:

Айлагин энди шарму, ичма шароб,
Бу ҳаромдан кечиб, ҳалолни топ!
Кайфи йўқ бўлса у ҳалолнинг агар,
Қиладир у сени хумору хароб.

Шу ҳақда яна бир шоир бундай деган:

Ҳаромни мен, ақл озгунча ичдим,
Ақлдан оздиму мен сунгра кечдим.

Ичкиликнинг фойдаларига келсак, у буйрак тошларини титиб юборади, ичакларга қувват беради, ғам-андуҳни йўқотади, жувонмардлик ҳиссини қўзғайди, саломатликни сақлайди, таом ҳазмига ёрдам беради, бўғинлардан касалликларни ситиб чиқариб, баданни бузуқ хилтлардан тозалайди, кишини хурсанд қилади, табиий ҳароратни кучайтиради, қовуқни мустаҳкам қилади, жигарга қувват беради, қон томирларидаги тугунчакларни ечиб юборади, юзга қизил югуртиради, бошни, мияни ярамас хилтлардан тозалайди, қариликни кечиктиради. Худо уни ҳаром қилмаганда эди, ер юзида унинг ўрнини босадиган нарса бўлмасди. Оятдаги майсирга келсак, у қимордир».

Табиб: «Ичкиликлардан энг яхшиси қайси бири?»— дебди. Канизак айтибди: «Саксон кун ва ундан ортиқроқ тургани энг яхшисидир, у оқ узумдан сиқиб олинган бўлса-ю, сув аралаштирмаган бўлса, ер юзида унга тенг шифо нарса бўлмайди».

— «Қортиқ солиш тўғрисида нима дейсан?»
«Баданида қони кўп, аммо қонига нуқсон етмайдиган кишига қортиқ солса бўлади. Кимки қортиқ солишни истаса, ой охирлаган вақтда, ҳаво булутсиз, шамолсиз, ёмғирсиз кунларда солдирсин, бу ойнинг ўн еттигида бўлсин, агар сешанба кунига тўғри келса, фойдаси яна ҳам кўпроқ бўлади. Мия учун, икки кўз ва зеҳни тозалаш учун қортиқ солдиришдан фойдалироқ нарса йўқ».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз эллик
учинчи кеча*



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини бошлади Шаҳризод,— канизак қортиқнинг фойдали оқибатларини таърифлаганда, табиб унга дебди: «Қортиқ қўйишнинг яхши вақтларидан менга хабар бергин». Канизак айтибди: «Қортиқнинг яхшиси наҳор вақтда қўйишдир, чунки у ақлни ва зеҳни оширади. Пайғамбардан ривоят қилишларига кўра, кимки у кишига бош, оёқ оғриқларидан шикоят қилса, «қортиқ солдир» дер эканлар. Агар киши қортиқ солдирса, наҳорга шўр нарса емасин, чунки у қўтир пайдо қилади, унинг кетидан нордон нарса ҳам емасин». Яна табиб сўрабди: «Қортиқ солдириш қайси вақтда нотўғри саналади?» Канизак дебди: «Шанба ва чоршанба кунлари; кимики шу кунлари қортиқ солдирса, ўздан кўрсин. Қаттиқ иссиқ ва қаттиқ совуқ вақтда қортиқ солдирилмасин. Қортиқ солдиришнинг яхши кунлари — баҳор кунларидир».

Табиб: «Менга эр-хотинликдан гапиргин»,—дебди.

Бу гапни эшитган канизак амир ал-мўмининга ҳурмат юзасидан уялиб сукут қилиб, бошини қуйи солганча ерга термилиб қолибди, сўнгра дебди: «Эй, амир ал-мўминин, худо ҳақи, жавобдан ожиз эмасман, хижолатда қолдим холос, бу саволнинг жавоби тилимнинг учида турибди». Амир ал-мўминин айтибди: «Эй канизак, гапир!» Таваддуд табибга қараб дебди: «Эр билан хотиннинг қўшилишида фазилат ва мақташга лойиқ ҳолатлар бор: баданга ҳузур бағишлайди, ишқ (эҳтирос) ҳароратини пасайтиради, муҳаббатни ўзига жалб қилади, дилни хуррам қилади, кўнгил сиқилишини тўхтатади».

Табиб айтибди: «Энди унинг фойдаларидан гапиргин». Канизак жавоб берибди: «У қайғуни, ақл паршонлигини йўқотади, ишқ (эҳтирос)ни, ғазабни сўндиради ва яраларга фойда беради.

Киши табиатида совуқлик ва қуруқлик ғолиб бўлса, шу натижаларни беради; бўлмаса, алоқанинг кўплиги кўзни хира қилади ва икки оёқ, бош ва бел оғриқлари пайдо бўлади. Имом Али айтгандек: «Тўрт нарса ўлдиради ва баданни қаритади: тўқ вақтда ҳаммомга бориш, шўр нарсаларни емоқ, қорин тўқ вақтда, шунингдек касал хотин билан алоқада бўлиш; булар қувватингни сусайтириб, баданингни касал қилади. «Энг мувофиқ эр-хотинлик алоқаси қайси?»—дебди табиб. Канизак айтибди: «Хотин ёш бўлса, қадди-қомати келишган, чеҳраси кўркам, кўкраги (эмчаги) тўла бўлса. Шундай хотин баданнинг саломатлигига қувват беради» ва шоирлардан бири айтгандек:

Идрок билан ҳар нарсага ўрганар у, қарасанг,
Унга изоҳ ҳожат эмас, шундоқ ақли етади.
Ҳуснига сен кўпроқ қара, кўзларингга берар дам,
Ҳар бир қараш — сенинг учун боғ сайрига ўтади.

Табиб айтибди: «Хўл меваларнинг афзали қайсилар?» Канизак: «Анор ва лимон жинсидаги мевалар»,— дебди. Табиб яна: «Менга сабзавотларнинг яхшиларидан хабар бергин»,— дебди. Канизак айтибди: «Сачратқи». «Хушбўй гулларнинг афзали қайси?» Таваддуд жавоб берибди: «Қизил гул ва би-нафша».

Табиб берган саволларининг кўплигидан чарчаб, савол беришдан тўхтабди, шунда канизак айтибди: «Эй, амир ал-мўминин, мендан то чарчагунча савол сўради, мен биргина масалани сўрайман, агар у жавоб беролмаса, унинг кийимларини ўзимга ҳалол қилиб ечиб оламан...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз эллик
тўртинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод. — Канизак: «Эй, амир ал-мўминин, у мендан то чарчагунча савол сўради, мен эса биргина масалани сўрайман, агар у жавоб бера олмаса, унинг кийимларини ўзимга ҳалол қилиб ечиб оламан...» дебди. Шунда халифа: «Сўра саволингни!»— дебди.

Канизак дебди: «Думалоқликда ерга ўхшаш, жисми ва турадиган ери кўздан ғойиб; қадр-қиммати кам, кўкраги ва кекирдаги тор; қочоқ бўлмаса ҳам занжирбанд қилинган, ўғри бўлмаса ҳам боғланган; урушда бўлмаса ҳам найза урилган; жароҳатланган, аммо муш-лашиш вақтида эмас; бир марта ейди, аммо кўп сув ичади; баъзан бегуноҳ урилади ва маошсиз хизмат

қилдирилади; айрилгандан кейин бирга қўшилади, лаганбардорлик қилмай, тавозе қилади; ҳомиладору, лекин қорнида боласи йўқ; энгашгану, суянадиган суянчиғи йўқ; кирланади, кейин тозаланади; ўтга тутса ўзгаради; жинсий аъзосиз қўшилади ва тортин-масдан курашади; дам беради ва ўзи ҳам дам олади; тишланса, додламайди; суҳбатдошдан азизроқ; қариндошдан узоқроқ; кечаси хотинидан айрилади ва кундузи қўйнига олади; унинг маскани — катталар уйининг айланаси бўлган нарсани нимадир?»

Табиб сукут қилибди ва жавоб қайтаролмай ҳайратда қолибди, ранги ўчиб бир қанча вақт чурқ этмай бошини қуйи солиб ўтирибди. Канизак: «Эй табиб, гапир, бўлмаса кийимингни еч», дебди. Табиб: «Эй, амир ал-мўминин, менга гувоҳ бўлинг, бу канизак тибда ва бошқа илмларда мендан олимроқ экан, у билан савол-жавоб қилишга ожизман»,—дебди. Шундан кейин устидаги кийимларини ечиб бериб, югурганча чиқиб қочибди. Кейин амир ал-мўминин канизакка қараб айтибди: «Берган саволингни бизга изоҳ-лаб бергин». Канизак жавоб қилиб: «Эй, амир ал-муслимин, у — тугма ва боғич»,— дебди.

Мунажжим билан савол-жавобига келсак, канизак айтибди: «Ичингизда ким мунажжим бўлса, ўрнидан турсин!» Шунда мунажжим ўрнидан туриб, канизакнинг олдига бориб ўтирибди. Канизак уни кўргач кулиб: «Сен котиб, ҳисобчи ва мунажжимми-сан?» дебди. Мунажжим: «Ҳа»,— деб жавоб қилибди. Канизак айтибди: «Нимани хоҳласанг сўрай бер, мадад оллоҳдан».

Мунажжим айтибди: «Менга қуёшдан, унинг чиқиши ва ботишидан хабар бергин». «Билгинки,— дебди канизак,— қуёш чашмалардан чиқади ва чашмаларга бориб ботади. Чиқиш чашмалари — машриқ-

ларнинг бўлаклари, ботиш чашмалари эса, мағрибларнинг бўлаклари: униси ва буниси бир юз саксон бўлақдан иборат. Қуръонда тангри таоло: «Машриқларнинг ва мағрибларнинг рабби билан қасамёд қиламан»,— деган. Ва яна:

«Қуёшни ёруғ, ойни нур қилиб яратган, йилларнинг ададини ва ҳисобини билиш учун уларга манзиллар тайинлаган. Ой туннинг султони, қуёш эса, кундузнинг султони. Бу иккиси бир-бирларига етишиш учун мусобақа қилади»,— деган. Оллоҳ айтган: «Қуёш Ойни қувлаб етолмайди ва кеча кундуздан ўтолмайди, ҳар бири ўз фалакида сайр этади».

Мунажжим: «Тун келганда кундузи қандай бўлишидан, кундузи келганда тун қандай бўлишидан гапириб бергин»,— дебди. Канизак жавоб берибди: «Худо тунни кундузга, кундузни тунга киргизади». Мунажжим айтибди: «Менга ой манзилларидан хабар бергин». «Ой манзиллари,— дебди канизик,— йигирма саккизта, улар: Саратон, Батийн, Сурайё, Дабарон, Ҳақъа, Ханъа, Зироъ, Насра, Тарф, Жабҳа, Зубра, Сарфа, Авоъ, Симоқ, Ғафр, Забоний, Иклил, Қалб, Шавла, Наоим, Балда, Саъдуззобиҳ, Саъди Бал, Саъд-ас Сууд, Саъдул Ахбия, Фаръул Муқалдам, Фаръул Муаххар, Рашоъ. Бу манзиллар «абжад, ҳавваз» нинг охиригача бўлган ҳарфларга асосланиб тартибланган, бунда махфий сирлар бўлиб, уни оллодан ва илм-фанда мустаҳкам ўрин олганлардан бошқа киши билмайди. У манзилларнинг ўн икки буржга тақсими масаласига келсак, ҳар бир буржга икки тўлиқ манзилу яна бир манзилнинг учдан бири тўғри келади. Саратон билан Батийн ва Сурайёнинг учдан бири Ҳамал буржига тўғри келади; Сурайёнинг учдан икки қисми билан Дабарон ва Ҳақъанинг учдан икки қисми Саврга тўғри келади; Ҳақъанинг учдан бири,

Ханъа ва Зироъ жавзога тўғри келади; Насра, Тарф ва Жабҳанинг учдан бири Саратонга тўғри келади; Жабҳанинг учдан икки қисми, Нубра ва Сарфанинг учдан икки қисми Асадга тўғри келади; Сарфанинг учдан бир қисми, Авоъ ва Симоқ билан бирга Сунбулага тўғри келади; Ғафр, Забоний ва Иклилнинг учдан бири Мезонга тўғри келади; Иклилнинг учдан икки қисми, Қалб ҳам Шавланинг учдан икки қисми Ақрабга тўғри келади; Шавланинг учдан бири, Наоим ва Балда билан бирликда Қавсга тўғри келади; Саъди Зобиҳ, Саъди Балъ ва Саъдус Сууднинг учдан бири Жадъийга тўғри келади; Саъдус, Сууднинг учдан икки қисми, Саъдил Ахбия ва Муқаддамнинг учдан икки қисми билан бирга Далвга тўғри келади; Муқаддамнинг учдан бир қисми Муаххар ва Рашоъ билан бирга Ҳутга тўғри келади».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — канизак манзилларни санаб,

буржларга тақсим қилганда унга мунажжим: «Яхши айтдинг»,— дебди. Сўнгра: «Энди менга сайёра юлдузлардан, уларнинг табиатларидан, буржларда тўхташидан, уларнинг бахт ва касрларидан, турадиган жойидан, уларнинг кўтарилиши ва ботишидан хабар бергин».

Канизак айтибди: «Мажлис вақти зиқ, шундай бўлса-да, мен ундан хабар бераман. Сайёра юлдузлар еттита: Қуёш, Ой, Аторуд (Меркурий), Зуҳра (Венера), Миррих (Марс), Муштарий



*Тўрт юз эллик
бешинчи кеча*

(Юпитер), Зуҳал (Сатурн). Қуёш — қуруқ иссиқ, Ой билан тўқнашув вақтида бахтсиз, кўринишда бахтли; Қуёш ҳар бир буржда ўттиз кун тўхтайдди. Ой — ҳўл совуқ, бахтли; ҳар бир буржда икки бутун учдан бир кун тўхтайдди. Аторуд аралашувчи, яъни, бахтлилар билан бахтли, бахтсизлар билан бахтсиз; ҳар буржда ўн етти ярим кун тўхтайдди. Зуҳра мўътадил, бахтли; буржларнинг ҳар бирида йигирма беш кун тўхтайдди. Миррих — бахтсиз; ҳар бир буржда ўн ой тўхтайдди. Муштари — бахтли; ҳар бир буржда бир йил тўхтайдди. Зуҳал — қуруқ совуқ, бахтсиз; ҳар бир буржда ўттиз ой тўхтайдди. Қуёшнинг турар ери Асад буржидир, кўтарилиши Ҳамал буржида, ботиши Далв буржида. Ойнинг турар ери — Саратон, унинг кўтарилиши — Савр буржида, ботиши Ақраб буржида, нуқсони Жадъий буржида. Заҳал турар ери — Жадъий ва Далв буржларида, кўтарилиши — Мезонда, ботиши Ҳамалда, нуқсони — Саратон билан Асадда. Муштари — турар ери — Ҳут ва Қавсда; кўтарилиши — Саратонда, тушиши — Жадъийда, нуқсони — Жавзо ва Асадда. Зуҳра турар ери — Саврда, кўтарилиши — Ҳутда, тушиши Мезонда, нуқсони Ҳамал ва Ақрабда. Аторуд турар ери — Жавзо ва Сунбула буржида; кўтарилиши — Сунбулада, тушиши — Ҳутда, нуқсони — Саврда. Миррих турар ери — Ҳамали Ақрабда, кўтарилиши — Жадъийда, тушиши — Саратонда, нуқсони — Мезонда».

Мунажжим канизакнинг моҳирлиги, билими, нутқининг чиройлилиги, фаҳмининг ўткирлигини кўрган-дан кейин амир ал-мўминин олдида уни хижолат қилиш учун бир ҳийла ишлатмоқчи бўлибди. «Эй, канизак, — дебди мунажжим, — бу ойда ёмғир ёғадими, ёғмайдами?»

Канизак бирмунча вақт бошини солиб ўтириб,

узоқ тафаккурга кетган экан, амир ал-мўминин канизак жавоб беришга ожизлик қилди, деб ўйлабди. Шунда мунажжим канизакка қараб: «Нимага гапирмайсан?» — дебди.

Канизак айтибди: «Амир ал-мўминин менга сўзлашга рухсат бермагунларича гапирмайман». Амир ал-мўминин канизакка қараб: «Бу қандай гап?» — дебди. Канизак жавоб берибди: «Қўлимга қилич берсангиз, у қилич билан мунажжимнинг бўйинини чопсам, чунки у зиндиқ (имонсиз) дир».

Амир ал-мўминин ва унинг аъёнлари кулиб юборишибди. Сўнгра канизак айтибди: «Эй мунажжим, беш нарса борки, уларни ҳеч ким билмайди», — дебди ва қўйидаги оятни ўқибди: «Аниқдирки, қиёматнинг қачон бўлиши, ёмғирнинг қачон ёғиши, бачадонларда нима борлигини билиш, ҳар бир инсон эртага нима қилишини билиш, ҳар бир шахс қаерда ўлишини билиш худодан бошқа ҳеч кимсанинг қўлидан келмайди».

«Сен яхши айтдинг! — деб хитоб қилибди мунажжим. — Оллоҳ номи билан қасамёд қиламан, сени синамоқдан бошқа мақсадим йўқ эди». Канизак мунажжимга айтибди: «Билгинки, календарь тузувчиларнинг йилларнинг киришига оид юлдузларга тааллуқли ишорат ва аломатлари бор, бу ҳақда инсонларнинг ҳам тажрибалари бор». «У ишорат-аломатлар нима?» — деб сўрабди мунажжим. Канизак айтибди: «Ҳар бир куннинг юлдузи бор. Агар йилнинг аввалидаги биринчи кун якшанба бўлса, унинг эгаси Қуёшдир, бу шундан далолат қиладики, подшолар, султонлар, волийларнинг халққа жабр-зулми ортади, касалликлар кўпаяди, ёмғир кам бўлади, одамлар жуда бетинчликда қолиб, ўлди-йитти ортади, аммо ясмиқдан бошқа донлар яхши етишади (ясмиқ ҳалок бўлиб

кетади), узум ҳам бўлмайди, кандир қиммат бўлади. Туба ойнинг бошидан Бармахатнинг охиригача буғдой арзонлашади. Подшолар ўртасидаги урушлар кўпаяди, бу йилда яхшиликлар кўп бўлади...»

«Менга душанба куни тўғрисида хабар бергин»,— дебди мунажжим. Канизак жавоб берибди: «Душанба — Ойга хос кун, бу (яъни йилнинг боши душанбадан бошланиши) халқ ишига мутасадди бўлган волилар ва улар қўйган кишиларнинг адолатли бўлишидан, шу йилда ёмғирнинг кўп бўлишидан, донларнинг тоза етилишлигидан далолат беради. Лекин кандир уруғи чириydi, Кайхак ойида буғдой арзон бўлади, аммо халқ орасида тоун касали (вабога ўхшаш ёмон яра) кўп бўлади, қўй-эчки сингари чорваларнинг ярми қирилиб кетади, узум кўп бўлади, асал камаяди, пахта арзонлашади...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— канизак душанба кунининг баёнидан қутулгандан кейин мунажжим унга мурожаат қилиб: «Менга сешанба куни тўғрисида гапиргин»,— дебди. Канизак айтибди: «Сешанба Миррих (Марс)га хос кундир, бу (йилнинг боши сешанбадан бошланиши) ҳалокатнинг кўп бўлишидан, қон тўкилишидан, дон-дун қимматчилигидан, ёмғир кам бўлишидан,

Тўрт юз эллик олтинчи кеча

балиқлар баъзи кунлари кўпайиб, баъзи кунлари озайиб туришидан далолат беради. Асал билан яс-

миқ арзонлашади, бу йилда кандир уруғи қимматлашади, бошқа донларга қараганда, арпа ҳосили яхши бўлади, подшолар ўртасида уруш кўпаяди, қонли ўлим бўлади, эшак кўп ўлади...»

«Менга чоршанба кунидан хабар бергин!»—дебди мунажжим. Канизак жавоб берибди: «Чоршанба — Аторудга хос кундир, бу (йилнинг биринчи куни чоршанбадан бошланиши) халқ ўртасида воқе бўлаган катта бетинчлик ва урушлардан, душманларнинг кўплигидан, ёмғирнинг мўътадил бўлишидан, баъзи экинларнинг нобуд бўлишидан, чорвада ва ёш болаларда ўлимнинг кўпайишидан, денгизларда урушнинг кўп бўлишидан далолат беради. Бермуда ойидан Миср ойигача буғдой қиммат бўлади, қолган дон-дун арзонлашади, момақалдироқ ва яшин кўпаяди, асал қимматлашади, хурмо кўп гуллайди, кандир ва пахта кўп бўлади, турп ва пиёз қимматлашади...»

«Менга пайшанба кунидан хабар берсанг»,— дебди мунажжим. Канизак айтибди: «Пайшанба — Муштарийга хос кундир, бу (йилнинг биринчи куни пайшанбадан бошланиши) вазирларнинг адолатидан, қозилар, дарвешлар, дин аҳллариининг тўғрилигидан далолат беради. Бу йилда яхши ишлар кўп бўлади, ёмғир кўп ёғади, дарахтлар ва дон-дун кўпаяди, кандир, пахта, асал, узум арзон бўлади, балиқ кўпаяди...»

«Менга жума кунидан хабар бергин»,— дебди мунажжим. Канизак айтибди: «Жума — Зухрага хос кундир, бу (йилнинг биринчи куни жумадан бошланиши) жинлар ўртасидаги катталарнинг жабридан, ёлғон ва бўҳтон қилиб сўзлашдан далолат беради, ёмғир кўп ёғади, пичан яхши унади, шаҳарларда куз яхши келади, баъзи шаҳарларда арзончилик бўлиб,

баъзиларида бўлмайди, қуруқликда ва денгизда ҳалокатлар кўпаяди, кандир уруғи қимматлашади, буғдой Хатур ойида қиммат бўлиб, Амшир ойида арзонлашади, асал қиммат бўлиб, узум ва қовун бўлмайди.

«Менга шанба кунидан хабар бергин»,— дебди мунажжим. Канизак айтибди: «Шанба — Зуҳал (Сатурн)га хос кундир, бу (йилнинг биринчи куни шанбадан бошланиши) қуллар ва румларнинг қўзғолонидан, ўзида ва яқинида яхшилик бўлмаган кишилардан далолат беради; қимматчилик ва қаҳатчилик кўп бўлади, булут кўпаяди, одамзод орасида ўлим кўп бўлади. Миср ва Шом аҳлларига султоннинг жабрзулмидан ҳалокат юз беради, экинларда ҳосил кам бўлади, ошлиқлар ҳалок бўлади».

Сўнгра мунажжим сукут қилиб, бошини қуйи солибди, Таваддуд эса: «Эй мунажжим, мен сендан бир савол сўрайман, агар жавоб қайтара олмасанг, кийимларингни олиб қоламан»— дебди. «Сўрагин!»— дебди мунажжим. Канизак айтибди: «Зуҳалнинг турар ери қаерда?» «Еттинчи осмонда»,— дебди мунажжим. «Муштарий-чи?»— дебди канизак. «Олтинчи осмонда»,— дебди мунажжим. «Миррих-чи?»— сўрабди канизак. «Бешинчи осмонда»,— дебди мунажжим. «Қуёш-чи?» «Тўртинчи осмонда». «Зуҳра-чи?» «Учинчи осмонда». «Аторуд-чи?» «Иккинчи осмонда». «Ой-чи?» «Биринчи осмонда». «Яхши айтдинг!— дебди канизак.— Сенга яна битта савол қолди». «Сўра»,— дебди мунажжим. Канизак айтибди: «Менга юлдузлардан ва уларнинг неча бўлимга бўлинишидан гапиргин». Мунажжим сукут қилиб, жавоб қайтармабди. Канизак: «Кийимларингни еч!»— деган экан, у ечиб берибди. Канизак кийимларни олгандан кейин амир ал-мўминин унга: «Бу масалани бизга

ўзинг изоҳлаб бергин»,— дебди. Таваддуд айтибди: «Эй, амир ал-мўминин, юлдузлар уч қисм: бир қисми қандилларга ўхшаш дунё осмонига (биринчи осмонга) осилган, улар ер юзини ёритиб туради; иккинчи қисми малоикаларнинг сўзларини тинглаш учун осмонга чиққан вақтда шайтонларга отилади (қуръонда айтилган: «Ҳақиқатки, биз чароғлар билан дунё осмонига зийнат берганмиз ва у юлдузларни шайтонларга отиш учун яратганмиз»), учинчиси ҳавога осиглиқдир ва улар денгизни, денгиздаги бор нарсаларни ёритади». Мунажжим: «Бизда бир савол қолди, агар унга ҳам жавоб берса, мен унинг билимдонлигига иқрор бўламан»,— дебди. «Гапир»,— дебди канизак.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз эллик еттинчи кеч



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — мунажжим канизакка: «Менга бир-бирига зид бўлган тўрт нарсадан хабар бергинки, у бир-бирига зид бўлган тўрт нарсага асосланган бўлсин»,— дебди. Канизак айтибди: «У — ҳарорат, совуқлик, ҳўллик, қуруқликдир. Тангри ҳароратдан ўтни яратди, ўтнинг табиати — қуруқ иссиқдир; қуруқликдан тупроқни яратди, унинг табиати — қуруқ совуқ; совуқликдан сувни яратди, унинг табиати — ҳўл совуқ; ҳўлликдан ҳавони яратди, унинг табиати — ҳўл иссиқ. Сўнгра худо ўн икки буржни яратди; Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадъий, Далв ва Ҳут. Бу ўн икки буржни тўрт

табиатда яратди; учтаси ўтга мансуб, учтаси тупроққа мансуб, учтаси ҳавога мансуб, учтаси сувга мансубдир. Утга мансублари — Ҳамал, Асад, Қавс; тупроққа мансублари — Савр, Сунбула, Жадъий; ҳавога мансублари — Жавзо, Мезон, Далъ; сувга мансублари — Саратон, Ақраб, Ҳут».

Мунажжим ўрнидан туриб дебди: «Менга гувоҳ бўлинглар, аниқки бу канизак мендан олимроқ экан». У мағлуб бўлиб чиқиб кетибди.

Канизак амир ал-мўмининга мурожаат қилиб: «Эй, амир ал-мўминин, файласуф қаерда?»— дебди. Шунда бир одам ўрнидан туриб, олдинга ўтиб дебди: «Менга ёлғиз бир даҳрдан (асрдан), унинг кунларидан, у ҳақда келган сўзлардан хабар бергин». Канизак жавоб бериб: «Даҳр» кеча ва кундуз соатларига воқе бўлган ном, кеча-кундузнинг соатлари эса, Ой, Куннинг ўз даврасида қилган сайридан келиб чиққан ўлчаклардир»— дебди.

Файласуф: «Еган ва ичган, аммо орқадан ёки қорнидан чиқмаган беш махлуқдан хабар бергин»,— дебди. Канизак айтибди: «У — Одам, Шамъун, Солиҳ пайғамбарнинг урғочи туяси, Исмоил пайғамбарнинг қўчқори, Абубакир Сиддиқнинг ёрда кўрган қуши».

«Менга жаннатдаги инсонлардан, жинлардан, мадонкалардан бўлмаган беш махлуқдан хабар бергин»,— дебди файласуф.

Таваддуд жавоб қилибди: «У — Еқуб пайғамбарнинг бўриси, ёр кишиларининг ити, Узайр пайғамбарнинг эшаги, Солиҳ пайғамбарнинг урғочи туяси, пайғамбарнинг (худо раҳмат қилсин) Дулдул номли хачири».

«Ерда ҳам, осмонда ҳам бўлмасдан, намоз ўқиган кишидан менга хабар бергин»— дебди файла-

суф. Канизак жавоб берибди: «У — Сулаймондир, у ел устига солинган гиламда намоз ўқийди». «Менга шундай одамдан хабар бергинки, у эргалабки намозни ўқиб, бир чўрига қараганида чўри унга ҳаром эди.

Пешин вақтига борганда чўри унга ҳалол бўлди; аср намози вақтига борганда чўри унга яна ҳаром бўлди; кун ботган вақтда чўри унга яна ҳалол бўлди; хуфтан вақтида унга яна ҳаром бўлди; тонг вақтида яна унга ҳалол бўлди». Канизак айтди: «Бу шундай кишики, тонг вақтида бировнинг чўрисига қараган, бу вақтда чўри унга ҳаром эди; пешин вақтига борганда чўрини сотиб олгач, ҳалол бўлди; аср намози вақтига борганда чўрини озод қилган эди, яна ҳаром бўлди; кун ботарда чўрини ўз никоҳига олган эди, унга ҳалол бўлди; хуфтан вақтига борганда чўрини талоқ қилди, натижада у яна ҳаром бўлди; тонгда талоғидан ружу қилди (қайтди), чўри яна ўзига ҳалол бўлди».

«Менга ичидаги кишиси билан юрган қабрдан хабар бергин»,— дебди файласуф. Канизак айтибди: «Матто ўғли Юнус пайғамбарни ютган балиқдир».

«Менга бир марта кун тушган ва то қиёматгача иккинчи бор кун тушмайдиган бир ердан хабар бергин»,— дебди файласуф. Канизак жавоб берибди: «Бу — Мусо пайғамбар ҳассаси билан урган денгиздир (Нил дарёси); Мусо урган вақтда Бани Исроилнинг ўн икки қабиласига ўн икки йўл очилган эди, шунда (денгиздаги ўн икки йўлга) кун тушиб қуриган эди; то қиёматгача энди у ерга қайта кун тушмайди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз эллис
саккизинчи кеча*

Уй саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — файласуф канизакка қараб: «Ерга судралган дастлабки этакдан хабар бергин»,— дебди. Таваддуд айтибди: «У — Ҳожарнинг этаги бўлиб, кундоши Сорадан уялиб энгашган вақтда ерга судралган эди; шундан бошлаб этагини ерга судратиб қўйлак кийиш араблар учун одат бўлиб қолди».

«Менга учиб келиб баъзиси баланд дарахтнинг устига, баъзиси остига қўнган каптарлардан хабар бергин. У дарахтнинг устидаги тўдалар остига қўнган тўдага айтган: «Сизлардан битангиз бизга чиқиб қўшилсангиз, сизлар учдан бир бўласизлар, агар бизлардан биттамыз тушиб сизларга қўшилсак, сизлар билан сонимиз тенг бўлади»,— дебди файласуф. Канизак айтибди: «У каптарлар ўн иккита: дарахтнинг устига қўнганлари еттита, тагига қўнганлари бешта; агар дарахтнинг тагига қўнганлардан бири устидагиларга чиқиб қўшилса, улар икки ҳисса бўлади; агар юқоридагилардан бири пастдагиларга келиб қўшилса, юқоридагилар билан пастдагилар баробар бўлади».

Файласуф устидаги кийимларидан ажраб, югурганча чиқиб кетибди.

Таваддуднинг Наззом билан баҳсига келсак, канизак ҳозир бўлган уламоларга қараб: «Ҳар бир илм ва ҳар бир фанда мунозара қиладиганингиз қайси бирингиз?»— деб сўраган экан, шунда унинг қаршисида Наззом ўрнидан туриб: «Мени бошқалардек ҳисобламагин»,— дебди. Канизак айтибди: «Тўғриси

шуки, назаримда, сен албатта мағлуб бўласан, чунки сен ўзингни билимдон санаётирсан. Устингдан ғалаба қилишимга ва кийимларингни ечиб олиб яланғоч қилишимга худо ўзи ёрдам беради. Қийиб кетишингга керак бўладиган кийим-кечакка бирон кишини юбориб қўйсанг яхши бўларди». «Худо ҳақи, мен ғалаба қозонаман ва сени асрдан асрга ўтиб юрувчи дostonга айлантираман!»— деган экан Наззом, канизак: «Қасамингга каффорат бер (қасамингни юв)»,— дебди. Наззом айтибди: «Оллоҳ махлуқотни яратмасдан аввал яратган беш нарсадан хабар бергин».

Канизак жавоб берибди: «Улар: сув, тупроқ, нур, зулмат ва мевалардир». «Менга оллоҳ қудрат қўли билан ато қилган нарсалардан хабар бергин»,— дебди Наззом. Канизак айтибди: «Арш, Тубо дарахти, Одам, Адн жаннати — оллоҳ ўз қудрат қўли билан яратган нарсалар шулар. Энди бошқа махлуқларга келсак, оллоҳ: «Бўлинглар!»— деди-ю, бўлдилар».

«Исломдаги отангдан менга хабар бергин»— дебди Наззом. «Муҳаммад (худо раҳмат қилсин!)» «Муҳаммаднинг отаси ким?» «Оллоҳнинг дўсти Иброҳим». «Ислом дини нима?» Канизак айтибди: «Оллоҳдан бошқа ибодатга лойиқ оллоҳ йўқ, «Муҳаммад унинг элчиси» деб гувоҳлик беришдир».

«Менга аввалинг ва охиринг нима эканидан хабар бергин»— деб сўрабди Наззом. «Менинг аввалим бир томчи эрлик суюқлиги, охирим мурда, яна аввалим тупроқдан, охирим ҳам тупроққа боради. Шоир айтганки:

Тупроқдан яралиб, одам бўлдим, боқ!
Саволингга жавоб айтмай очикроқ:
Дейсанки, не учун ҳоку туробсан?
Дейманки, аслим — шу бир ҳовуч тупроқ!

«Менга аввали ёғоч, охири жон бўлган нарсдан хабар бергин»,—дебди Наззом. Канизак айтибди: «Бу Мусо пайғамбарнинг ҳассаси, уни саҳрога ташлаганда худонинг амри билан югурувчи илон бўлган». «Менга оллоҳнинг: «Мен учун бу ҳассада бошқа ҳожатлар бор», деган сўзидан хабар бергин»,— дебди Наззом. Канизак айтибди: «Мусо ҳассани ерга тикса, кўкариб мева қиларди ва иссиқдан, совуқдан сақлайдиган соябон бўларди, чарчаган вақтида уни таяниб юрарди, ухлаган вақтда қўйларни йиртқиш ҳайвонлардан сақларди».

«Менга эрдан яратилган хотиндан ва хотиндан яратилган эрдан хабар бергин»,— дебди Наззом. Канизак айтибди: «Ҳаво Одамдан, Исо Марямдан яратилган».

«Менга тўрт олов тўғрисида хабар бергин: улардан бири ёйди ва ичади; иккинчиси ёйди ва ичмайди, учинчиси ичади ва емайди; тўртинчиси емайди ҳам, ичмайди ҳам»,—дебди Наззом. «Ёйдиган, аммо ичмайдиган ўт дунё ўтидир; ёйдиган ва ичадиган — дўзах ўти; ичадиган ва емайдиган — қуёш ўти; емайдиган ва ичмайдиган — ой ўти»,—деб жавоб қилибди канизак. «Менга очилган ва бекилган нарсалардан хабар бергин»,— дебди Наззом. Канизак айтибди: «Эй Наззом, очиқ нарса — суннатлар, бекилган нарсалар — фарзлар».

«Шоирнинг қуйидаги сўзларидан менга хабар бергин:

Ўзи гўрда яшайди, бошидадир озуқи,
Шу озуқи — тилидир, сўнг сўзлар. (Сўзин ўқи.)
Ўрнидан туриб сўзлаб ёки сўзсиз кезади,
Ўзи гўрга қайтса ҳам, кўпларни тиргизади.
Ўзи тирик эмаски, халқдан у ҳурмат кўрса,
Ўзи ўлик эмаски, одамлар афсус деса».

«У — қалам»,— деб жавоб берибди канизак. «Менга шоирнинг қуйидаги шеърдан хабар бергин:

Чўнтаклари қаппайган, гул рангли қон сочади,
Қулоқлари қип-қизил, доим оғиз очади,
Доим уни чўқийди бир нарса хўроздака,
Баҳоси қиммат эмас, ярим дирҳам — мис чақа».

«У — сиёҳдон»,— дебди канизак. Наззом яна айтибди: «Шоирнинг қуйидаги шеърининг мазмунини айтиб бергин:

Фазлу фазоил аҳли, олиму оқилга айт,
Қонуншунос, фатвогар кирсин энди тилга! Айт!
Баланд мансаб, паст мансаб амалдорлар ҳам топсин,
Тополмас бўлса агар: тил тийиб оғиз ёпсин!
Ким билади? Арабда ҳам ўзга ўлкаларда —
Қушлар яратмиш уни, устига ёпиб парда.
У нарсанинг гўшти йўқ, кессанг чиқмайди қони,
Пати ҳам йўқ, пари ҳам, фақат бор ошиёни,
Пишириб еса бўлур, ҳам унинг хомлигича,
Ҳам қовуриб, ҳам қўрга кўмиб едилар неча.
Икки рангдан иборат: нуқра рангу олтин ранг,
Ҳам ўлигу ҳам тирик... Ажойиботга қаранг!
Фаросатинг етмаса тополмайсан! Сўз дема!
Фаросатинг бор бўлса, қани айт-чи, у нима?»

— «Сен қиммати бир пул бўлган тухум ҳақидаги сўзни шунча чўзиб юбординг»,— дебди канизак. Наззом: «Мусога оллоҳ қанча сўз айтганидан хабар бергин»,— дебди. Канизак айтибди: «Пайғамбардан ривоят қилинади (худо раҳмат қилсин!) у кишининг айтишича: «Оллоҳ Мусога минг беш юз ўн беш сўз айтган».

— «Менга оламнинг парвардигори билан гаплашган ўн тўрт махлуқдан хабар бергин»,— дебди Наззом. Канизак айтибди: «У етти осмон, етти қат ер, қачонки улар: «Амрингга итоат қилиб келдик» деган...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз эллик тўққизинчи кеча

ёқутни — сувдан, сувни — кўз қудратидан яратди. Тангрининг ўз сўзига кўра: «Оллоҳнинг амри шугинадирки, агар бир нарсани хоҳласа, унга «Бўл!» деб айтади, у бўлади»,— деб жавоб қилибди канизак. «Шоирнинг қуйидаги сўзидан хабар бергин:

Оғзи билан қорни йўқ, дарахт унинг овқати,
Биргина дарахт эмас, тирик жоннинг офати.
Озуқланган вақтида зўр ғайратга кўчади,
Сув берсанг ўлиб, сўниб, кул бўлади, ўлади».

— «У — ўт (олов)»,— дебди канизак. Наззом яна: «Шоирнинг қуйидаги сўзидан хабар бергин»— дебди:

Кундузлар беором, бирдам тиним йўқ,
Кечалар ухлашар тинч ошиқ-маъшуқ.
Сақлаб кишиларни тунги ташвишдан,
Кун чиққач безиллар очиш-ёпишдан.

«У — эшикнинг икки табақаси»,— дебди канизак. Наззом: «Шоирнинг қуйидаги сўзидан хабар бергин»— дебди:

Орқага борару олға югурар,
Кокили кетидан судралиб юрар.

Кўзи уйқу кўрмас, қилганда ёнбош,
Ҳаттоки кўзидан оқмас сира ёш,

Узи ҳамма учун тикса ҳам кийим,
Яланғоч яшайди, либос кўрмай жим.

«У — игнадир»,— дебди канизак.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз олтинчи тўлдирувчи кеча

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Наззом айтибди: «Менга пай-

гамбаримиз учун (худо раҳмат қилсин!) қанча шафоат борлигидан хабар бергин». Канизак: «Учта шафоат бор»,— дебди. «Исломи динини дастлаб қабул қилган Абубакирми?» «Ҳа, Абубакир». «Али исломи динини Абубакирдан аввал қабул қилган-ку?» дебди яна Наззом. Канизак айтибди: «Али етти ёш вақтида пайгамбарнинг (худо раҳмат қилсин!) олдига келибди, оллоҳ унга ҳидоятни насиб этибди, у ҳеч қачон бутга сажда қилмаган эди».

Наззом: «Али афзалми, Аббос афзалми?»,— деб сўрабди-ю, лекин канизак бу савол сўздан илинтириш учун қилинган бир ҳийла эканини пайқабди. Чунки агар канизак Аббосдан Али афзал деса, амир ал-мўминин олдида унинг учун узор йўқ. Шунинг учун бошини қуйи солиб сукут қилиб ўтириб, гоҳ қизарибди, гоҳ бўзарибди, сўнгра дебди: «Сен мендан одамлардан ортиқ бўлган икки киши ҳақида сўрайсан,

уларнинг ҳар бирида ўзларига яраша фазилатлари бор. Ўз музокарамузга қайтайлик».

Ҳорун ар-Рашид канизакдан бу сўзни эшитгандан кейин ўрнидан турибди ва канизакка қараб: «Қаъба парвардигори номи билан қасамёд қиламан, эй Таваддуд, яхши айтдинг!»— дебди.

Шундан кейин Иброҳим Наззом «Шоирнинг қуйидаги сўзлари мазмунидан хабар бергин»,— дебди канизакка:

Найзага ўхшару, аммо йўқ ниши,
Ҳам баланд бўйли, таъми мазали.

Шарбати дил тилар чанқаган дамда,
Айниқса рўзада, ифтор маҳали.

— «Шакарқамиш»— деб жавоб берибди канизак. Наззом: «Менга қуйидаги кўп масалалардан хабар бергин»,— дебди. «Улар нима?»— деб сўрабди канизак. «Нима асалдан ширин? Нима қиличдан ўткир? Заҳардан тезроқ нима? Бир дақиқалик лаззат нима? Уч кунлик хурсандлик нима? Энг кўнгилли кун қайси кун? Бир ҳафталик хурсандлик нима? Ҳақиқатан тан олмайдиган, киши ҳам инкор қилолмайдиган ҳақиқат нима? Қабр зиндони нима? Қалбнинг хурсандлиги нима? Нафснинг айёрлиги нима? Ҳаёт ўлими нима? Давосиз касал нима? Қутулиб бўлмайдиган айб нима? Обод ерда турмай, харобазорда турадиган, одам болаларига душманлик қиладиган ва унда етти жабр қилувчи махлуқотнинг белгилари бўлган махлуқ нима?» «Берган саволларингнинг жавобини эшит, кейин кийимларингни еч, мен уларни сенга изоҳлаб бераман»,— дебди канизак. Амир ал-мўминин: «Сен изоҳла, у кийимини ечади»,— дебди. Канизак айтибди: «Асалдан ширин нарса ота-онасига яхшилик қилувчи болаларга муҳаббат. Қиличдан

ўткир нарса — тил. Заҳардан тезроқ нарса — ёмон кўзлик кишининг кўзи. Энг кўнгилли кун — савдодан фойда қилинган кун. Бир ҳафталик хурсандлик — келин билан куёвнинг янги қўшилган кунлари. Ҳақиқатни тан олмайдиган, киши инкор қилолмайдиган ҳақиқат — ўлим. Қабр зиндони — ёмон фарзанд. Қалб хурсандлиги — эрига итоат қилувчи хотин, аммо баъзиларнинг айтишича, у гўштдир, уни еганда дил ором олади. Нафснинг айёрлиги — гуноҳкор банда. Ҳаёт ўлими — камбағаллик. Давосиз дард — бадхулқлик. Қутулиб бўлмайдиган айб — ёмон қиз. Обод ерда турмай, харобазорда турадиган, одамзодга душманлик қиладиган ва унда етти жабр қилувчи махлуқотнинг белгилари бўлган махлуқ — чигиртка: унинг боши отнинг бошига ўхшайди, бўйни — ҳўкиз бўйнига ўхшайди, қаноти — бургут қанотига ўхшайди, оёғи туя оёғига ўхшайди, думи — илоннинг думига ўхшайди, қорни — чаённинг қорнига ўхшайди ва шохи — кийикнинг шохига ўхшайди».

Халифа Ҳорун ар-Рашид канизакнинг зеҳни ўткирлиги ва сўзга моҳирлигидан таажжубда қолибди, сўнгра Наззомга: «Кийимингни еч!»— дебди. Наззом ўрнидан туриб, айтибди: «Бу мажлисда ўтирганларнинг ҳаммасини ўзимга гувоҳ қилиб айтаманки, бу канизак мендан ва ҳар қандай олимдан ҳам ўткир олим экан!» Кейин кийимларини ечиб бериб, Таваддудга дебди: «Буларни ол, улар сенга муборак бўлсин!» Амир ал-мўминин унга кийим келтиришни буюрибди.

Сўнгра, амир ал-мўминин айтибди: «Эй Таваддуд, сен ваъда қилган нарсалардан яна бир нарса қолди, у шахматдир». Шундан кейин у шахмат, нард ва ганжафа мутахассисларини ҳозир қилишни буюрибди. Улар ҳозир бўлибдилар. Шахматчи Таваддуднинг

қаршисига келиб ўтирибди, ўйин сафи тизибди. Шахматчи ҳам сурибди, канизак ҳам. Шахматчи қандай юрмасин, канизак уни бузиб турибди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз олтинчи
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,—амир ал-мўминин Ҳорун ар-Рашид ҳузурида канизак шахматчи билан ўйнаган вақтда, шахматчининг ҳар бир юришини бузиб турибди. Натижада шахматчи мот бўлибди.

«Сени ўзини билагон деб ҳисоблаган деган гумон билан йўл қўйган эдим, қани энди сенга бир ўйин кўрсатай»,— дебди шахматчи. Канизак иккинчи марта саф тизганда шахматчи ўз-ўзига: «Кўзингни оч, бўлмаса ютқизасан»,— дебди. Сўнгра у ҳар бир донани ўйлаб юриб, то канизак: «Шоҳ, мот!» дегунча шу хилда ўйнаб борибди. Канизакнинг ўйиндаги зийраклиги ва моҳирлигидан у ҳайратда қолибди. Канизак кулиб унга дебди: «Эй устоз, учинчи марта сен билан бас бойлаб, мусобақа қилишаман: фарзинимни, ўнг томондаги руҳимни, чапдаги аспимни олиб қўйиб, ўйнайман, агар ютсанг, кийимимни ол, агар мен ютсам, сенинг кийимингни оламан». «Бу шартингга розиман», дебди шахмат устози. Сўнгра улар саф тизибдилар. Таваддуд фарзинини, руҳини, аспини олибди ва: «Устоз юришни бошла» дебди. Устоз юриш бошлабди ва: «У сипоҳларини камайтириб ўйнаяпти, энди ютсам керак?» деб ўйлабди. Шу онда канизак то рақибининг фарзинига яқинлашгунча дона-

ларни секин-секин сура бошлабди, фарзинига яқинлашибди. Шунда пиёдалар ҳам фарзинни сиқиб қўйибди. Канизак устозни чалғитиб, унга дона берибди ва таъмага солиб қўйибди. Кейин канизак айтибди: «Ўлчак — тўла ўлчак, оғирлиги баробар қўйилган. Тоза тўйгунигча егин! Эй, одам боласи, таъмадан бошқа нарса сени ўлдирмайди. Сени алдамоқлик учун таъмага солиб қўйганимни билдингми? Бу мот бўлишингга қара». Сўнгра канизак унга: «Кийимингни еч!»— дебди. Устоз: «Ҳеч бўлмаса, лозимим қолсин»— дебди. Кийимларини ечиб, канизакка топшириб Бағдод мамлакатада ҳеч ким билан мунозара қилмасликка қасам ичиб чиқиб кетибди.

Шундан кейин нард ўйинчиси чақириб келтирилибди. Канизак унга айтибди: «Агар ютсам, нима берасан?» «Атрофига зар уқа тутган истамбул ипакли кийимдан ўнта, бахмалдан тикилган ўнта кийим, яна устига минг тилла бераман. Агар мен ютсам, ғолиблигимдан гувоҳлик берувчи хат ёзиб берсанг бўлгани», дебди нард ўйинчиси. «Майли, шартингга розиман»,— дебди канизак. Нард ўйинчиси ўйин бошлаши биланоқ ютқизибди. У ғингиллаб ўрнидан тураркан, дебди: «Амир ал-мўмининнинг давлати билан қасамёд қиламанки, ҳеч мамлакатда бу канизакка тенг келадиган одам топилмайди!»

Сўнгра амир ал-мўминин созандаларни чақиртирибди, улар ҳозир бўлибдилар. Амир ал-мўминин канизакдан: «Чолғу асбобларидан биронтасини чалишни биласанми?» деб сўраган экан. «Ҳа, биламан», деб жавоб берибди канизак. Халифа тирналган, эгаси ҳижрон дардида қийналган бир удни олиб келишни буюрибди. Уша уд ҳақида баъзи васиф қилувчилардан бири бундай деган:

Уд, кўкартирганга раҳмат ёғдир, э парвардигор!
Тонди шох ҳам илдизи халқ ичра энг зўр эътибор,
Кўм-кўклик вақтида қушларгадир у ошиён,
Қуригач, чолғу ясаб, қизлар ўқирлар ёр-ёр.

Шунда қизил атлас ғилофга солинган заъфарон дастали уд келгиришибди. Канизак ғилофдан удни чиқарибди. Унга қуйидаги мисралар нақш қилинган экан:

Янги бу шохларда қушлар сайраши мақсад эрур,
Тенгу туш қизлар учун бу базм аро уд эрур,
Куйлашиб қизлар, нафис қўлларда бу уд жўр бўлур,
Андалиб куй ўрганишга келгали мажбур бўлур.

Удни кўкрагига босибди, боласини эмизаётган онадек энгашиб, кейин ўн икки мақомга солиб торларни чертибди, мажлис шодликдан мавж уриб кетибди. Канизак қуйидаги шеърни айтибди:

Фироқу зулми кўп ҳаддан оширманг, энди кам айланг,
Аламдийда, кўзи ёш, кўкси чокларга карам айланг.

Амир ал-мўминин ғоят шодланиб: «Оллоҳ сенга марҳамат қилсин ва устозларингга офарин десин!» дебди. Канизак ўрнидан туриб бориб, халифа олдида ер ўпибди. Сўнгра амир ал-мўминин ваъда қилинган молни ҳозирлашга буюриб, унинг хожасига юз минг тилла берибди. Канизакка дебди: «Эй Таваддуд, тила тилагингни!» Канизак: «Мени сизга сотган хожамга қайтаришингизни илтимос қиламан»,— дебди. «Хўп»,— дебди халифа ва канизакни хожасига қайтарибди. Канизакка беш минг тилла берибди. Хожасини эса узоқ вақт ўзига ҳамсуҳбат қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз олтин иккичи кеча

й саодатли шох,— деб ҳикоясини бошлабди. Шаҳризод,— халифа канизакка беш минг тилла бериб, уни хожасига қайтарибди, хожасини узоқ вақт ўзига суҳбатдош қилиб олибди. Унга ҳар ойда минг тилладан пул тайин қилибди. У Таваддуд билан тотли ҳаёт кечирибди.

Эй подшоҳим, бу канизакнинг фасоҳат-балоғатига, билимдонлигига, зеҳнининг ўткирлигига, жами илмлардаги фазлу камолатига таажжубланмоқ керак. Амир ал-мўминин Ҳорун ар-Рашиднинг мурувватига қарангки, канизакнинг хожасига юз минг олтин бериб туриб, канизакка: «Тила тилагингни!» дебди. Шунда канизак ўзини хожасига қайтариб беришни сўрабди, амир ал-мўминин унинг талабини қондириб, уни хожасига қайтарибди ва унга беш минг тилла мукофот берибди, хожасини ўзига суҳбатдош қилиб олибди. Аббосий халифалардан кейин бу жавонмардлик қаерда топилди! Ҳа, ҳаммаларини худо раҳмат қилсин!

МОЛ-ДУНЕГА МАҒРУР БУЛМАСЛИК, УНГА ҲИРС ҚУЙМАСЛИК ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАР



й саодатли шох, ўтмишдаги подшолардан бири мамлакат аҳли, давлат арбоблари билан бирга отланиб чиқиб, зебу зийнатини ва шону шавкатини халойиққа кўрсатмоқчи бўлибди. У суҳбатдошларига, амирларга, давлат аъёнларига йўлга отланишни буюрибди. Қийим-кечак

хазинадорларига подшоларнинг зийнатига лойиқ энг яхши кийимлар тайёрлашни, машҳур Утоқ деган отини ҳозирлашни буюрибди.

Ҳамма тайёр бўлибди. Шоҳ жавоҳир ва ҳар хил дуру ёқутлар қадалган ажойиб кийимларини кийиб, отга миниб, давлат арбоблари билан йўлга чиқибди. Барча аскарларини миндирибди. Шунда шайтон келиб, бурнининг устига қўлини қўйиб, бурнига такаб-бурлик, ўзига бино қўйишлик елини пуфлабди. Подшо яна ҳам кеккайиб ўз-ўзига: «Оламда менга ўхшаш ким бор?» дебди. Ўзини катта тутиб ғоят кибрланиб кетибди. Улуғлик даъво қилиб қолибди. Кибр-ҳавога берилиб кетганлигидан, ғурурининг зўрлигидан ҳеч кимга қарагиси ва ҳеч ким билан гаплашгиси келмай қолибди.

Шу онда эски кийим кийган бир одам келиб унга салом берган экан, подшо унинг саломига алиқ олмабди, ҳалиги одам подшо отининг жиловини ушлабди. Подшо унга: «Қўлингни торт! Кимнинг отининг жиловини ушлаганингни билиясанми ўзинг?» деб ўдағайлаган экан, «Сизга айтадиган сўзим бор», дебди у киши. «Тўхта, мен аввал отдан тушай, ундан кейин сўзингни айтарсан», дебди подшо. «Бу сир, уни фақат қулоғингизга айтаман», дебди ҳалиги киши. Подшо унга қулоғини тутибди. У киши: «Мен жон олувчи Азроилман, ҳозир жонингни оламан», дебди. Подшо айтибди: «Муҳлат берсанг, туғишганларим, болаларим, қўшнилариим ва хотиним билан видолашай». Азроил: «Йўқ, сен асло қайтмайсан, улар билан энди дийдор кўришмайсан, умринг муддати ўтди», деб от устидаёқ подшонинг жонини олибди, подшо отдан йиқилиб тушибди.

Азроил у ердан ўтиб, тангри рози бўлган бир солиҳ кишининг олдига келиб, унга салом берибди.

У Азроилнинг саломига жавоб қайтарибди. Азроил айтибди: «Эй солиҳ банда, сенга сўзим бор, аммо сир». Солиҳ киши: «Гапингни қулоғимга айт», дебди. У: «Мен Азроилман»,— дебди. «Хуш келибсиз,— дебди солиҳ киши.— Қелганингиз учун худога ҳамд атаман. Қелишингизни кўпдан бери кутардим, қадамингизга муштоқ эдик, жуда ҳам ҳаяллаб кетдингиз». Азроил унга: «Агар ишларинг бўлса битиргин», дебди. Солиҳ киши: «Назаримда, худо билан юз кўришишдан муҳимроқ иш йўқ»,— деб жавоб қилибди. «Жонингни қандай олай? Жонингни қандай олишни ихтиёр қилсанг, қандай хоҳласанг, шундай олиш буюрилган», дебди Азроил. Солиҳ киши айтибди: «Таҳорат қилиб, намоз ўқиб, саждага боргунимча муҳлат бергин, саждада турган ҳолимда жонимни олгин»,— дебди.

Азроил айтибди: «Улуғ раббим сенинг жонингни ўз ихтиёринг билан, қандай хоҳласанг шундай олишга буюрган, айтганингни қиламан». Солиҳ киши ўрнидан туриб таҳорат қилибди ва намоз ўқибди. Азроил унинг жонини саждага борганида олибди. Оллоҳ уни раҳмат қиладиган, рози бўладиган ва ярлақайдиган ерига кўчирибди.

* * *

Яна ҳикоя қиладиларки, подшолардан бири беҳисоб мол-дунё йиққан экан. Худойи таолонинг бу дунёда яратган ҳар хил нарсаларидан жуда кўп тўплаб, шу билан фароғатли ҳаёт кечирмоқчи экан. Жам қилган битмас-туганмас бойликлар билан-фароғатда яшаш учун шоҳона баланд ва ниҳоятда кўркам бир сарой бино қилдирибди, кейин унга жуда мустаҳкам икки эшик қурдирибди, саройга кўнглига ёққан

ўспирин болалардан хизматчилар, соқчи аскарлар, дарвозабонлар тайинлабди.

Кунларнинг бирида ошпазларига энг лаззатли таомлар буюрибди. Бирга таом емак, инъом-эҳсон олмоқ учун қавму қариндошлари, яқин кишилари, суҳбатдошлари ва хизматчиларини йиғибди. Ўзи подшолик тахтига савлат тўкиб чиқиб ўтирибди, орқасига қўйилган ёстиқларга суяниб, ўз-ўзига айтибди: «Эй нафс, сени деб дунёдаги неъматларнинг ҳаммасини йиғдим, энди сен лаззатини кўр, узоқ умр кўриб мўл-кўл насибалар ва неъматлардан тоггин...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— подшо ўз-ўзига айтибди: «Узоқ умр кўриб, мўл-кўл насибалар ва ноз-неъматлардан тоггин». Ўз-ўзига айтган бу гапни тугатмасданоқ, эски кийим кийган, бўйнига тўрва осган бир одам гадоё қиёфасида саройга кириб келибди. У одам сарой дарвозасига келиб, ҳалқаларини шундай қаттиқ ва даҳшат билан қоқибдики, сарой ларзага келиб,

тахт ўрнидан қўзғалгудек бўлибди, ўспирин йигитлар қўрқиб кетиб, дарвозага қараб отилибдилар ва уни қоққан кишига: «Эй бадбахт, бу қандай гап, қандай беодоблик! Подшо таомни еб бўлгунча сабр қил, ундан ортгани сенга!», деб қичқаришибди. Келган киши йигитларга: «Хожаларингизга айтинг, чиқиб менга учрашсин, унда зарур ишим бор», деб-

ди Йигитлар: «Нари тур, эй гадо, кимсан ўзинг, хожамизни чиқишга буюрасан?» дейишибди. Келган киши: «Мендан унга хабар беринглар»,— дебди.

Йигитлар подшо олдига бориб, бу кишидан хабар қилибдилар, подшо: «Ҳайдамадингларми, қилич ялангочлаб, кет деб уришмадингларми?» дебди. Шу вақт ҳалиги киши дарвозани аввалгисидан ҳам даҳшатлироқ қоқибди, йигитлар калтак ва қуроқ кўтариб у томонга югуриб боришган экан, ҳалиги киши уларга қаттиқ бақирди: «Тўхтанглар, Азроил бўламан!» дебди. Йигитларнинг юраги чиқиб, ақлдан озишларига сая қолибди, ҳушлари кетиб, аъзойи баданларига титроқ турибди, оёқ-қўллари қимирламай қолибди. Подшо бу гаплардан хабар топгач, уларга дебди: «Айтинглар, менинг ўрнимга жон бадали ва эвазини олсин». Азроил айтибди: «Мен жон бадали олмайман, ўзингни деб, йиққан-терганларингни, жам қилган мол-дунёларингни, хазиналарингни сочиш учун келганман».

Бу сўзларни эшитган подшо оҳ тортиб йиғлаб бундай дебди: «Парвардигоримнинг ибодатидан мени чалғитган, охиратимга зарар келтирган, дунёда мени мағрур қилиб қўйган мол-дунёга оллонинг лаънати ёғилсин! Улардан фойда бўлар деб ўйлагандим, энди мен уларнинг уволига қолдим. Дунёдан икки қўлим бўш чиқиб кетаётирман, мол-дунём душманларимга қолади энди».

Айтишларинча, тангри мол-дунёсини сўзлатибди: «Нима учун сен менга лаънат айтасан, ўз нафсингга лаънат айт. Аниқки, олло таоло сени ва мени тупроқдан яратди; тангри мени охират тайёргарлигини кўришинг учун, фақир, мискинларга, ожизларга садақа қилишинг учун, яна работлар, масжидлар, кўприклар солиб, ер остидан сув келтириш учун сенинг



Тўрт юз олтинчи
учинчи кеча

қўлингга берган эди. Шундай қилганингда охират дунёда сенга мадаккор бўлардим. Сен бўлсанг мени йиғдинг, хазинага солдинг, ҳойю-ҳавасингга сарф этдинг, шукронамни адо қилмадинг, аксинча, куфрони неъмат қилдинг. Энди мени душманларингга қолдирдинг, ўзинг эса ҳасрат-надоматда қолдинг. Менинг нима гуноҳим борки, мени сўкасан?»

Сўнгра Азроил, подшо ҳали ҳозирланган таомни еб улгурмасдан, тахтининг устида жонини олибди, подшо тахт устидан йиқилиб тушибди. Олло таоло айтган: «Улар берилган неъматларга маст бўлган вақтларида биз тўсатдан уларнинг жонларини олганмиз, улар ноумид бўлиб дунёдан қайтганлар».

* * *

Яна ҳикоялардан бирида келтирилишича, Бани Исроил шоҳларидан бир золим подшо кунлардан бир куни тахтида ўтирган экан, бедаво, баҳайбат бир кишининг эшикдан кириб келганини кўрибди. Унинг тўсатдан кириб келганидан сесканиб, важоҳатидан қўрқибди, қаршисига отилиб дебди: «Сен қандай одамсан, менинг олдимга киришга сенга ким рухсат берди, саройимга киришга ким буюрди?» У киши: «Сарой эгаси фармон берди. Мен шундай одамманки, дарвозабон йўлимни тўсолмайди, подшоларнинг олдига кириш учун рухсатга муҳтож ҳам эмасман, ҳар бир султоннинг сиёсатидан ва аскар-лашкарларидан ҳам қўрқмайман, мен шундай махлуқманки, золимлар мени даф қилолмайди, ҳеч ким чангалимдан қочиб қутулолмайди. Мен ҳаловатни заҳарга айлантираман, жамоатларни бир-биридан айириб ташлайман»,— дебди.

Подшо бу сўзни эшитгач, юзтубан йиқилибди, баданига титроқ туриб ҳушидан кетибди. Сўнгра ҳушига келиб: «Сен Азроилмисан?»— деб сўрабди. «Ҳа, мен жон олувчи Азроилман»,— дебди. Шунда подшо: «Олло ҳақи, бир кунгина муҳлат беришингизни сўрайман, парвардигоримдан узр сўраб, гуноҳларимни ирлақомогини сўрасам, хазинамдаги мол-дунёларни ўз эгаларига қайтарсам дейман, чунки мен уларнинг ҳисоб-китоб машаққатини кўтаролмайман, оғир азобга ҳам тобим йўқ»,— деб илтижо қилибди. Азроил: «**Ҳайҳот!** Бу мумкин эмас, бу илтимосингга ўрин йўқ»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— Азроил: «Ҳайҳот, бу илтимосингга ўрин йўқ.



Тўрт юз олтмиш тўртинчи кеча

Кунларинг ҳисобли, нафасларинг санокли, умр муддатинг ёзиқлик бўлгандан кейин, сенга қандай қилиб муҳлат бераман?»— дебди. «Бўлмаса бир соатлик муҳлат бергин»,— дебди подшо. Азроил айтибди: «Соат ҳам ҳисобда эди, у ҳам сенинг ғофиллигинг билан ўтиб кетиб, бепарволигинг билан тугади. Нафасларингни ҳам олиб бўлдинг, биргина нафасинг қолди». «Мени қабрга олиб борганларида ёнимда ким бўлади?»— деб сўрабди подшо. Ёнингда аъмолингдан бошқа нарса бўлмайди,— дебди Азроил. Подшо айтибди: «Бирон яхши аъмолим йўқ». «Ундай бўлса, чораси ҳам йўқ, борадиган еринг дўзах, учрайдиганинг худонинг ғазаби»,— дебди Азроил.

Сўнгра Азроил унинг жонини олибди, подшо тах-
тидан ерга йиқилиб тушибди. Мамлакат аҳллари
орасида доду фарёд, йиғи-сиғи кўтарилибди. Агар
улар подшонинг парвардигор ғазабига учраганини
билсалар эди, йиғи-сиғилари кўпроқ, доду фарёдлари
янада қаттиқроқ бўларди.

* * *

Яна ҳикоя қиладиларки, Искандар Зулқарнайн
ўз сафари вақтида қашшоқ ва камбағал қабилалар
ёнидан ўтибди, уларда ҳеч қандай бу дунёнинг ти-
рикчилик асбоблари йўқ экан. Қабристонлари эшик-
лари ёнида бўлар экан. Қабристонларидан хабар олиб,
қабрларга ўтирган чанглари супуриб-сидириб турар,
зиёрат қилар ва оллоҳга у ерда ибодат қилар эканлар.
Уларнинг ўт-ўлан ва ўзи ўсган дарахт меваларидан
бошқа овқатлари бўлмас экан.

Искандар Зулқарнайн уларнинг подшоҳини ча-
қиртирган экан, аммо у: «Искандарда ишим йўқ»,—
деб унинг амрига эътибор бермабди. Шунда Искан-
дарнинг ўзи бориб: «Ҳол-аҳволингиз ва турмушингиз
қалай? Мен сизларда олтин-кумуш ва дунё неъмат-
ларидан ҳеч нарса кўрмадим-ку»,— дебди. У подшо:
«Дунё неъматларига ҳеч ким тўйган эмас»,— деб жа-
воб қилибди. Искандар сўрабди: «Нима сабабдан
қабрларингизни эшикларингиз олдига ковладингиз?»
Подшо айтибди: «Кўз олдимизда бўлсин, уларни кўриб
туриб, ўлимни, охиратни ёддан чиқармайлик, дунёга
ҳирс қўйиб тоат-ибодатдан ғофил бўлмайлик, деган
ниятда, дилимиздан дунё муҳаббатини кетказиш учун
шундай қилганмиз». Искандар айтибди: «Нима учун
ўт-ўлан ейсизлар?» Подшо жавоб қилибди: «Қорин-

ларимизни ҳайвонотга қабр қилишни ёмон кўраемиз,
таомнинг лаззати ҳам ҳалқумдан нарига ўтмайди-ку,
ахир».

Сўнгра қўлини чўзиб, бир одамнинг бош суягини
олиб, Искандарнинг олдига қўйибди ва дебди: «Эй
Зулқарнайн, биласанми, бу бошнинг эгаси ким эди?»
Искандар: «Йўқ, билмайман»,— дебди. Подшо айтиб-
ди: «Бу жаҳонгир подшолардан бирининг боши эди,
фуқароларига ва ожизларга жабр-зулм қиларди,
бутун умри дунё йиғиш билан ўтди, сўнгра оллоҳ
жонини олиб, жойини дўзахдан қилди. Бу ўшанин-
г боши».

Яна қўлини чўзиб Зулқарнайн олдига бошқа бир
бош суягини қўйиб сўрабди: «Буни танийсанми?»
«Йўқ»,— дебди Зулқарнайн. «Бу — ер юзига ҳукмин
ўтказган подшолардан бири эди, фуқаросига адолат-
ли, мамлакат аҳлига меҳрибон эди,— дебди подшо,—
оллоҳ унинг жонини олиб, жаннатдан олий ўрин
берди». Кейин подшо қўлини Зулқарнайннинг бошига
қўйиб: «Қани энди, бу икки бошдан қайси бири ким-
ники эканлигини билиб бўлсайди»,— дебди.

Зулқарнайн ҳўнграб йиғлаб юбориб, подшони
маҳкам бағрига босибди ва унга дебди: «Мен билан
суҳбатдош бўлишга розилик берсанг, сенга вазирлик
лавозимини топшириб, мамлакатимга шерик қилар-
дим». «Ҳайҳот, ҳайҳот, бунга рағбатим йўқ!» «Нима
учун?»— сўрабди Искандар. Подшо айтибди: «Чунки
халойиқнинг ҳаммаси мол-мулкинг туфайли сенга
душман, қаноат ва йўқсиллик туфайли улар менинг
ҳақиқий дўстларимдир, чунки менинг мулким ҳам
йўқ, дунёга тамаим ҳам йўқ, у тарафга талабим ҳам,
у дунёга эҳтиёжим ҳам йўқ. Менга қаноатдан бошқа
ҳеч нарса керак эмас». Искандар уни яна кўкрагига
босиб, пешонасидан ўлиб, ўз йўлига равона бўлибди.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, одил подшо Ануширвон, кунлардан бир кун ўзини бемор кўрсатиб, эътиқодли кишиларини чақиртирибди-да, мамлакатадаги ҳар бир вилоят, ҳар бир манзилни айланиб, нообод, хароба қишлоқдан бирини топиб, эски, ташландиқ бино гиштидан топиб келинглари деб буюрибди ва яқинларига: «Табиблар бундай гиштининг хислатларини айтганлар, у билан даволанаман»,— дебди. Кишилар мамлакатнинг ҳар бир вилояти ва тарафларини айланиб, хароба ерни излай бошлабдилар. Қайтиб Ануширвон олдига келибдилар ва: «Мамлакатда вайрона бир жойни ва эски бинонинг бирор гиштини тополмадик»,— дебдилар. Буни эшитиб Ануширвон севинибди, тангрига шукур қилиб, айтибди: «Бирор хароб жой бўлса билиб, уни обод қилай деган ният билан синаб ва тажриба қилиб кўрган эдим. Энди билсам, мамлакатда нообод жой қолмабди, ободонлик иши камолга етибди, ҳамма жойда тартиб-интизом жорий бўлибди, мамлакатдорлик ишлари тўла-тўқис бўлибди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини бошлади Шаҳризод,— давлат арбоблари қайтиб келиб: «Бутун

мамлакатни ахтардик, вайрона бирор жой, эски бинонинг бирор гиштини тополмадик»,— дебдилар. Ануширвон: «Энди мамлакатда нообод жой қолмабди, ҳамма жойда тартиб ва интизом жорий бўлибди, мамлакатдорлик ишлари тўла-тўқис бўлибди»,— деб тангрига шукур қилибди.



Тўрт юз олтинчи бешинчи кеча

— Эй подшо,— дебди Шаҳризод,— билгинки, қадимги подшоларнинг ҳиммати, жадду-жаҳди ёлғиз мамлакатнинг ободонлигига қаратилган эмас, мамлакат обод бўлса, халойиқнинг давлатга рағбати шунчалик ортади, деган мақсадни кўзлаб иш тутганлар, чунки улар, ҳукамо ва уламоларнинг бу ҳақдаги сўзларига шубҳасиз амал қилганлар; улар: «Дин шоҳлик билан, подшолик аскар билан, аскар мол билан, мол мамлакат ободонлиги билан, мамлакат ободонлиги фуқарога адолат қилиш билан бўлади»,— деганлар.

Шунинг учун у подшолар ҳеч кимнинг жабр-зулм қилишига йўл қўймаганлар, ўз кишиларининг фуқарога адолатсизлик билан қўл чўзишига рози бўлмаганлар, фуқаро жабр-зулмга узоқ бардош бермаслигини, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир маконни золимлар истило қилса, у ер хароб бўлиб, аҳолининг тарқалиб кетишини, бошқа вилоятларга қочиб кетишини билганлар. Ундай бўлса, подшоликка нуқсон етади, мамлакатда даромад камайиб кетади, хазиналар мол-дунёдан бўшаб қолади, фуқаронинг ҳаёти сафосиз бўлади. Жабр қилувчини фуқаро ҳеч вақт дўст тутмайди ва уларни қарғашдан тўхтамайди. Ундай бўлса, подшо ҳам ўз мамлакатидан манфаатдор бўлмайди ва унга турли хил бало ёпишади.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Бани Исроилда бир қози бор экан. Унинг ғоят соҳибжамол, ифбатли, ҳар бир машаққатга чидамли ва сабрли хотини бор экан. У қози Байтулмақадасни зиёрат қилиш мақсадида ўз шаҳридан қўзғалмоқчи бўлибди, қозиликка ўз биродарини қўйибди. Хотинини ҳам биродарининг

ҳимоясига топширибди. Биродари қози хотинининг ҳусн-жамолини кўриб, унга ошиқ бўлиб қолган экан.

Қози йўлга чиққандан сўнг, биродари хотин олди-га келиб, уни ёмон йўлга бошлади. Хотин тақводорлик билан иффатини сақлаб, норозилик билдирди. Аммо қозининг биродари қайта-қайта дардини таклиф қилди, хотин унамади. У ноумид бўлгандан кейин, кирдикоримни хотин биродаримга айтади, деб қўрқди ва хотиннинг зинокорлигига ёлғон гувоҳлар топиб, хотинга тўхмат қилди. Бу воқеани ўша замон подшоҳига етказди, подшо хотинни тошбўрон қилишга буюрди. Чуқур кавлаб, хотинни унга ўтқаздилар, тош билан кўмилиб кетгунча тошбўрон қилдилар. Подшо: «Бу чуқур унинг қабри бўлсин!»— дебди.

Тун қоронғиси тушгандан кейин хотин тошбўрон азобидан инграй бошлади; қишлеққа кетаётган бир одам хотиннинг инграшини эшитгач, унинг олдига келиб, чуқурдан тортиб олди. У хотинни опичиб ўз хотини олдига олиб келиб даволашни буюрди. Бемор шифо топгунча хотини уни парвариш қилди. У одамнинг боласи бор эди, болани боқишни бу хотинга топширди. У хотин иккинчи бир хонада бола билан бирга туриб, уни парвариш қиларди.

Бебош олғирлардан бири хотинни бу аҳволда кўриб қолиб, унга қўшиялғиси келди ва ўз нафсига таклиф қилиб киши юборди. Хотин бунни рад этди. Шунда у хотинни ўлдиришга қасд қилиб, кечаси ухлаб ётганда келиб, уйига кирди ва пичоқ кўтариб унга ташланди. Пичоғи болага тегиб уни сўйиб қўйди. Болани сўйиб қўйганини билгач, қўрқиб хонадан чиқиб кетди, тангри хотинни ундан сақлаб қолди. Тонг отганда қараса, бола ёнида сўйилиб ётибди; боланинг онаси келиб: «Сен сўйгансан»,— деб дод-вой сояди, хотинни хўп тутиб урди, сўймоқчи ҳам

бўлди, шунда боланинг отаси келиб, у аёлни қутқазиб қолди ва: «Худо ҳақи, бу сўймаган!»— деди. Ҳалиги аёл ўзини қутқазиш учун уйдан қочиб чиқиб, қаёққа боришини билмай қолди. Ёнида бир оз пули бор эди. Қандайдир бир қишлоқдан ўта туриб, одамлар тўпланиб турганини, дорга осилган бир одам жон талвасасида эканини кўрди. Хотин сўради: «Эй халойиқ, бунга нима бўлган?» Одамлар жавоб қилишди: «Бу бир гуноҳ иш қилган, уни бу гуноҳдан ўлим ёки бир қанча танга садақа қутқазади». Хотин ёнидаги тангаларни чиқариб: «Бу пулларни олинглар ва уни бўшатишлар»,— деди.

Гуноҳкор бу хотин олдида тавба қилиб, то ўлгунча худо йўлида шу хотинга хизмат қилишни ўзига лозим топди. Кейин ибодатхона қуриб, хотинни шунга ўтқазиб қўйди: ўзи ўтинчилик қилиб, хотиннинг ейиш-ичишидан хабар олиб турди. Хотин шу қадар жадду-жаҳд билан ибодат қилдики, натижада унинг олдига келган касалга ёки офат текканларга дуо қилса, шу онда шифо топадиган бўлди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз олтинчи
олтинчи кеча

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— у хотин олдига одамлар ҳар тарафдан дуо талаб қилиб келар, у эса ибодатхонада оллоҳга сиғиниш билан машғул бўларди. Уни тошбўрон қилдирган қайнисининг юзига оллоҳнинг ҳукми билан офат етди, уни урган хотин пес бўлиб қолди, бебок олғир бир дарди бедавога мубтало бўлиб ўтириб қолди.

Хотиннинг эри қози ҳаждан қайтиб келгандан кейин биродаридан хотинини сўради, у эса хотиннинг ўлди, деган хабарни айтди. Қози ҳасрат чекиб, оллоҳдан ажру-савоб кўз тутди. Одамлар, тақводор хотин тўғрисида бир-бирларидан хабар топиб, ҳар тарафдан, узоқ-яқиндан унинг ибодатхонасига кела бошладилар. Қози биродарига: «Ҳой укам, бу тақводор хотин олдига бормайсанми, шояд оллоҳ унинг дуоси билан сенга шифо берса!»— деди. Биродари айтди: «Мени унга ўзинг олиб бор».

Тақводор хотиннинг овозасини пес бўлган хотиннинг эри ҳам эшитиб, хотинини олиб борди; бир ерда ўтириб қолган бебок-олғирнинг яқинлари ҳам буни эшитиб, уни ўша хотиннинг ҳузурига олиб боришди. Ҳаммалари ибодатхона эшиги олдига йиғилишди. Тақводор хотинни ҳеч ким кўрмасди, у ҳаммани кўрарди. Келганлар унинг хизматчиси келгунча мунтазир бўлиб кутишарди, хотиннинг олдига киришга рухсат сўраб беришини илтимос қилишарди, у рухсат сўраб берарди. Тақводор хотин юзига ниқоб тутиб, ҳижоб билан эшик олдида гўхтаб эрига, эрининг биродарига, бебок-олғирга, ўзини урган хотинга қараб, уларни таниди, лекин улар буни танимас эдилар.

Уларга қараб: «Эй бандалар, қилган гуноҳларингизни бўйнингизга олмагунча дардларингиздан қутула олмайсизлар. Банда ўз гуноҳини тан олса, оллоҳ тавбасини қабул қилиб, мурод-мақсадига етказди»,— деди.

Қози ўз биродарига: «Эй биродар, худога тавба қил, гуноҳингда туриб олма, дарддан халос бўлишингга яхши, ҳолат тили шу мақолни айтади:

Золим билан мазлум — иков дуч келишар кун келди,
Пинаҳон сирини фош қилишга қаҳқор эгам тикилди.

Мана энди шу фурсатда таҳқирланар гуноҳкор,
Беғуноҳнинг дасти баланд бўлсин, тангри бўлиб ёр.

Гуноҳқорнинг жаҳли чиқиб, қанча қилса ўжарлик:
Ҳақиқатни буколмайди, кесолмайди ўтмас кек...

Душманларнинг ҳолига вой, қаҳқор қаҳр этиб қолса,
Билмасикин не бўлишин, ғазаб гар кўзгалса!

Ғам-қайғулар кўмсин сени, шухратпараст, бетавфиқ!
Бор, ўзингга паноҳ тилаб, олло таолодан қўрқ!

Шу вақт қозининг биродари: «Энди ҳақиқатни айтаман: Сенинг хотинингга кўз олайтиргандим, гуноҳим шу»,— деди. Пес хотин: «Меникида бир хотин турарди, қилмаган нарсасини қилдинг, деб унга азоб бердим, қасддан урдим, менинг гуноҳим шу»,— деди. Бир ерда ўтириб қолган бебок-олғир айтди: «Мен ярамас йўлга бошламоқчи бўлган хотин зинодан бош тортганда, уни ўлдириш қасдида уйига бостириб кирганимда, уни деб ёнида ётган болани сўйиб қўйгандим. Гуноҳим шу».

Тақводор хотин буларни эшитгач, деди: «Ё оллоҳ, буларга гуноҳнинг хўрлигини кўрсатганингдек, тоатининг иззатини ҳам кўрсатгин, ўзинг ҳар нарсага қодирсан». Унинг дуоси билан оллоҳ ҳаммасига шифо берди. Қози хотинга тикилганди, хотин тикилиш сабабини сўради. Қози айтди: «Хотиним бор эди, агар у ўлган бўлмаса: «Ўша хотин сен дердим», деди. Хотин ўзини танитди, айрилиб кетганларидан кейин яна бирга учраштиргани ва қилган марҳамати учун икковлари биргаликда оллоҳга ҳамд этдилар, сўнгра қозининг биродари, бебок-олғир ва хотин ҳаммалари тақводор хотиндан афв қилишини сўрадилар. У, ҳаммаларини афв қилди. Хотиннинг хизматида бўлишни

Ўзларига дозим билиб, ўлим ўрталарини айиргунча ҳаммалари шу ерда тангрига ибодат қилиб қолдилар.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, саидлардан бири деган эканки: «Мен қоронғи кечада Каъбани тавоф қилиб юрган пайтимда бир инграган овозни эшитдим, у ғамгин юракдан нола қиларди: «Эй марҳаматли худо, сенинг лутфинг қадимий, менинг қалбим эса берган аҳдида барқарордир». Уша овозни эшитиш учун қалбим у томонга қараб шундай учдики, ўлишимга сал қолди ва овоз чиққан тарафга қараб боравердим, кўрсам, у овоз эгаси бир хотин экан.

«Эй, оллоҳнинг чўриси, ассалому алайкум!»— дедим унга. У: «Ваалайқас-салому вараҳматуллоҳи вабаракотух!» деб жавоб қайтарди. «Худо номи билан қасамёд қилиб сендан сўрайман, қалбинг барқарор бўлган аҳдинг нима?» дедим унга. Хотин жавоб берди: «Худонинг номини тилга олиб қасамёд қилмаганингда бу сирдан сени хабардор қилмасдим, бу ёққа қара». Қарасам, унинг олдида бир ёш бола хуррак отиб ухлаб ётибди. Хотин айтди: «Бу болага ҳомиладорлигимда Байтуллони тавоф қилиш учун йўлга чиқиб бир кемага ўтирган эдим, шамол қўзғалиб, тўлқин кўтарилди, шамол кучайиб, ўтирган кемамиз вайрон бўлиб кетди. Мен бир парча тахта устида ғарқ бўлишдан омон қолдим, бу болани ўша тахта устида тугдим, бола қучоғимда ётганда тўлқин мени уриб турарди...»

Қисса шу ерга етганда тонг оғди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз олтинчи
еттинчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— хотин айтибди:

«Кема вайрон бўлиб кет-

ганда, мен бир парча тахта устида ғарқ бўлишдан омон қолдим ва бу болани ўша тахта устида тугдим, бола қучоғимда ётганда тўлқин келиб менга урилиб турарди. Шу вақтда кемачилардан бири ёнимга етиб келди ва айтди: «Худо ҳақи, кемада эканингда сени яхши кўриб қолган эдим, энди келиб сен билан

топишдим; нафсимни қондир, бўлмаса, шу денгизга ташлайман». «Ҳайф сенга, кўрганларингни ёдингга олиб тавба қилмадингми?» дедим. Кемачи айтди: «Мен бунақа ҳалокатларга неча марталаб учраб қутулиб кетганман, парвойимга келтирмайман». «Эй одам,— дедим мен,— биз бир фалокат ичидамыз, бу балодан саломат қолишликни худога итоат қилиш билан умид қиламыз, гуноҳ билан эмас!»

Кемачи мени зўрлай бошлади, мен кўрқиб, алдамоччи бўлдим ва дедим: «Тўхта, бу бола ухласин». Аммо кемачи қучоғимдан болани ола солиб, денгизга отди. Унинг зolimлигини, болага қилган тошюраклигини кўргач, ҳушим бошимдан учди, қайғум ортди. Бошимни осмонга кўтариб, худога муножот қилиб айтдимки: «Банда билан унинг қалби ўртасига тўшадиган эй зот, бу йўлбарс билан менинг ўртамга туш. Ўзинг ҳар нарсага қодирсан!» Худо ҳақи, муножотимни тугатмасимдан денгиздан бир махлуқ чиқиб кемачини тахта устидан юлиб олиб кетди, мен ёлғиз қолдим, боламга ичим куйиб, ғам-қайғум ортди. Шунда мен қуйидаги шеърни айтдим:

Оҳ, кўзим гавҳари, ягона болам —
 Йўқолиб, эзди жисму жонни алам!
 Айрилиқ қилди ғарқ таним сувда,
 Енаман айрилиқда, қайғуда,
 Буни енгиллатувчи йўқ! Ҳеч ким!
 Айла шафқат ўзинг, аё раббим!
 Бу фироқ ўтидан ўзинг воқиф,
 Тўлғанурман бу ўтда танни ёқиб!
 Кўришишни менга муяссар эт,
 Васлини мен учун муқаррар эт!

Шу ҳолатда яна бир кеча-кундуз тахта устида қолдим, тонг отгач, бир кеманинг узоқдан ярқиллаб келаётганини кўриб қолдим; тўлқин мени ирғитиб ташлаб, шамол ҳайдаб турарди, қалқиб келаётган кемага шу ҳолатда етиб олдим. Кемадаги кишилар мени тортиб олдилар, қарасам, болам уларнинг орасида экан. Кўрган ҳамон мен устига ўзимни ташлаб: «Эй одамлар, бу менинг болам, у қаердан сизларга келиб қолди?» дедим. Улар жавоб беришди. «Денгизда келаётганимизда, бирдан кема тўхтаб қолди, қарасак, катта бир махлуқ пайдо бўлди, бу бола унинг устида бош бармоғини сўриб келаётган экан, биз болани кемага олдик».

«Мен бу сўзни эшитгач, бошимдан ўтган қиссаларни гапириб бердим, оллоҳнинг марҳаматларига шукур этдим, Байтуллога етгач, у ердан ҳеч қаерга кўзгалмасликка ва унинг хизматидан бошқа ёққа мойил бўлмасликка аҳд қилдим; шундан кейин нима сўрасам, оллоҳ етказиб турди», дебди хотин.

Саид айтибди: «Мен ҳам ёнимга қўл узатиб, хотинга бир оз садақа бермоқчи бўлгандим, хотин: «Эй бемаъни одам, сенга оллоҳнинг фазлу карамини гапирдим-ку! Худонинг қудратли қўлидан бошқа қўлдан тортиқ олармидим»,— деди.

Шунча илтимос қилсам ҳам ҳеч нарса олмади, сўнг уни қолдириб кетдим. Ўзим ижод қилган шу байтларни айтдим:

Тангрининг яширин раҳмати бисёр,
 Машаққат кетида роҳати ҳам бор.
 Хоҳласа ўлдирар, хоҳлар тиргизар,
 Бу сирни донишманд, оқиллар сезар,
 Баъзан эшитилса эрталаб фарёд,
 Кечқурун шу фарёд чеккан одам шод.
 Баъзан ҳар томондан етса ночорлик,
 Сен унга суянгин, қилур деб ёрлик,
 Чиқарур ҳожатинг бир ўзи якка,
 Пайғамбар кафилдир ҳар бир тилакка.

Хотин то ўлгунча Байтуллодан айрилмай, парвардигорнинг ибодатида бўлди.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Молик ибн Динор (худо раҳмат қилсин!) айтган экан: «Бир вақтлар Басрада узоқ вақт ёмғир бўлмади, ёмғир сўраб, неча марта саҳрога чиқдик, аммо дуомиз қабул бўлмади. Сўнгра мен Атоус-Саламий, Собитул-Буноний, Нажиул-Бакко, Муҳаммад ибн Восе, Айюбус-Сахтиёний, Ҳабибул Форсий, Хассон ибн Аби-Синон, Утбатул-Ғулом, Солиҳул-Музнийлар билан бирга йўлга чиқиб, намозгоҳга бориб етдик. Мактаблардан болалар ҳам чиқишган эди; бориб худодан ёмғир сўрадик. Ярим кун ўтди-ю дуонинг ижобатидан асар кўрмадик; одамлар қайтди, мен Собитул-Буноний билан намозгоҳда қолдик.

Тун қоронғиси тушгач, биз қора танли, истараси иссиқ, оёқлари ингичка, қорни катта, жун лунгига

Ўралган бир одам келганини кўрдик. Устидаги кийимлари икки тангага бормасди. Сув келтириб, таҳорат қилди, сўнгра меҳробга келиб, икки ракаат намоз ўқиди. Намоздаги тик туриши, рукуи ва сужуди баробар бўлди. Сўнгра у осмонга қараб: «Эй илоҳим, эй саидим, эй хожам! Бандаларингнинг илтимосини қачонгача қайтарасан? Ихтиёрингдаги дунё тугадими ёки мулкинг хазинаси тамом бўлди? Менга муҳаббатинг ҳақи, қасамёд қиламан, шу соатда ёмғир булутларингни юбориб, бизни сероб қил», деди. Унинг муножоти тугамасданоқ ҳаво булутланиб, мешнинг оғзидан сув қуйилгандек ёмғир ёғди. Намозгоҳдан тиззамизгача сув кечиб қайтдик».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— Молик ибн Динор айтди: «Унинг муножоти тугамасданоқ, ҳаво булутланиб, мешнинг оғзидан сув қуйилгандек ёмғир ёғди. Намозгоҳдан тиззамизгача сув кечиб қайтдик, у қора кишига таажжубда қолдик, унинг олдига келиб: «Эй қора танли, бу айтган сўзингдан уялмайсанми?», дедим. У менга қайрилиб қараб: «Нима дебман?» деди. Мен айтдим:

*Тўрт юз олтмиш
саккизинчи кеча*

«Менга муҳаббатинг ҳақи, қасамёд қиламан», деб айтдинг-ку? Худо сени яхши кўришини қаёқдан билдинг?»

Шунда қора танли айтди: «Ўз нафси билан бўлган киши, мендан нари тур. Мен қаёқда эдим, оллоҳнинг менга илтифоти қаерда эди. Худо менга ўзининг

яккаю яғоналигини танитди, маърифатидан комёб қилди. Билмайсанми, тангрининг бу иши менга муҳаббатни туфайли бўлган-да. Худонинг менга муҳаббатини менинг худога муҳаббатимчадир». «Оллоҳ сенга раҳм қилсин, бир оз тўхта»,— дедим, деб давом этади Молик. Бироқ қора танли деди: «Мен кишининг қулиман, кичик хожамнинг итоати менга фарз».

«Биз,— дебди Молик,— унинг изидан кетма-кет боравердик. У бориб қулдорнинг уйига кўрди. Тун ярим бўлганди, қолган ярми бизга жуда узоқ кўришиб кетди, биз кетдик. Тонг отгач, қулдорнинг олдига келиб сўрадик: «Сотадиган қулларинг борми?» «Ҳа,— деди қул сотувчи,— сотиладиган юзта йигитим бор». Молик: «У йигитларни бизларга бирма-бир кўрсатгин», деди. Қулдор кўрсата бошлади. Уларнинг сони етмишга етди, аммо улар орасида тунда кўрган дўстимни учрата олмадим. Қулдор: «Қўлимда булардан бошқа йигитларим йўқ», деди. Биз кетиш учун қайтиб чиқаётганда унинг орқасидаги вайрона бир ҳужрага кирдик. Бирдан қора танлини шу ерда кўриб қолдик. «Каъба парвардигори ҳақи, қасамёд қиламан, ўша» дедим. Қайтиб қулдорнинг олдига бориб: «Шу йигитни менга сотгин», дедим. «Эй Абу Яҳё,— деди қулдор,— бу хайру баракаси йўқ, шум йигит, кечаларини йиғлашдан, кундузлари пушаймон бўлишдан бошқа ҳиммати йўқ». Мен айтдим: «Шуниси менга ёқиб қолди».

Шундан кейин қулдор қора танлини чақирди, у мудраб чиқиб келди. «Мана, айблари учун мени жавобгар қилмай, хоҳлаган баҳонга ол!»— деди у. Мен уни йиғирма тиллага сотиб олиб: «Оти нима?»— дедим. Қулдор: «Оти Маймун»,— деди. Мен қора танлининг қўлидан ушлаб олиб, уйга қараб йўл олдик. Қул менга қайрилиб қараб: «Эй, кичик хожам, нима

учун мени сотиб олдинг? Олло ҳақи, мен махлуқнинг хизматига лойиқ эмасман». «Мен ўзим сенга хизмат қиламан, бошимга кўтараман», дедим. «Нима учун?» сўради қора танли. Мен унга айтдим: «Кеча намозгоҳда учрашган дўстим сен эмасмидинг?» «Сен менадан хабардормидинг?»— деди қора танли. Мен: «Кеча сенга қарши сўзлаган мен эдим-да», деб жавоб бердим.

Молик айтди: қора танли юриб бориб масжидга киргач, икки ракаат намоз ўқиди, сўнгра муножот қилди: «Эй илоҳим, саидим ва ҳожам, сен билан ўртамизда сир бор эди, ундан махлуқларингни воқиф қилдинг, бутун эл ўртасида мени расво қилдинг. Энди ҳаётим қандай қилиб тотли бўлади, ўртамиздаги сирдан бошқалар воқиф бўлди. Шу соатда жонимни олиб қўя қол». Сўнгра у саждага борди. Мен уни бир оз кутиб турдим, аммо у бошини кўтармади, кейин қимирлатиб кўрсам, шу ондаёқ ўлган экан (тангри раҳмат қилсин!).

Мен унинг икки қўли ва икки оёғини чўздим, унга қарасам, кулиб турарди, қора тани оқариб кетган, юзи мунаввар бўлиб порлаб турарди. Унинг бу ҳолига таажжуб қилиб турган вақтимизда эшикдан бир ёш йигит кириб келди ва: «Ассалому алайкўм, биродаримиз Маймун туфайли сизларнинг ва бизларнинг ажру савобимизни тангри улуғ қилсин! Мана кафан, шу билан кафанланглар», деб икки кийим берди. Кийимларнинг ўхшашини мен ҳеч қачон кўрмаган эдим. Қора танлини шу кийимлар билан кафанладик.

Молик айтди: «Энди унинг қабрига бориб азиз оллоҳдан ёмғир сўрайдилар ва унинг олдида ҳожатларини талаб қиладилар. Бу ҳақда шоирлардан бирининг айтган сўзи қандай ширин:

Сайр этар жаннатда руҳи, кимки оллоҳни танир,
Паст бўлур у арши-аъло ул кишининг олдида!
Ҳавзи кавсар бўйларнда ҳуру гилмон мунтазир.
Шираи шарбат муҳайё ул кишининг олдида,
Сен агар ошиқ экансан, ёр висолини қидир,
Тўкма кўз ёшини асло ул кишининг олдида.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Бани Исроилнинг яхши кишиларидан бири бор эди. У парвардигорга жаддужаҳд билан ибодатга берилиб, тарки дунё қилган ва дунёга муҳаббатини кўнглидан кетказган эди. Унинг итоаткор ва раъйига қараб иш қиладиган бир хотини бор эди. Улар товоқ ва елпиғич ясаб сотиб тирикчилик қилардилар. Кун бўйи ишлашгач, кечқурун эри билан ясашган нарсаларини кўтариб, кўча-кўйларда молига харидор излар ва сотарди. Икковлари доимо рўза эдилар.

Кунлардан бир кун улар рўза тутиб, тонг оттирдилар ва кун бўйи ишладилар, кечқурун ишлашган нарсаларини қўлига олиб, эри харидор излаб чиқиб кетди. Шунда у мартабага ва мамнунликка эришган дунё аҳлларида бирининг эшиги тагидан ўтди. Бу киши нуроний, чиройли киши эди. Уни уй эгасининг хотини кўриб қолиб, ошиқ бўлди ва бутун қалби билан унга берилди. Эри ҳам уйда эмасди. Хизматчи хотинни чақириб, унга деди: «Шояд бир ҳийла ишлатиб у одамни олдимга олиб келсанг». Хизматчи хотин у кишининг олдига чиқиб, қўлидаги нарсалардан сотиб олмоқчи бўлиб, йўлидан қайтарди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Тўрт юз олтинчи
тўққизинчи кеча**

Ўй саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳри-зод,— хизматчи чиқиб у кишини чақирди ва айтди: «Хожамнинг хотини олдига киргин, у қўлингдаги нарсаларингдан олмоқчи». Уткинчи киши, хизматчи хотин рост айтар, деб ўйлади ва кириб кўрсатсам ҳечқиси йўқ, деб ичкари кирди ва кўрсатилган ерга ўтирди. У киргач, хизматчи хотин эшикни қулфлаб олди. Шунда хожасининг хотини уйдан чиқиб

келиб, у кишининг кўйлагидан тортиб уйига киргизди ва деди: «Қанчадан бери сен билан холи бўлишни орзу қилиб юрардим! Сенга етишмоқ йўлида сабрим тугади, бу хонада хушбўй нарсалар тутатилган, таомлар ҳозирланган, уй эгаси бу кеча йўқ. Мен ўзимни сенга топширдим, подшолар, бошлиқлар, дунёдорлар менга талабгор бўлганда ҳам, мен уларнинг ҳеч бирига илтифот қилмаганман». Хотин сўзини жуда чўзиб юборди, у киши оллоҳнинг қаҳридан қўрқиб ва уялиб, бошини ердан кўтармай ўтирарди. Шоир айтандек:

Кўп улуғ гуноҳлар қилдим, эй худо,
Уртамизни тўсли шармнинг девори.
Гуноҳкор дардига шарм бўлса лаво,
Шарм қачон йўқолур, тугар бу дори.

У киши ўз нафсини тийиб ўша хотиндан қутулишни умид қилди-ю, лекин иложини тополмади. Сўнгра у айтди: «Мен сендан бир нарса сўрайман». Хотин: «Сўрайдиганинг нима?» деди. У киши айтди: «Менга тоза сув келтир, у сув билан уйингнинг энг юқори

ерига чиқиб, бир ишни адо қиламан ва кўрсатиб бўлмайдиган жойларимнинг кирини ювामан».

Хотин: «Уй кенг, бурчаклари, киши кўрмас ерлари кўп, таҳорат ва гуслхоналари ҳам тайёр», деди.

Бироқ савдогар айтди: «Мен фақат юқори ерга чиқмоқчиман». Хотин ходимасига қараб: «Бу кишини ҳовлидаги энг юқори шийпонга олиб чиқ», деди.

Ходима савдогарни энг баланд шийпонга олиб чиқиб, қўлига обдаста тутқазиб, тушиб кетди. У киши таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқиди ва ўзини ерга ташлаш ниятида қараган эди, ернинг узоқ эканини кўрди; ерга етгунча парчаланиб кетишидан қўрқди ва оллоҳга исён қилиб, унинг азобига гирифтор бўлгандан кўра, ўзини қурбон қилиш ва қон тўкиши осон кўринди. Худога муножот қилиб айтдики: «Эй тангрим, эй хожам, қандай кунга қолганимни кўриб турибсан, ҳолим сенга аён, ўзинг ҳар бир ишга қодирсан». Ҳол тили билан шу шеърни ижод қилди:

Жону дил ёлғиз сени дер доимо,
Сенга маълумдир фақат бу ишқ сири,
Тишладим тилни, қилиб сенга имо,
Сўзласам кетгай муҳаббат таъсири.

Кун оша жабринг менга ортиб борар,
Ишқ йўлида жон бериш осон эмас,
Ваҳм ила дил орқага тортиб борар,
Сенга қурбон бўлмаган жон жон эмас.

Жонни осон ол, баҳодирсан ўзинг,
Бир қулу, бағримни пора-пора қил,
Мушкулим ечмоққа қодирсан ўзинг,
Васл ила жоним олишга чора қил.

Сўнгра, у киши ўзини баланд шийпондан ерга ташлади, худо унга бир фариштани юборди, фаришта уни қанотида кўтариб, ҳеч зарар етказмасдан саломат ерга туширди. Ерга тушиб, қарор топгандан кейин, худо раҳматига лойиқ кўриб гуноҳдан сақлагани учун, унга шукур қилди. Ҳамма нарсадан ажраб хотинининг олдига келди.

Чиқиб кетганига кўп бўлган эди. Хотини нега кечикиб келгани, олиб кетган нарсалари нима бўлгани ва нима учун қуруқ қайтиб келганининг сабабларини сўради.

Бўлган воқеани, шийпондан ерга ташлаганини ва тангри унга нажот берганидан хотинини хабардор қилди. Хотини: «Сендан бу балони қайтаргани учун оллоҳга шукурлар бўлсин, чунки оллоҳ сен билан зино ўртасида тўсиқ бўлибди. Эй эр, қўшниларибиз ҳар кеча тандиримизга ўт ёқилишини билишади, агар бу кеча тандиримизга ўт ёқилмай қолса, ҳеч нарсамиз йўқлигини билиб қолишади. Йўқлигимизни бекитиш, бу кечанинг рўзасини ўтган кунга улаб юбориш ва кечалари туриб оллоҳга ибодат қилиш, булар ҳаммаси тангрига шукур қаторига ўтади», деди.

Қўшниларини чалғитиш учун ўрнидан турди, тандирга ўтин қалаб, олов ёқди, шу байтларни айтди:

Мен бутун аламин тутишда пинҳон,
Қўшнимни алдашга ёқдим аланга.

Розиман жабринга, сенсан ҳукмрон,
Зора, ҳолим кўриб, узр айтсанг манга.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз
етмишинчини
тўлдирувчи кеча*



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— қўшниларини чалғитиш учун хотин тандирга олов ёқиб қўйиб, ўзи ва эри таҳорат олишиб намозга туришди. Шу вақтда қўшни хотинлардан бири келиб, тандирдан ўт тутатиб олишга рухсат сўради. Эр-хотин икковлари: «Бориб тутатиб ола қолинг», дедилар. Қўшни хотин ўт олиш учун тандир олдига бориб, уй эгасини чақирди: «Эй фалончи, қара, нонинг куйиб кетмасин!» Хотин эрига қараб: «Эшитдингми, бу хотин нима деяпти?» деди. Эри унга: «Тур, бориб қара», деди. Хотин ўрнидан туриб тандир олдига келди, қарасаки, тандир билан битта тоза ва оппоқ нон. Хотин тандирдан кулчаларни узиб олиб, оллоҳнинг туганмас марҳаматига ва улуғ неъматига шукурлар айтиб, эрининг олдига кирди. Нондан еб, сувдан ичиб, икковлари оллоҳнинг қудратига шукур айтдилар.

Сўнгра хотин эрига айтди: «Кел, тангрига дуо қилайлик, шоядки бизга марҳамат қилиб бирор нарса билан бизни бойитса, тирикчилик машаққатидан, меҳнат заҳматидан қутулсак, ўзи ибодати ва тоатига қойим бўлишга ёрдам берса». Эри: «Хўп», деди. Кейин эри тангрига дуо қилди, хотин дуосига «Омин», деб турди. Шу онда шифт ёрилиб, ундан бир ёқут тушди ва у уйни ёритиб юборди. Бунга кўриб, эру хотиннинг шукроналари яна ортди. Ёқутга ниҳоятда хурсанд бўлдилар, улуғ тангри ҳақиқага намоз ўқиб, ибодат қилдилар.

Тун охирига боргач, икковлари уйқуга кетишди;

хотин туш кўрса, жаннатга кирганмиш. Жаннатда қатор тизилган минбарлар ва қўйилган курсиларни кўриб: «Бу минбарлар ва курсилар нима?» деб сўради. Унга: «Бу пайғамбарларнинг минбарлари, солиҳ ва сиддиқ бандаларнинг курсилари», деган жавоб берилди. Хотин: «Фалончи эримнинг курсиси қаерда?» деб сўради. «Мана бу», деб кўрсатилди. Қараса, курсининг бир тарафида раҳнаси бор экан. Хотин сўради: «Нега бу ерда раҳна бор?» Унга айтилди: «Уйларингизнинг шифтидан сизларга тушган ёқут ўрнида ҳосил бўлган раҳна».

Хотин сиддиқ бандалар курсиси орасида эрининг курсисига нуқсон етганидан хафа бўлиб йиғлаб уйқудан уйғонди ва эрига айтди: «Бу ёқутни ўз ўрнига қайтаришни тангридан сўрагин. Худо ортиқ қилиб яратган бандаларининг курсилари орасида сенинг курсингнинг нуқсонли бўлишидан кўра, дунёда бир оз йўқсиллик ва очликнинг машаққатига чидашимиз осонроқ. Эри тангрига дуо қилибди, бирданига ёқут шифтга қараб учиб, кўтарилиб кетибди. Икковлари унга қараб қолибдилар. Улар ўлиб то тангрига етишгунларича доим оллоҳнинг ибодатида ва фақирликда яшабдилар.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Ҳажжож ибн Юсуф Ас-Сақафий бир кишини зиндон қилишни буюрибди. Уни тутиб келишгач: «Эй оллоҳнинг душмани, оллоҳнинг амри билан қўлимга тушдинг-ку!» дебди, сўнгра: «Буни зиндонга олиб боринглар, оғир ва тор кишан билан кишанланглар, зиндон устига бир уй солингларки, ундан чиқолмасин ва унинг олдига ҳам биров киролмасин!» дебди.

У зиндонга олиб борилди, кишан билан темирчи ҳам ҳозир қилинди. Темирчи болғасини кишанга урганда, у одам бошини кўтариб, осмонга қараб айтар эди: «Билингларки, махлуқотни ато қилиш ва фармон юргизиш оллоҳга хосдир». Темирчи уни занжирбанд қилиб бўлгандан кейин, зиндонбон устига уй қурди ва зиндонда ёлғиз ўзини қолдирди. У қайғу ва алам ичида қолди. Ҳол тили шуни ижод этди:

Эй умидворлар умиди, эй сахо аҳлига шоҳ,
Шафқатингдир мен учун доим таянчу такаюғ.
Сен билурсан деб умидим, нотавонларнинг сирин,
Бошга тушган кулфатим сендан эмасдир ёширин.
Шу сабабли арзи-ихлосимни айлай мухтасар:
Марҳамат кўзи билан солсанг кифоя бир назар.
Ташлашиб зиндонга, бергайлар азоб, ҳолим забун
Мен мусофирга аламдан ўзга йўқдир раҳнамун.
Доимо ёдинг билан ўтгай қоронғи тунларим,
Шунга сев гар рози бўлсанг, йўқ менинг ўзга ғамим.

Тун қоронғиси тушгач, зиндонбон соқчиларни зиндон олдига қўйиб, уйига кетди. Эрталаб келиб зиндондаги кишини суриштириб қараса, кишан ерда ётибди, одамдан дарак йўқ. Зиндонбон қўрқиб, ўлиши муқаррарлигига ишониб уйига келди, оиласи билан видолашди. Кафанини ва суриладиган хушбўй нарсаларини енг ичига олиб, Ҳажжожнинг олдига келди. Ҳажжож бу хушбўй нарсалар ҳидини пайқаб: «Бу нима?»— деди. Зиндонбон: «Эй хожам, керак нарсаларимни келтиргандим»,— деди. «Бунга сени нима мажбур қилди?» сўради Ҳажжож. Зиндонбон зиндондаги кишининг хабарини айтди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз етмиш
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— зиндонбон Ҳажжожга воқеани айтганда,

Ҳажжож сўради: «Эй боёқиш, унинг бирор нарса деганини эшитганмидинг?» «Ҳа,— деди зиндонбон.— Темирчи кишан солиш учун болға билан урганда, осмонга қараб: «Билингларки, махлуқотни ато қилиш ва фармон юргизиш оллоҳга хос» деган эди. «Билмадингмики, унинг ёд қилган зоти сен

ҳозир бўлсанг ҳам, ғойиб бўлсанг ҳам бўшатиб юборди»,— деди Ҳажжож. Ҳол тили шу маънода ижод қилади:

Сенсиз на ўлтирар, на турар эдим,
Шукрим қанча, уни ҳисобловчи ким?
Мендан балоларни даф этдинг қанча,
Ташаккур айтарман, ётиб чалқанча.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, солиҳ кишилардан бири: фалон шаҳарда бир темирчи бор, қўлини ўтга суқиб, қизиб ётган темирни ушлаб олади, ўт унга зарар етказмайди, деган хабарни эшитди. Солиҳ киши у шаҳарни излаб бориб, темирчини сўради; унга темирчини кўрсатдилар. Солиҳ киши темирчига қараб, унинг ишига тикилиб, одамлар таърифлагандек ишлаётганини кўрди. Темирчи ишини тамомлагунча кутиб турди, сўнгра унинг олдига келиб салом берди ва: «Мен бу кеча меҳмонинг бўлмоқчиман!» деди. Темирчи: «Бош устига!» деб уйига олиб кетди. Кечки таом-

ни бирга ўтириб еб, бирга ётдилар. Солиҳ темирчининг туриб намоз ўқиганини ва ибодат қилганини кўрмагач, ўз-ўзига: «Мендан бекитган бўлса ажаб эмас»,— деди. Унинг олдида иккинчи ва учинчи кечалари ҳам ётиб қолди. Темирчининг фарз устига суннатдан бошқа нарса орттирмаслигини солиҳ кўрди. У кечаси ибодатга турмас, турса ҳам озгина турарди. Солиҳ киши: «Эй биродар,— деди темирчига,— оллоҳ сени ўтда куймайдиган кароматли одам қилганини эшитган эдим, келиб ўзим ҳам буни ошкор кўрдим. Сенинг ибодатдаги жадду-жаҳдингга қарадим, лекин сенда каромат зоҳир бўладиган амални кўрмадим. Бу каромат сенга қаердан келган?» «Бунинг сабабини сенга сўзлаб бераман»,— деди темирчи.

«Мен бир қизни жуда яхши кўриб қолган эдим ва уни ўзимга жуфтликка кўп таклиф қилдим, лекин тақводорликни деб иффат сақлаганлиги учун имкон тополмадим. Сўнгра қаҳатчилик, қаттиқ очлик йили келди. Емак-ичмак йўқ, очлик кучайиб кетди. Шу вақтларда уйда ўтирган эдим, биров келиб эшикни қоқди. Чиқиб қарасам, ўша қиз турибди. «Эй ака,— деди у,— жуда оч қолдим, бошимни олиб сизга келдим, худо ҳақи, менга таом берсангиз». Мен қизга айтдим: «Сенга муҳаббатимни, сенинг йўлингга азоб тортиб юрганамни билмайсанми? Мақсадимни қондирмагунингча ҳеч қандай таом бермайман». У: «Улимга розиману, аммо тангри олдида гуноҳқор бўлишга рози эмасман»,— деб қайтиб кетди. Орадан икки кун ўтиб, яна қайтиб келди ва аввалги келгандаги сўзларини такрорлади. Мен ҳам аввалги жавобимдек жавоб қилдим. Сўнгра қиз уйга кириб ўтирди, у ҳалокаат ёқасига етган эди. Мен таом келтириб олдимга қўйдим. У икки кўзидан ёш тўкиб, айтди: «Азиз ва улуғ оллоҳ ҳақи, менга таом бергин». «Йўқ,

худо ҳақи, менинг мақсадимни қондирмагунингча таом бермайман»,— дедим. Қиз: «Оллоҳнинг азобидан кўра, ўлим менга яхшироқ»,— деб ўрнидан турди ва таомни тарк этди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— у қиз таом келтирган вақтда у кишига айтди: «Азиз ва улуғ оллоҳ ҳақи, таом бергин». Шунда у киши: «Худо ҳақи, менинг мақсадимни қондирмагунингча таом бермайман»,— деди. Қиз: «Ўлимга розиман, аммо оллоҳнинг азобига рози эмасман»,— деди-ю ҳеч нарса емасдан таомни ташлаб ўрнидан туриб чиқиб кетди. Қиз шу байтларни айтди:

Эй барчага шафоатли поко-парвардигорим —
Эшит менинг шикоятим, битди сабру қарорим!
Минг балога мен мубтало, кўрдим аччиқ ситамлар,
Айтар сўзим кўп, не қилай қўймас дарду аламлар.
Сув бўйида яшаб туриб ташна киши сингари.
Ташнадирман, аммо ундав қочмоқдаман мен нари.
Чунки, мени хушхўр таом ёмон йўлга солади,
Овқат ҳазм бўлур, аммо гувоҳ буткул қолади.

— «Қиз икки кун йўқ бўлиб кетгач, яна келиб эшик қоқди. Чиқсам, очликдан овози ҳам чиқмай турибди. У менга: «Эй ака, ҳийла излаш мени чарчатди, сиздан бошқа ҳеч кимга юзимни кўрсатишга имкон тополмадим. Худо ҳақи, менга таом берсангиз» деди. Мен: «Йўқ, мақсадимга етказмагунингча таом бермайман»,— дедим. Қиз уйга кириб ўтирди. Тайёр

таом йўқ эди. Таом пишгач, товоққа суздим. Оллоҳ ўл лутф-марҳамати билан менга тавфиқ берди. Ўз ўлимга айтдим: «Эй боёқиш! Бу динда ва ақлда ноқис бўлган бир қиз. Камоли очлигидан таом емай сабр қилишга қодир эмас, шунга қарамай, у таомдан ўзини қайта-қайта тортди. Сен оллоҳга исён қилишдан тийилмайсанми?» Кейин яна айтдим: «Ё оллоҳ, албатта, мен нафсимнинг васвасасидан сенга тавба қилдим». Сўнгра қизнинг олдига таом олиб кирдим ва унга: «Егин, сенга ҳеч гап бўлмайди, бу таом азиз ва улуғ худо йўлига»,— дедим. Қиз икки кўзини осмонга тикиб: «Ё оллоҳ, агар бу одамнинг айтган сўзи рост бўлса, дунё ва охиратда бунинг баданига ўтни ҳаром қилгин, ўзинг ҳар нарсага қодирсан, дуоларнинг ижобатига лойиқсан!»

— «Қизни уйда қолдириб ўчоқдаги ўтни ўчириш учун чиқдим, қиш фасли, совуқ вақтлар эди. Бир чўғ учиб келиб баданимга тушди. Худонинг қудрати билан, алам сезмадим. Хаёлимга: «Қизнинг дуоси ижобат бўлганга ўхшайди»,— деган фикр келди; чўғни кафтимда ушладим, куйдирмади. Қизнинг олдига кириб: «Хурсанд бўлгин, оллоҳ сенинг дуоингни ижобат қилибди»,— дедим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— темирчи қизнинг олдига кириб, унга айтибди: «Хурсанд бўлгин, оллоҳ дуоингни ижобат қилди»,— деган эдим, қўлидаги луқмасини ташлаб юбориб, айтди: «Ё оллоҳ, бунинг ҳақида тилаган муродимни



Тўрт юз етмиш
учинчи кеча

кўрсатганингдек ва бунга атаган дуоимни ижобат қилганингдек, менинг жонимни ҳам ол! Ўзинг ҳар нарсага қодирсан». Шу соатда оллоҳ унинг жонини олди (худо раҳмат қилсин!). Шу маъно ҳол тили ижод қилади:

Худого нола қилди, сўнгра тангри журмини кечди,
Адашган бандасини қўллади, мушкулларин ечди.
Келиб раҳми Раҳимнинг, берди не бўлса тилак унда,
Худо қодир, халос этди уни, қолганда тутқунда,
Унинг дарвозасини қоқди, истаб меҳр ила шафқат,
Алам, ғам ўрнини олди эгаллаб шон ила шавкат,
Берилди эҳтиросга у, бироқ ўзни унутмоқдан,
Фақат шаҳвоний нафси қондириш йўлини тутмоқдан,
Худонинг айтганини қилмади, йўлдан яна озди,
Унутди тавбани, қайта гуноҳлар чоҳини қазди.
Дедики: келмас сени у ахтариб, тезроқ яқинроқ бор,
Худо кечгай гуноҳинг, ахтариб бор қайта, бадкирдор!

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Бани Исроилда обидлардан бири ибодат қилишда шуҳрат топган эди. У тақводорлик ва тарки дунё қилиш билан сифатланган эди. У парвардигорга дуо қилганда, у ижобат қиларди, худодан нимани сўраса, берарди ва орзуларига етказарди. У киши тоғ-тошларда кезиб юрар, кечалари туриб ибодат қиларди. Худо унга бир булутни тобе қилган бўлиб, киши қаерга борса, булут бирга борарди, керак бўлганда булут унинг устига сув қуйиб турар, у киши эса таҳорат қилар ва ичарди. Кунлардан бир кун унинг аҳволига путур етди. Тангри ундан булутни кетказди ва дуоси ҳам ижобат бўлмай қолди. Оқибатда унинг қайғуси кўпайиб, ғам-ҳасрати узайди. Каромат замониға доим муштоқ бўлди. У ҳасрат чекиб, оҳ тортиб қайғурарди.

Кечалардан бирида уйқусида унга айtilди:

82

«Ўша булутимни оллоҳ қайтарсин десанг, фалон шаҳарга бориб, фалон подшони топ, ундан ўзинг учун дуо қилишни сўра. Худо унинг яхши дуоси баракотидан ўша булутни ўзингга қайтариб, ҳайдаб беради». Кейин бу гапларни айтган киши қуйидаги шеърларни ижод қилди:

Сен ўзинг муҳтожу, бормаيسان нега?
Ул саховатлар амири ёнига.
Ул ибодат айламакда доимо,
Истагинг айлар худодан илтижо.
Шоҳлар ёнида олий жоҳдир у,
Олий ҳиммат шоҳларга шоҳдир у,
Ул баландирким, унга етгувчи йўқ,
Бу ҳақиқатким, гумон этгувчи йўқ.
Бор унинг дунёда шундай ишлари:
Ким кўрар қолмас унинг ташвишлари.
Тоғу тошлардан ошиб, ёнига бор,
Эт давом мақсад йўлида, йиғ мадор!

У киши ер кезиб, тушида айtilган шаҳарни топгунча йўл юрди. У подшонинг қаердалигини сўради, унга йўл кўрсатилди. Подшо саройи эшиги олдида катта курсида басавлат кийим кийган бир йигит ўтирарди. Бу киши бориб, унга салом берди, у алик олиб: «Нима ҳожатинг бор?»— деди. «Мен зулм етган бир кишиман, ўз қиссамни подшога етказиш учун келган эдим»,— деди киши. У йигит: «Бугун подшо олдиға киришингга йўл йўқ, чунки ҳафтада бир кунни белгилаб қўйган, у фалон кундир. Ўша кун келгунча қайтиб кета бер».

У киши подшонинг одамларга кўринмай юришини хуш кўрмай айтди: «Шу ҳоли билан қандай қилиб оллоҳнинг дўстларидан бири бўлади». Шу билан айtilган кунни кутмоқчи бўлиб қайтиб кетди. «Дарвозабон таяин қилган кун келгач,— дейди у киши,— саройға келиб кирдим ва дарвоза олдида киришга руҳсат учун мунтазир бўлиб турган бир қанча кишилар-

83

ни топдим; устига ҳайбатли кийим кийган ва олдида қулу хизматчилар турган вазир чиқиб: «Ҳожатли кишилар кирсин!» — дегунча улар билан бирга турдим. Кутиб турганлар билан мен ҳам кирдим.

Шу пайтда подшо тахтда, ёнида давлат арбоблари ўз даражалари ва мартабаларига қараб ўтирган эканлар. Вазир ҳожатмандларни бирин-бирин подшога тақдим қилди, охири навбат менга етди. Вазир мени илгари ўтказганда, подшо менга қараб: «Эй булут эгаси, хуш келибсан, ўтир! Бўшагунимча ўтир»,— деди. Подшонинг сўзидан ҳайратга тушдим ва унинг мартабасини, фазлини эътироф қилдим. Подшо ҳукм юритиб бўшади. У ўрнидан туриши билан вазири ва барча арбоблари ҳам турди; сўнгра подшо қўлимдан ушлаб, ўз қасрига олиб борди. Қасрнинг эшигида бир қора қулни кўрдим; устига ҳайбатли кийимлар кийган эди, бошида қурол-аслаҳа, ўнгу чапида совут ва ёйлар осилган. Подшони кўриши билан ўрнидан туриб, амрига итоат кўрсатиб, буйруқларини бажаришга шошилди; сўнгра қасрнинг эшигини очди, подшо қўлимдан ушлаганча ичкари кирди.

Шу онда подшо олдида пастгина бир эшик кўринди, уни подшонинг ўзи очиб, бир хароб ва қўрқинчли бинога кирди; ундан бир хонага кирди, унда жойнамоздан, таҳорат идишидан ва бир неча хурмо япроқларидан бошқа нарса йўқ эди. Подшо устидаги кийимларини ечди, оқ жундан тўқилган дағал тўнни кийди, бошига бир кигиз кулоҳ қўйди. Ўзи ўтириб, мени ҳам ўтказди.

«Ҳей, фалончи!»— деб хотинини чақирди. Хотини: «Лаббай», деб жавоб қайтарди. Подшо хотинига: «Бугунги меҳмонимизни танийсанми?»— деди. Хотини: «Ҳа, танийман, бу киши булут эгаси-ку!» деди.

Подшо хотинига: «Чиқавер, бу кишидан сенга маломағ етмайди».

Шу дамда қарасам, суратга ўхшаган бир хотин, юзи янги туғилган ойдек ярқиллайди, устида жундан тўқилган кийим ва бошида рўмол...

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз етмиш
тўртинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— подшо хотинини чақиргач, у кириб келди; юзи янги туғилган ойдек ярқираб, устида жундан дағал қилиб тўқилган кийим ва бошида жун рўмол. Подшо: «Эй биродар, бизнинг ҳикоямизни билишни истайсанми ёки сен учун дуо қилайлиги, қайтиб кетасанми?»— деди. У киши: «Йўқ, мен сизнинг ҳикоянгизни эшитишни истайман, мен учун қизиқ»,— деди... Подшо айтди: «Бизнинг ота-боболаримиз навбат билан подшолик қилиб келган эдилар, мамлакат мерос бўлиб отадан болага ўтарди. Подшолик навбати менга етди. Оллоҳ мени подшоликдан бездирди. Халқларнинг ишини уларнинг ўзларига танилаб, ер юзида сайру саёҳат қилиб юришни хоҳладим. Лекин уларга фитна аралашувидан, шариатнинг зое бўлишидан, дин бирлигининг пароканда бўлишидан қўрқиб, подшоликни аввалгидек йўлга қўйдим. Ҳар бир бошлиққа ўзига яраша вазифа топширдим, устимга подшолик либосини кийдим, шариат ҳудудларини сақлаш, яхши кишиларни ёмонларнинг шарридан қўриқлаш ва ёмонларни қўрқитиш учун дарвозаларга қулларни ўтқазиб қўйдим. Ҳам-

масидан бўшаганимдан кейин уйимга кирдим, шоҳона кийимларни ечдим, сен кўриб турган кийимларни кийдим. Бу хотин амакимнинг қизи эди, у тарки дунё қилишда менга мувофиқ йўл тутди, ибодат қилишимга имконият туғдирди.

Биз хурмо япроқларидан кундузлари сават-замбил тўқиймиз, унинг пулига келган нарса билан кечқурун ифтор қиламиз. Қирқ йилга яқин умримиз шу тарзда ўтиб келмоқда. Замбилимизни сотгунимизча, оллоҳ сенга раҳм қилсин, бизнинг олдимизда бўл. Биз билан ифтор қиласан ва бизнинг олдимизда ётасан. Сўнгра, агар худо хоҳласа, ҳожатинг чиқиб қайтиб кетасан».

Булут эгаси давом қилади: «Кун кеч бўлгач, паст бўйли бир бола келиб уйга кирди, тўқилган замбилларни бозорга олиб бориб бир қийротга сотди ва унинг пулига нон, сабзавот олиб келди. Мен икковлари билан ифтор қилиб, уларнинг олдида ётиб қолдим. Эри хотин ярим кечада ўринларидан туриб, намоз ўқидилар ва йиғлаб шу ҳолда саҳар қилдилар. Подшо айтди: «Бу сенинг банданг, сендан булутини қайтариб беришингни сўрайди. Ўзинг қодирсан. Ё оллоҳ, дуонинг ижобатини унга кўрсат, булутини қайтариб бер». Хотини: «Омин, омин» деб турарди. Шу онда осмонда булут пайдо бўлди. Подшо менга: «Хушхабар!» деди. Мен улар билан хайрлашиб қайтдим, булут аввалгидек мен билан бирга сайр қилиб юрди. Шундан кейин мен оллоҳдан, бу икковларини шафе келтириб, ниманики сўрасам оллоҳ дуомни ижобат қиладиган бўлди. Ижод қилиб шу байтларни айтаман:

Кўндир олий бандалар кўплар ичида, э жаноб!
Ҳам уларнинг кўнгли — идрок гулшани таҳсинга боп!
Ҳам уларнинг кўнглидир донм мусаффо, кўк каби,

Ҳисми зори бемадору тўхтамыш сўздан лаби.
Боқ уларга! Бўй эгиб таңрига сокин, жим турар,
Ҳам улар пинҳон сирин сен, мен эмас, бир кўз кўрар.

Ҳикоя қиладиларки, амир ал-мўминин Умар ибн Ҳаттоб (худо ўзи рози бўлсин!) мусулмонлардан қўшин тайёрлаб Сурия тарафига, душман устига юборди. Қўшин қўрғонлардан бирини ўраб олди. Мусулмонлар ичида икки биродар бор эди, худо икковларига душманга қарши туришда журъат ва жасорат берган эди. Қўрғоннинг амири қўшин беги ва ботирларига айтди: «Шу иккала мусулмон асир тушса ёки ўлдирилса, бошқа мусулмонларнинг шарридан сизларни халос қилардим».

Душман қўшинлари бу ака-укани қўлга тушириш пайида бўлиб, ҳийла ва маккорлик ишлатардилар, пистирмалар қўярдилар. Мусулмонлардан биттаси асир бўлиб, иккинчиси шаҳид бўлиб ўлгунча шу ҳол давом этди. Асир тушган мусулмонни амирнинг олдига олиб бордилар, амир унга қараб: «Буни ўлдириш — мусибат, мусулмонларга қайтариш — ёмон иш...» деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз етмиш
бешинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— асир тушган мусулмонни қўрғон амири олдига олиб борганларида, амир унга қараб деди: «Буни ўлдириш — мусибат, мусулмонларга қайтариш — ёмон иш. Яхшиси уни христиан динига киритиб бизга ёрдамчи ва таянч қилиб ола қодаман».

Унинг дин бошлиқларидан бири деди: «Эй амир, мен уни диндан қайтариш учун йўлдан оздираман. Араблар хотинбоз бўлади. Жуда чиройли, баалоғатга етган қизим бор. Уни кўрса, йўлдан озади». Амир айтди: «Сенга топширилди, олиб бор». Битриқ уни уйига олиб борди. Қизига зийнатига зийнат, ҳуснига ҳусн қўшадиган кийимлар кийгизди. Сўнгра у одамни уйига олиб келди. Таом ҳозирланди, христиан қизи хожасининг хизматкоридай нима иш буюрилса, бажарсам, деб мунтазир бўлиб турарди. Мусулмон бу ҳодисани кўргач, кўзини юмиб оллоҳнинг ибодати, қуръоннинг қироати билан машғул бўлди.

Унинг ёқимли овози, таъсирли оҳанги бор эди. Христиан қизи уни жуда қаттиқ севиб қолди ва ишқиди гоят беқарор бўлди. Шу ҳолатда етти кун ўтди. Қиз ҳатто: «Агар ислом динига кирсам, хурсанд бўлармикан»,— дейдиган даражага етди. Унинг ҳол тили шу байтларни ижод этди:

Кўнглингиз бизда ва лекин қилдингиз бизни жудо,
Кўксимиз остона бўлсин сизга-ю, жонлар фидо.
Бунга раббимдир гувоҳим, майли имондан кечай,
Сизни деб, кўздин йироқдир оила, хеш-ақрабо.
Кош эди, дарддан толиққан дилга таскинлар бериб,
Зора у келса яқин бизларга, ёри бевафо.
Гар ёпиқ бўлса эшик менга, очилгай бир кун,
Интизорликда муяссар бўлса шояд муддао.

Қизнинг сабру тоқати тугаб, юраги сиқилгач, ўзини йигитга ташлади ва: «Дининг ҳақи ва ҳурмати билан сендан илтимос қиламан, сўзимни тинглайсанми?» «Сўзинг нима?»— деди йигит. Қиз: «Менга ислом динини билдиргин»,— деди. Кейин йигит унга ислом динини билдирди ва қиз мусулмон бўлди, қуюниб, пок бўлди. Йигит унга намоз ўқишни ўргатди. Бу буйруқларни қиз бажарди. Қиз деди: «Эй ака, мен ислом

динига сен туфайли, сенга яқинлашиш туфайли кирдим». Йигит айтди: «Ислом адолатли икки гувоҳсиз, маҳрсиз ва эгасиз никоҳни ман этади. Бу ерда икки адолатли гувоҳ ҳам, эга ҳам, маҳр ҳам йўқ. Агар бу ердан чиқиб кетишлгимизга бир чора топсанг, ислом ерига етиш умидини қыламан. Ислом ерида сендан бошқа хотин билан бўлмасликка аҳд қиламан». Қиз: «Бунга ҳийла топаман», деди.

Сўнгра отасини ва онасини чақириб, уларга айтди: «Бу мусулмоннинг дили юмшади, динга киришга мойил бўлди. Унга таклиф қилиб: «Мени олгин» дедим. У: «Биродарим ўлдирилган шаҳарда менга бу иш раво эмас. Агар бу ердан четга чиқсам, кўнглим таскин топади, кейин истаганингни бажо келтираман»,— деди. «У билан мени қўшиб иккинчи бир шаҳарга чиқарсанглар. Мен сизларнинг ҳам, подшонинг ҳам истаган нарсаларини бажаришга сўз бераман».

Қизнинг отаси амирнинг олдига бориб, бу гапларни билдирди. Бунга амир камоли хурсандлик изҳор қилиб, у билан қизни истаган юртига чиқаришга фармон берди. Сўнгра икковлари чиқиб, ўша юртга етиб бордилар. Кун бўйи у ерда бўлиб, тун қоронғиси тушгач, йўлга равона бўлдилар. Баъзилар айтгандек:

Дейдиларки, кет энди, вақт етди!
Мен дедим: сиз ҳаминша қўрқитасиз!
Оҳким, масканимни чўл этди,
Тоғ оша, тошларда қолдириб из...
Севгилим қайга борса соясман,
Эргашиб орқадан ўтар ёш, жим,
Севгига посбон, ҳимоясиман,
Кўрсатур тўғри йўлни йўлбошчим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз етмиш
олтинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб
ҳикоясини давом эттир-
ди Шаҳризод,— асирга
олинган мусулмон би-

лан қиз куннинг қолган қисмида
ўша кирган қишлоқларида турди-
лар. Тун қоронғиси тушгач, йўлга
равона бўлиб, манзил-мароҳил тай
қилиб, тун бўйи юрдилар. Йигит
югурик бир арғумоққа миниб, ор-
қасига қизни мингаштирган эди.
Тонг отгунча тўхтамай йўл юриб,
йўлдан бурилди ва қизни отдан е-

рга туширди. Икковлари таҳорат қилиб, намоз ўқи-
дилар.

Шу пайтда бирданига қуроллар, от юганлари-
нинг шиқирлаганини, одамларнинг овозини, отлар
туғининг дукурлашини эшитдилар. Йигит қизга қа-
раб: «Эй фалончи, булар бизни қувиб келган хрис-
тианлар, улар етиб қолди. Бунинг чораси нима, опти-
миз чарчаган, бир қадам қўйишга ҳам мажоли йўқ»,—
деди. Қиз: «Шўринг қурсин, қўрқдингми, хавфга туш-
дингми?» деб сўради. «Ҳа»— деди йигит. Шунда қиз:
«Парвардигоринг қудрати ҳақида ва ёрдам сўраган-
ларга ёрдам беражаги ҳақида айтганларинг қаерда
қолди? Кел, унга ёлвориб дуо қилайлик, шоядки
бизнинг додимизга етса ва худо ўз лутфи билан биз-
ни топса». «Худо ҳақи, яхши сўз айтдинг»,— деди
йигит. Оллоҳга ёлворишга киришдилар. Йигит шу
байтларни ижод қилди:

Бўлса ҳам тахтиму, бошим уза тож,
Билки, ҳар соат сенга мен муҳтож
Бўлса ҳам амр этишга тожим зўр,
Чора йўқ, сенга эҳтиёжим зўр.

Қарамингни менга дариг тутма,
Қаҳр айлаб, бошимда тиг тутма,
Назарингдан букун йироқдирмен,
Ёғи йўқ, бегилик чироқдирмен.
Шафқатинг ёғ қилиб, пилик тутгин,
Тоза ишқ ҳурмати, илик тутгин.

Йигит дуо қилиб, қиз унинг дуосига «Омин!» деб
турган вақтда, отларнинг оёқ товуши яқинлашди ва
шунда йигит шаҳид бўлган биродарининг овозини
эшитди, у айтарди: «Эй биродар, қўрқма ва ғам ема,
келган элчилар оллоҳнинг элчилари ва малоикалари-
дир. Уларни оллоҳ сиз икковингизнинг уйланишлари-
нгиз учун гувоҳлик беришга юборди. Оллоҳ сиз икко-
вингиз билан фахрланади ва икковингизга бахтли ва
шаҳид бандаларининг савобини берди. Икковингиз
учун оллоҳ ернинг танобини тортди, тонг пайтида
Мадина атрофида бўласан. Умар ибн Хаттобни учрат-
ганингда мендан у кишига салом айтгин ва: «Исло-
дан оллоҳ сенга яхши мукофот берсин, сен хайрихоҳ-
лик қилдинг ва жадду-жаҳд кўрсатдинг», деб айтгин.

Сўнгра малоикалар йигитга ва унинг хотинига са-
лом бердилар ва дедилар: «Олло таоло оталарингиз
Одамни яратмасдан икки минг йил илгари бу қизни
сенга никоҳ қилган эди».

Шу билан шод-хуррам бўлдилар, уларнинг ишон-
чи ортди, тақводорларнинг ҳидояти барқарор бўлди;
тонг отгач, икковлари намоз ўқидилар. Умар ибн
Хаттоб (худо рози бўлсин!) тонг намозини ғира-ши-
рада ўқир эдилар, кўпинча меҳробга кирганларида
орқаларида икки киши бўларди. Намозда «Алҳам»
сурасидан кейин «Сураи Анъом» ёки «Сураи Нисо»
ни бошлар эдилар. Сўнгра уйқудагилар уйғониб, та-
ҳорат олиб, узоқдагилар етиб келиб биринчи ракаат
тамом бўлмасдан илгари, масжид одамлар билан лиқ

тўлар эди. Иккинчи ракаатни енгил ва мўъжаз сура билан ўқир эдилар.

Булар етиб келган кунда Умар ибн Хаттоб аввалги ракаатда енгил бир сура ўқиб, уни мўъжаз қилдилар, иккинчи ракаат ҳам шундай бўлди. Намоздан кейин салом бергач, асқобларга қараб: «Янги уйланганларга учрашим учун биз билан бирга чиқинглар». Асқоблари таажжубда қолиб, Умарнинг сўзларига тушунмадилар. У киши олдинда, асқоблари кейинда юриб Мадина эшигига етидилар. Кун ёриши билан йигит Мадина манзараларини кўриб эшикка йўл олди, хотини орқасидан борарди. Умар ва мусулмонлар унга йўлиқишиб, салом бердилар. Мадинага киргач, Умар (худо рози бўлсин!) тўй қилишга буюрди. Мусулмонлар тўйда ҳозир бўлдилар; йигит хотини билан қўшилди ва оллоҳ унга қанча фарзандлар насиб этди...

Қисса шу ерга етганда тўнг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз етмиш еттинчи кеча



Эй саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— Умар ибн Хаттоб (худо рози бўлсин!) тўй қилишга буюрдилар; мусулмонлар тўйда ҳозир бўлдилар, йигит хотини билан қўшилди ва оллоҳ уларга фахр қиладиган ва насабларини сақлайдиган, оллоҳ йўлида жиҳод қиладиган авлодлар насиб этди. Бу маънода айтилган сўз қандай яхши:

Эй эшик олдида ғамгин, оҳ-воҳ этган киши,
Беркиниб ғам кунжиги, ишқини беркитган киши.

Қай пари севгиси мажруҳ этди, кўксинг тилди ким?
Буйла нөвмидликда эсу ҳушни ивритган киши.

Елвориб, арз эт худойимга, елар мушкулларинг,
Тавба қил таягрига қайтиб, юз буриб кетган киши.

Марҳамат қилса худо, етоанг тилакка эҳтимол,
Борми бу дунёда чин мақсудига етган киши?..

Жамоатни айириб ташлайдиган, лаззатларни йўқотиб юборадиган ўлим келгунча улар шод-хуррамлик ва кенгчилик билан ҳаёт кечирдилар.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, саидимиз Иброҳимул Ҳаввос (худо раҳмат қилсин!) айтган экан: «Кўнглим бир вақт кофирлар шаҳрига боришни хоҳлаб қолди. Мен кўп қайтардим, у эса тўхтамади, қайтардим, қайтмади. Кўнглимга тушган бу ишни шунча кетказаман десам ҳам бўлмади. Ночор кофирлар шаҳридан ўтардим ва атрофларда жавлон уриб юрардим. Оллоҳ ўз марҳамати билан мени сақлади ва ҳимоя қилди. Қайси бир христианга учрамай, у мендан юзини ўгириб нари кетди.

Бориб-бориб шаҳарлардан бирига етдим. У шаҳарнинг эшигида бир тўда қуролланган қулларни кўрдим, уларнинг қўлида темир таёқлари бор эди. Мени кўргач, ўринларидан туриб: «Сен табибмисан?»— дедилар менга. Мен: «Ҳа, табибман» дедим. Улар: «Подшонинг олдига юр!» дедилар. Мени подшога олиб бордилар. Борсам, у чиройли, улуғ зот подшо экан. Кирганимда менга қараб: «Сен табибмисан?»— деб сўради. «Ҳа»,— дедим мен. Подшо аъёнларига: «Буни қизнинг олдига олиб боринглар,

кирмасдан илгари қўйилган шартни ҳам билдиринглар»,— деди. Подшо олдидан мени олиб чиқиб айтдиларки: «Подшонинг бир қизи бор, унга қаттиқ бир қасал етган, уни даволашдан табиблар ожиз қолган; қандай табиб келиб даволамасин, давоси эм бўлмас. подшо уни ўлдиради. Қани, сен нима дейсан?» Мен уларга айтдим: «Подшо мени қизига юбордими, мени унинг олдига киргизинглар».

Мени қиз ётган уйнинг эшигигача олиб бориб эшик қоқдилар. Шу онда қиз ичкаридан овоз қилиб: «Ажойиб бир сир эгаси бўлган табибни олиб киринглар»,— деди ва шу шеърни ижод қилди:

Эшикларни очинглар, келар табиб шу томон,
Менга бир қараб қўйинг, бу сирлар менга аён.
Қачонгача энг яқин дўстларимиз йироқда,
Биз учун ёт кишилар бизга яқин!.. Биз доғда!
Мен сиз билан эдим, аммо эдим қувғинда,
Ҳақ мени овунтириб, юборди мени бунда.
Биз у билан яқинмиз ҳамғоялик туфайли,
Кўриштирди иккимиз яна замоннинг зайли,
Топишдик биз иккимиз, яъни ошиқ ҳам маъшуқ,
У мени таклиф қилди, мен унга қилдим қуллуқ.
Шу пайт қараб турарди узоқ ердан бадкирдор —
Ифвогару таънагар, рўбарўда шум агёр!
Қуй гаънаггни! Саволинг бўлса жавоб бермайман,
Уткинчи шухрат учун мағрур кўкрак кермайман.
Туганмаслик, битмаслик ҳақида баҳс қиламан,
Мен фақат абадийлик, борликка интиламан!

Шу пайтда жуда кексайган бир киши дарҳол эшикни очиб: «Кир!»— деди. Мен кириб кўрсам, уй гул ва райҳонлар билан безанган, бир бурчагига парда тортилган, парданинг орқасидан ғоят озиб кетган гавданинг инграган суст овози чиқарди. Парда ёнига бориб ўтирдим ва салом бермоқчи бўлиб туриб пайғамбар-

нинг (худо раҳмат қилсин!): «Яҳудийлар ва христианларга олдин салом берманглар, йўл устида уларга йўлиққан вақтингизда уларни йўлнинг тор жойидан ўтишга мажбур қилинглари?»— деган сўзлари ёдимга тушиб, саломдан тўхтадим. Қиз парданинг ичида туриб: «Худони бирлик ила ёд қилиш ва ихлос саломи қани, эй Ҳаввос?»— деди.

Иброҳимул Ҳаввос: «Бу сўздан таажжубда қолдим, қаердан сен мени танидинг»,— деди. Қиз айтди: «Дил ва хотирлар мусаффо бўлса, тил дилдаги яширин сирларни ошкор қилади. Унинг қўлидан қутулиш муяссар бўлсин учун дўстларидан бирини юборишни кеча тангидан сўраган эдим; сўнгра уйимнинг бурчагидан: «Ғамгин бўлмагин, биз сенга Иброҳимул Ҳаввосни юборамиз»,— деган овозни эшитдим».

Қиздан: «Сенинг қандай сиринг бор?»— деб сўрадим. Қиз жавоб берди: «Очиқ ҳақиқат дилимга тушганига тўрт йил бўлди; шундан буён мен билан сўзлашувчи, менга мунис ва ҳаммадан яқин суҳбатдошим оллоҳдир. Туғишганларим менга назар ташлаб, неча турли гумонларда бўлдилар, ҳатто жиниликка ҳам нисбат бердилар; улардан бўлган табиблар кирса, мени ваҳшатга солди. Кўргани келганлар кирса мени беҳуш қилди». «Бу етган даражанга сени ким йўллади?»— деб сўрадим. Қиз айтди: «Оллоҳнинг ошкор далил ва ҳужжатлари, кўзга кўринган оятлари; қачонки сенга йўл очиқ бўлса, йўлловчи билан йўланган зотни кўра берасан».

Қиз билан гаплашиб турганимда, унинг хизматига қўйилган кекса киши келиб, қизга: «Табибинг нима қилди?»— деди. Қиз: «Иллатни билди ва давосини топди»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод хикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз етмиш
санкизики кеча*



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— қизнинг хизматига қўйилган кекса киши кириб ундан: «Табибинг нима деди?»—деб сўради. Қиз: «Иллатни билди ва давосини топди»,—деб жавоб берди. Бу сўздан менда севинч ва хурсандлик пайдо бўлди. Кекса хизматкор мендан мамнун ва хурсанд бўлиб, югуриб бориб подшога хабар берди. Подшо мени сийлаб, аъёнларига мени иззат-ҳурмат қилишга буюрди. Етти кунгача қизнинг олдига бориб келиб турдим.

Қиз: «Эй Абу Исҳоқ, ислом юртига кўчиш қачон бўлади?»—деб сўради. Мен: «Сен бу ердан қандай чиқасан ва ким журъат кўрсата олади?»—дедим. «Сени менга юборган ва ёнимга киргизган зот йўл беради»,—деб айтди. Мен: «Қандай яхши гап айтдинг»,—дедим.

Эртаси кун қўрғоннинг эшигига чиқдик. «Бўл!» дейиши билан бўладиган зотнинг амри билан бошқа кўзлар бизни кўрмас бўлди. Кундузлари рўза тутиб, кечалари қойим бўлиб ибодат қилишга бу қиздан чидаммироқ кишини кўрмадим. Байтуллоҳул ҳарамда етти йил қўзғалмай турди, сўнгра вафот этди; Макка ери унинг қабри бўлди.

Худо ўзи раҳмат қилсин, мана бу байтларни айтган кишига тангри раҳм қилсин.

Табиб келди мен бемор учун, кўзимда ёш кўрди,
Заифу бемажолу хастаю бир жон талош кўрди.
Юзимдан парда олгач, кўрди у нимжон, ярим мурда,
Муҳаббат ўтида бағри кабобу жисми пажмурда.

Деди:— Мушкул эрур аслига калмоғу, эмас осоя,
Асар қилмас унга ҳар қанча қилсам дори-ю дармон!
Дедилар:— Бу касалнинг номи недир? Бўлмаса чора!
Бу дардга ном топилса, дориси ҳам топилур зора!
Ақлни ишлатинг ховиқ, уни топмоқ эмас мушкул!
Деди:— Мен ақл ишлатмай деган сўзим ҳамон маъкул.

* * *

Ҳикоя қиладиларки, пайғамбарлардан бири (ҳаммаларини худо раҳмат қилсин!) оқар чашмаси бор баланд тоғ устида ибодат қилар экан. Кундузлари одамлар кўрмасин деб тоғнинг тепасида ўтириб, худога тоат-ибодат қиларкан. Чашмага келиб кетадиган одамларга узоқдан қараб тураркан. Кунлардан бир кун пайғамбар чашмага қараб ўтирса, бир отлиқ келиб отдан тушибди, бўйнидан чарм тўрвасини олиб ерга қўйибди, сўнг бир оз роҳатланиб, чашма сувидан ичибди-да, тўрвани қолдириб йўлга равона бўлибди; у тўрвада олтинлари бор экан.

Кейин бир одам чашмага келиб, бояги чарм тўрвани олибди, чашма сувидан ичиб, йўлга равона бўлибди. Ундан кейин орқасига бир бойлам ўтин кўтарган ўтинчи келибди. Сувдан ичиш учун чашма тепасига ўтирибди. Шу онда аввалги отлиқ ғамгин бўлиб ўтинчидан: «Тўрва қани?»—деб сўраган экан, ўтинчи: «Тўрва кўрганим йўқ»,—дебди. Отлиқ қиличини қинидан суғуриб, ўтинчини чопиб ташлабди. Қийимларини титкилаб, ҳеч нарса топмабди ва шу билан яна ўз йўлига равона бўлибди.

Бу ҳодисани кўриб турган пайғамбар: «Эй парвардигорим, битгаси минг тилла олди, иккинчиси зулм остида ўлиб кетди!»—дебди. Оллоҳ унга ваҳи юбо-

риб: «Ибодатингга машғул бўл, мамлакатнинг тадбири сенинг ишинг эмас. Бу отличнинг отаси у одамнинг отасининг молидан минг тилла босиб қолган эди. Боласига отасининг дунёсидан фойдаланишга имкон бердим. Ўтинчи отличнинг отасини ўлдирган эди, боласига қасос олиш имконини бердим. Шунда пайғамбар: «... Ғайб ишларни билувчи ўзингсан»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Ғайб саодатли шоҳ,— деб ҳикоя бошлади Шаҳризод,— оллоҳ пайғамбарга: «Ибодатингга машғул бўл!» деб ваҳи юборибди ва ишнинг ҳақиқатидан унга хабар берибди. Пайғамбар: «Ғайб ишларни билувчи ўзингсан!»— дебди.

Тўрт юз етмиш тўққизинчи кеча Кимдир, шу маънода қуйидаги шеърни айтибди:

Ҳамма ишни кўзи билан кўрди пайғамбаримиз,
Сабабини сўраганда, турган эдик баримиз.

Кўзи билан кўриб туриб тушунмади унга, оҳ!
Деди шунда: «Э, худойим! Қатл этилган беғуноҳ!»

Биз биламиз, бу биттаси бой бўлгандир ишламай,
Донм йиртиқ кийим кийиб, топганини тишламай!

Бошқа биров қатл этилди, ҳаёт эди кеча у;
Унинг ҳеч бир гуноҳи йўқ, бу сир эмас қоронғу!

Эй худойим! Бу пул унинг отасидан қолгандир!
Бу, давлатни бемашаққат, «меросим!» деб, олгандир,

Бу ўтинчи, ул чавандоз отасини ўлдирди,
Уғли ундан қасос олиб, қонинг тўкди, сўлдирди!

Бандаларим! Аралашмай, ўз йўлингга тезроқ бор,
Мен яратган мавжудотда кўз илғамас сирлар бор!

На амр этсам бўйсун, менинг улуғлигим қил ҳурмат,
Менинг ҳукмим элтар сенга ё фойдаю, ё кулфат!..

* * *

Ҳикоя қиладиларки, тақводорлардан бири айтган эканки: «Мен Мисрдаги Нил дарёсида кемачи эдим ва шарқдан ғарбга ўтиб турардим. Кунлардан бир кун қайиқчада ўтирган вақтимда бир нуроний киши олдимга келиб, менга салом берди. Унинг саломига жавоб қайтардим. У менга: «Худо хайрингни берсин, мени нариги қирғоққа ўтказиб қўясанми?»— деган эди «Ҳа»— дедим. Қария айтди: «Худо учун менга таом берасанми?» «Ҳа»— дедим. Қария қайиқчага чиқди ва мен уни шарқ томонга ўтказиб қўйдим.

Қариянинг устида жандаси, қўлида обдаста ва ҳассаси бор эди. Қайиқчадан тушмоқчи бўлганда: «Сенга бир топширигим бор эди»,— деди. «У қандай топшириқ?»— деб сўрадим мен. У айтди: «Эртага кун кирганда, пешин вақтида менинг олдимга келсангу ана у дарахтнинг тагида ўлигимни топсанг, мени ювгин, бошимнинг тагидаги кафан билан кафанлагин. Жаноза ўқиганингдан кейин, мени шу қумга кўмгин. Бу жандамни, обдастам ва ҳассамни ушлаб ол, бирор киши келиб, уларни талаб қилса, унга берма»,— деди.

Унинг сўзидан мен таажжубда қолдим, ўша кечаси ётдим, эрта туриб, айтган вақтини кутиб турдим. Пешин вақти келганда айтганларини унутдим, аср вақтига яқинлашгач, яна отланиб жадал борсам,

дарахтнинг тагида ўлиб ётибди. Боши остидаги янги кафани ҳам топдим: кафандан мушк ҳиди келиб турарди. Уни ювдим, кафанладим, жаноза ўқидим ва гўр қазиб кўмдим, сўнгра Нилдан ўтиб, кечаси ғарб тарафга келдим; жанда, обдаста, ҳасса қўлимда эди.

Тонг оқара бошлагач, шаҳар эшиги очилди, мен бир йигитни кўрдим, у жуда чаққон ва маккор йигит бўлиб, мен уни тавирдим. Кийими юпқа ва қўлига хина қўйилганди. Менга етиб келиб айтди: «Фалончимисан?» «Ҳа» — дедим. «Амонатни келтир»,— деди. «Амонатинг нима?»— сўрадим. У айтди: «Жанда, обдаста ва ҳасса». «Улардан сенга ким хабар берди?» — дедим. У айтди: «Кеча фалончининг уйида ётган эдим, укламасдан тонг отгунча наъма-наво қилдим, сўнгра роҳатланай деб уклаган эдим, шу онда бир одам ёнимга келиб тўхтади ва деди: «Олло таоло фалон валининг жонини олди, унинг ўрнига сени қолдирди. Сен фалон кемачига боргин ва ундай ўлган валининг жандасини, обдаста ва ҳасасини ол, вали уларни сен учун кемачига қўйиб кетган»,— деди. Шундан бошқа ҳеч нарса билмайман.

Кемачи айтди: «У нарсаларни олиб чиқиб йигитга топширдим; у ўз кийимларини ечиб, жандани кийиб, мени қолдирди-ю кетди; ундан маҳрум бўлиб қолганим учун йиғладим. Тун қоронғиси тушгач, укладим ва иззат-икромли парвардигорни тушимда кўрдим. Парвардигор айтди: «Эй бандам, бандаларимдан биттасига лутф қилиб ёнимга чақирганим сенга малол келдими? У эса менинг фазлим, хоҳлаган кишига бераман ва мен ҳар нарсага қодирман». Ушанда қуйидаги шеърларни иншод қилдим:

Ошиқ киши маъшугидан бўлса агар тамагир:
Уртадаги тоза ишқни қилар бундай тама кир.
Еринг сенга яқин келса, шукрин айтмай қолмагин,
Сендан йироқ кетиб қолса, уни айблай олмагин.
Ошиқ бўлсанг лаззат топгил анинг фироқидан ҳам,
Тотмай ҳижрон аччиғини, ширин бўлган висол кам.
Шавқу завқинг раҳбар қилиб, орқасидан ўзинг юр.
Менга бўлган муҳаббатинг не кўрсатса, шуни кўр.

Балки ишқий жилов мени бошлаб борар ўлимга,
Ундай вақтда занжир тушар ёғримга, қўлимга.
У чоғда сен хоҳ айрилгин, хоҳ топшигин, барибир,
Бахтлиларга тик турмоқлик уят эмаску, ахир!
Севдим сени! Сен не билан хурсанд бўлсанг менга шу;
Айриликда яшай қолгин, сенда бўлса шу орзу!

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Бани Исроилнинг яхши кишиларидан бирининг кўп мол-дунёси, солиҳ ва баракатли фарзанди бор экан. У одамнинг ўлиш вақти яқинлашибди, ўғли бошида ўтириб: «Отажон, менга васият қилинг»,— дебди. «Эй ўғилчам, оллоҳни тилга олиб ҳаққа ҳам, ноҳаққа ҳам, яхшига ҳам, ёмонга ҳам қасамёд қилмагин!»— дебди. У киши ўлибди, боласи етим қолибди.

Бани Исроилнинг фосиқ одамлари у кишининг ўлганини эшитиб, йигитнинг қошига келиб айтибдилар: «Отангда бизнинг унча-мунча нарсамиз бор эди, буни ўзинг ҳам биласан. Ҳақимизни бер, агар бермасанг, қасам ич». Йигит отасининг васиятига амал қилиб, уларнинг ҳамма сўраган нарсаларини берибди. Мол-дунёси тугаб, қашшоқлашиб қолгунча шу кўйи умр кўра берибди.

У йигитнинг солиҳа, баракотли бир хотини бор

эди. Ундан икки ёш фарзанди бор эди. Хотинига: «Одамлар мендан талабини кўпайтириб юбордилар, уларга тутқазиб ўзимдан даф қиладиган нарсам бўлса эди, бериб даф қилардим, ҳеч нарсамиз қолмади. Талабдор яна талаб қилса, иккимиз ҳам машаққат ичида қоламиз. Яхшиси шуки, ҳеч ким танимайдиган ерга кўчиб кетайлик, бир кунимизни кўрармиз»,— деди.

Шундай қилиб, у хотини ва икки фарзанди билан денгизга бориб, кемага ўтирди, лекин қаёққа боришни билмади. Оллоҳнинг ҳукмини ҳеч ким бузолмайди. Ҳол тили айтадики:

Душмани ваҳми тушиб, ўз уйдан безган киши,
Сўнг дили таскин топиб, ўзни тетик сезган киши.

Сен фироқдан қўрқмаким, топгай мусофир ҳам шараф,
Ўз уйи қайғусида девонавор кезган киши.

Марварид чиқмас эди тожга, қадрсиз бўлса у,
Бу ҳаёт қадрига ет, ўз бағрини эзган киши.

Кема синди, у йигит бир тахта устида, хотини бошқа тахта устида қолди; ҳар бир боласи ҳам биттадан тахта устида қолишди. Тўлқин уларни бириридан айириб юборди. Хотин бир шаҳарга, бир боласи бошқа бир шаҳарга бориб қолди: иккинчи боласини денгизда кемада келаётган кишилар топиб олишди. У йигитни эса тўлқин якка бир жазирага чиқариб ташлади. У жазирага чиқиб, таҳорат қилди, азон айтиб, намозга такбир туширди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз
саксонинчини
тўлдирувчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— у йигит оролга чиқиб, таҳорат қилди, намозга азон ва иқомат этди. Шунда денгиздан ҳар хил одамлар чиқиб, у билан намоз ўқидилар. Намоздан бўшагач оролдаги бир дарахтга бориб, мевасидан еди ва очлиги кетди, кейин бир чашмани топиб, сув ичиб, азиз ва улуғ оллоҳга ҳамд этди. Уч кун шу ерда қолиб намоз ўқиди, денгиздан қавмлар чиқиб, у билан намоз ўқишдилар; уч кун ўтгандан кейин, бир нидо эшитди, у айтарди: «Эй отасига яхшилик қилган, парвардигорнинг қадрини улуғлаган киши, ғамгин бўлма! Аниқки, улуғ ва азиз оллоҳ нарсаларнинг ўрнига ўрин беради. Чунки, бу оролда дунё бор, оллоҳ шу молларга сени ворис бўлсин дейди. Улар, бу оролнинг фалон-фалон жойларида, уларни очиб ол, биз кемаларни сен тарафга ҳайдаб берамиз; кемада келган одамларга яхшилик қил. Уларни ёнингга чақир. Улар сенга мойил бўлади.

Сўнгра у йигит жазирадаги ўша жойни излаб кетди. Улуғ оллоҳ у ганжларни унга ошкор қилди. Кема аҳллари кела бошладилар. Йигит уларга жуда катта яхшиликлар кўрсатди ва айтди: «Шоядки, одамларни менга келишга даъват қилсангиз, мен уларга шундай-шундай нарсалар бераман ва шундай-шундай нарсаларни тайинлайман».

Дунёнинг турли томонларидан одамлар кела бошладилар. Орадан ўн йил ўтмасдан бу жазира обод бўлди, у йигит шу жазиранинг подшоси бўлди. Бу ерга кимки келиб ўрнашса, унга яхшилик қилди, унинг шуҳрати бутун ер юзини тутди.

Унинг катта фарзанди бир одамнинг қўлига тушган эди; унга илму одоб ўргатди. Иккинчи яна бошқа бир кишининг қўлидаги боласи яхши тарбия олди ҳамда савдогарчиликни ўрганди. Хотини эса бир савдогарнинг қўлида бўлиб, савдогар уни молдунёсига амонатдор қилиб қўйди: унга хиёнат қилмасликка, улуғ ва азиз оллоҳга ибодат қилишида ёрдам беришга ваъда қилди. Савдогар у хотин билан бирга кемада сафар қилар эди: қаерни хоҳласа, шу ерга ўзи билан бирга олиб борарди.

Катта фарзандига келсак, бу подшонинг овозасини эшитиб, унинг олдига келди, аммо кимлигини билмас эди. Келиб подшо олдига кирганда, подшо уни ўзига сирдош ва котиб қилиб олди. Иккинчи фарзанди ҳам у адолатли солиҳ подшонинг шуҳратини эшитиб келди, у ҳам подшонинг ким эканини билмасди. Шоҳ уни ўз ишларига нозир қилиб тайинлади. Маълум вақтгача унинг хизматида бўлди; улар бир-бирларининг ким эканини билмас эди.

Хотин бирга бўлган савдогар ҳам бу подшон одамларга қилган яхшилигини, инъому эҳсонини эшитди. Энг қимматли кийимлардан, ҳар бир шаҳарнинг нодир ҳисобланган тухфаларидан олди, хотин билан келиб бир кемага ўтириб, орол қирғоғига келиб шоҳ саройига тушди. Келтирган ҳадяларини подшога тақдим этди. Подшо ниҳоятда хурсанд бўлди ва савдогарга муносиб совғалар беришга буюрди. Савдогарнинг берган ҳадялари ичида қимматли маъжундорилар бор эди. Подшо савдогарнинг бу дорилар номини билдиришини ва нималардан таркиб топганидан хабардор қилишини сўради. Сўнгра шоҳ савдогарга: «Бу кеча менинг олдимда қўниб қол»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз саксон
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Подшо савдогарга: «Бу кеча меникида қўниб қол», деган экан, у: «Кемада амонатим бор, уни ўзимдан бошқага топширмасликка ваъда берганман. У бир солиҳ хотин, унинг дуосини табаррук деб ҳисоблайман, унинг дуоси сабабли менга баракотлар зоҳир бўлди», дебди. Подшо: «Мен энг ишончли кишиларимдак унинг ёнига ва нарсаларни сақлашга юбораман»,— дебди.

Савдогар бу таклифни қабул қилиб, подшо ҳузурда қолибди. Подшо котиб ва вакилини у хотин олдига юборибди. Уларга: «Боринглар, бу одамнинг кемасини кечаси, худо хоҳласа, пойланглар»,— дебди.

Улар бирга бориб, кемага чиқиб, бири кеманинг этагида ва бири кеманинг бошида ўтириб, кечанинг бир қисмида оллоҳнинг зикрига машғул бўлибдилар. Сўнгра уларнинг бири иккинчисига: «Эй фалончи, подшо бизни пойлоқчиликка буюрди, уйқу босиб қолишлигидан қўрқамиз, кел, замон хабарлари ва кўрган роҳат ва қилган меҳнатларимиздан гаплашиб ўтирайлик», дебди. Иккинчиси. «Эй биродар, мен меҳнат ва машаққатларимни айтсам, замон ҳодисалари мен билан отамни, онамни ва номи сеникига ўхшаш укам билан ўртамизни айириб юборди. Бунинг сабаби шу эдики, отамиз фалон шаҳардан келиб денгизда кемага ўтирди, бирдан шамол кўзгалди, кемани у ёққа-бу ёққа суриб синдирди. Оллоҳ бизни бирлигимиздан айирди», дебди.

Иккинчиси буни эшитгач: «Онангнинг оти нима эди, эй биродар»,— дебди. У: «Фалончи эди» — деб жавоб қилибди. «Отангнинг оти-чи?»— дебди яна у. Жавоб берибди: «Фалончи». У биродарининг устига ўзини ташлаб дебди: «Худо ҳақи, ҳақиқатан ҳам сен менинг биродаримсан». Икковлари ёшлигида ўтган можароларни гапира бошлашибди. Онаси буларнинг сўзини эшитиб, кимлигини айтмасдан сабр қилиб ўтирибди. Тонг отгач, бири иккинчисига: «Юр, биродар, менинг уйимда гаплашамиз»,— дебди. «Хўп» — дебди униси. Икковлари кетишибди. Савдогар келиб қараса, хотин қаттиқ қайғу ичида ўтирганмиш ва ундан сўрабди: «Сенга нима бўлди?» Хотин айтибди: «Кечаси менга ёмонликни раво кўрган кишини юбординг, иккови мени қаттиқ хафа қилди». Савдогар бундан газабланиб, подшо ҳузурига йўл олибди ва унинг икки ишончли кишисининг қилмишларидан хабар берибди. Подшо дарҳол икковини ҳозир қилибди. У икковининг диндорлиги ва амонатдорлиги синалганлиги учун подшо уларни яхши кўрарди. Подшо ҳодисани улар олдида ўз оғзи билан айтсин деб, хотинни ҳам келтиришга буюрибди. Хотинни чақирибдилар. Подшо унга қараб: «Эй хотин, бу икки ишончли кишимдан нима ёмонлик кўрддинг»,— дебди. Хотин: «Эй подшо, улуғ арш парвардигори, сендан сўрайман, бу икковининг ўтган кеча гапирган гапларини қайтадан гапиришларига буюр»,— дебди. Подшо уларга: «Гапиринг, ҳеч нимани яширманг», дебди. Улар гапларини қайтадан гапирибдилар. Шунда подшо тахтдан туриб, қаттиқ оҳ тортиб, ўзини уларнинг устига ташлаб, ҳар икковини қучоқлаб: «Худого минг бор шукур, икковингиз фарзандларим экансиз»,— дебди. Хотин юзини очиб: «Худо ҳақи, мен буларнинг онасиман», дебди.

Ҳаммалари жам бўлишибди, то ўлим уларни бир-биридан айиргунча ширин ҳаёт кечиршибди. Бу маънода айтилган сўз қандай яхши:

Барча мавжудда яралмоқ ила битмоқ вақти бор,
Хоҳласа қилгай губордан бору ё бордан губор.

Тушса гар бошга оғир бир иш, ўзинг мардона тут,
Доимо тўсмас қуёш нурини ўткинчи булут.

Зоҳиран келтирса ҳам бу шум алам барбодлик:
Зимнида аммо яшар асло туганмас шодлик.

Учрагай афти ёқимсиз, баъзиларнинг кўзига,
Ёширинмиш фазл шу одамга, боқмай юзига.

Қайғу ғам недир? Уни билган киши бўлмайди ғаш,
Балки ғам-қайғу билан мардонавор қилгай кураш,

Бахтсизлик қуршагай баъзида одамзодни,
Бўлғач у ёрдан жудо, касб айлагай фарёдни.

Васл базми тарқалиб, тўпланди ҳижрон, ғам-алам,
Сабр этиб, вақт этиб, базм аҳли қайта бўлди жам.

Ким ҳақоратланди ноҳақ, топди сўнг эзгу шараф,
Айланиб ўнг энди чарх, олдин унга айланса чап.

Гар ироданг бўлмаса маҳкам, яқин йўл ҳам йироқ,
Ақл ила чархлаб кўзинг, бундай ажиб сирларга боқ!

* * *

Ҳикоя қиладиларки, Абул Ҳасан даррож айтган экан: «Макканинг шарафини оллоҳ зиёда қилсин, мен унга кўп келар эдим, йўлларни, йўл устидаги суви бор манзилларни яхши билганимдан одамлар

менга эргашар эдилар. Иттифоқо, йилларнинг бири-да Байтуллони, пайғамбарнинг қабри зиёратига етишмоқни ирода қилдим ва ўз-ўзимга: «Йўлни яхши билганимдан кейин ёлғиз ўзим кетмайманми?»—деб йўлга тушиб, Қодисиягача бордим. Тўғри масжидга кирдим. Меҳробда мохов касалига мубтало бўлган бир кишининг ўтирганини кўрдим. У мени кўргач: «Эй Абул Ҳасан, Маккагача сен билан ҳамроҳ бўлай»,—деди. Шунда мен ўзимга дедим: «Йўлдошларимни қолдириб чиқиб, қандай қилиб моховга йўлдош бўламан?» Сўнгра у одамга: «Мен ҳеч кимга йўлдош бўлмайман», деган эдим, у сукут қилиб қолди.

Тонг отгач, ёлғиз ўзим йўлга тушдим, бориб Ақабга етдим. Масжидга кирдим ва ҳалиги мохов кишини масжиднинг меҳробида кўрдим. Ўзимга дедимки: «Субҳоноллоҳ, бу ерга мохов қандай қилиб мендан олдин етиб келди?» Мохов бошини кўтариб, менга табассум қилди ва айтди: «Эй Абул Ҳасан, ожиз кишилар учун, қудратли кишиларни таажжубга соладиган ишлар бор дунёда!»

Шу кечани кўрган ишимдан ҳайратда қолиб ўтказдим, тонг отиб, турганимдан сўнг ёлғиз ўзим йўлга тушдим. Арафотга етгач, тўғри бориб масжидга кирдим, қарасам, яна ўша мохов меҳробда ўтирибди. Устига ўзимни ташладим ва: «Эй хожам, сиздан илтимос, бирга бўлайлик» дедим-да, унинг оёқларини ўпа бошладим. Шунда мохов: «Бу талабингга йўл йўқ!» деди. У кишининг суҳбатидан маҳрум бўлганим учун ҳўнграб йиғлай бошладим. Мохов: «Ўзингни тўхтат, йигининг сенга фойдаси йўқ»,—деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз саксон
иккинчи кеча

ёшидан сенга фойда йўқ»,—деди. Кейин шундай шеърларни айтди:

Айрилиқдан қайғуриб, айбли ўзингсан бунга, бас,
Қаҳр ила берган саволингга жавоб мумкин эмас!
Сен келиб, беморлигим текширдинг кўрдинг ўзинг,
Дард учун топмай илож, қошимда ўлтирдинг ўзинг.
Билмагайсанми, иложини қилур тангри ўзи,
Тангрига албат ўтар ожиз бу қулларнинг сўзи.
Мен ўша кўрган кишилар сингари бўлсам эдим,
Бунча дард чекканда ҳам, тишни қўйиб турмакда жим,
Тангри ёнига борар элчи мукамал бўлса ҳам,
Бирга етмоқлик учун йўқ йўлга зоди-роҳилам,
Бор, йўлингдан қолмагин, менман мусофир, холи қўй,
Ҳам ғарибу, ҳам ҳақиру, ҳам фақиру якка бўй...
Кетгину тинч қўй мени, ёлғиз ишим оҳ-воҳдир,
Қайда бўлсам, у яратган мен билан ҳамроҳдир.

Мен ёнидан кетдим, қайси манзилга келмай,
унинг олдин келиб турганини кўрдим. Мадинага
етгач, ғойиб бўлди ва хабарини ҳам билмадим. Сўнгра
мен Абу Язидил Бастомий, Абубакриш Шиблий
ва бошқа улуг кишиларга йўлиқдим; уларга ўз қис-

самни айтиб, воқеадан ҳикоят қилдим. Улар айтишди: «У кишининг суҳбатига етишиш сенга қаёқда! Бу одам Абужаъфарил мохов, у кишининг ҳурмати билан ёмғир сўралади ва у кишининг баракоти билан дуолар мустажоб бўлади».

Улардан бу сўзни эшитгач, у кишига учрашишга шавқим зиёда бўлди, оллоҳдан мени у кишига йўлиқтиришни сўрадим. Арафотда тўхтаб турган вақтимда кимдир орқамдан тортди, бурилиб қарасам, ўша киши экан. Уни кўришим билан қаттиқ бақириб юбориб, ҳушсиз йиқилдим; ўзимга келиб, у кишини тополмадим. У кишига шавқим яна ортди. Йўллар менга торайди, худодан у киши билан учрашишни сўрадим.

Анчагача у кишини кўролмадим. Бир вақт у тўсатдан орқамдан тортди, бурилиб у тарафга қарадим, шунда айтди: «Сен сўра ҳожатингни». Уч дуо қилишини сўрадим: биринчи — оллоҳ менга фақирликни яхши кўрсатсин; иккинчи — маълум бир ризққа эга бўлиб ётмай; учинчи — оллоҳ шарафли дийдорини менга насиб этсин. У мен учун шуларни дуо қилиб, ғойиб бўлди.

Унинг дуосини оллоҳ ижобат қилди: биринчидан, оллоҳ фақирликни менга шу қадар яхши кўрсатдики, дунёдаги бор нарсалар ичида менга фақирликдан яхши нарса йўқ; иккинчидан — мен бир қанча йиллардан бери маълум ризққа эга бўлиб ётмадим ва шу билан бирга, оллоҳ мени ҳеч нарсага муҳтож ҳам қилмади. Юқоридаги икки дуони ижобат қилгандек, бу учинчисини ҳам ижобат этиб марҳамат қилишини умид қиламан. Чунки оллоҳ кўп марҳамат қилувчидир. Қуйидаги сўзларни айтган кишини худо раҳмат қилсин:

Фақир вахтаси оққан кийимдаю, аммо,
Намозу рўза, ибодат берур юзига жило.
Юзи сариғлиги ҳам ҳусн эрур, эмас нуқсон,
Чунончи ой сариғидан мунаввар ўлди жаҳон.
Фақир бутун кечалар уйқусиз, заифланмиш,
Мадори йўқ тани кун ўтказишга эпланмиш,
Илик қуриб, аёғи ҳар қадамда тиз чўкади,
Таҳоратига мудом икки кўзи сув тўкади,
Тонг оттирар кечани, келса энг азиз дўсти,
Азиз шу дўсти керак, йўқ бўлак каму кўсти.
Ҳамиша истаб уни нечалар, мадад тилагай,
Биров ҳаёту, биров моли беадад тилагай,
Келиб яна кечалар, айтишурда арз-аҳвол:
Қаерда бўлсаки золим, тилайди шунга завол.
Сўрайди бир жонивор, дардининг давосини,
Биров ҳикоят этар унга мудлаосини,
Тузалмаган ҳамма дардга даво қилар бу фақир,
Табибий ҳозиқ эрур бу фақирий доно пир,
Ҳамиша чеҳрасидан нур ёғилгуси боқсанг,
Ҳамиша ҳозир эрур у, эшигини қоқсанг.
Оғир аламга дучор ҳам бўлишда бахти қаро,
Тополмагайсан ўзингга бу хил табибу даво!
Шу хилда бўлди биров, чунки у чунон шошди,
Кетишда билмай уни, дард билан бу ўйнашди,
Тушунди сўнгра оғир дардга мубталолигини,
Тушунди сўнгра ўзи бахтининг қаролигини,
Кезишда даштни, у ҳижрон жафосини тортди,
Узайди йўли, висолнинг масофаси ортди..
Умид этарсан, унга ҳамдаму бўлиш ҳамдard,
Бироқ юкинг оғиру йўлларинг туман ҳам гард.
Агарда билсанг эдинг сен уларнинг кимлигини,
Уларнинг ўз иши афзаллиги, ҳақимлигини,
Бериб қулоқни улар сўзига тўқардинг ёш,
(Тумовга мумкин эмасдир чаманда гул ҳидлаш!)
Югур, бу дардинг учун ёрдан висол сўра,
Йўлиқса йўлда ўзингдек аламли, ҳол сўра,
Халос қилур бу ишинг халқаро маломатдан,
Сенга насиб бўлиб балки бахт-саодатдан,
Висол базми томон шунда аста йўл соласан,
На бўлса истаганинг: истагинг топиб оласан!



Ҳосиб ва илонлар маликаси

У

икоя қиладиларки, қадимги замонда, ўтган аср ва даврда юнон ҳукамоларидан бир ҳаким бор эди, унинг номи Дониёл эди. Унинг шогирдлари ва ҳимоячилари бор эди, юнон ҳукамолари унинг амрига бўйсунардилар, унинг илмларига эъти мод қилардилар. Бироқ унга бир ўғил фарзанд насиб бўлмади.

Кечалардан бирида у ўз-ўзича ўйлаб, унинг илмига эга бўладиган ўғил йўқлиги учун йиғлади, шу онда унинг дилига, худо мурожаат қилган кишиларнинг дуосини ижобат қилади-ку, деган фикр келди. Чунки, оллоҳнинг фазлу карами эшигида дарвозабон йўқ, хоҳлаган кишиларига беҳисоб ризқ беради, ҳожати бор кишилар ҳожатини сўраса, қуруқ қайтармайди, балки унга тўла инъому эҳсон беради. Шуларни ўйлаб, ўринбосар бўладиган бир фарзанд насиб этишни ва хазинасидан кўп инъом қилишни тангридан сўради. Сўнгра уйига қайтиб, ўз хотини билан қўшилди, шу кеча хотини ундан ҳомиладор бўлди...».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Э



*Тўрт юз саксон
учинчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,—юнон ҳакими уйга қайтиб, ўз хотини билан қўшилди, шу кеча хотини ундан ҳомиладор бўлди. Бир неча кун ўтгач, кемада бир ерга сафар қилди, у тушган кема синиб, китоблари денгизга чўкиб кетди. Унинг ўзи шу команинг бир парча тахтасида жон сақлаб қолди. Денгизга чўкиб кетган китоблардан беш варағи ўзи билан бирга қолган экан; уйига қайтгач, у варақларни бир сандиққа солиб, устидан қулфлади. Хотинининг ҳомиласи билиниб қолган эди. У хотинига: «Менинг ўлимим яқинлашди, фоний дунёдан боқий дунёга кўчиш вақти етди. Сен бўлсанг ҳомиладорсан, мен ўлгач, кўп ўтмай бир ўғил туғасан. У бола дунёга келгач отини Ҳосиб Ка-

римиддин қўйгин, унга яхши тарбия бергин; у катта бўлиб: «Отам менга нима мерос қолдириб кетди» деса, шу беш варақни унга бергин; буларни ўқиб, маъносини билса, асрдошларининг энг олими бўлади»,— деди.

Сўнгра хотини билан видолашиб, пиқ-пиқ йиғлади ва дунёдан, дунёдаги бор нарсалардан жудо бўлди (худо раҳмат қилсин!). Оиласи, қавму қариндошлари, ёру биродарлари йиғлашди; кейин уни ювдилар, катта сарфу харажат билан кўмиб қайтдилар. Бир оз кундан кейин хотини бир чиройли ўғил туғиб, отини эрининг васиятига кўра Ҳосиб Қаримиддин қўйди. Уни туққанда мунажжимларни чақирди, мунажжимлар унинг толеини ўзига мувофиқ юлдузлардан ҳисоблаб, сўнгра айтдилар: «Эй хотин, билгинки, бу бола узун умр кўради, бироқ умрининг авалида бошига кўп мушкул ишлар тушади. Улардан қутула олса, шундагина унга илму ҳикмат ато қилинади.»

Шундай деб, мунажжимлар ўз йўлларига қайтиб кетдилар. Онаси икки йил эмизиб, кейин сутдан айирди. Бола беш ёшга етганда уни мактабга берди. Бола мактабда ҳеч нарса ўрганмади, кейин мактабдан чиқариб олиб, ҳунар ўрганишга берди. Ҳеч қандай ҳунар ҳам ўрганолмади. Қўлидан ҳеч қандай иш келмади. Шу ваздан онаси йиғлади, шунда одамлар онасига: «Уйлантириб қўй, шояд хотин боқиш зиммасига тушиб, бирор ҳунар ўрганса»,— дейишди.

Ҳосибнинг онаси бир қизга совчи бўлиб, уни ўғлига олиб берди. Орадан аллақанча вақт ўтса ҳам асло бирор ҳунарни ўрганмади. Уларнинг ўтинчи қўшнилари бор эди, улар онасига келиб айтишди: «Ўғлингга бир эшак, арқон ва болта олиб бергин. Биз билан тоққа борсин, бирга ўтин чопсин; ўтин

пули бизники бизга, уники ўзига бўлади. Ўзига текканини сизларга сарф қилади».

Ўтинчилардан бу гапни эшитгач, онаси жуда севиниб, боласига эшак, арқон ва болта сотиб олди. Ҳосибни ўтинчиларникига олиб келиб, уларга топширди ва ундан хабардор бўлиб туришни илтимос қилди. Ўтинчилар айтди: «Боланинг ғамини ея берманг, ризқини худо ўзи беради, у бизнинг устозимизнинг боласи». Сўнгра уни ўзлари билан олиб тоққа қараб кетдилар, ўтин кесиб, эшакларига ортиб, шаҳарга келтириб ўтинни сотдилар ва пулини болачақаларига сарф қилдилар; сўнгра яна эртасига ва индинига ўтин кесгани бордилар. Бирмунча вақт шу ҳол давом этди.

Кунлардан бир кун, ўтин чопишга борган эдилар, қаттиқ ёмғир ёғди, ёмғирдан қочиб катта бир ғорга кирдилар. Ҳосиб Қаримиддин улардан олдин бориб ғорнинг бир четига ўтириб, қўлидаги болтаси билан ерга ура бошлаганди, болта урган ери бўш экан. Яна бир оз кавлаганди, ғилдирак бир тош кўринди, унга ҳалқа ўрнатилган экан. Суюниб ўтинчи йўлдошларини чақирди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз саксон
тўртинчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Ҳосиб Қаримиддин ғилдирак тошни ва унга ўрнатилган ҳалқани кўргач, хурсанд бўлиб, йўлдошларини чақирди. Йўлдошлари келиб ғилдирак тошни кўрдилар, югуришиб келиб тошни ўрнидан кўчирдилар. Остидан бир эшик чиқди.

Эшикни очдилар, қарасалар, асал тўла қудуқ экан.

Ўтинчилар бир-бирига: «Асал тўла қудуқ экан, шаҳарга бориб, идиш олиб келиб, асалга тўлдириб олиб бориб сотамиз, пулини бўлишиб оламиз, бит-тамиз қолиб асални бошқалардан сақлаб турсин», дейишди. Ҳосиб: «Сизлар бориб идиш олиб келгунингизча мен пойлаб ўтираман», деди. Қудуқ бошида Ҳосиб Каримиддинни қолдириб йўлдошлари шаҳарга кетдилар. Бориб, идиш олиб келиб, асал тўлдириб, эшакларга ортдилар, шаҳарга элтиб сотдилар. Яна қайтиб қудуққа келдилар. Бир қанча идишни асалга тўлдириб, шаҳарга олиб бориб сотдилар. Ҳосиб Каримиддин қудуқ пойлаб ўтираверди.

Кунларнинг бирида ўтинчилар бир-бирларига айтдилар: «Асал қудуғини топган Ҳосиб Каримиддин эртага шаҳарга тушади, бизга даъво қилиб, асал пулини талаб қилиб: «Уни мен топганман», дейди. Ундан қутулишнинг йўли шуки, идишларга қолган асални тўлдириш баҳонаси билан уни қудуққа тушириб, ўша ерда қолдирамиз, у қийналиб ўлади, ҳеч ким ҳам билмайди».

Ҳаммалари шу гапни маъқулладилар, қудуққа етиб келиб Ҳосибга: «Эй Ҳосиб, қудуққа туш, қолган асални идишларга тўлдир», дедилар. Ҳосиб қудуққа тушди, қолган асални идишларга тўлдириб, уларга: «Тортинглар, қудуқда ҳеч нарса қолмади», деди. Йўлдошларининг биттаси ҳам жавоб қайтармади. Ҳосибни қудуқда ёлғиз қолдириб, асални эшакларига ортиб, шаҳарга қараб кетишди. Ҳосиб фарёд уриб йиғлади ва айтди: «Худодан бошқадан мадад ва ёрдам йўқ. Минг азобда қийналиб ўламан, энди».

Ҳосиб Каримиддиннинг ҳоли шу бўлди. Энди

ўтинчиларга келсак, улар шаҳарга бориб асални сотишди-ю, йиғлаб Ҳосибнинг онаси олдига келишди ва унга: «Ўғлинг Ҳосибдан айрилдинг, бошинг омон бўлсин!»— дедилар. Онаси: «Ўғлим нима бўлиб ўлди?»— деб сабабини сўради. Ўтинчилар айтди: «Тоғ устида ўтирган эдик, қаттиқ ёмғир ёғиб ўтди. Ёмғирдан қочиб горга кирдик, шунда ўғлингнинг эшаги саҳрога қараб қочганини билмай қолибмиз, эшакни қайтариб олиб келишга кетганди, бир катта бўри ўғлингни ёриб ташлаб, эшагини еб кетди».

Ўтинчиларнинг гапини эшитгач, Ҳосибнинг онаси юзига уриб, бошига тупроқ сочди, ўғлингнинг азасини тутди, ўтинчилар ҳар кун ундан хабар олиб, емак-ичмак келтириб турдилар.

Ҳосибнинг онаси шўрлик шу ҳолга тушган эди. Ўтинчиларга келсак, улар дўконлар очиб, савдогар бўлиб олишди, емак-ичмакда, ўйин-кулгида умр кечиришди. Ҳосиб Каримиддиндан сўрасангиз, у зор-зор йиғларди. Шу зайлда қудуқда ўтирганида унинг олдига бир катта чаён тушди. Ҳосиб шарт ўрнидан туриб, уни ўлдирди. Сўнгра ўз-ўзича ўйлади: «Бу қудуқ асалга тўла эди. Бу чаён қаердан келди?»—деб ўрнидан туриб, чаён тушган жойга қаради. Қудуқда ўнг, сўлига айланиб қаргса, чаён тушган жойдан ёруғлик турибди. Пичоғини олиб, ўша жойни туйнукдай бўлгунча кенгайтирди; ундан чиқиб ичида бир оз юргач, катта бир йўлак кўринди. Шу йўлакдан бориб бир қора темир эшик кўрди, унга кумуш қулф солинган экан; қулфнинг устида олтиндан калити бор эди. Ҳосиб эшикка яқинлашиб, унинг тирқишидан қараганди, ярқиллаб турган катта бир ёруғлик кўринди. Калитни олиб эшикни очди, ичкарига кириб, бир оз юриб, катта бир кўлга етди, кўлда сувга ўхшаб ярақлаб турган бир нарсани кўрди. Йўл юриб

бориб унга етди. Қараса, баланд яшил забаржад тепа экан, тепа устига ҳар хил жавоҳирлар қадаб зийнатланган олтин тахт ўрнатилган экан...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз саксон
бешинчи кеча



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Ҳосиб Каримиддин тепага етгач қараса, яшил забаржаддан экан, устига ҳар хил жавоҳирлар қадалган олтин тахт ўрнатилган экан. Тахтнинг атрофига баъзиси олтиндан, баъзиси кумушдан ва баъзиси яшил зумраддан курсилар қўйилган. Курсиларга яқин келиб, дамини ростлаб олгандан кейин, уларни санади, билса ўн икки мингта экан.

У курсилар ўртасига ўрнатилган тахтга чиқиб ўтириб кўл ва унинг атрофига қўйилган курсиларни томоша қилиб таажжубда қолди, уйқу енггунча таажжубда бўлди.

Бир оз ухлаганди, бирдан пихиллаган, шипиллаган шов-шув овозлар эшитилди; у кўзини очиб қараса, курсилар устида катта-катта илонлар ётибди, ҳар бирининг узунлиги юз газ келарди. Уларни кўриб Ҳосиб жуда қўрқиб кетди, тупуклари қуриб қолди, жонидан ҳам умидини узди ва даҳшатда қолди. Ҳар бир илоннинг кўзи чўғдай ёниб турганини кўрди. Кўл атрофига бурилиб қараганди, у ерда бирталай майда илонларни кўрдик, уларнинг ададини тангридан бошқа ҳеч ким билмас эди. Бир оздан кейин, хачирдек катта бир илон Ҳосиб томонга қараб келди, илоннинг орқасида олтин лаган бор

эди, лаганнинг ўртасида биллурга ўхшаб ялтираб бир илон ётарди, юзи инсон юзидек, фасоҳатли тил билан гапирарди.

Илон Ҳосиб Каримиддинга яқинлашиб келиб, унга салом берди, Ҳосиб унинг саломига алиқ олди. Курси устидаги илонлардан бири бу илон томонга қараб келди, лаган устидаги илонни кўтариб, курсилардан бирининг устига қўйди, лаган устидан тушган илон ўз тили билан бошқа илонларга қараб қичқирди, ҳамма илонлар курсида туриб унга сажда қилдилар ва унинг ҳақиға дуо қилдилар, сўнгра уларга ўтиришга ишорат қилинди, улар ўтирдилар. Лаган устида келган илон Ҳосиб Каримиддинга: «Эй йигит, биздан қўрқма, мен илонларнинг маликаси ва султониман»,— деди.

Илондан бу гапни эшитгач, Ҳосиб Каримиддиннинг кўнгли ўрнига тушди. Илонлар маликаси бошқа илонларга емоқ учун бирор нарса олиб келишга ишорат қилди; улар олма, узум, анор, писта, пундук, ёнғоқ, бодом, банан олиб келиб, Ҳосиб Каримиддиннинг олдига қўйдилар. Илонлар маликаси унга: «Хуш келдинг, эй йигит, отинг нима?» деди. «Менинг отим Ҳосиб Каримиддин»,— жавоб берди. Илонлар маликаси: «Эй Ҳосиб, бу мевалардан егин, бизларда бундан бошқа таом йўқ, биздан асло ҳайиқма»,— деди.

Ҳосиб илонлар маликасидан бу сўзни эшитгач, тўйганича еди, кейин худога ҳамд этди. У еб тўйгач, турли мевалардан ясалган дастурхонни йиғиб олдилар. Таомдан кейин илонлар маликаси айтди: «Эй Ҳосиб, менга айтгин-чи, бу ерга қаёқдан келдинг, ўзинг қаерликсан ва қандай саргузаштинг бор?»

Ҳосиб, отасига нималар бўлганини, онаси уни

қайда туққанини, беш ёшида мактабга олиб бориб қўйганини, у ерда илмдан ҳеч нарса ўрганмаганлигини, қандай қилиб ҳунар ўрганишга берганини, онаси эшак олиб бериб ўтинчи бўлганини, асал қудуғига учраганини, ўтинчи йўлдошлари уни қудуқда қолдириб кетишганини, унинг олдига қандай қилиб чаён тушгани ва уни ўлдирганини, чаён тушган ёриқни қандай кенгайтириб, қудуқдан чиқиб, темир эшикка келиб, уни очиб илонлар маликасига етишгани ва маликанинг унга гапирганини бир-бир сўзлаб берди. Сўнгра унга: «Менинг ҳикоямнинг аввалидан охири шу, энди бундан кейин бошимга нималар келишини худонинг ўзи билади»,— деди.

Илонлар маликаси Ҳосиб Каримиддин саргузаштини аввалдан охиригача эшитгандан кейин: «Бундан кейин яхшиликдан бошқа ҳеч нарса кўрмайсан...»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— илонлар маликаси, Ҳосиб Каримиддин

ҳикоясини аввалидан охиригача эшитгач унга айтди: «Бундан буён яхшиликдан бошқа ҳеч нарса кўрмайсан, бироқ, сен, эй Ҳосиб, бирмунча вақт мен билан бўлсанг дейман, чунки мен ҳам сенга ўз саргузаштларимдан ҳикоя қилиб, кўрган-кечирган ажойиботларимдан хабар бераман». «Хўп

бўлади, буйруғингга итоат қиламан»,— деди Ҳосиб.

Илонлар маликаси айтди: «Билгил, эй Ҳосиб, Миср шаҳрида Бани Исроил қабиласидан бир подшо ўтган эди. Унинг бир ўғли бўлиб, оти Булуқие эди. Бу подшо олим ва обид бўлиб, илмий китоблар қироатига муккасидан кетганди. У қариб, ўлим яқинлашганда, давлат арбоблари унинг ҳузурига келиб саломлашиб ўтирдилар. Подшо уларга деди: «Эй қавмим улуғлари, билинглarki, дунёдан охиратга сафар қилиш вақтим етди. Уғлим Булуқиедан бошқа васият қилиб топширадиган ҳеч нарсам йўқ, бас, шунга хайрихоҳ бўлинглар». Сўнгра: «Худодан бошқа худо йўқ!»— деди-ю, ҳиқ-ҳиқ қилиб дунёдан ўтди (худо раҳмат қилсин!). Сўнгра ювиб, тараб, катта сарфу харажат билан кўмдилар. Уғли Булуқиени ўзларига подшо қилдилар, боласи фуқарога адолатли бўлди, унинг замонда фуқаро роҳатда яшади.

Кунлардан бир кун, иттифоқо, бор нарсаларни кўздан кечириш учун отасининг хазиналарини очди. Хазиналардан бирида эшикка ўхшаш бир нарса топди, ичкари кириб қараса, бир кичик ҳужра экан; унда оқ мрамрдан бир устун бўлиб, устида обнудан ишланган сандиқ бор эди. Булуқие уни очганди, ичидан яна бир олтин сандиқ чиқди. Уни ҳам очиб, ичида, бир китоб кўрди, китобни очиб ўқиди, унда Муҳаммаднинг (худо раҳмат қилсин!) сифатларини, у кишининг охир замонда пайғамбар бўлиб дунёга келишларини, аввал ва охирнинг саиди бўлишларини кўрди.

Булуқие бу китобни ўқигач, Муҳаммаднинг (худо раҳмат қилсин!) сифатларини билди, дил у кишининг муҳаббатига боғланди. Сўнгра Булуқие Бани Исроил катталарини: коҳинлар, олимлар, роҳибларни йиғди, китобдан уларни хабардор қилди, уларга



Тўрт юз саксон олтинчи кеча

Ўқиб берди ва айтди: «Эй қавм, отамни қабридан чиқариб олиб куйдиришим лозим бўлиб қолди!» Унга қавмлари дедилар: «Отангни нима учун куйдирасан?» Булуқиё уларга: «Отам мендан бу китобни бекитгани ва менга ошкор қилмагани учун куйдираман. У Муҳаммаднинг сифатини Тавротдан, Иброҳим пайғамбарга тушган саҳифалардан кўчириб шу китобга ёзиб, хазиналардан бирига қўйган экан. Одамлардан ҳеч ким ундан хабардор бўлмабди» Фуқаролар унга дедилар: «Эй подшоҳимиз, отангиз ўлган, у тупроқда ётибди, ишининг яхши-ёмонлиги тангрига топширилган. Уни қабрдан чиқарманг».

Булуқиё Бани Исроил катталаридан бу сўзни эшитгач, отасини чиқариб куйдиришига йўл қўймасликларини тушунди, уларни ўз ҳолига қўйиб, онасининг олдига кирди: «Эй волидам,— деди у,— отамнинг хазинасида бир китоб кўрдим, у китобда Муҳаммаднинг (худо раҳмат қилсин!) сифатлари бор, у киши охир замонда пайғамбар бўлар эканлар, дилим у кишининг муҳаббатига боғланди. У кишига учрашганимча шаҳарма-шаҳар саёҳат қилиб юрсам дейман. У кишига учраша олмасам, ишқида ўлиб кетаман». Шундан кейин подшолик кийимини ечиб, дарвешлик кийимини кийди ва онасига: «Эй она, меми дуонгдан холи қилмагин»,— деди. Онаси: «Сенсиз ҳолимиз нима бўларкин?»— деб йиғлади. Булуқиё: «Асло сабру тоқатим қолмади, сени ҳам, ўзимни ҳам оллога топширдим», деди.

Сўнгра Шом тарафга саёҳатга чиқди, қавмидан ҳеч ким билмади, сайр қилиб бориб бир денгиз соҳилига етди. У ерда бошқа йўловчилар билан бирга кемага ўтириб, бир жазирага етгунча сайр қилиб кетди. Йўловчилар кемадан жазирага чиқишди, у ҳам улар билан чиқди. Жазирада улардан айрилиб,

бир дарахт тагига бориб ўтирди. Уйқу элитиб, ухлаб қолди. Уйқудан туриб кеманинг олдига келди, қараса, кема қўзғалиб жўнаб қолибди. Шу тариқа жазирада қолиб хурмо дарахтидай, туядай илонларни кўрди. Улар худони тилга олиб, Муҳаммадга (худо раҳмат қилсин!) салавот айтгардилар, таҳлил ва тасбеҳ этиб қичқирардилар. Буларни кўриб Булуқиё ғоят таажжубланди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Булуқиё илонларнинг тасбеҳ ва

таҳлил этганларини кўргач, ғоят таажжубланиб қолди. Илонлар Булуқиёни кўрганларидан кейин йиғилишиб унинг олдига келдилар. Илонлардан бири: «Сен ким бўласан, қаердан келяпсан, отинг нима ва қаёққа борасан?», деди. Унга Булуқиё деди: «Отим Булуқиё, ўзим Бани Исроил қабиласиданман, Муҳаммад (худо раҳмат қилсин!) ишқида ҳайратда қолиб, талабида чиққанман. Эй шарафли махлуқлар, сизлар ким бўласизлар?» Илонлар айтди: «Биз жаҳаннам аҳлиданмиз, бизларни оллоҳ кофирларга азоб бериш учун ато қилган». Булуқиё улардан сўради: «Бу ерга сизларни нима келтирди?» «Эй Булуқиё,— дейишди илонлар,— шуни билгинки, жаҳаннам ўз ҳароратининг шиддатидан бир йилда икки марта нафас олади— қишда бир марта, ёзда бир марта. Билгинки, ҳароратининг шиддати, қайногининг кучлилигидан ҳар нафас олганда бизларни



Тўрт юз саксон еттинчи кеча

ичидан отиб чиқариб юборади. Нафасини ичига тортиганда бизларни қайта олиб кетади». Булуқиё улардан сўради: «Жаҳаннамда сизлардан ҳам катталарингиз борми?» «Биз кичкиналигимиздан жаҳаннам нафас олганда чиқиб кетганмиз; жаҳаннамда шундай катта илонлар борки, энг каттамыз унинг бурнига кирганимизни ҳам сезмайди»,— дейишди илонлар. Булуқиё айтди: «Сизлар оллоҳни ёдлайсизлар, Муҳаммадга (худо раҳмат қилсин!) салават айтасизлар, Муҳаммадни (худо раҳмат қилсин!) қаердан биласизлар?» Илонлар: «Эй Булуқиё, Муҳаммаднинг исми жаннатнинг эшигига ёзилган. Муҳаммад бўлмаса эди, оллоҳ махлуқотни ато қилмас эди, на жаннатни, на дўзахни, на осмонни ва на ерни яратмасди, чунки олло таоло бутун мавжудотни Муҳаммад (худо раҳмат қилсин!) туфайли яратди; ҳар бир ерда олло ўз исмини у кишининг исмига қўшиб ёд қилди. Шунинг учун биз Муҳаммадни севамыз.

Булуқиё илонлардан бу сўзни эшитгач, Муҳаммадга (худонинг раҳмати бўлсин!) муҳаббати яна ортди, у кишига иштиёқи кучайди, сўнгра Булуқиё илонлар билан видолашиб, денгиз қирғоғига келди ва жазира ёнида тўхтаб турган бир кемани кўрди. Кемада йўловчилар билан бирга кетди. Яна бир жазирага етдилар. Булуқиё бу жазирага чиқиб бир оз юрди, у ерда шунча катта илонларни кўрдик, уларнинг ададини худодан бошқа ҳеч ким билмас эди, уларнинг орасида биллурдан ҳам оқ бир илон филдек бир илоннинг орқасига жойлашган олтин товоқда ўтирарди. У оқ илон, илонлар маликасидир, у мен бўлман, эй Ҳосиб»— деди.

Сўнгра Ҳосиб илонлар маликасидан сўради: «Булуқиё билан нималарни сўзлашдинг?»

Илон айтди:

«Эй Ҳосиб, Булуқиёни кўрганимда унга салом бердим, у менга жавоб қайтарди. Мен унга: «Сен кимсан, нима ишда юрибсан, қаердан келдинг, қайёққа борасан, отинг нима?»— дедим. У айтди: «Мен Бани Исроилданман, отим Булуқиё, мен Муҳаммад (оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) ишқида ва талабида саёҳат қилиб юрибман, чунки мен у кишининг сифатини худодан тушган китобларда кўрдим».

Сўнгра Булуқиё мендан сўради: «Сен кимсан, атрофингдаги илонлар нима?» Унга: «Эй Булуқиё, мен илонлар маликасиман, агар Муҳаммад билан учрашсанг, у кишига мендан салом айтгин», дедим. Сўнгра, Булуқиё мен билан видолашди, кемада сайр қилиб Байтулмуқаддасга етди.

Байтулмуқаддасда бир одам бор эди, у кўп илмли эди, хусусан Ҳандаса, астрономия, риёзиёт, найранжот ва илоҳий илмларни чуқур текширганди. У тавротни, инжилни, забурни, Иброҳим пайғамбарга аталган оятларни ўқирди, у одамнинг номи Аффон эди. У ўз қўлидаги китобларнинг бирида кўрса, ҳар бир киши саидимиз Сулаймон пайғамбарнинг узугини тақса, унга инсонлар, жинлар, қушлар, ваҳший ҳайвонлар ва барча махлуқлар муте ва мусаххар бўлади, дейилган экан. Баъзи китобларда яна: «Саидимиз Сулаймон вафот қилган вақтларида жасадларини бир тобутга солиб, етти денгиздан ўтказганлар, узук бармоқларида бўлган, у узукни жинлардан ва инсонлардан ҳеч ким олишга қодир бўлмайди; кемачилардан ҳам ҳеч ким у ерга кема билан борамайди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод хикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз саксон
саккизинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Аффон китоблардан бирида на инсонлардан ва на жинлардан бири саидимиз Сулаймоннинг бармоғидан узукни олишга қодир эмас, кемачилардан ҳеч бири сафар қилиб Сулаймон тобути олиб ўтилган етти денгизни ўтишга қодир эмас, деган сўзларни кўрди. Яна китоблардан бирида кўрса, ўсимликлар ичида шундай бир ўсимлик борки, ҳар

бир киши уни сиқиб сувини олиб, у билан икки қадамини мойласа, оллоҳнинг яратган қайси денгизидан юрса ҳам оёғи ҳўл бўлмас экан, аммо бу ўсимликка илонлар маликаси билан бирга бўлмаган ҳеч ким етиша олмайди, дейилган.

Сўнгра Булуқие Байтулмақаддасга киргандан кейин, худога ибодат қилиб ўтирганда, Аффон келиб салом берди. Булуқие саломга жавоб қайтарди. Кейин Аффон Булуқиега қараб, унинг таврот ўқиётганини, ибодат қилаётганини кўриб, унинг ёнига борди ва деди: «Ҳой киши, отинг нима, қаердан келдинг ва қаерга борасан?»

Булуқие унга: «Исмим Булуқие, Миср шаҳриданман, Муҳаммадни излаб чиққанман», деди. Аффон Булуқиега айтди: «Тур, мен билан уйимга юр, сени зиёфат қилай». Булуқие деди: «Бош устига, хўп бўлади». Аффон Булуқиенинг қўлидан ушлаб уйига олиб бориб, жуда сийлади; кейин унга: «Эй биродар, ўз ҳолингдан менга хабар бергин, Муҳаммадни қаердан билдингки, у кишининг муҳаббатига дилинг боғланиб, талабида юрибсан? Бу йўлга сени ким да-

лолат қилди?» Булуқие ўз саргузаштини аввалдан охиригача ҳикоя қилди.

Аффон унинг сўзини эшитгач, ҳуши учиб, жуда таажжубда қолди. Кейин Аффон Булуқиега: «Мени илонлар маликасига учраштираман, мен сени Муҳаммадга учраштираман. Муҳаммаднинг пайгамбар бўлиш вақтлари ҳали узоқ. Агар илонлар маликасини қўлга кирита олсак, бир қафасга солиб олиб тоғдаги ўсимликларга у билан сирга борамиз.

У билан бирга ўсимликлар олдидан ўтсак, оллоҳнинг қудрати билан ҳар бир ўсимлик гапиради ва ўз фазилатидан хабар беради. Қўлимдаги китоблардан яна шуни ҳам биламанки, шундай ўт бор, ҳар ким сувини сиқиб икки қадамини мойласа, денгизларнинг қайси биридан ўтмасин, қадами ҳўл бўлмайди. Илонлар маликасини ўзимиз билан бирга олиб борсак, ўша ўтни кўрсатади. Ўтни топсак, сувини оламиз, кейин илонлар маликасини ўз ҳолига қўйиб юборамиз. Унинг суви билан қадамларимизни мойлаб, етти денгиздан ўтамиз ва саидимиз Сулаймоннинг дафн қилинган ерига етамиз; у кишининг бармоқларидан узукни олиб, саидимиз Сулаймондай ҳукм юргизамиз ва шу билан мақсадимизга етамиз. Шундан кейин Зулмат денгизига кирамиз, оби ҳаётдан ичамиз, сўнгра оллоҳ охириги замонгача бизга муҳлат беради ва биз Муҳаммад билан (худонинг раҳмати бўлсин!) учрашамиз.

Булуқие Аффондан бу сўзни эшитгач: «Эй Аффон, сени илонлар маликасига учраштираман ва унинг жойини ҳам кўрсатаман»,— деди. Аффон туриб темирдан қафас ясади, икки қадаҳ олиб, бирини шароб, иккинчисини сут билан тўлатди. Аффон билан Булуқие бир неча кеча-кундуз йўл юриб, илонлар маликаси турган жазирага едилар, жазирага чиқиб,

бир оз юрдилар. Сўнг Аффон қафасни ерга қўйиб, тузоқ қўйди, шароб билан сут тўлдирилган қадаҳларни ҳам қафаснинг ичига қўйди. Кейин икковлари қафасдан узоқроққа бориб бекиниб турдилар; илонлар маликаси қафасга яқин келиб, икки қадаҳга яқинлашиб, бир оз ўйланиб турди. Сутнинг ҳидини ҳидлагандан кейин илоннинг устидаги товоқдан тушди, қафасга кириб, қадаҳдаги шаробдан ичди, кейин боши айланиб ухлаб қолди.

Аффон буни кўриб, қафас ёнига бориб илонлар маликасини устидан қулфлаб олди. Аффон билан Булуқийё уни кўтариб йўлга тушдилар. Илонлар маликаси ҳушига келиб қараса, темир қафасда ўтирибди, қафас бир кишининг бошида-ю, ёнида Булуқийё боради. Илонлар маликаси Булуқийёни кўриб: «Одам боласига озор бермаган кишининг жазоси шуми?» деди. Булуқийё унга жавобан: «Эй илонлар маликаси, биздан қўрқма, биз асло сенга озор бермаймиз. Лекин сендан илтимос, ўтлар орасидан шундай ўтни кўрсатгинки, унинг сувини чиқариб, икки қадамини мойлагач, денгизлардан юрганда икки қадами ҳўл бўлмасин. Биз ўша ўтни топиб олсак, сени ўз еринга қайтарамиз ва ўз ҳолингга қўйиб юборамиз»,— деди.

Кейин Аффон билан Булуқийё илонлар маликасини олиб ўт-ўсимликлар қидириб тоғ тарафига юрдилар. У билан бирга ҳамма ўсимликларни айланиб кўрдилар, қайси ўсимлик ёнига борсалар, худонинг изми билан гапирар ва нимага фойдаси тегишидан хабар берарди. Унг, чапдаги ўсимликлар ўз фойдаларидан хабар бериб турганларида, тўсатдан бир ўсимлик гап бошлаб қолди: «Мен шундай ўсимликманки, кимки мени олиб, янчиб сувимни чиқарса, уни икки қадамига суртса, оллонинг яратган қайси бир

денгизларидан ўтмасин, қадами ҳўл бўлмайди»,— деди.

Аффон ўсимликнинг бу сўзини эшитгач, бошидан қафасни олиб икковлари ўсимликдан анча-мунча олиб янчилар ва сиқиб сувини чиқариб, икки шишага солиб қўйдилар. Шишалардан ортганини икковлари қадамларига суртдилар. Сўнгра Булуқийё ва Аффон илонлар маликасини олиб, бир неча кеча-кундуз йўл юриб, илон турган жазирага етдилар. Аффон қафаснинг эшигини очди, ундан илонлар маликаси чиқди, улардан: «Бу сувни нима қиласизлар?»— деб сўради.

Булар унга: «Бизнинг мақсадимиз ва дилимиздаги ниятимиз бу сувни қадамларимизга суртиб, етти денгиздан ошиш, саидимиз Сулаймоннинг дафн қилинган ерига етиб, бармоқларидан узукни олишдир»,— дейишди. Илонлар маликаси уларга деди: «Ҳайҳот, узукни олиш қўлингиздан келмайди!» «Нима учун?»— дедилар унга. Илонлар маликаси айтди: «Чунки худо узукни у кишига хос неъмат қилиб берган. Сулаймон: «Эй парвардигорим, менга шундай мулк ва подшолик ато қилгинки, мендан кейин ҳеч кимга у мумкин бўлмасин, ўзинг кўп ҳадя қилувчисан!»— деб сўраган. Сизларга у узукни тақиш йўл бўлсин! Агар сизлар кимки еса, биринчи сувур тортилгунча ўлмайдиган ўтдан олсаларингиз эди (бу ўша ўсимликлар орасида бор эди), у сизларга фойдалироқ бўларди. Сизларга бундан ҳеч қандай мақсад ҳосил бўлмайди». Аффон ва Булуқийё унинг сўзини эшитгач, қаттиқ пушаймон қилиб ўз йўлларига кетдилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз саксон
тўққизинчи кеча*

Ўй саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Аффон ва Булуқиё илонлар маликасининг сўзини эшитиб, қаттиқ пушаймон қилиб, ўз йўлларига кетдилар.

Энди илонлар маликасининг ҳолига келсак, у аскарлари олдига келиб қараса, аскарларининг керак-яроғлари зое бўлиб, кучлилари заифлашган ва кучсизлари ўлган экан. Илонлар маликаларини кўрганларидан кейин, севишиб атрофига тўпланиб сўрадилар: «Сенга нима бўлди, қаерда эдинг?» Малика, Аффон ва Булуқиё билан бўлган саргузаштларни уларга ҳикоя қилиб берди. Сўнгра у ўз аскарларини йиғиб, улар билан бирга Қоф тоғига йўл олди, чунки у қишни Қоф тоғида ўтказарди. Ёзда Ҳосиб Каримиддин кўрган ерда бўларди.

Кейин илонлар маликаси айтди: «Эй Ҳосиб, менинг саргузаштларим шулардан иборат». Ҳосиб илоннинг сўзидан таажжубда қолди ва унга деди: «Менга марҳамат қилсанг дейман, кишиларингдан бирига буюрсанг, у мени ер юзига чиқариб қўйса, мен ўз юртимга кетсам». Илонлар маликаси унга айтди: «Эй Ҳосиб, то қиш кирмагунча кетолмайсан, биз билан Қоф тоғига борасан, у ерда оллоҳга тасбиҳ этувчи қушларни, дарахтларни, қумларни, тепаликларни кўриб, юрагинг ёзилади. Ададини худодан бошқа ҳеч ким билмаган жинлар, девлар ва уларнинг саркашларини кўрасан».

Ҳосиб Каримиддин илонлар маликасининг сўзини

эшитгандан кейин ғоят ғамнок бўлиб, ташвишда қолди, кейин унга айтди: «Менга Аффон билан Булуқиёнинг аҳволини билдиргин, улар сендан айрилиб кетганларидан кейин, етти денгиздан ўтиб саидимиз Сулаймоннинг дафн қилинган ерига етдиларми ёки етмадиларми? Агар етган бўлсалар, узукни олишга қодир бўлдиларми, бўлмадиларми?»

Илонлар маликаси айтди: «Билгинки, Аффон билан Булуқиё, мёндан айрилиб кетгач, ўша сувни оёқларига суртиб денгиз сатҳидан юриб, денгиз ажойиботларини кўрдилар. Улар денгиздан денгизга ўтиб, етти денгизни ҳам кечиб, осмонга бош урган баланд тоғни кўрдилар; у яшил зумраддан эди. Унда бир оқар чашма бўлиб, ҳамма тупроқлари мушқдан эди, у ерга етгач, мақсадимизга эришдик деб хурсанд бўлдилар.

Яна юриб бир баланд тоққа етиб, у тоғда узоқдан бир ғорни кўрдилар; устида катта гумбаз бўлиб, ундан нур барқ уриб турарди. У ғорга қараб юриб бориб, ичига кирдилар, қарасалар, унинг ичида турли жавоҳирлар билан безалган, олтиндан қурилган бир тахт турибди, атрофига шунча курсилар ўрнатилганки, қанчалигини худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Улар саидимиз Сулаймонни тахт устида ухлаб ётган ҳолда кўрдилар, устларига яшил ипақдан, олтин билан нақшланган, нафис маъдан ва жавоҳирлар билан безанган кийим ёпилган эди. Унг қўли кўкрагида, узук бармоғида, узукнинг нури ўша ердаги ҳамма жавоҳирларнинг нуридан ғолиброқ эди. Сўнгра Аффон Булуқиёга қасам ва афсуслар ўргатди ва унга: «Шу қасамларни ўқиб тур, то узукни олгунимча буларни ўқишни тўхтатма»,— деди.

Кейин Аффон тахт тарафига ўтиб, унга яқинлаш-

ди. шунда тўсатдан катта бир илон тахт тагидан кўгарилиб, қаттиқ қичқирди, унинг қичқирғидан ўша жой ларзага келди, оғзидан ўт учқунлари чиқди. Сўнгра илон Аффонга: «Агар қайтмасанг, ҳалок бўласан», деди. Аффон қасам ўқиш билан машғул бўлиб, илондан кўрқмади. Шунда илон қаттиқ пишқириб юборган эди, у жой куйиб кетгундай бўлди. Илон Аффонга: «Ҳалок бўлгур, қайтмасанг куйдириб юбораман!» деди. Булуқийё илондан бу сўзни эшитгандан кейин ғордан чиқиб кетди. Аммо Аффон кўрқмади, сандимиз Сулаймонга яқинлашиб борди, қўлини чўзиб узукни сийпалаб кўрди ва сандимиз Сулаймоннинг бармоқларидан чиқариб олмоқчи бўлди. Тўсатдан илон Аффонга қараб пишқириб уни куйдириб юборди, у бир ҳовуч кулга айланди.

Унинг аҳволи шу бўлди. Булуқийёнинг ҳолига келсак, бу ҳодисани кўриб, ҳуши кетиб йиқилди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Булуқийё Аффоннинг куйиб, бир ҳовуч кулга айланганини кўриб, ҳуши кетиб йиқилди. Парвардигор Жабраилга илон Булуқийёга пишқирмасдан ерга тушишни буюрди. Жабраил тез ерга тушиб қараса, Булуқийё ҳушсиз ётибди, Аффон илоннинг пишқирғидан куйиб кетган. Жабраил Булуқийёнинг олдига келиб беҳушликдан уйғотди, ҳуши-



Тўрт юз тўқсонни тўлдирувчи кеча

га келгач, Жабраил унга салом берди. Ундан: «Бу ерга қаердан келдинг?»— деб сўради. Булуқийё аввалдан охиригача саргузаштини сўзлаб берди. Сўнгра Жабраилга деди: «Билгинки, мен бу ерга Муҳаммад (оллоҳ у кишини раҳмат қилсин!) туфайли келганман, чунки Аффон менга: «У киши охириги замонда пайғамбар қилиб юборилади, ўша вақтгача тирик бўлмаганлар у кишига учрашолмайди, оби ҳаёт ичмаган киши охир замонгача тирик юролмайди Сулаймоннинг узуги қўлга кирмагунча оби ҳаётга етишиш мумкин бўлмайди»,— деди. Шу сабабли бу ергача мен у билан бирга келдим. Бўладиган иш бўлди, мана, у куйиб тамом бўлди, мен куймасдан қолдим. Муҳаммаднинг қаердалигидан хабар берсангиз дейман». Жабраил унга айтди: «Эй Булуқийё, ўз йўлингга кетавер, Муҳаммаднинг дунёга келадиган вақти ҳали узоқ».

Сўнгра шу ондаёқ, Жабраил осмонга кўтарилди. Булуқийё қилганларига пушаймон еб, илонлар маликасининг: «Сулаймоннинг қўлидан узукни олиш қаёқда»,— деган сўзларини хотирлаб, ўз ҳолига йиғлади. Тонгдан тушиб денгиз қирғоғига яқинлашди. У ерда тоғлар, денгизлар, жазираларга таажжуб қилиб бир оз ўтирди, ўша кеча шу ерда ётди, тонг отгач, оёғига ўсимликдан олган сувдан суркаб денгизга тушди, денгиз сатҳида бир неча кеча-кундуз пиёда юрди, денгизнинг кўрқинчли ажойиб-ғаройибларига таажжуб қолди.

Булуқийё сув юзида тўхтамай юриб бориб, жаннатдек бир жазирага етди, унинг чиройлилигига таажжуб қолди. Жазира бўйлаб кезиб юриб, унинг жуда катта эканига кўзи етди. Унинг тупроқлари қаҳрабодан, майда тошлари ёқутдан ва ноёб маъданлардан эди. Атроф ихоталари оқ гулдан. Экилган нар-

салар — чиройли дарахтлар, хушбӯй ва гӯзал райҳонлар эди. У ерда оқар чашмалар бор эди, ўтинлари Қамор (Қамор — Ҳиндистонда бир мавзу) ва Қоқил (мавзу номи) ёғочларидан, тўқайлари шакарқамишдан эди, жазира атрофларида қизил гул, нарғис, гултожихўроз, қалампир, мойчечак, гулсафсар, гунафша — буларнинг ҳар хил шакл ва ҳар хил рангдагилари бор эди. Дарахтларнинг устида қушлар сайраб турарди, хуллас у жазира гӯзал, тўрт атрофи кенг, хайру баракаси кўп бўлиб, ҳамма нафосат ва ҳамма маънавий сифатларни ўзида мужассамлаштирган эди. Қушларнинг сайраши дугоҳ оҳангидан ҳам ёқимлироқ, дарахтлари юқорига қараб шохлаб кетган, қушлари баайни нотик эди, анҳорлари тўлқинланувчи, чашмалари ҳайқирувчи, сувлари ширин эди. У ерда кийиклар сайр қиларди, ёввойи сигирларнинг болалари сакрашиб, чопишиб юрарди, дарахтларнинг шохларида қушлар ҳар турли ёқимли овозлар билан сайрарди. Ишқ дардига мубтало бўлган кишиларга булардан тасалли ҳосил бўларди.

Булуқие бу жазирани кўриб жуда ҳам таажжубда қолди, Аффон билан келган йўлидан адашганлигини билди. Жазира бўйлаб кезиб юриб, кечгача томоша қилди. Тун киргач, ухлаш учун бир баланд дарахтнинг устига чиқди, дарахт устига чиқиб, бу жазиранинг гӯзаллигини ўйлаб кетди.

Дарахт устида шу ҳолда турганда, бирдан денгизда қаттиқ тўлқин пайдо бўлиб, тўлқин ичидан катта бир ҳайвон чиқиб қаттиқ қичқирди, жазирадаги ҳамма ҳайвонлар унинг қичқирувидан қўрқиб кетди. Булуқие жуда катта бу ҳайвонни кўриб таажжубланди. Орадан бир оз ўтар-ўтмас денгиздан хилма-хил ваҳшийлар чиқа бошлади, ҳар бир ваҳшийнинг қўли-

да ҳамма ёқни чироқдек ёритадиган биттадан гавҳар, бу гавҳарларнинг нуридан жазира кундуздек равшан бўлиб кетди. Бир оздан кейин жазирада шунча кўп ваҳший ҳайвонлар йиғила бошладики, уларнинг ададини оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмасди. Булуқие қараса, улар қоплон, паланг каби йиртқич саҳро ҳайвонлари эмиш. Ҳайвонлар йиғилиб келиб, жазиранинг бир тарафида денгиз ҳайвонлари билан қўшилиб, тонг отгунча мижжа қоқмай гурунглашдилар. Тонг отгач, бир-бирларидан ажралишиб, ҳар бири ўз йўлига кетди.

Булуқие қўрқиб дарахт устидан тушди, денгиз қирғоғига бориб, икки қадамига ўсимлик суви суртиб, денгизга тушди, бир неча кеча-кундуз йўл юриб, бир катта тоққа егди; у тоғнинг тагида поёни йўқ водий бўлиб, водий тошлари магнитли, ҳайвонлари қоплон, қуён каби ҳайвонлар эди. Булуқие шу тоғ устига чиқиб кечгача у ёқдан-бу ёққа кезиб юрди. Кеч киргач, тоғнинг денгиз тарафидаги унгуруларидан бирига кириб, денгиз чиқариб ташлаган қуруқ балиқларни еди.

Шу балиқлардан еб ўтирган вақтида, тўсатдан бир қоплон Булуқиега қараб, ейман сени деб кела берди. Булуқие унинг ҳамла қилмоқчи бўлганини кўриб ёнидаги ўсимлик сувидан икки қадамига суртиб қоплондан қочди, учинчи денгизга тушиб, қоронғида сув юзида юрди (бўрон бўлиб турган қоронғи кеча эди), шу юрганича юриб бир жазирага келиб чиқди. У жазирада мевалари пишиб етилган ва кўк дарахтларни кўриб, уларнинг меваларидан еб худога шукур этди, сўнгра жазирада кечгача томоша қилиб юрди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



**Тўрт юз тўқсон
биринчи кеча**

Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Булуқийё жазирани кечгача томоша қилиб, ўша ерда ётиб қолди. Ун кун жазирани томоша қилиб юрди, кейин денгиз қирғоғига келди, икки қадамини ҳўллаб, тўртинчи денгизга тушди, сув сатҳида бир неча кеча-кундуз юриб бир жазирага етди, қараса, жазиранинг ери юмшоқ оқ қум экан, ҳеч қандай дарахт ҳам, экин ҳам йўқ. Бир оз юриб кўрса, у ерда ваҳший жониворлардан фақат лочин бўлар экан, лочин ўша қумларга уя қўяр экан.

Буларни кўргач, Булуқийё икки қадамини ҳўллаб, бешинчи денгизга тушди, бир неча кеча-кундуз йўл юриб, кичик бир жазирага етди, ерлари ва тоғлари биллурга ўхшарди, жазирада шундай илдизлар бор эдики, ундан олтин ишланарди. У ерда фаройиб дарахтлар бор эди, Булуқийё саёҳати вақтида буларга ўхшаш дарахт кўрмаган эди, бу дарахтларнинг туллари олтин рангли эди. Булуқийё у жазирани кечгача томоша қилди, кеча қоронғиси тушгач, гуллар жазирани худди юлдуздек ёритиб юборди. Булуқийё таажжубда қолганидан: «Бу жазирадаги гуллар шундай гуллар эдики, қуёшда қуриб ерга тушарди, уларни ел учиради, тошнинг тагига тўпланишиб олтинга айланарди, ундан олтин ишланарди!»— деди.

Булуқийё бу жазирада тонг отгунча ухлади, кун чиқиш олдида ёнидаги ўсимлик сувидан икки қадамга суриб, олтинчи денгизга кириб, бир неча кеча-кундуз деганда, бир жазирага етди. Жазирага чиқиб

бир оз юрганди, унда икки тоғ кўрди, у ерда кўп дарахтлар бўлиб, сочларга осилган одам бошига ўхшаш эди. Бошқа дарахтларни ҳам кўрди, уларнинг мевалари яшил рангли қушлар бўлиб, оёқларидан осилган эди. Бу жазирада яна шундай дарахтлар ҳам бор эдики, ўтдек ёниб турарди, меваси сабр (лой)га ўхшарди, кимнинг устига у мевадан бир томчи тушса, куйиб кетарди.

Булуқийё бу жазирада куладиган ва йиғлайдиган меваларни, яна кўп ажойиботларни кўриб, денгиз қирғоғига келди, у ерда катта бир дарахт тагида хуфтан вақтигача ўтирди, қоронғи тушгач, дарахтнинг устига чиқиб, худонинг яратган нарсаларини ўйлай бошлади.

Бирдан денгиз тўлқинланиб, денгиз қизлари чиқди, ҳар бирининг қўлида чироқдек ҳамма ёқни ёритиб турган гавҳар бор эди. Улар дарахт тагига келиб ўтиришди, ўйин-кулги қилишди, рақс тушишди. Булуқийё тепадан томоша қилиб турарди. Қизлар тонг отгунча ўйин-кулги қилишди, тонг отгач, денгизга тушиб кетишди.

Булуқийё таажжуб қилиб дарахт устидан тушди, икки қадамга ёнидаги сувидан суриб, еттинчи денгизга тушди, икки ой сайр этиб, шу денгиздан ўтмагунча, на тоққа, на жазирага, на саҳрога, на водийга ва на қирғоққа кўзи тушди. У денгизда ниҳоятда оч қолди, очликнинг зўрлигидан денгиздан балиқ олиб, хомлигича ерди. Охири бир жазирага етди. У жазирада дарахт кўп, анҳорлари лиқ тўла сув эди; жазирага чиқиб, ўнгу сўлни томоша қилиб юрарди, чоштгоҳ вақти эди, бир олма дарахтига етди, мевасига қўл чўзган эди, қандайдир бир одам у дарахтдан туриб тўсатдан қўрқинчли ва даҳшатли овоз билан бақирди ва Булуқийёга: «Агар бу дарахтга

яқин келиб мевасидан озгина есанг, сени иккига бўлиб ташлайман»,— деди.

Булуқие қараса, ҳалиги одамнинг бўйи ўша замоннинг гази билан қирқ газча экан. Булуқие жуда қаттиқ қўрқиб кетиб, дарахт мевасини емай қўя қолди. Булуқие унга айтди: «Нима учун бу дарахт мевасидан ейишдан мени тиясан?» «Чунки, сен одам боласисан, отанг Одам оллоҳга берган аҳдини унутиб, тақиқланган дарахтдан еб, исён қилди»,— деди у киши. Булуқие унга: «Сен кимсан, бу жазира ва бу дарахтлар кимники, отинг нима?»— деди. У киши айтди: «Отим Шароҳие, бу дарахтлар ва бу жазира Саҳр подшоники, мен унинг одамлариданман, бу жазирани қўриқлашни менга топширган». Сўнгра Шароҳие Булуқиедан: «Сен кимсан, бу шаҳарга қаердан келдинг?»— деб сўради. Булуқие ўз саргузаштини аввалидан охиригача ҳикоя қилди. Шароҳие унга ейишга бир оз нарса келтирди, Булуқие тўйгунча еди-да, у билан видолашиб кетди.

У ўн кун сайр этди, тоғлар, қумларни кезиб кетаётган вақтида ҳавога кўтарилган қуюқ бир чангга кўзи тушди. Булуқие ўша чангга томон юрди ва бақириқ-чақириқ, тўс-тўполонларни эшитди, катта бир водийга етди, водийнинг узунлиги икки ойлик йўл эди. Булуқие қаттиқ овоз кўтарилган тарафга тикилиб, отда бир-бирлари билан уруш қилаётган кишиларни кўрди, уларнинг ўрталарида қон анҳордек оқар эди, овозлари момақалди роқдек бўлиб, қўлларида найза, қилич, темир гурзи, камон, ўқ бор эди. Улар жуда кучли жанг қилмоқда эдилар. Булуқие ниҳоятда қаттиқ қўрқувда қолди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз тўқсон иккинчи кеча

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Булуқие қўлида қуроли бор одам-

ларни қаттиқ жанг устида кўриб, жуда қўрқиб кетди. Шу ҳолда турганда одамлар кўриб қолишди, урушни тўхтатиб, бир-бирларидан ажралишди, бир тоифаси Булуқие-нинг ёнига келишди, унинг қиёфасидан таажжубда қолишди, улардан бир отлиқ Булуқиенинг олдига ўтиб ундан сўради: «Сен кимсан, қаердан келдинг, қаерга кетаётирсан?» «Мен одам зотиданман. Муҳаммаднинг муҳаббати туфайли саргардон бўлиб юриб, йўлдан адашдим».

Отлиқ унга: «Биз одам боласини асло кўрган эмасмиз, бу ерга келган ҳам эмас»,— деб Булуқие ва унинг сўзларидан таажжубда қолди.

Сўнгра Булуқие улардан сўради ва деди: «Эй оллоҳнинг махлуқлари, сизлар кимсизлар?» Унга отлиқ айтди: «Биз жин тоифасиданмиз». Булуқие уларга деди: «Эй отлиқ, ўрталарингиздаги урушнинг сабаби нима, турар ерингиз қаерда, бу водийнинг ва бу ерларнинг оти нима?» Отлиқ айтди: «Турар жойимиз — оқ ер, худо ҳар йили бизларга шу ерга келиб жинларнинг кофир тоифаси билан ғазот қилишга буюради». Булуқие унга деди: «Оқ ер қаерда?» Отлиқ жавоб берди: «Қоф тоғининг орқасида — етмиш беш йиллик масофада, бу ер Шаддод ибн Одинанинг ери деб аталади, биз бу ерга ғазот қилиш учун келганмиз, бизнинг оллоҳга тасбеҳ этишдан ва уни муқаддас деб ёд қилишдан бошқа машғулотимиз йўқ, бизнинг Саҳр шоҳи деб аталган подшоҳимиз бор, сен

биз билан бирга унинг ҳузурига бормасанг бўлмайди, у киши сени кўриб томоша қилсин».

Сўнгра улар Булуқиеъни ўзлари билан бирга олиб кетдилар; Булуқиеъ яшил ипакдан қурилган катта чодирларни кўрди, уларнинг ададини худодан бошқа ҳеч ким билмас эди, улар ўртасида қизил ипакдан қурилган бир чодир бор эди, унинг кенглиги минг газ, атрофига тортилган таноблари кўк ипакдан, уларни тортишга қоқилган қозиқлари олтин ва кумушдан эди. Булуқиеъ бу чодирни кўриб таажжубда қолди, улар Булуқиеъни чодирга олиб келдилар, бу Саҳр подшонинг чодир эди. Булуқиеъни подшонинг олдига олиб кирдилар, Булуқиеъ подшонинг дуру жавоҳирлар билан безанган, қизил олтиндан ясалган катта бир тахт устида ўтирганини кўрди, ўнгида — жин подшолари, чапида — умаролар, ҳукамолар, давлат арбоблари ва бошқалар ўтиришарди. Саҳр подшо Булуқиеъни кўргач, бериноқ олиб келинлар, деб буюрди. Булуқиеъ илгари ўтиб, подшога салом бериб, ер ўлди, подшо саломига жавоб қайтарди, сўнгра унга: «Ҳой одамзод, менга яқин кел!»—деди. Булуқиеъ шоҳга яқинлашиб бориб, тўхтади. Саҳр подшо Булуқиеъ учун бир курси қўйишга буюрди, подшонинг ёнига Булуқиеъ учун курси келтириб қўйдилар. Саҳр подшо ўтиришга буюрди. Булуқиеъ курсига ўтирди, Саҳр подшо Булуқиеъдан: «Сен кимсан?»—деб сўради. Булуқиеъ: «Мен Одам боласиман ва Бани Исроил қабиладанман», деди. Саҳр подшо унга: «Аҳволинг ва саргузаштингдан менга ҳикоя қил, бу ерга сен қандай қилиб келдинг?»—деди. Булуқиеъ унга ўз саёҳати ва саргузаштини аввалдан охиригача ҳикоя қилди. Саҳр подшо унинг сўзидан таажжубда қолди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз тўқсон
учинчи кеча*

й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.-- Булуқиеъ подшога ўз саёҳати вақтидаги саргузаштларини аввалдан охиригача ҳикоя қилиб берганда, Саҳр подшо таажжубда қолди. Сўнгра хизматчиларига Булуқиеъ учун хилма-хил нозу неъматлар билан тўлган дастурхон келтиришни буюрди, улар дастурхон келтириб, олдига ёздилар, сўнгра қизил олтин, кумуш ва мис товоқлар келтирдилар, баъзи товоқларда суяги ажратиб пиширилган эллик туянинг гўшти, баъзисида йигирма гуянинг гўшти, баъзиларида эллик қўйнинг боши бўлиб, барча товоқларнинг сони бир минг беш юзга етарди. Буларни кўргач Булуқиеъ ғоятда таажжубда қолди, тўйгунча овқатланиб, оллоҳга ҳамд этди. Кейин таомлар ўртадан олиниб, ҳўл мевалар келтирилди, улардан едилар, сўнгра оллоҳга тасбеҳ этдилар, унинг расули Муҳаммадга (худонинг раҳмати бўлсин!) салавот юбордилар.

Уларнинг Муҳаммадни ёд қилганларини эшитиб Булуқиеъ таажжубда қолди ва Саҳр подшога айтди: «Сендан баъзи саволларни сўрашни истайман». «Хоҳлаганингни сўра!»—деди унга Саҳр подшо. Шунда Булуқиеъ: «Эй подшо, сизлар кимсизлар, сизларнинг аслингиз қаердан, Муҳаммадни қаёқдан билиб салавот юборасизлар ва дўст тутасизлар?»—деб сўради. Саҳр подшо: «Эй Булуқиеъ, оллоҳ дўзах ўтини етти қават қилиб яратди, улар устма-уст бўлиб, у қават билан бу қаватнинг ўртаси минг йиллик йўл. Биринчи қаватни жаҳаннам деб атаб, гуноҳкор мў-

минлар учун тайёрлади; иккинчи қаватни Лазо деб атаб, кофирлар учун тайёрлади; учинчи қаватни Жаҳийм деб атаб, яъжуж ва маъжужлар учун тайёрлади; тўртинчисининг номи Сайир, уни Иблисининг қавми учун тайёрлади; бешинчисининг номи Сақар — уни намозни тарк қилувчилар учун тайёрлади; олтинчисининг исми Хутама — уни яҳудий насоролар учун тайёрлади; еттинчисининг исми Ховия — уни мунофиқлар учун тайёрлади.

«Шоядки, жаҳаннамнинг азоби бошқалардан кўра осонроқ бўлса, чунки у энг устки қават-ку?» — деди Булуқийё. Саҳр подшо: «Ҳа, ҳаммасидан унинг азоби осонроқ. Шундай бўлса-да, унда ўтдан бўлган минг тоғ бор, ҳар бир тоғда ўтдан бўлган етмиш минг водий бор ва ҳар бир водийда ўтдан етмиш минг шаҳар бор, ҳар бир шаҳарда ўтдан етмиш минг қалъа бор, ҳар бир қалъада ўтдан бўлган етмиш минг уй бор, ҳар бир уйда ўтдан етмиш минг тахт бор, ҳар бир тахтда азобнинг етмиш минг хили бор. Утнинг ҳамма қаватлари ичида азоби енгиле шу, чунки у биринчи табақа, қолган қаватлардаги азобларнинг хиллари ададини оллоҳдан бошқа киши билмайди».

Саҳр подшодан бу сўзларни эшитгач, Булуқийёнинг ҳуши кетиб йиқилди, ўзига келгач, йиғлаб деди: «Эй подшо, бизнинг ҳолимиз нима кечади?» «Эй Булуқийё, қўрқма! — деди унга Саҳр подшо. — Билгинки, кимки Муҳаммадни дўст тутса, ўт уни куйдирмайди ва у Муҳаммад туфайли ўтдан озод бўлади, кимки у кишининг динида бўлса, ўт ундан қочади. Аммо бизларни олло таоло ўтдан яратган. Оллоҳ дастлаб махлуқотни яратганда аскарларидан икки кишини жаҳаннамда ато қилди, биттасининг исми Халит, иккинчисининг исми Малит эди. Халитни йўлбарс сурат, Малитни бўри сурат қилди. Малит-

нинг думи урғочи суратида бўлиб, ранги ола эди, Халитнинг думи эр суратида, қиёфаси илон қиёфасида эди, Малитнинг думи тошбақа қиёфасида бўлди, Халит думининг узунлиги йигирма йиллик масофа эди. Сўнгра оллоҳ икковининг думини бир-бирига қўшиб жимо қилишга буюрди, кейин бу икковидан илонлар, чаёнлар туғилди, ўтга кирганларнинг ўрни ўт бўлди, сўнгра илон-чаёнлар наслланиб кўпайиб кетди. Бундан кейин оллоҳ Халит билан Малитнинг думига иккинчи марта қўшилиб жимо қилишни буюрди, қўшилиб жимо қилишди, Халитнинг думидан Малитнинг думи ҳомиладор бўлди. Малитнинг думи етти ўғил ва етти қиз туғди. Катта бўлгунча боқиб тарбия қилдилар, катта бўлгач, урғочилари эркакларига тегди. Уларнинг биттасидан бошқаси отасига итоат қилиб, биттаси отасига исён қилиб қурт бўлди, у қурт Иблисдир. У оллоҳга яқин бандалардан бўлган эди, чунки у осмонга кўтарилгунча оллоҳга ибодат қилди, натижада марҳаматли оллоҳга яқин бўлиб, яқин бўлганларнинг бошлиғи бўлди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Иблис оллоҳга ибодат қилиб, унга яқин бўлганларнинг бошлиғи бўлди. Оллоҳ Одамни (худо раҳмат қилсин!) яратганда, Иблисга Одамга сажда қилишга буюрди, Иблис бундан бош тортди, оллоҳ уни ўз даргоҳидан қувлади ва малъун қилди. Ундан тарқалган насллар — шайтонлар бўлди. Бундан илгариги



Тўрт юз тўқсон
тўртинчи кеча

олти эркак — мўмин жинлардир. Биз уларнинг наслариданмиз, эй Булуқие, бизнинг аслимиз шундай».

Саҳр подшонинг сўзидан Булуқие таажжубда қолди, кейин унга айтди: «Эй подшо, сиздан илтимос, одамларингиз мени ўз шаҳримга етказиб қўйишса». Саҳр подшо: «Оллоҳ буюрмаса, айтганларингдан бирини ҳам қилишга қодир эмасман, лекин, эй Булуқие, бу ердан кетишни истасанг, сен учун бир от ҳозир қиламан, устига миначан ва сени ҳукмим етадиган ергача олиб боришни буюраман. У ерда Бароҳие деган подшонинг одамлари сенга учрашади, улар отни танийдилар, сени тушириб олиб, отни бизга қайтариб юборадилар. Бизнинг қўлимиздан бошқа нарса келмайди». Булуқие бу сўзни эшитгач, йиғлаб туриб подшога: «Хоҳлаганингизни қилинг», деди. Подшо бир от келтиришни буюрди, от келтирдилар, уни отга миндириб: «Отнинг устидан тушиб қолишдан эҳтиёт бўл, уни урма ёки афтига қараб бақирма, йўқса, сени ҳалок қилади, ўзи бориб тўхтагунча қимирламай тинч кетавер, тўхтагандан сўнг, устидан тушиб ўз йўлингга кет!»— дейишди. Булуқие: «Хўп бўлади, итоат қиламан», деди.

Сўнгра отга миниб, чодирлар ўртасида узоқ вақт юрди. Булуқие Саҳр подшонинг ошхоналари олдида ўтган эди, ҳар бирига эллик туя сиғадиган осилганини ва тагида ўт ёниб турганини қозонларга узоқ тикилиб, кўп таажжуб қилди. Подшо унинг ошхонага тикилиб кетаётганини кўриб, оч шекилли, деб гумон қилди. Одамларига, кабоб қилинган икки туя олиб бориб, отининг орқасига бойланглар, деб буюрди. Булуқие улар билан видолашиб, йўлга тушди. От Саҳр подшонинг ҳукми ўтадиган жойгача бориб, тўхтади. Булуқие отдан тушиб, сафарнинг чангу ғуборларини кийимидан қоқди. Шу

онда бир қанча кишилар унинг олдида келдилар. Отни кўриб танидилар ва уни олиб юрдилар. Булуқие ҳам улар билан бирга юриб, Бароҳие шоҳга етдилар. Шоҳ олдида киргач, Булуқие салом берди, у саломга алик олди.

Подшо катта чодир ичида, атрофини аскар ва паҳлавонлар ўраб олган, ўнгида ва сўлида жинларнинг подшолари туришибди. Подшо Булуқиега яқин келишни буюрди, Булуқие у томонга ўтди, подшо уни ёнига ўтқазди, дастурхон келтиришни буюрди. Булуқие Бароҳие подшоҳнинг шону шавкатига қараб Саҳр подшо шону шавкатидек эканини пайқади, таомлар келтирилиб ҳаммалари тановул қилдилар. Булуқие ҳам тўйгунча еб, худога ҳамд айтди. Сўнг ҳўл мевалар келтирдилар, ундан ҳам едилар.

Бароҳие подшо Булуқиедан: «Саҳр подшодан айрилиб чиққанингга қанча бўлди?»— деб сўради. Булуқие: «Икки кун бўлди»,— деди. Булуқиега: «Бу икки кун ичида қанча масофа юрганингни биласанми?»— деди Бароҳие. «Йўқ»,— жавоб қилди Булуқие. Шунда Бароҳие: «Етмиш ойлик масофани юрдиңг»,— деди Булуқиега.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Тўрт юз тўқсон бешинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Бароҳие подшо Булуқиега айтди: «Бу икки кун ичида етмиш ойлик йўл юриб келибсан, отга минганингда Одам боласи эканингни билиб сендан кўрқиб, устидан ирғитиб ташламоқчи бўлганда, бу икки туя оғирлиги уни бостирибди». Подшо

Бароҳиёдан бу сўзни эшитгач, Булуқиё саломат қолгайига шукур қилди.

Сўнгра Бароҳиё подшо Булуқиёга: «Ўз саргузаштингдан ва бу мамлакатларга қандай келиб қолганингдан хабар бергин»,— деди. Булуқиё унга ҳамма саргузашти ва қандай саёҳат қилиб бу мамлакатларга келиб қолганини ҳикоя қилди. Подшо таажжубда қолди. Булуқиё подшо ҳузурида икки ой турди.

Ҳосиб илонлар маликасининг сўзини эшитгандан кейин ундан ғоятда таажжубда қолди, сўнгра Ҳосиб илонлар маликасига: «Сен одамларингдан бирига буюрсанг, мени ер юзига чиқариб қўйса, мен ўз авлодларим ёнига кетсам, бу менга марҳаматинг бўларди».

Илонлар маликаси: «Эй Ҳосиб Қаримиддин, шуни билгинки, сен ер юзига чиқсанг, ўз оилангга қайтсанг, ҳаммомга кириб қуюнасан, қуюниб бўлишинг биланоқ мен ўламан»,— деди. Ҳосиб айтди: «Умр бўйи ҳаммомга тушмасликка қасамёд қилиб, ваъда бераман. Агар менга ғулл вожиб бўлиб қолса, уйимдагина ғулл қиламан». Илонлар маликаси: «Менга юз марта қасамёд қилсанг ҳам асло ишонмайман, бу бўлмаган гап, билгинки, сен одам боласан, сенда аҳд йўқ, нега деганингда, отанг Одам оллоҳга аҳд берди, кетидан аҳдини бузди. Ҳолбуки оллоҳ унинг лойини қирқ тонгда хамир қилди ва унга малоикаларини сажда қилдирди, у эса аҳдини синдирди ва унутди, парвардигорнинг амрига хилоф иш қилди».

Ҳосиб бу сўзни эшитиб сукут қилди, ўн кун йиғлаб шу ерда қолди, кейин у илонлар маликасига: «Булуқиё Бароҳиё подшо олдида икки ой тургандан кейин нима қилганидан хабар бергин»,— деди.

«Эй Ҳосиб, билгинки, Булуқиё Бароҳиё подшо олдида икки ой тургандан кейин, у билан хайрлашиб

сахрода кеча-кундуз сайр қилиб, бир баланд тоққа етиб бориб унинг устига чиқди, тоғ устида катта бир фаришта ўтирганини кўрди, фаришта оллоҳни ёдлаб, Муҳаммадга салавот этиб ўтирарди. Фариштанинг олдида бир лавҳ бўлиб, унга оқу қора нарсалар ёзилган, у ана шу лавҳга қараб турар эди. Унинг икки қаноти бўлиб, бири Машриққа, бири Мағрибга чўзилган эди.

Булуқиё унга бориб салом берди, у саломга алиқ олди, сўнгра фаришта Булуқиёдан: «Сен кимсан, қаердан келдинг, қаерга борасан, отинг нима?»— деб сўради. Булуқиё: «Мен Одам зурриётидан, Бани Исроил қабиласиданман, мен Муҳаммаднинг (худо раҳмат қилсин!) ишқида саёҳат қилиб чиққанман, исмим Булуқиё»,— деди. «Бу ерга етиб келгунингча бошингдан нималар кечди?»—сўради фаришта. Булуқиё унга ҳамма бошидан кечганларини ва саёҳатида кўрганларини ҳикоя қилиб берди. Фаришта Булуқиёдан бу сўзларни эшитгач, таажжубда қолди. Сўнгра Булуқиё фариштадан сўради: «Сен ҳам менга хабар бергин, бу иккинчи лавҳми, унга нималар ёзилган, бу ерда қиладиган ишинг нима ва отинг нима?» Фаришта айтди: «Менинг исмим Михойил, менга кеча-кундузни тасарруф қилиш буюрилган, қиёматгача машғулотим шу». Булуқиё бу сўзларни эшитиб, унинг сўзларига, суратига, ҳайбатли эканига ва қиёфасининг даҳшатлилигига таажжуб қилди, сўнгра Булуқиё фаришта билан хайрлашиб, кеча-кундуз сайр қилиб, кенг бир яйловга етди.

У яйловда етти анҳорни ва жуда кўп дарахтларни кўрди. Булуқиё бу кенг яйловда сайр қилиб юриб, катта бир дарахт ва у дарахт тагида тўрт фариштанни кўрди, яқинлашиб бориб уларнинг юз-кўзига қараса, бири одамзод суратида, иккинчиси ваҳший

суратида, учинчиси қуш суратида, тўртинчиси ҳўкиз суратида экан. Улар оллоҳ зикри билан машғул бўлиб, ҳар бири: «Эй илоҳимиз, эй сайдимиз ва хожамиз, сенинг ҳақинг, пайгамбаринг Муҳаммад (худо раҳмат қилсин!) даражаси тўфайли менинг суратимда яратган ҳар бир махлуқингни ярлақашингни ва гуноҳидан ўтмоғингни сўрайман, ўзинг ҳар бир нарсага қодирсан!»— дейишарди.

Булуқийё бу сўзни эшитгач, таажжуб қилди, уларнинг олдидан кетиб, кеча-ю кундуз сайр қилиб, Қоф тоғига егди ва унинг устига чиқди. У ерда катта бир фариштани кўрди, у оллоҳга тасбеҳ этиб ва уни ёд этиб, Муҳаммадга (худо раҳмат қилсин!) салавот юбориб ўтирарди, қараса, у фаришта оллоҳнинг амри ижросида маъмур нарсаларнинг баъзисини ушлар, баъзисини қўйиб юборар, баъзисини урар ва баъзисини таратарди. Фаришта шу ишлар билан машғул бўлиб турган вақтда Булуқийё келиб унга салом берди, фаришта саломига жавоб қайтариб: «Сен кимсан, қаердан келдинг ва қаерга кетаётирсан, отинг нима?»— деди. Булуқийё: «Мен Бани Исроил қабиласидан, Одам зурриётиданман, исмим Булуқийё, Муҳаммаднинг (худо раҳмат қилсин!) ишқида саёҳат қилиб юриб, йўлимдан адашдим»,— деди ва унга бошидан кечирган ҳамма саргузаштларини ҳикоя қилди.

Булуқийё ҳикоясини тамом қилгач, фариштадан: «Ўзинг кимсан, бу қандай тоғ, сенинг қилаётган ишинг нима?» деб сўради. Унга фаришта айтди: «Эй Булуқийё, билгинки, бу бутун дунёни ўраб олган Қоф тоғи, оллоҳнинг дунёдаги яратган ҳар бир ери менинг чанғалимда, агар оллоҳ у ерларга зилзилани ёки қаҳатчиликни, арзончиликни ёки урушни, ё сулҳни раво кўрса, «шундай қил!»— деб менга бую-

ради ва мен ўз жойимда туриб унинг амрини бажо келтираман. Билгинки, бутун ер томирлари менинг чанғалимда...»

Қисса шу ерга етганда тоғ отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз тўқсон
олтинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— фаришта Булуқийёга: «Билгинки,

бутун ер томири менинг чанғалимда», деди. Булуқийё фариштага: «Қоф тоғида сен турган жойдан бошқа ерларни ҳам худо яратганми?»— деди. Фаришта: «Ҳа, кумушдек оқ ерни оллоҳ яратган, унинг кенглик миқдорини оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. У ерга емак-ичмаклари оллоҳга тас-

беҳу тақдис айтиш, Муҳаммадга (худо раҳмат қилсин!) салавот айтиш бўлган фаришталарни жойлаштирган. Ҳар жума кечаси улар шу тоққа келадилар, ҳаммалари йиғилиб тоғ отгунча оллоҳга сиғинадилар, айтган тасбеҳлари ва тақдислари, қилган ибодатларининг савобини Муҳаммад умматларининг гуноҳкорларига ва ҳар бир жума гуслини қилган кишиларга ҳадя қиладилар, қиёматгача уларнинг кўрар кун шундай.

Сўнгра Булуқийё фариштадан сўради: «Қоф тоғининг орқасида оллонинг яратган тоғлари борми?» Фаришта: «Ҳа, Қоф тоғининг орқасида бир тоғ бор, у беш юз йилчалик йўл, у қор ва муздан яратилган, ўша тоғ жаҳаннамнинг иссиғини дунёдан тўсиб туради, агар ўша тоғ бўлмаса жаҳаннам ўтининг иссиғидан дунё куйиб кетарди. Қоф тоғининг орқасида қирқ

ер бор, у қирқ ернинг ҳар бири дунёга қирқ баравар келади, уларнинг баъзиси олтидан, баъзиси кумушдан ва баъзиси ёқутдан, у ерларнинг ҳар бири бир рангда. У ерларга худо таоло малоикаларни жойлаштирган, уларнинг тасбеҳ этиш, тақдис этиш ва таҳлил этиш, такбир этиш — Муҳаммаднинг умматлари учун худога сифинишдан бошқа машғулотлари йўқ, улар на Ҳавони, на Одамни, на кечани ва на кундузни билдилар.

Эй Булуқиё, билгинки, ер етти қат бўлиб, баъзининг устида худо шундай фаришта яратганки, унинг тавсифини ва қадрини худодан бошқа ҳеч ким билмайди, у етти қат ерни елкасида кўтариб, фариштанинг тагида худо катта харсанг тош яратган, у тошнинг тагида ҳўкиз яратган, у ҳўкизнинг тагида балиқ яратган, у балиқнинг тагида катта денгиз яратган, у балиқни оллоҳ Исо пайғамбарга билдирган эди, Исо пайғамбар: «Эй раббим, ўша балиқни менга кўрсатгин, мен уни кўрай», деди. Олло бир фариштага Исо пайғамбарга ўша балиқни кўрсатиш учун олиб боришни буюрди. У фаришта Исо пайғамбарни ўша денгизга олиб борди. Фаришта: «Эй Исо, балиққа қара!»— деди. Исо қараб балиқни кўрмади, чунки балиқ Исонинг назаридан яшиндек ўтиб кетди. Уни кўргач, Исо ҳушидан кетиб йиқилди.

Ўзига келгандан сўнг, худо унга ваҳи юбориб: «Эй Исо, балиқни кўрдингми, узунлиги ва йўғонлигини билдингми?»— деди. Исо: «Эй парвардигор, балиқни кўрмадим, лекин менинг олдимдан шундай катта бир ҳўкиз ўтдики, унинг бўйи уч кунлик масофага етади, хусусияти қандай, билмадим». Оллоҳ Исога деди: «Эй Исо, сенинг олдингдан уч кунлик масофада ўтган у ҳўкизнинг бошигина эди! Билгин, эй Исо, ҳар куни ўша балиқдай қирқ балиқни яра-

таман». Бу сўзни эшитгандан кейин Исо оллонинг қудратидан таажжубда қолди.

Сўнгра Булуқиё фариштадан сўраб: «У балиқ бор денгизнинг тагида олло нимани яратган?»— деди. Фаришта айтди: «У денгизнинг тагида олло улуг бир ҳаво яратган, у ҳавонинг тагида ўт яратган, у ўтнинг тагида жуда зўр бир илон яратган, унинг исми Фалоқ, у илон агар оллодан қўрқмаса эди, устидаги ўт, ҳаво, фаришта ва фаришта кўтариб турган нарсаларнинг ҳаммасини ютиб юборарди, фаришта ҳам буни сезмай қоларди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз тўқсон
еттинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— фаришта Булуқиёга илонни тавсифлаб: «Агар у худодан қўрқмаса эди, устидаги ўт, ҳаво, фаришта ва фаришта кўтариб турган нарсаларнинг ҳаммасини ютиб юборарди, фаришта ҳам буни сезмай қоларди. Худо у илонни яратган вақтда унга ваҳи юбориб: «Сенга мен бир амонат қўяман, уни яхши сақлагин!»— деди. Илон: «Ихтиёр сенда!»— деди. Олло у илонга: «Оғзингни оч!»— деди. Илон оғзини очди, шунда олло жаҳаннамни илоннинг қорнига жойлади ва унга: «Жаҳаннамни қиёматгача сақлагин!»— деди. Қачонки қиёмат бўлса, олло малоикаларига қўлларига занжирлари билан жаҳаннамни тортиб маҳшаргоҳга келтиришни буюради, ва жаҳаннам эшикларини очишни буюради,

сўнгра жаҳаннам эшикларини очади, жаҳаннамдан тоғдан ҳам каттароқ учқунлар учади.

Булуқие фариштадан бу сўзларни эшитгач, жуда қаттиқ йиғлади; сўнгра у фаришта билан видолашиб, ғарб томонга қараб юриб бориб, икки кишига дуч келди. Қараса, ҳар иккови ўтирибди-ю, олдида қулф-лоғли дарвоза бор. Яқин бориб қараса, бири йўлбарс суратида, иккинчиси ҳўкиз суратида. Булуқие икковига салом берди, улар саломига алик олишди, сўнгра улар: «Сен кимсан, қаердан келдинг ва қаерга борасан?»—деб сўрадилар. Булуқие: «Мен Одам зурриётиданман, Муҳаммад ишқида саёҳат қилиб чиққан эдим, аммо йўлдан адашдим». Сўнгра Булуқие улардан сўради: «Сизлар кимсизлар, бу дарвоза қанақа дарвоза?» Улар жавоб қилишди: «Биз сен кўриб турган дарвоза пойлоқчиларимиз, худога тасбеҳ ва тақдис этишдан, Муҳаммадга (худо раҳмат қилсин!) салавот юборишдан бошқа ишимиз йўқ». Булуқие бу сўзларни эшитиб, таажжуб қилди ва уларга: «Бу дарвозанинг ичида нима бор?» деди. Улар: «Билмаймиз!»—дедилар. Булуқие яна уларга: «Худо ҳақи, бу дарвозани менга очиб беринглар, ичида нима борлигини кўраман»,—деди. Улар: «Биз бу дарвозани очиб беролмаймиз, Жабраилдан (худонинг раҳмати бўлсин!) бошқа ҳеч киши очиб беролмайди»,—дейишди.

Булуқие бу сўзларни эшитиб, тангрига ёлвориб: «Эй парвардигорим, Жабраили аминни юборгин, менга бу дарвозани очиб берсин, ичидаги нарсаларни кўрай»,—деди. Тангри унинг дуосини мустажоб қилиб, Жабраили аминга ер юзига тушиб Булуқиега Икки Денгиз Кўшилиши Дарвозасини очиб беришни буюрди. Жабраил осмондан тушиб Булуқиега салом берди, келиб дарвозани очди, сўнгра Жабраил Булу-

қиега: «Бу дарвозага кир, оллоҳ сенга бу дарвозани очиб беришни менга буюрди», деди. Булуқие дарвозадан кириб, сайр қилди, сўнгра Жабраил дарвозани қулфлаб, ўзи осмонга кўтарилди. Булуқие дарвозадан кирганда, катта бир денгизни кўрди, унинг ярмиси шўр ва ярмиси ширин эди, денгиз атрофида икки тоғ бўлиб, улар қизил ёқутдан эди. Булуқие шу икки тоққа етди. Шу тоғлар устида тасбеҳ ва тақдисга машғул бўлган фаришталарни кўрди. Булуқие уларга салом берди, улар саломига жавоб қайтардилар, шунда Булуқие улардан денгиз ва икки тоғни сўради. Фаришталар унга: «Бу арш тагидаги бир жой, бу денгиз дунёдаги ҳамма денгизларни тўлдиради. Биз бу сувларни тақсим қилиб шўр ерларга шўр сув, ширин ерларга ширин сувни тарқатамиз. Бу икки тоғни худо шу сувни сақлаб туриш учун яратган, қиематгача бизнинг ишимиз шу»,—дейишди.

Сўнгра улар Булуқиедан: «Қаердан келдинг ва қаёққа борасан?»—деб сўрадилар. Булуқие уларга кўрган-кечирганларини аввалдан охиригача ҳикоя қилди. Кейин фаришталардан йўл сўради: «Мана шу ердан денгиз устига чиқ»—дедилар улар. Булуқие ёнидаги ўсимлик сувидан икки қадамга суркаб, улар билан видолашиб, кеча-кундуз тўхтамай, денгиз устида юриб кетди. Тўсатдан денгиз устида бир чиройли йигитга йўлиқди. Унга салом берди, йигит саломга жавоб қайтарди. Булуқие у йигитдан айрилиб кетгандан кейин, денгиз юзида яшиндек сайр қилиб бораётган тўрт фариштани кўриб, илгарироқ ўтиб уларнинг йўлида турди.

Фаришталар етиб келгач, уларга салом берди ва худо ҳақи, сизлардан сўрайман, исмларингиз нима, қаердансизлар ва қаёққа кетаётирсизлар, деб сўра-

ди. Улардан бири айтди: «Менинг отим — Жабраил, иккинчимизнинг оти — Исрофил, учинчимизнинг оти — Мекоил ва тўртинчимизнинг оти — Азроил». Улар: «Машриқда бир аждаҳо пайдо бўлиб, минг шаҳарни хароб қилди, аҳолисини еб битирди, оллоҳ бизни ўшани ушлаб жаҳаннамга отишга буюрди»,— дедилар. Булуқие уларнинг катталигидан таажжубда қолди, бир жазирага етгунча кеча-кундуз сайр қилди, жазиранинг устига чиқиб бир оз юрди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз тўқсон
саккизинчи кеча*



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Булуқие жазирада бир оз юриб, чиройли ва нуруний бир йигитнинг икки мақбара ўртасида овоз чиқариб йиғлаб ўтирганини кўрди. Булуқие келиб салом берди, йигит саломга алик олди. Булуқие йигитдан:

«Сенга нима бўлган, отинг нима, бу икки мақбара кимники, сен қилиб турган йиғи-сиғининг сабаби

нима?» Йигит Булуқиега қараб, кўз ёшидан кийимлари ҳўл бўлар даражада қаттиқ йиғлади ва Булуқиега айтди: «Билгин, эй биродар, ажойиб ҳикоям ва фаройиб қиссам бор. Бу ерга келишинг сабабини, саргузаштларингни менга ҳикоя қилиб берсанг, отинг нима ва қаерга кетаётирсан? Мен ҳам саргузаштимни сўзлаб бераман».

Булуқие йигитнинг ёнига ўтириб, саёҳати вақтида рўй берган воқеаларни аввалдан охиригача, отасининг қандай ўлганини, уни қолдириб кетганини, у қандай қилиб хилват уйни очганини ва унда сан-

дикни кўрганини, у сандиқ ичидаги Муҳаммаднинг (худо раҳмат қилсин!) тавсифи бор китобни қандай ўқиганини ва у кишига қандай кўнгил қўйганини ва унинг иштиёқида саёҳатга чиқиб кетгани каби бўлган воқеаларнинг ҳаммасидан унга хабар қилди. Сўнгра унга: «Ҳамма ҳикоям шу, бундан кейин бошимга нималар тушишини бир худо билади»,— деди.

Йигит бу сўзларни эшитиб, уҳ тортди ва айтди: «Эй мискин, ўз ҳаётингда нималарни кўрибсан? Билгин эй Булуқие, мен саид Сулаймонни ўз замонида кўрганман ва яна бошқа кўрганларимнинг сони саноғи йўқ, ҳикоям ажиб ва қиссам фаробдир; энди сенга бу ерда ўтиришимнинг сабаби ва саргузаштларимни гапириб берай».

Ҳосиб илондан шу сўзни эшитгач, таажжубланиб, «Эй илонлар маликаси, мени озод эт ва хизматчиларингдан бирига буюр, мени ер юзига чиқазиб қўйсин, ўла-ўлгунимча ҳаммомга кирмасликка қасамёд қиламан», деди. Илонлар маликаси: «Бу мумкин бўлмаган иш, қасамингга ишонмайман!»— деди. Бунга эшитгач, Ҳосиб йиғлади, ҳамма илонлар ҳам унга қўшилишиб йиғлаб, маликадан унга шафоат тилашди: «Биримизга буюр, уни ер юзига чиқариб қўяйлик. Бу бир умр ҳаммомга кирмасликка қасамёд қилсин!»— дейишди.

Илонлар маликасининг исми Ямлиҳо эди. Ямлиҳо илонлардан бу сўзни эшитгач, Ҳосибга келиб, унга қасам берди, Ҳосиб қасамёд қилди, кейин бир илонга уни ер юзига чиқариб қўйишни буюрди. Ҳосибни ер юзига чиқариб қўйиш учун унинг олдида илон келганда Ҳосиб илонлар маликасига: «Сендан Булуқие икки мақбара ўртасида кўрган ва ҳикоясини эшитиш учун ёнига бориб ўтирган йигитнинг воқеасини эшитгим келди»,— деди.

Илонлар маликаси айтди: «Эй Ҳосиб, билгин, Булуқиё йигитнинг ёнига ўтириб ҳикоясини аввалдан охиригача эшитиш, саргузаштидан хабардор бўлиб, икки қабр ўртасида ўтиришининг сабабини билиш мақсадида ўз саргузаштини аввалдан охиригача ҳикоя қилди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Тўрт юз тўқсон
тўққизинчи кеча*

Бй саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Булуқиё йигитга ўз саргузаштини сўзлаганда, йигит айтди: «Эй мискин, дунёнинг ажойиботларидан сен нима кўрибсан! Мен эса, саид Сулаймонни ўз замонида кўрганман, мен кўрган ажойиботларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ. Эй биродар, отам подшо эди, уни Тайғамус подшо дер эдилар. У Кобил мамлакатада Шаҳлон сулоласига ҳукмронлик қиларди. Улар ўн минг паҳлавон эди, улардан ҳар бир паҳлавон юзлаб шаҳар ва юзлаб қалъаларга ҳукм юритар эди. Отам етти султон устидан ҳукмронлик қиларди, унга шарқдан, ғарбдан божу хирожлар келиб турарди. У адолат билан ҳукмронлик қиларди. Буларнинг ҳаммасини унга ҳудо ато қилди ва катта мулкка подшо этиб, уни миннатдор қилди, лекин ўлгандан кейин ўринбосар бўладиган бир фарзанд насиб қилишлигини умр бўйи сўради, аммо унга фарзанд насиб бўлмади.

Қунларнинг бирида иттифоқо у уламо, ҳукамоларни, мунажжим, маърифат аҳлларини, жуғрофионларни йиғди ва уларга айтди: «Толеимга қаранг-

лар, ҳудо менга ўринбосар, мулкимга эга ўғил фарзанд насиб қиладими-йўқми?» Мунажжимлар китоб очдилар, толенни ҳисобладилар, толенга мувофиқ келган юлдузни қараб кўрдилар ва сўнгра унга айтдилар: «Билгин, эй подшо, ҳудо сенга бир ўғил насиб қилади, лекин у бола Хуросон подшонининг қизидан бўлади. Тайғамус бу сўзни эшитиб, ғоят хурсанд бўлди. Мунажжим ва ҳукамолар беҳисоб мол-дунёлар олиб ўз йўлларига кетдилар. Тайғамус подшонинг катта бир вазир бор эди, у минг отличқа барабар келадиган зўр паҳлавонлардан бўлиб, оти Айни-Зор эди; подшо унга деди: «Эй вазир, Хуросон мамлакатага сафарга тайёрлан, Хуросон шоҳи Баҳравоннинг қизига менинг номимдан совчи бўлиб борасан» деб, мунажжимларнинг айтганини унга ҳикоя қилди. Тайғамуснинг вазир дарҳол сафарга тайёрланди, сўнгра аскарлар, ботирлар билан шаҳардан чиқди.

Тайғамус подшога келсак, қимматли тошлар, марварид, ёқутлар, олтин-кумуш ва бошқа қимматли буюмлар, ипакли моллардан минг беш юз бўлак юк тайёрлади, келинга ва тўйга керакли кўп нарсалар ҳозирлади ва уларни туяларга, хачирларга ордириб вазир Айни-Зорга топширди ва Хуросон шоҳига қуйидаги мазмунда хат ёзди: «Саломдан кейин Баҳравон подшога етиб маълум бўлсинки, биз мунажжимларни, ҳукамоларни, фузалоларни йиққан эдик, уларнинг берган хабарларига қараганда, оллоҳ бизга бир ўғил фарзанд насиб этар экан, лекин у фарзанд сизнинг қизингиздан бунёдга келар экан. Биз вазиримиз Айни-Зорни кўп тайёргарлик билан сизга юбордик, ундан тўйга ва келинга керакли кўп нарсалар юбордик. Вазиримни менинг ўрнимда кўриб ниқоҳ мажлисида қабул қилиб олишга уни вакил

қилиб юбордим. Марҳамат айлаб вазирнинг ҳожатини чиқарурсиз (бу эса менинг ҳожатим) деб биламан. Бу ишга бўш қараб, пайсалга солмагайсиз; сиздан лозим; бу ишда яхшилик қилмоқ, аммо қарши туришдан сақланинг. Билингким, эй Баҳравон подшо, Кобил мамлакатига, Бани-Шаҳлон сулоласига худо мени подшо қилиб мулк-давлат ато қилиш билан мени ўзидан миннатдор қилди. Агар қизингизни олсам, мен ва сиз подшоликда ягона бўламыз, ҳар йили сизга мўл-кўл мод юбориб тураман; сиздан илтимосим шу».

Тайғамус подшо хатни муҳрлаб вазири Айни-Зорга топшириб, Хуросон мамлакатига сафар қилишни буюрди. Вазир сафарга чиқиб, Баҳравон подшо шаҳрига яқин етганди, унга Тайғамус подшо вазирининг келганини билдирдилар. Баҳравон подшо бу сўзни эшитгач, пешвоз чиқиш учун давлат арбобларини отлангирди, улар билан бирга емак-ичмак ва бошқа нарсалар, отларга ем-хашак тайёрлаб, вазир Айни-Зорни кутиб олишни буюрди. Вазирни кутиб олиб шу жойда ўн кун турдилар, кейин отланиб шаҳарга қараб йўл олдилар. Баҳравон подшо Тайғамус подшо вазирини қарши олишга чиқиб, унга салом бериб қучоқлашиб кўришди, ўзи билан бирга олиб қалъага йўл солди, кейин вазир Баҳравон подшога келтирган юк ва туҳфаларини ва барча молларини тақдим этди, мактубни ҳам топширди. Баҳравон подшо қабул қилиб олди ва мактубни ўқиди, ундаги сўзларнинг маъносига тушуниб ноятда хурсанд бўлди. Вазирга: «Хуш келдингиз! Кўнглингиз тўқ бўлсин, истаган нарсангиз мақбул бўлур! Тайғамус подшо жонимни ҳам сўраса, уни ҳам берардим!» Баҳравон подшо ўша ондаёқ қизини, қизнинг онасини ва яқинларини чақиртириб, бу ишдан уларни ха-

бардор қилди: ва бу тўғрида улар билан маслаҳатлашди, улар подшога: «Ихтиёр сизда!» дейишди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айгишни тўхтатди.



*Беш юзинчини
тўлдирувчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом этгирди Шаҳризод,— шоҳ Баҳравон қизи ва қариндош-

лари билан маслаҳатлашди, улар шоҳга: «Ихтиёр сизда!»— дейишди. Сўнгра шоҳ келиб Тайғамус вазири Айни-Зорга талаби мақбул бўлганини билдирди. Вазир Баҳравон подшо олдида икки ойча туриб қолди, кейин у подшога: «Олиб кетмоқчи бўлган амонатимизни топширсангиз, энди ўз шаҳримизга қайтсак»,— деди. Шоҳ вазирга «Хўп бўлади», деди. Сўнгра подшо тўйга ва келин учун жиҳоз тайёрлашга, вазирлар, амирлар, давлат арбобларини ҳозир қилишга буюрди. Шоҳ, роҳиблар ва муфтиларини ҳам ҳозир қилишга амр берди. Ҳамма ҳозир бўлди, шу билан қизни шоҳ Тайғамусга никоҳ қилдилар. Баҳравон подшо қизига қиммат баҳо ҳадялар, туҳфалар ва жавоҳирлар берди; шаҳарнинг кўча-кўйларига пояндозлар солишга ва безашга буюрди. Айни-Зор Баҳравон шоҳнинг қизини олиб ўз мамлакатига жўнаб кетди.

Буларнинг йўлга чиққан хабари Тайғамус шоҳга етгач, у хурсанд бўлиб, шаҳарни безашга буюрди. Тайғамус шоҳ Баҳравон шоҳ қизи билан қўшилди, орадан кўп ўтмай, хотини ҳомиладор бўлди. Ой-куни яқинлашиб, тўлган ойдек бир ўғил фарзанд кўрди. Тайғамус шоҳ хотинининг ўғил туққанини эшитгач,

севинди. Шоҳ ҳукаمولари, мунажжимлари, тақвим эгаларини чақирди ва уларга айтди: «Бу туғилган боланинг толеига қарашларингизни, юлдузини текширишларингизни сўрайман, шунингдек, бу боланинг умрида учрайдиган нарсалардан ҳам хабар беринглар».

Ҳукамолар ва мунажжимлар толеини ҳисоблаб, юлдузини текшириб, болани бахтли деб топдилар, лекин умрининг аввалида, ўн беш ёшга кирган вақтида унга бир машаққат етади, ундан кейин омон қолса, кўп яхшиликлар кўради ва отасидан ҳам катта подшо бўлади, бахт-саодати ортиб, душманлари ҳалок бўлади, дунёда ширин ҳаёт кечиради, агар ўлса, кетган кетади, бошқа чора йўқ.

Подшо бу хабарни эшитгач, ғоят севиниб, ўғлига Жоншоҳ деб ном қўйди, сут берувчи энагалар ва тарбияловчи мураббиялар тайинлаб, унга яхши тарбия берди. У беш яшар бўлганда отаси қироат ўргатди, у Инжилни ўқийдиган бўлди. У етти ёшга етмасдан қилич чопиш, найза санчиш каби ҳарбий машқларни ўрганди; у отга миниб ов қиладиган, қуш овлайдиган катта паҳлавон бўлиб етишди, ҳарбий маҳоратнинг ҳаммасида мукамал бўлди, отаси ғоятда хурсанд бўлди.

Иттифоқо, кунлардан бир кун Тайғамус подшо аскарларига саҳрода ҳайвон ва қуш овлашга отланишни буюрди, аскарлар отланиб чиқди, Тайғамус шоҳ ҳам ўғли Жоншоҳ билан отга минди ва улар чўлга қараб йўл олдилар, учинчи кун аср вақтигача ов овлаш билан машғул бўлдилар; Жоншоҳга бир ажойиб кийик учраб, олдидан югуриб ўтиб кетди. Жоншоҳ бу кийикни кўриб, изига тушди, орқасидан тез югуриб кетди. Кийик қочганича кетди. Тайғамус подшо қулларидан еттитаси Жоншоҳ кетидан

кетдилар, хожаларига қарашса, у кийик кетидан ошиқиб югуриб борарди, булар ҳам унинг орқасидан югуриб кетдилар, шу юришларида денгизга етдилар. Ҳаммалари кийикни тириклайин тутиб олмоқчи бўлиб бирданига ҳужум қилдилар, кийик булардан қочиб бориб, ўзини денгизга отди...»

Қисса шу ерга етганда тўнг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Жоншоҳ ва етти қул кийикни тириклайин тутиб олмоқчи бўлиб бирданига ҳужум қилибди, кийик булардан қочиб ўзини денгизга ташлабди. У денгизда овчиларнинг кемаси бор экан, кийик у кемага сакрабди. Жоншоҳ ва унинг қуллари кемага чиқиб кийикни ушлабдилар; саҳрога қайтмоқчи бўлиб турганларида Жоншоҳнинг кўзи катта

бир оролга тушибди, у қулларига: «Менинг бу оролга боргим бор»,— дебди. Қуллар: «Хўп бўлади, бош устига»— дебдилар. Кема билан орол томонга сузиб бориб, оролга етибдилар ва унга чиқиб томоша қилибдилар, сўнгра қайтиб келиб кемага тушибдилар, кийикни ўзлари билан олиб, келган саҳроларига қараб юрибдилар. Тун киргач денгизда адашиб қолибдилар, қаттиқ бўрон туриб, денгиз ўртасида кемани ҳар тарафга сура бошлабди; тўнг отгунча ухлаб, уйғонганларида йўлни танимамай қолибдилар. Денгизда тўхтамай юрибдилар.

Жоншоҳнинг отаси Тайғамус подшога келсак, у ўғлини йўқотиб, аскарларини тўп-тўп қилиб ҳар

бирини бир йўл билан кетишга буюрди. Улардан бир тўдаси денгиз тарафга қараб юрди. От пойлаб қолган қулни кўрдилар, ундан шаҳзодани ва олти қулни сўрадилар, бугун можародан, бўлган воқеадан улар хабардор бўлдилар. Қулни ва отларни подшо олдига олиб келиб, эшитган хабарларини етказдилар. Подшо бу сўзни эшитган, қаттиқ йиғлади ва бошидан тожини олиб отди, пушаймон бўлиб икки қўлини тишлади. Шу ондаёқ хат ёздириб денгиздаги оролларга юборди ва юз кема йиғиб, уларга аскарларни тушириб, ўғли Жоншоҳни излагани юборди. Шоҳ қолган аскарларини, қўшинларини олиб, шаҳарга қайтди ва жуда қаттиқ қайғурди. Жоншоҳнинг онаси бу ҳодисани билиб, юзига уриб, ўғлининг азасини тутди.

Энди Жоншоҳга, у билан бирга бўлган қулларга келсак, улар денгизда адашганларича юравердилар; уларни денгизда излаганлар ўн кун юриб тополмай, охири қайтиб подшога хабар қилдилар. Сўнгра Жоншоҳ ва у билан бўлган қуллар қаттиқ шамолга учраб, шамол уларни бир оролга етказди. Улар юриб-юриб, оролнинг ўртасида бир чашмага етдилар, чашма ёнида бир кишининг ўтирганини кўриб, унга салом бердилар. У киши булар билан қуш овозига ўхшаш овоз билан сўзлашди, Жоншоҳ у кишининг сўзини эшитиб таажжуб қилди. Сўнгра у киши ўнгу чапга бурилиб қаради, булар таажжуб қилиб турганда, у иккига бўлиниб, икки тарафга қараб кетди.

Булар шу ҳолда турганларида тоғ тарафидан бехисоб ҳар хил одамлар етиб келдилар, чашмага етганда, уларнинг ҳар бири иккига айрилди. Жоншоҳ уларнинг одамхўрликка келганини билиб қўрқиб, қуллари билан бирга қочдилар. У одамлар етиб бориб уч қулни едилар, учтаси Жоншоҳ билан қолди. Жоншоҳ уч қул билан кемага тушди, кемани де-

нгиз ўртасига суриб кеча-кундуз йўл юрдилар, лекин кема қаёққа олиб кетаётганини билмас эдилар. Улар кийикни сўйиб у билан овқатландилар, шамол уларни иккинчи бир оролга суриб ташлади. Бу оролда ҳар хил дарахтлар, анҳорлар, бўстонлар ва бўстонларда ҳар хил меваларни кўрдилар, дарахтлар тагидан ариқлар оқиб турар, орол гўё жаннатга ўхшарди. Жоншоҳ буларни кўриб таажжуб қилди, қулларга: «Бу оролга чиқиб, хабар келтирадиган ким бор?» — деди. Қуллардан бири: «Мен сизларга хабар келтирмаман», — деди. Жоншоҳ: «Бу бўлмаган иш, учовингиз чиқиб бу оролдан хабар келтиринг! Сиз қайтиб келгунча мен бу кемада ўтираман», — деди. Жоншоҳ, уч қулини кемадан туширди, қуллар оролга чиқдилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ, — деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — қуллар оролга чиқиб, у ерда шарққа, ғарбга қараб айландилару, ҳеч кимни топмадилар, сўнгра ўртасига қараб юриб, узоқдан оқ мармар тошдан бўлган қалъани кўрдилар, ундаги уйлар тиниқ биллурдан эди; у қалъанинг ўртасида бўстон бўлиб, унда тавсиф қилиб чарчайдиган ҳўлу қуруқ ҳар турли мевалар ва турли-туман хушбўй



Беш юз
иккинчи кеча

гуллар бор эди. Яна у қалъада дарахтлар, мевалар, дарахтларда сайраб турган қушларни кўрдилар; у ерда катта бир кўл бўлиб, кўлнинг ёнида бир айвон бор эди, у айвонда курсилар қўйилган бўлиб, у курсилар ўртасида ҳар хил жавоҳир ва ёқутлар билан

зийнатланган олтин тахт қўйилган эди. Қуллар қалъа ва бўстоннинг гўзаллигини кўриб ажабда қолдилар, лекин унда ҳеч кимни учратмадилар. Қалъадан қайтиб келиб, Жоншоҳга кўрганларини айтиб бердилар. Подшонинг ўғли Жоншоҳ улардан бу хабарни эшитгач, айтди: «Мен ҳам бу қалъани бориб кўрмасам бўлмайди!» Жоншоҳ кемадан чиқди, қуллари билан бирга қалъага бориб кирдилар, у ернинг гўзаллигидан Жоншоҳ таажжуб қилди, томоша қилиб айланиб юриб, мевалардан еди, кечгача юриб, ўрта бир жойга қўйилган тахтга келиб ўтирди, қатор-қатор курсилар ҳам қўйиқли турарди. Жоншоҳ отасининг тахтидан, шаҳридан, оиласидан, қариндош-уруғларидан айрилганини ўйлаб йиғлади, уч қули ҳам қўшилишиб йиғлади. Булар шу ҳолда турганда денгиз тарафидан қаттиқ бир ҳайқириқ овоз эшитилди, овоз келган тарафга қараб, ҳамма ёққа ёйилган чигирткадек маймунларни кўрдилар (бу қалъа, бу орол маймунлар макони эди). Маймунлар Жоншоҳ келган кемани кўриб, денгизга чўктириб, қалъада ўтирган Жоншоҳнинг олдига келишди. Илонлар маликаси: «Эй Ҳосиб, буларнинг ҳаммаси икки қабр ўргасида ўтирган йигитнинг Булуқиёга қилган ҳикоясидан»,— деди. Ҳосиб илонлар маликасидан сўради: «Жоншоҳ бундан кейин маймунлар билан нима қилди?»

Илонлар маликаси унга айтди: «Жоншоҳ тахтга ўтириб, ўнг, сўлида қуллари турганда маймунлар етиб келиб, уларни хавф ва қўрқинчда қолдирди. Маймунлардан бир тўдаси Жоншоҳ ўтирган тахтга яқинлашиб, ер ўпиб, қўлларини кўксиларига қўйиб Жоншоҳ ҳузурида тўхтаб турдилар. Кейин улардан яна бир тўдаси келди, улар келтирган кийикларини сўйдилар, уни қалъага олиб келиб, терисини шилиб,

ўштларини бурдалаб, яхшилаб кабоб қилдилар. Уни олтин, кумуш товоқларга солдилар ва дастурхон ёзиб, Жоншоҳ олдига қўйиб, уни ва қулларини дастурхонга таклиф қилдилар. Жоншоҳ тахт устидан гушиб овқат еди, маймунлар, қуллар ҳам то тўйгунларича едилар. Сўнгра маймунлар ҳўл мевалар келтириб қўйдилар. Жоншоҳ маймунларнинг катталарига ишорат қилиб: «Сизларнинг ҳолингиз қалай, бу кимнинг ери?»— деди. Маймунлар унга ишорат билан: «Билгинки, бу ер саидимиз Сулаймон ибн Довуд (икковларига худонинг раҳмати бўлсин!) ерлари, у киши ҳар йили бир марта бу ерга келиб, саёҳат қилиб кетар эдилар...»— дедилар.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз
учинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Маймунлар Жоншоҳга қалъадан ха-

бар бериб, бу жой саидимиз Довуд ўғли Сулаймонники ва у киши ҳар йили бир марта бу ерга келиб, саёҳат қилиб кетар эдилар, дейишди. Сўнгра маймунлар Жоншоҳга: «Эй подшо, сен бизга султон бўлиб тургин, биз хизматингда бўламиз, егин, ичгин, нимани буюрсанг, ҳаммасини бажо келтирамиз»,

дедилар. Шу билан, маймунлар Жоншоҳ олдида ер ўпиб, ўз йўлларига қараб кетдилар. Жоншоҳ тахт устида ухлади, қуллар ҳам тонг отгунча атрофида, курсиларда ухлаб чиқишди. Эрта билан вазирларидан тўрт киши аскарлари билан кириб келиб, у ер лиқ тўлди, Жоншоҳ атрофида саф тизиб турдилар.

Кейин от суратидаги итларни ўзлари билан эргаштирган маймунлар келди. Ҳар бир итнинг бошида биттадан занжир. Жоншоҳ у итлардан таажжуб қилди. Маймун вазирлари Жоншоҳга отланиб бирга юришга ишорат қилди. Жоншоҳ ва уч қули отланди, маймун аскарлар ҳам отланди. Ҳамма ёққа ёйилган чигирткадек, баъзилари уловли, баъзилари пиёда, Жоншоҳ уларнинг бу ишидан таажжубда қолди. Денгиз қирғоғигача тўхтамай юриб бордилар, Жоншоҳ кемасининг чўктирилганини кўргач, маймун вазирлардан: «Кема қаёқда?»— деб сўради. Улар Жоншоҳга айтдилар: «Билгинки, эй шоҳ, оролимизга келган вақтингдаёқ бизга подшо бўлишингни билган эдик. Кемага тушиб қочиб кетишингдан қўрқиб чўктирдик». Жоншоҳ бу сўзни эшитгач, қулларига қараб: «Энди бу ердан кетишимизга илож қолмади, худо хоҳлаган вақтгача сабр қилиб турамиз», деди.

Сўнгра бориб-бориб бир дарё лабига етдилар, у дарёнинг бир тарафида баланд тоғ бор эди. Жоншоҳ у тоққа қараб жуда кўп гулларни — жинларга ўхшаш афсонавий ҳайвонларни кўриб, маймунлардан: «Булар қандай махлуқлар?»— деб сўради. Унга маймунлар: «Билгин, эй подшо, бу гуллар бизнинг душманларимиз, булар билан уруш қилгани келдик», дедилар. Жоншоҳ гулларнинг важоҳати ва катталигини кўриб таажжуб қилди. Улар отларга минган, баъзиларининг бошлари ҳўкиз бошига, баъзиларининг бошлари туя бошига ўхшар эди. Гуллар маймун аскарларини кўргач, уларга ҳужум қилди, дарё лабида тўхтаб, уларни тўқмоқсимон тошлар билан тошбўрон қила бошладилар, катта жанг бошланди.

Жоншоҳ гулларнинг маймунлар устидан ғалаба қилганини кўргач, қулларига қараб ҳайқирди: «Ўқ-ёйларингизни, ўқларингизни олиб, уларни ўлдириб

тугатгунингизча ёки биздан даф қилгунча отинглар». Қуллар Жоншоҳнинг буюрганини бажардилар, гуллардан кўплари ўлиб, мағлуб бўлиб қочдилар. Маймунлар Жоншоҳнинг бу ишини кўргач, Жоншоҳ билан бирга дарёга тушиб, дарёдан ўтиб, гуллар кўзларидан ғойиб бўлгунча қувиб кетдилар, шу билан улар мағлуб бўлди ва кўплари ўлди.

Жоншоҳ маймунлар билан бирга тўхтамай юриб бориб бир тоққа етдилар. Жоншоҳ тоққа қараб, мрамрдан ишланган бир лавҳа кўрди, унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Эй, бу ерга келган киши, билгин, сен бу маймунларга подшо бўласан, тоғ тарафидаги шарқ дарвозасидан чиқмасдан, буларнинг олдидан кетишинг мумкин эмас, унинг узунлиги уч ойлик масофа. Сен ваҳший ҳайвонлар, гуллар, жинларнинг саркашлари ва девлар ўртасидан кетасан, шундан кейин сен дунёни ўраб олган денгизга етасан, ғарбий дарвозадан чиқсанг, унинг узунлиги тўрт ойлик масофа, у йўлнинг бошида чумолилар водийси бор; у водийга етиб, унга кирган вақтингда баланд бир тоққа етгунингча бу чумолилардан ўзингни сақла. У тоғ ўтдек ёниб туради, узунлиги ўн кунлик йўл». Жоншоҳ бу лавҳани кўргач...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз
тўртинчи кеча



й саодагли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — Жоншоҳ лавҳани кўриб ҳалиги сўзларни ўқиди, охирида: «Сўнгра бир катта дарёга етасан, у шундай тез оқадикки, кўзни тиндириб юборади. Дарё ҳар шанба куни қуриб қолади; унинг ёнида бир шаҳар

бор, аҳолисининг ҳаммаси яҳудийлар. Улар эса Муҳаммад динини инкор этувчилардир. Улар орасида битта ҳам мусулмон йўқ, у ерда бу шаҳардан бошқа шаҳар ҳам йўқ. Маймунлар олдида турган вақтингда, улар ғуллар устидан ғалаба қозонади. Билгинки, бу лавҳани Довуд ўғли саидимиз Сулаймон ёзган.

Уни ўқиб Жоншоҳ қаттиқ йиғлади, қулларига лавҳада ёзилган сўзларни билдирди. Шундан кейин отланди, маймун аскарлари ҳам отланиб, душманлари устидан ғалаба қозонганларидан севинишиб, ўз қалъаларига қайтдилар. Жоншоҳ қалъада бир ярим йил маймунларга подшо бўлиб турди. Бир кун Жоншоҳ маймун аскарларига ваҳший ҳайвон ва қуш овига отланишни буюрди. Чўлу саҳроларни кезиб, чумолилар водийсига етдилар, мрамар лавҳага ёзилган нарсаларнинг аломатини шу ерда кўрдилар. Шу ерда ўн кун туриб, емак-ичмак билан машғул бўлдилар.

Жоншоҳ кечалардан бирида қуллари билан холи бўлиб қолганди, уларга: «Мен, қочсак, чумолилар водийсига йўл олсак, яҳудийлар шаҳрига борсак дейман. Шояд худо маймунлардан бизга нажот бериб, ўз йўлимизга кетсак»,— деди. Қуллар унга: «Амрингизга тайёрмиз!»— дейишди. Жоншоҳ ва унинг қуллари тун ярмида ўринларидан турдилар, қурол-аслаҳаларини тақдилар. Жоншоҳ билан қуллари тонг отгунча йўл юрдилар. Маймунлар уйқуларидан уйғониб қарасалар, Жоншоҳ ва қуллари йўқ. Маймунлардан бир тўдаси отланиб шарқ дарвозаси томон, бошқа бир тўдаси чумолилар водийсига қараб юрди.

Маймунлар Жоншоҳ билан қулларини чумолилар водийсига қараб кетаётганини кўрдилар, уларга етиб олишга ошиқдилар. Жоншоҳ ҳам бундан хабар топиб, қуллари билан қочиб бориб чумолилар водий-

сига киришди, бир оз ўтар-ўтмас маймунлар етиб олиб ҳужум қилишди, Жоншоҳни ва унинг қулларини ўлдирмоқчи бўлдилар; шу онда ер тагидан ҳамма ёқни тутиб кетган чигирткадек чумолилар чиқди. Чумолилар ҳар бири итдек келарди. Чумолилар маймунларга ҳужум қилди, бир тўдасини еб битиришди, чумолилардан ҳам тўп-тўп ўлдирилди, лекин чумолилар енгиб чиқишди. Бир чумоли келиб ўзини маймунга урса, уни иккига бўлиб ташларди, ўнта маймун бир чумолига ёпишиб, уни ушлаб иккига бўлиб ташларди. Шу ҳолда кечгача ўрталарида жанг бўлди, кеч киргач, Жоншоҳ билан қуллари водийнинг ичкарисига қочдилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз
бешинчи кеча

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— кеч киргач Жоншоҳ билан қуллари водийнинг ичига қочиб кириб, у ерда тонг отгунча юрдилар. Тонг отгач, маймунлар Жоншоҳ устига отилдилар. Жоншоҳ ҳайқириб: «Қилич билан уринглар»,— деди. Қуллар маймунларни ўнгдан, чапдан чона бошладилар. Тиши филнинг тишидай катта бир маймун илгари ўтиб келиб ўзини қуллардан бирига урди ва иккига бўлиб ташлади. Маймунлар Жоншоҳга ёпирилиб ҳужум қилган эди, водийнинг этагига қочиб бориб, у ерда бир дарёни ва дарё ёнида бир катта чумолини кўрди. Жоншоҳ чумолидан ўзини эҳтиёт қилиб турганда, қулларнинг бири чумолини икки бўлиб ташлади. Чумолиларнинг ас-

карлари буни кўргач, ўша қул устига кўплашиб ҳужум қилиб, уни ўлдирдилар. Маймунлар тоғ устидан тушиб келиб, Жоншоҳга ҳужум қилдилар. Жоншоҳ уларни даф қилиш учун кийимини ечиб дарёга тушди, қули ҳам тушди, сувда дарёнинг ўртасигача сузиб бордилар; Жоншоҳ дарёнинг нариги қирғоғидаги бир дарахт шохини ушлаб осилиб қуруқликка чиқди. Қулни бўлса дарёнинг кучли мавжи оқизиб бориб тоққа урди ва парчалаб юборди. Жоншоҳ ёлғиз ўзи қуруқликка чиқиб олиб жон сақлади. Маймунлар билан чумолилар ўртасидаги жанг ҳам тугаб, маймунлар ўз шаҳарларига қайтиб кетдилар.

Жоншоҳ аҳволига келсак, у кечгача йиғлади, сўнгра бир ғорга кириб олди, лекин у қулларидан айрилганидан, ёлғизликда даҳшатга тушарди. Тонг отгунча ғорда ухлаб, сўнгра бир неча кеча-кундуз йўл юрди, йўлида ўсимликларни еб бориб, ўтдек ёниб турган бир тоққа етди, шанба кунни қуриб қоладиган дарёга дуч келди. Қараса, жуда катта дарё ёнида бир катта шаҳар бўлиб, бу лавҳада ёзилган яҳудийлар шаҳри экан. Жоншоҳ шанба кунни келиб, дарё қуригунча турди, сўнгра у дарёдан ўтиб яҳудийлар шаҳрига етди, у ерда ҳеч кимни кўрмади. Бир уйнинг эшигини очиб кирди. Қараса, уй эгалари сукутда, асло гапирмайдилар. Жоншоҳ уларга: «Мен бир ғариб кишиман, очман»,— деди. Улар ишорат билан унга: «Егин, аммо гапирмагин»,— дейишди. У еди, ичди, шу кеча ётиб қолди. Тонг отгач, уй эгаси унга салом бериб: «Хуш келдингиз! Қаердан келиб, қаёққа кетаётирсиз?»— деди. Жоншоҳ хўрлиги келиб қаттиқ йиғлади, қиссасини унга ҳикоя қилиб, ота шаҳридан унга хабар берди. Яҳудий унга таажжуб қилди, бундай шаҳарни биз асло эшитмаганмиз, лекин карвонлардан, Яман деган мамлакат бор, деб

эшитган эдик, деди. Жоншоҳ яҳудийга: «Савдогарлар хабар берган Яман шаҳри бу ердан қанчалик узоқ?»— деди. Яҳудий: «Савдогар карвонларнинг айтишларича, уларнинг шаҳарларидан бу ергача икки йилу уч ойлик йўл», деди. Жоншоҳ яҳудийга: «У карвонлар қачон келади?»— деди. Яҳудий: «Карвон келаси йилга келади», деди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз
олтинчи кеча*



й саодагли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — Жоншоҳ яҳудийдан карвоннинг келишини сўрагани:

«Карвон келгуси йили келади»,— деди. Жоншоҳ яҳудийнинг сўзини эшитгач қаттиқ йиғлади, қулларидан, ота-онасидан айрилганини, бошига тушган можароларни ўйлаб қайғурди. Яҳудий унга: «Эй йигит, йиғлама, карвон келгунча бизнинг олдимизда тур, биз сени уларга қўшиб ўз шаҳ-

ринга юборамиз»,— деди. Жоншоҳ яҳудийдан бу сўзни эшитиб, унинг олдида икки ой турди, ҳар кунни шаҳар кўчаларига чиқиб томоша қилиб юрарди. Кунларнинг бирида ўз одатича шаҳар кўчаларида айланиб юрган эди, тўсатдан бир одамнинг нидо қилганини эшитди, у айгарди: «Минг тилла ва ҳусну жамолда мисли йўқ гўзал канизакни олиб менга тонгдан пешингача ишлаб берадиган киши борми?» Унга ҳеч ким жавоб бермасди. Жоншоҳ жарчининг сўзини эшитгач, ўз-ўзига деди: «Бу ишда бир хатар бўлмаса тонгдан пешингача бўладиган ишга минг тилла ва бир гўзал канизак бермас эди».

Сўнгра Жоншоҳ жарчининг ёнига бориб, унга: «Бу ишни мен қиламан»,— деди. Жарчи Жоншоҳдан бу сўзни эшитиб, уни бир қасрга бошлаб борди. Жоншоҳ қараса, жуда катта уй, бир яхудий савдогар обнусдан ишланган курсида ўтирарди. Жарчи унинг олдига келиб: «Эй савдогар, мен уч ойдан бери шаҳарда жар соламан, бу йигитдан бошқа менга ҳеч ким жавоб қилмади»,— деди.

Савдогар жарчининг сўзини эшитиб, Жоншоҳга: «Хуш келдингиз!»— деб уни бир озода ерга олиб кирди. Унга таом келтириш учун қулларига ишорат қилганиди, улар дастурхон ёзиб, ҳар хил таомлар келтирдилар. Савдогар ва Жоншоҳ таомлардан еб, қўлларини ювдилар, кейин ичимлик келтирилди, улардан ичдилар. Сўнгра савдогар ўрнидан туриб бориб, минг тилла солинган бир ҳамён ва гўзалликда мисли йўқ бир канизакни келтириб: «Қиладиган ишинг учун бу пул ва канизакни ол!»— деди. Жоншоҳ пулни олиб, канизакни ёнига ўтқазди. Савдогар унга: «Ишимизни эртага қиларсан»,— деди. Кейин савдогар унинг олдидан кетди. Жоншоҳ канизак билан қолиб у кеча бирга ётди, тонг отгач, ҳаммомга борди. Савдогар қулларига ипакли кийим келтиришни буюрди, улар ипақдан ишланган нафис кийим келтириб, ҳаммомдан келгач, уни ясантириб, савдогар турган уйга олиб келдилар. Савдогар қулларига чанг, уд ва ичимликлар келтиришга буюрди, қуллар келтирдилар. Савдогар Жоншоҳ билан ярим кечагача ичиб, ўйнаб-кулиб ўтиришди. Кейин савдогар ўз ҳарам саройига кириб кетди. Жоншоҳ ҳам бориб канизак билан тонг отгунча ётди, сўнгра ҳаммомга кетди. Ҳаммомдан қайтгач, савдогар келиб: «Энди биз буюрган ишни қилсанг дейман»,— деди. Жоншоҳ: «Хизматингизга тайёрман, хўп бўлади», деди.

Савдогар қулларига икки хачир келтиришни буюрди. Икки хачир келтирдилар, биттасига ўзи миниб, иккинчисига Жоншоҳни миндирди. Савдогар билан Жоншоҳ саҳардан кун яримигача юриб баланд бир тоққа етдилар. Савдогар хачир устидан тушди, Жоншоҳ ҳам тушди. Жоншоҳга савдогар бир арқон ва бир пичоқ бериб: «Қани, энди шу хачирни сўйсанг дейман», деди. Жоншоҳ этаклари ва енгини шимариб, хачирни арқон билан оёқларини боғлаб ерга йиқитди. Пичоқ олиб сўйди, терисини шилди, тўрт оёғи ва бошини кесди, хачир бир уюм гўшт бўлди. Шунда савдогар: «Қорнини ёриб ичига кир, устингдан тикиб қўяман, у ерда бир оз вақт турасан, қоринда кўрган нарсаларингдан менга хабар берасан»,— деди. Жоншоҳ хачирнинг қорнини ёриб ичига кирди, устидан савдогар тикиб қўйди, уни шу ҳолда қолдириб ўзи ундан нари кетди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— савдогар Жоншоҳ ётган хачир-

нинг қорнини тикиб, ўзи ундан нари кетди, тоғ этагига бекинди. Бир оздан кейин катта бир қуш учиб келиб хачирнинг устига қўнди, уни чангаллаб олиб учиб тоғ чўққисига қўнди ва емоқчи бўлди, Жоншоҳ қуш келганини ҳис қилиб хачирнинг қорнини ёриб, ундан чиқди. Қуш Жоншоҳни кўргач, чўчиб ўз йўлига учиб кетди. Жоншоҳ ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғига қараса, офтобда қуриб ётган



Беш юз
еттинчи кеча

кишиларнинг ўлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ. У ичида дуо ўқиб қўйди.

Сўнгра тоғнинг пастига назар солган эди, у ерда савдогарнинг қараб турганини кўрди. Савдогар Жоншоҳни кўргач: «Ен-верингдаги тошлардан менга ташлагин, мен сенга тоғдан тушадиган йўлни кўрсатаман»,— деди. Жоншоҳ у тошлардан икки юзга яқинини ташлади. Бу тошлар: ёқут, забаржад ва энг қиммат баҳо жавоҳирлар эди. Кейин Жоншоҳ савдогарга: «Менга йўл кўрсат, тошлардан яна ташлайман»,— деди. Аммо савдогар тошларни хачирига ортиб, Жоншоҳга жавоб ҳам қайтармай жўнаб қолди. Жоншоҳ ёлғиз ўзи тоғ устида қолиб, фарёд уриб йиғлай бошлади. Шу аҳволда уч кун туриб, кейин, тоғнинг энига қараб икки ой йўл юрди, тоғ ўсимликлари ва гиёҳларни еб, тоғнинг бир чеккасига етди. Узоқдан бир водий, у водийда дарахтлар, мевалар, худога тасбеҳ айтиб турган қушларни кўрди. Жоншоҳ ғоят севинди. Бир оз вақт юриб жарликка етди, бу сел йўли эди. Жоншоҳ юриб-юриб, тоғда эканида узоқдан кўринган водийга етди. Водийга тушиб, ўнгу сўлини томоша қилиб юра бошлади. Ахири, фалакка бош урган бир қасрга етди. У ерда юзидан нур томиб турган ёқимли бир мўйсафидни кўрди, қўлида ёқутдан ҳасса, қаср эшигида турарди. Жоншоҳ яқин бориб салом берди, у саломига жавоб қайтариб: «Хуш келибсан, эй ўғлим, ўтир!»— деди. Жоншоҳ қасрнинг эшиги тагига ўтирди. Мўйсафид ундан: «Бу ерга қаердан келдинг, бу ерга одам зотининг қадами етган эмас эди, қаерга борасан?»— деб сўради. Жоншоҳ машаққатларининг кўплигидан қаттиқ йиғлади, йиғи уни бўғиб қўйди. Мўйсафид унга: «Эй ўғлим, йиғини қўй, дилимда қаттиқ алам қолдирдинг»,— деди-да, ўрнидан туриб овқат келтириб олдига қўй-

ди. Жоншоҳ тўйгунча еб, оллога ҳамд этди. Мўйсафид Жоншоҳга қараб: «Эй ўғлим, бошингдан кечирган саргузаштларингни айтиб берсанг дейман»,— деди. Жоншоҳ саргузаштларини аввалдан охиригача ҳикоя қилди. Мўйсафид ғоят таажжубланди. Жоншоҳ ундан: «Бу водийнинг эгаси ким, бу катта қаср кимники?» деб сўради. Мўйсафид Жоншоҳга: «Билгин, эй ўғлим, бу водий ва бундаги барча нарсалар ва бу қаср, унга қарашли нарсалар Довуднинг ўғли саидимиз Сулаймонники (худо раҳмат қилсин!), мени қушлар подшоси шайх Наср деб атайдилар. Саидимиз Сулаймон бу қасрга мени мутасадди қилиб қўйган...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз
саккизинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— қушлар подшоси шайх Наср Жоншоҳга айтди: «Билгинки, саидимиз Сулаймон бу қасрга мени мутасадди қилиб қолдирган ва менга қушлар тилини билдирган, дунёдаги ҳамма қушларга мени ҳоким қилган; ҳар йили қушлар бу қасрга учиб келиб, уни кўрадилар, зиёрат қилиб қайтиб кетадилар, бу ерда ўтиришимнинг сабаби шу»,— деди.

Жоншоҳ шайх Насрнинг сўзини эшитиб қаттиқ йиғлади ва унга: «Эй отахоним, қандай қилсам ўз мамлакатимга етаркинман?»— деди. Шайх Наср айтди: «Эй ўғлим, сен Қоф тоғига яқин жойдасан, бу ердан кетишингга имкон йўқ. Агар қушлар келса, уларнинг бирига сени топширсам, шунда у сени ўз мамла-

катингга етказиб қўяди. Шу қасрда менинг олдимда тур; егин, ичгин, то қушлар келгунча шу қасрни томоша қилиб юргин».

Жоншоҳ шайх олдиди туриб водийни томоша қилди, ўйнаб-кулди. Қушлар ўз маконларидан чиқиб шайх Наср зиёратига келишларигача бирмунча вақт ширин ҳаёт кечирди. Шайх Наср қушларнинг келиш вақтида ўрнидан туриб, Жоншоҳга: «Эй Жоншоҳ, бу калитларни олиб, қасрдаги уйларни оч, улардаги бор нарсаларни томоша қил, лекин фалон уйни оча кўрма, гапимга хилоф қилиб унга кирсанг, асло сенга яхшилик ато бўлмайди»,— деб амр қилди, жуда қаттиқ таъкидлаб гапирди. Кейин қушлар билан учрашишга кетди. Қушлар шайх Насрни кўргач, бир жинси орқасидан иккинчиси келиб, унинг қўлини ўпа бошладилар.

Энди Жоншоҳга келсак, у ўрнидан туриб, қасрни томоша қила бошлади, ҳамма уйларни очиб кўриб, шайх Наср тақиқ қилган уйга бориб етди. У уйнинг эшиги ва эшикдаги олтин қулфни кўргач таажжубда қолди ва ўз-ўзига: «Бу — қасрдаги ҳамма уйлardan яхшироқ экан, нималар бор экан-а, шайх нега ман қилдйкин? Уйга кириб, бор нарсаларни албатта кўрмасам бўлмайди, бандага азалдан нима ёзилган бўлса, уни кўрмасликнинг иложи йўқ», деб уйни очиб ичига кирди. Уй ичида катта бир кўл кўрди, кўлнинг ёнида кичик бир қаср турарди. У олтин, кумушдан, биллурдан бино қилинган бўлиб, панжаралари ёқутдан эди, ётқизилган тошлар яшил забаржаддан, балхашдан, зумраддан, жавоҳирлардан мрамар тошдай қилиб ётқизилган эди. Қасрнинг ўртасида сув билан тўла бир олтин ҳовуз. Ҳовуз атрофига олтин-кумушдан ваҳший ҳайвон ва қушларнинг ҳайкали ўрнатилган. Сув уларнинг қорни-

дан келарди, шамол турса, уларнинг қулоғига кириб, ҳар бир сурат ўз лаҳжасида овоз чиқарарди. Ҳовузнинг бир ёнида катта айвон, унга дуру жавоҳир билан безатилган катта бир ёқут тахт ўрнатилган, у тахт устига қиммат тошлардан чиройли кўзлар қадалган, олтин билан нақшланган яшил ипақдан бир чодир тикилган, унинг кенглиги эллик газ бўлиб, бу саидимиз Сулаймоннинг (худо раҳмат қилсин!) оромгоҳи эди.

Жоншоҳ қаср атрофида катта бир бўстонни кўрди, унда мевали дарахтлар, анҳорлар бор эди, тева-рак-атрофида гуллар, райҳонлар, оқ насрин гуллар, ҳар хил хушбўй ўсимликлар экилган гулзор бор эди. Шамол турганда у дарахтларнинг шоҳлари у ёндан бу ёнга елпинарди. Жоншоҳ ўша қаср, бўстон, ажойиб ва ғаройиботларни томоша қилиб юрди. Кўл майда тош, нафис узук кўзлари, қиммат баҳо жавоҳирлар ва нодир маъданлардан эканлигини ва яна кўп нарсаларни ҳам кўрди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Жоншоҳ кўп нарсаларни кўриб

уларга таажжуб қилди. Уй ичидаги саройга кирди, ҳовуз ёнидаги айвонга ўрнатилган тахтга чиқди ва тахтдаги чодирга кириб, бир оз ухлади. Кейин уйғониб сарой эшигидан чиқди, сарой эшиги олдига қўйилган курсида таажжуб қолиб ўтирган вақтида, ҳаводан кабутарга ўхшаган уч қуш келиб, кўлнинг



Беш юз
тўққизинчи кеча

12 Минг бир кеча, V т.

177

бир тарафига тушди. Бир-бирлари билан ўйнашиб, устиларидаги пат-кийимларини ечишган эди, дунёда мисли йўқ, ойдек уч қизга айланди. Сўнгра кўлга тушиб сузишди, ўйнашди ва кулишди. Жоншоҳ уларнинг гўзаллиги, қадду қоматининг келишганлигига таажжуб қилди. Қизлар қуруқликка чиқиб, бўстонда томоша қилдилар. Жоншоҳ уларни кўриб ақлдан адашувига сал қолди. Ўрнидан туриб уларга яқин борди, салом берди, қизлар саломга жавоб қайтардилар. Сўнгра Жоншоҳ улардан: «Сизлар кимсизлар, эй аслзод қизлар, қаердан келдинглар?»— деб сўради. Уларнинг кичиги Жоншоҳга айтди: «Биз оллонинг улуғ подшолигидаги табааларданмиз, бу ерга томоша учун келдик». Жоншоҳ қизларнинг ҳуснидан ҳайратда қолиб, уларнинг кичигига: «Менга раҳм қилгин, меҳрибонлик кўрсатгин, бошимдан ўтган саргузаштларимни эшитиб, ҳолимга шафқат қилгин»,— деди. Қиз: «Бу сўзни қўй, ўз йўлингга кет»,— деб жавоб қилди. Жоншоҳ ундан бу сўзни эшитгач, қаттиқ йиғлаб, ҳўнграган овози кўтарилиб, шу шеърларни ижод қилди:

Келди дуч боғ ичра менга, эғнида сабз ранг либос,
 Соч ёзиқ, оқ кўкраги тугма жафосидан халос.
 Мен дедим:— Қимсан ўзинг? Кел, менга сўз дуррини соч!
 Ул деди:— Ендиргувчи ўтман! Ўзингни асра, қоч!
 Мен унга бош эгдиму, ишқдан шикоят айладим,
 Ҳажрдан етган мусибатдан ҳикоят айладим,
 Ул деди:— Мен бағри тошдирмен, карамдан кўп йироқ,
 Ташнамен, васл ила қондир ташнани э. тош булоқ!

Қизлар Жоншоҳдан бу шеърларни эшитгач кулишди, ўйнашди, шодиёна ашула айтишди. Жоншоҳ уларга ҳўл мевалардан келтирди, улар едилар, ичдилар ва шу кеча тонг отгунча Жоншоҳ билан бирга бўлдилар. Тонг отгач, қизлар пат-кийимларини кийиб, яна кабутар қиёфасига кириб, учиб кетдилар.

Буни кўргач, Жоншоҳ ақлдан озгандай ҳайқириб, ҳўшдан кетиб йиқилди ва шу-шу кун бўйи ётди.

Жоншоҳ ҳўшсиз ётар экан, қўшлар билан учрашувдан бўшаган шайх Наср қўшларга қўшиб ўз мамлакатига юбориш учун уни қидириб келди. Жоншоҳни қасрда кўрмагач, ман қилинган уйга кирганлигини англади. Шайх Наср қўшларга: «Менинг олдимда бир бола бор, уни тақдир узоқ ерлардан бу ерга келтирган, уни ўз мамлакатига элтишингизни сўрайман»,— деганда, қўшлар унга: «Бош устига»,— деган эдилар. Шайх Наср Жоншоҳни излаб ман қилинган уйга келди. Эшик очиқ эди. Кириб қараса, Жоншоҳ бир дарахт тагида ҳўшсиз йиқилиб ётибди. Шайх Наср ҳўшбўй сувлар келтириб, юзига сепган эди, Жоншоҳ ҳўшига келиб бошини кўтарди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз
ўзинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — шайх Наср Жоншоҳнинг дарахт тагида ҳўшсиз ётганини кўргач, ҳўшбўй сув келтириб юзига сепди, у ҳўшига келиб, бошини кўтарди-да, шайх Насрни кўрди. Шунда унинг ҳасрати ортиб, бу байтларни ижод қилди:

Тун базмига ул махлиқо келди кириб, айлаб вафо
 Қилдик ҳама жонни фидо, ўлтирди тўрни тўлғизиб.
 Бир-бир секин кўз ташлади, аста кулиб, сўз бошлади
 Парқу уза ёнбошлади, қошни қоқиб, кўзни сузиб.
 Май ичди коса тўлдириб, ағёрни бўғмай ўлдириб,
 Базм ичра сўзлаб кулдириб, суҳбатни қайта юргизиб.
 Шаҳлолари киприк қоқиб, ишқ аҳлини ўтга ёқиб.

Жазман топиб, аста боқиб, гоҳ ўлдириб, гоҳ тиргизиб.
 Қўйлаб майин овоз билан, жўр бўлганида соз билан,
 Юз ишваю минг ноз билан оқ урдириб ўлтиргизиб.
 Сочи тақимнинг пастиди, ўйнайди жонлар қасдида,
 Қайрилама қош пайвастида ҳар кимга ҳукми юргизиб.
 Отса агар мужғони ўқ, жондан умид албатта йўқ,
 На қилса у, бердик ҳуқуқ, гоҳ ўтқизиб, гоҳ турғизиб.
 Тонг отг. нча соҳибжамол, эҳсон этиб базми висол,
 Кетмоқ п. тин билди маҳол, ишқ ақлидан кўнгул узиб.
 Бу тенги йўқ меҳмонимиз, яъни гўзал жондонимиз.
 Айлаб асир таң, жонимиз, кетди саҳар, кўнгул бузиб.

Шайх Наср Жоншоҳдан бу шеърларни эшитгач унга деди: «Эй ўғлим, мен сенга бу уйни очмагин, унга кирмагин, деган эмасмидим? Майли энди, бу уйда кўрганларингдан хабар бер, саргузаштларингни менга англа»,— деди. Жоншоҳ ҳикоя қилиб, уч қиз билан бўлган можародан шайх Насрни хабардор қилди. Унинг сўзини эшитган шайх Наср: «Эй ўғлим, бу қизлар жинларнинг қизлари, улар ҳар йили шу ерга келиб, аср вақтигача ўйнашиб, ёзилишиб, сўнгра ўз мамлакатларига кетадилар», деди. Жоншоҳ: «Уларнинг мамлақати қаерда?»— деб сўради. Шайх Наср: «Эй ўғлим, уларнинг мамлақати қаерда эканини билмайман»,— деди. Сўнгра шайх Наср: «Юр, сени қушлар билан ўз мамлақатингга юбораман, қизларга муҳаббатни дилингдан чиқар»,— деди. Жоншоҳ шайх Насрнинг сўзини эшитгач, қаттиқ бир оқ тортиб, ҳушдан кетиб йиқилди. Ҳушига келгач: «Отажон, мен то бу уч қиз билан қўшилмагунимча ўз мамлакатимга кетмайман; билгинки, сенинг олдингда ўлсам ўлай, лекин энди оиламни демайман»,— деди. Кейин йиғлаб: «Мен ўша ошиқ бўлган қиз висолини йилда бир марта бўлса ҳам кўришга розиман»,— деди. Сўнгра ҳўнграб йиғлаб, шу шеърларни айтди:

Ишқин бунёд этмаган бўлсайди олло, кошки,
 Тўлмагай ишқ ақлининг руҳига дунё, кошки.

Эслаганда ёнмаса бағрим фироқи ўтида,
 Бўлмаса бу кўзларимнинг ёши дарё, кошки.

Ургатур бўлсам ўзим, ҳажрида бардошга агар,
 Васлни қилса насиб, жабрини яғмо кошки.

Сўнгра Жоншоҳ ўзини шайх Насрнинг оёғига ташлаб, унинг оёқларини ўпиб, қаттиқ йиғлаб ёлворди: «Олло сенга раҳм қилсин, менга раҳм қил, олло сенга ёрдам қилсин, менинг бошимга тушган балога сен бир илож қил!»— деди. Шайх Наср унга: «Эй ўғлим, таңгри ҳақи қасамёд қиламан, у қизларни танимайман, уларнинг мамлақати қаерда эканини ҳам билмайман. Агар ошиқ бўлган бўлсанг, келгуси йилнинг шу вақтигача менинг олдимда тур. Чунки улар келаси йилнинг шу кунларида яна келадилар. Келмишга яқин сен бўстоналардаги дарахтлардан бирига тағига бекингин. Улар келиб кўлда сузишади, ўйнашиб-кулишади. Улар кийимлари турган жойдан узоқлашганда, сен ўзинг хоҳлаган қизнинг кийимини ол. Қизлар сени кўриш билан кийим кийиш учун сувдан чиқадиладар. Сен кийимини олган қиз ширин сўз, чиройли табассум билан: «Ака, кийимини беринг, мен кийиб олай»,— дейди. Кийимини яшир. Агар сен унинг сўзига қулоқ солиб, кийимини берсанг, кутган мурудинга асло етолмайсан, у кийимини кийиб кетиб қолади, ундан кейин асти уни кўрмайсан. Қизнинг кийимларини қўлтиғингга яшириб, эҳтиёт қилиб сақла. Мен қушлар билан учрашиб, қайтиб келгунимча бермай тур. Келганимдан кейин, уни сен билан топиштириб, бирга ўз мамлақатингга юбораман. Уғлим, менинг қўлимдан келадигани фақат шу, холос...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз ўн
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— шайх Наср Жоншоҳга: «Қизнинг кийимларини қўлтигинга яшириб, мен қушлар билан учрашиб қайтиб келгунимча бермай тур, мен келгач уни сен билан топиштириб, бирга ўз мамлакатингга юбораман. Қўлимдан келадигани фақат шу, холос...» деди. Шайх Насрнинг сўзини эшитиб Жоншоҳнинг кўнгли таскин топди ва келаси

йилгача унинг олдида қолди. У қушлар келадиган кунни ошиқиб санай бошлади. Қушларнинг келиш вақти етгач, шайх Наср Жоншоҳнинг олдида келиб: «Қизнинг кийимларини сақлаш ҳақида айтган сўзларимга амал қилгин, мен қушлар билан учрашиш учун кетаётирман»,— деди. Жоншоҳ: «Эшитаман, буйруғингизга бўйсунаман, эй ота!»— деди. Сўнгра шайх Наср қушлар билан учрашиш учун кетди. Жоншоҳ бўстонга бориб, бир дарахт тагига бекинди. У ерда Жоншоҳ бир, икки ва уч кун ўтирди, қизлар келмади, Жоншоҳ беқарор бўлиб, ғамгин, зор-зор йўғлаб, ҳушидан кетди. Бир оздан кейин ҳушига келиб, гоҳ осмонга, гоҳ ерга, гоҳ кўлга термула бошлади. Ишқ ўтидан қалби титрарди. Шу лаҳзада кабутар қиёфасидаги уч қуш учиб келди. Ҳар бир кабутар бургутдай катта эди. Улар кўлнинг бир тарафига тушиб, ўнгу сўлга қараб, ҳеч ким йўқлигига ишонгач, кийимларини ечиб, кўлда ўйнаб-кулиб, кўнгил очишга қиришдилар. Уларнинг бадани қуйма

кумушдек оппоқ эди. Каттаси: «Эй сингиллар, яна биров бу қасрда яшириниб ётган бўлмасин»,— деди. Уртанчаси унга: «Эй опа, Сулаймон Алайҳиссалом вақтидан бошлаб бу қасрга на инсон ва на жин кирган эмас»,— деди. Кичиги кулиб: «Эй опалар, худо ҳақи, қасамёд қиламан, агар бу ерда биров бекиниб ётган бўлса, у мендан бошқага тегмайди»,— деди. Улар дарахт тагида бекиниб, уларга қараб ишқ галабасидан қалби титраётган Жоншоҳни кўрмас эдилар; қизлар кўлнинг ўртасига сузиб кетиб, кийимларидан узоқлашдилар. Шунда Жоншоҳ яшиндек тез бориб, кичик қизнинг кийимларини олди.

Жоншоҳнинг қалбини эзган қиз шу бўлиб, унинг исми Шамса эди. Қизлар қайрилиб Жоншоҳни кўриб дастлаб қўрқиб кетишди. Сўнгра шўнғиб қирғоққа келишгач, ўн тўрт кунлик ойдек Жоншоҳнинг юзига қараб: «Сен кимсан, бу ерга қандай қилиб келиб, Саидату Шамсанинг кийимларини олдинг?»— дедилар. Жоншоҳ: «Менинг олдимга келинглар, мен сизларга ўз саргузаштимни ҳикоя қилиб берай»,— деди уларга. Саидату Шамса: «Сенинг қиссанг нимадан иборат, нима учун менинг кийимимни олдинг, опаларим орасида мени қандай танидинг?» деб сўради. Жоншоҳ унга: «Эй кўзимнинг нури, сувдан чиқ, мен саргузаштимни сенга ҳикоя қилай, сени таниганимнинг боисини билдирай»,— деди. Қиз: «Эй хожам, кўзимнинг нури, қалбимнинг меваси, кийимимни бер, мен кийиб олиб, олдингга чиқай»,— деди. Жоншоҳ унга: «Эй гўзаллар шоҳи, кийимингни бериб, ишқингда ўзимни ўлдиришим мумкин эмас, қушлар подшоҳи шайх Наср келгунча кийимингни бермайман»,— деди. Бу сўзни эшитгач Саидату Шамса: «Ундай бўлса, ўзингни бир оз четга олиб тур, опаларим чиқиб, кийимларини кийиб, ўзимни бекит-

гудек менга ҳам бирор нарса берсинлар»,— деди. Жоншоҳ буни эшитиб, «Хўп бўлади, жоним билан!»— деб, уларнинг олдидан кетиб, қасрга кирди. Саидату Шамса ва унинг опалари чиқиб кийимларини кийишди, Саидату Шамсанинг катта опаси ўз кийимларидан бирини берди. Саидату Шамса янги туғилган ойдек, ўтлаб юрган кийикдек бўлиб Жоншоҳнинг олдига борди. Жоншоҳнинг тахтда ўтирганини кўриб, унга салом бергач, яқинига бориб ўтирдилар ва: «Эй гўзал чехрали киши, мени ва ўзингни ўлдирган сен эмасми? Лекин, бизга саргузаштингдан хабар бергин, биз сенинг қиссангни билайлик»,— деди. Саидату Шамсанинг сўзини эшитгач, Жоншоҳ кийимлари ҳўл бўлгунча кўз ёш қилди. Саидату Шамса ўзининг ишқида Жоншоҳнинг куйганини англагач, ўрнидан туриб, унинг қўлидан ушлаб ўз ёнига ўтқазди, кўз ёшларини ени билан артар экан: «Эй гўзал чехра, йиғини тўхтат, саргузаштингни ҳикоя қил»,— деди. Жоншоҳ унга ҳамма саргузаштларини ҳикоя қилди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризода ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Саидату Шамса Жоншоҳга: «Саргузаштингни менга ҳикоя қил»,—

деди. Жоншоҳ унга ҳамма саргузаштларини ҳикоя қилди. Бу сўзларни эшитгач, Саидату Шамса оҳ урди ва унга: «Эй хожа, агар менга ошиқ бўлсанг, кийимларимни бер, кийиб олиб, опаларим билан уйимга борай ва муҳаббат саргузаштларингни айтиб, яна қайтиб

келай ва сен билан бирга мамлакатингга учиб борай»— деди. Жоншоҳ бу сўзларни эшитиб йиғлади ва унга: «Мени зулм билан ўлдиришни олло сенга ҳавола қилганми?»— деди. Саидату Шамса унга: «Нима сабабдан сени зулм билан ўлдирарканман?» деди. Жоншоҳ унга: «Агар сен кийимингни кийсанг, учиб кетсан, мен ўша онда ҳалок бўламан»,— деди.

Жоншоҳнинг сўзини эшитгач, Саидату Шамса ҳам, опалари ҳам кулишди. Кейин Саидату Шамса унга: «Кўнглинг тўқ бўлсин, кўз тутиб тур, мен албатта сен билан турмуш қураман»,— деб Жоншоҳнинг қучоғига отилди, кўкрагига босиб, пешона ва юзидан ўпди, бир-бири билан авчагача қучоқлашиб, ниҳоят ажралишиб, тахт устига ўтиришди. Катта опаси бўстонга чиқиб, уларга мева, гул олиб келди; улар едилар, ичдилар, ўйнаб-кулиб ўтирдилар. Жоншоҳ ҳусну жамолда мислсиз эди. Саидату Шамса унга: «Эй дўстим, худо ҳақи, сени жуда севаман, асло сендан айрилмайман»,— деди. Буни эшитиб, Жоншоҳнинг кўнгли кўтарилди, чехраси очилди.

Улар шоду хуррам бўлиб турган вақтларида қушлар билан учрашувга кетган шайх Наср қайтиб келди. Уни кўриб ҳаммалари ўринларидан турдилар ва унга салом бериб, қўлларини ўпдилар. Шайх Наср уларга: «Хуш келдинглар, ўтиринглар»,— деди. Сўнг-ра шайх Наср Саидату Шамсага: «Бу йигит сени жуда яхши кўради, уни сенга топшираман, ўзи катта одамлар авлодидан — подшозода, отаси Кобил шаҳрининг ҳокими, кўп мамлакатлар подшоси»,— деди.

Шайх Насрнинг сўзига Саидату Шамса: «Амрингизга бўйсунаман»,— деди, шайх Насрнинг қўлини ўпиб. Шайх Наср унга: «Агар сўзинг чин бўлса, бир умр Жоншоҳга вафодор бўлишга қасамёд қилгин»,— деди. Саидату Шамса қасамёд қилди. Кейин: «Эй



Беш юз ўн
иккинчи кеча

шайх Наср, ишонгин, мен асло бундан айрилмайман»,— деди. Шайх Наср унинг қасамига ишонди. Шайх Наср Жоншоҳга: «Икковингни жуфт қилган оллога ҳамд бўлсин!»— деди. Жоншоҳ жуда севинди. Сўнгра Жоншоҳ билан Саидату Шамса шайх Наср олдида уч ой еб-ичиб, ўйнаб-кулиб юришди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Жоншоҳ ва Саидату Шамса шайх

Наср олдида уч ой еб-ичиб, ўйнаб-кулишиб юришди. Сўнг Саидату Шамса Жоншоҳга: «Мени мамлакатингга олиб кетиб тўй қилиб олсанг, у ерда бирга турсак»,— деди. Жоншоҳ унга: «Бош устига, жоним билан»,— деди. Сўнгра Жоншоҳ шайх Насрга: «Биз энди мамлакатимизга кетсак деймиз»,—деб Саи-

дату Шамсанинг гапларини айтди. Шайх Наср кетишга рухсат берди ва қизни хафа қилмасликни тайинлади. Жоншоҳ бош эгиб, сўз берди. Шунда қиз: «Эй шайх Наср, Жоншоҳга буюр, кийимимни берсин, мен кийиб олай»,— деди. Шайх Наср: «Эй Жоншоҳ, кийимларини бер»,— деди. Жоншоҳ: «Хўп бўлади, бош устига»,— деб қасрдан кийимларини тезда келтириб топширди. Қиз кийимини кийиб олгач Жоншоҳга: «Устимга мин-да, икки кўзингни юм, айланиб турган фалакнинг овозини эшитмаслик учун икки қулоғингни бекит, икки қўлинг билан пат кийимларимга ёпишиб ол, эҳтиёт бўл, йиқилиб тушма»,— деди. Жоншоҳ унга минди. Учиш ол-

дидан шайх Наср қизга: «Мен Қобил мамлакатининг таърифини қилгунимча тўхтанг, яна йўлда адашиб кетманглар», деди. Шайх Наср у мамлакатни таърифлади, қиз тинглади. Сўнгра шайх Наср иккови билан, Саидату Шамса икки опаси билан видолашди ва уларга: «Уйга қайтинглар ва Жоншоҳ билан ўртамизда бўлган гапларни уйдагиларга билдиринглар»,— деди ва шу ондаёқ осмонга кўтарилиб ҳавода ел эсгандек, яшин чақнагандай учиб кетишди.

Шундан кейин унинг икки опаси ҳам учиб, ўз уйларига бориб Саидату Шамса билан Жоншоҳ можаросини маълум қилдилар. Саидату Шамса чоштвоҳда парвоз қилганича учаверди, Жоншоҳ унинг устида кетарди. Вақт асрга етганда узоқдан дарахтзор, анҳорли бир водий кўринди. Қиз Жоншоҳга: «Бу водийдаги дарахтлар, ўсимликларни кўрмоқчиман»,— деди. Жоншоҳ унга: «Ўзинг биласан»,— деди. Сўнгра у пастлаб келиб водийга қўнди. Жоншоҳ қизининг орқасидан тушиб, пешонасидан ўпди. Сўнгра анҳор қирғоғида бир оз ўтирдилар. Кейин водийни айланиб, томоша қилдилар, мевалардан едилар, шу зайлда кечгача сайр қилишиб, ахири бир дарахт тагида эрталабгача ухладилар. Саидату Шамса эрталаб туриб Жоншоҳга орқамга мин деб буюрди. Жоншоҳ «Хўп бўлади!»— деб унга миниб олди. Қиз осмонга кўтарилиб учиб кетди.

Шу учишда пешингача учиб, ниҳоят, шайх Наср таъриф қилган аломатларни кўрдилар. Саидату Шамса анҳорлар оқиб, мевалар пишиб турган, чашмалар қайнаб, кийиклар ўтлаб юрган чиройли экинзор— кенг бир яйловга тушди. Жоншоҳ тушиб, пешонасидан ўпди. Қиз унга: «Эй севгилим, кўзимнинг нури, сайр қилиб келган масофамизни билдингми?»— деди.

Беш юз ўн
учинчи кеча

Жоншоҳ: «Йўқ»— деб жавоб қилди. Қиз айтди: «Ўттиз ойлик масофани ўтиб келдик». Жоншоҳ унга: «Саломат келганимиз учун худога шукур»,— деб ўтирганди, қиз ҳам унинг ёнига ўтирди.

Еб-ичиб, ўйнаб-кулиб ўтирганларида икки қул буларга қараб кела берди. Улардан бири Жоншоҳ сайёднинг кемасига тушган вақтда от олдида қолган қул бўлиб, иккинчиси ваҳший ҳайвонлар ва қуш овлаганда бирга юрган қулларнинг бири эди. Улар Жоншоҳни танидилар ва салом бериб: «Келганингиздан отангизга хушхабар етказишга ижозат берсангиз»,— дедилар. Жоншоҳ уларга: «Отамга бориб келганимизни айтишлар ва бир чодир келтиринглар. Тантана билан кутиб олувчи мамлакат аъёнлари, аскар ва сипоҳлар етиб келгунча биз бу ерда етти кун истироҳат қилиб турамыз. Кейин кутиб олувчилар билан шаҳарга кирамиз...»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўн
тўртинчи кеча



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирдилар Шаҳризод,— Жоншоҳ қулларга: «Отамга бориб бизнинг келганимизни билдиришлар ва бир чодир келтиринглар. Тантана билан кутиб олувчи мамлакат аъёнлари, аскарлар ва сипоҳлар етиб келгунча биз бу ерда етти кун истироҳат қилиб турамыз. Кейин кутиб олувчилар билан шаҳарга кирамиз», деди. Қуллар отларига миниб Жоншоҳнинг отаси ёнига кетдилар ва унга бориб: «Эй подшоҳи замон, сизга хушхабар келтирдик»,— дедилар. Қулларнинг

сўзини эшитган Тайғамус шоҳ уларга: «Қандай хушхабар, ўғлим Жоншоҳ келдими?»— деди. Улар: «Ҳа, гоийб бўлиб кетган ўғлингиз Жоншоҳ келди, у яқин ерда — Карроний яйловида»,— дейишди. Шоҳ севинганидан ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келгач, вазирига қулларнинг ҳар бирига қимматли нафис кийимлардан кийдириб, мол-дунё беришни буюрди. Вазир: «Бош устига»,— деб шу ондаёқ ўрнидан турди. Қулларга подшонинг буюрганларини бера туриб: «Рост айтсангиз ҳам, ёлғон айтсангиз ҳам, барибир, келтирган хабарингиз учун бу молларни олинглар»,— деди. Улар: «Ёлғон айтмаймиз, ҳозир унинг олдидан келдик, унга салом бериб икки қўлни ўпдик; у аъёнлар, вазирлар, давлат арбоблари келгунча Карроний ўтлоғида етти кун турамыз, чодир келтиринглар деб буюрди», деди. Шоҳ қулларни яна ҳузурга чақиртириб, ўғлининг ҳол-аҳволидан сўраган эди, қуллар унга: «Ўғлингиз жаннатдан чиққандай бир ҳур билан бирга»,— деб жавоб беришди.

Шоҳ бу сўзни эшитгач, жом чалиб, карнай тортишга буюрди; ҳамма ёққа хурсандлик хабари тарқалди. Тайғамус шоҳ шаҳарнинг ҳамма тарафига, Жоншоҳнинг онасига, умаро, вазир, вузаро ва давлат арбобларининг хотинларига хабарчилар юборди. Улар шаҳарнинг турли томонига гарқалиб, шаҳар аҳлига Жоншоҳнинг келганлигини маълум қилдилар. Тайғамус шоҳ аскарлари ва сипоҳлари, давлат арбоблари билан тайёрланиб, Карроний яйловига йўл олди.

Сандату Шамса билан Жоншоҳ улар томон аскарлар келаётганини кўришди. Жоншоҳ ўрнидан туриб, уларга пешвоз юриб борди. Аскарлар уни кўргач отларидан тушиб салом бердилар ва кўришиб, икки қўлни ўпдилар. Жоншоҳ аскарлар олдидан ўтиб отасига пешвоз юриб борди. Тайғамус шоҳ ўғ-

лини кўргач, ўзини от устидан ташлаб, ўғлини қучоқлаганича ҳўнграб йўғлади.

Кейин ота-бола отга минишиб, аскарлари ўн ва сўлда бўлиб, анҳор қирғоғига келдилар. Аскарлар, сипоҳлар чодирлар, капалар, байроқлар тикдилар, ноғоралар қоқилди, сурнайлар чалинди, жомлар урилди, карнай овозлари янгради. Тайғамус шоҳ Саидату Шамса учун қизил ипакдан ясалган чодир тикишни буюрди. Саидату Шамса устидаги пат киймини ечиб чодирга кириб ўтирди. Тайғамус шоҳ ўғли Жоншоҳни ёнига олиб унинг ҳузурига кириб келди. Саидату Шамса Тайғамус шоҳни кўргач, ўрнидан туриб, ер ўпиб, таъзим қилди. Кейин шоҳ ўғли Жоншоҳни ўнг, Саидату Шамсани чап томонига олиб ўтириб, Саидату Шамсага: «Хуш келибсиз»,— деб табриклади, ўғли Жоншоҳга: «Ғойиб бўлиб кетган вақтларингда бошдан кечирганларингдан хабар бергин»,— деди. Жоншоҳ унга кўрган-кечирганлари, бошидан ўтган можароларни аввалдан-охир ҳикоя қилди. Бу сўзларни эшитган шоҳ, ғоят таажжубланиб, Саидату Шамсага қараб деди: «Мен билан ўғлимни топиштиришингга олло мададкорлик қилибди! Бу оллонинг улуғ фазлу карамидир...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўн
беинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.—Тайғамус шоҳ Саидату Шамсага қараб: «Мен билан ўғлимни топиштиришингга олло мададкорлик қилибди! Бу оллонинг улуғ фазлу карамидир. Кўнглинг хоҳлаган нарсани мендан сўра, сенга

азбаройи ҳурматим зўрлигидан тилагингни бажараман», деди. Саидату Шамса унга: «Бир бўстоннинг ўртасида тагидан сув оқиб турадиган бир қаср қуриб беришингни орзу қиламан»,— деди. Шоҳ: «Бош устига, бу тилагингни бажараман»,— деди унга.

Улар гаплашиб турганда Жоншоҳнинг онаси кириб келди. Амирлар, вазирлар ва шаҳар акобирларининг хотинлари у билан бирга эди. Жоншоҳ онасини кўргач, чодирдан чиқиб қарши олди. Она-бола анчагача қучоқлашиб турдилар, сўнгра онаси ниҳоятда хурсанд бўлганидан кўзидан ёш тўкиб, бу икки байтни ижод этди:

Қувонч юзланди менга қай кун, кўкка етиб бошим,
Шу дам оқди, юзимни қилди ҳўл беихтиёр ёшим.

Жудолик пайтида ҳар доимо ёш келтирур қайғу!
Тушунмайман! Нечук кўзларки, шодлик чоғда йўғлар бу!

Сўнгра улар айрилиқда қандай фироқ аламини тортганликларини сўзладилар. Отаси ўз чодирига чиқиб кетди. Жоншоҳ билан онаси бир-бирлари билан сўзлашиб ўтирганларида хабарчилар Саидату Шамсанинг келаётганини билдириб, Жоншоҳнинг онасига: «Саидату Шамса сизга салом бергани келди»,— дедилар. Жоншоҳнинг онаси ўрнидан турди, уни қарши олиб салом берди. Бир оз ўтиришгач, Жоншоҳнинг онаси Саидату Шамсани ёнига олиб ва амирлар, давлат арбобларининг хотинларини ҳам чорлаб Саидату Шамса чодирига бордилар ва унда суҳбат қурдилар.

Тайғамус шоҳ ўғлининг соғ-саломат келиши ша-рофавига халққа кўп совғалар бериб, фуқарони сийлади. Шу манзилда ўн кун зиёфат бердилар. Сўнгра

шоҳ аскарларига шаҳарга қараб юришга буйруқ берди. Шоҳ, унинг аскарлари ва қўшинлари ҳам отланишди. Унгу сўлида вазирлар ва дарвозабонлар шаҳарга кириб бордилар. Жоншоҳнинг онаси ва Саидату Шамса ўз манзилларига тушдилар. Шаҳар гўзал зийнатлар билан безатилди. Шодлик жоми ва созлари чалинди. Ҳатто отларнинг туёғи тагига ҳам нафис ипакли палослар ёзилди. Давлат арбоблари хурсанд бўлиб тухфалар тақдим қилдилар. Томошабинлар тўйгунча томоша қилдилар, фақир-мискинларга таом берилди. Шу кўйи ўн кун жуда хурсандчилик билан ўтди. Саидату Шамса буларни кўриб ғоят севинди.

Тайғамус шоҳ бинокорлар, муҳандислар ва маърифатли билимдон кишиларни юбориб, бўстонда бир қаср бино қилишликка буюрди. Жоншоҳ қаср қуриш ҳақида подшоҳнинг фармон берганини эшитиб, усталарга оқ мрамор тошдан устун ясаб, ўртасини сандиқ суратида кавак қилиб қўйишни буюрди. Буйруғи бажо келтирилди. Жоншоҳ Саидату Шамсанинг кийиб учадиган кийимини олиб, ўша устун ичига жойлади. Устунни қаср заминига кўмди. Бинокорларга, қаср деворларини шу замин устидан кўтаришни буюрди. Қаср тамом бўлгач, қиммат баҳо гиламлар билан безадилар. Бўстоннинг ўртасида кўркам қаср бино бўлди, остидан анҳор оқиб турарди.

Бино битгач Тайғамус шоҳ Жоншоҳнинг уйланиш тўйини қилиб берди. Мисли кўрилмаган тўй-томошалар бошланди. Жоншоҳ билан Саидату Шамса шу қасрда қўшилдилар. Саидату Шамса қасрга киргач пат кийимини ҳидлади.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўн
олтинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Саидату Шамса бу қасрга киргач,

пат кийимининг қаердалигини ҳиддан пайқаб, Жоншоҳнинг уйқута фарқ бўлишини кутиб, ярим кечгача сабр қилди. Сўнгра ўрнидан туриб, қаср девори тагидаги устуннинг бир тарафидан ўйиб, кийимини олди, устидаги қўрғошинларини тозалаб эгнига кийди-да, учиб қаср устига қўнди. Саройдаги кишиларга:

«Жоншоҳга хабар қилинглар, чиқсин, мен у билан хайрлашаман»,— деди.

Жоншоҳга хабар етказдилар, Жоншоҳ қизнинг қаср устида пат кийимида турганини кўриб: «Нега бундай қилдинг?»— деб сўради. Саидату Шамса: «Эй севгилим, кўзимнинг нури, қалбимнинг меваси, худо ҳақи, сени жуда севаман, сени ўз ерингга, мамлакатингга етказганим учун ғоятда хурсандман. Сен ота-онангни кўрдинг, мен сени севганимдек, сен ҳам мени севсанг, Жавҳар-Такний қалъасига, менин олдимга бор»,— деди.

Шу гапларни айтди-ю, ўз ватани томон учиб кетди. Саидату Шамсадан жудо бўлган Жоншоҳ оху фиғон тортиб ҳушидан кетди. Унинг кишилари бориб бу ҳолни отасига билдирдилар, отаси қасрга етиб келса, ўғли ерда ҳушсиз ётибди. Тайғамус шоҳ йиғлаб, ўғлининг Саидату Шамса ишқида шу ҳолга тушганини англади. Ўғлининг юзига гул суви сепиб, ҳушига келтирди. Жоншоҳ тепасида отаси турганини кўриб, хотини фироқида йиғлади. Отаси унга: «Дардинг нима, эй ўғлим?»— деди. У: «Эй

отажон, билсанг, Саидату Шамса жин қизи эди, мен уни севардим ва унинг ҳусну жамолига ошиқ эдим. Лекин киймаса учолмайдиган кийими қўлимда эди, мен уни сандиқ суратидаги устун ичига бекитиб, устидан қўрғошин қуйдириб, қаср заминига қўйдирган эдим. Саидату Шамса қаср тагини ковлаб кийимини олибди, эгнига кийиб, учиб қаср устига қўнибди. Сўнгра мени чақиртириб: «Сенга меҳр қўйганман, сени ўз мамлакатингга етказдим, сен ота-онанг билан топишдинг, агар сен ҳам мени севсанг, Жавҳар-Такний қалъасига, менинг олдимга бор», деди-ю, шу ондаёқ қаср устидан учиб ғойиб бўлди»,— деди. Тайғамус шоҳ: «Эй ўғлим, ғам ема, албатта биз савдо аҳллари, шаҳар кезувчи сайёҳларни йиғамиз, у қалъанинг қаердалигини сўраб биламиз-да, Саидату Шамсанинг ёнига борамиз. Умид қиламиз, Саидату Шамсани сенга берарлар ва сен унга уйланурсан»,— деди.

Шоҳ дарҳол чиқиб, тўрт вазирга: «Шаҳардаги савдогар ва сайёҳларни йиғинлар, улардан Жавҳар-Такний қалъасини сўранглар, кимки уни билса ва унга йўл бошласа, мен унга эллик минг тилла бераман»,— деб фармон берди. Вазирлар: «Хўп бўлади, ҳурматингизга тайёрмиз»,— дедилар ва дарҳол шоҳнинг амрини бажаришга киришдилар. Улар шаҳар кезиб юривчи савдогарлардан, сайёҳлардан Жавҳар-Такний қалъасининг қаердалигини суриштирдилар. Ҳеч ким ундан хабар бермади, шоҳга келиб буни маълум қилдилар. Шоҳ буни эшитиб дарҳол ўғли Жоншоҳ ҳузурига чиройли чўрилар, созчи канизаклар, подшоларнинг саройига ярашадиган танноз ўйинчи қизларни ҳозирлашга буюрди. «Улар билан бўлиб шояд Саидату Шамса муҳаббатини унутса»,— деди шоҳ.

Кейин шоҳ Жавҳар-Такний қалъасини суриштириш учун ҳар бир иқлимга, ҳар бир мамлакат ва ҳар бир жазирага айғоқчи ва изловчилар юборди. Улар икки ой суриштирдилар. Уларга ҳеч ким қалъадан дарак бермади, улар келиб шоҳга буни хабар қилдилар. Шоҳ йиғлаб ўғлининг олдига бориб қараса, у канизаклар, гўзал қизлар, созанда-ю ўйинчи қизлар орасида ўтирибди-ю, лекин Саидату Шамсани унутмаган. Шоҳ унга: «Эй ўғлим, у қалъани билувчиларни топмадим, лекин сенга ундан ҳам чиройли қиз келтирдим»,— деди. Жоншоҳ бу сўзни эшитгач кўз ёшини тўкиб туриб, зор-зор йиғлаб, фиғону нола билан шу икки байтни айтди:

Сабру қарор тугалиб, фақат қолди эҳтирос,
Танимдаги дармоним фақатгина шу холос.
Э, ишқ! Сенинг туфайлинг таним бемору заиф,
Қачон бахт Шамса билан мени учраштирар деб.

Тайғамус шоҳ билан Ҳинд подшоси ўртасида қаттиқ душманлик бор эди, чунки Тайғамус шоҳ унга ҳужум қилиб, кишиларини ўлдирган, мол-мулкани талаб, уйларини хоки тупроқ қилиб, кўп жабру жафолар солган эди. Ҳинд шоҳининг номи Кафид шоҳ эди. Унинг қўшин, аскар, ботирлари кўп эди; унинг минг паҳлавони бўлиб, ҳар бир паҳлавони минг қабилага ҳукм юргизар эди, ҳар бир қабилада тўрт минг отлиқ бор эди. Унинг хизматида тўрт вазири бўлиб, қўл остида унга тобе подшолар, вазирлар, амирлар, қози-калонлар ва жуда кўп аскарлари бор эди. У минг шаҳарга ҳукмронлик қиларди, бу шаҳарларнинг ҳар бирида минг қалъа бор эди. Тайғамус шоҳ ўғлининг муҳаббати билан машғул бўлиб, ҳукмронликни, шоҳликни тарк этганлигини ва аскарлари ка-

майиб кетганлигини, фикри-зикри ўглининг муҳаббат можароси билан банд бўлиб, ғаму андуҳда қолганлигини билиб, Кафид подшо вазири, амирлар ва давлат арбобларини йиғди ва уларга деди: «Ахир, билмайсизларми, Тайғамус шоҳ мамлакатимизга ҳужум қилди, отамни ва биродаримни ўлдирди, мол-дунёларимизни талон-торож қилди. Орангизда яқин кишилари ўлдирилмаган, мол-дунёси таланмаган, ризқи ғарот қилинмаган, оиласи асир олинмаган киши борми? Мен шу кунларда Тайғамус шоҳ ўгли Жоншоҳнинг муҳаббати билан овора бўлиб, аскарлари камайиб кетган, деб эшитдим, ўч олиш пайти келди. Унинг устига юриш учун барча қурол-яроғларни ҳозирланглар, асло суслик қилманглар, унинг устига ҳужум қилиб, ўзини ва ўглини ўлдириб мамлакатига эга бўлиб оламиз, Ғанимат фурсатни қўлдан берманглар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,—Ҳинд подшоси Кафид шоҳ қўшинларига Тайғамус шоҳ устига отланишга буйруқ берди ва уларга: «Қурол-яроғларни ҳозирланглар, суслик қилманглар, биз унинг устига ҳужум қилиб ўзини ва ўглини ўлдириб, мамлакатига эга бўлиб оламиз»,— деди. Кафид шоҳдан бу сўзларни эшитгач, «Бош устига» деб тайёргарлик кўра бош-

ладилар. Қурол-яроғларни тахт қилиб, уч ойгача аскар йиғдилар. Ҳозирлик тугагандан кейин, жом-

лар урилиб, қарнайлар чалинди, байроқлар кўтарилди, ҳамма ёшу қарининг фикри-зикри жанг бўлиб қолди. Энди Кафид шоҳдан сўрасангиз, у қўшин тўртиб, Тайғамус шоҳнинг пойтахти Кобил томон йўл олди. Бориб, мамлакатни таладилар, халқни хўрлаб оёқ ости қилдилар, катталарни сўйдилар, кичикларни асир олдилар.

Буни кўриб Тайғамус шоҳ қаттиқ ғазабланди, давлат арбоблари, вазири, мамлакат амирларини йиғди. Уларга: «Билинглар, Кафид шоҳ юртимизга бостириб келди, у биз билан жанг қилмоқчи, унинг аскарларининг сон-саноғи йўқ, паҳлавон ва ботирлари ҳам беҳисоб. Сизларнинг фикрингиз қандай?»— деб савол берганди, улар унга: «Эй подшоҳи замон, албатта унга қарши чиқамиз, у билан урушамиз ва мамлакатимиздан даф қиламиз, бизнинг фикримиз шу»,— дедилар. Тайғамус уларга: «Бўлмаса, урушга тайёрланинглар!»— деди. Талай-талай совут, темир кўйлак, дубулға ва қиличлар ҳозирладилар, ботирларни ва марди майдонларни ҳалок қиладиган уруш асбобларини тайёр қилдилар. Қўшин ва ботирлар йиғилди, урушга тайёрланиб байроқлар тикилди, жомлар чалинди, қарнай-ноғоралар урилди, сурнайлар чалинди.

Тайғамус шоҳ аскарлари билан Кафид шоҳга қарши отланди ва бориб-бориб Кобил мамлақати атрофидаги Заҳрон водийсига тушди. Тайғамус шоҳ хат ёзиб аскарларидан бирини Кафид подшога элчи қилиб юборди. Мактубнинг мазмуни: «Аммо баъд, Кафид шоҳга маълум қиламизки, сен бебошлар бундай ишни қилдинг. Агар сен шоҳ ўгли подшо бўлганинда эди, бу ишларни ўзингга раво кўрмас ва мамлакатимизга босиб келиб, халқнинг мол-амволини ғарот этмасдинг, халқ ўртасига бузуқчилик солмасдинг.

Беш юз ўн еттинчи кеча

Буларнинг ҳаммаси жабр-зулм эканини билмадингми? Агар мен мамлакатимга бостириб келишингни билганимда, сендан олдинроқ ўзим устинга бостириб борган ва мамлакатимга қадамингни бостирмаган бўлардим. Энди сен ният қилган урушингни тарк этсанг яхши, агар бу йўлингдан қайтмасанг, уруш майдонига чиқ, жанг қилиш ва найза санчиш ҳунаринг ва шижоатингни кўрсат».

Элчи мактубни олиб Кафид шоҳ турган ерга етгач, ипақ-атласлардан тикилган чодирлар, яшил ипақдан қилинган байроқларни кўрди. Бу чодирлар орасида қизил ипақдан қилинган катта чодир ҳам бўлиб, унинг атрофини ҳисобсиз аскарлар ўраб турарди. Элчи ўша қизил чодирга бориб, бу чодир кимники эканини сўрагани, Кафид шоҳ чодирини, деб жавоб бердилар. Элчи чодир ўртасига қараб, Кафид шоҳнинг жавоҳирлар билан безалган курси устида ўтирганини ва ёнида вазирлари, амирлари, давлат арбоблари турганини кўрди. Элчи мактубни чиқарди. Кафид шоҳнинг аскарларидан бир гуруҳи келиб ундан мактубни олиб, подшога етказдилар.

Подшо мактубни ўқиб, мазмунига тушунгач, Тайғамус шоҳга мана бундай жавоб хати ёзди: «Аммо баъд, Тайғамус шоҳга маълум қиламизки, албатта ўч олмасликка чорамиз йўқ, устимиздаги орни олиб ташлаймиз, шаҳарларни хароб қиламиз, ҳамма-ни қирамиз, катталарни ўлдириб, кичикларни асир оламиз; эртага майдонга урушга чиқ, жанг қандай бўлишини сенга кўрсатиб қўяман». Мактубга муҳрини босиб, Тайғамус шоҳнинг элчисига топширди, у олиб жўнади...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз ўн
саккизинчи кеча*



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Кафид шоҳ Тайғамус шоҳ юборган хатга жавоб ёзиб, келган элчига топширди. У хатни подшоси даргоҳига олиб келиб, ер ўпди ва мактубни топширди, кўрганларини бирма-бир сўзлади ва ахири Тайғамусга: «Эй шоҳ, мен ададини ҳисоблаб бўлмайдиган, кети кўринмайдиган отлич аскарларни, паҳлавонларни ва марди майдонларни кўрдим»,— деди. Шоҳ мактубни ўқигач, мазмунини англаб, жуда қаттиқ ғазабланди ва вазири Айни-Зорни минг отлич аскар олиб тайёрланишга, Кафид шоҳ аскарлари устига ярим кечада бориб ҳужум қилишга ва улар ичига кириб олиб ўлдиришга буюрди. Айни-Зор вазир шоҳга қараб: «Бош устига шоҳим, амрингни бажо келтираман»,— деди.

Вазир Айни-Зор отланди, у билан бирга аскарлар ва қўшинлар ҳам отланиб, Кафид шоҳ томон йўлга тушдилар. Кафид шоҳнинг ҳам Фатруфон номли вазири бўлиб, шоҳ унга ўзи билан беш минг отлич аскар олиб Тайғамус шоҳ аскарлари устига ҳужум қилиш ва уларни ер билан яксон қилишни буюрди. Кафид подшонинг амри билан Фатруфон вазир отланиб, Тайғамус шоҳ аскарлари устига қараб юрди. Ярим кечада йўлнинг ярмига етишди. Фатруфон вазир тўсатдан Айни-Зор вазирга дуч келиб бир-бирларига наъра тортишди ва ўрталарида шиддатли жанг бошланди. Жанг тонг отгунча давом этди. Тонг отгач, Фатруфон аскарлари мағлуб бўлиб, подшо олдига қочиб бордилар.

Буни кўргач, Кафид шоҳ ғоятда ғазабланиб, уларга: «Шўрларинг қурсин! Сизларни нима жин урди, ботирларни қандай қилиб қўлдан бердинглар?»— деди. Унга: «Эй подшоҳи замон, биз Тайғамус шоҳга қараб юрдик, ярим кечада йўлнинг ярмига етдик, олдимиздан Тайғамус шоҳ вазири Айни-Зор қўшин ва ботирлари билан чиқди. У билан Заҳрон водийси ёнида тўқнашдик. Аскарлари ўртасига кириб қолганимизни билмабмиз. Кўз кўзга тушди, ярим кечадан тонг отгунча қаттиқ жанг қилдик. Кўп кишилар ўлиб кетди. Вазир Айни-Зор филнинг юзига қараб ҳайқириб, гурзи ура бошлади. Зарбининг қаттиқлигидан фил ҳуркиб, отлиқларни босиб-янчиб орқасига қараб қочди. Осмонга кўтарилган чанг-тўзондан биров-бировни кўрмасди. Қон дарёдек оқди. «Қочмасак, биттамыз ҳам қолмай қирилардик»,— деди. Кафид шоҳ бу сўзларни эшитгач: «Қуёш сизларга мадаккор бўлмабди, балки сизларга қаттиқ ғазаб қилибди!»— деди.

Вазир Айни-Зор Тайғамус шоҳ олдига бориб, бу ҳодисадан хабар берди. Тайғамус шоҳ ғалаба қозониб саломат қайтганлигини кўриб, уни табриклади ва ғоят хурсанд бўлди. Жом чалиш, карнай тортишга буюрди. Кейин билса, энг баҳодир ва бақувват кишиларидан икки юз отлиқ аскар ўлган экан.

Шундан кейин Кафид подшо аскар ва қўшин тайёрлаб майдонга келди, саф орқасидан саф тортиб, ўн беш сафни тўлдирди. Ҳар бир сафда ўн минг отлиқ аскар; подшо билан бирга филларга минган уч юз паҳлавон ҳам бор эди. Ботирлар, марди майдонлар сафланди, байроқлар тикилди, жомлар чалинди, карнайлар тортилди, ботирлар уруш талаб қилиб майдонга чиқдилар.

Тайғамус шоҳга келсак, у ҳам аскарларини саф-

саф қилиб тизди, улар ўн саф бўлди, ҳар сафда ўн мингдан отлиқ аскар. Отга минган юз паҳлавон шоҳнинг ўнгу сўлида турарди. Сафлар тизилгач, ҳар бир мақтовли жангчи саф олдига ўтди, қўшинлар келиб бир-бирларига урилди, кенг майдон отларнинг кўплигидан торайди, ноғоралар урилди, сурнай ва жомлар чалинди, карнайлар тортилди, майдондаги отларнинг кишнашидан қулоқлар қар бўлди. Жангчиларнинг ҳайқирishi оламни босди. Чанг-тўзон ҳамма ёқни қоплади, эрталабдан то кечгача жуда қаттиқ жанг қилишгач, аскарлар ажрашиб манзил-манзилига кетишди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўн тўққизинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,—аскарлар айрилишиб, манзил-манзилларига қараб кетдилар. Кафид подшо ўз аскарларини санаб кўрса, беш минг киши ўлдирилибди, у ғоятда ғазабланди. Тайғамус шоҳ ҳам ўз аскарларини текширди. Унинг шижоатли отлиқ аскарларидан уч минг киши ўлдирилган экан, у ҳам қаттиқ ғам-аламда қолди.

Кафид подшо иккинчи марта майдонга чиқди, бу гал ҳам аввалгидек иш тутди. Подшоларнинг фикри-зикри ғалаба эди. Кафид шоҳ аскарларига бақирди: «Ичингизда биз тарафдан майдонга чиқиб, уруш ва найза санчиш жангини бошлайдиган киши борми?»— деди. Филга минган Баркик номли зўр бир паҳлавон шу он майдонга чиқиб, филдан тушди-да,

Кафид шоҳ олдида ер ўпиб, жанг қилишга рухсат сўради, сўнгра филга миниб, уни уруш майдонига сураар экан: «Жанг қилувчи, дов чиқиб урушувчи борми?»— деб ҳайқирди.

Тайғамус шоҳ буни эшитгач, ўз аскарларига қараб: «Сизлардан ким чиқиб бу ботир билан жанг қилади?»— деди. Шу он саф орасидан арғумоқ минган катта гавдали бир ботир чиқиб Тайғамус шоҳ олдига келиб, ер ўпиб жанг қилишга рухсат сўради ва Баркик қаршисига бориб турди. Баркик унга: «Сен кимсан, бир ўзинг мен билан жанг қилмоқчи бўлиб мени масхара қиляпсанми, отинг нима?»— деди. У айтди: «Отим Ғазанфар бинн Камхил». Баркик унга: «Сени эшитган эдим. Сен қаёқда-ю, ботирлар сафида туриб уруш қилиш қаёқда?»— деди.

Ғазанфар унинг сўзини эшитгандан кейин тақими остидан темир гурзисини суғуриб олди. Баркик ҳам қиличини қўлига олиб, иккови жуда қаттиқ жанг қилди. Баркик Ғазанфарга қилич урди, қиличнинг зарбаси унинг дубулғасига тегди, ўзига зарар етмади. Ғазанфар буни кўргач, Баркикни гурзи билан урди, унинг гўшти филнинг гўштига бориб ёпишди. Ғазанфарга иккинчи бир киши келиб: «Менинг биродаримни ўлдирган сенмисан?»— деб, найза урди. Зарба унинг сонига тегиб, совутни сонига михлаб юборди. Буни кўрган Ғазанфар қиличини олиб, душманига урди ва иккига бўлинган ғаними қонига беланиб ерга йиқилди. Сўнгра Ғазанфар чопиб Тайғамус шоҳ олдига борди. Кафид шоҳ буни кўриб, ўз аскарларига ҳайқириб: «Майдонга чиқинглар, отлиқлар билан жанг қилинглари!»— деди. Тайғамус шоҳ ҳам ўз аскарлари ва қўшинлари билан майдонга чиқиб, ғоятда қаттиқ жанг қилдилар. Отлар отларга қараб кишнади, одамлар одамларга қараб ҳайқирди; қилич-

лар яланғочланди, атоқли отлиқлар олдинга ўтди, ботирлар ботирларга ҳамла қилди, қўрқоқлар жанг майдонидан қочди. Жомлар чалинди, карнайлар тортилди, одамлар ҳайқириб овозлардан, қуроолларнинг жангир-жунгуридан бошқа нарсани эшитмасдилар, шунда ботирлардан ўлганлари ўлди, қолганлар қолди. Шундай қилиб, жанг қуёш фалак гумбазида кўрингунча давом этди. Кейин Тайғамус шоҳ қўшинлари билан майдондан чиқиб, ўз чодирига келди, Кафид шоҳ ҳам ўз чодирига кетди. Тайғамус шоҳ ўз кишиларини текшириб қараса, улардан беш минг отлиқ ўлдирилган, тўрт байроқ синдирилган. Тайғамус шоҳ қаттиқ ғазабланди.

Кафид шоҳ ҳам аскарларини текширди, шижоатли отлиқ аскарларидан олти минг киши ўлдирилган, тўққиз байроқ синдирилган экан. Икки ўртадаги уруш шу билан уч кунгача тўхтади. Кафид шоҳ хат ёзди ва аскарларидан бирининг қўлига топшириб Фокунулкалб деган подшога юборди. (Кафид шоҳ уни она тарафидан ўзига қариндош деб даъво қилар эди.) Фокун шоҳ буни билгач, қўшинларини йиғиб, Кафид шоҳ тарафига юрди...

Қисса шу ерга етганда тенг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз йигирмани
тўлдирувчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Фокун шоҳ қўшинларини йиғиб,

Кафид шоҳ томон юрди. Тайғамус шоҳ ишратда ўтирган вақтда бир киши келиб унга: «Бир тўзонни кўрдим, бутун осмонни қоплаб кетди»,— деди. Тайғамус шоҳ аскарларидан бир гуруҳига тўзондан хабар

топиб келишни буюрди. Улар: «Амрингга бўйсунмази!»— деб югуришиб кетишди ва қайтиб келиб: «Эй подшо, тўзонни кўрдик, бир оздан кейин тўзон тарқалиб, етти байроқ кўринди, ҳар бир байроқ остида уч минг отлиқ бор. Улар Кафид шоҳ тарафига қараб кетишди»,— дейишди.

Фокунул-калб подшо келгач, Кафид шоҳга салом бериб: «Аҳволинг қандай, нимадан уруш чиқди?»— деб сўради. Кафид шоҳ унга: «Тайғамус шоҳ душманни эканини, отам ва акаларимнинг қотили эканини билмайсанми? У билан урушиб, ўч олгани келдим»,— деди. Фокунул подшо: «Қуёш сенга ёр бўлсин!»— деди. Сўнгра Кафид шоҳ Фокунул-калб подшога ўз чодирига олиб кетди, унинг келганидан гоятда севинди.

Тайғамус шоҳ билан Кафид шоҳ қиссаси ана шу.

Жоншоҳга келсак, икки ойгача отасини кўрмади. Қанизақлари олдига киришга ижозат сўраганда, уларга рухсат бермади, ўзи жуда бегоҳат бўлиб қолди. Хизматчиларининг бирдан: «Отамдан қандай хабар бор, у нима учун келмай қўйди?»— деб сўраган эди, Кафид шоҳ билан отаси ўртасидаги можародан хабар бердилар. У: «Менга арғумоқ келтиринглар, отамнинг олдига бораман»,— деди. Хизматчилар: «Бош устига»,— деб от келтирдилар. Отга минар экан, деди: «Яхшиси отга миниб яҳудийлар шаҳрига борай. У ерга етсам, мени ишга ёллаган савдогар туфайли оллоҳ мақсадимга етишимни осон қилса ажаб эмас. Шоядки, у яна менга мадад қилса; эзгулик қаерда бўлишини ҳеч ким билмайди»,— деди.

Сўнгра у ёнига минг отлиқ олиб жўнаб кетди. Кўрганлар: «Жоншоҳ отаси ёнида туриб уруш қилгани кетаётир»,— деб ўйладилар. Улар кечгача юриб

ахири, бир сабзазорга тушиб ётдилар. Жоншоҳ аскарларининг ҳаммаси уйқуга кетгач, аста туриб белини боғлади-да, арғумоқ отига миниб Бағдод томон йўл олди. Чунки у яҳудийдан ҳар икки йилда Бағдоддан карвон келишини эшитган эди. Жоншоҳ ўзича: «Агар Бағдодга борсам, карвон билан яҳудийлар шаҳрига етаман»,— деган фикрни маъқуллади.

Аскарлар уйқудан тургач қарашса, Жоншоҳ ва унинг оти йўқ. Отларига миниб Жоншоҳни роса изладилар, аммо ундан дарак топмай қайтиб, бу воқеани отасига маълум қилдилар. Ота гоятда газабланди, кўзидан ўт чақнагудек бўлиб, бошидан тожини юлиб отар экан: «Ло ҳовла вало қуввати илло биллоҳ, аниқки, мен ўғлимни йўқотдим, душман эса қаршимда турибди»,— деди. Унга вазирлар: «Эй подшоҳи замон, сабр қил, сабр натижаси яхшиликдир»,— дедилар.

Жоншоҳ эса, отасига ва севгилисидан айрилганига дили ғаш, ғамгин, қалби шикаста, кўзи ёшли, кеча-кундуз бедор эди. Отасига келсак, аскар ва қўшинларининг оғир талофатини кўргач, урушдан воз кечиб, ўз шаҳрига келди ва шаҳар қалъаларини, дарвозаларини маҳкамлаб, Кафид шоҳдан қочиб ётди. Кафид шоҳ ҳар ойда шаҳар устига бостириб келиб, етти кеча саккиз кун туриб, кейин аскарларини олиб ярадорларни даволаш учун ўз чодирига қайтар эди. Тайғамус шоҳ шаҳрининг аҳолиси душман қайтгандан кейин яроғ-аслаҳалар, бузилган қалъаларни тuzатишга, минжаниқ (тош солиб отадиган асбоб) лар тайёрлашга киришдилар. Тайғамус шоҳ билан Кафид шоҳ ўртасида шу кайфиятда етти йил уруш бўлди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз йигирма
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Тайғамус шоҳ билан Кафид шоҳ ўртасида шу кайфиятда етти йил уруш бўлди.

Жоншоҳга келсак, у юрганича юриб, чўлу биёбонлардан ўтиб, қайси шаҳарга етса Жавҳар-Такний қалъасини суриштирар эди. Аммо ҳеч ким ундан хабар бермади. Қимдан сўраса: «Биз бундай исмни ҳеч эшитган эмасмиз»,— дер эди... Сўнгра яҳудийлар шаҳрини сўради, савдогарлардан бири: «У Шарқ мамлакатлари атрофида бўлади,— деб хабар бериб:— биз билан бу ой ҳинд шаҳарларидан Мизрақонга юр, бу шаҳардан Хуросонга қараб кетамиз, сўнгра у ердан Шамъун шаҳрига кетамиз, у ердан Хоразмга борамиз, сен Хоразм яқинидаги яҳудийлар шаҳрида қоласан, улар орасидаги масофа бир йилу уч ойлик йўлдир»,— деди.

Жоншоҳ кутиб туриб, карвон билан бирга Мизрақон шаҳрига борди ва Жавҳар-Такний қалъасини суриштира бошлади. Аммо ундан ҳеч ким хабар бермади. Карвон бу ердан қўзғалгандан кейин, у карвон билан Ҳиндистонга қараб юрди, шаҳарга кириб яна Жавҳар-Такний қалъасини суриштира бошлади, лекин ҳеч кимдан хабар топмади. Улар «Бу исмни асло эшитган эмасмиз»,— дер эдилар. Жоншоҳ йўлда кўп қийинчилик ва хавфу хатарларга, очлик ва ташналикка учради, сўнгра Ҳиндистондан сафар қилиб Хуросон мамлакатига юрди, ундан Шамъун шаҳрига етиб келиб, яҳудийлар шаҳрини сўради. Унга шаҳардан хабар бердилар ва йўл кўрсат-

дилар, кейин бир неча кун йўл юриб, маймунлардан қочган ерига етди, яна бир неча кун йўл юриб, яҳудийлар шаҳри ёнидаги дарёга келиб, унинг қирғоғида шанба куни дарё қуригунча кутиб турди.

Кейин ундан ўтиб, биринчи марта бўлгани—яҳудийнинг уйига кириб унга салом берди. Улар хурсанд бўлиб емак-ичмак келтирдилар, сўнгра унга: «Сен қаерга ғойиб бўлдинг?»— деб сўрадилар. Жоншоҳ уларга: «Оллоҳнинг мулкида эдим»,— деди, шу кеча уларнинг олдида ётди. Эртаси шаҳарни томоша қилиб юрган эди, бир жарчининг: «Ҳей одамлар, минг тилла ва бир чиройли канизакни олиб, бизга ярим кун ишлаб берадиган киши борми?»— деб жар солганини кўрди. Жоншоҳ: «Бу ишни мен қиламан»,— деди. Жарчи унга: «Мен билан юр!»— деди.

Жоншоҳ унга эргашиб, биринчи марта борган савдогар яҳудийнинг уйига етди, сўнгра жарчи уй эгасига: «Хоҳлаган ишингни бу йигит бажаради»,— деди. Савдогар Жоншоҳга қараб: «Хуш келдинг»,— деб уйига олиб кирди. Унга емак-ичмак келтирди. Жоншоҳ еди, ичди, сўнгра савдогар ваъда қилган олтинни ва канизагини берди. Кечаси канизак билан ётиб, тонг отгач тиллаларни, канизагини олиб келиб илгари сафар уйига қўнган яҳудийга топширди. Кейин иш берадиган савдогарникига қайтиб борди. У билан бирга боши кўкка етган бир тоққа етгунча юрдилар. Шундан кейин савдогар бир арқон, бир пичоқ чиқариб Жоншоҳга бериб: «Бу отни ерга йиқит»,— деди. Отни ерга йиқитиб, арқон билан оёқларини боғлаб сўйди ва терисини шилди. Тўрт оёғини, бошини кесиб, савдогар буюргандек қорнини ёрди. Сўнгра савдогар Жоншоҳга: «Бу отнинг ичига кир, устингдан тикиб қўяман, кўрганларингни менга айт, шу иш учун хизмат ҳақи бергандим»,— деди.

Жоншоҳ отнинг қорнига кирди, савдогар унинг устидан тикиб, ўзи отдан нарироққа бориб бекинди. Бир оздан кейин катта бир қуш учиб келиб отни юлиб олиб осмонга кўтариб чиқиб, бир тоғ тепасига қўнди-да, емоққа бошлади. Жоншоҳ буни сезиб қолиб отнинг қорнини ёриб чиқди. Қуш ундан ҳуркиб учиб кетди. Жоншоҳ чиқиб савдогарга қараса, тоғ тагида чумчуқдек бўлиб кўриниб турибди. «Эй савдогар, нима тилагинг бор?»— деди унга. Савдогар: «Атрофингдаги тошлардан ташласанг, сенга йўл кўрсатаман»,— деди.

Жоншоҳ: «Беш йил илгари ҳам шундай қилган эдинг, мен очлик-ташналик азобини тортиб, кўп қийинчиликлар тортган эдим. Яна мени бу жойга бошлаб келиб ҳалок қилмоқчисан. Худо ҳақи, ҳеч нарса ташламайман»,— деди-да, қушлар подшоси шайх Наср юртига равона бўлди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз йигирма
иккинчи кеча



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Жоншоҳ қушлар подшоҳи шайх Насрга етказадиган йўлга жўнаб кетди. Дили ғамли, кўзи намли ҳолда бир неча кун йўл юрди. Қорни очса, ўсимликлардан еб, ташна бўлса, анҳор сувларидан ичар эди. Шундай қилиб, у сайидимиз Сулаймоннинг қасрига етди. Қаср эшигида шайх Насрнинг ўтирганини кўрди. Унинг олдига бориб, икки қўлини ўпди. Шайх Наср: «Хуш келдинг!— деб саломлашди, сўнгра унга:— Эй ўғлим, сенга нима бўлди, яна нега

бу ерга келдинг, Саидату Шамса билан бу ердан жуда хурсанд бўлиб кетган эдинг-ку?»— деди.

Жоншоҳ йиғлади ва унга Саидату Шамса можаросини ва учган вақтида айтган: «Агар мени севсанг, Жавҳар-Такний қалъасига — олдимга кел»,— деган сўзини айтиб берди. Шайх Наср бу ҳодисани эшитиб таажжубда қолди: «Худо ҳақи, бу қалъани билмайман, сайидимиз Сулаймон ҳақи, умримда бу номни эшитган эмасман.» Жоншоҳ: «Қандай қиламан, ишқу муҳаббат кўйида жоним ҳалқумимга етди»,— деди. Шайх Наср: «Қушлар келгунча сабр қил, Жавҳар-Такний қалъасини улардан сўраймиз. Бирортаси билса, ажаб эмас»,— деди.

Жоншоҳ бир оз кўнгли ўрнига тушиб, қасрга кирди. Илгари уч қизни шу ерда кўрган эди. Шайх Наср олдида бир қанча вақт турди. Шайх Наср унга: «Ўғлим, қушларнинг келар вақти яқин қолди!»— деди. Бу хабарни эшитиб Жоншоҳ севинди. Бир неча кундан кейин қушлар учиб келди. Шайх Наср Жоншоҳга: «Эй ўғлим, бу дуоларни ўрганиб олиб, қушлар олдига бор»,— деди. Қушлар жинс-жинси билан кетма-кет келиб шайх Насрга салом берди. Сўнгра шайх Наср улардан Жавҳар-Такний қалъасини сўради. Улардан ҳар бири: «Бу қалъани умримда эшитган эмасман!»— деб жавоб берди. Жоншоҳ қаттиқ йиғлаб, ҳуши кетиб йиқилди. Шайх Наср катта бир қушни чақириб, унга: «Бу йигитни Кобил мамлакатига етқиз!»— деб мамлакат ва унинг йўлларини танитди. Қуш: «Амрингизни бажараман. Жоним билан»,— деб жавоб берди. Сўнгра Жоншоҳни қуш устига миндирди. Шайх Наср: «Ўзинга эҳтиёт бўл, у ёқ-бу ёққа оғишдан сақлан, ҳавода ажралиб қоласан, фалакнинг оқими, денгизларнинг шовқини зарар бермасин, шамолдан қулоғингни бекитиб ол!»— деди.

Шайх Наср айтганларини Жоншоҳ қабул қилди. Сўнгра қуш уни олиб тезда ҳавога кўтарилди. Бир кеча-кундуз йўл юриб, шоҳ Бадри деган ваҳшийлар подшоҳи олдига тушди. Қуш Жоншоҳга: «Биз шайх Наср таништирган мамлакат йўлидан адашибмиз»,— деб, Жоншоҳни олиб учмоқчи бўлганди, бироқ Жоншоҳ: «Сен ўз йўлингга кетавер. Мени шу ерда қолдир: ё шу ерда ўламан, ёки Жавҳар-Такний қалъасига етаман, ўз мамлакатимга қайтмайман»,— деди. Қуш Жоншоҳни ваҳшийлар подшоҳи шоҳ Бадри олдида қолдириб, ўз йўлига кетди. Шоҳ Бадри Жоншоҳга: «Эй ўғлим, кимсан, бу улкан қуш билан қаердан келдинг, нима саргузаштинг бор?»— деб сўради.

Жоншоҳ саргузаштини аввалидан-охиригача ҳикоя қилди. Ваҳшийлар подшоҳи таажжуб қилиб: «Сайидимиз Сулаймон ҳақи, бундай қалъани билмайман, лекин кимки у қалъага йўл кўрсатса, уни олқишлаймиз ва сени у ерга юборамиз»,— деди. Жоншоҳ кўз ёши қилиб бир оз вақт кутиб турди. Шоҳ Бадри келиб, Жоншоҳга: «Тур, эй ўғлим, бу лавҳани ол ва бунда ёзилганларни ёдла, ваҳшийлар келганда, улардан ўша қалъани сўраймиз...»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Еш юз йигирма
учинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— ваҳшийлар подшоҳи шоҳ Бадри Жоншоҳга: «Бу лавҳада ёзилганларни ёдла, ваҳшийлар келганда, улардан ўша қалъани сўраймиз»,— деди. Кўп ўтмасдан, ваҳшийлар жинс-жинслари билан кетма-кет келиб, шоҳ Бадрига салом бера

бошладилар. Шоҳ Бадри улардан Жавҳар-Такний қалъасини сўради. Уларнинг ҳаммаси: «Бу қалъани билмаймиз ва эшитган эмасмиз»,— деб жавоб бердилар. Жоншоҳ йиғлаб, шайх Наср олдидан олиб келган қуш билан кетмаганига қайғурди. Ваҳшийлар подшоҳи: «Эй ўғлим, ғам чекма, менинг акам бор, уни Шаммаҳ подшо дейдилар. У сайидимиз Сулаймонга қарши исён қилиб, асир тушиб қолган. Жинлар ичида ундан ва шайх Насрдан бошқа катта ҳеч ким йўқ, балки бу қалъани у билар. Бу мамлакатдаги жинларга у ҳукмронлик қилади»,— деди.

Сўнгра ваҳшийлар подшоҳи Жоншоҳни ваҳшийлардан бирининг орқасига миндириб, акасига хат ёзиб жўнатиб юборди. Подшога яқин қолгач, ваҳший ундан узоқроқ бир ерда тўхтади. Жоншоҳ унинг устидан тушиб, Шаммаҳ подшо ҳузурига борди. Унинг қўлини ўпиб, мактубни топширди. Подшо мактубни ўқиб, мазмунига тушунгач: «Хуш келибсиз! Эй ўғлим, бу қалъани умримда эшитган ва кўрган эмасман!»— деди. Жоншоҳ йиғлади ва қайғурди. Шаммаҳ подшо унга: «Саргузаштингни ҳикоя қил, ўзингни менга танит, кимсан, қаердан келдинг ва қаерга борасан?»— деди.

Жоншоҳ ҳамма саргузаштини бошдан-оёқ ҳикоя қилди. Шаммаҳ таажжубланиб: «Эй ўғлим, сайидимиз Сулаймон ҳаётида бу қалъани ҳеч ким эшитган ва кўрган эмас. Лекин, тоғда кўп яшаган бир зоҳидни биламан. Унга жинлар, ваҳший ҳайвонлар ва қушларнинг ҳаммаси итоат қилади ва хизматида юради. Мен бўлсам, сайидимиз Сулаймонга исён қилган эдим. У мени ўзига асир қилиб олди. Бу зоҳиддан бошқа ҳеч ким мени қутқазолмади. Макри, сеҳри ўткирлигидан шу қутқазди. Мен зоҳиднинг хизматида бўлиб қолдим. Билгинки, у ҳамма иқлимни, ҳамма мамлакат-

ларни кезган ва ҳамма йўлларни, ҳамма томонларни, ҳамма жойларни, ҳамма қалъаларни ва ҳамма шаҳарларни биледи. Унга номаълум ҳеч бир жой йўқ деб ўйлайман. Сени унга юбораман, шояд, у сени ўша қалъага йўлласа. Бу қалъага у йўл кўрсатмаса, бошқа киши йўл кўрсатолмайди. Қушлар, ваҳший ҳайвонлар, жинлар унга бўйсунеди, ҳаммалари унинг олдига келиб туради. Жодусининг ўткирлигидан унга уч бўлакдан иборат асо ясалган. Уни ерга тиқиб, асонинг биринчи бўлимига афсун ўқиса, ундан гўшт ва қон пайдо бўлади. Иккинчи бўлагига ўқиса, ундан янги соққан сут чиқади. Учинчи бўлагига ўқиса, ундан буғдой, арпа чиқади. Шундан кейин асосини ердан суғуриб олиб, ибодатхонасига қараб кетади. Унинг ибодатхонасини Олмос ибодатхонаси деб атайдилар. Бу афсунгар зоҳид қўлидан ажойиб-ғаройиб иш келади. У сеҳргар, ғойибдан хабар берувчи маккор, ҳийлагар киши бўлиб, исми Яғмусдир. У ҳамма афсусларни биледи. Сени унга тўрт қанотли катта қуш билан албатта юбораман...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Шаммаҳ шоҳ Жоншоҳга: «Мен сени албатта тўрт қанотли қушга қўшиб зоҳидга юбораман...»— деди. Сўнгра ҳар қаноти ҳошими газ билан ўттиз газ келадиган тўрт қанотли, сёқлари филнинг оёқларидек катта, жуссали бир қуш устига миндирди. Лекин у қуш йилда икки марта учарди. Шаммаҳ шоҳнинг

*Беш юз йағирма
тўртинчи кеча*

Гамшун номли қўриқловчиси бор эди. У ҳар куни бу қуш учун Ироқ мамлакатидан икки туя олиб келиб бурдалаб берарди. Жоншоҳ ўша қушнинг устига мингандан кейин, Шаммаҳ унга Яғмус зоҳидга етказишни буюрди. Қуш Жоншоҳни орқасига олиб, қалъалар тоғига ва Олмос ибодатхонасига етгунча бутлар орасидан кеча-кундуз бир неча кун учди. Жоншоҳ Олмос ибодатхонаси олдида қушдан тушиб, зоҳид Яғмусни ибодатхона ичида ибодат қилаётган ҳолда кўрди. Жоншоҳ таъзим қилиб унинг олдида турди.

Зоҳид Яғмус уни кўргач: «Эй ғурбат чеккан ўғлим, хуш келибсан, бу жойга келишинг сабабини менга айтгин?»— деди. Жоншоҳ йиғлаб, ўз саргузаштини аввалидан охиригача ҳикоя қилди. Зоҳид Яғмус унинг ҳикоясини эшитгач, ғоят таажжубда қолди ва: «Эй ўғлим, умримда бу қалъани эшитмадим, эшитган, кўрган кишини ҳам учратмадим, ваҳоланки, пайгамбар Нух (у кишини худо раҳмат қилсин!) замонида яшган эдим. Нух замонидан Довуд ўғли сайид Сулаймон замонигача ваҳшийларга, қушларга, жинларга ҳукмдорлик қилдим. Сулаймон ҳам бу қалъани эшитмаган бўлса керак деб ўйлайман. Лекин ўғлим, ваҳшийлар, қушлар, жинлар келгунча сабр қил. Улар келгач сўрайман, шояд, биронтаси у қалъа ҳақида хабар берса ё бир дарак топиб келтирса, мушкулинг осон бўлар»,— деди.

Жоншоҳ зоҳид олдида бир қанча вақт турди. Шу орада, тўсатдан қушлар, ваҳшийлар ва жинларнинг ҳаммаси ёпирилиб келди. Жоншоҳ билан зоҳид Жавҳар-Такний қалъасини суриштира бошладилар. Лекин улар орасида «Мен кўрдим, ё эшитдим»,— деган ваҳший ҳам, қуш ҳам бўлмади. Улар ҳаммаси: «Бу қалъани кўрмадик ҳам, эшитмадик ҳам»,— дер эди-

лар. Жоншоҳ йиғлаб инграшга бошлади. Шу пайт тўсатдан қушларнинг энг кетида қора катта бир қуш келиб зоҳиднинг қўлини ўпди. Зоҳид Жавҳар-Такний қалъасини ундан сўраганиди, қуш: «Эй зоҳид, биз Қоф тоғининг орқасида кенг бир саҳрода Биллур тоғида яшардик. Мен биродарларим билан кичик жўжа эдик. Ота-онамиз ҳар куни чиқиб кетиб бизга озиқ-овқат келтирар эдилар. Иттифоқо, бир куни иккиси чиқиб кетиб, етти кеча, етти кундуз йўқ бўлиб кетишди. Очлик бизни қийнади. Саккизинчи куни иккиси йиғлаб кириб келишди. Биз улардан: «Қаёққа ғойиб бўлиб кетдингизлар?»— деб сўрадик. Улар: «Бир саркаш дев келиб, бизни кўтариб Жавҳар-Такний қалъасига олиб борди ва Шахлон шоҳга берди. Шахлон шоҳ бизни ўлдирмоқчи бўлди. Биз унга: «Орқамизда кичик жўжаларимиз қолган,— деган эдик, бизни ўлимдан озод қилди»,— дейишди. Кошки, ота-онам тирик бўлса эди, албатта сизларга у қалъадан хабар берар эди»,— деди.

Жоншоҳ бу сўзларни эшитгач, зор йиғлади ва зоҳидга: «Бу қушга буюрсанг, мени ота-онасининг Қоф тоғи орқасидаги Биллур тоғидаги уясига етказса»,— деди. Зоҳид қушга: «Эй қуш, буюрган ҳамма ишда бу йигитга бўйсунининг сўрайман»,— деди. Қуш зоҳидга: «Бош устига, амрингга бўйсунаман»,— деб жавоб берди. Сўнгра қуш Жоншоҳни орқасига миндириб учди. Туну кун учиб, Биллур тоғига етиб бордилар. У ерда бир оз дам олгач қуш Жоншоҳни яна орқасига миндириб, икки кун деганда ота-онасининг уясига етди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз йигирма бешинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди. Шаҳризод,— қуш Жоншоҳ билан икки кун деганда ота-онасининг уясига етди. Кейин: «Эй Жоншоҳ, биз яшаган уямиз ана»,— деб кўрсатди қуш. Жоншоҳ зор йиғлаб: «Мени, отананг бориб сенларга озиқ келтирадиган жойга етказишининг сўрайман»,— деди. Қуш: «Эй Жоншоҳ, бош устига»,— деб, уни олиб учди. Етти кеча-ю саккиз кундуз деганда бир баланд тоққа етишди. Қуш Жоншоҳни устидан туширди ва унга: «Умримда бу жойнинг орқасида ер борлигини билган эмасман»,— деди.

Уйқу ғалаба қилиб, Жоншоҳ тоғ устида ухлаб қолди. Уйғонгач, узоқда нури билан кечани ёритган, ярқираган бир нарсани кўриб ҳайратда қолди. Бу ўзи суриштириб юрган қалъа шуъласи эканлигини билмас эди. Қалъа билан Жоншоҳ ўртаси икки ойлик йўл эди. Қалъа қизил ёқутдан бино қилинган бўлиб, уйлари сариқ тилладан эди. Унинг зулмат денгизидан чиққан нафис маъданлардан ишланган минг минораси бор эди. Шунинг учун унга Жавҳар-Такний деб ном берилган эди. У нафис жавоҳир ва маъданлардан бино қилинган эди. Жавҳар-Такний жуда катта қалъа бўлиб, подшосининг номи Шахлон эди. У уч қизнинг отаси эди.

Жоншоҳни шу ерда қолдириб, энди Саидату Шамсага келсак, у Жоншоҳнинг қасридан қочиб, ота-онаси ёнига жўнади. Уларнинг олдига бориб, Жоншоҳ можаросини ва бутун саргузаштини гапирди. Ер юзида саёҳат қилиб юриб, кўп ажойиботлар

кўрганлигини айтди. Жоншоҳнинг муҳаббатини, ўзининг ҳам севишини билдирди. Ота-онаси бу гапларни эшитгач: «У билан бирга бўлишингга оллоҳ рози эмас»,— дейишди. Сўнгра отаси зўр жинлардан бўлган ёрдамчиларига бу воқеани ҳикоя қилиб: «Сизлардан ким бир инсонни кўрса, ҳузуримга келтирсин»,— деди. Саидату Шамса: «Жоншоҳ менга жуда ҳам муҳаббат қўйган, албатта, у мени излаб келади, чунки мен қаср устидан учганимда унга: «Мени севсанг, Жавҳар-Такний қалъасига кел»,— деган эдим, деб айтган эди.

Жоншоҳ ярқираган шуълани кўргач, бу нима бўлдикин деб, ўша томонга юришга аҳд қилди. Саидату Шамса эса кишиларидан бирини иш билан Қармус тоғи томонга юборган эди. Жоншоҳ кетаётган вақтида узоқдан инсон қиёфасидаги жинни кўрди. Яқин бориб унга салом берди. Жоншоҳ ундан қўрқса ҳам саломига жавоб кутарди. Жин: «Отинг нима?»— деб сўради. «Отим Жоншоҳ, мен Саидату Шамса номли бир жия қизини қўлга туширган эдим. Мен унинг ҳусну жамолига ошиғу беқарор эдим. Отам қурдириб берган қасрга кирганидан кейин, у қўлимдан қочди»,— деди. Жоншоҳ йиғлаб туриб, Саидату Шамса билан бўлган саргузаштларини ҳикоя қилди. Жоншоҳнинг ҳолига жиннинг раҳми келди ва унга: «Йиғлама, сен албатта муродингга етасан. Билгин, у ҳам сени ғоятда севади. У ота-онасига сенинг муҳаббатингни билдирган. Қалъадагиларнинг ҳаммаси ҳам сени севиб қолган. Кўнглингни тўқ қил, вақтингни хуш қал»,— деди. Сўнгра жин уни елкасига ўтқазиб, Жавҳар-Такний қалъасига етказди.

Хушxabар етказувчилар Шахлон подшо, Саидату Шамса ва унинг онаси олдига кетдилар. Уларга хабар етиб севиндилар. Шахлон шоҳ ҳамма аён-

ларига Жоншоҳни қарши олишни буюрди. Подшонинг ўзи ва аёнлари, ҳамма девлар, зўр жинлар Жоншоҳни қарши олишга отланди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шахризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз йигирма
олтинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шахризод,— Шахлон шоҳнинг ўзи ва ҳамма кишилари, ҳамма девлари, зўр жинлар Жоншоҳни қарши олишга отландилар. Саидату Шамсанинг отаси Шахлон шоҳ Жоншоҳ билан қучоқлашиб кўришди ва Жоншоҳ Шахлон шоҳнинг қўлини ўпди. Подшо унга олтин гул тикилган, қимматли жавоҳирлар қадалган шоҳона ипак сарполар беришни буюрди.

Инсон подшоларидан биронтаси кўрмаган тожни бошига кийгизди. Жин шоҳларининг отларидан шавкатли бир отни келтиришни буюрди. Жоншоҳ унга минди. Унг-сўлидаги аскарлари ҳам миндилар. Жоншоҳ ва подшо зўр тантана билан қаср дарвозасига келдилар. Подшо ва Жоншоҳ қасрда отдан тушишди. Қаср жуда ҳам катта эди. Унинг деворлари жавоҳир, ёқут ва нафис маъданлар билан безалиб, бино қилинган эди. Саҳнларига биллур, забаржад, зумрад тўшалган эди. Буни кўриб Жоншоҳ таажжубдан йиғлар эди. Подшо ва Саидату Шамсанинг онаси унинг кўз ёшини артиб: «Йиғини қўй, қайғу чекма! Муродингга етдинг!»— дер эдилар.

Жоншоҳ қасрнинг ўртасига етганда, уни гўзал канизақлар, қуллар ва хизматчилар қарши олиб, тўрға ўтқаздилар ва хизматида ҳозир бўлиб турдилар.

Жоншоҳ бу жойнинг гўзаллиги, деворларининг ҳар хил маъдан ва нафис жавоҳирлардан бино қилинганлигини кўриб ҳайратда қолди. Шахлон шоҳ ўз ўрнига қайтди ва канизақларига, хизматчиларига Жоншоҳни ҳузуримга келтиринглар, деб буюрди. Улар Жоншоҳни олиб, подшо ҳузурига кирдилар. Подшо уни ўридан туриб қарши олди ва ўз ёнига ўтқазди. Хизматчилар дастурхон ёздилар, едилар-ичдилар. Кейин Саидату Шамсанинг онаси келиб, Жоншоҳга салом бериб: «Хуш келдингиз! Машаққатдан кейин мақсадга етдингиз, бедорликдан кейин кўзингизга уйқу етди, саломат келганингиз учун оллоҳга ҳамд бўлсин!»— деди. Шу онда туриб, қизи Саидату Шамсани бошлаб келди. Саидату Шамса Жоншоҳга салом берди ва қўлини ўпди. Ота-онасидан ва Жоншоҳдан уялиб бошини қуйи солди. Қасрда Саидату Шамса билан бирга бўлган опалари келишиб, унга салом бериб қўлини ўпдилар. Кейин Саидату Шамсанинг онаси: «Эй ўғлим, хуш келдинг! Қизим Саидату Шамса сени хафа қилди. Бизни деб гуноҳини кечир»,— деди.

Жоншоҳ бу сўзни эшитгач, оҳ тортиб ҳушидан кетди. Подшо бунни кўриб, таажжубга тушди. Жоншоҳнинг юзига мушку упор аралаш гул сувини сепдилар. Ҳушига келиб, Саидату Шамсага қараб: «Муродимга етказган, ўтимни ўчирган, оллоҳга ҳамд бўлсин»,— деди. Саидату Шамса унга: «Сен ўтдан халос бўлдинг, лекин, эй Жоншоҳ, илтимос қиламан, фироқимда қолганингдан кейинги саргузаштларингни ҳикоя қилсанг, қандай қилиб бу жойга келдинг, жинларнинг кўпи Жавҳар-Такний қалъасини билмас эдику. Подшолар бизга ганим. Бу жойнинг йўлини биладиган ва эшитган киши йўқ»,— деди.

Жоншоҳ унга ҳамма саргузаштини, қандай қилиб келганлигини, Кафид подшо билан отаси ўртасида

бўлган жанглари, йўлда тортган машаққатларини, кўрган ажойиботларини, даҳшатларни ҳикоя қилди ва унга: «Буларнинг ҳаммаси, эй Саидату Шамса, сенинг фироқингда бўлди».— деди. Саидату Шамсанинг онаси Жоншоҳга: «Муродингга етдинг, Саидату Шамса сенга ҳады қилинган канизақ»,— деди.

Жоншоҳ бу сўзни эшитгач, ғоятда севинди. Қизининг онаси: «Худо хоҳласа, келар ойга хурсандлик билан тўй қилиб, Саидату Шамсани сенга қўшамиз. Сўнгра у билан ўз мамлакатингга кетасан ва сенга зўр жин аскарлардан минг кишини қўшиб берамиз. Агар буларнинг ичидаги энг камтарига буюрсанг ҳам Кафид шоҳнинг ўзини, халқини бир лаҳзада ер билан яксон қилади. Ҳар йили сенга шундай жинлар юбориб турамиз, уларнинг биронтасига душманларингни даф қилишни буюрсанг, битта қўймай ҳаммасини ҳалок қилади...»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз йигирма еттинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Саидату Шамсанинг онаси Жоншоҳга: «Ҳар йили сенга шундай жинлардан юборамиз, уларнинг биронтасига душманларингни даф қилишни буюрсанг, битта қўймай ҳаммасини ҳалок қилади»,— деди. Сўнгра Шахлон шоҳ тахт устига ўтириб, давлат арбобларига тўй маросимини бошлашга, шаҳарни етти кеча-кундуз тўйга атаб ясатишга буюрди. Улар: «Бош устига!»— деб, тўй гайёргарлигини бошлаб юбордилар. Икки ой муддатда тўйга

тайёргарлик кўрдилар ва Саидату Шамсанинг катта, тантанали тўйини бошладилар. Етти кечаю-кундуз тўй-томоша бўлди. Жоншоҳни Саидату Шамсага қўшдилар. У Саидату Шамса билан нозу неъматда икки йил лаззатли ҳаёт кечирди.

Шундан кейин Жоншоҳ Саидату Шамсага: «Отанг сени мамлакатимга юборишга ваъда берган эди. Бир йил бу ерда, бир йил у ерда турмоқчи эдик»,— деди. Саидату Шамса: «Жоним билан»,— деб жавоб берди. Кечқурун отасига бориб, Жоншоҳнинг сўзини айтди. Отаси уларнинг сўзини маъқуллаб: «Келаси ойгача сабр қилинглар, сизлар учун жин аскарлар тайёрлай»,— деди. Қиз Жоншоҳга отасининг сўзларини етказди. Улар тайин қилинган муддатгача сабр қилдилар.

Шахлон шоҳ жин аскарларига то Жоншоҳнинг мамлакатига етгунча Саидату Шамса билан Жоншоҳнинг хизматларида бўлишларини топширди. Иккиси учун соф олтиндан дуру жавоҳир билан зийнатланган бир тахт тайёрлатди. Тахтнинг устига турли гуллар билан нақшланган, нафис жавоҳирлар билан безатилган яшил ипакдан бир чодир қурилган эди. Уни кўрган киши гўзаллигига ҳайратда қоларди. Саидату Шамса тахтга чиқди. Тахтни кўтаришга саралаб олинганлар тахтнинг тўрт томонидан кўтаришди. Саидату Шамса ота-онаси, опалари, қариндошлари билан видолашди. Отаси отланиб, Жоншоҳ билан бирга юрди. Жин аскарлар тахт билан юрдилар. Шахлон шоҳ тушгача булар билан юриб борди. Сўнг жин аскарлар тахтни ерга қўйдилар, ҳаммалари бир-бирлари билан видолашдилар. Шахлон подшо Саидату Шамсани Жоншоҳга, жин аскарларни эса, бу иккисига топширди.

Отаси қизига уч юз гўзал канизак берди. Жоншоҳ-

га эса жин авлодидан уч юз қул берди. Тўрт жин тахтни кўтариб, ҳаммалари осмон билан ер ўртасида учиб кетдилар. Ҳар кунн уч ойлик масофани босар эдилар. Шу ҳолда ўн кун учдилар. Жин аскарларидан бири Кобил мамлакатини билар эди. У Кобил мамлакатини кўргач, шу мамлакатнинг катта бир шаҳрига тушишга буюрди. У шаҳар Тайғамус шоҳнинг шаҳри эди. Унга тушдилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз йигирма саккизинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— жин аскарлар Жоншоҳ ва Саидату Шамса билан Тайғамус шоҳ шаҳрига тушдилар. Тайғамус шоҳ душмандан мағлуб бўлиб, қочиб шаҳрига кирган эди. У ғоятда қийин аҳволда қолган, Кафид шоҳ сиқиб келган эди. Тайғамус унда омон сўраган эди, омон бермади. Тайғамус шоҳ Кафид шоҳдан қутулишга ҳийла тополмаслигини биллиб, ўзини бўғиб ўлдириб, бу қайғудан қутулишни ўйлаб, вазирлари ва амирлари билан видолашиб, энди оиласи билан видолашиш учун уйига кирган эди, мамлакат кишилари йиғи-сиғида ва мотамда эдилар.

Булар шу ҳолда экан, жин аскарлари қалъа ичидаги қасрга етиб келдилар. Жоншоҳ уларга тахтни девон ўртасига туширишни буюрди. Саидату Шамса ва Жоншоҳ чўрилари билан тушишди. Улар шаҳар халқини қийин аҳвол ва қайғуда кўрдилар. Жоншоҳ Саидату Шамсага: «Эй қалбим севгиса ва кўзимнинг нури, отам ёмон аҳволда қолибди-ку!»— деди. Саида»

ту Шамса отасини, мамлакат халқини шу ҳолда кўргач, жин аскарларига душманнинг баттол аскарлари билан жанг қилиш ва уларни ўлдиришни буюрди: «Душманларнинг биттасини ҳам тирик қўйманглар!» — деди. Жоншоҳ жинлардан Қаратиш исмли кучли бир жинга ишора қилиб, Кафид шоҳни боғлаб келтиришни буюрди.

Жин аскарлар тахтни Кафид шоҳ томонга олиб кетдилар. Чодирни тахт устига тикиб, ярим кечагача кутиб турдилар. Сўнгра Кафид шоҳ ва унинг аскарлари устига ҳужум қилиб, уларни қира бошладилар. Булардан бири уларнинг саккиз-ўнини ушлар эди, яна улар фил устида эдилар. Уларни ҳавога кўтариб чиқиб, сўнгра ташлардилар, душман ҳавода тит-пит бўлиб кетарди. Баъзи жинлар аскарларни темир гурзилар билан урар эди. Қаратиш номли жин шу он тахт устида ўтирган Кафид шоҳ чодирга бориб, унга ҳужум қилди ва олиб ҳавога учди. У жиннинг ҳайбати-дан кўрқиб бақирар эди. Учганча учиб, Жоншоҳ олдидаги тахтга элиб қўнди. Жоншоҳ тўрт жинга тахти билан кўтариб ҳавога қўйишни буюрди. Кафид шоҳ кўз очмасдан ўзини осмон билан ер ўртасида кўрди. Таажжубда қолган Кафид ўз юзига ўзи ура бошлади.

Тайғамус шоҳга келсак, у ўғлини кўргач, хурсанд бўлганидан ҳушидан кетиб йиқилди. Унинг юзига гулоб сепдилар. Ҳушига келгач, ўғли билан қучоқлашиб кўришди ва ота-бола йиғлашдилар (Тайғамус шоҳ жин аскарларининг Кафид шоҳ билан жанг қилаётганларини билмас эди). Саидату Шамса Жоншоҳ отаси Тайғамус шоҳ олдида бориб, қўлини ўпди ва унга: «Эй хожам, қаср устига чиқиб, отам аскарларининг жанг қилаётганликларини кўринг», — деди. Шоҳ Саидату Шамса билан бирга қаср устига чиқиб ўтирди, жанг қилаётган аскарларни томоша қилди.

Улар душман аскарлари сафининг бўйидан ҳам, энидан ҳам ҳужумга ўта бошладилар. Баъзилари темир-гурзи олиб филни урарди. Фил ҳам, устидаги одам ҳам майдаланиб кетарди, одам қани, фил қани, ажратиб бўлмасди. Улардан баъзиси қочиб кетаётган тўдаларнинг олдида келиб бақирса, душман аскарлари бақирқдан юраги ёрилиб ўларди. Баъзилари йигирмага яқин отликни осмонга кўтариб ерга ташлар, улар бурда-бурда бўлиб кетарди. Жоншоҳ ва отаси, Саидату Шамса уларнинг жангини завқ билан томоша қилардилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз йигирма тўққизинчи кеча



й саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод. — Тайғамус шоҳ ва ўғли Жоншоҳ, унинг хотини Саидату Шамса қасрнинг баланд жойига чиқиб, жин аскарларининг Кафид шоҳ аскарлари билан олиб бораётган жангини завқ билан томоша қилибдилар. Кафид шоҳ тахтида ўтириб, уларга қараб йиғлармиш. Икки куплик жангдан сўнг Кафид шоҳнинг аскарлари қирилиб битибди. Жоншоҳ жин аскарларига тахтни келтириб, Тайғамус шоҳ қалъасининг ўртасига қўйишни буюрибди. Улар тахтни хожалари шаҳзода Жоншоҳ буюрган жойга қўйибдилар. Тайғамус шоҳ жин аскарларидан Шамуал номли бир аскарга Кафид шоҳнинг бўйнига гул, қўл-оёғига кишан солиб, қора минорага қамашни топширибди.

Тайғамус шоҳ жом чалиш, Жоншоҳнинг онасига хушхабар етказишни буюрибди. Улар бориб ўғлининг

келганлигини, у билан бирга келган жин аскарлари душман билан жанг қилиб, мағлуб қилганликларини билдирибди. У бу хушxabардан севиниб, отланиб ўғлининг олдига келибди. Жоншоҳ онасини бағрига босган экан, гоят севинган она ҳушидан кетиб йиқилибди. Юзига гулоб сепибдилар. Ҳушига келгандан кейин ўғли билан қучоқлашиб кўришибди. У суюнганидан йиғлар эмиш. Саидату Шамса ҳам бориб, унга салом берибди. Улар бир-бирлари билан анчагача қучоқлашиб туришибди, сўнгра гаплашиб ўтирибдилар. Тайғамус шоҳ эса шаҳар дарвозаларини очиб, ҳамма томонга хабарчилар юборибди. Подшога ҳар ёқдан туҳфа ва ҳадялар кела бошлабди. Атроф шаҳарлардаги аскарлар, амирлар ва подшолар шоҳ ўғли Жоншоҳнинг саломат келганлиги ва душман устидан ғалаба қозонганлигини табриклагани саломга келибдилар.

Анчагача ҳадя-туҳфалар келиб турибди, подшо Саидату Шамсага яна катта тўй берибди. Шоҳ шаҳарни безашга, энг қимматли кийимлар ва зеби-зийнатлар билан қизга оро бериб, Жоншоҳга кўрсатишга бўйруқ берибди. Жоншоҳ қиз билан қўшилибди. Гўзал канизаклардан юзтаси унга хизматкор қилиб берилибди, орадан бир неча кун ўтибди. Бир кун Саидату Шамса Тайғамус шоҳга бориб, Кафид шоҳнинг гуноҳидан ўтишни сўраб: «Уни бўшатиб юбор, ўз мамлакатига кетсин, ундан яна бирор ёмонлик чиқса жинлардан бирига буюраман, уни сенга олиб келтиради»,— дебди. Шоҳ унга: «Бош устига»,— дебди. Кафид шоҳни ҳозир қилиш учун Шамуалга киши юборибди. Оёғида кишан, бўйнида ғул билан уни келтиришибди.

Кафид шоҳ келгач, Тайғамус шоҳ олдида ер ўпибди. Тайғамус шоҳ уни кишан ва ғуллардан бўшатишга буюрибди. Уни бир чўлоқ отга миндириб:

«Малика Шамса сенинг гуноҳингни сўради, ўз мамлакатингга жўна, агар яна душманликка қайтсанг, кейин ўзингдан ўпкала»,— дебди. Кафид шоҳ мамлакатига шу алпозда кетибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз ўттизни
тўлдирувчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Кафид шоҳ ўз мамлакатига шу алпозда кетди.

Жоншоҳ, отаси ва Саидату Шамса беҳад хурсандлик билан лаззатли ҳаёт кечирдилар.

Икки кабр ўртасида ўтирган йигит буларнинг ҳаммасини Булуқийёга ҳикоя қилди. Сўнгра унга: «Эй биродар Булуқийё, шуларнинг ҳаммасини кўрган Жоншоҳ менман»,— деди. Булуқийё унинг ҳикоясидан таажжубда қолди. Кейин Муҳаммад ишқида дунё кезиб юрган Булуқийё Жоншоҳга: «Эй биродар, бу икки қабр қандай? Бу иккисининг ўртасида ўтиришининг ва йиғлашининг боиси нима?»— деди. Жоншоҳ унга жавоб бериб: «Билгин, эй Булуқийё, бизлар беҳад хурсанд бўлиб лаззатли ҳаёт кечирамиз. Бир йил ўз мамлакатимизда, бир йил Жавҳар-Такний қалъасида турардик. Бориш-келишда биз тахт устида ўтирардик, жинлар уни кўтариб, осмон билан ер ўртасида учардилар».

Булуқийё унга: «Эй биродар Жоншоҳ, у қалъа билан мамлакатингиз ўртаси қанчалик масофа эди?»— деб сўрабди. Жоншоҳ унга жавоб бериб: «Биз ҳар куни ўттиз ойлик масофани босар ва шу юришда қалъага ўн кунда етардик.

Бир қанча йил шу ҳолда давом этдик. Иттифоқо, бир гал ўз одатимизча сафарга чиқиб, шу ерга етганда, бу жазирани томоша қилмоқлик учун ерга тушдик ва дарё қирғоғига келиб ўтирдик, едик, ичдик. Саидату Шамса: «Шу дарёда чўмилгим келяпти»,— деди. Қийимларини ечди, канизаклар ҳам ечиндилар. Улар дарёга тушиб суздилар. Мен қирғоқда юриб турдим. Канизаклар Саидату Шамса билан сувда сузиб ўйнашарди. Тўсатдан катта бир балиқ канизакларни қўйиб, Саидату Шамсанинг оёғига келиб ўзини урди. Қиз қичқириб шу онда ўлди. Канизаклар балиқдан қўрқиб қочиб чиқдилар. Улардан биттаси Саидату Шамсани ўлик ҳолда кўтариб чодирга олиб келди. Буни кўриб мен ҳушдан кетиб йиқилдим. Юзимга сув сепдилар. Ҳушимга келиб унинг устида қон-қон йиғладим.

Жинларга тахт тутқизиб, бу ҳодисадан хабар беришни буюрдим. Кўп ўтмай уйдагилар етиб келишди. Қизни ювиб, кафанлаб бу жойга кўмдилар ва аза тутдилар. Мени ўз мамлакатларига олиб кетмоқчи бўлдилар. Лекин мен қизнинг отасига: «Бунинг қабри ёнида менга ҳам бир қабр қаздиришингни сўрайман, шояд ўлганимда шунинг ёнига кўмилсам»,— дедим. Шахлон шоҳ жинлардан бирига қабр қазишга буюрди, хоҳишимни бажарди. Сўнгра мени бу ерда холи қолдириб кетдилар. Шундан буён қизнинг фироқида йиғлаб, нола қиламан. Менинг қиссам ва бу икки қабр ўртасида ўтиришимнинг боиси шу»,— деди ва қуйидаги икки байтни айтди:

Сабру қарор тугалиб, фақат қолди эҳтирос,
Танимдаги дармоним фақатгина шу холос.

Э, ишқ! Сенинг туфайлинг таним бемору заиф,
Қачон бахт Шамса билан мени учраштира деб.

Булуқие Жоншоҳдан бу сўзларни эшитгач таажжубда қолибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўттиз
биринчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Булуқие Жоншоҳдан бу сўзларни эшитгач, таажжубга тушиб қолибди ва у: «Қасам-ёд қиламан, мен ер юзини тамоман кездим ва айландим, деб ўйлардим. Худо ҳақи, сенинг қиссангни эшитганимдан кейин кўрганларимни унутдим. Эй биродар, мени хавфсиз тинч йўлга бошлашингни сенинг марҳаматингдан, эҳсонингдан деб биламан»,— дебди.

Жоншоҳ унга йўл кўрсатибди, сўнгра у видолашиб кетибди.

Бу сўзларнинг ҳаммасини илонлар маликаси Ҳосиб Каримуддинга ҳикоя қилган. Ҳосиб Каримуддин унга: «Бу ҳикояларни қайдан билдинг?»—деган экан, илонлар маликаси унга: «Билгин, эй Ҳосиб, мен Миср мамлакатига бундан йигирма беш йил илгари катта бир илон юборгандим. Олиб бориб унга топширсин деб ундан Булуқиега салом билан мактуб йўллагандим. Илон олиб бориб уни Шамух қизига етказибди (Шамухнинг Мисрда қизи бор эди), у мактубни олиб тўхтамай юриб Мисрга етибди. Одамлардан Булуқиени суриштирибди. У Булуқиенинг ёнига етиб боргач, унга салом бериб мактубни топширибди. Булуқие мактубни ўқиб мазмунига тушунибди. Кейин илонга: «Сен илонлар маликаси олдида келдингми?»— деб сўрабди. Илон: «Ҳа», деб жавоб бе-

рибди. Булуқиё унга: «Сен билан илонлар маликаси олдига борсам дегандим, унда ишим бор эди»,— дебди. У: «Хўп бўлади, бош устига»,— дебди.

Сўнгра уни қизининг олдига олиб борибди. Қизи билан кўришиб саломлашибди-да, кейин видолашиб чиқиб кетибди. Булуқиёга: «Кўзингни юм!»— дебди. Булуқиё кўзини юмибди, кўзини очганда мен турган тоғда ўзини кўрибди. Илон у билан юриб мактубни топширган илонга етиб Булуқиёни унга топширибди. Шамух қизи унга: «Мактубни Булуқиёга топширдингми?»— дебди. «Ҳа, унга топширдим, ўзи ҳам мен билан бирга келди, мана у»,— дебди. Булуқиёга салом берибди ва илонлар маликаси ҳақида сўрабди. Илон унга: «У аскар ва қўшинлари билан Қоф тоғига кетди. Ёзда, қайтишида бу ерга келади. Қоф тоғига кетганида ўрнига мени қўйиб кетади. Унда ишинг бўлса, мен бажараман»,— дебди. Булуқиё унга: «Ҳар ким янчиб сувини ичса ожизлашмайдиган, қаримайдиган ва ўлмайдиган ўсимлик келтирсанг менга»,— дебди. Илон: «Илонлар маликасидан айрилганиндан кейин кечирган саргузаштингни айтмагунингча келтирмайман. Сен Аффон билан сайидимиз Сулаймон қабрига борган эдинг»,— дебди унга.

Булуқиё унга ўз қиссасини ҳикоя қилибди. Кейин унга: «Энди менинг тилагимни бажар, ўз мамлакатимга кетай»,— дебди. Илон: «Сайид Сулаймон ҳақи, бу ўсимликка етишиш йўлини билмайман»,— дебди. Кейин уни олиб келган илонга: «Буни ўз мамлакатига етказгин»,— дебди. Илон: «Хўп бўлади, бош устига!»— деб, Булуқиёга: «Икки кўзингни юм!»— дебди. Булуқиё кўзини юмибди. Кўзини очганда, ўзини Қоҳирадаги Ал-Муқаттам тоғида кўрибди. Юриб-юриб ўз уйига етибди. Илонлар маликаси Қоф тоғидан қайтгач, ўрнида қолган илон унга бориб салом бериб-

ди ва унга: «Булуқиё сенга салом айтди»,— дебди-да, Булуқиёнинг саёҳатда кўрганларини, Жоншоҳ билан бирга бўлганлигини ҳикоя қилибди.

Илонлар маликаси Ҳосиб Каримуддинга: «Эй Ҳосиб, бу қисса тўғрисида менга айтганлари шу»,— дебди. Ҳосиб унга: «Эй илонлар маликаси, Булуқиёнинг Мисрга қайтган вақтидаги саргузаштларидан айт»,— деди. «Билгин, эй Ҳосиб,— деди унга илонлар маликаси,— Булуқиё Жоншоҳдан айрилиб кеча-кундуз йўл юриб бир денгизга етди. Ўсимлик сувини оёғига суриб, сув юзида юриб бориб анҳорлари сувга тўла, жаннат мевалари сероб бир жазирага етди. Жазирада айланиб юриб япроқлари кема елканига ўхшаган катта бир дарахтни кўрди. Дарахтга яқин борганди, дарахт тагида узун бир дастурхон кўрди. Дастурхонда турли-туман лаззатли таомлар қўйилган. Қараса, дарахт тепасида марвариддан, яшил зумраддан, оёқлари кумушдан, тумшуқлари қизил ёқутдан, қанотлари нафис маъданлардан таркиб топган катта бир қуш ўтирибди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Булуқиё жазирага чиққач, бу жойнинг жаннат-

дек эканлигини кўрибди. У жазиранинг ҳамма томонларида юриб, унда кўп ажойиб-ғаройиботларни, шунингдек, марвариддан, яшил зумраддан, қанотлари нафис маъданлардан таркиб топган қушни кўрибди. Қуш шу қиёфада худога таъбеҳ, Муҳаммадга салавот айтармиш.

Беш юз ўттиз
иккинчи кеча

Булуқиё бу катта қушни кўриб: «Кимсан, аҳволинг қандай?»—деб сўрабди, у: «Жаннат қушлариданман! Эй биродар, билгинки, худо одамни жаннатдан чиқаришда, овратини бекитган тўрт япроқни ҳам қўша чиқарган. У япроқлар ерга тушганда бирини ипак қурти еб, ундан ипак пайдо бўлди. Иккинчисини кийик еди, ундан мушк пайдо бўлди. Учинчисини эса асал араси еди, ундан асал пайдо бўлди. Тўртинчиси Ҳиндистонга тушди, ундан баҳор гули (ичи сариқ, усти оқ хушбўй гул) пайдо бўлди. Мен бўлсам ер юзини саёҳат қилиб чиқдим. Ҳар бир жума куни дунёдаги авлиёлар, улуғлар шу ерга келадилар. Улар шу жойни зиёрат қилиб, бу таомлардан ейдилар. Бу — улар учун оллоҳнинг зиёфати. Ҳар жума кечаси ва кундузи бу билан уларни зиёфат қилади. У асло ўзгармайди ва камаймайди.

Булуқиё ундан еди ва ҳамд айтди. Шу онда Хизир (худо раҳмат қилсин!) келди. Булуқиё ўрнидан туриб, унга салом бериб кетмоқчи бўлган эди, қуш унга: «Эй Булуқиё, Хизир олдида ўтир»,—деди. Булуқиё ўтирди. Хизир унга: «Ҳолингдан хабар бер, қиссангни ҳикоя қил»,—деди.

Булуқиё шу жойга келганига қадар бўлган саргузаштини аввалидан охиригача айтди. Сўнгра Булуқиё: «Эй хошам, бу ердан Мисрга қанча масофа?»—деб сўради. Хизир унга: «Тўқсон беш йиллик масофа»,—деди. У бу сўзни эшитгач йиғлади, кейин ўзини Хизир қўлига ташлаб, қўлини ўпди ва унга: «Бу ғурбатдан мени қутқар, мукофотини худо берсин! Ҳалок бўлишимга сал қолди»,—деди. «Ҳалок бўлмасингдан илгари, сени Мисрга етказишимга худодан менга изм сўрагин»,—деди унга Хизир. Булуқиё йиғдаб оллоҳга ёлворди. Оллоҳ унинг ноласини қабул қилиб, оиласига етказишни Хизирнинг дилига солди.

Шу пайтда Хизир унга: «Бошингни кўтар, оллоҳ дуонгни қабул қилиб, сени Мисрга етказишимни дилимга солди. Эй мўмин банда, қўлимдан тутиб кўзингни юм»,—деди. Булуқиё Хизирнинг қўлидан тутиб, кўзини юмди, Хизир бир ҳатлаб унга: «Кўзингни оч!»—деди. Булуқиё кўзини очиб, ўзини уйи эшигида кўрди. Сўнгра у Хизир билан видолашмоқчи бўлиб ўгирилганди, унинг асарини ҳам топмади...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.—Хизир Булуқиёни ўз уйи эшигига ет-

казгач кўзини очди ва Хизир билан видолашмоқчи бўлган эди, лекин унинг асарини ҳам топмади. Қадам қўйиб уйига кирганди, онаси уни кўриб азбаройи севинганидан қаттиқ бақириб ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келсин деб юзига сув сепдилар. Онаси ҳушига келгач,

Булуқиёни қучоқлаб қаттиқ йиғлади. Булуқиё эса гоҳ йиғлар, гоҳ куларди. Саломат келганига узоқ-яқин қариндошлари, ҳамма ёри биродарлари келишиб табрик қила бошладилар. Унинг келган хабари мамлакатга ёйилиб, ҳамма томондан ҳадялар кела бошлади. Ноғоралар урилди, сурнайлар чалинди, ҳамма ғоят шод бўлди. Булуқиё уларга кўрган-кечирганларини, Хизир уни ўз уйининг эшигига етказганлигини ҳикоя қилди. Бу сўзлардан ҳаммалари таажжубланиб, тўйиб-тўйиб йиғладилар».

*Беш юз ўттиз
учинчи кеча*

Илонлар маликаси буларнинг ҳаммасини Кари-

муддинга ҳикоя қилди. У таажжубланиб қаттиқ йиғлади. Сўнгра илонлар маликасига: «Мен энди мамлакатимга кетсам дейман»,— деди у. Илонлар маликаси: «Эй Ҳосиб, агар мамлакатингга етсанг, аҳдингни синдириб, ичган қасамингни бузиб, ҳаммомга киришингдан қўрқаман»,— деди. Ҳосиб умр бўйи ҳаммомга кирмасликка қайтадан қасамлар ичди. Илонлар маликаси бир илонга: «Ҳосиб Қаримуддинни ер юзига чиқариб қўй»,— деб буюрди. Илон уни олиб, жойдан жойга юриб, ахири бир ташландиқ қудуқнинг орқасидан ер юзига чиқарди. Ҳосиб юра-юра шаҳрига етди.

У уйига қараб жўнади. Куннинг охири, қуёш қизарган пайт эди. Эшикни қоқди, онаси чиқиб эшикни очиб, ўглининг эшик олдида турганини кўргач, севинганидан «Вой!»— деб йиғлаб, ўзини ўглининг устига ташлади. Ҳосибнинг хотини йиғи овозини эшитиб чиқиб, эрини кўрди ва унга салом бериб қўлини ўпди. Бир-бирларини кўриб ғоятда севиндилар. Ҳосиб уйга кириб қариндошлари орасида ўтирди ва улардан ўзи билан ўтинчилик қилган, уни қудуқда ёлғиз ташлаб кетган ўтинчиларни сўради. Онаси унга: «Улар келиб: «Ўглингни водийда бўри еб кетди»,— дедилар. Узларни дўкон-дастгоҳ қуриб, мол-мулк эгаси бўлиб, дунёлари кўпайиб, катта савдогар бўлиб олдилар. Ҳар кун бизга емак-ичмак келтирадилар»,— деди. Ҳосиб онасига: «Эртага бориб уларга: «Ҳосиб Қаримуддин сафаридан келди, кўриб саломлашиб кетинглар, дегин»,— деди.

Тонг отгач, онаси ўтинчилар уйига борди ва уларга ўглининг сўзини айтди. Ўтинчилар бу сўзни эшитгач, ранглари ўчиб кетиб: «Хўп бўлади, бажону дил!»— дейишди. Уларнинг ҳар бири Ҳосибнинг онасига олтиндан гул чекилган илак кийим беришиб

унга: «Буни ўглиннга бер, кийсин. Эртага улар сени зиёрат қилгани олдинга келишади дегин»,— дейишди. Ҳосибнинг онаси ўглининг олдига қайтиб келиб уларнинг сўзини айтди ва улар берган нарсаларни топширди.

Ҳосиб Қаримуддин билан онасини шу ерда қолдириб, ўтинчиларга келсак, улар савдогарларни йиғиб, Ҳосиб Қаримуддин воқеаларини ва ўз қилмишларини уларга билдириб: «Энди нима қиламиз?»— дедилар. Савдогарлар уларга: «Сизларнинг ҳар бирингиз учун молларингизнинг ярмини, қулу чўриларингизнинг ярмини унга бўлиб беришингиз лозим бўлади»,— дейишди. Шу маслаҳатга ҳаммалари кўниб, гапни бир жойга қўйдилар. Ҳар бири ярим молини унга олиб бориб салом билан топширди ва унга: «Бу қилган яхшилигингнинг бир қисми, камига биз қарздор»,— дейишди. Ҳосиб улардан буни қабул қилди ва уларга: «Кетган кетди. Азалда ёзгани шу экан, қочган билан қазо-ю қадардан қутулиб бўлмайди»,— деди.

Улар: «Биз билан бирга юр, шаҳарни томоша қиламиз, ҳаммомга тушиб, роҳат қиламиз»,— дейишди. У: «Мен умр бўйи ҳаммомга тушмайман, деб қасам ичганман»,— деди. «Биз билан уйнимизга юр, сени зиёфат қиламиз»,— дедилар. «Бажону дил» деб, улар билан уйларига борди. Уларнинг ҳар бири бир кечадан зиёфат қилди. Етти кун шу кўйи давом этди.

Шундай қилиб Ҳосиб Қаримуддин мол-дунёлик дўкондор бўлиб қолди. Шаҳар савдогарларига ҳамма кўрган-кечирганларини ҳикоя қилди. Энг машҳур савдогарлардан бири бўлиб бир қанча вақт шундай умр кўрди. Иттифоқо, бир кун уйдан чиқиб шаҳарга қараб юрганди, ҳаммомнинг эшигидан ўтиб қолди.

Ҳаммомчининг кўзи тушиб, салом бериб келиб кўришди ва унга: «Марҳамат қилиб ҳаммомга кириб, сизга зиёфат тайёрлагунича ором олиб ўтиринг»,— деди. Ҳосиб унга: «Мен умримда ҳаммомга кирмасликка қасам ичганман»,— деди. Ҳаммомчи ҳам қасам ичиб: «Агар мен билан ҳаммомга кирмасанг ва гусл қилмасанг, хотиним уч талоқ бўлсин»,— деди.

Ҳосиб Каримуддин ўйлаб ҳайратда қолди ва унга: «Эй биродар, болалари етим қолсин, уйи бузилсин, гарданимга гуноҳ ортилсин дейсанми?»— деди. Ҳаммомчи ўзини Ҳосиб Каримуддиннинг оёғига ташлаб оёғини ўпди ва унга: «Мен билан ҳаммомга киришингдан етадиган заҳматга мен жавобгарман, гуноҳи менинг гарданимга»,— деди. Ҳаммом хизматчилари ва у ердаги ҳамма кишилар йиғилиб, Ҳосиб Каримуддиннинг кийимини ечиб, қистаб ҳаммомга туширдилар.

У ҳаммомга кириб, ҳаммомнинг бир четида бошига сув қуйиши биланоқ олдига йигирма киши келиб унга: «Ҳой одам, биздан нари тур, сен султонга жавобгарсан!»— дейишиб, ўзларидан бир кишини султоннинг вазирага юбордилар. У киши бориб вазирага билдирди. Вазир етмиш қул билан отланиб ҳаммомга етиб келди ва Ҳосиб Каримуддин билан учрашди. Вазир унга салом бериб: «Хуш келдингиз!»— деди, ҳаммомчига юз тилла берди. Ҳосиб Каримуддинга бир арғумоқ от келтиришни буюрди. Сўнгра вазир ва унинг кишилари Ҳосибни султон қасрига олиб келдилар. Вазир ўз кишилари билан отдан тушди. Ҳосиб ҳам тушди ва қасрга кириб ўтирдилар. Дастурхон келтирилди, едилар, ичдилар, қўлларини ювдилар. Кейин вазир икки тўн кийгизди. Ҳар бир тўннинг қиммати беш минг тилла турарди. Вазир унга: «Билгинки, оллоҳ сени бизга етказиб марҳамат қилди, чунки

султон мохов касалидан ўлай деб қолган эди. Бизнинг қўлимиздаги китобларда кўрсатилишича, унинг жони сенинг қўлингда»,— деди.

Уларнинг бу сўзига Ҳосиб таажжубланди. Сўнгра вазир Ҳосиб ва давлат арбоблари билан подшо олдига киргунча қасрнинг етти дарвозасидан ўтдилар. Уни ажам подшоси Қурзидон шоҳ дер эдилар. У етти иқлимга подшо эди. Унинг хизматида юз султон соф олтиндан ишланган курсиларда ўтирар ва ўн минг паҳлавони бўлиб, ҳар бир паҳлавоннинг қўл остида юз ноиби ва қўлида қиличу ойболта кўтарган юз жаллоди бор эди. Кириб қараса, подшо юзини рўмол билан ўраб уйқуда ётган экан. У касалнинг қаттиқлигидан инграрди. Ҳосиб уни бу кайфиятда кўриб Қурзидон подшонинг ҳайбатидан ҳуши учди, олдида ер ўпиб, уни дуо қилди. Кейин Шамҳур номли энг катта вазири келиб: «Хуш келдинг»,— деб, уни Қурзидон подшонинг ёнидаги катта бир курсига ўтирғизди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Вазир Шамҳур Ҳосиб Каримуддинни

подшонинг ўнг тарафидаги курсига ўтирғизди. Дастурхон ҳозирладилар, еб-ичиб, қўлларини ювдилар. Шамҳур вазир ўрнидан тургани, унга ҳурмат юзасидан мажлисдагиларнинг ҳаммаси ўрнидан турди. Вазир Ҳосиб Каримуддиннинг ёнига келиб: «Биз хизматингдамиз. Нима сўрасанг берамиз, ярим подшоликни



Беш юз ўттиз тўртинчи кеча

сўрасанг ҳам берамиз, чунки подшонинг шифо топиши сенинг қўлингда»,— деди. У Ҳосибнинг қўлидан ушлаб подшонинг олдига оборди. Ҳосиб подшонинг юзини очиб қараса, касали жуда ёмон, уни кўриб тааж-жубда қолди. Вазир энгашиб Ҳосибнинг қўлини ўпиб: «Биз сендан шу подшони даволашингни сўраймиз, сенга тушган ҳожатимиз шу»,— деди. Ҳосиб: «Хўп, мен оллоҳнинг пайғамбари Дониёлнинг ўглиман, лекин, илмдан ҳеч нарсани билмайман. Тиб илмидан бир оз хабардор бўлсам эди, бу подшони жон деб даволардим»,— деди. Вазир: «Сўзни чўзма! Шарқ ва Ғарб ҳукамоларини йиғсак ҳам, сендан бошқа киши подшога даво қилолмайди»,— деди. Ҳосиб унга: «Унинг касалини давосини билмасам, қандай қилиб даволайман?»— деди. Вазир яна: «Подшонинг давоси сенинг қўлингда»,— деди. Ҳосиб: «Агар давосини билсам, албатта унга даво қилар эдим»,— деди. Унга: «Давосини жуда яхши биласан, чунки подшонинг давоси илонлар маликаси, унинг жойини биласан, кўргансан, олдида ҳам бўлгансан»,— деди вазир.

Ҳосиб бу сўзни эшитгач, ҳамма иллат ҳаммомга кирганлиги эканлигини билиб, пушаймон қилди ва уларга: «Қандай қилиб подшонинг дардига илонлар маликаси даво бўлади, уни мен танимайман ҳам, умримда бу исмни эшитган ҳам эмасман»,— деди. Вазир: «Танишингдан тонма, менда далиллар бор. Унинг олдида икки йил тургансан»,— деди. «Мен уни танимайман, кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасман, ҳозир сизлардан эшитиб турибман»,— деди Ҳосиб.

Вазир бир китоб келтириб очди, сўнгра: «Илонлар маликаси бир киши билан учрашади, у киши унинг олдида икки йил туради, кейин ер юзига чиқади, агар ҳаммомга кирса, қорни қораяди»,— деди ва-

вир. Сўнгра Ҳосибга: «Қорнингга қара!»— дедн. У қорнига қараса, қорайган экан. «Онамдам туғилганимдан бери қорним қора»,— деди Ҳосиб. «Мен ҳар бир ҳаммомга учтадан қулни тайинлаб, ҳаммомга кирган кишилардан хабардор бўлиб, қорнига қараб юринглар, мени хабардор қилиб туринглар, деб топшириб қўйгандим. Сен ҳаммомга кирганингда қорнингга қарасалар, қора экан. Улар менга хабар қилдилар. Бугун сен билан учрашамиз деб ўйламаган эдик. Сен энди ер юзига чиққан жойингни кўрсатсанг бўлгани. Кўрсатасану ўз йўлингга кета берасан. Биз илонлар маликасини ушлашга ҳозирлик кўриб қўйганмиз, уни ушлаб келтирадиган кишимиз бор»,— деди унга вазир. Ҳосиб бу сўзни эшитгач, ҳаммомга кирганлигига ғоятда пушаймон бўлди. Аммо пушаймони фойда бермади. Амирлар ва вазирлар Ҳосибдан илонлар маликаси қаерда эканлигини айтишни илтимос қилдилар. У: «Кўрмадим ва эшитмадим»,— деб уларни хафа қилди.

Шу пайтда вазир жаллодни чақириб Ҳосибнинг кийимини ечиб қаттиқ уришга буюрди. Жаллод буйруқни бажарди, азобнинг қаттиқлигидан ўлим унинг кўзига кўринди. Вазир унга: «Илонлар маликасининг маконини билишинг ҳақида далилимиз бор, нима учун ундан тонасан? Қаердан чиққанингни кўрсатгин-да, ўзинг нари кета бер. Уни ушлайдиган кишимиз бор, сенга ҳеч қандай зарар етмайди»,— деди. Сўнгра уни ўтирғизиб қўйиб, қимматли жавоҳирлар қадалган, олтин гул чекилган кийим келтиришга буюрди. Ҳосиб вазирнинг амрига кўниб, унга: «Чиққан жойимни кўрсатаман»,— деди. Вазир бу сўзни эшитиб жуда хурсанд бўлди. Вазир ва амирлар, ҳаммалари отланишди, Ҳосиб ҳам отланиб аскарлар олдига тушиб тоққа етгунча юришди. Кейин улар билан ғорга кирди ва йиғлаб, қайғурди. Амирлар, вазирлар отдан тушишиб,

Ҳосиб орқасидан у чиққан қудуққа етгунча юриб келдилар.

Вазир илгари ўтиб ўтириб, хушбўй тутатқилар тутатди ва афсун ўқий бошлади. Суфлади ва илонлар маликасининг чиқишини қасд қилди, чунки у сеҳргар, маккор, ғойибдан хабар берувчи руҳоний илмларни ва бошқаларни билувчи эди. Биринчи афсунни тамомлагач, иккинчи ва учинчи афсунларни ўқий бошлади, ўтга солган тутатқилари тугаса, бошқаларини солар эди. Кейин у: «Эй илонлар маликаси, чиқ!»— деди. Бирданига қудуқ суви қуриб, ичидан катта эшик очилиб, момақалдироқдай даҳшатли овоз чиқди, қудуқ ўпирилиб, ҳамма ҳушидан кетиб йиқилиб, баъзилари ўзларини ўлгандай ҳис қилдилар.

Қудуқдан филдек бир катта илон чиқди. Унинг кўзларидан, оғзидан чўғдай-чўғдай учқунлар сачрарди. Унинг устида соф олтиндан ясалиб, дуру жавоҳирлар билан безалган лаган ўртасида ҳамма жойни ёритиб турган, юзи инсон юзидек, аниқ тил билан гапирадиган бир илон ўтирарди. Бу илонлар маликаси эди. У ўнг ва сўлга қараб Ҳосиб Каримуддинга кўзи тушди. Унга: «Менга берган аҳду паймонинг қани, ҳаммомга тушмайман деб ичган қасаминг қани? Лекин қазоу қадарга ҳийланинг фойдаси йўқ, пешонага азалдан ёзилган нарсадан қочиб қутулиб бўлмайди. Умримнинг охирида ажалим сенинг қўлингда экан, оллоҳнинг ҳукми ва иродаси билан менинг ўлимим сабабли Қурзидон подшо касалига шифо топадиган бўлибди»,— деди.

Сўнгра илонлар маликаси қаттиқ йиғлади. Ҳосиб ҳам унга қўшилиб йиғлади. Малъун Шамхур вазир, илонлар маликасини кўриб, уни ушлаш учун қўлини чўзди. Унга: «Эй, малъун, қўлингни торт, пуф десам, бир зумда қора қулга айланасан»,— деди илонлар

маликаси. Кейин Ҳосибга: «Ҳайқириб олдимга кел, қўлинг билан мени ушлаб, бу лаганга қўй, бошингга кўтар. Чунки менинг ўлимим азалда сенинг қўлингга ёзилган. Уни даф қилиш сенинг қўлингдан келмайди»,— деди.

Ҳосиб уни олиб, лаганга қўйиб, бошига кўтарди. Қудуқ аввалги ҳолига келди, шу билан улар йўлга тушдилар. Йўлда илонлар маликаси Ҳосиб Каримуддинга секингина: «Эй Ҳосиб, аҳдингни бузиб, қасамхўрлик қилиб бу ишларни қилган бўлсанг ҳам, сенга айтмоқчи бўлган насиҳатларимни эшит, чунки бу ишлар азалда ёзилган»,— деди. Унга: «Қулоғим сенда, менга нималар буюрасан, эй илонлар маликаси?»— деди Ҳосиб. У Ҳосибга: «Вазирнинг уйига етганинда, у сенга, илонлар маликасини сўй ва учга бўл, дейди. Сен бу ишдан бош торт, асло қилма! Унга, сўйишни билмайман, дегин. У мени ўз қўли билан сўяди ва хоҳлаганини қилади. У мени сўйиб бўлақларга бўлган вақтида, Қурзидон подшо олдидан киши келиб уни подшо ҳузурига чақиради. У подшонинг олдида боришдан аввал гўштимни мис қозонга солиб, ўчоқ устига қўяди. Сенга: «Гўштининг кўпиги устига чиққунча бу қозонга ўт ёқ, кўпиги чиққандан кейин бир шишага кўтар, совигунча кутиб тур, кейин ундан ич, ичсанг баданинда дарду аламлар қолмайди. Иккинчи кўпик чиққанида иккинчи шишага сол, мен подшонинг олдидан келганимда орқа белимдаги касалим учун ичаман», дейди. У сенга икки шишани бериб, ўзи подшо олдида кетади. У кетгандан кейин қозонга биринчи кўпик кўтарилгунча ўт ёқ, уни олиб шишага сол, олдинда турсин. Асло ича кўрма. Агар ичсанг яхшилик кўрмайсан. Иккинчи кўпик кўтарилганда уни иккинчи шишага сол, совигунча кутиб, ичишингга сақлаб қўй. Вазир подшонинг олдидан келиб, иккинчи шишани

сўраса, биринчи шишани бер, унинг ҳоли нима кечишини ўшанда кўрасан...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод хикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз ўттиз
бешинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— илонлар маликаси Ҳосиб Каримуддинга, биринчи кўпикни ичмаслик, иккинчи кўпикни сақлаб қўйишга буюрди: «Вазир подшо олдидан қайтганида сендан иккинчи шишани сўраганда, биринчи шишани бергин, ҳоли нима кечишини ўшанда кўрасан. Кейин иккинчи шишани ўзинг ич, уни ичсанг, қалбинг ҳикмат уяси бўлади. Гўштни олиб мис лаганга қўй, подшо шу гўштни есин. У гўшт қорнида синггандан кейин, юзини рўмол билан ёпиб қўй ва пешин вақти бўлиб то қорни совигунча кутиб турасан. Кейин унга бир оз шароб ичир. Шундан кейин у аввалги соғлом ҳолига қайтади. Оллоҳнинг қудрати билан у касалидан ёзилади. Бу топшириқларимни эшит ва уларни жуда эҳтиётлик билан бажо келтир»,— деди. Улар вазирнинг уйига етиб келдилар. Вазир Ҳосибга: «Мен билан уйга кир!»— деди. Вазир Ҳосиб билан уйга киргач, аскарлар тарқалишиб, ҳар бири ўз йўлига кетди. Илонлар маликаси бор лагани Ҳосиб бошидан ерга қўйди. Вазир унга: «Илонлар маликасини сўй!»— деди. «Мен сўйишни билмайман, умримда ҳеч нима сўйган эмасман, мақсадинг уни сўйиш бўлса, ўз қўлинг билан сўй»,— деди унга Ҳосиб. Шамҳур вазир ўрнидан турди ва илонлар маликасини лагандан олиб сўйди. Ҳосиб уни кўриб қаттиқ йиғлади. Шамҳур бўлса

ундан кулиб: «Эй ақли йўқ, илон сўйганга ҳам йиғлайсанми?»— деди.

Вазир уни сўйиб бўлгандан кейин, учга бўлиб, мис қозонга солиб, ўт устига қўйди. Гўштнинг пишишини кутиб ўтирди. Тўсатдан подшо олдидан бир қул келиб, унга: «Подшо шу соатда етиб боришингни буюрди»,— деди. «Жоним билан!»— деди унга вазир. Ўрнидан туриб Ҳосибга икки шиша келтириб: «Гўштан биринчи кўпик чиққунча қозонга ўт ёқ, кўпик чиққанда гўшт устидан қалқитиб олиб бу икки шишанинг бирига солиб, совигунча кутиб тур, совигандан кейин уни ич. Уни ичсанг баданинг соғломлашади. Вужудингда дарду алам қолмайди. Иккинчи кўпик кўтарилганда уни иккинчи шишага кўтариб, подшонинг олдидан келгунимча сақлаб қўй, келганимдан кейин ўзим ичаман, чунки белимда оғриқ бор, шоядки, уни ичганимдан кейин яхши бўлса»,— деди.

Вазир топшириқларини Ҳосибга яна бир тайинлаганидан кейин ўзи подшо олдига кетди. Ҳосиб биринчи кўпик кўтарилгунча қозоннинг остига ўт ёқди. Кўпигини олиб, икки шишанинг бирига қуйиб олдига қўйди. Иккинчи кўпик кўтарилгунча тўхтамай яна ўт ёқди. Иккинчи чиққан кўпикни иккинчи шишага солди. Гўшт пишгандан кейин қозонни ўт устидан тушириб, вазирни кутиб ўтирди. Вазир подшо олдидан келиб Ҳосибга: «Нима қилдинг?»— деди. «Иш тугади»,— деб жавоб берди Ҳосиб. «Биринчи шишадагини нима қилдинг?»— деди вазир. «Ҳозир ичдим»,— деди Ҳосиб. Вазир унга: «Баданингда ҳеч ўзгариш кўрмайманку?»— деди. «Баданим бошдан-оёқ ўтдай ёняпти»,— деди Ҳосиб. Маккор Шамҳур вазир Ҳосибга: «Қолган шишани келтир: ундагини мен ичаман, белимдаги касалдан қутулсам ва шифо топсам, ажаб эмас»,— деди.

Вазир иккинчи шиша деб гумон қилиб, биринчи

шишадагини ичди. Уни охиригача ичиб тамомламас- даноқ шиша қўлидан тушди. Шу онда у шишиб кетди. Бу ҳақда: «Кимки бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади»,— деган масал эгасининг сўзи тўғри чиқди.

Ҳосиб буни кўргач, иккинчи шишадагини ичишдан ҳам қўрқиб қолди. Сўнгра илоннинг гапи эсига тушиб, ўз-ўзига: «Агар иккинчи шишадагиси зарарли бўлса, вазир уни ўзи ичмас эди, таваккал!»— деб, ичди. Уни ичгач, қалбидан ҳикмат чашмалари оқди ва унга илм ҳақиқати, моҳияти йўли очилди. Унда хурсандлик ва севинч ҳосил бўлди. Қозондаги гўшти мис лаганга солиб, вазирнинг уйдан чиқди.

У осмонга қараб етти қат осмонни ва ундаги бор нарсаларни кўрди. Шунингдек, фалакнинг айланиш кайфиятини ҳам кўрди. Оллоҳ буларнинг ҳаммасини унга кашф этди. У сайёра юлдузларни ва қўзғалмас юлдузларни кўрди. Юлдузлар сайрининг кайфиятини билди. Қуруқлик ва денгизлар ҳайъатини кўриб, ундан ҳандаса илмини, астрономия илмини, ҳайъат илмини, фалакиёт илмини, ҳисоб илмини ва буларнинг ҳаммасига алоқаси бор нарсаларни ижод қилди. Кун ва ой тутилиши ва бошқа нарсаларнинг сабабларини билди. Кейин ерга қараб, унда бор маъданлар, ўсимликлар ва дарахтларни, ҳаммасининг хосият, фази-латларини билди. Булардан тиб илмини, симиё илмини, кимё илмларини ихтиро қилди ва олтин-кумуш ишлашни билди.

Гўшти олиб юрганича юриб Қурзидон подшо қасрига етиб борди. Подшо олдида ер ўпди ва унга: «Шамҳур вазирингдан кейин сенинг бошинг саломат бўлсин»,— деди. Подшо вазирининг ўлганини эшитиб, ғоятда ғазабланиди ва қаттиқ йиғлади. Унга қўшилиб вазирлар, амирлар ва давлат арбоблари ҳам йиғ-

лашди. Бундан кейин Қурзидон подшо: «Шамҳур вазир олдимдалигида соғ-саломат эди, пишган бўлса гўшти олиб келаман деб кетган эди. Тўсатдан ўлишининг сабаби нима ва нима ҳодиса рўй берди?»— деди Ҳосибга. Ҳосиб подшога вазир воқеасини, шишадагини ичгандан кейин шишиб, қорни кўпиб кетиб ўлганлигини ҳикоя қилди. Подшо ғоятда қайғурди. Сўнгра Ҳосибдан: «Шамҳурдан кейин менинг ҳолим нима кечади?»— деб сўради. Ҳосиб: «Эй замон подшоҳи, қайғурма, мен уч кунда сени даволаб, баданингда касалдан асар қолдирмайман»,— деди. Қурзидон подшонинг кўнгли очилиб: «Тилагим шу офатдан бир неча йил бўлса ҳам саломат бўлиб кетиш»,— деди.

Ҳосиб ўрнидан турди ва қозонни келтириб подшо олдига қўйиб, илонлар маликаси гўшtidан бир бўлак олди ва уни Қурзидон подшога егизди. Кейин уни ўраб, юзига рўмол ёпиб, олдида ўтирди ва ухлашга буюрди. Подшо тушдан то кун ботишга қадар, гўшт парчаси баданига тарқагунча ухлади. Сўнгра, Ҳосиб уни уйғотиб бир оз шароб ичирди ва яна ухлашга буюрди. У кечаси билан тонг отгунча ухлади. Кун кўтарилгач, Ҳосиб ўтган куни қилган ишларини яна такрорлади. Шундай қилиб уч парча гўшти уч кунгача едирди. Подшонинг териси қуриб, ҳаммаси кўчиб тушди. Подшо қаттиқ терлади, ҳатто тер бошидан оёғигача оқиб тушди. У саломатлашиб, баданида ҳеч касал қолмади. Бундан кейин Ҳосиб: «Ҳаммомга тушиш лозим»,— деб уни ҳаммомга туширди. Чўмилтириб, ҳаммомдан чиқарди. Подшонинг бадани кумуш новдадек бўлди ва саломатлиги қайтиб, аввалгидай соғлом бўлди.

Подшо кийимларини кийиб тахтига ўтирди. Ҳосиб Қаримуддинни ёнига ўтқазди. Дастурхон ёздирди,

ичимликлар келтиришга буюрди. Иккиси ичишди. Ҳамма амир, вазирлар, аскар ва давлат арбоблари, фуқаро катталари келишиб, унинг соғайганлигини муборакбод қилишди. Подшонинг саломатлиги учун шаҳарни ясаиб ноғора чалдилар. Муборакбод учун подшонинг олдига йиғилган чоғларида, подшо уларга: «Эй вазирлар, амирлар ва давлат арбоблари, мана, бу менинг касалимга даво қилган Ҳосиб Каримуддиндир. Билингларки, буни Шамҳур вазир ўрнига вазири аъзам қилдим»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўттиз олтинчи кеча



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— подшо вазирлари, давлат катталарига: «Мени касалимдан тuzатган Ҳосиб Каримуддин эди, мен уни Шамҳур вазир ўрнига вазири аъзам қилдим. Кимки уни дўст тутса, мени дўст тутгани ва кимки сийласа, мени сийлагани, кимки унга итоат қилса, менга итоат қилгани»,— деди. Унга ҳаммалари: «Бош устига»,—деб жавоб бердилар ва ўринларидан

туриб Ҳосиб Каримуддиннинг қўлини ўпдилар, унга салом бериб, вазирлик мансаби билан табрикладилар.

Подшо унга соф олтин билан тикилиб, дуру жавоҳирлар билан безатилган, мансабига лойиқ либос кийгизди. Унга қадалган жавоҳирларнинг энг кичигининг қиммати беш минг олтин турарди. Яна унга уч юз кул, уч юз ойдек канизак, уч юз ҳабаш чўри, беш юз хачир устига мол ортиб берди. Берган қўй, говмуш

сигирларнинг ҳисоби йўқ эди. Кейин вазирлар, амирлар, давлат арбоблари, мамлакат катталари, қуллари ва фуқароларнинг ҳаммасига Ҳосиб Каримуддинга ҳадялар беришни буюрди. Ҳосиб Каримуддин отланди, унинг кетидан вазирлар, амирлар, давлат арбоблари ва ҳамма аскарлар ҳам отланиб подшо унга тайёрлаган уйга бордилар. У махсус курсига ўтирди. Амирлар, вазирлар олдинга ўтиб, унинг қўлини ўпиб, вазирлик мансаби билан табрикладилар ва ҳаммалари унинг хизматида бўлдилар.


Онасини йўқлаб борганди, у бу хабарни эшитиб жуда севинди, ўғлини вазирлик мансаби билан табриклади. Оиласи ва қавму қариндошлари уни соғсаломатлик ва вазирлик мансаби билан табрикладилар. Утинчи йўлдошлари келишиб, улар ҳам вазирлик мансаби билан табрикладилар. Кунлардан бир кун Ҳосиб отланиб, Шамҳур вазирнинг қасрига борди. Ундаги бор нарсаларни ўз гасарруфига олиб, уларни ўз уйига кўчирди. Хат ўқиш ва илмдан ҳеч нарсани билмас эди. Худонинг қудрати билан ҳамма илмга олим бўлди. Унинг илми ва ҳикматшунослиги ҳамма мамлакатга тарқалди. Тиб, ҳандаса, астрономия, кимё, симиё каби замонасининг бир қанча илмлари бобида шуҳрат қозонди.

Бир кун у онасига: «Эй онажоним, отам Дониёл олим ва фозил бўлган экан, айт-чи, у китоб ва бошқа илмий асарлардан нималар қолдирган?»— деди. Онаси унинг сўзини эшитиб, отасининг дарёга ғарқ бўлган китобларидан қолган беш варақни солиб қўйган сандиғини келтирди ва унга: «Отанг сенга бу сандиқдаги беш варақдан бошқа ҳеч қандай китоб қолдирмаган»,— деди.

Ҳосиб сандиқни очиб, ундаги беш варақни олиб ўқиди. Онасига: «Эй онажоним, бу бир бутун китоб-

дан беш варақ экан, қолганлари қани?»—деди. Онаси: «Отанг ҳамма китобларини олиб денгизда сафар қилиб кетаётганида, кема синиб, китоблари ғарқ бўлган, китобларидан шу беш варақдан бошқа қолмаган. Отанг сафардан қайтганида, мен сенга ҳомиладор эдим. У менга: «Балки сен ўғил туғарсан, бу варақларни сақлаб қўй, ўғил катта бўлиб, отам менга нима қолдирган деб сўраса, буни бер ва унга: «Отанг бундан бошқа нарса қолдирмади» дегин деб айтган эди»,— деди.

Ҳосиб Қаримуддин ҳамма илмни ўрганди. Ундан кейин то лаззатларни йўқотувчи, жамоатларни пароканда қилувчи ўлим келгунича фаровон ҳаёт кечирди. Дониёл ўғли Ҳосиб қиссасидан бизга етиб келганининг охири шу ерда тамом бўлади.



Синдбод бахрийи ҳикоялари

Уикоя қиладиларки, амир ал-мўминин Ҳорун ар-Рашид халифа замонида Бағдод шаҳрида Синдбод ҳаммол номли бир киши бўлган экан. У камбағал, йўқсил бўлиб, оғир юкларни бошида кўтариб юриб кун ўтказар экан. Иттифоқо, кунларнинг бирида оғир бир юк кўтарибди. Уша куни жуда иссиқ экан. Синдбод юк кўтаришдан чарчаб, терлаб кетибди. Бир савдогарнинг эшиги олдидан ўтибди, эшик олди

супурилган, сув сепилган, ҳавоси ҳам мўътадил, эшик ёнида кенг бир супаси ҳам бор экан. Ҳаммол дам олиб нафасини ростлаш учун юкини супага қўйибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— ҳаммол дам олиш учун супага юкини

қўйгач, эшикдан ёқимли шамол ва хушбўй ҳидлар келибди. Ҳаммол супанинг бир четида роҳатланиб ўтирибди. Дутор, танбур, уд ва ўйинкулги овозларини, турли ёқимли шеърлар ўқилганлигини эшитибди. Қушларнинг ҳар хил овоз ва турли лаҳжада сайраган овозини эшитибди. Улар қумри хазор (булбулнинг

бир нави), майна, булбул, похта, карвон қушлари экан.

Буларни эшитгач, таажжубланиб ўзидан-ўзи завққа тўлиб ичкари кириб бораверибди. Қараса, ҳовлининг ичи катта бўстон, подшолар ва султонлар саройидан бошқа ерда топилмайдиган нарсалар: хизматчилар, қуллар, йигитлар турганмиш. Турли хил мазали таомлар, анвойи хил ичкиликларнинг ҳидлари бурнига кирармиш. У осмонга қараб: «Эй парвардигор, эй раззоқ, хоҳлаган кимсангга ҳисобсиз ризқ берасан! Ё оллоҳ, ҳамма гуноҳларимни кечир. Эй парвардигор, қудратинг ва ҳукмингга қаршилигим йўқ. Сен ҳар бир ишга қодирсан. Сен кимни хоҳласанг бой қиласан, кимни хоҳласанг фақир қиласан, кимни хоҳласанг азиз, кимни хоҳласанг хор қиласан. Шаънинг қандай

улуғ, салтанатинг қандай кучли, тадбиринг қандай яхши! Бандаларингдан кимни хоҳласанг унга инъом ва эҳсон қилдинг, бу жойнинг эгаси чеки йўқ неъматда, хушбўй ҳидлар, лаззатли емак-ичмаклар билан ҳузур-ҳаловатда. Махлуқларингга истаганингча, тақдир этганингча ҳукм этасан. Улардан баъзиси ҳориган, баъзилари роҳатда, баъзиси бахтли, баъзиси менга ўхшаш жуда толиб чарчаган ва хўрланган»,— деб қуйидаги байтларни ижод қилди:

Оҳ! Бир неча бахтсизлар тинчлик надир, билмасдан,
Соя-салқин ерларда айшу ишрат қилмасдан,
Маҳрумдирлар мен каби, дунё лаззатларидан,
Мен ҳам улар сингари маҳрумдирмен баридан!
Ишлар ажойиб, аммо елкамдаги юк оғир,
Бахтиёрлар бахтсизлик вазминлигин билмаслар,
Оғир юк кўтармаган гарданлар эгилмаслар,
Ҳаётнинг лаззатидан ҳар доимо баҳраманд.
Еб-ичару шуқр этмас, ҳатто олам но писанд.
Инсон бино бўлмишдир бир томчидан, сиз айтинг,
Нима учун эмасмиз улар билан бизлар тенг?..
«Адолатли қозисан, одилона ҳукминг бор»,
Адолатли дўст истаб, аёқларим бемадор.

Синдбод ҳаммол шеър айтиб бўлганидан кейин, юкини кўтариб, юрмоқчи бўлиб турган экан, гўзал юзли, қадди-қомати келишган, яхши кийимлар кийган ёш бир йигит чиқиб, ҳаммолнинг қўлидан ушлаб: «Ичкари кир, хожамга учраш, у сени чақиряпти»,— дебди. Ҳаммол ичкари киришдан тортиinsa ҳам йигит қўймабди. Юкини йўлакка қўйиб, йигитча билан ҳовли ичига кирибди. Қараса, бу ер оромбахш шавкатли жой экан. Кўзи мажлис аҳлига тушибди. У ерда аслзода сайидлар ва хўжалар ўтиришган экан. Ҳар хил гул ва ҳар хил райҳонлар, нонхурушлар, ҳўл мева ва лазиз таомларнинг кўп хиллари, таърифий токнинг хосиятли ичимликлари бор экан. Унда гўзал канизак-

лар, ўйин ва музыка — ҳаммаси тартиб билан ўрнига қўйилган экан. Мажлис тўрида чаккаларида қарилик асари билинган, ҳайбат ва салобатли, иззат ва икромли нуроний бир киши ўтирарди.

Синдбод ҳаммол ҳайратда қолди, ўз-ўзига: «Худо ҳақи, бу жой — жаннатлардан бири ёки подшолар, султонлар қасри»,— деди. Сўнгра одоб билан уларга салом бериб, дуо қилди, ер ўпиб бошини қуйи солиб турди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз ўттиз
саккизинчи кеча*

Эй саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод ҳаммол улар олдида ер ўпгач, бошини қуйи солиб турди. Уй эгаси ўтиришга рухсат бергач ўтирди. Уй эгаси: «Хуш келдинг!»— деди.

Кейин унга ҳар хил ёқимли ва мақтовли таомлар келтирилди. Синдбод ҳаммол бисмиллони айтиб тўйгунча еди. Кейинидан: «Ҳар ҳолда оллоҳга ҳамд ўлсун»,— деди. Қўлини ювиб, уларнинг илтифотига ташаккур айтди. Уй эгаси: «Хуш келдинг, кунинг хайрли бўлсин! Исминг нима, касбинг нима?»— деди унга. «Эй хожам, исмим Синдбод ҳаммол. Одамлар юкини ташиб, шу билан тирикчилик қилиб юраман»,— деб жавоб берди унга Синдбод.

Уй эгаси табассум қилиб: «Билгин, эй ҳаммол, адаш эканмиз, мен Синдбод баҳрийман. Лекин, эй ҳаммол, эшик олдида туриб айтган шеърларингни яна бир эшитсам дейман»,— деди. Ҳаммол уялиб, унга: «Чарчаш, меҳнат, йўқчилик инсонга беадаблик,

пастликни ўргатади»,— деди. «Уялма, сен менинг биродаримсан, ўша байтларни ўқи, эшик олдида туриб ўқиганингда, улар менга жуда ёқиб қолди»,— деди уй эгаси.

Ҳаммол байт ўқиди, уй эгаси эшитиб, завқланиб кетди.

«Эй ҳаммол, билгин, менинг ажойиб қиссам бор. Бу бахтга етмасимдан илгари ўтган саргузаштларимни сенга айтаман. Бу бахт ва уй-жойларга қаттиқ меҳнат ва зўр машаққатлар билан етишдим. Етти мартаба сафар қилдим. Сафарларнинг ҳар бири ақлни ҳайратда қолдирадиган ажойиб ҳикоя. Ҳар бири оллоҳнинг ҳукми ва тақдири билан бўлган, азалдан ёзилгандан қочиб қутулиб бўлмайди.»

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Билинглар, эй аслзода ва ҳурматли зотлар, менинг отам савдогар ўтган. У катта савдогарлардан эди. Отамнинг молу дунёси кўп эди. У ўлганида мен кичик бола эдим, молу дунёси, еру суви менга қолди.

Балоғатга етиб катта бўлганимдан кейин уларнинг ҳаммасини тасарруфимга олдим. Яхши еб, яхши ичдим. Улфат орттириб, яхши кийиниб, ўзимга оро бердим. Дўст ва ўртоқлар орттирдим. Молу дунём ҳамма вақт қўлимда туради, деб ишондим. Бир қанча вақт ўтди. Фафлатдан уйғониб, ақлим ўзимга келди. Қарасам, молим қўлдан кетиб, аҳволим ночорланган, бор нарсам қўлимдан кетган. Отамдан эшитган ҳикоя эсимга тушди. Уни отам сайидимиз Довуд ўғли Сулаймондан (иккисига оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) ҳикоя қилган эди: «Уч нарса уч нарсадан яхшироқ: ўлган

кун туғилган кундан яхши, тирик ит ўлган йўлбарсдан яхши, қабр фақирликдан яхши».

Қўлимдаги бор нарсаларимни: уй-рўзғор, кийим-кечакларимни сотдим, кейин ер-сувларим ва бор нарсаларимни сотдим. Шундай қилиб, уч миңг дирҳам пул йиғдим. Чет мамлакатларга сафар қилгим келди ва шоирлардан кимнингдир айтган сўзларини эсладим:

Юксакликка интилган, машаққатсиз еталмас,
Ким меҳнатсиз интилса, у эрур қуруқ ҳавас!

Гавҳар термоқчи бўлсанг денгизга туш, бун гаввос;
Жондан кеч, ет муродга, қашшоқликдан бун халос.

Машаққатсиз, юксакка чиқолмайсан! Интилма!
Интилмоқда беҳуда, қиймат умринг сарф қилма!

Шу онда даст ўрнимдан турдим. Сафарга керакли асбоблар, тижорат моллари олдим. Денгизда сафар қилишга аҳд қилдим. Кемага тушдим. Бир тўда савдогарлар билан Басра шаҳрига жўнадим. Бир неча кеча-кундуз денгизда юриб жазирадан жазирага, денгиздан денгизга, қуруқликдан қуруқликка ўтардик. Қайси ерга борсак, олди-сотди қилардик, мол айирбошлардик. Юра-юра жаннат боғларидек бир оролга етдик. Кемачи кемасини ўша оролда тўхтатди. Лангар ташлади, кўшрик қўйди. Кемадаги ҳамма кишилар оролга тушди. Учоқ қазишиб, ўт ёқдилар ва у-бу билан машғул бўлдилар. Баъзилари овқат пиширар, баъзилари ювинарди, баъзилари эса томоша қиларди. Мен ҳам атрофни томоша қилдим.

Йўловчилар йиғилиб, ейиш-ичиш, ўйин-кулги билан машғул эдилар. Тўсатдан кемачи баланд овоз билан ҳайқариб қолди: «Эй йўловчилар, тез келиб

кемага чиқинглар ва шошилиглар! Нарсаларингизни ташлаб, жонларингизни олиб қочинглар. Ўзингизни ҳалокатдан омон қолдириб нажот топинглар. Бу жазира эмас — денгизга чўккан ғоятда катта балиқ, устига қум тўпланиб жазира шаклини олган, устида дарахтлар кўкарган. Устида ўт ёққанингиздан кейин, ўт ҳароратини сезиб, ҳаракатга келди. Ҳозир сизлар билан денгизга тушиб кетади. Ҳаммаларингиз фарқ бўлиб кетасизлар. Ўзларингизни қутқаринглар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз ўттиз тўққизинчи кеча



й саодатли шох,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Кемачи йўловчиларга ҳайқариб:

«Ўз жонларингизни қутқазишга ҳаракат қилинглар, мол-дунёнгизни ташланглар!»— деди.

Кема бошлигининг сўзини эшитган йўловчилар кемага чиқишга шошилиб югурдилар. Молларини, қилиб турган ишларини, қозон-ўчоқларини ташлаб кетдилар. Баъзилари кемага етишиб, баъзилари етишолмасдан, жазира ҳаракатга келиб, устидаги бор нарсалари билан денгиз тубига тушиб кетди. Денгиз мавжланиб унинг устини қоплаб олди.

Мен кемага етишолмай кейин қолганлардан бири эдим. Фарқ бўлганлар қатори мен ҳам фарқ бўлдим. Лекин оллоҳ менга нажот берди, менга катта ёғоч тоғора етқазди. Қўлим билан маҳкам ушлаб, жонқолатда унга миниб олдим. Сувда оёғимни эшкак қилиб тепиндим, денгиз тўлқини ўнг-сўлга суриб мен билан

ўйнарди. Кема бошлиғи кема елканини ёзиб юборганди, кема юриб кетди. Кемага чиқолмай ғарқ бўлганларга қайрилиб ҳам боқмади. Кўзимдан ғойиб бўлгунча кемага тикилиб қолдим ва ўлишимга кўзим етди.

Бир кеча-кундузни ўтказдим. Шамол ва тўлқин баланд бир орол тагига олиб борди. Унда денгизга осилиб турган дарахтлар бор эди. Баланд дарахтнинг бир шохини ушладим. Оролга чиққанимгача уни қўйиб юбормадим.

Оролга чиққанимдан кейин икки оёғимга қарасам, кафтини балиқ ебди ва яра бўлибди. Машаққатим ва чарчоқларим зўр бўлганидан буни сезмаган эканман. Ўзимни ўликдек ерга ташладим ва ҳушдан кетиб қолдим. Даҳшатга ғарқ бўлиб ётиб қолибман. Устимга офтоб тушгач уйғониб, оёғимнинг шишиб кетганлигини кўрдим. Жуда қайғурдим. Гоҳ судралдим, гоҳ тиззам билан эмакладим. Ширин сувли чашмалардан сув ичдим, ҳар турли ҳўл мева еб кун кечирдим.

Шу ҳолда бир неча кунни ўтказдим. Бир оз ўзимга келдим, жоним жирди. Дарахтдан ўзимга бир асо қилиб олиб, оролни айланиб юра бердим.

Кунларнинг бирида айланиб юрганымда узоқдан бир қорани кўрдим. Уни ваҳший ҳайвон ёки денгиз ҳайвонларидан деб гумон қилдим. У томонга жадал юриб бордим. Қарасам, денгиз қирғоғига боғланган кўркам бир от экан.

Унга яқин борувдим, от қаттиқ овоз билан кишнади. Мен ундан қўрқиб орқамга қайтмоқчи бўлдим. Тўсатдан бир киши ер остидан чиқиб бақирди-да, менга қараб юрди ва: «Кимсан, қайёқдан келдинг, бу жойга келишингнинг сабаби нима?»— деди. «Эй хожам, билгин, мен бир ғариб кишиман, кемага тушган эдим, ғарқ бўлдик. Оллоҳ менга бир ёғоч тоғора ет-

казди, унга миниб олдим. Тўлқин мени оқизиб келиб шу жазирага чиқариб ташлади»,— дедим унга.

У киши сўзимни эшитгач, қўлимдан ушлаб: «Мен билан юр»,— деди. Мени олиб бориб бир ертўлага тушди. Ер остидаги катта бир уйга кирдик. Мени унинг тўрига олиб бориб ўтказди ва бир оз таом келтирди. Оч эдим, қорним тўйгунча едим. Нафсим роҳатланди.

Кейин у аҳволим ва саргузаштимдан сўради. Юз берган воқеаларни аввалдан-охиригача ҳикоя қилдим. У қиссамга таажжубланди.

Ҳикоямни тамомлагач: «Эй хожам, менга айб қўйма! Саргузашт ва қиссамни ҳақиқати билан сенга ҳикоя қилдим. Мен ҳам кимлигингни ва ер остидаги бу уйда ўтиришинг, бу отни денгиз қирғоғига боғлаб қўйганлигинг сабабини айтсанг дейман»,— дедим.

«Билгин, биз бу жазира атрофига тарқалган бир тўдамыз. Биз Михражон подшонинг отбоқарларимиз, унинг ҳамма отлари бизнинг қўлимизда. Ҳар бир бия вояга етганда бу жазирага наслик биялар келтирамыз. Денгиз отларининг аргумоқлари бу бияларнинг ҳидини билиб, денгиздан чиқади. У ёқ-бу ёққа қараб ҳеч кимни кўрмагач, унга чопади. Бияни ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлади. Боғланган бияни олиб кетолмай, боши ва оёғи билан уни уриб кишнайтиди. Чопиб бўлганини кишнашидан биламыз, бақириб чиқамиз, у биздан қўрқиб денгизга тушиб кетади. Бия бўғоз бўлиб бир хазина молга арзийдиган, ер юзида мисли йўқ эркак ё урғочи той туғади. Ҳозир денгиз айғирларининг чиқадиган вақти. Худо хоҳласа, сени ўзим билан Михражон подшога олиб бораман...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз қирқни
тўлдирувчи кеча



й саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод. — Отбоқар, Синдбод баҳрийга: «Сени ўзим билан бирга Михражон подшога олиб бораман, мамлакатимизни томоша қилдираман. Билгинки, мен билан учрашмаганимда, бу жойда мендан бошқани кўрмай, бўғилиб ўлиб кетардинг. Ҳеч ким сени билмасди. Тирик қолишингга ва ўз мамлакатингга қайтишингга мен сабабчи бўлдим»,— деди.

«Унинг ҳақиға дуо қилиб, эҳсои ва марҳаматига ташаккур этдим. Биз гаплашиб турганимизда, тўсатдан бир тулпор айғир денгиздан чиқиб, қаттиқ кишнади. Сўнгра бияга чопди. Биядан тушиб уни ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлди. Иложи бўлмай, тепиб кишнай бошлади. Отбоқар қўлида қилич ва тери қалқон билан ертўладан чиқди. У йўлдошларига ҳайқириб: «Тулпор айғирга чиқинглар!»— деб қалқонга қилич билан урарди.

Бир тўда киши қўлларида найза билан ҳайқириб келишди. Денгиз айғири улардан ҳуркиб қочиб ўз йўлига кетди, денгизга тушиб сув тагида ғойиб бўлди. Шундан кейин отбоқарнинг йўлдошлари ҳар бири қўлида биттадан бия етаклаб келди. Мени кўриб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Уларга ҳам қиссамни ҳикоя қилдим. Дастурхон ёздилар. Едик-ичдик, сўнгра улар қўзғалиб, отларига миндилар, мени ҳам бир от орқасига миндирдилар. Михражон подшо шаҳрига етгунча тўхтамай юрдик. Отбоқарлар подшо ҳузурига кириб қиссамни билдирдилар. Подшо мени ёнига чақиртирди. Қириб унга салом бердим. У саломимга жавоб қай-

тарди ва «Хуш келдинг!»— деб ҳурмат билан табриклади. У мендан ҳол-аҳвол сўради. Воқе бўлганларнинг ҳаммасини ва кўрганларимнинг барчасини ҳикоя қилдим. Буларни эшитиб Михрижон подшо ғоят таажжубда қолди. Менга: «Эй ўғлим, худо ҳақи сенга ортиғи билан саломатлик ато бўлибди. Умринг узоқ бўлмаганда, бу азоб-машаққатлардан нажот топмасдинг. Саломат қолганинг учун худога шукур қил!»— деди.

У менга яхшилик қилди, сийлади, меҳрибонлик қилиб, ўз ёнига тортди. Михрижон подшо зўр илтифот кўрсатди. Ғариб бошимни силади ва мени денгиз бекатига бошлиқ қилиб, ҳар бир кемани ёзиб туришни тайинлади. Унинг амрини бажариб турдим. Ҳар томондан менга фойдаси тегарди. Чиройли ва нафис кийимлар кийгизарди. Сўнгра мен одамларнинг ҳожатини чиқаришда унинг яқин кишиси бўлиб қолдим.

Узоқ вақт шу ҳол давом этди. Ҳамиша денгиз томонга ўтсам, савдогарлардан, сайёҳлардан Бағдод шаҳри қаердалигини сўрадим. Шоядки, уни билган ёки у ерда бўлган бирор киши хабар берса, Бағдодга бориб, кейин ўз мамлакатимга қайтсам дер эдим. Аммо ҳеч ким Бағдодни ҳам, унга борадиган кишини ҳам билмади. Узоқ муддат ғарибликда қолдим, ватанимни қўмсаб зор-зор йиғладим.

Бирмунча вақтни шундай ўтказдим. Қунларнинг бирида Михражон подшо ҳузурига кирдим, бир тўда ҳиндларни кўриб уларга салом бердим. Улар саломимга жавоб қайтариб: «Хуш келибсан!»— деб, қайси юртдан келганимни сўрадилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз қирқ
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳи-
коясини давом эттирди.
Шаҳризод. — Синдбод
бахрий: «Уларнинг юрти-

ни сўраганимдан кейин, менга ўзла-
рининг турли-турли жойдан экан-
ликларини баён қилдилар. Улардан
бир хиллари кшатрийлар (ҳиндлар-
нинг мўътабар тоифаларидан) экан.
Улар ҳеч кимсага зулм ва истило
қилмайдилар. Яна бир тоифасини
бараҳманлар деб атайдилар, улар
ичкилик ичмайдилар. Лекин маи-
шатга, кўнгилхушликка, ўйин-кулгига, зебу зийнатга
берилган. Улар чорвадорлик қиладилар. Уларнинг
айтишича, ҳиндлар етмиш икки тоифага бўлинади-
лар. Шу сўзларга ғоят таажжубландим.

Михражон мамлакатида бир жазира кўрдим. Уни
Қосил деб атардилар, унда тун бўйи ноғора, чирманда
овози эшитилиб туради. Жазира эгалари ва саёҳатчи-
ларнинг хабар беришларича, у жазира аҳолиси жадду
жаҳд ва тўғри фикр эгаларидир. Денгизда узунлиги
икки юз газ келадиган, яна юзи бойқушга ўхшаш бир
балиқни кўрдим. Бу сафарда кўрган ажойиб-ғаройиб-
ларни сизларга айтсам, ҳикоям чўзилиб кетади.

У жазирани ва ундаги нарсаларни кўриб юриб,
кунларнинг бирида, қўлимда асо, денгиз қирғоғига
бориб турдим. Кўп савдогар ортган бир кема келди.
Кема келиб тўхтагач, кема бошлиғи елканини ўради,
қуруқликка яқин келтириб тўхтатди ва кўприк ту-
ширди. Кемадаги ҳамма нарсаларни қуруқликка
чиқардилар, мен ҳаммасини ёзиб турдим.

Кемачидан: «Кемангда бирор нарса қолдими?»—
деб сўрадим. У: «Ҳа, эй хожам, кеманинг юк хонаси-

да мол бор. Эгаси жазираларнинг бирида биздан ай-
рилиб денгизга ғарқ бўлиб кетган. Моллари қўлимиз-
да омон қолган. Уни сотиб, пулини Бағдод шаҳрида
турувчи оиласига олиб бориб топшироқчимиз»,—
деди. «Мол эгасининг исми нима экан?»— деб сўра-
дим кема бошлиғидан. «Исми Синдбод баҳрий, биздан
айрилиб денгизга ғарқ бўлган»,—деб жавоб берди. Бу
сўзни эшитгач, синчиклаб қараб, уни танидим. Суюн-
ганимдан бақириб юбордим: «Эй бошлиқ, сен айтган
мол эгаси мен бўламан, кемадан жазирага тушиб сав-
догарлар билан қолган Синдбод баҳрий менман. Биз-
ни кўтариб турган балиқ ҳаракатга келганида, сен ба-
қириб бизни чақирдинг, чиққанлар чиқди, қолганлар
ғарқ бўлиб кетди. Мен ҳам ғарқ бўлдим. Лекин катта
ёғоч тоғора сабаб бўлиб, омон қолдим. Унга миниб
олиб оёғим билан тепина бошладим. Шамол ва тўл-
қин ёрдамида бу жазирага етиб олдим. Михражон
подшонинг отбоқарига учрашиб қолдим. Улар мени
ўзлари билан бу шаҳарга келтириб, Михражон подшо
олдига олиб кирдилар. Унга ўз қиссамни ҳикоя қил-
дим. Подшо менга марҳамат қилиб, бу шаҳар бекати-
га котиб қилиб тайинлади. Бу моллар менинг наси-
бам...»— дедим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Беш юз қирқ
иккинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб
ҳикоясини давом эттир-
ди Шаҳризод,— Синдбод
бахрий кема бошлиғига:

«Қўлингдаги бу моллар менинг мо-
лим ва ризқу рўзим»,— деганида,
кема бошлиғи: «Худо қодир! Ҳеч
кимда аҳду омонат қолмабди»,—
деди. Унга: «Эй бошлиқ, нима учун

бундай дейсан? Мен сенга ўз қиссамни ҳикоя қилдим, эшитдинг-ку»,— дедим. Бошлиқ: «Мен қўлимда эгаси ғарқ бўлиб кетган кишининг моли бор дегандим, сен уни эшитиб олиб, энди ноҳақ у молга эга бўлмоқчисан. Бу ҳаром. Биз унинг ғарқ бўлганлигини кўрганмиз, у билан бир қанча йўловчилар ҳам бор эди. Улардан бири ҳам нажот топгани йўқ. Сен қандай қилиб, мол эгаси менман деб даъво қиласан?»— деди. Унга: «Эй бошлиқ, қиссамни эшит, сўзимга тушун, тўғрилигим сенга ошкора бўлади. Ёлғон сўз — мунофиқлик аломати»,— дедим. Сўнгра кема бошлиғига Бағдод шаҳридан чиққанимдан, ғарқ бўлган жазирага етгунча кўрган-кечирганларимни ҳикоя қилдим. Уртамизда ўтган баъзи гаплардан хабар бердим. Шундан кейин бошлиқ ва савдогарлар сўзимнинг ҳақиқатлигига ишониб, тўғрилигимни билиб, мени танишди, саломат қолганлигим билан табрикладилар, ҳаммалари: «Худо ҳақи, биз сенинг нажот топганингга ишонмаган эдик, оллоҳ сенга янги умр берибди»,— дейишди.

Шу билан молларимни қўлимга бердилар, қарасам, моллар устига исмим ёзиғлик экан, ҳеч нарса камаймаган. Молларни очиб, ичидан энг қиммат баҳо нарсаларимни подшога ҳадя қилдим. Келган кемадан подшога хабар бердим. «Молларим тугал келиб етди, бу ҳадя шу моллардан»,— дедим. Подшо ғоят таажубда қолди. Ҳамма сўзларимнинг тўғрилиги унга аён бўлди.

Шундан кейин мени яна ҳам яхши кўриб қолди, ортиқ сийлайдиган бўлди. Ҳадяларим бараварига кўп нарсалар берди. Қўлимдаги молларимни сотдим. Кўп фойда орттириб, шу шаҳардан бир қанча мол, асбоблар, матолар сотиб олдим. Кемадаги савдогарларнинг сафарига қўшилиб, ҳамма молларимни кемага ортдим.

Подшонинг қилган инъому эҳсонига ташаккур айтдим, мамлакатимга — оилам ёнига қайтишга рухсат сўрадим. Подшо менга шу шаҳар молларидан жуда кўп мол берди. У билан видолашиб кемага тушдим.

Бизга бахт ёр бўлди, тақдир ёрдам берди, эсон омон Басра шаҳрига етгунча тўхтамай кеча-кундузлаб юрдик. У ерда бир оз вақт турдик. Кейин қиммат баҳо асбоблар, матолар, юкларимни олиб дориссалом Бағдод шаҳрига жўнадим. Ҳамма қавму қариндошларим йиғилишиб келди. Хизматчилар, чўрилар, қуллар сотиб олдим. Ҳовли-жойлик, ер-сувлик бўлдим. Дўстларим ҳам, улфатларим ҳам кўпайди. Тортган машаққатим, меҳнатларимни, сафар қийинчиликларини унутдим.

Ҳузур-ҳаловатда умр кечири бошладим, биринчи сафаримда кўрган-кечирганларим шулар бўлди. Худо хоҳласа, эртага сизларга етти марта қилган сафаримдан иккинчи сафаримни ҳикоя қиламан».

Сўнгра Синдбод баҳрий Синдбод ҳаммолга кечки таомни едириб, унга юз мисқол олтин беринглар, деб буюрди ва унга: «Бугун бизни овунтирдинг»,— деди. Ҳаммол ташаккур билдирди, ҳадяларини олиб, ўз уйига кетди.

Шу кеча ўз уйида ухлади. Тонг отгач Синдбод баҳрийнинг олдига келди. У: «Хуш келдинг!»— деб сийлаб ёнига ўтқазди. Бошқа йўлдошлари келгач, уларга емак-ичмак келтирилди. Яна вақтичоғлик бошланди.

ИККИНЧИ ҲИКОЯ



индбод баҳрий ҳикоясини бошлаб: «Эй биродарлар, билинглар, алқисса, мен лаззатли ҳаёт ва чексиз хурсандлик ичида кун кечирам эдим...» Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз қирқ
учинчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳи-
коясини давом эттирди
Шаҳризод, — Синдбод
баҳрийнинг ўртоқлари йи-
ғилгач, уларга: «Қуиларнинг бирида
чет мамлакатларга сафар қилиш
кўнглимга тушгунча лаззатли ҳаёт
кечирдим. Сўнгра тижорат қилиб
шаҳар ва жазираларни томоша қи-
лишга жуда муштоқ бўлиб қолдим.
Бу ишни ўзимга жазм қилиб, кўп-
дан-кўп савдо моллари олдим ва
сафар керак-яроғларини тайёрлаб

денгиз соҳилига келтирдим. У ерда янги, чиройли бир
кема ясатдим. Елканлари нафис матоълардан эди. Ке-
ма яхши жиҳозланган, хизматчилари ҳам кўп эди.
Савдогарлар қатори мен ҳам юкимни кемага ортдим.
Шу билан сафарга жўнаб кетдим. Сафаримиз жуда
яхши бўлди, денгиздан денгизга, жазирадан жазира-
рага ўтдик. Қайси жойга бориб тўхтасак, савдо-
гарлар, давлат арбоблари, сотувчи, олувчиларга
учрашиб олди-сотди қилдик ва мол айирбошла-
дик.

Тақдир бизни дарахтлари кўп, мезалари пишган,
гуллари очилган, қушлари сайраган, анҳорлари тиниқ,
чиройли бир жазирага обориб ташлади. У ер турғун
халқ ва ўтпараст одамлардан холи экан. Савдогар-
лар, йўловчилар жазирага чиқиб қуш ва дарахтларни
томоша қилиб, тангрининг қудратига таажжуб қилди-
лар. Улар қатори мен ҳам бир дарахтзордаги тиниқ
чашма тепасига келиб ўтирдим. Бир оз ейдиган овқат
олгандим, шу жойда танаввул қилиб олдик; у жой-
нинг ҳавоси менга жуда хуш келди, вақтим чоғ бўлиб,
ўзимни мудроқ босди, роҳатланиб уйқуга фарқ бўлдим.

Соф ҳаво ва хушбўй ҳидлардан лаззатландим. Урним-
дан турсам, жазирада на инсон ва на жин бор: на
савдогарлар, на кемачилар мени эсламай, жазирадан
жўнаб кетибдилар.

У ёқ-бу ёқларни ахтариб ҳеч кимни топмадим. Жу-
да хафа бўлдим. Юрагим ёрилгудек бўлди.

На емак, на ичмак, ҳеч нарса йўқ эди. Тўрт
томонга зир югуриб жуда чарчадим, жонимдан
умид уздим. Ўзимга ўзим: «Кўза ҳар кун эмас, ку-
нида синади», биринчи сафарда саломат қолган
бўлсам, энди бу гал нажот топишим мумкин эмас»,—
дедим.

Ўз ҳолимга йиғлаб, нола қила бошладим. Қилган
ишимдан, нафсим сўзига қулоқ солганимдан пушай-
мон едим. Ўз юртим, ўз шаҳримда роҳат-фароғатда
ва айш-ишратда яшардим. На мол, на ер-сувга
муҳтож эдим.

Жазирада бир жойда ўтиришга тоқатим қолмади.
Бир баланд дарахтга чиқиб, теvarак-атрофимга қарай
бошладим — осмон, сув, дарахт ва қушлардан бошқа
нарса кўрмадим.

Бир вақт кўзимга катта оқ бир шарпа кўринди.
Дарахтдан тушиб у томонга юрдим, бориб қарасам,
айланаси кенг, баланд катта оқ гумбаз экан. Атрофи-
ни айланиб эшигини топмадим. Силлиқлигидан унга
чиқишнинг иложи йўқ эди.

Турган жойимни белгилаб гумбазнинг айланасини
ўлчаб чиқдим. Айланаси тўла эллик қадам экан. Ич-
карисига кириш учун ўй ўйлай бошладим. Кун охири-
га етиб, ботишга яқинлади. Бирдан кун ботиб қорон-
ғи бўлди. Қуёш кўзимдан ғойиб бўлди. Қуёшни булут
қоплади деб ўйладим. Ёз вақти эди. Ҳайрон бўлиб
бошимни кўтариб қарагандим, жуссаси катта, қанот-
лари кенг, ҳавода парвоз қилиб юрган қушни кўрдим.

Қуёшни тўсиб жазирага қоронғилик солган шу экан. Буни кўриб яна ҳам таажжубландим. Кейин бир ҳикоя ёдимга келди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз қирқ
тўртинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — Синдбод баҳрий жазирадаги қушни кўргач таажжуб қилиб, сайёҳлар, йўловчиларнинг қадимий бир ҳикояси ёдига тушибди: баъзи жазираларда катта-катта қушлар бўлиб, уни рух деб аташаркан. У қуш филларни тумшуғида кўтариб келиб болаларига едираркан. «Текшириб қарасам, бу гумбаз ўша рухнинг тухуми экан. Оллоҳнинг яратган мах-

луқларига таажжуб қилдим.

Шу ҳолда турганимда, у қуш келиб шу қуббага қўнди, икки оёғини орқасига чўзиб, қанотларини ёйиб кўкрагига босди. Шу алпозда ухлади. Ухламайдиган зотни айблардан пок деб ёд этамиз. Ўрнимдан туриб бошимдан салламни олиб чуватдим, икки бўлиб пилта қилиб эшдим, арқон бўлди. У билан белимни маҳкам боғладим. Ўзимни қушнинг оёғига маҳкам қилиб боғладим. Ўзимга: «Шояд, бу мени бирон мамлакат, шаҳар ё обод жойга етказар. Бу ерда турганимдан кўра, шундай қилганим яхшироқдир»,— дедим.

Мени яна ухлаб ғафлатда қолганимда олиб учиб кетмасин, деб шу кечани уйқусиз ўтказдим. Тонг отгач, қуш тухум устидан туриб қаттиқ қичқирди, ҳавонинг энг юқори қатламига кўтарилди. Мен фазога ет-

дик деб гумон қилдим. Кейин қуш мен билан ерга, бир баланд жойга қўнди. Ерга етганимда шошилиб иккала оёғидан боғланган боғларни ечдим. Ундан қўрқиб титраб турдим, лекин у мени сезмади.

Салламни ешиб олиб ўзимни бўшатдим, кийимларимни қоқиб, у ердан кетдим. Қуш тумшуғи билан ердан бир нарсани олиб осмонга учди. Тикилиб қарасам у жуда катта бир илон экан. Уни олиб денгиз томонга кетди. Мен ҳайрон туриб қолдим.

Бир вақт қарасам, баланд бир жойда турибман. Остимда катта ва кенг водий. Ёнида осмонга уркашлаган катта тоғ. Унинг баландлигидан ҳеч ким чўққисига чиқолмаган бўлса керак.

Қилган ишимга ўзимни ўзим койидим: «Қошки жазирада бўлсам, бу чўлдан жазира яхши эди. Бу жойда на дарахт, на мева, на анҳор бор. Қачон бир мусибатдан қутулсам, ундан каттароғига ва ёмонроғига дучор бўламан.

Ўрнимдан туриб шу водийга қараб юрдим. Унинг ерларида турли хил маъдан, жавоҳир, мунчоқ тешадиган олмос тошларни кўрдим. Ҳеч ким ундан бир парчани ҳам кесиб ололмайди. У водийда ҳар бири хурмо дарахтидан катта илон ва аждаҳолар юрибди. Улар шунчалик каттаки, агар филга қарши келса, уни ҳам ютиб юборади. У илонлар рух ёки бургутнинг юлиб бурдалаб ташлашидан қўрқиб, кундузи бекиниб, уяларидан кечаси чиқаркан.

Қилган ишимга пушаймон бўлиб ўша водийда қолдим. Кеч кирди, аммо мен ҳамон юрардим. Илонлардан қўрқиб, ётадиган жой изладим. Емак-ичмакни ҳам унутиб ўзим билан овора бўлиб қолдим. Яқинроқ бир ерда кўзимга гор чалинди. Бориб қарасам, эшиги тор экан, бир амаллаб кирдим. Эшик олдида катта бир

тош ётган экан, горнинг эшигини шу тош билан бекитдим. «Шу ерда жон сақлайман, тонг отгач, бу ердан чиқиб, худонинг нима ёзганини кўрарман», деб қўйдим ўзимга.

Гор ичига кўз ташлагандим, тухум босиб ухлаб ётган бир илонни кўрдим. Баданим жимирлаб кетди. Ўзимни худонинг қазо-ю қадарига топширдим.

Тун бўйи тонг отгунча ухламай чиқдим. Еруғ тушгандан кейин гор оғзидаги тошни минг азоблар билан ўрнидан суриб гордан чиқдим. Очлик ва қўрқинч, уйқусизликдан маст кишидек бошим айланиб гаранг бўлиб водийда юрардим. Тўсатдан сўйилган бир нарса олдимга «шап» этиб тушди. Лекин ҳеч кимдан дарак йўқ. Жуда таажжубландим. Баъзи савдогар, мусофир, сайёҳлардан эшитган ҳикоям эсимга тушди. Уларнинг айтишича: олмос тошли тоғда ажойиб-ғаройиб воқеалар бўлиб тураркан. Ҳеч ким у ердан ўта олмас экан. Лекин савдогарлар ҳийла ишлатишаркан. Қўй олиб келиб сўйишаркан, терисини шилиб, гўштини парчалашаркан, тоғ тепасидан водийга ташлашаркан. Унга ҳар хил тошлар ёпишиб қоларкан. Бургут, раҳма (калхатга ўхшаш қуш) шу гўштлирни чангаллаб олиб тоғ тепасига чиқиб кетишаркан. Савдогарлар келиб уларга ҳайқиришса, қушлар гўшт тепасидан учиб кетишаркан. Савдогарлар бориб у гўштлирдан ёпишган тошларни ажратиб олишаркан. Шу билан гўштлирни қушларга, ваҳший ҳайвонларга қолдириб, олмос тошларни ўз мамлакатларига олиб кетишаркан. Бошқа йўл билан ҳеч ким олмос тошига етишишга қодир бўлолмас экан...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз қирқ
бешинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий ўртоқларига олмос тоғида рўй берган воқеаларнинг ҳаммасини ҳикоя қилиб уларга: «Савдогарлар шундай ҳийла ишлатиб олмос тош олиб туришаркан»,— дебди.

«Ўша гўштни кўрганамда, шу ҳикоя эсимга тушиб, гўшт парчасининг олдига келдим. Тошлардан кўпини тозалаб қўйнимга, кийимла-

рим орасига, белбоғим ва салламга солдим.

Шу ҳолатда турганимда яна бир катта гўшт парчаси тушди. Ўзимни салла билан гўшт парчасига боғладим. Уни кўрагимга қўйиб, чалқанчасига ётиб ухладим. Уни маҳкам чангаллаб олгандим, бир вақт қарасам, ердан кўтарилгандай бўлдим. Бир бургут гўшт парчасини чангаллаб ҳавога кўтарилди. Бир тоғ устига чиққунча учиб борди. У ерга тушиб, гўштни юлиб ейишга бошлади. Тўсатдан тоғ устида ҳайқирган зўр овоз келди, ҳайқирган киши бир нарсани ёғоч билан қаттиқ қоқди. Бургут ҳуркиб, қўрқиб ҳавога учди. Мен ўзимни гўштлидан бўшатиб олдим. Кийимларим қонга беланган эди. Шу он бургутга ҳайқирган савдогар гўшт олдига келганда, мени кўрди. Менга гапириш қаёқда, қайтага мендан қўрқиб титради. Гўштга яқин келиб уни у ёқ-бу ёққа ағдариб ҳеч нарса топмади.

Кафтини кафтига уриб: «Афсус, бу қандай ҳол?»— дер эди. Мен унинг олдига бордим. У: «Кимсан ва нима вайдан бу жойга келдинг?»— деди. Мен: «Қўрқма, мен инсонларнинг яхшисидан бириман, ўзим савдогар эдим, зўр ҳикоям ва ажойиб бир қиссам бор. Бу тоққа

ва бу водийга келишимнинг сабаби ажойиб қиссадир. Қўрқма, мендан ёмонлик кўрмайсан. Кўп олмос тошим бор, анчасини сенга бераман. Зорланма ва қўрқма»,— дедим.

У киши менга ташаккур айтди. Ҳақимга дуо қилиб, тили сўзга кирди. Қолган савдогарлар ҳам унинг йўлдоши билан гаплашганлигимни эшитиб ёнимга келдилар (уларнинг ҳар бири водийга гўшт ташлаган эди). Ҳамма қиссамни ва сафарда кўрган қийинчиликларимни уларга ҳикоя қилдим. Водийга қандай келиб қолганимни айтдим. Мен осилиб чиққан гўшт эгасига бирталай олмос бердим. У хурсанд бўлиб мени дуо қилиб, ташаккур айтди. Савдогарлар менга: «Худо ҳақи, онадан туғма бўлдинг. Бу жойга ҳеч ким етиб келиб нажот топган эмас. Саломат қолганинг учун оллоҳга ҳамд бўлсин!»— дедилар. Улар бир яхши тинч жойда ётдилар, мен ҳам улар олдида ётдим. Илонлар водийсидан қутулиб саломат қолганимга, ободон мамлакатга етганимга жуда севиндим. Тонг отгач, катта тоққа томон юрдик, кўп-кўп илонларни кўрдик. Бир катта оролдаги чиройли бўстонга етгунча тўхтамай юрдик. Унда кофур дарахти бор эди. Ҳар бир кофур дарахти соясида юз киши ором олиши мумкин эди. Биронта одам ундан кофур олишни хоҳласа, узун нарса билан дарахтнинг юқорисидан тешади. Идиш тутса, тешигидан кофур суви оқади. Кофур суви елимдек қотади, бу дарахтнинг асалидир. Кейин дарахт қуриб ўтин бўлади. Шу ерда ваҳший ҳайвонларнинг бир жинси бор. Уни каркидон деб атайдилар. Юртимизда қорамол боққандай, у жазирада каркидон боқилади. Уларнинг гавдаси туя гавдасидан каттароқ бўлиб, ўт ейишади. Боши ўртасида йўғон бир шохи бор. Узунлиги ўн газ бўлиб, инсон сурати бор. У жазирада қорамолнинг ҳам бир жинси бор. Кемачилар, мусофир-

лар, сайёҳларнинг айтишича, бу каркидон катта-катта филларни шоҳида кўтариб жазира ва денгиз қирғоқларида ўтлаб юраркан. Шоҳида фил борлигини ўзи ҳам сезмас экан. Фил унинг шоҳида ўлиб қолар экан, куннинг иссиғидан филнинг ёғи эриб каркидоннинг кўзига тушаркан. Шу билан кўр бўлиб қоларкан. Қирғоққа келиб ётганда рух қуши келиб уни чангалида кўтариб болаларига олиб бориб шоҳидаги ҳайвонларни ҳам қўшиб едираркан. Бу ерда говмишларнинг кўп хилларини кўрдим. Бизда унақа говмиш йўқ. У водийда мен қўйнимда сақлаган олмос тошларидан жуда кўп.

Савдогарлар уни мол ва матоларга айирбош қилдилар. Менга танга-ю тилла бердилар. Улар билан бирга юриб, чет мамлакатларни томоша қилдим. Водийдан водийга, шаҳардан шаҳарга ўтиб то Басра шаҳрига етгунча олди-сотди қилдик. Басрада бир оз кун турдик. Сўнгра мен Бағдод шаҳрига келдим...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Синдбод баҳрий сафаридан қайт-

гач, Бағдод шаҳрига, ўз уйига етиб келди. Кўп миқдорда ҳар хил олмос тошлар олиб келган эди. Ҳар хил мол-матолари ҳам бор эди. Олиб келган молларидан садақа ва ҳадялар тарқатди. Уртоқлари билан айш-ишратга берилди. Бошидан кечирган қайғу-аламларини унутди. Ёри биродарлари уни кўргани кели-

шиб, сафарда кўрганларидан сўрашар эдилар. Синд-



Беш юз қирқ олтинчи кеча

бод уларга кўрган-кечирганларини ва тортган машаққатларини ҳикоя қиларди.

Синдбод баҳрийнинг иккинчи сафарида кўрган-кечирганлари шу экан.

учинчи ҳикоя



й биродарлар, билинлар ва мендан учинчи сафарим ҳикоясини эшитинлар. Бу ўтган куни эшитган ҳикояларингиздан ажойиброқдир.

Иккинчи сафаримдан эсон-омон келганимга жуда севиндим. Чунки кўп молу дунёлар орттирган эдим. Кетган ҳамма молларим эвазини оллоҳ берган эди. Бағдод шаҳрида бир қанча вақт турдим. Роҳат-фароғатда хотиржам ҳаёт кечирар эдим. Менда тижорат қилиш ва касбу ҳаракат билан бойиш орзуси кучайди. Нафс деган доим ёмонликка бошлайди. Денгиз сафарига муносиб савдо молларидан кўп нарсалар олдим. Уларни олиб Бағдоддан Басрага жўнадим. Денгиз соҳилига келдим. У ерда катта бир кема кўрдим. У кемада савдогар ва йўловчилар кўп эди. Кемачилар ҳам диёнатли, таниқли, солиҳ кишилар эди. Улар билан шу кемага тушдим.

Эсон-омон денгиздан денгизга, жазирадан жазирага, шаҳардан шаҳарга ўтдик. Қайси жойдан ўтсак томоша қилиб, олди-сотди қилдик, севинч ва хурсандликда борардик. Кунларнинг бирида жўш уриб, тўлқинланиб оқадиган денгиз ўртасида кетаётган эдик, денгиз атрофига қараб кетаётган кемачилар бошлиғи бирдан ўз юзига ўзи уриб, кема елканини ўраб, лангар ташлади. Соқолини юлиб, кийимини йиртиб, бақира бошлади. Ундан биз: «Эй бошлиқ, нима гап?»— деб сўрадик. У: «Эй, йўловчилар, би-

линлар, шамол бизни ғалаба қилди, бизни денгиз ўртасига суриб келди. Шўримиз қуриб, тақдир бизни маймунлар тоғига келтирди. Бу жойга биров келиб саломат қайтган эмас. Ҳаммамизнинг ҳалок бўлиб кетишимизга кўзим етади»,— деди.

Кема бошлиғи сўзини тамом қилмасданоқ, маймунлар келишиб кемани ҳар томондан ўраб олишди. Улар чигирткадек кема ва қуруқликни тутиб кетди. Биронтасини ўлдирсак ё урсак, ё қувласак бизни ўлдиришди деб қўрқдик. Қўпчилик ботирликдан ҳам ғолиб келади дейилган. Улардан қўрққанимизча тура бердик. Улар озиқ-овқатларимизни ва молларимизни талладилар, улар ваҳшийларнинг энг ёмони эди. Юнглари қора кигизга ўхшарди. Кўринишлари ҳам қўрқинчли, ҳеч бири сўзга тушунмас, ҳеч нарса билмасди. Одамлардан қочар, кўзлари сариқ, юзлари қора, ўзлари кичик, ҳар бирининг бўйи тўрт қарич эди.

Маймунлар лангар ипларига чиқишиб, тишлари билан қирқиб ташладилар, кеманинг ҳамма арқонларини қирқдилар: кема қийшайиб бориб тоққа ёнбошлаб қолди. Кема қирғоққа бориб тўхтаганда, маймунлар савдогарларни, йўловчиларни тутиб жазирага чиқарди, кема ичидаги барча нарсаларни олиб кетдилар, бизни жазирада қолдирдилар, кема кўзимиздан ғойиб бўлиб кетди, уни қаерга олиб кетганларини билмадик.

Биз шу оролда қолиб мева, сабзавот, ҳўл мева еб юрган вақтимизда, тўсатдан жазира ўртасида бир ажойиб уй кўзимизга ярқиллаб кўриниб қолди, бориб қарасак, деворлари баланд ҳашаматли бир қаср экан. Обнус дарахтидан ишланган икки қаватли дарвозаси очиқ экан. Қаср эшигидан кириб гир атрофи ўралган, катта, кенг саройга ўхшаш жойни кўрдик, атрофида баланд-баланд эшиклар. Юқорисида катта, баланд супа, унинг устида ўчоқларга идишлар осил-

ган, атрофни суяк босган. У жойда ҳеч кимни учратмай ғоятда ажабландик. Бир оз ўтириб, сўнгра ухладик, чоштгоҳдан кун ботгунча ухлабмиз; тўсатдан ер қимирлай бошлади, гулдурраган овоз эшитилди, қаср устидан инсон сурат катта бир махлуқ тушди, ранги қора, бўйи баланд, хурмо дарахтидек узун, икки кўзидан ўт чақнаб турарди. Тишлари тўнғиз тишларидек, оғзи ғордек, лаблари туя лабидек осилиб кўкрагига тушган, супрадек икки қулоғи елкасигача осилиб тушган, қўл тирноқлари йўлбарс тирноқларига ўхшайди.

Уни кўриб ўзимиздан кетдик, хавфимиз зиёда бўлди, мурда бўлиб қолдик».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз қирқ
еттинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод ҳикоясини давом этибди:

«Бу даҳшатли махлуқни кўргач, қаттиқ қўрқув ичида қолдик. У махлуқ ерга тушгач супада бир оз ўтириб, кейин бизнинг олдимизга келиб, йўлдошларимиз ичидан мени ердан кўтариб олиб, ҳар томонга айлангириб текшириб кўрди, мен унинг қўлида бир луқмадай бўлиб қолдим.

Қассоб сўядиган қўйини ушлаб кўргандек, мени роса ушлаб, айлангириб кўрди. Сафарда қийналиб озиб кетганимни, ҳеч гўштим қолмаганини кўриб, бўшатиб юборди-да, йўлдошларимиздан бирини ушлади. Уни ҳам айлангириб кўрди, сийпалаб кўриб уни ҳам қўйиб юборди. Ахир навбат биз келган кема дарғасига етди. Дарға семиз ва йўғон, яғрини кенг азамат киши эди, ҳалиги одамхўрга шу

маъқул бўлди. Қассоб сингари уни ушлаб кўриб, ерга ташлади ва оёғини бўйнига қўйиб туриб, бўйинини узиб олди. Узун бир сих олиб келиб, ҳалқумидан суқиб орқасидан чиқарди; гулхан ёқиб, дарғанинг гавдасидан ўтказган сихни ўт устига қўйди ва то гўшти пишгунча айлангириб турди, кейин одам жўжани бўлгандек, уни бўлиб-бўлиб тирноғи билан юлиб гўштини ея бошлади. Дарғанинг гўшти тамом бўлиб, суяклари қолгунча еди, суякларни қаср ёнига ташлади, сўнгра супага ётиб ухлади, чала сўйилган ҳайвон ёки хириллаган ҳўкиздек хуррак тортарди. Шу ҳолда тонг отгунча ухлаб, кейин ўрнидан туриб ўз йўлига қараб кетди.

У узоқлашиб кетгандан кейин ўз аҳволимизга ачиниб йиғладик ва: «Қошқийди, денгизга ғарқ бўлган ёки маймуларга емиш бўлган бўлсак, чўғ устида кабоб бўлгандан кўра, ғарқ бўлган яхшироқ. Улиб кетамиз, нажот йўқ»,— дедик. Сўнгра бекинадиган ёки қочадиган жой излаб жазирага чиқдик; гўштимиз кабоб бўлгандан кўра, ўлим бизга осонроқ кўринди.

Бекинадиган жой топмадик, тун кирди, қўрқинчимизнинг зўрлигидан яна қайтиб қасрга келдик. Озгина ўтирган эдик, тўсатдан ер қимирлаб, ўша қора махлуқ пайдо бўлди, бизларни яна бирма-бир айлангириб, сийпалаб кўрди. Одамхўрга биттамыз маъқул бўлдик, уни ушлаб кабоб қилди ва супада ўтириб еди, молдек хириллаб, тонг отгунча ухлади.

Тонг отгач туриб, ўз йўлига кетди. Бизлар бир-биримизга: «Худо ҳақи, ўтда куйиб ўлганимиздан, ўзимизни денгизга ташлаб ғарқ бўлганимиз яхшироқ»,— дедик.

Мен: «Биродарлар, кемага ўхшаш бир сол ясаймиз, уни ўлдирсак, қочиб келиб солга тушамиз, денгизга чиқиб, биронта кема ўтгунча шу ерда тўхтаб,

кема келиши билан унга тушиб кетамиз. Агар уни ўлдиролмасак ҳам, денгизга фарқ бўламиз, фарқ бўлмасак бўлармиз, ҳар ҳолда оловга қовурилиш ва сўйилишдан қутуламиз-ку. Саломат қолсак қолдик, фарқ бўлсак шаҳид кетамиз»,— дедим. Ҳаммалари: «Бу жуда тўғри фикр ва тўғри тадбир»,— дедилар.

Ёғочларни қасрнинг сиртига ташиб чиқдик, сол ясаб, денгиз қирғоғига боғлаб қўйдик, бир оз озиқ-овқат ҳам ғамлаб қўйдик, қайтиб қасрга келдик. Кеч киргач, тўсатдан ер ларзага келиб, ўша қора махлуқ кириб келди, у қутурган итга ўхшарди. У бизларни бирма-бир айлантириб, сийпалаб кўрди, охири биримизни ушлади, пишириб еди; супа устида момақалди роқдек хуррак тортиб уйқуга кирди. Биз ўрнимиздан туриб бориб қадаб қўйилган сихлардан икки темир сихни олдик, уларни қип-қизил чўғ бўлгунча ўт устига қўйдик. Сихлар чўғдек бўлганда сихларни маҳқам ушлаб олиб, ҳалиги махлуқ олдига келдик, у ҳамон хуррак тортиб ухлаб ётарди. Сихларни бор кучимиз билан кўзига қададик. Уни ухлаб ётганида кўр қилдик, ҳайқирди, бизни титроқ босди. У супадан туриб бизларни излай бошлади, биз тутқич бермадик, кўзи кўр бўлганидан бизларни ушлолмади. У эшикни излаб, пайпаслаб бориб ундан чиқди, ҳайқириғи дунёни босди, овози қаттиқлигидан ер ларзага келарди. Қасрдан чиқиб ўз йўлига кетди. Бир вақт қайтиб келиб қолди, ўзидан ҳам катта ва даҳшатли бир урғочисини бошлаб келди; биз жуда қўрқиб кетдик.

Биз бир амал қилиб, тайёрлаб қўйган кемамизга тушиб, уни денгизга сурдик. У одамхўрлар бизни тошбўрон қила бошладилар. Кўпимиз тошбўронда ўлиб кетиб, уч кишигина саломат қолдик».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз қирқ саккизинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий йўлдошлари билан солга ўтиргач, орқасидан ҳалиги қора махлуқ ва унинг рафиқаси тошбўрон қилибди. Уларнинг аксари ўлиб кетиб, уч кишигина саломат қолибди. Сол уларни бир жазирага етказибди.

«Жазирага чиққанemizдан сўнг кеч кирди. Озгина ухлаб, уйқудан уйғонган эдик, тўсатдан катта, қорни кенг бир аждаҳо бизни ўраб олиб, биримизга бир ҳамла қилиб, киптигача ютди, сўнгра қолган қисмини ҳам ютди. Унинг қобирғалари аждаҳо қорнида синганини эшитиб турдик, уни ютиб ўз йўлига кетди. Ғоятда таажжубланиб, йўлдошимизга қайғурдик, ўзимизни ҳам ниҳоятда ваҳима босди ва: «Оллоҳ билан қасамёд қиламизки, бу жуда ажиб иш бўлди, ҳар бир ўлим аввалгисидан ҳам ёмонроқ; қора махлуқдан саломат қолганимизга суюнган эдик. Энди бу шум офатдан қандай нажот топамиз?»— дедик. Кеч бўлди. Катта, баланд бир дарахт устига чиқдик, унинг устида ухламоқчи бўлдик, мен энг юқори шохига чиққан эдим. Қоронғи тушди, аждаҳо келиб, ўнгу сўлга қарай бошлади, биз чиққан дарахтга қараб йўл олди, келиб йўлдошимни киптигача ютиб дарахтга ўралди. Аждаҳо қорнида йўлдошимнинг суяклари қасир-қасир синганини эшитиб турдим. Ютиб бўлгунча ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб турдим; аждаҳо дарахтдан тушиб ўз йўлига кетди; тонг отиб кун ёришгандан кейин дарахт тепасидан тушдим, хавф ва қўрқинчининг зўрлигидан ўлган ўликдек бўлиб қолгандим, ўзимни ден-

гизга ташлаб, шу дунёдан қутулиб қўя қолай, деб ўйладим. Жон деган нарса ширин бўлар экан, яна жонимни кўзим қиймади. Этли бир ёғочни кўндаланг қилиб оёғимга, бир ёғочни чап ёшимга, яна бирини ўнг ёнимга боғладим, биттасини қорнимга, яна кенг, узун бир ёғочни оёғимга боғлагандек бошимга кўндаланг қилиб боғладим. Ўзим ёғочни ичига кириб олгандай бўлдим, мустаҳкам қилиб боғлаб, ўзимни ерга ташладим, ёғочлар орасида ухладим, улар мени уйдек ўраб олган эди. Кеч киргач у аждаҳо келиб, менга қаради ва қасд қилди, аммо ёғочлар билан ўралганимдан мен ютолмади.

Аждаҳо атрофимни айланиб юрди, мен уни кўриб турардим, хавф-хатарнинг зўрлигидан ўликдек бўлиб қолдим, аждаҳо бўлса, нари кетарди-ю, яна қайтиб келарди, ҳар сафар мени ютишни жазм қилиб келганда, ёғочлар билан тўсилганимдан доғда қоларди. У кун ботишдан то тонг ёришиб кун чиққунча ёнимдан кетмади. Ахири, аждаҳо ғоятда ғазабланиб, қаҳр билан ўз йўлига кетди. Шундан кейин у ёғочлардан ўзимни бўшатдим, аждаҳодан қўрққанимдан ўлик ҳукмида эдим.

Ўрнимдан туриб жазиранинг этагига етгунча юрдим, денгиз гирдобини ўртасидаги бир кемага кўзим тушди. Бир дарахтдан катта шох синдириб олиб, силкитиб, бақириб-чақириб ишора қилдим, улар мени кўриб, менга яқинлашиб келдилар. Мени олиб кемага ўтқаздилар. Кейин саргузаштимни сўрадилар, мен кўрган-кечирганларимни, тортган қийинчиликларимни аввалдан-охиригача айтдим; улар ғоят таажжубда қолдилар.

Менга кийим кийгиздилар, овқат келтирдилар, муздек ширин сув келтириб ичирдилар, қалбим яйраб, нафсим ором олди, туганмас неъматлари учун оллоҳга

ҳамд ва шукур қилдим. Барча кўрганларим бир хаёлга ўхшаб қолди.

Салоҳита номли жазирага чиққунимизча оллоҳ изми билан шамол бизга ҳамроҳлик қилди, дарға кемани шу жазира олдида тўхтатди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий тушган кема бир жазирага бориб тўхтабди, кемадан ҳамма савдогар ва йўловчилар тушибдилар, молларини кемадан чиқарибдилар.

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «Кемачи менга қараб: «Ғапимга қулоқ сол, сен бир ғариб киши экансан, тортган меҳнат ва машаққатларинг, хавф-хатарда қолганларингни

айтдинг, мен мамлакатингга етишингга ёрдам берай дейман, мени дуо қилиб юрарсан»,— деди. Мен: «Ҳа, албатта дуо қиламан»,— дедим. «Билгинки,— деди дарға,— биз билан бирга бир мусофир бор эди, уни йўқотиб қўйдик, тирикми, ўликми, билмаймиз, хабарини ҳам эшитмадик. Унинг молларини сенга бермоқчиман, уни сақлайсан, хизматинг ва заҳматинг эвазига сенга бир оз мол бераман, қолганини Бағдод шаҳрига олиб борамиз. У ерда мусофирнинг оиласини суриштириб, қолган моли ва сотилган нарсаларининг пулини топширамиз. Нима дейсан, унинг молларини бу жазирада сотасанми?»— деди. Мен: «Эй хожам, бош устига»,— дедим. Бу қилмиши учун уни дуо қилдим ва ташаккур айтдим. Шундан кейин у ҳаммол ва денгизчи-

Беш юз қирқ тўққизинчи кеча

ларга у молларни жазирага чиқариб менга топширишга буюрди. Кема котиби: «Эй дарға, денгизчи ва ҳаммоллар кемадан ташиб чиқараётган қандай мол, уларни қайси савдогарнинг отига ёзаман?»— деди. «Синдбод баҳрий исмига ёз, у биз билан бирга эди, жазирада ғарқ бўлди, бизга ҳеч хабар етмади, унинг молини мана бу мусофир-ғарибга сотишга топширдик, унинг меҳнати ва хизматига лойиғини бериб, қолган молларни ва сотилганларининг пулини ўзимиз билан Бағдодга олиб қайтамиз, эгасини топсак ўзига берамиз, топмасак Бағдод шаҳридаги оиласига топширамиз»,— деди дарға. Юклар меники эканини эшитишим биланоқ, ўз-ўзимга: «Худо ҳақи, Синдбод баҳрий мен бўламан, жазирада ғарқ бўлганлар қатори ғарқ бўлган ҳам менман»,— дедим.

Савдогарлар кемадан чиқиб, олди-сотди ишларидан гаплашиб турганда, мен ўзимни тутиб бир оз вақт чидаб турдим, кейин кемачи олдига бориб: «Эй хожам, сен ҳозир юкларини менга топширган кишининг ҳоли нима кечган, биласанми?»— дедим. «Унинг ҳолини билмайман,— деди у менга,— лекин у Бағдод шаҳридаги бир киши эди, уни Синдбод баҳрий дер эдилар: жазиралардан бирига бориб тўхтовдик, у ерда кўп кишилар ғарқ бўлиб кетди. Ғарқ бўлганлар қатори у ҳам йўқ бўлиб кетди. Шу вақтгача ундан дарақ йўқ»,— деди.

Шундай деганида қаттиқ бақириб юбордим ва дедим: «Эй дарға, билгин, Синдбод баҳрий мен бўламан. Мен ғарқ бўлганим йўқ, кема жазирада тўхтаганда савдогарлар, йўловчилар кемадан чиқдилар, мен ҳам улар қатори чиқдим, жазира ёнида ўтириб овқат едим. У ерда уйқу босиб уйқуга ғарқ бўлдим, ўрнимдан туриб қарасам, кема ҳам, ёнимда бирон киши ҳам йўқ. Бу моллар меники, олмос тоши олиб кела-

ётган савдогарлар мен олмос тоғида эканимда мени кўрганлар, улар мен Синдбод баҳрий эканимдан гувохлик берадилар, кемада бирга бўлганимизда жазирада ухлаб қолганимдан, сизлар мени унутиб кетиб қолганингиздан ва бошқа кўрган-кечирганларимдан сизларга ҳикоя қилган эдим».

Савдогарлар, йўловчилар менинг сўзимни эшитгач тепамга йиғилишиб келдилар, баъзилари сўзимга ишонди, баъзилари ишонмади; шунда савдогарлардан бири олмос водийсини тилга олганимни эшитиб, олдимга келди-да: «Эй жамоа, менга қаранглар, савдогарларимда кўрган ажойиб нарсаларимни айтган вақтимда, олмос водийсига гўшт парчалари ташлаганимда, бир киши осилиб чиқди, деган эдим, сизлар ишонмадинглар, мени ёлғончи қилдинглар»,— деди. Ҳаммалари: «Ҳа, тўғри, буни сўзлаб берган эдинг, аммо биз ишонмаган эдик»,— дейишди. Шу савдогар: «Гўшт парчаларимга осилиб чиққан шу киши, менга қиммат баҳо, мисли йўқ олмос тоши берган ҳам шу киши, гўшт парчамга илашиб чиққан олмос тошларидан ҳам ортиқроғини берган шу киши эди. Басра шаҳрига етгунимизча уни ўзимга йўлдош қилиб келдим, ундан кейин ўз шаҳрига жўнади. Ўша шу одам, бизга номим Синдбод баҳрий деб айтган эди, кеманинг кетиб қолганидан, ўзининг ухлаб қолганлигидан ҳам хабар берган эди. Билинглари, бу одам бу ерга келмас эди, сизларга айтган сўзимнинг ростлигини тасдиқлаш учун келган. Бу молларнинг ҳаммаси унинг насибаси; биз билан бирга бўлган вақтида ўз қиссасидан хабар берган эди. Сўзи рост чиқди»,— деди.

У савдогарнинг сўзини эшитгач, дарға ўрнимдан туриб олдимга келди, менга тикилиб, текшириб боқди, сўнгра: «Молинг белгиси нима?»— деди. Мен унга: «Молимнинг аломати шундай-шундай»,— дедим. Бас-

рада кемага бирга тушганда мен билан дарға ўртасида бўлган ишларни бирма-бир айтдим, Синдбод баҳрий эканлигим аниқланди. Дарға мени қучоқлади, саломат қолганимга суюниб табриклади. «Худо ҳақи, эй хоҷам, қиссанг ажойиб ва ишинг ғаройиб, сен билан мени учраштирган, молларингни ўзингга қайтарган оллоҳга ҳамд ўлсин...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— савдогарларга ва дарғага у

Синдбод баҳрийнинг ўзи экани маълум бўлгандан кейин унга дарға: «Молларингни ўзингга қайтарган оллоҳга ҳамд ўлсин»,— дебди.

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «Шундан кейин молларимни ўзим тасарруф қилдим ва бу ишда кўп фойда олдим. Синд мамлакатига етгунча жазираларда савдо қилдим.

У денгизда беҳад ажойиб-ғаройибларни кўрдим. У денгизда кўрганларимдан бири ҳўкиз суратидаги балиқ, эшак суратли қандайдир бир жонивор, денгиз ўртасидан чиқиб, тухум қўйиб, сув юзида жўжа очадиган, денгиздан ер юзига асло чиқмайдиган қушдир.

Бундан кейин оллоҳ изми билан то Басрага етгунча шамол яхши эсиб, сафаримиз тинч ўтди. У ерда бир неча кун бўлдим, кейин Бағдод шаҳрига етиб бордим. Оилам, йўлдошларим, дўстларимга совға-салом бердим. Бева ва етимларни кийинтирдим. Бахтли, фаровон ҳаёт кечирдим. Кўрган-кечирганларим, тортган машаққатларим ва хавф-хатарларимнинг ҳаммасини

унутдим. Худо хоҳласа, эртага келасан, тўртинчи сафаримни ҳикоя қилиб бераман, бу ҳикоя у сафарлар ҳикоясидан ҳам ажойиброқдир».

Синдбод баҳрий Синдбод ҳаммолга юз мисқол олтин беринглар, дастурхон ёзинглар, деди. Дастурхон ёзилди; ҳозир бўлганлар ҳикоялардан ва сафарда Синдбод баҳрийнинг кўрган-кечирганларидан таажжубландилар. Ҳамма уй-уйига тарқалди. Синдбод ҳаммол олтинларни олиб, Синдбод баҳрийдан эшитганларига таажжуб қилиб уйига қайтди.

Тонг отиб, кун ёришгач Синдбод ҳаммол ўрнидан туриб, тонг намозини ўқиб, Синдбод баҳрийни кига қараб жўнади. Келиб унга салом берди. У хурсанд ва очиқ чеҳра билан қарши олиб, бошқа йўлдошлари келгунча ёнига ўтқазди; қолган йўлдошлари келгандан сўнг, таом тортилди, ҳаммалари едилар, ичдилар, кўнгилхушлик қилиб ўтирдилар, шунда Синдбод баҳрий сўз бошлаб уларга сафарини ҳикоя қилди.

ТўРТИНЧИ ҲИКОЯ



Синдбод баҳрий ҳикоя қилди: «Билинглари, эй биродарлар, мен Бағдод шаҳрига қайтганимдан кейин йўлдошларим, дўстларимга қўшилдим, хурсандлик ва роҳатга эришиб, фойданинг кўплигидан кўрган-кечирганларимни унутдим. Ҳаётнинг энг лаззатли даврида бўла туриб, харис нафсим яна чет мамлакатларга сафарга чиқишни орзу қилиб қолди. Мен ҳар жинсдаги одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, олди-соғди қилиш, касбу ҳаракатга муштоқ бўлиб қолдим. Денгиз сафарига муносиб нафис тижорат моллари сотиб олдим, кўп мол тўпладим. Бағдод шаҳридан Басрага жўнадим,

Юкларимни кемага солдим, ўзим Басра шаҳрининг катталарига қўшилиб олдим. Шовиллаб ётган тўлқинли денгизда кетар эдик, сафар тинч бўлди, бир неча кеча-кундуз шу ҳолатда жазирадан жазирага, денгиздан денгизга ўтиб кетавердик. Кунларнинг бирида қаттиқ бўрон қўзғалди, денгиз гирдобиди ғарқ бўлиб кетишдан қўрқиб, дарға денгиз ўртасида лангар ташлаб, кемани тўхтатди.

Тўсатдан бўрон кўтарилиб, кеманинг елканини йиртиб, парча-парча қилиб юборди. Одамлар ҳамма юк-моллари билан ғарқ бўлиб кетди, мен ҳам ғарқ бўлдим, денгизда кун тик келгунча суздим, жонимдан умид узиб қўйгандим. Худо кема тахталаридан бир бўлагини етказди, бир тўда савдогарлар унга миниб олдик...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий кема ғарқ бўлгандан кейин савдогарлардан бир тўдаси билан бир тахта устига чиқиб олибди.

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «Бир-биримизга ёпишиб олиб, тахтага минганимизча оёғимиз билан денгизда сузиб бордик, шамол ва тўлқин бизга ёрдам бериб, бир кеча-кундузни шу ҳолатда ўтказдик,

иккинчи куннинг чоштгоҳида шамол қўзғалиб, дарё тўлқинлана бошлади, шамол ва тўлқин кучайиб, бизни бир жазирага чиқариб ташлади. Биз уйқусизлик, чарчоқ, совуқ, очлик, қўрқинч, ташналикнинг зўригидан ўликдек бўлиб қолгандик.

*Беш юз эллик
биринчи кеча*

Жазирадан егулик гиёҳлар топиб едик, ҳар ҳолда бизга қувват бўлди. Шу кечаси жазира ёқасида ётдик, тонг отиб атроф ёришгач, ўрнимиздан туриб, жазирани айланиб юрганимизда кўзимизга бир иморат ярқираб кўринди.

Иморатга қараб юрдик, у ерга бориб тўхтагандик, тўсатдан иморат эшигидан яланғоч кишилар қаршимизга чиқди, бизни ушлаб подшолари олдига олиб бордилар. У: «Ўтиринглар»,— деб буюрди, биз ўтирдик, бизга таом келтирдилар, умримизда ундай таомни кўрган ҳам эмасмиз, билган ҳам эмасмиз. Бу таомни кўнглим тортмади, йўлдошларим еса ҳам, мен ҳеч емадим, тотинмаганим оллоҳнинг марҳамати бўлди, бўлмаса ҳозир тирик юрмасдим.

Йўлдошларим у таомдан егандан кейин ақлдан озишди, жинниларга ўхшаб қолишди. Уларга жавзи ҳинди, норжил мойи ичирдилар, у билан мойладилар. Йўлдошларим у мойдан ичгач, кўзлари тескари бўлиб кетди, кейин яна ҳам кўпроқ овқат ейдиган бўлдилар. Мен ҳайратда қолдим ва қайғура бошладим, у яланғочлардан мен ҳам хавф-хатарда, қаттиқ ташвишда қолдим.

Ўйлаб кўрсам, улар маъжусийлар бўлиб, шаҳарларининг подшоси ғул экан, мамлакатларига келган кишиларни ёки кўрган кишиларини, ё водийда, ё йўлда учратган кишиларини подшоларига олиб келар, ўша таомдан уларга едириб, баданларини ўша мой билан мойлар эканлар, қоринлари кенгайиб, ақллари кетиб, фикрлари сўниб, тентакка ўхшаб қолар эканлар, семиртириш учун уларга кўп овқат едирар эканлар. Сўнгра подшоларининг таоми учун уларни сўйиб кабоб қилиб берар эканлар; подшонинг суҳбатдошлари одам гўштини ҳеч нарса қўшмай, пиширмай ейишар экан.

Уларнинг бу ишларини кўриб, ўз нафсим ва йўлдошларим учун ғоят қаттиқ қайғу ичида қолдим, йўлдошларим камоли ақлларида озганларидан, уларга кўрилаётган чоралардан биронтасини ҳам билмас эдилар. Уларни бир кишига топширишди. У киши буларни ҳар кун олиб чиқиб, ҳайвонларни боққандек боқиб келарди; мен бўлсам, қўрқинч ва очликнинг зўрлигидан заифлашиб, жисмим иллатга чалиниб, этим суякка бориб ёпишган эди; маъжусийлар мени бу ҳолда кўриб ўз ҳолимга қўйдилар ва унутиб юбордилар.

Кунлардан бир кун ҳийла қилиб у жойдан бир амаллаб чиқиб узоқлашдим. Бир чўпоннинг денгиз ўртасида, баланд бир ерда ўтирганини кўрдим, тикилиб қарасам, у йўлдошларимни боқиш учун топширилган киши экан, унинг ёнида йўлдошларимга ўхшаш кишилар кўп экан. У киши мени кўргач, ақлим жойида эканини билди, менга узоқдан ишорат қилиб: «Орқангга қайт, ўнг тарафингдаги йўлга юр. Унда султон йўлига чиқасан»,— деди. Орқамга қайтдим, ўнгимдаги йўлни кўриб шу йўлдан юрдим, қўрққанимдан гоҳ югуриб, гоҳ секинроқ юриб дам олиб, йўлга солган одам то кўзимдан ғойиб бўлгунча елиб кетдим, мен уни кўрмайдиган, у мени кўрмайдиган бўлди. Кун ботиб қоронғилик тушди, дам олишга ўтирдим, ухлагим келса ҳам қўрқинч, очлик, чарчоқнинг қаттиқлигидан бу кеча уйқуни тарк қилдим. Ярим кечада ўрнимдан туриб жазира бўйлаб тонг отгунча тўхтамай юра бердим. Тонг отиб қуёш шуъласи тепаликларга, водийларга тушди, чарчадим, қорним очди, ташна бўлдим, сўнгра жазирадаги ўсимликлардан еб тўйдим. Шу ҳолатда кун-тун юрдим, қорним очса яна ўсимлик едим.

Етти кеча-кундуз шу аҳволда бўлдим. Саккизинчи кун тонг отарда узоқдан бир шарпани кўриб, у томон

юрдим. Унга кун ботганда етиб бордим, узоқроқдан туриб тикилдим, бир-икки марта қўрқинч азобини тортганимдан, юрагим хавфсираб турарди. Қарасам, мурч доналари тераётган кишилар экан, мен уларга яқинлашгач, мени кўриб олдимга келдилар ва ўраб олиб: «Кимсан, қаердан келдинг?»— дейишди. Уларга: «Мен бир ғариб ва мискин кишиман»,— дедим ва ҳамма кўрган-кечирганларимни, тортган машаққатларим, хавфи хатарларимни ҳикоя қилдим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий жазирада мурч

тераётган одамларни кўрибди, улар бундан ҳол-аҳвол сўрабдилар, уларга ҳамма кўрган-кечирганларини, тортган машаққатларини ҳикоя қилибди.

«Улар, бу ажойиб воқеа экан! Аммо қоралардан қандай қилиб қутулдинг? Ва бу жазирада уларнинг ёнидан қандай қилиб ўтдинг? Улар

*Беш юз эллик
иккинчи кеча*

жуда кўп, ўзлари одамхўр, улардан ҳеч ким саломат қутула олмайди, уларнинг ёнидан ўтишга ҳеч ким ботинган эмас»,— дедилар. Мен уларга кўрган-кечирганларимни, йўлдошларимни қандай қилиб ушлаб қолганларини, уларга махсус таом едирганларини, мен емаганимни сўзлаб бердим. Сўнгра улар мени саломат қутулиб келишим билан табриклардилар, саргузаштларимни эшитиб, таажжубда қолдилар.

Ўз ишларидан бўшагунча мени ёнларига ўтқазиб, бир оз таом келтирдилар, оч эдим, у таомдан еб, бир

оз ўзимга келдим. Кейин мени кемага тушириб ўз жойларига олиб келдилар.

Мени ўз подшоларига учраштирдилар, у менга: «Хуш келдинг!»— деб ҳурмат кўрсатиб, мендан ҳолаҳвол сўради. Мен ўз саргузаштимдан, Багдод шаҳридан чиққан вақтдан то унинг олдига етиб келгунча рўй берган ҳодисалардан хабар бердим. Подшоҳ ва унинг аъёнлари қиссамни эшитиб, ғоят ажабландилар. Кейин менга таом келтирдилар, ундан тўйгунимча едим, қўлимни ювиб, оллоҳнинг фазлига ҳамд ва ташаккур этдим, унга санолар ўқидим. Подшо олдидан чиқиб шаҳарларини томоша қилдим, қарасам, халқи ва мол-ҳоли кўп, озиқ-овқатлари мўл, бозорлари катта, савдо моллари ва олди-сотдилари ҳисобсиз обод шаҳар экан; бу шаҳарга келганимга жуда севиным, кўнглим тинчиб, халқига ўрганиб қолдим. Уларга ва подшога мен мамлакат халқидан, шаҳар ақибирларидан ҳам иззатли, ҳурматли бўлиб қолдим.

Катта-кичик ҳамманинг чиройли аргумоқ отларга эгарсиз миниб юрганларини кўриб, таажжубда қолдим. Мен бир кун подшога: «Эй шоҳим, нима учун эгарга минмайсизлар? Эгарга минувчи роҳат қилади, қуввати устига қувват бўлади-ку»,— дедим. Шоҳ: «Эгар қандай бўлади? Биз умримизда кўрган ҳам эмасмиз, минган ҳам эмасмиз»,— деди. «Сизга эгар ясаб берай, рухсат беринг. Миниб роҳатини кўрсангиз»— дедим. У менга: «Рухсат!»— деди. Шунда: «Менга бир оз ёғоч келтирилсин»,— дедим. Шоҳ сўраган нарсаларимнинг ҳаммасини ҳозирлашга буюрди. Мен, уста бир дурадгор чақиришни талаб қилдим, ёнида ўтириб, унга эгар ясашни ўргатдим.

Сўнгра мен жун олиб, уни гитиб наMAT ясадим, те-ри келтириб, эгарга қопладим ва унга сайқал бердим, тасмалар билан тортиб, айилини маҳкам боғладим.

Темирчини чақиртириб, узанги ясаши-нинг тавсифи-ни қилдим, темирчи катта бир узанги ясади, уни эво-лаб сайқал бердим, ниҳоят, унга ипак гажим ясаб, боғладим. Кейин подшо отларининг энг яхшисини келтирдим, унга эгар урдим, узангини эгарга тақдим, отнинг бошига юган солдим, олиб бориб подшога тақдим этдим, у таажжуб қилди. Эгар подшога ёқиб қолиб, менга ташаккур билдирди. Қилган хизматим учун кўп нарсалар берди. Эгар қилганимни подшонинг вазири кўрган эди, у ҳам шундай эгар ишлаб беришимни талаб қилди. Унга ҳам худди шундай эгар қилиб бердим; давлат арбоблари, мансаб эгалари эгар ишлаб беришимни талаб қила бошладилар, уларга ҳам ваъда бердим.

Дурадгорга эгар ишлаш ҳунарини ўргатдим, темирчига узанги ишлашни ўргатдим, биргалашиб, эгар, узанги қила бошладик, уларни давлат арбоблари ва амалдорларга сотдик. Шу тариқа кўп дунё тўпладим, бу одамлар олдида мартабам ҳам баланд бўлди; улар мени яхши кўриб қолишди; подшо ва унинг яқинлари, шаҳар ақобирлари, давлат арбоблари олдида обрўйим баланд бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида, подшо олдида ғоят хурсанд ва ҳурматда ўтирганимда, подшо менга: «Ҳой фалончи, билгинки, бизнинг олдимизда азиз ва муқаррам бўлиб, ўз кишимиз бўлиб қолдинг, сендан ажрала олмаймиз, шаҳримиздан чиқиб кетишинга ҳам қўймаймиз. Сен бир нарса қилсанг, менга итоат қилсанг, сўзимни қайтармасанг»,— деди. Мен унга: «Эй подшоҳим, мендан истаганинг нима, мен сўзингни асло қайтармайман, сендан кўп лутфу марҳамат ва инъому эҳсонлар кўрдим. Оллоҳга ҳамд бўлсин, хизматчиларингдан бири бўлиб қолдим»,— дедим. У: «Истагим шуки, сенга нозик табиатли, ҳусну жамол ва мо-

лу мулк эгаси бўлган гўзал бир хотин олиб бермоқчи-ман. Шу билан сен бизнинг олдимизда туриб қоласан, қасримда ёнимдан сенга жой қилиб бераман, сўзимни қайтарма»,— деди.

Подшонинг сўзини эшитгач, уялиб сукут қилдим, камоли уялганимдан жавоб ҳам қайтармадим. Шоҳ менга: «Эй ўғлим, нима учун менга жавоб бермайсан?»— деди. Мен: «Ихтиёрим сизда, эй подшоҳи замон!»— деб жавоб бердим.

Подшо ўша ондаёқ киши юбориб қозини, гувоҳларни ҳозир қилиб, шу онда мени шарофатли, олий насаб, мол-дунёси кўп, аслзот, ҳусну жамол, еру сув эгаси бўлган бир хотинга уйлантирди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— подшо Синдбод баҳрийни уйлантирибди ва бир қадрли хотин билан никоҳ аҳдини тузибди.

Синдбод баҳрий айтади: «Подшо менга катта, кўркам алоҳида бир қаср берди, хизматчилар, қуллар берди, менга маош тайинлаб, давлат хизматидан ўрин берди. Роҳат, фаровонликда, хурсандликда умр кечирдим. Ҳамма меҳнат-ма-

шаққат ва оғир кунларимни унутдим. Ўзимга-ўзим: «Мамлакатимга жўнасам, хотинимни ўзим билан олиб кетаман. Инсон азалда ёзилган қисматини кўрмай иложи йўқ, бошига нима келишини ким билди»,— дер эдим.

Мен, хотинимни севдим, у ҳам менга жуда зўр

муҳаббат қўйди. Иттифоқ бўлиб жуда аҳил бўлдик, ширин ҳаёт кечирдик, мамнунликда яшадик. Маълум вақтгача шу ҳолатда умр кўриб келдик. Қўшним хотинидан айрилиб қолди. У менинг дўстим эди, таъзия билдириш учун олдига кирдим, уни ғамгин ва хотири паришон кўрдим. Таъзия билдириб, тасалли бериб, унга: «Хотинингга қайғурма, оллоҳ бундан яхшироғини берар, худо хоҳласа, умринг узун бўлар»,— дедим. У жуда қаттиқ йиғлаб: «Эй биродар, қайси кўнглим билан бундан бошқага уйланаман ёки оллоҳ қандай қилиб ўрнига бундан яхшироғини беради? Умримдан бир кун қолган, холос-ку?»— деди. Мен унга: «Эй биродар, эсингни йиғ, ўзингга ўлимдан башорат берма, ҳали туппа-тузуксан, саломатсан, аҳволинг яхши»,— дедим. У менга: «Эй биродар, сенинг ҳаётинг билан қасамёд қиламан, эртага мендан айриласан, умринг бўлса, эртага аҳволимни кўрасан»,— деди. Унга: «Бу нима деганинг?»— дедим. Қўшним менга айтди: «Бугун менинг хотинимни кўмадилар, у билан бирга мени ҳам кўмадилар. Бизнинг мамлакатда шундай одат бор: агар хотин ўлса, эрини у билан бирга тириклайин кўмадилар, агар эр ўлса, у билан бирга хотинини тириклайин кўмадилар, уларнинг ҳеч бири йўлдошидан кейин ҳаёт лаззатини тотмасин дейдилар». Унга: «Бу жуда ёмон одат-ку, бунга ким чидай олади?»— дедим.

Биз шу ҳақда гаплашиб турган вақтимизда, шаҳар халқининг кўпчилиги ҳозир бўлиб, биродаримнинг ўзига ва хотинига таъзия билдира бошлади. Ўз одатларига кўра, хотинга гўру кафан тайёрлашга киришдилар, тобут келтириб уни тобутга солдилар, эри ҳам улар билан бирга эди, ҳар икковларини бирга олиб шаҳардан ташқарига чиқиб, тоғ этагидаги бир жойга келтирдилар; олдинроққа ўтиб у ер-

*Беш юз эллик
учинчи кеча*

дан катта бир тошни кўтардилар, у тошнинг остидан қудуқнинг оғзидек бир тешик пайдо бўлди, у хотини шу тешикка ташладилар, у тоғ остидаги ичи кенг катта бир қудуқ эди. Сўнгра улар эрини ҳам келтириб кўкрагидан арқон билан боғлаб ўша қудуққа туширдилар, у билан бирга катта бир кўзада ширин сув ва етти нон ҳам туширдилар. Уни туширганларидан кейин дўстим арқонни ечди, арқонни тортиб олдилар, яна ўша катта тош билан аввалгидек қилиб қудуқ оғзини бекитиб, биродаримни қудуқда, хотини олдида қолдириб, ўз йўлларига қайтдилар.

Мен ўз-ўзимга: «Худо ҳақи, бу ўлим аввалги ўлимдан баттарроқ-ку» деб қўйдим. Сўнгра мен уларнинг подшосига бориб: «Эй хожам, мамлакатингизда қандай қилиб тирикни ўлик билан бирга кўмадилар?»— дедим. Подшо менга: «Билгин, бу бизнинг мамлакатимизнинг одати, агар эр ўлса, хотини билан бирга кўмамиз, борди-ю хотин ўлса, эрини ҳам тириклайин у билан кўмамиз. Биз икковини тирикликда ҳам, ўлганда ҳам бир-биридан айирмаймиз, бу ота-боболаримиздан қолган одаг»,— деди. Мен: «Эй подшоҳи замон, шаҳрингизда мендек ғариб одамнинг хотини ўлса, уни ҳам шундай қиласизларми?» У менга: «Ҳа, уни ҳам хотини билан кўмамиз ва унга ҳам худди кўрганингдек тадбир кўрамиз» деди.

Буни эшитгач, ўз жонимга қайғуриб, ғам еганимнинг зўрлигидан ўтим ёрилиб ҳушим учди. Хотиним мендан илгари ўлиб, мени тириклайин у билан бирга кўмсалар, қандай бўлади, деб кўнглимга ваҳима тушди. Кўнглимга тасалли бериб: «Шояд хотинимдан олдин ўзим ўлсам»,— дер эдим. «Қим илгари, ким кейин кетишини ҳеч ким билмайди», деб баъзи вақтларда ўзимни қизиқчиликка солардим.

Бироқ, орадан озгина вақт ўтмай хотиним касал

бўлиб қолди, бир оздан кейин ўлди, кўпчилик йиғилиб келиб, менга ва хотинимнинг қариндошларига таъзия билдирдилар, подшо ҳам келиб менга таъзия билдирди. Ювғучи хотинни келтириб, уни ювиб, энг яхши кийимларини кийдирдилар, зийнат асбобларини, бўйнига қимматли тошларини тақдилар, кейин тобутга солдилар, кўтаришиб, ўша тоққа қараб жўнадилар, қудуқнинг оғзидан тошни кўтариб, хотинимни унга ташладилар. Кейин ҳамма йўлдошларим, хотинимнинг қариндошлари олдимга келиб мен билан видолашдилар, мен уларнинг ўртасида туриб: «Мен бир ғариб кишиман, сизларнинг одатингизга чидолмайман!»—деб бақирардим. Улар гапимга қулоқ ҳам солмадилар, сўзларимга эътибор ҳам қилмадилар. Улар мени ушлаб, зўрлаб боғладилар, ўз одатларича етти нон ва бир кўза ширин сув қўшиб, мени ўша қудуққа туширдилар, қарасам, у тоғ тагидаги катта ғор экан. Менга: «Ўзингни арқондан бўшат!»— дедилар. Мен рози бўлмадим, улар арқонни ташлаб юбордилар, сўнг ўша катта тош билан қудуқ оғзини бекитиб ўз йўлларига кетдилар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз эллик тўртинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрийни ғорга ўлган хотини билан туширганларидан кейин унинг оғзини бекитиб, ўз йўлларига кетибдилар.

Синдбод баҳрий айтади: «У ғорда кўп ўликларни кўрдим, сасиб жуда бадбўй бўлиб кетган, кейин қилган ишимга ўзимни ўзим койиб:

«Бошимга тушган савдоларга ва барча кўрган-не-чирганларимга ўзим гуноҳкорман»,— дер эдим. Кеча билан кундузни айиролмайдиган, озгина нарсага қаноат қиладиган бўлиб қолдим, жуда оч қолмасам, емасдим, ташналик кучаймаса, ичмасдим, қўлимдаги емак-ичмакнинг батамом тугаб қолишидан жуда кўрқардим. «Оллоҳдан бошқадан мадад йўқ, бу шаҳарда уйланиш деган нарса қандай бир зўр бало экан»,— дедим. Энди бир мусибатдан қутулдим десам, яна ундан зўрроқ бир мусибатга дучор бўлибман. Бу ўлим энг шум ўлим! Кошкийди, денгизга фарқ бўлсам, ёки тоғда ўлсам, бу ёмон ўлимдан ўша яхши эди!»

Ўзимни-ўзим койирдим, ўликлар суяги устида ухлардим, оллоҳдан ёрдам сўрардим, шу кунимдан кўра ўлимни орзу қилардим. Очлик қалбимни куйдиргунча, ташналик алангалангунча шу ҳолда яшадим. Пайпаслаб нон топиб олиб, ундан озгина ердим, сувдан озгина хўплардим. Ўрнимдан туриб, хаёл суриб тўхтаб қолардим. Форда у ёқдан-бу ёққа юра бошлардим. Қадим замонлардан бери чириб ётган суяклар ва ҳисобсиз ўликдан узоқроқда бир жой тайёрладим, у ерда ухлаб юрдим, емак-ичмагимдан озгина нарса қолди. Бир кун ёки ундан ҳам кўпроқ вақт ичида бир марта еб-ичардим.

Кунларнинг бирида хаёл суриб, емак-ичмакларим тугаб қолса нима қиламан, деб ўтирганимда, қудуқ оғзидаги тош ўз жойидан қўзғалиб менга ёруғлик тушди. Мен: «Ҳой ким, нима гап?»— дедим. Қарасам, қудуқ оғзида анча одам турибди, улар бир ўликни, у билан бирга тирик хотинни туширдилар. У хотин ўз ҳолига ачиниб йиғларди, унга атаб кўп миқдорда емак-ичмак туширдилар. Мен хотинни кўрардим, аммо у мени кўрмасди, келган одамлар тош

билан қудуқ оғзини бекитиб, йўлларига қайтиб кетдилар.

Ўрнимдан туриб, қўлимга бир ўликнинг болдир суягини олиб хотиннинг олдига келиб, қоқ миясига урдим, у ҳушдан кетиб йиқилди, иккинчи, учинчи уришимда ўлди. Унинг нон ва бошқа нарсаларини олдим, қарасам, эғнида нафис кийимлар, бўйнига жавоҳир ва асл тошлар тақилган. Ҳаммасини олиб форнинг бир чеккасида ўзимга тайёрлаб қўйган жойга келиб ўтирдим, у емак-ичмаклардан бир оз-бир оз тановвул қила бошладим.

Шу форда бир қанча вақт туриб қолдим, ҳар бир кўмилган одам билан бирга тирик дафн қилинган кишини ўлдириб, унинг емак-ичмагини олиб, шу билан озиқланардим. Кунларнинг бирида уйғониб форнинг бир томонида бир нарсанинг қитирлаганини эшитдим ва «бу нима экан?» деб ўрнимдан туриб у тарафга қараб юрдим, қўлимга ўликнинг болдир суягини ушлаб олган эдим; қитирлаган нарса мени сезгач, қочди, қарасам, бир йиртқич ҳайвон экан. Унинг орқасидан форнинг юқорисигача бордим, кичик бир жойдан юлдуздек бир ёруғлик кўринди, гоҳ кўринар, гоҳ кўринмай қоларди.

Ёруғни кўргач, у тарафга қараб юрдим, яқинлашганим сайин ёруғлик кенгая бошлади. У ер фордан ташқарига чиқадиган бир ёриқ экан, ўзимча: «Бу жойдан ташқари чиқадиган бирор ер бўлиши керак ё мени туширган ерларига ўхшаш иккинчи бир ердир, ёки бу ўпирилган бир жойдир», дедим. Бир оз ўйлаб кўриб ёруғлик тушган томонга юриб бордим. Қарасам, тоғнинг орқа тарафидан йиртқич ҳайвонлар тешган жой экан, улар шу тешикдан ичкари кириб, тўйгунларича ўлик еб, яна ўша ердан чиқиб кетар эканлар.

Бу ерни кўргач суюндим, ўлиб тирилгандай, ухлаб туш кўргандай бўлдим. Кейин у тешикни кенгайтириб, у ердан чиқдим; ўзимни тоғ устида, шўр денгиз ёнида кўрдим, у тоғ икки денгизни ва шаҳар билан жазира ўртасини кесиб ўтган экан. Ҳеч ким унга чиқолмас экан. Оллоҳга шукур қилиб, ҳамд этдим, дадил тортиб қолдим. Қайтиб тешикдан ғорга кирдим, йнғиб қўйган егуликларимни олиб чиқдим. Яна кириб, ўликларнинг кийимларини олиб, устимдаги кийимимни ечиб ташлаб, ўша кийимлардан кийдим, ўликларнинг бўйнидаги зийнат асбоблар, марварид ва жавоҳирлар, ҳар хил маъдан қадаб ясалган олтин-кумуш зийнат асбобларни олдим, уларни ўраб, тешикдан тоғ орқасига чиқиб, денгиз лабига бориб турдим; ҳар кун ғорга кириб, янги дафн қилинган кишиларни текшириб, егуликларини олиб, эрми, хотинми ўлдириб, тешикдан чиқардим. Денгиз ёнида оллоҳдан нажот тилаб, шояд бир кема ўтса деб кутиб ўтирардим...»

Қисса шу ерга етгач тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз эллик
бешинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий ғордан зийнат асбоблар ва бошқа нарсаларни ташиб, бир қанча вақт денгиз ёнида ўтирибди.

Синдбод баҳрий айтади: «Кунларнинг бирида, денгиз ёнида ўйлаб ўтирганимда тўлқинланиб, ҳайқириб турган денгиз ўртасида бир кема кўриниб қолди. Уликларнинг бир оқ кийимини олиб бир ҳассага

боғлаб, тоғ устига чиқиб ҳилпиратиб турдим. Йўловчилардан бирининг кўзи тушиб кўргунча ишорат қила бердим, улар менга яқин келдилар, овозимни эшитдилар, менга бир қайиқча юбордилар. Қайиқда бир қанча киши бор эди, улар келиб: «Кимсан, бу жойда нима қилиб ўтирибсан, бу тоққа қандай чиқдинг, умримизда бу тоққа келган кишини кўрмагандик?»— деб сўрадилар. Уларга: «Мен савдогар эдим, тушган кемам ғарқ бўлди, бир парча тахтага чиқиб олдим, жадду жаҳдим ва чаққонлигим туфайли кўп қийинчиликлар орқасида бу ерга чиқишни оллоҳ менга насиб этди»,— дедим. Улар мени қайиққа олдилар, ҳамма нарсаларимни кемага ортидилар; кеманинг дарғаси олдига олиб чиққунча ҳамма нарсаларим ўзим билан бирга эди. Дарға менга: «Эй инсон, бу ерга қандай қилиб келдинг, бу катта бир тоғ, орқасида азим шаҳар бор, мен умр бўйи бу денгизда сафар қиламан, бу тоғ олдидан ўтаман, бу ерда ваҳший ҳайвонлардан, қушлардан бошқа кимсани кўрган эмасман!»— деди. Унга: «Мен бир савдогар эдим, бир катта кемада келаётганимда кема пора-пора бўлди, мана шу моллардан кўпи ғарқ бўлиб кетди. Бир катта тахта устида оллоҳнинг қудрати билан ва насибам менга ёр бўлиб, бу тоққа чиқиб олдим. Бирор киши ўтиб қолса, мени олиб кетармикан, деб мунтазир бўлиб турардим»,— дедим.

Кемада яна ўша шаҳардан бирор киши бор бўлмасин деб шаҳарда, ғорда кўрган-кечирганларимни билдирмадим. Кема эгасига молимдан кўп нарса ажратиб, унга: «Эй хожам, бу тоғдан қутулишимга сабабчисан, буни қилган яхшилигингга мендан қабул қилиб ол»,— дедим. Аммо дарға уни олмади, менга: «Биз ҳеч кимдан бирор нарса олмаймиз, денгиз қирғоғида ёки жазирада ғарқ бўлганларни

кўрсак, уни кемага солиб оламыз, едирамиз-ичирамиз, яланғоч бўлса кийинтирамыз, эсон-омон бандарга етгандан кейин ўзимиз унга ҳадя берамиз, яхшилиқ қиламыз»,— деди.

«Умринг узоқ бўлсин»,—деб дуо қилдим. Жазирадан-жазирага, денгиздан денгизга ўтиб сафар қилдик. Саломат қолганимга шукур қилардим, хотиним билан ғорда ўтирганим эсимга тушганда, ҳушим учарди. Ниҳоят, оллоҳнинг қудрати билан Басра шаҳрига етиб, кемадан тушдик, бир оз у ерда туриб, Бағдод шаҳрига — уйимга етиб келдим. Оилам ва йўлдошларим билан эсон-омон кўришиб, улардан ҳол-аҳвол сўрадим, ҳаммалари саломат келганимга севиниб табрикладилар. Сафардан олиб келган мол-мулкларимни омборга жойлаб, кейин садақа, совғалар бердим, етим-есирларни кийинтирдим, аввалгидек дўстларим билан маишат, улфатчилик, ўйин-кулгига киришдим.

Тўртинчи сафаримда кўрган-кечирганларимнинг энг қизиқлари ана шулар. Эй биродар, кечки таомни олдимда еб, оладиганингни ол, эртага олдимга келсан, сенга бешинчи сафаримда кўрган-кечирганларимни ҳикоя қиламан, улар яна ҳам ажойиб ва ғаройиброқдир».

Шундан кейин унга юз мисқол олтин беришга буюрди, дастурхон ёзилди, ош-нон тортилди, йиғилган кишилар кечки таомни еб, уй-уйларига қайтиб кетдилар, улар жуда ҳайратда қолиб: «Ҳар бир ҳикоя аввалгисидан ажойиб»,— дер эдилар.

Синдбод ҳаммол ўз уйига кетди; тонг отиб, нури билан ҳамма ёқни ёритгач, Синдбод ҳаммол ўрнидан туриб бомдод намозини ўқиб, Синдбод баҳрийнинг уйига қараб кетди, бориб унга: «Эргангиз хайрли бўлсин»,— деди. Синдбод баҳрий: «Хуш келдинг!»— деб

бошқа йўлдошлари келгунча ёнида олиб ўтирди. Йўлдошлари келгандан кейин едилар, ичдилар, вақтихушлиқ қилиб ўтирдилар, ораларида суҳбат бошланди ва Синдбод баҳрий айтди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

БЕШИНЧИ ҲИКОЯ



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод ҳикоясини давом эттириб,— Синдбод баҳрий бешинчи сафари

вақтидаги саргузашти ҳақида сўз бошлаб: «Эй биродарлар, билинглари, тўртинчи сафаримдан қайтиб келганимдан кейин ўйин-кулги ва кўнги хушликка фарқ бўлдим, кўрган-кечирганларим ва тортган машаққатларимни савдо ва фойдага ҳирс қўйиб ҳаммасини унутдим. Яна чет мамлакат, жазираларга бориб

саёҳат қилиш, савдо билан сафар қилишни орзу қилиб қолдим. Денгиз сафарига муносиб нафис ва қимматли моллар олдим, юкларимни боғлаб, Бағдод шаҳридан Басра шаҳрига жўнадим. Соҳил бўйлаб кетаётганимда катта, баланд ва кўркам кемани кўрдим, уни жуда ҳавас қилдим, сотиб олиб, дарға ва денгизчилар ёлладим, кемага қулларим ва хизматчиларимни назоратчи қилиб қўйдим. Кемага юкларимни ортиб тургандим, бир тўда савдогарлар олдимга келиб, улар ҳам ҳамроҳ бўлдилар, байлашиб кемага юкларини ортдилар, ҳаммамиз шод ва хурсанд бўлиб сафарга жўнадик.

Жазирадан жазирага, денгиздан денгизга ўтиб

сафар қилдик, шаҳар ва жазираларда олди-сотди қилардик. Кунларнинг бирида одамзод оёғи тегмаган бир жазирага етдик. Жазира жуда хароб бўлиб, унда оқ, катта бир гумбаз турарди, савдогарлар уни томоша қилгани кетган эдилар. У гумбаз рух деган улкан қушнинг тухуми эди, савдогарлар жазирага чиққач, тухумни томоша қилибдилару, рух тухуми эканини билмабдилар. Тош билан урган эканлар, синиб, анча сув оқиб, ундан рухнинг жўжаси кўринибди, жўжани тухум ичидан чиқариб олибдилар. Сўйиб, анча-мунча гўшт олишибди. Мен кемада, бундан беҳабар эдим, улар қилган ишларидан мени хабардор ҳам қилмабдилар.

Бир вақт йўловчилардан бири келиб: «Эй хожам, мана буни томоша қил, биз уни гумбаз деб гумон қилган эканмиз»,— деди. Бориб қарасам, тухумни уриб пачоқ-пачоқ қилмоқдалар. Уларга: «Бу ишингиз чакки бўлибди, рух қуши билиб қолса, кемамизни синдиради ва ҳаммамизни ҳалок қилади»,— дедим. Тўсатдан қуёш биздан ғойиб бўлди, кундузи қоронғиликка айланди. Устимизни бир булут қоплаб олиб, қоронғиликда қолдик. Қуёш билан бизнинг ўртамиз-ни тўсган нима деб, бошимизни кўтариб қарагандик, рух қанотларини кўрдик, қуёш нурини тўсиб, ҳавони қоронғилатган шу экан. Рух келиб тухумнинг синганини кўргач, бизнинг пайимизга тушиб, қаттиқ қичқирди, урғочиси ҳам келди. Улар кема устида момақалдироқдан ҳам қағтиқ қичқириб, айлана бошладилар. Мен дарғага ва денгизчиларга бақириб: «Кемани денгизга суриглар, қутулиш чорасини изланглар»— дедим. Дарға шошилди, савдогарлар кемага чиқдилар, кемани ечиб, у жазирадан жўнадик.

Денгиздан жўнаб кетганимизни кўриб, рух бир оз

кўринмай кетди; биз улардан қутулиб кетиш учун кемани тезлатдик; аммо улар иккови орқамиздан қувиб кела берди, ҳар бирининг оёғида тоғдан катта тош бор эди, рух у тошни ташлаганди, дарға кемани буриб юборди, тош кемадан бир оз нарига, денгизга тушди. Кема сувдан бир кўтарилиб яна тушди, тош шундай зарб билан тушдики, натижада биз денгиз остини кўрдик. Рухнинг урғочиси ҳам олиб келган тошни устимизга ташлади, у аввалгисидан кичикроқ эди. У кеманинг қуйруқ томонига тушди, кемани синдирди ва рули йигирма бўлак бўлиб учиб кетди. Кемадаги ҳамма нарсалар денгизга ғарқ бўлди. Жон ширинлигидан қутулиш чорасини изладим. Оллоҳ менга парчаланган тахталардан бирини етказди, унга ёпишиб, устига миниб олдим, оёғим билан тепина бошладим; шамол, тўлқин сузиб кетишимга ёрдам берди. Кема денгиз ўртасида, жазирага яқин жойда ғарқ бўлган эди. Оллоҳ изми билан тақдир мени бир жазирага етказди. Жазирага чиққанда тортган очлик, ташналик, машаққат, чарчоқларимнинг зўрлигидан ўлим ҳолатида эдим.

Оёқ кўтариб бир қадам босишга мадорим келмас эди.

Кейин бир оз денгиз қирғоғида дам олиб чўзилиб ётдим; сўнгра жазира бўйлаб юриб қарасам, жаннат боғчаларига ўхшаган бир боғча: дарахтлари яшнган, анҳорлари тўлқинланиб оқиб турган, қушлари боқий ва азиз парвардигорга тасбеҳ этиб сайрарди.

Бу жазирада ҳар хил дарахт, мева, турли-туман гуллар бор эди; мен у мевалардан тўйгунимча едим, ташналигим қонгунча анҳорлардан сув ичдим, оллоҳга ҳамд ва ташаккур айтдим...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз эллик
еттинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий гарқ бўлишдан қутулиб жазирага чиққач, жазиранинг меваларидан еб, анҳорининг сувларидан ичиб, оллоҳга ҳамду санолар айтибди.

Синдбод баҳрий дейди: «Жазирада кеч киргунча шу ҳолатда ўтирдим, кеч киргач, чарчоқ, кўрқинч сабабидан ўлган кишидек бемажол бўлиб ўрнимдан турдим. Жазирада бирон овоз ҳам эшитмадим, биронта кишини ҳам кўрмадим. Жазирада тонг отгунча ётдим, сўнгра ўрнимдан туриб, дарахтлар орасига қараб юрдим.

Оқар чашмадан чиқаётган бир ариқни кўрдим, ариқ бўйида бир нуруний кекса ўтирарди, у кекса дарахтлар япроғидан ўзига лунги тутган эди. Мен ичимда: «Бу кекса, кемаси синиб денгизда гарқ бўлганлардан бири бўлса-ю, бу жазирага чиқиб қолган бўлса ажаб эмас»,— дедим-да, яқин бориб салом бердим. Гапирмай, саломимга ишорат билан жавоб қайтарди. Унга: «Эй ота, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?»— дедим, бошини қимирлатиб, қайғули қиёфада қўли билан менга ишорат қилиб: «Мени бу ердан елкангга кўтариб иккинчи ариқ ёнига олиб бор»,— дедан бўлди. Ўзимча: «Бунга яхшилик қилиб истаган жойига олиб бориб қўяй, шояд савоби тегса»,—деб, елкамга кўтариб, ишорат қилган жойига олиб бордим. Унга секингина «туш» дедандим, елкамдан тушмай икки оёғини бўйнимга ўраб олди, оёғига қарасам, говмишининг терисига ўхшаган қора ва қаттиқ экан, кўрқиб кетдим, елкамдан ирғитиб ташламоқчи бўлсам, икки оёғи би-

лан гарданимни сиқиб бўғди, дунё кўзимга қоронғи бўлиб ҳушсизланиб ўликдек ерга йиқилдим. У икки илғини кўтариб, орқамга, кифтимга урди, қаттиқ алам ўтганидан ўрнимдан дик этиб турдим, шунда ҳам у кифтимга миниб турарди, шу сабабли жуда чарчадим, «дарахтлар ичига кир»— деб қўли билан менга ишора қилди. Сермева жойга кирдим; унинг айтганини қилмасам, қамчин билан ургандан ҳам баттароқ қилиб оёғи билан урарди. Қаерни хоҳласа қўли билан ишора қилиб, ўша ерга олиб боришимни талаб қиларди, кучим етса айтган ерига оборардим. Сустилик қилсам, мен гўё унинг асиридай, урарди.

Гоҳо жазира ўртасидаги дарахтлар орасига кирардик, у елкамда туриб катта-кичик таҳоратини ушатарди ва кеча-кундуз елкамдан тушмасди; ухлагиси келса, икки оёғини бўйнимга ўраб олиб озгина мизғиб оларди, сўнгра туриб мени урарди. Мен дарров ўрнимдан туриб кетардим. Ундан тортган машаққатимнинг қаттиқлигидан асло унга қаршилиқ кўрсатолмасдим, унга шафқат қилиб елкамга кўтарганим учун ўзимни-ўзим маломат қилардим.

Жуда огир аҳволда қолгандим. Ўзимга-ўзим: «Бунга яхшилик қиламан деб, нима кунларга қолдим. Худо урсин, энди умримда бировга яхшилик қилсам!» Азбаройи қийналиб кетганимдан ҳар соат ва ҳар дақиқада оллоҳдан ўлим тилардим. Кунлардан бир кун у кекса билан бир жойга келдим, у ерда кўп қовоқ кўрдим, қуриб қолган бир катта қовоқни олиб, оғзини очдим, ичини тозаладим, тоққа бориб уни узумга тўлдирдим, оғзини маҳкамлаб, бир неча кун мусаллас бўлгунча офтобга қўйдим; у саркаш шайтонни кўтарганимда чарчамаслик учун ҳар куни шу мусалласдан ичиб турдим.

Кунларнинг бирида мен мусаллас ичиб ўтирганим-

да, менга қараб қўли билан ишора қилиб: «Бу ни-ма?»— деди. Мен унга: «Бу ёқимли бир нарса, юрак-ни бақувват қилади, кўнгилни очади»— дедим. Сўн-га у билан дарахтлар орасида чопиб ўйнадим, маст-ликдан менда хурсандлик пайдо бўлиб, чапак чалиб, ашула айтиб, кўнгил очардим. Мени бу ҳолатда кўр-гач ичмоқчи бўлиб «қовоқни менга бер», деб ишора қилди, қўрқанимдан бердим, у қолган мусалласнинг ҳаммасини ичиб, қовоқни ерга отди.

Вақти хуш бўлиб, елкамда турганича жон кириб қимирлади. Кейин жуда маст бўлиб, ҳамма аъзолари, бўғин-бўғинлари бўшашиб, кифтимда бир томонга қа-раб қийшая бошлади. Унинг мастлигини, ўзидан кет-ганини билганимдан кейин, икки оёғини чўзиб бўй-нимдан айирдим, ерга энгашиб ўтириб, уни ерга таш-ладим...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳи-коя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттир-ди Шаҳризод.— Синдбод баҳрий айтади: «Шайтон-

ни елкамдан ерга ташлагандан ке-йин ҳам бу балодан қутулишимга ишонмасдим. У кайфи тарқалиб, менга зарар етказди деб қўрқдим, бир катта тош олиб келиб, ухлаб ёт-ганида бошига урдим., гўшти қонига аралашиб ўлди. Денгиз соҳилидаги аввалги жойимга келдим. Кўзим тўрт бўлиб кема кутардим. Саргу-

*Беш юз эллик
саккизинчи кеча*

заштларимни ўйлаб, ўзимга-ўзим: «Оллоҳ мени эсон-омон ўз мамлакатимга, оилам ва йўлдошларим ёнига етказармикан, деб ўтирган эдим, тўлқинланиб, пиш-

қириб турган денгизнинг ўртасидан бир кема чиқиб кела берди ва жазирага келиб тўхтади. Йўловчилар кемадан жазирага тушдилар, мен уларга қараб юр-дим, мени кўриб, ҳаммалари тез-тез юриб менга қараб келдилар, ҳол-аҳвол сўрадилар. Аҳволим ва саргузаштларимдан уларга хабар бердим. Ғоят таажжуб қилиб, менга: «Елканга минган кишини Шайхул баҳр деб атайдилар, ҳеч ким унинг оёғи ос-тига кириб саломат қутулган эмас; саломат қутул-ганинг учун оллоҳга ҳамд бўлсин»,— дедилар.

Менга бир оз таом, кийим келтирдилар, кийимни кийиб авратимни бекитдим. Мени ўзлари билан олиб кемага тушдилар, бир неча кеча-кундуз юрдик. Тақ-дир бизни ҳамма уйлари денгизга қараган, бинолари баланд бир шаҳарга келтириб ташлади. Бу шаҳар маймунлар шаҳри эди. Кечалари бу шаҳар одамлари маймунлардан қўрқиб, денгиз тарафидаги эшикдан чиқардилар, қайиқ ва кемаларга тушиб, денгизда ётар эдилар.

У шаҳарни томоша қилиш учун кемадан чиққан-дим, билмай қолибман, кема жўнаб кетибди. Пушай-мон қилдим, йўлдошларимни ўйлаб, биринчи ва ик-кинчи сафаримда маймунлардан кўрган кунларимни ўйлаб, қайғуриб, йиғлаб ўтирган эдим, шаҳар халқи-дан бир киши олдимга келиб: «Эй ҳсжам, бу ерда сен гарибга ўхшайсан?»— деди. Унга: «Ҳа, гариб ва мискинман, шаҳарни томоша қиламан деб кемадан чиққандим, кема жўнаб кетибди»,— дедим. У: «Тур бўлмаса, мен билан бирга юр, қайиққа туш, кечаси шаҳарда қолсанг, маймунлар ҳалок қилади»,— деди. «Хўп бўлади»,— деб дарҳол ўрнимдан турдим, қайиқ-қа тушдим, денгиз соҳилидан бир мил узоқлашгунча юрдик. Шу кеча денгизда ётдик, тонг отгандан ке-йин қайиқда шаҳарга қайтиб, ҳар ким ўз ишига кет-

ди. Уларнинг одати шу экан. Кечаси айрилиб шаҳарда қолганларни маймунлар ҳалок қиларкан. Маймунлар кундузи шаҳардан чиқиб, боғларнинг меваларини ейишиб, кечгача тоққа чиқиб ётар, кейин шаҳарга қайтарканлар. Бу — Судан мамлакатига қарашли шаҳар экан.

Қайиқда бирга ётган кишиларимиздан бири бир кун менга: «Эй хожа, бу юртда ғариб экансан, билдиган бирон ҳунаринг борми?»— деб сўраб қолувди, мен: «Эй биродар, худо ҳақи, ҳеч қандай ҳунарим йўқ, бирор ишни билмайман ҳам. Мол-дунёлик савдогар эдим, ўз кемам, кемамда молларим кўп эди, у денгиз тўлқинида парчаланиб, барча нарсалар ғарқ бўлиб кетди. Ўзим ғарқ бўлишдан нажот топдим. Оллоҳ менга бир парча тахтани насиб қилиб, унга чиқиб олдим, шу билан омон қолдим»,— дедим. У киши бир халта келтириб, менга: «Бу халтани олиб, ғордаги залт тоши билан тўлдириб келгин, мен сени шаҳарликларга йўлдош қилиб қўяман. Улар нима қилса, шуни қил, шояд бир ҳунар орттирсанг, сафарингда, юртингда ҳам қўл келади»,— деди.

Сўнгра у одам мени шаҳардан ташқарига олиб чиқди, залт тошининг майдаларини тозалаб олиб тўрвани тўлағдим. Ҳалиги одам мени бир гуруҳ одамга йўлдош қилиб қўшди ва уларга: «Бу ғариб одам, унга тош териб олишни ўргатинглар, шояд шу билан овқатини ўтказса, сизларга савоби тега»,— деди. Улар: «Хўп бўлади»,— дейишиб, менга: «Хуш келибсан, юр биз билан дедилар». Уларнинг ҳар бирида меникига ўхшаш залт тоши тўлдирилган тўрва бор эди. Биз ҳеч ким устига чиқолмайдиган, баланд-баланд дарахтлари кўп кенг бир водийга етгунча юрдик. У водийда маймунлар кўп экан, бизларни кўргач ҳуркиб, дарахтларнинг

устига чиқиб кетишди. Одамлар халталаридаги тошлардан маймунларга ота бошладилар, маймунлар ҳам дарахт меваларини узиб отар эдилар.

Маймунлар отаётган меваларга қарасам, ҳинд ёнғоғи экан. Мен ҳам маймуни кўп катта бир дарахт тагига келиб тош ота бошладим, маймунлар менга ёнғоқ отишарди, мен уларни йиғиб олардим, тўрвадаги тош тугамасданоқ анча йиғиб олдим. Йиққан ёнғоқлардан кучимиз етганча халтага солиб олдик, кун оққанда шаҳарга қайтдик, йиғиб келган ёнғоқларимнинг ҳаммасини уй эгасига топширгандим, у менга: «Сотиб, пулини ёнингга солиб қўй!»— деди. Менга уйининг калитини бериб: «Ёнғоқларингни бу жойга қўй ва ҳар кун бориб ёнғоқ тер, келтирган ёнғонингни саралаб сот, яхшисини бу жойда сақла, пули шояд сафарингга яраб қолса»,— деди. Айтганидек қилдим, ҳар кун тўрвани тошга тўлдириб, қавм билан бирга бориб ёнғоқ тердим, улар мени меваси кўп дарахтларга бошлар эдилар.

Бир қанча вақт шундай ёнғоқ териб юрдим, жуда кўп ёнғоқ тўпладим, кўп қисмини сотдим, пулим ҳам кўпайиб қолди.

Бир кун денгиз қирғоғида турганимда, бир кема келиб тўхтади. Бу савдогарлар кемаси эди. Улар олди-сотдига, ҳинд ёнғоғи ва бошқа мол алмаштиришга киришдилар.

Йўлдошимнинг олдига келиб, кема келганини, юртимга қайтмоқчи бўлганимни хабар қилдим. У: «Ихтиёр ўзингда»,— деди. У билан видолашдим, қилган яхшиликларига ташаккур билдирдим, сўнгра дарға билан кира ҳақида сўзлашиб, қўлимдаги ёнғоқ ва бошқа молларни кемага солиб жўнаб кетдим...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳижоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз эллик
тўққизинчи кеча*

Синдбод баҳрий шаҳрида ҳикоясини давом эттирди. Шаҳризод,— Синдбод баҳрий маймунлар шаҳрига келган кемага ҳинд ёнғоғи ва бошқа молларини ортиб, юртига жўнабди.

Синдбод баҳрий айтади: «Савдогарлар ўша кунни кема билан жўнаб кетдилар. Жазирадан жазирага, денгиздан денгизга сайр этдик. Қайси жазирада тўхтасак, ёнғоқ алмаштирдим, сотдим, илгари вақтдагидан ҳам кўпроқ мол-дунёли бўлдим.

Бир жазирага келсак, унда долчин, мурч дарахти ўсар экан. Кўрган кишиларнинг айтишича, мурч дарахтининг соя бериб турадиган катта барги бор эмиш, ёмғир ёққанда у барг ёмғирдан сақлаб турар экан, ёмғир тўхтаса, бошоқ устидан четга айланар экан. Бу жазирада ҳинд ёнғоғига жуда кўп долчин ва мурч алмаштириб олдим.

Биз Асарот деган жазирадан ўтдик, у ерда қумори ёғочи ўсарди, иккинчи бир жазира ёнидан ўтдик, масофаси беш кунлик йўл эди. Унда чуби чиний деган хитой ўсимлиги бор эди. У қумори ёғочидан ҳам яхши ўсимлик эди. Қумори ёғочи ўсадиган жазира халқлари динга маҳкам бўлмай, айш-ишрат ва ичкиликка берилгандилар, намоз ўқишни билмасдилар.

Марварид чиқадиган ерга келдик, ғаввосларга бир оз ҳинд ёнғоғи бериб: «Бахт ва омадим учун шўнғинлар!»— дедим, улар денгизга шўнғидилар, қиммат баҳо катта дурлардан анча олиб чиқдилар. Менга: «Эй хожам, худо ҳақи, бахтли экансан»,— дейишди. Оллоҳнинг баракатига таваккал қилиб жў-

наб кетдик. Басра шаҳрида бир неча кун туриб, у ердан Бағдод шаҳрига жўнадим. Бағдодга етиб, уйимга кирдим. Ери биродарларим билан эсон-омон кўришдим, улар саломат келганим билан табрикладилар. Олиб келган мол-матоларимни омборга солдим. етим, беваларга садақа бердим, уй ичимдагиларга, қавм-қариндош ва дўстларимга совғалар бердим.

Фойданинг кўплигидан тортган азоб-уқубат, машаққатларимни унутдим, яна аввалгидек ишрат ва суҳбатга берилиб кетдим. Бешинчи сафаримдаги энг ажойиб ишлар шулар. Эртага келинлар, олтинчи сафарда рўй берган ҳодисаларни сизларга ҳикоя қилиб бераман, олтинчи сафарим ундан ҳам ажойиб».

Дастурхон ёздилар, кечки таомни едилар. Синдбод ҳаммолга юз мисқол олтин беришга буюрди. Синдбод ҳаммол уларни олиб, бу ишларга таажжуб қилиб, уйига қайтиб кетди. Тонг отгач, бомдод намозини ўқиб, Синдбод баҳрийнинг ҳовлисига етиб борди. Синдбод баҳрийнинг бошқа биродарлари келгунча суҳбатлашиб ўтиришди. Улар келгач, дастурхон тортдилар, едилар, ичдилар ва вақтихушлик қилиб ўтирдилар.

ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ



Синдбод баҳрий олтинчи сафарининг ҳикоясини бошлаб, деди: «Билинлар, эй биродарларим, дўст ва йўлдошларим, бешинчи сафардан келгач тортган азоб-машаққатларимни унутиб ўйин-кулгига, вақтихушликка берилдим, ўзим гоят шод ва хурсанд эдим.

Кунларнинг бирида ёнимга бир тўда савдогарлар кириб келди, уларнинг сафардан келгани билиниб турарди. Менинг кўнглим ҳам сафар ва савдони қўмсаб қолди. Сафарга чиқишни қасд қилиб, денгиз сафари-

га муносиб кўпгина нафис ва қимматли моллар со-
тиб олдим.

Юкларимни ортиб Бағдод шаҳридан Басра шаҳ-
рига жўнадим. Басрада катта бир кемани кўрдим,
унга катта савдогар ва мансабдорлар тушган экан,
уларнинг нафис савдо моллари ҳам бор экан. Юким-
ни кемага ортдим, эсон-омон Басра шаҳридан жў-
наб кетдик...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,—деб ҳи-
коясини давом эттир-
ди Шаҳризод,—Синдбод
бахрий юкларини кемага
солиб, Басра шаҳридан жўнаб ке-
тибди. Синдбод бахрий айтади:
Жойдан жойга, шаҳардан шаҳарга
сафар қилдик. Савдо қилдик, чет
мамлакатларни томоша айлаб, са-
фаримиз яхши ўтди, бахт бизга ёр
бўлди. Кунларнинг бирида тўсатдан
кема дарғаси бақириб-ҳайқириб,
салласини отиб, юзига уриб, со-

қолини юлиб, қаттиқ қайғуриб, кеманинг пастки қава-
тига тушиб кетди. Ҳамма савдогарлар, йўловчилар
йиғилиб, унга: «Эй дарға, нима гап?»—дедилар. Дар-
ға уларга: «Эй одамлар, билинглар, биз адашибмиз,
келаётган денгизимиздан чиқиб, бошқа бир денгизга
ўтиб кетибмиз. Бунинг йўлини мен билмайман, агар
худо бизни бу денгиздан қутултирадиган бирор мадад
етказмаса, ҳаммамиз ҳалок бўлиб кетамиз. Нажот сў-
раб ҳаммангиз оллоҳга ёлворинглар»,— деди. Кейин
дарға кема елканларини ечтирмақчи бўлган эди, ша-
мол кучайиб кемани орқага суриб юборди, бир ба-

ланд тоғ ёнида рули синиб кетди. Биз зўр бир ҳало-
катга дучор бўлдик. Халос бўлиш ва нажот топишга
йўл қолмади. Ҳамма йўловчилар жон аччиғида йиғ-
лаб, умрлари тугагани учун бир-бирлари билан видо-
лашар эдилар. Ҳамма умидини узиб қўйди, кема ўша
тоққа бориб урилиб синди, тахталари парча-парча
бўлиб кетди. Кемадаги барча нарсалар фарқ бўлди,
савдогарлар ҳам денгизга тушиб кетишди; баъзилари
фарқ бўлди, баъзилари тоққа тирмашиб чиқиб олди,
мен ҳам тоққа чиққанлар қаторида эдим. Қарасак,
жуда катта жазира, кўп кемалар синиб, жуда кўп
озиқ-овқат сочилиб ётибди. У жазирага денгиз
чиқариб ташлаган мол-матоларнинг кўплигига ақл
ҳайратда қоларди. Жазирага чиқдим, жазира бўйлаб
юрдим, жазиранинг ўртасида тоғнинг тагидан чиқиб
иккинчи томонига сингиб кетаётган ширин сувли чаш-
мани кўрдим; ҳамма йўловчилар тоғ усти билан жа-
зирага чиқдилар ва у ерда тарқалишдилар, денгиз
соҳилидаги мол-мулкларнинг кўплигини кўриб, жин-
нидай ақлдан озиб қолдилар.

У чашма ўртасида ҳар хил жавоҳир ва нафис маъ-
данлар, ёқутлар, подшоларга хос катта дурларни кўр-
дим, улар ариқларда, текисликларда майда тошлар-
дек ётишарди. Маъданлар, асл тошларнинг кўплиги-
дан чашма суви ярқиллаб кўринарди. У жазирада
хитой ўсимлиги ва қумори ўсимликлардан жуда кўпи-
ни кўрдик, чашмадан қайнаб чиқаётган амбар турла-
рини кўрдик, куннинг иссиқлигидан амбар эриб, ден-
гиз қирғоғига оқиб борарди. Денгиз ҳайвонлари
уларни ютиб, денгизга тушиб кетарди. Уларнинг қор-
нида қизигандан кейин денгизда оғзидан чиқариб таш-
ларди, сўнгра у сув юзида қотарди, ранги ва шакли
ўзгарарди, ниҳоят, денгиз уларни қирғоққа иргитиб
ташларди. Уни биладиган сайёҳ ва савдогарлар то-

*Беш юз олтмишни
тўлдирувчи кеча*

пиб олиб сотар эдилар. Хом, ютилмаган, холис амбарга келсак, у чашмада оқиб келиб қотиб қолади, унга қуёш тушгач, эриб оқади ва водийда ҳиди мушкдайданқиб туради. Кун ботгач у қолади. Амбар бор жойга ҳеч ким киролмайди ва ҳеч ким ўтолмайди, чунки у жазирани тоғ ҳар тарафдан ўраб олган, ҳеч ким у тоққа чиқолмайди.

Оллоҳнинг яратган нарсаларини ва нози неъматларини томоша қилиб юрдик, кўрган нарсаларимизга ҳайратланардик. Жазиранинг соҳилига бир оз озиқ-овқат йиғиб, кўпайтириб қўйдик. Улардан кунда бир ёки икки кунда бир ердик. Озиқ-овқатимиз тасомом бўлиб қолса, очликдан ўлмайлик, деб қўрқардик. Кимки ўлса, ювиб, денгиз қирғоғига чиқариб ташланган ипаклик моллардан кафан қилиб кўмардик. Кўп киши ўлиб кетиб, оз одам қолдик. Денгиз таъсиридан ҳаммамиз юрак оғриғи бўлиб, озиб кетдик. Охири у жазирада ёлғиз ўзим қолдим; озиқ-овқатдан ҳам озгина қолди. Кошкийди ҳамсафарларимдан илгари ўлган бўлсам, улар мени ювиб кўмардилар деб нола қилардим».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз олтмиш
биринчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,—Синдбод баҳрий ҳамма йўлдошларини кўмиб, жазирада бир ўзи қолибди. У ҳикоя қилади: «Жазирада ўзимга чуқур гўр қазидим, ўзимга ўзим: «Улишимга кўзим етса, бу қабрга ётиб, шу ерда ўламан. Шамол қумларни олиб келиб устимга сочар ва мен шу ерда дафн этилиб

қоларман»,— деб менга ақл битмаганига, ўз юртим ва шаҳримдан йироқларда сарсон бўлиб қолганимга, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи сафарларимда тортган машаққатларимга қарамай, яна чет мамлакатга сафарга чиққанимга ўзимни-ўзим қийин бошладим. Ҳар бир сафарим аввалгисидан машаққатлироқ ва қийинроқ бўлди-ю, шунда ҳам бундоғ бир танамга ўйлаб кўрмабман.

Денгизда сафар қилишдан, денгизга тушишдан тавба қилдим; молга муҳтож бўлмасам, қўлимда кўп мол-дунём бор, уларни умримнинг охиригача ҳам сарф қилиб тугата олмайман.

Сўнгра ўзимча ўйлаб дедим: «Худо ҳақи, бу дарёнинг аввали ва охири бўлиши керак, албатта, унинг бир чиқадиган жойи бор, ундан бир ободонликка етилса ажаб эмас. Ўзим сиғадиган бир қайиқ ясайман, бу дарёга тушираман, агар қутулишга имкон топсам, оллоҳнинг изни билан нажот топаман, агар қутулишга имкон тополмасам, бу жойда ўлгандан кўра, ана шу дарёга фарқ бўлганим яхшироқ».

Жазирадан анча чиний ва қумори ёғочлар йиғдим, уларни синган кемалар ипи билан денгиз қирғоғига маҳкам боғладим. Кема тахталаридан олиб келиб, шу ёғочлар устига қўйдим. Қайиқни ўша дарё кенлигидан мўъжазроқ қилиб ясадим.

Маъдан ва жавоҳир моллардан, катта-катта марварид ва бошқа нарсалардан, бир қанча тоза хом амбардан олиб, қайиққа солдим; жазирада йиққан нарсаларимни ҳам, қолган егуликларимни ҳам олдим, қайиқни дарёга туширдим, икки ёғочни икки ёнига эшкак қилиб боғладим, баъзи шоирларнинг сўзига амал қилдим:

Тору танқис уйни менга қолдириб кет, майлига,
 Қурди мўлжаллаб уни, қурган киши ғам-қайғуга.
 Майли, уй қурган киши айтганча бўлсин, ғам ютиб —
 Тангу тор уйда, қурувчи руҳига мотам тутиб.
 Иста кўп ерларни! Мумкинди, уни истаб топиш!
 Ухшатолмасан унга! Кел, шу кўнгулни тут, ёпиш!
 Умр ичи ўтган тасодифларни ўйлаб, куйма кўп,
 Бахтсизлик ҳам ўтар, ўтгунча кўксинг ўйма кўп!
 Ким қаерда ўлмоғи лозим экан, ўлгай келиб,
 Аждаҳо-гўр очса гар оғзини, ем бўлгай, келиб.
 Гар ишинг бўлса жадал ҳам, қўй, юборма сен, чопар.
 Бу кўнгул сенсиз, ўзи бир маслаҳатгўйни топар!

Дарё тоғ остига кириб кетадиган жойга етгунча сузиб бориб, сўнгра қайиқни шу ерга киритиб, тоғ остида қуюқ қоронғиликда қолдим, қайиқ мени сув оқими билан тоғ остидаги тор бир ерга етказди. қайиқ дарё қирғоқларига урила бошлади, ўзим бўлсам, бошим билан дарё камарига урилардим. Жонимга жабр қилганим учун ўзимни-ўзим койий бошладим: «Бу жой қайиққа торлик қилади, ундан чиқиш маҳол, қайтишнинг иложи йўқ, бу жойда бўғилиб ўламан, дарёнинг торлигидан қайиққа юзим билан ётиб олдим, кечадан кундузни ажратолмасдим. Дарё гоҳ кенгаяр, гоҳ тораярди, қаттиқ чарчадим, мудроқ босди.

Қайиқда юзим билан ётганимча ухлаб қолибман, оз юрганимни ҳам, кўп юрганимни ҳам билмабман, уйғониб кетиб қарасам, ёруғликка чиқиб қолибман, кенг бир жойда турибман, қайиғим бир жазирага боғланган, атрофимни ҳиндлар, ҳабашлар ўраб олган. Улар ўз тилларида мен билан гаплашардилар, аммо мен уларнинг нима деганларини билмасдим, ўзимни уйқуда ва булар ҳаммаси тушимда деб гумон қилардим.

Мен уларнинг гапига тушунмадим, уларга жавоб ҳам қайтармадим. Бири менинг ёнимга келиб,

араб тили билан: «Ассалому алайкўм, эй биродаримиз, кимсан, бу ерга қаердан келдинг? Бу сувга қаердан кирдинг ва бу тоғнинг орқасида қандай мамлакат бор, биз ҳеч вақт у ердан келган кишиларни кўрган эмасмиз»,— деди. Мен унга: «Сизлар ўзингиз ким бўласизлар, бу қандай жой?»— дедим. У менга: «Эй биродар, бизлар деҳқонлар, боғбонлармиз, боғларимиз, экинларимизни суғоргани келган эдик, қайиқда ухлаб келаётганимни кўриб, қайиқни тўхтатиб, боғлаб қўйдик, ўзи уйғонсин, дедик. Бизга хабар бер, бу жойга қаердан ва нима сабаб билан келдинг?»— деди.

«Оллоҳ йўлида, эй хошам, менга озгина таом келтир, мен очман, кейин хоҳлаган нарсанимни сўрайвер»,— дедим. У шошилиб бориб менга таом келтирди, тўйгунимча едим, кўнглим таскин топди, менга жон кирди. Оллоҳга ҳамд бўлсин; дарёдан чиқиб, улар билан учраганимга суюндим, аввалидан-охиригача саргузаштимни, бу дарёдан қандай ўтиб келганимни уларга ҳикоя қилиб бердим...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий қайиқдан жазира

қирғоғига чиққач, у ерда бир тўда ҳиндлар ва ҳабашларни кўрибди. Дам олиб чарчоғи кетгандан кейин, улар бундан ҳол-аҳвол сўрабдилар, уларга ўз қиссасидан хабар берибди, сўнгра улар бир-бирлари билан сўзлашиб: «Албатта биз буни ўзимиз билан бирга олиб бориб,



Беш юз олтмиш
 иккинчи кеча

подшоҳимизга кўрсатамиз, у саргузаштини подшога айтсин»,— дебдилар.

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «Улар ҳамма мол-дунёларим, жавоҳирларим, нафис маъданларим, зийнат-асбобларимни қайиққа солдилар ва мени подшоларининг олдига олиб бордилар, унга мендан хабар бердилар. Подшо менга салом бериб: «Хуш келдинг!»— деб мендан ҳол-аҳвол сўради. Мен ишларимдан, саргузаштларимни бошидан-охиригача айтдим. Подшо ҳикоядан ғоят таажжуб қилди, эсон-омон келганлигим учун мени табриклади. Мен ўрнимдан туриб, анча-мунча жавоҳир, хом амбар чиқариб, шоҳга ҳадя қилдим, шоҳ мени ғоят сийлаб, бир жойга туширди. Ҳинд ва ҳабашларнинг яхшилари ва катталари билан суҳбатлашдик, менга жуда ҳурмат ва иззат кўрсатдилар. Подшо саройидан ажралмайдиган бўлдим. Жазирага келувчилар мендан юртимиз ҳол-аҳволдан сўрадилар. Мен ҳам уларнинг мамлакати аҳволдан сўрадим.

Кунларнинг бирида подшо юртимиздан, Бағдод шаҳри халифасидан сўраб қолди. Мен унга халифанинг адолат билан ҳукм юритишини гапирдим. Шоҳ унинг ишларидан таажжуб қилиб, айтди: «Оллоҳ ҳақи, халифанинг ишлари оқилона экан. Сен унга муҳаббатимни оширдинг, мен унга сендан ҳадя юбормоқчиман». Мен унга: «Эй хожа, бош устига! Ҳадянгни етказаман, у киши сенга чин дўст, деб айтаман»,— дедим. Азиз ва мукаррам бўлиб яна кўп вақт яхши ҳаёт кечирдим.

Бир кун подшо саройида ўтирган эдим, бир тўда кишилар кема тайёрлаб Басра томонга сафарга чиқмоқчи бўлиб турганларини эшитдим. Ўзимга-ўзим: «Менга сафарда ҳамкорликка булардан мувофиқроқ кишилар йўқ»,— дедим. Шошилиб ўша соатда под-

шодан ижозат сўраб, қўлини ўпиб, кема тайёрладим. Подшо: «Ихтиёр ўзингда, бизнинг олдимизда туришни хоҳласанг, бош устига, сенга ўрганиб қолган эдик»,— деди. Мен: «Эй хожа, оллоҳ номи билан қасамёд қиламан, мени яхшилигинг, инъому эҳсонинг билан мамнун қилдинг, лекин мен мамлакатимга, ўз оиламга етишга муштоқман»,— дедим. Подшо менинг сўзимни эшитгач, кема тайёрлаб сафарга чиқмоқчи бўлиб турган савдогарларни ҳозир қилиб, мени уларга топширди. Менга кўп ҳадялар берди, кема ҳақини ҳам тўлади. Бағдод шаҳридаги Ҳорун ар-Рашид халифага мендан катта-катта ҳадялар юборди. Подшо ва ҳамма таниш-билишларим билан видолашдим. Сўнгра савдогарлар билан кемага тушиб жўнаб кетдик.

Шамол ҳамроҳлик қилиб, сафаримиз яхши бўлди. Бизлар оллоҳга таваккал қилиб, унинг изни билан то Басра шаҳрига эсон-омон етгунча денгиздан денгизга, жазирадан жазирага ўтиб сафар қилдик. Мен кемадан чиқиб, Басра шаҳрида юкларим ортилгунча бир неча кун туриб қолдим, сўнгра тинчлик макони бўлган Бағдод шаҳрига етиб бориб, халифа Ҳорун ар-Рашид ҳузурига кирдим ва унга аталган ҳадяларни тақдим қилдим. Халифага ҳамма саргузаштларимдан хабар бердим. Уйимга етиб бориб қавми қариндош, ёру биродарларим билан кўришдим. Молларимни хазинага қўйиб, қариндошларимга совғалар бердим, садақа чиқардим.

Кейин халифа мени чақиртириб, ҳадяни қаердан келтирганимни сўради. Мен: «Эй амир ал-мўминин, оллоҳ ҳақи, ҳадя келтирган шаҳаримнинг номини ҳам, йўлини ҳам билмайман, мен тушган кема фарқ бўлгач, бир жазирага чиққандим, деб сафарда кўрган-кечирганларимдан, қандай қилиб дарёдан қутулиб, у шаҳарга чиққанимдан, у шаҳарда кўрган-кечирган-

ларимдан хабар бердим. Халифа сўзларимни эшитиб ғоят таажжубланди, тарих ёзувчиларга буюриб, бунинг ҳикоясини ёзиб олинглар, ундан ҳар бир кўрган киши ибрат олсин, хазинага қўйинглар, деди.

У мени жуда сийлаб туҳфалар берди. Бағдод шаҳрида туриб, кўрган-кечирганларимни, тортган машаққатларимни унутдим. Олтинчи сафарда кўрган-кечирганларим шулар. Эй биродарлар, худо хоҳласа, эртага сизларга еттинчи сафарим қиссасини ҳикоя қиламан. Еттинчи сафарим ҳикояси ундан ҳам ажойиб ва ғаройибдир».

Синдбод баҳрий дастурхон ёзишга буюрди, кечки таомни унинг ҳузурида едилар. Синдбод баҳрий Синдбод ҳаммолга юз мисқол олтин беришга буюрди. У олтинни олиб ўз уйига кетди, жамоат ҳам тарқалишиб кетди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

ЕТТИНЧИ ҲИКОЯ



Й саодатли шоҳ,— део ҳикоя бошлади беш юз олтмиш учинчи кеча бўлгач Шаҳризод,—Синд-

бод баҳрий олтинчи сафарининг ҳикоясини қилгандан кейин, ҳар бирлари ўз йўлларига кетибдилар. Синдбод ҳаммол эса, ўз уйига қайтиб ётибди. Эртасига бондод намозини ўқиб, Синдбод баҳрий уйига келибди, бошқа йўлдошлари ҳам келишиб, жам бўлганларидан кейин, Синдбод баҳрий ет-

*Беш юз олтмиш
учинчи кеча*

тинчи сафарининг ҳикоясини сўзлай бошлабди:

«Билинглар, эй биродарлар, мен олтинчи сафаримдан қайтганимдан кейин, аввалгидан шод-хуррам бўлиб, кўнгил очишга, ўйин-кулгига ва шодликка берилиб кетдим.

Оқибатда чет мамлакатларга бориб томоша қилиш, денгизларда саёҳат қилиш, савдогарлар билан бирга ҳаёт кечиришни кўнглим тусаб қолди. Бу орзуларим гапига қулоқ солиб нафис матолар, денгиз сафарига лойиқ моллар олдим, юкларимни Бағдод шаҳридан Басра шаҳрига юбордим. Басрага келгач, сафарга тайёр бўлиб турган кемани кўрдим, кемада йирик савдогарлар бор экан, улар билан танишдим, шу билан соғ-саломат сафарга жўнаб кетдик.

Чин деган шаҳарга етгунимизча шамол бизга ҳамроҳлик қилди, шод ва хуррамлик билан сафар ва тижорат ишларидан суҳбат қуриб бордик.

Шу ҳолатда кетаётганимизда, кеманинг олд томонидан кучли бўрон қўзғалиб, ёмғир ёға бошлади, ўзимиз ивиб, юкларимиз ҳўл бўлди. Юкларимиз нобуд бўлиб кетмасин деб, устига кигиз ва шолча ёпдик, келган офатни даф қилгин деб оллоҳга дуо қилиб ёлвора бошладик. Шунда дарға ўрнидан туриб, камарини қаттиқроқ боғлаб, енг шимариб, елкан устунига чиқди ва ўнгу сўлга қарай бошлади. Кейин кемадагиларга қараб, юзига уриб, соқолини юлди. «Эй дарға, нима гап?»— деб сўрагандик: «Келган балодан қутулиш учун оллоҳдан нажот сўранглар. Бир-бирларингиз билан видолашинглар. Билингларки, бу шамол биздан ғолиб келиб, дунёнинг энг чеккасидаги денгизга келтириб ташлади»,— деди. Дарға устун тепасидан тушиб, сандиғидан бир ҳамён чиқариб ундан кулга ўхшаган тупроқ чиқарди, уни сув билан

хўллаб, бир оз туриб ҳидлади. Сўнгра сандиқдан бир кичик китобча чиқариб ўқиди ва бизларга: «Эй йўловчилар, билинглар, бу китобда ажойиб сир бор, кимки бу ерга етса, бу ердан нажот топмайди, ҳалок бўлади, деган сўзга далолат бор. Бу ер подшолар иқлими деб аталади, бу ерда саидимиз Довуд ўғли Сулаймоннинг (икковларини худо раҳмат қилсин!) қабрлари бор. У қабрда катта, даҳшатли илонлар бор. Ҳар бир кема бу иқлимга етса, денгиздан бир балиқ чиқиб, кемани ва кемадаги ҳамма нарсаларни ютади»,— деди.

Даргадан бу сўзларни эшитиб ғоятда таажжуб қилдик. Дарга сўзини тамомламасданоқ кема сувда жуда қаттиқ чайқала бошлади, момақалди роқдек қаттиқ бақриқ овозини эшитдик, қўрққанзимиздан ўликдек бўлиб қолдик. Бир вақт баланд тоғдек бир балиқ кемага ҳамла қилиб кела бошлади, ундан қўрқиб ҳолимизга йиғлаб, ўлимга таяёрландик. Яна иккинчи бир балиқ бизга қараб кела берди, бундай катта ва башараси хунук балиқни ҳеч кўрмаган эдик. Жонҳолатда бир-бирларимиз билан видолашдик, ҳаммамиз тинмай йиғладик.

Бир вақт қарасак, учинчи балиқ келяпти. Буниси икки балиқдан ҳам катта. Хавф ва қўрқинчининг зўрлигидан ҳеч нарсани сезмайдиган ва билмайдиган бўлиб қолдик. Бу уч балиқ кема атрофида айлана бошлади; учинчи балиқ кемани ютиб юборишга қасд қилди. Бир қаттиқ шамол туриб, кема катта бир қояга бориб урилиб синди, тахталари парча-парча бўлиб кетди. Ҳамма юклар, савдогарлар, йўловчилар денгизга гарқ бўлди. Мен устимдаги ҳамма кийимларимни ечдим, устимда бир кўйлақдан бошқа кийимим қолмади. Озгина сузиб бориб, парчаланган кема тахталаридан бирига осилдим, кейин устига

миниб олдим. Денгиз тўлқини ва шамол сув юзида мен билан ўйнашарди, мен тахтага маҳкам ёпишиб олгандим, тўлқин мени гоҳ кўтарар, гоҳ ташларди. Жуда қийналиб кетдим, қилган ишимга ўзимни-ўзим койидим. Ўзимга-ўзим: «Эй Синдбод баҳрий, асло тавба қилмадинг-қилмадинг-да. Шунча азоб-машаққат тортсанг ҳам, денгизда сафар қилишдан тавба қилмайсан, тавба қилсанг ҳам, барибир тавбанг ёлгон. Энди азобини тортавер, чунки ҳамма балo-қазoларга ўзинг мустаҳиқсан...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди. Шаҳризод,— Синдбод баҳрий денгизга гарқ бўлгач, бир ёғоч тахтага миниб олибди, ўзига-ўзи: «Бошимга келган ҳамма балоларга ўзим мустаҳиқман, барчаси оллоҳнинг азалдан менга ёзгани, нафсимни тиймагунимча булардан қутулмайман. Бу машаққатлар нафсимдан бўлаётир, чунки қўлимда мол-дунём кўп»,— дебди.



Беш юз олтиш тўртинчи кеча

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «Ўзимга келиб, қайтиб сафар қилмасликка чин кўнгиладан оллоҳга тавба қилдим. Сафарни тилда айтсам ҳам, дилимга келтирмайман, дедим. Оллоҳга ёлвордим. Кўрган роҳатларим, кўнгилочишларимни кўп ўйладим. Дастлаб сердарахт, серсув бир катта жазирага чиққунча шу аҳволда юрдим, дарахт меваларидан едим, анҳор сувидан тўйиб ичдим, жоним кириб, бир оз бақувват тортдим ва кўнглим очилди.

Жазиранинг иккинчи бир томонида ширин сувли катта бир дарёни кўрдим, дарё жуда тез оқарди. Илгари қайиқ ясаганим ёдимга тушиб, албатта яна бир қайиқ ясашим лозим, шояд бу офатдан нажот топсам, муродим ҳосил бўлиб, яна сафар қилишдан тавба қиламан, ҳалок бўлиб кетсам ҳам майли, машаққатдан қутуламан, дедим. Сўнгра мисли йўқ баланд сандал дарахти ёғочларидан йиғдим. Жазирадаги ўтлар, новдалардан тўплаб, уларни арқондек эшдим ва у билан қайиғимни боғладим, саломат қолеам, оллоҳдан деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Қайиққа тушиб жазиранинг нариги этагидан чиқдим. Уч кун йўл юрдим. Кўзим уйқуда бўлиб, ҳеч нарса емадим. Ташна бўлсам дарё сувидан ичардим. Чарчоқ, очлик ва қўрқинч натижасида янги йўлга кирган жўжадай довдираб қолдим. Охири қайиқ мени бир баланд тоққа етказди, дарё тоғ остидан ўтаркан, аввалги галдагидай қийналаман деб жонимдан қўрқдим, қайиқни тўхтатиб тоққа чиқаман десам, сув кемани суриб кетди, қайиқ тоғ остига кириб кетди; ҳалок бўлишимга кўзим етиб, оллоҳдан мадад сўрадим. Қайиқ юриб бориб, кенг бир жойга чиқди, қарасам, катта бир водий момақалди роқ овозидек шалдираб, елдек тезоқар суви бор. Қўрқиб, икки қўлим билан қайиққа маҳкам ёпишиб олдим. Тўлқин водий ўртасида мени ўнгу сўлга суриб ўйнади, қайиқни тўхта-тишга кучим етмасди. Халқи кўп, бинолари чиройли, кўркам бир шаҳар ёнига бориб тўхтагунча қуруқликка чиқолмадим. У шаҳар халқи дарёнинг ўртасида қайиқда пастга қараб кетаётганимни кўришиб, менга тўр ва арқон ташлашди, қайиқни қуруқликка чиқардилар, мен бўлсам очлик, уйқусизлик ва хавф-хатарнинг зўрлигидан ўликдек бўлиб қолган эканман, уларнинг ўртасига келиб йиқилдим...

Кейин бир одам келиб мени қарши олди. Нуроний бир қария эди: «Хуш келибсан»,—деб яланғочлигимни кўриб, дарров устимга бир неча сидра кийим ташлади, олиб бориб мени ҳаммомга туширди, қувват берадиган ичимлик, жон киргизадиган хушбўй нарсалар келтирди. Ҳаммомдан чиққанимиздан кейин уйига олиб борди, уй эгаси мени бажону дил кутиб олди. Лаззатли таомлар билан меҳмон қилди, оллоҳга ҳамд айтдим.

Кейин хизматчилари иссиқ сув келтирдилар, қўлимни ювдим, канизақлари ипак сочиқ тутиб турдилар. Қария алоҳида бир жойни бўшатиб ҳамма керак нарсалар билан жиҳозлаб берди, хизматимга канизақлар қўйиб қўйди.

Уч кунгача унинг меҳмонхонасида турдим, жоним кириб, қалбим ором олди. Тўртинчи куни қария менга: «Эй ўғлим, денгиз қирғоғига мен билан бориб, молларингни сотсанг, мол олиб бозорда савдо қиладиган бўлсанг»,—деди.

Мен бир оз сукут қилдим, ўзимча: «Менда мол қаёқда, нега бундай дедикин?»—деб ўйлаб қўйдим. Қария: «Эй ўғлим, қайғурма, тур, бозорга борамиз; молинга сени рози қиладиган баҳони берадиган кишини кўрсак сотамиз, бўлмаса молларингни омборда бозор куни келгунча сақлаб қўяман»,—деди. Уйлаб туриб: «Хўп дегин, савдо моли нима эканини кўрасан»,—дедим. Сўнгра мен: «Эй отахон, хўп бўлади. Ишингизга барака берсин, ҳеч гапингизни қайтармайман»,—дедим. У билан бирга бозорга бордим, қарасам, тушиб келган қайиғимнинг сандал ёғочлари ажратиб қўйилган экан, қария жарчи солди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз олтмиш
бешинчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий қария билан денгиз қиргоғига борса, қайиғидаги сандал ёғочлари ажратиб тахлаб қўйилган экан. Қария жарчи солибди.

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «Даллоллар, савдогарлар келиб, баҳо қўйишди. Баҳосини минг тиллага етгунча ошириб боришди. Баҳо шунда тўхтади. Қария менга қараб: «Эй болам, эшит, бу кунларда молингнинг баҳоси шу бўлди, бу баҳога сотасанми ёки сабр қилиб турасанми? Агар тўхтаб турсанг, баҳоси ошадиган вақт келгунча омборда сақлаб қўяман, сўнгра сотамиз»,— деди, Мен унга: «Эй хоҷам, ихтиёр сизда, хоҳлаганингизни қилинг!»— дедим. Шунда қария: «Эй ўғлим, савдогарлар берган баҳодан юз олтин ортиқ бераман, менга сотасанми?»— деди. Мен унга: «Ҳа, сотдим»,— дедим. Хизматчиларга буюриб ёғочларни омборига ташиб олди. Уйга келганимиздан кейин қария ҳақимни санаб берди. Бир ҳамён келтириб, пулларни шу ҳамёнга солди, темир қулф билан қулфлаб калитини менга берди. Бир неча кундан кейин, қария менга: «Эй болам, мен сенга бир гап айтмоқчиман. қулоқ сол»,— деди. «Нима гап?»— дегандим. У менга: «Ёшим улғайиб қолди, ўғлим йўқ, гўзал қизим бор, кўп моли дунёси бор, уни сенга эрга берсам дейман, у билан бизнинг юртимизда уй-жойлик бўлиб қолсанг, ҳамма мол-мулкимни ҳам сенга қолдираман»,— деди. Мен сукут қилдим, ҳеч нарса демадим. У менга: «Эй ўғлим, гапимга кир, муродим сенга яхшилик

қилиш, гапимга кирсанг, қизимни бераман, сен ҳам боламдек бўлиб қоласан. Ҳамма мол-мулким сеники бўлиб қолади. Савдони, ўз мамлакатингга сафар қилишни хоҳлаб қолсанг, ҳеч ким сенга монелик қилмайди. Нимани ихтиёр қилсанг ўзинг биласан»,— деди. Унга: «Оллоҳ билан қасамёд қиламан, отахон, ўз отамдек бўлиб қолдингиз. Ихтиёр сизда»,— дедим. Қария шу онда хизматчиларига қозини, гувоҳларни ҳозир қилишни буюрди, қизини менга никоҳлаб, катта тўю томошалар қилиб берди. Мени қизга қўшдилар, ҳусну жамолда, қадди қоматда баркамол экан. Эғнида турли хил қимматли кийимлару минг-минг олтинлик жавоҳир ва зебу зийнатлар. Унга жуда меҳр қўйдим, орамизда муҳаббат пайдо бўлди, ғоят тотув ҳаёт кечирдик.

Қайната вафот этди, гўру кафанини қилиб кўмдик, унинг тасарруфида бўлган мол-мулкларни қўлга олдим, ҳамма хизматчилари менинг қўл остимда ва хизматимда бўлди, савдогарлар унинг ўрнига мени саркор қилдилар. Унинг маслаҳати ва руҳсатисиз ҳеч ким мол олмасди, у савдогарларнинг тижоратдаги устози эди. У шаҳар халқига разм солсам, ҳар ойда қиёфалари ўзгариб, қанот пайдо қилиб осмонга учарканлар. Шаҳарда болалардан, хотинлардан бошқа ҳеч ким қолмасди. Ўзимча айтдим: «Агар янги ой келса улардан илтимос қиламан, шояд мени ҳам ўзлари билан олиб кетсалар».

Ой боши келгач, ранглари ўзгарди, бошқа қиёфага кирдилар. Улардан бири ёнига бориб: «Оллоҳ билан қасамёд қиламан, мени ўзинг билан олиб бор, томоша қилиб, яна сен билан қайтиб келаман»,— дедим. У менга: «Бу мумкин бўлмаган нарса»,— деди. У менга марҳамат қилгунча ёлвора бердим, ахири илтимосимни қабул қилгач, уларга қўшилдим, унга маҳкам

ёпишдим, у мени олиб ҳавога учди, оилам, хизматчиларим, ёру биродарларимдан ҳеч бирига буни билдирмадим.

У одам мени елкасига олиб осмонга кўтарилди, фалак гумбазида малоикаларнинг овозини эшитдим, таажжубда қолиб: «Субҳоноллоҳи, валҳамдулиллоҳи»,— дедим. Тасбеҳни тамом қилмасимдан осмондан бир ўт чиқди, одамларни куйдириб юборишга оз қолди. Ҳаммалари тушишди, мени бир баланд тоғнинг тепасига ташладилар, мендан ғоятда ғазабланиб ёлғиз қолдириб кетдилар, тоғда ёлғиз ўзим қолдим. Қилган ишимга пушаймон қилиб: «Оллоҳдан бошқада куч-қувват йўқ, қачон бир мусибатдан қутулсам, ундай кўра кучлироқ бир мусибатга учрайман»,— дедим.

Шу тоғда қаёққа кетишимни билмай турардим, сайр қилиб юрган ойдек икки йигитни кўрдим, ҳар бирининг қўлида олтин таёқлари бор эди, унга таяниб келишарди. Уларнинг олдига бориб, салом бердим, икковлари саломимга жавоб қайтардилар. Уларга: «Оллоҳ билан икковингизга қасамёд қиламан, кимсизлар?»— дедим. Улар менга: «Биз улуғ оллоҳнинг бандалариданмиз»,— дедилар. Сўнгра икковлари соф олтиндан бўлган таёқларини менга бериб, ўз йўлларига қайтдилар. Мени ёлғиз қолдирдилар. У тоғ тепасида таёққа таяниб сайр қилар эканман, ҳалиги икки йигитни ўйлардим.

Шу тоғ тагидан бир илон чиқиб, бир одамни киндигигача ютган экан, у додларди ва: «Ким мени бундан халос қилса, худонинг марҳамати бўлсин»,— дер эди. Илон ёнига бориб олтин таёқ билан бошига урдим, у ҳалиги одамни оғзидан ташлади...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз олтмиш
олтинчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Синдбод баҳрий илонни қўлидаги олтин таёқ билан ургач, илон ҳалиги одамни оғзидан ташлабди.

Синдбод баҳрий ҳикоя қилади: «У одам: «Бу илондан мени халос қилдинг, умр бўйи сендан ажралмайман, сен бу тоғда менинг йўлдошим бўлдинг»,— деди. Унга: «Хуш келибсан!»— дедим. Тоғда кетаётганимизда бир қанча одамларга

дуч келдик, қарасам, ораларида мени елкасига кўтариб учган киши ҳам бор экан. Унга узр айтдим. «Эй биродар, одам ҳам одамга шундай иш қилади-ми?»— дегандим. У одам: «Орқамда туриб, дуо ўқиб, бизларни ҳалок қилган сен эмасми?»— деди. Мен унга: «Мени кечир, бундай бўлишини билмагандим. Бундан кейин асло гапирмайман»,— дедим.

У гуноҳимни кечирди, елкасида турганимда худонинг номини тилга олмаслик, тасбеҳ этмаслик шартини қўйди. Шу билан мени кўтариб учиб, уйимга етказди, хотиним эсон-омон етиб келганимни кўриб суюнди. Хотиним: «Бундан кейин бу одамлар билан сафарга чиқма, уларга аралашма, чунки улар шайтоннинг биродарлари, оллоҳни ёд этишни билмайдилар»,— деди. Унга мен: «Улар билан отангининг муносабати қандай бўлган?»— дедим. Хотиним: «Отам улардан эмас, улардек иш қилмас эди. Менинг маслаҳатим шуки, отам вафот этди, қўлимиздаги ҳамма нарсани сотиб, пулига мол сотиб ол, ўз юртингга жўна, мен ҳам сен билан кетаман; ота-онамдан кейин бу шаҳар ва бу жойда туришнинг менга нима кераги бор»,— деди.

Шунда мен қайнатамдан қолган молу матоларни бирин-кетин сотдим, сафарга чиқувчиларни кутиб турдим. Тўсатдан бир тўда одамлар сафарга чиқмоқчи бўлиб қолдилар. Кема тополмай ёғоч сотиб олиб, ўзлари кема ясадилар, мен ҳам улар қатори кира қилиб, кира ҳақини батамом тўлаб қўйдим. Хотиним билан бор нарсаларимизнинг ҳаммасини кемага солдик. Мулкларимиз, ер-сувларимизни қолдириб жўнадик. Денгиздан денгизга, жазирадан жазирага ўтдик, сафарда шамол бизга ҳамроҳлик қилиб эсон-омон Басра шаҳрига келдик.

У ерда тўхтамай яна бир кемани кира қилиб барча нарсаларимизни унга ордик, Бағдод шаҳрига қараб жўнадик. Қариндош-уруғ, йўлдошларим ёру биродарларим билан кўришдим. Олиб келган молларимни оғборларга жойлаштириб қўйдим. Еттинчи сафаримга кетган муддатимни ҳисоблаб қарасак, йигирма етти йил бўлибди. Қавми қариндошларим мендан умид узган эканлар. Кўрган-кечирганларимни уларга ҳикоя қилдим, бу ишлардан таажжубда қолдилар, саломат етиб келганим учун мени табрикладилар. Сафарларимнинг охириги бўлган орзуларимни ушатган бу еттинчи сафаримдан кейин энди на қуруқлик, на денгизда сафар қилишдан оллоҳга тавба қилдим. Хонадонимга, ватанимга қайтарганлиги учун оллоҳга ҳамд айтдим. Эй қуруқлик Синдбоди, саргузаштларим ва учраган ҳодисалар ва қилган ишларимни кўр!»— деганди, қуруқликдаги Синдбод, Синдбод баҳрийга: «Оллоҳ билан қасамёд қиламан, мендан гуноҳ ўтган бўлса, кечир гуноҳимни».— деди.

Улар, лаззатларни йўқотувчи, жамоатларни бир-биридан айирувчи, қасрларни хароб этиб, қабрларни обод қилувчи ўлим етгунча дўстлик ва очиқ юзликда, шод-хуррамликда умр кечирдилар.



Тулсим шаҳар қиссаси

А

йтишларича, қадим замон ва ўтган асрда Шом мамлакатининг пойтахти Дамашқ шаҳрида халифалардан Абдулмалик ибн Марвон номли подшо бор экан. Кунларнинг бирида у давлат арбоблари ва ўзига тобе султонлар, подшолар билан ўтирганда ўтмишдаги халқлардан сўз бошланиб, бир-бирлари билан баҳслашиб қолибдилар. Улар сандимиз Довуд ўғли Сулаймон-

нинг (икковларини ҳам худо раҳмат қилсин!) қиссасини ва у кишига олло таолонинг берган подшолиги, инсонлар, жинлар, қушлар, ваҳший ҳайвонлар ва бошқаларга қилган ҳукмронликларини эслабдилар: «Биз эшитганмиз, олло таоло сандимиз Сулаймонга берганини ҳеч кимсага бермаган ва у киши етган нарсаларга ҳеч киши етмаган: у киши шайтон, жинларнинг саркашларини мис кўзаларга қамаб, уларни муҳрлаганлар...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз олтинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— халифа Абдулмалик ибн Марвон ўз кишилари ва давлат арбоблари билан сўзлашиб, саидимиз Сулаймонни эслашганларида, Абдулмалик ибн Марвон: «У киши етган нарсаларга ҳеч ким етмаган, у киши шайтон, жинларнинг саркашларини мис кўзаларга қамаб, устидан қўрғошин қўйиб, ўз муҳрлари билан муҳрлаганлар»,— дебди.

Толиб ибн Саҳл ҳикоя қиладики, бир киши бир тўда одамлар билан кемага тушиб Ҳинд мамлакатига қараб йўл олибди. Улар тўхтамай сайр қилиб кетаётганларида шамол уларни суриб бориб бир ерга етказибди; бу ҳол қоронги кечада бўлиб, тонг отгач ғорлардан яланғоч, ваҳшийларга ўхшаш барзанги кишилар чиқибди. Улар кемадагиларнинг сўзини тушунмас, ҳеч бири араб тилини билмас экан. Подшолари кемани ва кемадаги кишиларни кўргач, ўз одамларидан бир тўдаси билан келиб салом берибди ва: «Хуш

келибсизлар!»—деб, улардан ҳол-аҳвол сўрабди. Улар ўз аҳволларидан хабар берибдилар. Подшо: «Сизларга зиён-захмат етмайди»,—дебди. Динларидан сўраганда уларнинг ҳар бири ислом дини маълум бўлмасдан олдин, саидимиз Муҳаммад (худо раҳмат қилсин!) пайғамбар бўлишдан илгари муайян бир динга тобе бўлганликларини айтибдилар. Кема аҳллари: «Биз тилингизни англамадик ва динингиз тўғрисида ҳам ҳеч нарса билмаймиз»,—дебдилар.

Подшо: «Сизлардан илгари бу ерга одам зурриятдан ҳеч ким келган эмас»,—дебди. Уларни парранда, ваҳший ҳайвон, балиқ гўшти билан меҳмон қилибди. Уларнинг таоми шу экан. Кема аҳли шаҳарни томоша қилиш учун тушибди. Балиқчиларнинг балиқ овлаш учун дарёга тўр ташлаганини кўришибди. Тўрни кўтаришган экан, мисдан ишланиб, қўрғошин қўйилган саидимиз Довуд ўғли Сулаймон (худо раҳмат қилсин!) муҳрлари билан муҳрланган бир кўза илинибди. Балиқчи уни синдирибди, ундан кўк тутун осмонга кўтарилибди ва бир қўрқинчли овоз эшитилибди. У: «Эй оллоҳнинг пайғамбари, тавба қилдим, тавба қилдим!»,—деяр эмиш. Тутун даҳшатли бир махлуқ суратига кирибди, боши тоққа етармиш. Сўнгра кўздан ғойиб бўлибди, кемадагиларнинг юраги ёрилгудай бўлибди. Қора танлилар буни парвойига ҳам келтиришмабди. Кемадагилардан бир киши подшодан бу воқеани сўрабди. Подшо унга: «Бу Сулаймон ибн Довуд ғазаб қилиб кўзага қамаган ва устига қўрғошин қўйиб дарёга ташлаган жинлардан. Гоҳо балиқчилар дарёга тўр ташлаганда, ўша кўзалар чиқиб қолади. Агар у синдирилса, ичидан жин чиқади. Сулаймонни тирик деб гумон қилиб, чиқиши биланоқ: «Эй оллоҳнинг пайғамбари, тавба қилдим дейди»,—дебди.

Амир ал-мўминин Абдулмалик ибн Марвон бу

сўзга таажжубланиб: «Субҳонолло! Сулаймонга шунчалик катта давлат ва подшолик берилган экан-да»,— дебди.

Бу мажлисда ҳозир бўлганлардан бири Нобигатул Забний эди, у айтди: «Толибнинг берган хабари рост, буни биринчи ҳокимнинг қуйдаги сўзлари ҳам тасдиқлайди:

Кўр! Ҳазрат Сулаймонга ваҳи келиб худодан:

«— Тур, кўзғал, халифа бўл, ҳам оламга ҳукмрон

Ким бўйсунса ҳурмат қил, сақлаб турли балодан,

Ким ҳукмингни рад этса, унга бало ҳам зиндон!»

У киши мис кўзаларга уларни солиб қамарди ва дарёга ташларди,— деди. Бу сўзни амир ал-мўминин маъқуллади: «Худо ҳақи, шу кўзалардан бирини кўргим бор.» Толиб ибн Саҳл: «Сен ўз мамлакатингда туриб ҳам бу орзуга етсанг бўлади, буни келтириш учун биродаринг Абдул Азиз ибн Марвонга киши юбор. У Мусога Ғарб мамлакатларига дарё билан бориб, биз айтган тоққа етиб, сенга бу кўзалардан истаганинча келтиришга хат ёзсин, чунки унинг вилоятининг охиридаги чўл шу тоққа туташган»,— деди.

Унинг фикрини амир ал-мўминин тўғри топиб: «Эй Толиб, айтган сўзларинг тўғри, ўша Мусо ибн Насирга бу хусусда юборадиган элчим сен ўзинг бўла қол; оқ байроқ, мол-дунё, даража—ҳаммаси сеники, оиланга мен қараб тураман»,— деди. «Эй амир ал-мўминин ҳукмингдаман»,— деб жавоб берди Толиб. Халифа: «Оллоҳга таваккал қилиб йўлга туш!»— деди.

Сўнгра Мисрда ноиб бўлиб турган биродари Абдул Азизга хат ёзишларини, Ғарб мамлакатидати ноибни Мусога ҳам Сулаймон кўзасини топиш учун, ўрнига ўғлини қолдириб, ўзи йўл бошлаб боришини, бу йўлда мол-дунёни аямасдан сарфлашини, йўлда хавфу хатарга йўлиқмаслик учун кўпроқ одамлар олиб бо-

ришини тайинлаб, хат ёзиб туришни буюрди. Ҳар икки хатга муҳр босиб, Толиб ибн Саҳлга топширди. Халифа етарли мол, улов, ёрдамчи одамлар берди. Оиласига ҳам керакли нарсаларни етарли қилиб беришни буюрди. Толиб Мисрга қараб йўлга тушди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— Толиб ибн Саҳл ва унинг ҳамроҳла-



*Беш юз олтмиш
саккизинчи кеча*

ри Мисрга кетаётиб Шом мамлакатини кесиб ўтдилар. Миср амири уларни ўз манзилига тушириб, иззат-ҳурматини бажо келтирди. Сўнгра Юқори Миср орқали бориб амир Мусо ибн Насрга етгунча уларга йўл бошловчи қўшди. Мусо ибн Наср уларни қарши олди. Толиб мактубни топширди. Мусо ўқиди,

мазмунига тушуниб, бошига қўйди: «Амир ал-мўминининг фармонлари бош устига»,— деди.

Сўнгра у давлат арбобларини ҳозир қилиб, улардан маслаҳат сўради. Улар: «Эй амир, Абдуссамад ибн Абдулқуддус Асомуддинни топишинг керак, чунки у билимдон, сафарда кўп юрган, чўлу қуруқликдан, денгиз йўлларидан, уларнинг ажойиб-ғаройибларидан ва дунёнинг ҳар бир томонидан хабардор. Шу кишини топсанг, у сени хоҳлаган мақсадингга етказди»,— дедилар.

Уни ҳозир қилишга буюрди, шу онда ҳозир қилдилар. Қараса, у қариб кетган бир чол экан. Амир Мусо салом бериб: «Эй шайх Абдуссамад, хошамиз амир ал-мўминин Абдулмалик ибн Марвон бизга шун-

дай-шундай ишларни буюрган. Лекин мен у киши тайин қилган ерларни кам билар эканман. У мамлакат ва йўлларни сен билар эмишсан. Амир ал-мўминининг хизматларини бажаришга рағбатинг борми?»— деди. Шайх: «Эй амир, бу узоқ ва қийин йўл. Кўп вақт талаб қилади»,— деди. Амир ундан: «Қанчалик йўл?»— деб сўровди, у: «икки йилу бир неча ойлик йўл, қайтишда ҳам шунча, у йўлда хатар, ажойиб-ғаройиботлар кўп. Сен бир ҳарбий кишисан, мамлакатимиз душманга яқин ерда, кўпинча насоролар сенинг йўқлигингда чиқиб қолади. Ўз ўрнинга интизом билан яхши идора қилиб турадиган кишини қўйиб кетишинг лозим»,— деди. Амир унинг сўзини маъқуллаб, мамлакатига, ўз ўрнига ўғли Ҳоруни тайинлаб, ундан аҳд олди. Аскарларига ўғлига хилоф иш қилмасликни, унга итоат қилиб, ҳар бир ишларини бажаришни буюрди. Аскарлари унинг сўзларига итоат қилдилар. Ўғли Ҳорун ғоятда шиддатли, зўр ҳимматли, кўрқмас, ботир йигит эди.

Шайх Абдуссамаднинг изҳор қилишича, амир ал-мўминининг ҳожати бор жой тўрт ойлик йўл бўлиб, дарёнинг қирғоғида экан. У ерга етгунча манзиллар, бир-бирига туташган йўлда ўсимликлар, чашмалар бор эди.

Амир Мусо: «Биздан илгари бу ерга подшолардан ҳеч бирининг борганлигини биласанми?»— деди. «Ҳа, эй амир ал-мўминин, у ер Искандария подшоҳи Дорону-румийга қарар эди»,— деди.

Улар жўнаб кетишди ва қасрлардан бирига етгунча юришди. Шайх Абдуссамад: «Ибратли бу қасрга биздан илгари ўтинг»,— деди. Амир Мусо илгари ўтди, шайх Абдуссамад ва унинг йўлдошлари дарвозага етиб бориб, уни очиқ кўрдилар. Бу қасрнинг баланд устунлари, зинапоялари бор эди. Зинапоялардан ик-

китаси мисли кўрилмаган ранг-баранг мармар тошдан ишланган. Шифтлари, деворлари олтин, кумуш ва бошқа хил маъдан билан нақшланган, эшик тепасида юнон тилида ёзилган лавҳа ҳам бор. Шайх Абдуссамад: «Эй амир, буни ўқийми?»— деб сўраган эди, амир унга: «Илгари ўтиб ўқи-чи! Бу сафарда бизга муяссар бўлган нарсалар сен туфайли бўлди»,— деди. Шайх хатни ўқиди. Лавҳада шу шеърлар ёзилган эди:

Шундай бир инсонларки, кўп кирдикор қилишиб,
Сўнг мотами тутилиб, собиқ ҳукмрон шоҳлар.
Ер остида бу шоҳлар танви ғубор қилишиб,
Ҳукмрон номи қолган, саройдаги гумроҳлар.
Золимлардан золимроқ шум ажал шафқат этмай,
Салтанатдан уларни элтиб ташлаб йироққа,
Хазинани олишга улгуролмай, вақт етмай,
Фаҳат бир кафан билан киришдилар тупроққа.

Бу сўзни эшитгандан кейин, амир Мусо ҳушидан кетгунча йиғлади ва: «Оллоҳдан бошқа оллоҳ йўқ, у тирик ва боқийдир!»— деди. Сўнгра у қасрга кириб, гўзаллигига, биносига ҳайрон бўлди. Суратларни, ҳайкалларни кўрди, шу онда иккинчи эшик тепасига ёзилган байтларга кўзи тушди. Амир Мусо: «Эй шайх, илгари ўтиб ўқи!»— деди. Шайх илгари ўтиб уни ўқиди. Унда шу шеърлар ёзилган эди:

Кўп асрлар, узоқ йиллар кўк гумбази остида —
Улар ҳадсиз кўп эдилар, барчалари кетишди.
Уни қараи! Улар доим зудм этишнинг қасдида
Ўзларига бало тегиб, мусибатлар етишди.

Улар топган-тутганларин тақсим қилиб ўзаро,
Бугун шодлик, қувончларни аммо ташлаб кетишди,
Тўймас кўзга тупроқ тўлиб, тажларини қоп-қора —
Қабр ичида қурт-қумурсқа сўнгра тақсим этишди.

Бу сўзларни эшитгач, амир Мусо қаттиқ йиғлади, дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди, сўнгра: «Биз шундай зўр ҳодисалар учун холиқ қилинган эканмиз!»— деди. Қасрни кўздан кечирдилар, қарасалар, қаср аҳли йўқ бўлиб кетган, ҳовлилари қўрқинчли, атрофлари бўшаб қолган. Қаср ўртасида осмонга кўтарилган гумбаз бўлиб, атрофида тўрт юз қабр бор экан. Амир Мусо қабрларга яқинлашди, мрамрдан ишланган бир қабрни кўрди. Унда қуйидаги байтлар нақш қилинган эди:

Қанчалар кечикдим, қанчалар шошдим,
Дуч келди хилма-хил одам қир ошдим.

Қанча кўп едим қанча кўп ичдим,
Қаҳр этдим, баъзилар гуноҳин кечдим.

Қанча фармон бердим, қанча қилдим рад,
Ким билан жанжалу ким билан ҳамдард.

Зарбимдан қалъалар бўлди вайрона,
Бўлдилар асийрим талай жонона.

Асийра қизлардан тингладим қўшиқ,
Йўлим тўсолмади ҳеч қандай тўсиқ.

Кўрдим кўп ишрату сурдим кўп даврон,
Менинг ҳукмим бўлди ҳар ерда равон.

Жаҳлу нодонлигим ҳаддидан ошди,
Қаҳримдан ўт тушиб жонлар туташди.

Аё мард! Ажалнинг бодасин ичмай,
Салтанат либосин сўнги бор ечмай,

Билмадинг жаҳондан, бир кун кетиш бор,
Ҳукмрон вужудинг бир кун губор!..

Шу шеърларни эшитгач, амир Мусо ва йўлдошлари йиғлашди. Сўнгра бир гумбазга етишди. Унинг

сандал ёғочидан ишланган, юлдуз шаклидаги олтинкумуш михлар қоқилган, турли маъдан ва турли қиммат баҳо тошлар билан безатилган саккизта эшиги бор экан. Биринчи эшик тепасига қуйидаги байтлар ёзилган:

Қолдириб кетганларимни сиз саховатдан деманг,
Қолдириб кетмоққа мажбур этди-ю, ҳолимни танг.
Қорни оч йўлбарс қаби, мен нени кўрсам ташланиб
Бирни мен икки қилиш қасдида доим ғашланиб,
Кўп замондирки, мен, бир лаҳза шодлик кўрмадим;
Сезмадим тинчим, ўзим эзгу муродлик кўрмадим,
Бошлади доим мени сўқмоққа бу ёввойи ҳис,
Утгаю сувга уриб ўзни, худо урган хасис —
То чириб битгунча ҳам, ҳеч кимга бермай битта дон,
Қилди охир шум фалак мол ила дунёмни талон.
Давлатим ожиз эрур умрим узайтирмоқ учун,
Даф эталмас бу ўлимни, бўлса ҳар қанча қўшин,
Дўстлар, ҳамсоялар ҳам ҳеч тушолмас ўртага,
Ўтмаса юз илтижо, ким ҳам тушар, бас, ўртага!
Мен учун тун, ўзгаларга янги тонг отиб келар,
Мен учун ҳаммол билан гўрков топиб, айтиб келар!
Гарчи сен ундан халос бўлмоқ умид, қасдидасан:
Йўқ иложинг! Чунки улгуржи гуноҳ остидасан!
Бас, гўзалликларга ҳеч ким сен каби алданмасин,
Ибрат олсин қўни-қўшни, бошқа ҳар кўнгли яқин.

Амир Мусо бу байтларни эшитгач, ҳушидан кетгунча йиғлади. Ҳушига келгач, гумбазга кирди. Гумбаз ичида узун, ҳайбатли бир қабрни кўрди. Унинг устида чин темиридан ишланган бир лавҳа турарди. Шайх Абдуссамад яқин бориб ўқиди. Лавҳада: «Доимий, абадий оллоҳ номи билан! Ҳеч киши баробар бўлмаган оллоҳ номи билан! Иззат ва улуғлик эгаси номи билан!»— деб ёзилган эди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз олтимш
тўққизинчи кеча



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод. — Шайх Абдуссамад лавҳада битилган яна шу сўзларни ўқиди: «Эй, бу ерга келган одамзод, замон ҳодисалари, кетма-кет етган бало-қазоларни кўриб улардан ибрат ол, дунёга ва дунё зийнатиغا, унинг бўямачилиги, бўҳтонлари, ғурурлари, зебу зийнатларига мағрур бўлма, чунки, дунё маккор, алдамчи, унинг ишлари ориятдир. Амонат бергувчи албатта амонатини қайтариб олади... Дунё кишининг тушидек, чўлда ташна бўлган кишининг кўзига кўринган саробга ўхшаш нарса, шайтон дунёни инсонлар кўзига ўлгунча зийнатлаб кўрсатади, дунёнинг сифатлари шулар. Унга асло кўнгил қўйма, мойил бўлма, чунки у суянган ва ишонган кишига хиёнат қилади. Унинг тузоғига тушма ва унинг эгагига ёпишма! Қўлимда тўрт минг қизил отим бор эди. Минг подшонинг гўзалликда тенги йўқ, кўкраги энди қаба-риб чиққан ойдек қизларига уйландим ва йўлбарсдек шижоатли минг ўғилга ота бўлдим. Ҳузур-ҳаловатда минг йил умр кўрдим. Беҳисоб мол-дунёлар йиғдим. Мол-дунё ҳамиша қўлимда бўлади, деб ўйлаб, заволга учрашини билмадим. Натижада, лаззатларни йўқотувчи, жамоатларни пароканда қилувчи, манзилларни ваҳшатхонага айлантирувчи, обод уй-жойларни хароб этувчи, она ва болаларни, катта ва кичикларни бир-биридан жудо қилувчи ўлим бизнинг устимизга бостириб келди. Бу қасрда биз оламнинг, осмон ва ернинг парвардигоридан ҳукм келгунча тинч, осойишта яшадик, ундан бизга ҳайқирик етгач, ҳар кун икки кишимиз

ўла бошлади. Қўп кишиларимиз дунёдан ўтди. Устимизга ўлим келганини, шаҳримизга ҳалокат кирганини, ўлим дарёсига фарқ бўлганимизни англадик. Котибни чақиртириб шу шеър ва насиҳатларни, шу ибратли сўзларни ёзишга буюрдим ва уларни бу эшиклар, лавҳалар, қабрлар устига паргар билан чизиб қўйдим. Менинг билаги бақувват, қилич, совут ва найза ишлатиб донг чиқарган минг-минглаб қаҳрамон аскарларим бор эди. Уларга узун совут кийиш, кескир қилич тақиш, узун, ҳайбатли найзалар тақиб олишга, арғумоқ отлар минишга буюрдим. Осмон ва ер парвардигорининг ҳукми бизга етгач: «Эй қўшинлар, аскарлар, ҳаммадан ғолиб бўлган подшони даф этишга қудратларинг етадими?»— деб сўрадим. Аскарлар, қўшинлар бундан ожиз эканликларини билдирдилар: «Ҳеч ким йўлини тўсолмайдиган, эшигида дарвозабони йўқ зотга қарши қандай курашамиз?»— дедилар. Уларга: «Мол-дунёларимни ҳозир қилинглар!»— дедим. Мол-дунёлар минг қудуқда эди. Ҳар қудуқда минг ҳинтар қизил олтин ва ҳар хил дурру жавҳарлар, оқ кумуш, ер юзи подшолари йиғишда ожиз бўлган хазиналар эди. Мол-дунёларни келтириб, ҳозир қилдилар. Бу мол-дунёлар билан мени қутқариб ола биласизларми ёки бир кунлик ҳаётимни сотиб ола биласизларми?»— дедим. Бунга улар ожизлик қилдилар. Мени қазою қадарга топширишга рози бўлдилар. Худо ҳақи, қазога рози бўлдим, балога сабр қилдим. Оллоҳ жонимни олди, ер остидан ўрин берди. Отимни сўрасанг, мен — Қуш бин Шаддод бин Одил Акбарман.»

Уша лавҳада қуйидаги сўзлар ҳам ёзилган эди:

Утганда ўтгичи йиллар тахминини,
«Фалончи ўтган!» деб эсларсиз мени!

Шаддоннинг ўғлиман, оламга машҳур,
 Титратиб жаҳонни мендаги гурур,
 Менга қарам эди Миср, Шом, Адан,
 Баланд турар эди бошим ҳаммадан.
 Қудратли ёвлар ҳам солмоқдан қулоқ,
 Амру фармонимга эдилар илҳақ.
 Олий зотлар билан қуриб анжуман,
 Шаҳаншоҳларни мен тутардим тубан.
 Қўзгардим оламда турли можаро,
 Номимни эшитса титрар фуқаро.
 Арғумоқ устидан ташласам назар:
 Кўрардим орқамда саноқсиз аскар.
 Кўп дунё тўпладим, йиғдим ғанимат,
 Унинг биттасидан биттаси қиймат,
 Истадим, олмоққа мен оби ҳаёт,
 Таинрининг қаҳрига дуч келдим, ҳайҳот!
 Ажралдим хазинам ҳам рўзгоримдан,
 Ҳам жудо этилдим дўсту ёримдан,
 Ажал сиртмоғини солиб бўйнимга,
 Пуч ёнғоқ тўлдириб менинг қўйнимга,
 Ураб оқ кафанга, тез олиб кетди,
 Топган-тутганимни нари ирғитди.
 Тўпланган мол-дунё ёдимга тушди,
 Кўзим бақрайтириб, бир-бир ўтишди!
 Тақдир ўйинлари гўёки шах—мот,
 Гўрда ётганда ҳам бўлгин эҳтиёт!

Амир Мусо бу сўзларни эшитиб, уларнинг ҳалок бўлиб ётганликларини кўргач, ҳуши кетиб йиқилгунча йиғлади. Қаср атрофларини айланиб, ўтирган ерлари ва кўнгил очадиган жойларини қараб юрганда мармардан ишланган тўрт оёқли бир хонтахтаги кўрдилар. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бу хонтахтада минг ғилай подшо ва минг кўзи соғ подшо таом еган, ҳаммаси мол-дунёсидан айрилиб, ер остидан макон тонган». Амир Мусо буларнинг ҳаммасини ёзиб олди. Сўнгра у ердан чиқдилар. Қасрдан чиқишларида хонтахтадан бошқа ҳеч нарса олмадилар.

Аскарлар қўзғалишди. Шайх Абдуссамад йўл бошлаб борар эди. У кун ўтди, иккинчи, учинчи кунлар ҳам ўтди, бир баландликда мисдан ишланган бир отлиқнинг ҳайкалини кўрдилар. Унинг найзасининг тиғи ялпоқ, ҳам ялтироқ бўлиб, кўз нуруни оларди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Эй ҳузуримга етиб келган киши, агар сен мискарлар шаҳрига етадиган йўлни билмасанг, шу отлиқнинг қўлидан тут, у айланиб сўнгра тўхтайди, қайси томонга қараб тўхтаса, ўша томонга қараб юр. Сенга ҳеч қандай хавф ва қийинчилик бўлмайди, у йўл сени мискарлар шаҳрига етказди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз етмишни тўлдирувчи кеча

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Амир Мусо отлиқ ҳайкалнинг қўлини ушлаши биланоқ, у чақмоқ чаққандай тез айланиб, бошқа тарафга қаради. Уша тарафга қараб юрдилар, у тўғри йўл эди. Бир кечакундуз юриб, узоқ бир мамлакатни кесиб ўтдилар. Кунларнинг бирида йўлларида қора тошдан ишланган устунни учратдилар. Унда бир махлуқ қўлтиғигача ерга киргазиб қўйилган эди. Катта икки қаноти ва тўрт қўли бор бўлиб, икки қўли одамзод қўлидек, иккитаси йиртқич ҳайвон қўлидек тирноқлари бор эди. Бошидаги сочи от қуйруғига ўхшарди. Чўғдай ёниб турган икки кўзидан бошқа пешонасида барс кўзидай учинчи кўзи ҳам бор эди. Ундан ўт чақнаб турарди. У махлуқ: «Қиёматгача бу балога, аламла

азобга ҳукм қилган оллоҳга тасбеҳ этаман»,— деб нидо қиларди.

Буни кўриб чўчиб қочдилар. Амир Мусо шайх Абдуссамадга: «Бу нима?»— деди. «Бу нима эканлигини билмайман»,— деб жавоб берди шайх. Амир Мусо: «Унга яқин бор, қараб кўр, шояд хабардор бўлсанг»,— деди. Шайх Абдуссамад: «Амирнинг ишларини оллоҳ ислоҳ қилсин, биз қўрқамиз»,— деб жавоб берди. Амир Мусо: «Қўрқманглар, у ўзи билан ўзи овора, сизларни кўрмайди»,— деди.

Шайх Абдуссамад унга яқин бориб: «Эй махлуқ, отинг нима, ким сени шу ҳолатга солиб қўйган?»— деди. «Мен жин тоифасидан бир девман, отим — Дохиш ибн Аъмаш. Мени бу ерда тангрининг қудрати тутиб турибди. Бу ерда мен азоб ичида оллоҳнинг хоҳлаган вақтигача маҳбусман»,— деди. Амир Мусо: «Эй шайх Абдуссамад, ундан сўра, бу устунга маҳбус қилинганига сабаб нима экан?»— деди. Шайх сўради.

Дев: «Менинг воқеам жуда ажойиб. Шайтон авлодларидан баъзисининг қизил ақиқдан бути бор эди. У бутга қараб туришлик менга топширилган эди. Зўр ва мансаби улуг минг-минг жин аскарлари олдида юриб қилич чопадиган денгиз шоҳларидан бири ўша бутга ибодат қиларди. Унинг аскарлари ҳар қандай қийинчиликка ҳам бардош қиларди. Унга итоат қиладиган жинларнинг ҳаммаси менинг амрим, итоатим остида бўлиб, сўзимга қулоқ солиб, буйруғимни қабул қилар эдилар. Уларнинг ҳаммаси Довуд ибн Сулаймонга қарши (худо раҳмат қилсин!) исён кўтаришган эди. Мен бўлсам бут ичига кириб олиб, уларга буйруқ берар ва баъзи нарсалардан қайтарардим. Подшонинг қизи ҳам бугни севарди. У кўп вақтини сажда ва ибодатда ўтказарди. У қиз ҳусну жамолда, қадду қо-

матда ўз замонининг гўзали эди. Сулаймон қизнинг отасига элчи юбориб: «Қизингни менга хотинликка бер, ақиқ бутингни синдир, оллоҳдан бошқа оллоҳ йўқ, Сулаймон оллоҳнинг пайғамбари, деб гувоҳлик бер. Шундай қилсанг, бизники сеники, бизга бўлгани сенга ҳам бўлади. Агар бош тортсанг, лашкар билан устингга бораман, қарши туришга кучинг етмайди, саволга жавоб тайёрла ёки ўлим кийимини кий! Яқинда устингга туман-туман аскар билан бораман, улар сени ер юзидан ҳайдайдилар»,— деди.

Сулаймоннинг кишилари келгач, подшо улуглик, такаббурилик кўрсатиб, вазирларига: «Сулаймон ибн Довуд сўзига нима дейсизлар? У элчи юбориб, қизимни беришимни, ақиқ бутимни синдиришимни ва унинг динига киришимни сўрабди!»— деди. Улар: «Эй улуг подшо, сен шу катта денгиз ўртасида бўлсанг, Сулаймоннинг қўлидан нима келарди, устингга бостириб келса ҳам кучи етмайди, жинларнинг саркашлари ёнингда туриб жанг қилади. Сен шу бут туфайли ундан ғолиб келасан. Бут сенинг мадакоринг. Қизил ақиқ бутдан маслаҳат сўра, у нима жавоб берса тингла, жанг қилишга буюрса жанг қил, бўлмаса, йўқ»,— дейишди.

Шу онда подшо туриб, қурбонликлар қилиб, жонликлар сўйгандан кейин, бутининг олдига кирди. Бутга сажда қилиб йиғлади ва бу шеърни айтди:

Э, худойим! Мен билурман, қудратинг зўрлир сенинги
Қудрати ила Сулаймон сен билан бўлмоқчи тенги
Қил мадад менга худойим! Қудратингдир беназир,
Амр қил, содиқ қулинг зўр қудратингга мунтазир.

Сўнгра ярмигача устунга кўмилган дев Шайх Абдуссамадга гапирди, атрофидагилар унинг сўзини эшитди. «Мен жоҳиллигимдан, ақлимнинг камлигидан,

Сулаймонга қарам эмаслигимдан мана бу шеърни айтдим:

Менинг учун Сулаймон салтанати даҳшатсиз,
Унинг ҳамма сиридан ҳар донмо мен воқиф.
Урушса голиб чиқиб, чўктираман ерга тиз,
Ҳам оламан жонини, юрагига ўт ёқиб.

Подшо берган жавобимни эшитгач, кўнгли тўқ бўлиб, оллоҳнинг пайғамбари Сулаймон (оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) билан жанг қилишга қасд қилди. Сулаймоннинг элчилари келганда, уларни қаттиқ уриб, ҳақорат қилиб қайтарди: «Бориб пайғамбар «Сулаймонга айт, у нафс васвасасига тушибди, дўқ қилиб мени кўрқитмоқчи бўлибди! Ё у менга келар, ё мен унга борарман»,— деди. Элчи қайтиб бориб, бўлган ишларни ва мени Сулаймонга айтибди.

Сулаймон пайғамбар бу сўзларни эшитгач, қиёмати қойим бўлди, ғазаби қўзғалди. Жинлардан, инсонлардан, ваҳший ҳайвонлардан, қушлардан, ҳашаротлардан сонсиз-саноқсиз лашкар тайёрлади. Жинлар подшоси бўлган вазирига бутун жинларнинг саркашларини йиғишни буюрди. У шайтонлардан олти юз минг йиғди. Осаф ибн Бурҳиёга инсонлардан аскарлар йиғишга буюрди. Асл паҳлавонлардан минглаб йиғилиб, катта қўшин тўпланди. Жанг тайёргарлиги кўрилиб, қуроллар тайёрланди, ўзи инсон ва жинлардан бўлган аскарлар билан шамол кўтариб юрадиган гиламга ўтирдилар. Устида қушлар учиб, ваҳший ҳайвонлар гилам остида юриб борардилар. Бориб-бориб бир кенг майдонга тушишди. Ер юзи аскарга тўлди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз етмиш
биринчи кеча*

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Дев: «Оллоҳнинг пайғамбари Сулаймон (оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) аскарлари билан жазира атрофига тушишгач, подшоҳимизга элчи юбориб: «Мен келдим, балони қайтар, кучинг етмаса менга тобе бўл! Пайғамбарлигимни тан ол, бутингни синдир, якка-ягона оллоҳга қулчилик қил, розилик билан қизингни бер. Ўзинг ва тобе кишиларинг: «Сулаймон оллоҳнинг пайғамбари»,— денглар. Шуни айтсанг, сенга омон бериб, саломат қўяман, бош тортсанг, мендан қочиб қутулолмайсан. Чунки оллоҳ шамолни менга муте қилиб, мени гиламда сенинг устингга олиб келишга амр қилган. Сенинг кўрадиган азобингни бошқаларга ибрат қиламан»,— деди.

Элчи келиб, Сулаймон пайғамбарнинг айтганларини подшоҳимизга етказди. Подшо: «Бу талабларини бажо келтиришим мумкин эмас!»— деб, унга қарши отланмоқчи бўлганини билдирди. Элчи қайтиб бориб Сулаймонга рад жавобини етказди. Подшо қўл остидаги ерларга элчи юбориб, минг-минглаб аскар йиғди. Денгиз жазираларида, тоғ тепаларида макон тутган шайтон ва жинларнинг саркашларини йиғиб, уларга қўшди. Аскарларини урушга тайёрлаб, омборларини очиб, қурол-аслаҳа тарқатди. Оллоҳ пайғамбари Сулаймонга келсак (оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) аскарларига тартиб бериб, ваҳший ҳайвонларга иккига бўлиниб, бир қисми инсонларнинг ўнгида, бир қисми чапида бўлишини буюрди. Қушларига жазирада ҳозир бўлиб, жанг пайтида тумшуқлари билан душман-

ларнинг кўзини ўйиб олишни, қанотлари билан юзларига уришни буюрди. Йиртқич ҳайвонларга отларни ғажиб нобуд қилишни буюрди. Улар: «Эй худонинг пайғамбари, худо учун ва сиз учун бош устига»,— дедилар.

Сўнгра Сулаймонга мрамардан ишланиб, жавоҳирлар билан безалган, соф олтиндан ясалган тахт қўйилди. Осаф ибн Бурҳиё вазирини ўнг тарафига, Демириёт вазирини чап тарафига ўтқазди. Инсон подшолари ўнгида, жин подшолари чапида, ваҳший ҳайвонлар, аждаҳо-илонлар олдида турарди. Улар бир сурилиб бизга қарши қўзғалди. Майдонда икки кун жанг қилдик. Учинчи кун бошимизга бало ёғилди. Сўлаймонга аввал бошлаб ҳужум қилган мен ва менинг аскарларим эди. Мен йўлдошларимга: «Уринларингиздан қўзғалмай туринглар, улар билан мен жанг қиламан, Демириётни жанг қилишга чақираман»,— дедим. У тоғдек бўлиб майдонга чиқди, ўтлари алангаланиб, тутуни осмонга кўтарилиб турарди. Қарши келиб ўтдек яшин отди. Ўти менинг ўтимдан голиб келди. Менга қараб қаттиқ ҳайқирди, уни эшитгач осмон тўнтарилди, деб гумон қилдим. Унинг овозидан тоғлар ларзага келди. Сўнгра йўлдошларига ҳужумга ўтишни буюрди. Биз ҳам ҳужум қилдик. Бир-биримизга ҳайқирардик. Ҳамма ёқни ўт ва тутун босди. Юраклар ёрилишга етди. Жанг жуда қизиди, қушлар ҳаводан келиб, ваҳший ҳайвонлар ердан туриб жанг қиларди. Демириёт мени, мен уни чарчатгунча жанг қилдик.

Ҳолдан кетдим, йўлдошларим, аскарларим қўрқиб секин-секин чекиниша бошлади. Яқинларим қочди. Сулаймон: «Ушланглар, бу наҳс, ёмон золимни!»— деб бақирди. Инсонлар инсонларга, жинлар жинларга ҳужум қилдилар. Бизнинг подшоҳимиз қочиб қолди.

Ҳаммамиз Сулаймонга асир бўлиб қолдик. Сулаймон аскарлари бизнинг аскарларимизга ҳужум қилди. Ваҳший ҳайвонлар ўнг-чапдан ўраб, қушлар бош устимизда аскарларимизнинг кўзларини гоҳ панжалари билан, гоҳ тумшуклари билан юларди, гоҳо қанотлари билан юзларига урарди. Ваҳший ҳайвонлар отларни ғажиб, одамларни ёриб кетарди. Натижада аскарларнинг мурдалари хурмо ёғочидек ер юзини қоплаб олди. Мен бўлсам Демириётдан қочдим, у уч ойлик йўлга кетимдан қувлаб келиб, етиб олди ва мени мана шу қолга солди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тухтатди.



*Беш юз етмиш
иккинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— устундаги жин саргузаштини аввалидан то устунга ҳибс этилгунча ҳикоя қилгач, ундан: «Мискарлар шаҳрига борадиган йўл қайси?»— деб сўрабдилар. У шаҳар йўлини кўрсатибди. У ҳикоя қилиб айтибди: «Шаҳар билан бизнинг ўртамизда йигирма беш дарвоза бор. Бу дарвозаларнинг биттаси ҳам кўзга кўринмайди, ҳеч ким билмас шаҳар қўрғони эса тоғдек ё қолипга қуйилган темирдек мустаҳкам».

Амир Мусо шайх Абдуссамад билан мискарлар шаҳрига келиб тушди. Қалъанинг эшигини топишга ҳаракат қилдилар. Лекин тополмадилар.

Амир Мусо: «Эй Толиб, бу шаҳарга қандай йўл бор? Албатта бир эшик топишимиз керак»,— деди. «Бир-икки кун истироҳат қилиб туринг. Худо хоҳла-

са, эшикни топиш ва унга киришга бир ҳийла излаб кўрамиз»,— деди Толиб. Шу онда амир Мусо йигитларидан бирига, туяга миниб, шаҳар атрофини айланишни буюрди. Шояд шаҳар эшикларидан бирининг асари ёки қасрлар ўрни билинса, деди. Йигитларидан бири туяга миниб, шаҳар атрофини икки кеча-кундуз айланиб чиқди. Учинчи куни, йўлнинг узунлиги, баландлигидан қийналиб, йўлдошлари олдига беҳуш етиб келиб: «Эй амир, шаҳарга тушадиган энг осон жой, сизларнинг турган жойларингиз экан»,— деди.

Амир Мусо Толиб ибн Саҳл ва шайх Абдуссамадни олиб шаҳарнинг қаршисидаги баланд тоққа кўтарилди. Қараса, шаҳар жуда катта экан. Қасрлари баланд, гумбазлари кўркам, ҳовли-жойлари обод, анҳорлар, дарахтзорлари, боғчаларида мевалари пишиб турган шаҳар экан. Дарвозалари баланд бўлса ҳам, шаҳар ўзи бўш, одамзод асари йўқ экан. Шаҳар атрофларида бойқушлар сайраб турарди. Ҳовлиларда қушлар учиб-қўниб юрар, шаҳар кўчалари ва бурчакларида қарғалар гўё ундаги кишиларнинг ҳолига йиғлагандай қағилларди. Амир Мусо шаҳарнинг одамлардан бўшаб қолганлигига, халқлари тугаб кетганлигига қайғуриб: «Асрлар ва замонлар ўтиши билан ўзгармас зотни, камчиликлардан пок деб ёд қиламан. У зот ўз қудрати билан махлуқларни бунёд қилувчидир!»— деди.

Шундай деб, оллоҳга тасбеҳ айтиб турганда, бирдан бир тарафда оқ мрамор тошдан ишланган етти лавҳа ярқираб кўриниб қолди. Амир Мусо у лавҳаларга яқин борди, қараса, уларга нақш солинган, хат ёзилган экан. Хатларни ўқишни буюрди. Шайх Абдуссамад ўйлаб-ўйлаб ўқиди. Булар ўғит-насиҳат, ибратли сўзлар ва танбеҳлар экан. Биринчи лавҳага юнон тили билан шу сўзлар ёзилган экан: «Эй одам-

зод! Яшаган ёшларинг ва кечирган йилларинг сени гафлатга солди, ўзингни билдинг, холос. Сенга ўлим косалари тўлдириб тутилишини билмадингми? Яқиндан ундан тотасан, ер остига киришдан илгари ўз ҳолинига қара, мамлакатларга подшо бўлган, бандаларни хор тутган, ҳисобсиз аскарларни етаклаган кишилар қайда? Худо ҳақи, уларга лаззатларни йўқотувчи, уруғ-аймоқларни бир-бирдан айирувчи, обод манзилларни хароб этувчи ўлим келди. Уларни кенг қасрдан тор қабрга кўчирди».

Лавҳанинг остида шу байтлар ёзилган эди:

Қурдириб бир ўзларига муҳташам тоқу равоқ,
Ташлашиб тоқу равоқларни, бугун кетди йироқ.
Кирдилар ер қўйнига, қолдирмайин ному нишон,
Қолди шоҳлардан нишон: ҳар ерда қон, занжирда қон.
Минг қўшин ожиз эрур бу шоҳни қутқазмоқ учун,
Шоҳ фармони-ла энди зулм ўтказмоқ учун,
Гар худо қаҳр этса, қабр ила тахт ҳеч фарқсиз,
Шоҳлар! Тахтдан тушиб бир дамда ерга фарқ сиз!

Амир Мусо қаттиқ оҳ тортди, кўз ёши юзига оқди: «Оллоҳ ҳақи, дунёни тарк қилиш — чин тавфиқ ва ҳақиқатнинг чекидир»,— деди. Сўнгра қалам-қоғоз келтириб, биринчи лавҳадаги сўзларни ёзди, кейин иккинчи лавҳага яқин борди. Иккинчи лавҳада шу сўз ёзилган эди: «Эй одамзод, нима нарса сени ғурурга солди? Ажалнинг келишидан сени нима беҳабар қилди. Дунёнинг ҳалокат ери эканлигини, унда ҳеч ким қарор олмаслигини билмадингмикин? Доим унга ёпишасан ва муккангдан кетасан! Ироқни обод қилган, подшолар ва бутун оламга подшо бўлганлар қайда? Хуросон мамлакатини, Исфаҳонни обод қилганлар қайда? Уларни ўлим хабарчиси чақирди, унга жавоб бердилар, уларга фоний бўлиш жарчиси жар солди, улар: «Лаббай!» дедилар. Бино қилган қасрлари, кўркам уй-

лари уларга фойда бермади, йиққан, терган мол-дунё-лари уларни ўлимдан қутқаролмади».

Лавҳанинг остига шу байтлар ёзилган эди:

Келиб-кетувчиларга меҳмонхона қуришиб,
Ўзлари ҳам келишди, ўзлари ҳам кетишди.
Мағрур бошнинг суяги гўрда чириб, қуришиб,
Тепиб уня гўрковлар, нарига иргитишди.
Қани у қалъалару, қани Хисрав Парвизи?
Номи ўчди тиллардан, гўё чириб битишди!

Амир Мусо йиғлаб туриб: «Оллоҳ ҳақи, биз зўришлар учун яратилган эканмиз»,—деди. Кейин у лавҳадаги сўзларни ёзиб олиб, учинчи лавҳага яқин борди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— амир Мусо учинчи лавҳага яқин бориб, унда шу сўзлар ёзилганини кўрибди: «Эй одамзод, сен бу дунё савдоси билан машғулсан, у дунёни, парвардигорнинг амрини унутгансан, ҳар куни умринг ўтиб туради, сен умрингнинг ўтганига кўниб, рози бўлиб турасан. Қиёмат кунига тайёргарлигингни кўр, бандалар парвардигори олдида жавоб беришга ҳозир бўл!»



Беш юз етмиш
учинчи кеча

Лавҳанинг остига шу байтлар ёзилган эди:

Қани энди ўша, чўлларни обод айлаган қайда,
Бировга қаҳр этиб, бир нечани шод айлаган
қайда?

Эди Синд ила Ҳинд ҳар доимо зулму адоватда,
Адоват ўтида дўстликни барбод айлаган қайда?
Ҳабаш нубиялик Занжи итоаткор, эгиб гардан,
Итоат эттиришни элда бунёд айлаган қайда?
Улардая сени хабар топмоқ учун ҳовлиқма!

Бефойда.

Ажал ўқи тегиб, юз доду фарёд айлаган қайда?

Амир Мусо қаттиқ йиғлаб, тўртинчи лавҳага яқин борди. Унда шу сўзларнинг ёзилганлигини кўрибди: «Эй одамзод, хожанг сенга қанча муҳлат бердик, ҳар куни ўйин-кулги дарёсига шўнғийсан, ёки, хожанг сенга асло ўлмайсан деб ваҳи юбордимиз? Эй одамзод, беҳуда гафлат билан ўтган кеча-кундузларинг ва соатларинг сени мағрур қилмасин. Билгинки, ўлим йўлингда пойлоқчи ва елканга минувчидир. Сенга эртанг хайрли бўлсин, кечинг хайрли бўлсин, дейдиган кунлар доим ўтиб турмайди, ўлимнинг ҳужумидан сақлан ва унинг келишига тайёр тур. Мен худди сенинг узун умрингни тортиб олгандекман. Сўзларингга қулоқ сол, хожалар хожасига ишон. Дунёда сабот йўқ, дунё ўргимчак уяси кабидир».

Лавҳанинг остига шу байтлар ёзилган эди:

Бу кенг ернинг юзига нуқрадан уйлар этиб барпо,
Тақиб тожигга лаъл, гавҳар, кийиб кимхобдан сарпо,
Ўзини асрамоққа энг баланд деворлар қурган,
Шинам боғ, қалъаларда ҳукмронлик даврини сурган,
Ўлимдан беҳабарлар кетдилар, кўнгли тўла армон,
Йўловчининг отидек чарчаган, беҳолу бедармон.
Қуюн чанги каби тўзғиб шамолда ҳоки-тупроғи,
Фақат қўнқайганича қолди истеҳком ила боғи.

Амир Мусо йиғлади ва буларнинг ҳаммасини ёзиб олди. Сўнгра тоғдан тушди, дунё унинг кўз олдида равшан намоён бўлди.

Кун бўйи шаҳарга кириш учун ҳийла изладилар. Амир Мусо вазири Толиб ибн Саҳлга ва атрофидаги хос кишиларига: «Шаҳарга кириб, ажойиботларини кўриш учун қандай ҳийла бор? Шоядки, у шаҳарда амир ал-мўмининга яқин бўлишга имкон берадиган нарсани топкаймиз»,— деди. Толиб ибн Саҳл: «Амининг давлатларини оллоҳ доимий қилсин! Нарвон ясаб у билан чиқамиз, ичкаридан бирон эшик топсак, ажаб эмас»,— деди. Амир Мусо: «Менинг кўнглимга келгани ҳам шу эди, жуда яхши маслаҳат»,— деди.

Дурадгорларни, темирчиларни чақирдилар, ёғочларни текислаб, темир билан ишлаб нарвон ясашни буюрдилар. Мустаҳкам нарвон ясадилар. Нарвон ясашга роса бир ой вақт кетди. Кўплашиб нарвонни шаҳар қўрғонининг деворига қўйдилар. Нарвон ўлчаб қилингандай, қўрғон деворига баб-баравар келди. Амир Мусо таажжуб қилиб: «Оллоҳ сизларга баракат берсин! Деворга ўлчагандек қилганингиз маҳоратингизни билдиради»,— деди. Кейин амир Мусо одамларига қараб: «Бу нарвондан қўрғон устига чиқиб, шаҳар ичига тушиш йўлини топадиган, эшикнинг қандай очилишидан бизга хабар берадиган киши борми орангизда?»— деди. Улардан бири: «Эй амир, қўрғонга чиқиб шаҳарга тушиб эшикни мен очаман»,— деди.

Амир Мусо: «Чиқ, худо сенга мадад берсин!»— деди.

У киши нарвон билан қўрғон тепасига чиқди. Сўнгра тик туриб, шаҳарни текшириб кўриб икки кафти билан чапак чалиб баланд овоз билан ҳайқириб: «Қандай гўзалсан!»— деб, ўзини шаҳар ичига ташлади ва гўшт-суяги майда-майда бўлиб кетди. Амир Мусо: «Ақлли кишининг иши шу бўлса, жинни-

нинг иши қандай бўлади?»,— деди. «Ҳамма йўлдошларимиз шундай қилаверса, бир киши ҳам қолмайди. Амир ал-мўминининг ҳожатини ўташдан ожиз бўлиб қоламиз. Кўчинлар, бу шаҳарга ҳожатимиз йўқ»,— деди. Улардан бири: «Бошқалар саботлироқ бўлса ажаб эмас»,— деди. Яна иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи киши чиқди. Нарвондан қўрғон тепасига кетма-кет ўн икки кишигача чиқдилар. Уларнинг ҳам ҳоли шундай бўлди.

Шайх Абдуссамад: «Бу ишга мендан бошқаси ярамайди, тажриба кўрган киши тажрибасиздек эмас!»— деди. Амир Мусо: «Сен бу ишни қилма! Қўрғон тепасига чиқиб нобуд бўлсанг, ҳаммамизнинг ўлимимизга сабабчи бўласан. Биздан бир киши ҳам қолмайди, чунки сен бизга йўлбошчисан»,— деди. Шайх Абдуссамад унга: «Оллоҳнинг амри билан бу иш қўлимдан келса ажаб эмас»,— деди. Ҳаммалари ноилож рози бўлдилар. Шайх Абдуссамад дадил ўрнидан туриб: «Бисмиллоҳирраҳмонир раҳим»,— деб нарвонга чиқди. У қўрғон тепасига чиққунча оллоҳни ёд этиб, нажот оятларини ўқиб турди. Тепага чиққач, икки қўли билан чапак уриб, шаҳар ичига кўз тикди. Пастда турган одамларнинг ҳаммаси бақиритиб: «Эй шайх Абдуссамад, зинҳор ўзингни пастга ташлама»,— деб ёлворитди. Агар шайх Абдуссамад ўзини ташласа, ҳаммамиз ҳалок бўлдик, дердилар. Шайх Абдуссамад бўлса қаҳ-қаҳ уриб бир кулди-ю, оллоҳни ёд этиб, нажот оятини ўқиб, узоқ вақт ўтириб қолди. Кейин дадил ўрнидан туриб, баланд овоз билан: «Эй Амир, қайғурманглар, улуғ ва азиз оллоҳ мендан шайтоннинг макрини даф қилди!»—деб қичқирди. Амир Мусо унга: «Эй шайх, қўрғон устига чиққанингда нима кўрдинг?»— деди. Шайх унга: «Тўлган ойга ўхшаш ўн қизни кўрдим, улар мени чорладилар...»— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— шайх Абдуссамад: «Қўрғон устига

чиққанымда тўлган ойдек ўн қизни кўрдим. Улар қўллари билан ишорат қилиб: «Кел ёнимизга»,— дер эдилар. Остимда дарё бор деб ҳаёл қилиб, йўлдошларимдек ўзимни пастга ташламоқчи бўлдим, уларнинг ўлигини кўриб ўзимни тўхтатиб, олло таолонинг китобидан ўқий бошладим. Оллоҳ уларнинг макрини

мендан даф қилди. У қизлар ҳам қайтиб кетдилар, ўзимни пастга ташламадим. Буларнинг сеҳр ва макр эканлигига ҳеч шубҳам йўқ эди. Шаҳар халқи бу ерга келган ва шаҳарга кирмоқчи бўлганларни қайтариш учун сеҳр билан шундай қилган экан. У ерда йўлдошларимиз ўлиб ётишарди»,— деб ҳикоя қилади.

Сўнгра шайх мисдан ишланган икки минорага етгунча юрди, у ерда икки олтин эшик бор эди-ю, лекин қулф эмасди. Эшикларнинг очилиш аломати ҳам кўринмади. Шайх текшириб қараса, эшикнинг ўртасида мис чавандоз сурати бор экан. У йўл кўрсатаётгандек қўлини чўзиб турганмиш. Қўлида қандайдир хат ёзиғли эмиш. Шоҳ Абдуссамад уни ўқиди, унда шу сўзлар ёзилган экан: «Отлиқнинг киндигидаги михни ўн икки марта тирна, шунда эшик очилади.» У отлиқни текшириб, киндигида маҳкам ўрнатилган михни кўриб, ўн икки марта тирнади. Шу онда эшик очилди ва ундан момақалдироқ овозидек овоз чиқди.

Шайх Абдуссамад эшикдан ичкари кирди. У киши ҳамма тилларни ва ҳамма ёзувларни биладиган олим, фозил эди. Узун бир йўлакка етгач, зиналар билан пастга тушди. У ерда чиройли дўкончадай қилиб ясалган супачалар ва устида ўлган одамлар жасади ва уларнинг бошида қалқонлари, ўткир қилчлари, тортиглиқ ёйлар қадалган ўқлари бор. Эшик орқасида темир устун, ёғоч тамбалари бор. Шайх Абдуссамад ўзига-ўзи: «Шояд калидлар шу ётган кишилар ёнида бўлса»,— деди. Қараса, улар орасида ёши катта бир киши ҳам бор. У баланд супада ётарди. Шайх Абдуссамад: «Қим билади, бу кекса киши балки шу шаҳарнинг дарвозабонидир, бу ётган кишилар унинг қўл остидаги одамлардир. Шаҳар калити шу кишидадир» деб, яқин бориб унинг кийимини кўтариб кўрди. Қараса, калитлар белида осиглиқ турибди. Шайх Абдуссамад жуда хурсанд бўлганидан ҳуши кетгудай бўлди. Кейин калитларни олиб, эшикка яқин борди. Қулфни очиб, тамбаларини олиб эшикни тортди. Эшик катталиги, ваҳимадорлигидан момақалдироқдек овоз беряб очилди. Шайх Абдуссамад такбир айтди. Одамлар ҳам қўшилиб такбир айтишди ва ғоят хурсанд бўлишди.

Амир Мусо шайх Абдуссамаднинг саломат қолганига хурсанд бўлди. Шаҳар эшиги очилди ва ҳамма халқ шайхнинг ишларига ташаккур билдирди. Ҳамма аскарлар эшикдан киришга ошиқардилар. Амир Мусо уларга ҳайқариб: «Эй халойиқ, ҳаммамиз бирдан кирсак, яна бирон қор-қол бўлмасин. Одамларнинг ярми кирсин, қолганлари кутиб турсин!»— деди. Амир Мусо эшикдан кирди. У билан кишиларининг ярми қурол-аслаҳалари билан киришди. Одамлар ўлиб ётган йўлдошларини кўмдилар. Дарвозабонлар, хизматчилар, подшоларнинг хос соқчилари, поибларнинг

ипак тўшакларда ўлим уйқусида ётганликларини кўрдилар. Сўнгра шаҳар бозорига кирдилар. У жуда катта бўлиб, катта-катта ҳашаматли бинолар бири-бирдан айрилмасдан тутшиб кетган, дўконлар очиқ, гарозилар қурилган, мискарлар қатор саф тортган, саройлар эса турли моллар билан лиқ тўла эди. Савдогарлар дўкон-дўконларида ўлиб ётишарди. Уларнинг терилари қуриб, ёпишиб кетган, суяклари чириган. Бундан бошқа яна тўрт бозорни кўрдилар. Дўконлари мол билан тўла эди. Ипак бозорига ўтдилар. Унда ипаклар, ипакдан тўқилган нафис кийимлар, қизил олтин ва оқ кумушдан ҳар рангда тўқилган кимхоблар. Кишилар тўшалган терилар устида худди гапираётгандек оғизлари очиқ ётардилар. Уларни қолдириб марварид, ёқут ва турли асл тошлар сотиладиган бозорга, ундан сарроблар бозорига ўтдилар. Уларда ҳам ҳамма ўлиб ётибди. Дўконлар олтин-кумуш билан лиқ тўла. Сўнгра атторликка ўтдилар, дўконлар ҳар турли атир, мушк нофелари, анбар, надр, кофур ва бошқа нарсалар билан лиқ тўла экан. Бозор аҳлларининг ҳаммаси ўлиб ётибди.

Бозордан чиққач, зийнат билан бино қилинган мустаҳкам бир қаср кўрдилар. Ундаги ёзилган байроқлар, яланғочланган қиличлар ва тори тортилган ёйлар, олтин-кумуш занжирлар, осилган қалқонлар, олтин билан безалган дубулғаларнинг сони йўқ эди. Қасрда тахтадан ясалиб, олтин ва ипак билан безалган супалар кўрдилар, уларнинг устида ётган кишиларнинг терилари қуриб, суякларига ёпишган, билмаган киши уларни уйқуда деб гумон қиларди. Лекин улар очликдан ўлим таъмини тотганлар эди.

Амир Мусо шулар олдида тўхтаб, оллоҳга тасбеҳ айтди. Қасрнинг гўзаллигига, биносининг маҳкамлигига, муҳандиснинг маҳоратига тасанно айтди.

Унинг кўп нақшлари яшил кошинкорлик эди. Қаср атрофига шу байтлар ёзиғлик эди:

Аё қудратли одам! Ҳар томон боқ!
 Боқарсан деб, сенга кўп нарса илҳақ!
 Кишилар уй қураб, дунё йиғар кўп,
 Келар уйга муносиб ёри маҳбуб.
 Мурувватдан йироқ, қаттиқ бу сийна,
 Фирибгарлик билан тўплаб хазина,
 Қўйиб ҳирс, биттасини юз қилишга,
 Халойиққа уни кўз-кўз қилишга!
 Хабарсизлар ҳаёти муддатидан,
 Қоронғи, тор лаҳаднинг шиддатидан!
 Кўрингим, элга зулми ҳаддан ошгай,
 Қилиб жанг, қон тўкиб у ер талашгай.
 Шу вақт келгай суриштирмай ўлим ҳам,
 Тутар у, киндагидан сўнгра маҳкам!
 Суриштирмас, гадоми ёки султон,
 Кечиктирмай шу фурсатдан, олур жон!
 Яқинлар унга бир озроқ куярлар,
 Уни элтиб, қабр ичра қўярлар,
 Яқинлардан сенга раҳмат ёғилгай,
 Йироқлардан сенга лаънат ёғилгай.
 «— Қани у салтанат ҳам тожу тахтинг,
 Қани йиққанларинг, дунёнг бахтинг?
 Қани у қадди зебо нозанинлар,
 Қани базмингдаги ноз, офаринлар?
 Қани у даҳмазанг, ўқу яроғинг,
 Мунаққаш уйларинг, боғу равоғинг?..»
 Жавоб бергай сенинг ўрнингга қабринг,
 Қилиб таъриф сенинг кўп зулму жабринг.
 Дегай: «Бўлса агар бошида тожи,
 Қутулмоқлик учун йўқдир иложи!
 Менинг қўйним қоронғи, танқису тор,
 Гўзаллардан савол бермоқ не даркор!
 Бу одамлар ғурурдан семирурлар,
 Уни қўйнимда қуртлар кемирурлар!..»

Буларни ўқигач, амир Мусо ҳуши кетгунча йиғлади. Шеърларни ёзиб олинлар, деб буюриб, ўзи қасрга кирди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод хикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз етмиш
бешинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб хикоясини давом эттирди Шаҳризод,— амир Мусо қасрга кириб, бир катта хонани кўрди. Унда бир-бирига қарама-қарши ранг-баранг қилиб олтин-кумуш билан нақшланган кенг ва баланд тўрт хона бор эди. Қаср ўртасида мрамрдан ишланган катта бир ҳовуз бўлиб, унинг устига ипак чодир қурилган ва хоналарнинг тўрт тарафида чиройли-чиройли фонтанлар. Ҳовузлар тагидан

ўтадиган оқар анҳорлар ранг-баранг мрамрдан ишланган катта бир кўлга бориб қуйиларди.

Амир Мусо шайх Абдуссамадга: «Биз билан бу хоналарга кир!»— деди. Улар биринчи хонага кирдилар. Қарасалар, у, олтин, кумуш, марварид, қиммат баҳо тошлар, ёқутлар, нодир маъданлар билан тўла экан. Сандиқларда оқ, сариқ, қизил ипак кийимлар тиқилиб ётибди. Иккинчи хонага ўтдилар ва ундаги хазиналарни очдилар. У хазиналар ҳарбий қурол-аслаҳалар: зар ҳал берилган дубулғалар, Довудий совутлари, ҳинд қиличлари, ҳаттий найзалари, хоразм гурзилари ва ҳар хил уруш ва мудофаа асбоблари билан тўла экан. Учинчи хонага ўтдилар. У ерда ҳам хазиналар бўлиб, қулфлоглик эди. Қулф устида ҳар хил гуллар билан нақшланган пардаларни кўриб, у хазиналардан бирини очдилар ва қимматли тошлар, олтин-кумушлар билан безалган қурол-аслаҳага тўла эканлигини кўрдилар. Тўртинчи хонага ўтдилар, унда ҳам хазиналарни кўриб, улардан ҳам би-

рини очдилар. Қарасалар, у ҳар хил олтин-кумушдан ишланган идиш-оёқлар, биллурдан ишланган товоқлар, марварид билан зийнатланган қадаҳлар, ақиқ ко-салар ва бошқалар билан тўла экан.

Улардан ўзларига керагича олдилар. Аскарларнинг ҳар бири ҳам кучи етганча олди. Улар хоналардан чиқаётганда, сож дарахтидан, фил суягидан, обнус ёғочидан аралаштириб ишланган бир эшикни кўрдилар. Эшик устига ялтироқ олтин тахта ёпиштирилган. У қасрнинг ўртасида эди, олд томони ҳар хил гуллар билан безатилган, парда билан тўсилган бўлиб, ҳийла билан калитсиз очиладиган оқ кумушдан ишланган қулфлар солинган экан. Шайх Абдуссамад ўз билими, илмдаги устунлик хислати билан қулфларни очди. Одамлар мрамр йўлакка кирдилар. Йўлак деворларига пардалар тортилган, пардаларга қизил олтин ва оқ кумушдан ҳар хил ваҳший ҳайвон, қуш суратлари солинган. Кўрганларнинг ҳаммаси ҳайратда қолди. Сўнгра ҳашаматли бир хонага кирдилар. Амир Мусо ва шайх Абдуссамад уни кўргач, иншо этган санъаткор санъатидан ҳайратда қолдилар. Кейин қиммат баҳо тошлар билан безатилган, силлиқ мрамрдан ишланган яна бир хонага етдилар. Кўрган киши бунда оқар сув бор, деб гумон қиларди. Киши ундан ўтадиган бўлса, тойиб кетарди.

Амир Мусо шайх Абдуссамадга ўтиш мумкин бўлсин деб, устига бир нарса солишга буюрди. Кейин ундан ўтдилар. У хонада тошдан ишланиб, тоза олтин суви берилган катта бир гумбазни кўрдилар. Одамларнинг кўрган ҳамма нарсалари ичида бундан гўзалроғи йўқ эди. Атрофида зумрад шодалари билан безалган панжаралари бор эди. Гумбаз ичида олтин устунларга ўрнатилган, ипакдан ишланган чо-

дир бор эди. Ундаги қушларнинг оёқлари яшил зумраддан эди, ҳар бир қушнинг остига тоза марвариддан тўр тортилган эди. Ҳовуз устига эса, ёқут, дуру жавоҳирлар билан зийнатланган сўри қўйилган. Сўри устида туш пайтидаги қуёшдек, гўзалликда мисли йўқ бир қиз ётарди. Устидаги кийими тоза марвариддан, бошида қизил олтиндан тож, нодир жавоҳирдан рўмол, бўйнида нафис жавоҳирлардан гарданлик, пешонасидаги икки жавоҳирнинг нури қуёш нуридек, қиз ўнг-сўлга назар ташлаётгандек тўйиларди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— амир Мусо бу қизни кўргач, ҳусни жамолига ғоят таажжубда қолибди. Гўзаллиги, икки юзининг қизиллиги, сочининг қоралигига ҳайрон бўлибди. Қараган киши уни тирик гумон қилармиш. Улар: «Ассалому алайкўм, эй қиз!»— деб салом берган эканлар, Толиб ибн Саҳл амирга: «Бу қиз ўлик, жони йўқ, саломингизга қаёқдан жавоб бер-

син? Эй амир, бу қиз ҳикмат билан ишланган гавда, ўлганидан кейин икки кўзи ўйиб олиниб, симоб қуйилиб яна ўрнига қўйилган, шунинг учун у ярқираб, киприклари қимирлагандай кўринади. Ўлиб ётган бўлса ҳам, киши, икки кўзи билан қараяпти, деб гумон қилади,»— дебди.

Қиз ётган сўри зинапояли бўлиб, зинапоясида бири оқ, бири қора икки қул бор экан, бирининг қўлида пўлат қурол, иккинчисининг қўлида кўзининг нури-

ни оладиган яланғоч қилич бормиш. Шу икки қул олдида олтин бир лавҳа бўлиб, унда шу сўзлар ёзилган экан: «Эй Одам ўғли, дунёда узоқ умр кўриш умиди билан бунча нодон бўлмасанг, ажал келишини нега унутиб қўйдинг? Кетишга тайёрлан, тирикликда заду роҳлангни тўғрилаб қўй. Яқинда дунёдан ўтасан. Инсонлар отаси Одам қайда? Нуҳ ва унинг авлоди қайда? Эрон кесролари қайда, рум қайсарлари қайда, Ҳинд ва Ироқ подшолари қайда? Олам подшолари қайда? Амолиқалар қайда? Ҳаммага зулм, жабр қилганлар қайда? Улардан ер бўшади, улар ватанлари, оилаларидан айрилдилар. Ажам ва Араб подшолари қайда? Ҳаммалари ўлиб, чириб кетди. Катта мартабаларга эга бўлган аслзодалар қайда? Ҳаммаси дунёдан ўтди. Қорун ва Ҳомон қайда, Од ўғли Шаддод қайда, Фиръавн қайда? Оллоҳ уларни кесди, у умрларни кесувчидир, ер-жойларни улардан бўшатувчидир. Бу бандалар парвардигорига жавоб бериш учун тайёргарлик кўрдиларми? Ҳой одам, агар мени билмасанг, отим, насабимни сенга танитаман. Мен — амолиқа подшоларининг қизи Тирмизман, улар адолатли кишилар эдилар. Беҳисоб мол-мулкка эга эдилар. Мен адолат билан ҳукм юритдим, инсоф билан иш тутдим. Халққа марҳаматли бўлиб, уларга инъом-эҳсон қилдим. Узоқ вақтлар шод-хуррамликда умр кечирдим. Қанизак қулларни озод қилдим. Оқибатда менга ўлим хабарчиси келди. Бошимга мусибат тушди, мамлакатимизда сурункасига етти йил ёмғир ёлмади, еримиздан ўсимлик унмади. Қўлимиздаги бор озуқани еб битирдик, кейин чорва молларга қўл урдик, уларни ҳам еб битирдик, ҳеч нарса қолмади. Шундан кейин мол-дунёмни йиғдим, ҳисоб қилдим, ишончли кишиларга топшириб, озиқ-овқатга юбордим. Уларнинг озиқ қидириб борма-

Беш юз етмиш олтинчи кеча

ган шаҳарлари қолмади. Лекин озиқ топмадилар. Озиқ-овқат тополмай юра-юра қайтиб келдилар. Шундан кейин мол-дунёемизни, йиққан хазинамизни ошкор қўйиб, шаҳримиздаги қўрғонларнинг эшикларини қулфладик. Парвардигорнинг ҳукмига бўйсундик. Узимизни хожамиз ихтиёрига топшириб, ҳаммамиз жон бердик. Обод қилган жойларимизни, йиққан-терган молларимизни ташладик. Бизнинг қиссамиз шу, асли кетгандан кейин асари қолади».

Лавҳанинг остига қарашган эди, қуйидаги байтларни кўрдилар:

Ҳаваслар қўлида бўлма ўйинчоқ, одам авлоди,
Қараб орқангга бир, тарихга ҳам боқ, одам авлоди!

На йиғсанг булҳаваслик ила, қолгай булҳавасларга,
Қолур бу топканинг, қолганда фурсат қисту бастларга!

Кўриб турмоқдаман, бой бўлгали ҳар нарса истайсан,
Отингни қамчилаб, ҳар ён чопарсан, ўзни қистайсан.

Келиб олдингилар ҳам, бу муроддан номурод ўтмиш,
Топиб найранг билан пул, охири келмасга йўл тутмиш!

Қурулланган қўшинлар сақласин ҳар эртаю ҳар шом,
Пулотдан бўлса ҳам атрофдаги девору истеҳком.

Улимнинг чангагадан ҳеч қутулмайсан! Билиб қўйгин,
Сафар жабдуғларини боғла, тайёрлик қилиб қўйгин!

Бу йўлдан ўтди сонсиз корвону, келмади қайтиб,
Пиёдаю сувора, ҳаммаси ҳар хил қўшиқ айтиб.

Бориб қўнмиш улар, бир-бир кетин бир катта манзилга,
Демиш, дўқлар уриб карвонга бу манзил, кириб тилга:

«— Отингизни эгарланг! Молю дунёнгиз эмас даркор!
Ҳашамлар сиғмагай, қўйним қоронғи, ҳам эрурман тор!..»

Бу сўзни ўқиб, амир Мусо йиғлади ва: «Худо ҳақи, ҳамма иш ва ҳақиқатларнинг боши, мустаҳкам таянч — ноҳўя ишлардан сақланишдир. Улим очиқ ҳақиқатдир. Эй Одам боласи, ўлимни, қайтадиган ерингни ўйла. Сендан илгари тупроққа бориб ётганлардан ибрат ол. Қариликнинг қабрга чақирганини, сочинининг оқаргани — ўлим даракчиси эканлигини билмадингми? Дунёдан кўчишга, охиратда ҳисоб беришга тайёрлан, огоҳ бўл! Эй Одам ўғли, дилингни нима қорайтирди, сени парвардигордан нима чалғитди? Ўтган умматлар қайда? Шундан ибрат олсанг-чи! Қувват-қудрат эгаси бўлган Чин подшолари қайда? Од ибн Шаддод ва унинг обод қилган жойлари, қўрган бинолари қайда? Ўзини ҳаммадан катта тутган, мағрур Намруд қайда? Кофир бўлган Фиръавн қайда? Кетма-кет уларнинг ҳаммасига ўлим истило қилди. Улим катта-кичикни, эру хотинни аямади. Умрларни кесувчи, кундузни кеча қилувчи ўлим уларнинг ҳаётига барҳам берди. Бу ерга келган эй зот, билгин! Кимки бизни кўрса, у моли дунёнинг оз-кўпига алданмайди. Моли дунё алдамчи, маккордир. Дунё, мағрурлик — ҳалокат кони. Гуноҳингни ёдинга олиб, парвардигордан қўрққин, қиёмат кунига яхши амалларини тақдим этган банда бахтлидир. Кимки бизнинг шаҳримизга келиб кирса, бу моллардан кучи етганча олсин, лекин жасадим устидаги ҳеч бир нарсага тегмасин. Устимдаги кафаним овратим учун парда, дунёдан олган жиҳозимдир. Ким олса, ўзини ўзи ҳалок қилади. Бу сўзларимни амонат қолдираман, вассалом. Оллоҳ сизларни бало-қазолардан сақласин!»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз етмиш
еттинчи кеча*

И саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— амир Мусо бу сўзларни ўқигач қаттиқ йиғлаб, ҳушидан кетибди.

Ўзига келгандан кейин, кўрганларининг ҳаммасини ёзиб олиб, улардан ибрат олибди. Сўнгра йўлдошларига: «Қопларингизни келтириб бу моллардан, нодир идишлардан, тухфалар, қимматли жавоҳирдан тўлдиришлар»,— дебди. Толиб ибн Саҳл амир Мусога: «Эй амир, бу

нарсалари билан қолдириб кетамизми, бу нарсаларнинг мисли йўқ-ку. Оладиган молларингиз ичида энг қимматлиси шу-ку, амир ал-мўмининга бу жуда яхши совға-ку»,— дебди. Амир Мусо: «Бу лавҳадаги қизнинг васиятини эшитмадингми, хусусан, у сўзларни амонат деб топширди, биз бўлсак, хиёнатчилардан эмасмиз»,— дебди. Вазир Толиб: «Шуни деб бу мол, бу қимматли тошларни ташлаб кетамизми? Бу қиз ўзи ўлик, бу молларни нима қилади у? Мол — дунёнинг зийнати, тирикларнинг — кўрки. Бу қизнинг устига бирон мато ташлаб қўйса бўлаверади, бу моллар бизга аталган экан»,— дебди.

Шундай дебди-ю, зинапоядан юқори чиқиб бориб икки қул турган жойга етибди. Улардан бири бехосдан унинг орқасига урибди, иккинчиси қўлидаги қилич билан бошини учирибди. Толиб «гуп» этиб йиқилибди. Амир Мусо: «Оллонинг қаҳрига учрадинг! Очкўзлик бошингга етди»,— дебди.

Кейин аскарларига буйруқ берибди. Улар мол, маъданларни туяларга ортишибди. Амир Мусо, эшикларни илгаригидек қилиб қулфланглар, деб бую-

рибди. Баланд бир тоққа етгунча қиргоқдан боришибди.

Қарасалар, унда жуда кўп ғор бормиш, у ғорларда қора танли одамлар турар экан. Устларига теридан кийим, бошларига теридан кулоҳ кийганмиш. Сўзларини англаб бўлмашмиш. Аскарларни кўргач қўрқиб ғорларига қочибдилар. Хотинлари, болалари ғор эшигида турганмиш. Амир Мусо: «Эй шайх Абдуссамад, булар қандай одамлар?»— дебди. Шайх Абдуссамад: «Улар амир ал-мўминининг қидирган кишилари»,— дебди. У ерга тушибдилар, чодирлар тикилибди. Бир вақт қора танлилар подшоси тоғдан тушиб, аскарларга яқин келибди. У араб тилини билар экан. Амир Мусога келиб салом берибди. Амир саломига жавоб бериб, унга хурмат кўрсатибди. Қора танлилар подшоси амир Мусодан: «Сизлар инсонларданми ё жинларданми?»— деб сўраган экан, амир Мусо: «Биз инсонлардан, аммо сизларнинг жинлардан эканингизга шак йўқ. Чунки сизлар бу тоғда халқдан айрилиб ёлғиз яшайсизлар, сизларнинг қиёфаларингиз ҳам бошқача»,— дебди. Қора танлилар подшоси: «Биз ҳам одам наслиданмиз, яъни Хом бин Нуҳ (худо раҳмат қилсин!) авлодиданмиз, бу денгизни ал-Каркар денгизи дейдилар»,— дебди. Амир Мусо унга, «Сизларга ваҳи келиб турадиган пайғамбар келмабди, бу ерда илмни қаердан олгансизлар?»— дебди. У: «Билгин, эй амир, бу денгизда нури билан оламни ёритадиган бир махлуқ пайдо бўлиб, узоқ-яқиндагилар — ҳамма эшитадиган овоз билан: «Эй Хом авлоди, бир худодан бошқа худо йўқ, Муҳаммад оллоҳнинг бандаларга юборган элчиси! Мен бўлсам, Абул-Аббос ал-Хизирман»,— деб нидо қилади. Илгари биз ўзимиздан бўлган маълум шахсларга ибодат қилар эдик. Кейин бизни ал-Хизир парвардигор ибодатига

даъват қилди: Абул-Аббос ал-Хизир бизга калималарни ўргатган»,— дебди. Амир Мусо: «У калималар қайсилар?»—деб сўрабди. «У калималар «Худодан бошқа худо йўқ. Унинг шериги йўқ, ҳокимлик ва мақтов олоҳга хос, оллоҳ тирилтирувчи ва ўлдирувчидир. У ҳамма нарсага қодир». Ҳар жума кечаси ер юзида бир нур кўрамиз ва: «Фаришталар ва руҳпарвардигори ҳамма нолюйқ сифатлардан пок ва муқаддасдир. Ҳар неъмат оллоҳнинг фазлидандир. Бандада ҳеч ҳаракат ва қувват йўқ, бўлса ҳам оллоҳнинг хоҳиши билан бўлади»,— деган овозни эшитамиз»,— дебди.

Амир Мусо унга: «Биз ислом подшоси Абдулмалик бин Марвоннинг кишиларимиз, сизларнинг денгизларингиздаги мис кўзаларни деб келган эдик. У кўзаларда Сулаймон бин Довуд замонидан тортиб шайтонлар маҳбус экан. Подшоҳимиз уларни топиб келтиришга буюрганди»,—дебди. Қора танлилар подшоси амир Мусога: «Бош устига, ҳурматингга тайёрмиз!»— дебди.

Уларни балиқ гўшти билан зиёфат қилиб, денгизга шўнгувчиларга Сулаймон жинларни ҳибс қилган кўзаларни топиб келишни буюрибди. Улар ўн икки кўза келтирибдилар. Амир ал-мўминининг амри бажо келтирилганлиги учун амир Мусо, шайх Абдусамад ва аскарлар суюнибдилар. Амир Мусо қора танлилар подшосига кўп ҳадя, совғалар берибди. Қора танлилар подшоси ҳам одамзод қиёфасида бўлган денгиз ажойиботларидан ҳадя берибди. У: «Уч кун сизларни шу балиқ гўшти билан меҳмон қилдик»,—дебди. Амир Мусо, амир ал-мўмининга ҳам бир оз олиб кетишимиз албатта лозим, чунки у кишига бу нарса Сулаймон кўзаларидан ҳам кўпроқ манзур бўлади, дебди. Сўнгра видолашиб йўлга тушибдилар, кеча-кундузлаб юриб Шом мамлакатига етибдилар.

Амир ал-мўминин Абдулмалик бин Марвон ҳузурига кирибдилар. Амир Мусо ҳамма кўрган кечирганларини, ёзиб олган ашъорлари, хабарлари, насиҳатлари, Толиб ибн Саҳл ҳодисасини гапириб берибди. Амир ал-мўминин унга: «Қошки мен ҳам сизлар билан бўлган бўлсам эди, мен ҳам шуларни ўз кўзим билан кўрардим»,— дебди.

Сўнгра кўзаларни олиб, бирма-бир оча бошлабди. Ундан чиққан жинлар: «Эй оллоҳнинг пайғамбари, тавба қилдик! Қайтиб бу ишни асло қилмаймиз!»— дер эмишлар. Абдулмалик бин Марвон таажжубланибди. Қора танлилар подшоси зиёфатда гўштини едирган денгиз қизлари учун ёғочдан ҳовуз ясаб, сувга тўлдирибдилар. Денгиз қизларини ҳовузга солишган экан, иссиқнинг зўрлигидан улар дарҳол ўлиб қолибди. Амир ал-мўминин мол-дунёларни мусулмонлар ўртасида тақсим қилиб берибди..»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— амир ал-мўминин Абдулмалик бин

Марвон мис кўзаларни ва ундаги жинларни кўргач гоётда таажжубланди. Сўнгра молларни келтириб, мусулмонлар ўртасида тақсим қилиб: «Худо ҳеч кимга Сулаймон бин Довудга (иккаласига оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) бергандек мол-мулк, подшоҳлик ато қилган эмас»,— деди.

Сўнгра амир Мусо амир ал-мўмининдан мамлакатда ўз ўрнига ўғлини волий кўтаришга ижозат сў-

*Беш юз етмиш
саккизинчи кеча*

ради, ўзи Қуддус шарифга бориб, у ерда оллоҳга ибодат қилмоқчи эди. Амир ал-мўминин унинг ўғлини отаси ўрнига волий қилди. Амир Мусо Қуддус шарифга бориб у ерда вафот этди. Мискарлар шаҳри ҳақидаги қиссалар шу экан.



Шаҳзода ва етти вазир ҳикояси

У

икоя қиладиларки, қадимги вақт ва ўтган асрда замон подшоларидан мол-дунёга бой, аскар ва мулозимлари кўп бир подшо бўлиб, ёши улғайибди-ю, лекин унга бир ўғил фарзанд nasib бўлмабди. У олло таоло даргоҳига пайгамбарни восита қилиб, пайгамбарлар, авлиёлар, оллонинг яқин бандаларидан бўлган шаҳидлар ҳақи, кўзига нур, мол-мулкига ворис бўлади-

ган бир ўғил фарзанд сўрабди. Дарҳол ўрнидан туриб, ўзининг хос уйига кетибди-да, амакисининг қизи бўлган хотини билан қўшилган экан, оллоҳнинг изми билан хотини ҳомиладор бўлибди. Ой-кунни тўлиб, туғадиган вақти етиб, ўн тўрт кечалик ойдек бир ўғил фарзанд кўрибди. У ўғил беш ёшга тўлибди.

Подшонинг саройида ҳикмат илмида маҳоратли ҳукамоларидан бир ҳакими бор экан. Уни Синдбод дер эканлар. Подшо ўглини унга топширибди. Бола ўн ёшга етгач, унга ҳикмат, одоб ва турли илмларни ўргатибди. Илмда, одобда, фаҳму фаросатда ўша замонда мунозарада болага тенглашадиган киши йўқ экан. Боланинг бу даражага етгани отасига маълум бўлгач, араб чавандозларидан бир қанчасини чақириб, от ўйнатиш ва ҳарбий маҳоратни ўргатишларини сўрабди. Бола моҳир чавандоз бўлиб, майдонда от сакратиш ва жавлон қилишда тенгдошларидан ўтиб кетибди.

Кунларнинг бирида, Синдбод ҳаким юлдузга қараб, боланинг ҳолини сўрабди. Билса, бола етти кун яшаган. Синдбод сўз гапирса у сўз ҳалокатига сабаб бўлади дейишган эмиш. Ҳаким бу ҳодисани боланинг отаси шохда бориб билдирибди. Подшо унга: «Эй ҳаким, бу ишнинг тадбири, маслаҳати қандай бўлади?»— дебди. Ҳаким унга: «Эй подшо, фикримча, бу ишда тадбир ва маслаҳат шулки, шаҳзодани бир кўнгил очадиган жойга қўясиз, етти кун ўтгунча у ерда музика эшитиш билан машғул бўлади»,— дебди.

Подшо хос ва энг гўзал канизакларидан бирини чақириб, ўглини ўшанга топширибди ва унга: «Бу шаҳзоданинг қасрга олиб бор, етти кун ўтмагунча қасрдан чиқмасин»,— дебди. Канизак шаҳзодани қўлидан ушлаб, қасрга олиб боради. Қасрда қирқ уй

бор эди. Ҳар уйда ўн канизак турарди, ҳар бир канизакнинг ўзига махсус музика асбоблари бўларди. Улардан биттаси созини чалса, қасрдагилар ўйинга тушарди. Қаср атрофида оқиб турган анҳорлар, уларнинг лабига экилган ҳар хил мевалар ва гулу ройҳонлар чаман-чаман очилиб турарди. Шаҳзода ҳусни жамолда мақтаб тугатиб бўлмайдиган даражада гўзал эди. Қасрда бир кеча ётгандан кейин отасининг севикли канизаги кўриб, шаҳзоданинг ишқи кўнглига тушди. Ўзини тўктата олмай унга ташланди. Шаҳзода унга: «Шошма, сенинг бу қилигингни отамга айтман. Отам жазонингни беради»,— деди.

Канизак қўнграб йиғлаб бориб ўзини подшонинг оёғи остига ташлабди. Унга подшо: «Эй канизак, нима бўлди? Шаҳзодани қалай? Бирор кори ҳол бўлгани йўқми?»— дебди. Канизак: «Эй хожа, шаҳзодам мени ёмон йўлга бешламоқчи бўлди, агар бош тортсам, ўлдирмоқчи бўлди. Мен унамадим, қочиб келдим. Тирик борман, шаҳзода олдига, қасрга асло бормайман»,— дебди. Подшо бу сўзни эшитгач қаттиқ гавабланди, вазирларини олдига йиғиб, ўглини ўлдиришга фармон берди. Улар бир-бирларига: «Подшо ўглини ўлдиришга жазм қилди. Кейин ўзи пушаймон қилади. Угли жуда ҳам азиз, бола кўришдан умидини узганда зўрга топган фарзанди. Агар уни ўлдириб қўйса, кейин бизга: «Нима учун ўғлимни ўлдиришдан мени тўхтатмадинглар, деб итоб қилади. Энди нима қиламиз?»— деганларида, вазирлардан бири: «Подшонинг сизларга ғазабини мен тўсаман»,— деди. У ўрнидан туриб бориб подшо ҳузурига кирди ва ер ўлиб, сўзлашга рухсат сўради.

Подшо рухсат бергач, вазир: «Эй подшоҳи олам, ўғлингиз мингта бўлса ҳам, улардан бирини, бир канизакнинг ёлғонми, рост сўзи билан ўлдиришга қандай

кўнглингиз бўлади? Тагин бу канизакнинг ўглингизга туҳмати бўлмасин?»— деди. «Хотинларнинг макридан бирор нарса эшитганмисан?»— деб сўради ундан подшо. «Ҳа, эшитганман»,— деб жавоб берди вазир.

«Эй подшо, ўтган замондаги подшолардан бири хотинбоз бўлиб, жуда муҳаббатга берилган экан. Кунларнинг бирида, у қасрида айланиб юрганида кўзи томга чиқиб турган бир аёлга тушиб қолади. У аёл жуда ҳам чиройли, соҳибжамол экан. Подшо уни кўриши билан ошиқ бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Кишиларидан, фалон уй кимники, деб сўраганида, улар: «Бу уй фалон вазирингизнинг уйи»,— дейишади. Шу онда вазирга киши юборади. Вазир келгач, мамлакатнинг фалон-фалон ерларига бориб, ҳол-аҳволларидан хабар олиб кел, деб сафарга буюради. Вазир подшонинг амрига бўйсуниб, сафарга жўнайдди.

У кетгандан кейин подшо пайт топиб бориб, вазирнинг уйига кириди. Вазирнинг хотини подшони кўриши билан таниб, дарҳол ўрнидан туради ва подшонинг қўлини ўпиб: «Хуш келдингиз!», дейди, шоҳдан нарироқ бориб, унинг олдида қўл қовуштириб туради. Кейин хотин шоҳга қараб: «Эй хошам, қадам ранжида қилганларига бошим осмонга етди, марҳамат, хизматларига тайёрмиз»,— дейди. Подшо унга: «Бу жойга келишимга сабаб, сенга шавқу муҳаббатим»,— дейди. Аёл подшо олдида яна ер ўпиб: «Менга бу насиб ва даража қандай мумкин бўларкин, жанобларининг биронта хизматчиларига ҳам лойиқ эмасман»,— дейди. Подшо унга қўл узата бошлайди. Аёл: «Эй подшо, сабр қилинг, бу иш қочмайди. Бугун кун бўйи олдимда бўлинг, сизга таом ҳозирлайин», дейди.

Подшо ҳам рози бўлиб, вазирнинг ўрнига бориб ўтиради. Аёл таом тайёрлашга киришади. Аёл подшонинг қўлига таом пишгунча ўқиб туриб, деб бир ки-

тоб келтириб беради. Подшо китобни очиб ўқий бошлайди. У китобда ваъзу насиҳатлар, ҳикматли гаплар, зинодан қайтарадиган сўзлар ва зинонинг ёмон оқибатлари баён этилган экан. Подшо уларни ўқиб, гуноҳ қилишдан қўрқади ва зинодан ҳам кўнгли сөвийди. Аёл тўқсон хил таом пишириб подшо олдига келтириб қўяди. Подшо ҳар бир лагандан бир қошиқдан олиб еб кўради. Лаганлардаги таомлар ранги ҳар хил бўлса ҳам, таъми бир хилмиш. Подшо бунга ғоятда таажжубда қолади ва аёлга: «Нимага бу таомларингнинг кўриниши турли-туман бўлса ҳам, таъми бир?»— дейди. Унга: «Эй подшо, худо сизни саломат қилсин, бу сиз учун бир матал. Бундан сиз ибрат олинг деб шундай қилдим»,— дейди. «Нима сабабдан бундай қилдинг?»— дейди унга подшо. «Хошамиз подшони худо ўз паноҳида асрасин! Қасрларида ўзларига хос гўзал канизаклардан тўқсонга бор. Уларнинг ранги рўйлари ҳар хил бўлса ҳам, таъми бир»,— дейди унга аёл.

Подшо аёлдан бу сўзни эшитиб, жуда уялади ва дарҳол ўрнидан туриб уйдан чиқиб кетади. Аёлга ҳеч қандай ёмонликни ўйламайди. Хиждолат тортганидан узуги ёстиқ остида унутилиб қолади. Подшо қасрига келиб тахтига ўтиргандан кейин, вазир ҳам сафардан қайтиб келади. Подшога таъзим қилиб, борган жойларидаги ҳол-аҳволлардан хабар беради. Сўнгра вазир подшодан руҳсат олиб, ўз уйига қайтади. Уйга кириб ўз ўрнига ўтириб, ёстиқ остига қўл урса, подшонинг узуги қўлига чиқади. Уни олиб хотинига бадгумон бўлади-ю, лекин, кўнглига тугиб қўйиб, хотинига ҳеч нима демайди. Бир йилгача хотинидан бошқа туради, унга гапирмайди ҳам, яқин келмайди ҳам. Хотини эса эрининг ғазабланиш сабабини билмай юраверади.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— вазир хотиндан тўла бир йил бошқа туриб

яқин келмайди ҳам, гапирмайди ҳам. Хотини нима учун унинг ғазабланганлигини билмайди. Бу ҳол узоққа чўзилади. Аёл ноилож отасига киши юбориб, эрининг бир йилдан бери бошқа туриб, гапирмасдан ва яқин ҳам келмасдан юрганлигини билдиради. Отаси унга: «Қўявер, мен вазирнинг подшо ҳузурида бўлган вақтини топиб, устидан подшога шикоят қиламан»,— дейди.

Беш юз етмиш тўққизинчи кеча

Пойлаб юриб кунларнинг бирида вазир подшо олдида эканлигини билиб, подшо ҳузурига киради-да, вазир устидан даъво қилиб: «Эй подшо, худо сизни саломат қилсин! Менинг бир гўзал боғим бор эди. Унга ўз қўлим билан дарахт экиб кўкартирдим ва молдунёмни сарф этдим. Мевалари ҳосилга кириб етишган вақтида вазирингизга ҳадя қилдим. Вазир бирмунча вақт ҳосилини еб, сўнгра боқмасдан ва суғормасдан ташлаб қўйди. Яшнаб турган боғнинг гуллари қуриб, рангу рўйи заъфарон бўлиб қолди»,— дейди.

Вазир: «Эй подшо, бу одам ҳақ гапни айтди; мен боққа яхши қараб, меваларини еб келардим. Бир кун у боғда йўлбарс изини кўриб қолдим. Шундан буён ўзимдан қўрқиб боққа яқин келмадим ва қарамадим»,— дейди. Подшо вазирнинг топган изи ўзининг унутиб қолдирган узуги эканлигини фаҳмлайди. Шу онда подшо вазирга: «Эй вазир, боғингга қарайвер,

кўнглинг тинч ва тўқ бўлсин, билишимча, йўлбарс боғингга кирса ҳам, ота-боболарим ҳурмати, ҳеч қандай зарар етказган эмас»,— дейди. Вазир: «Бош устига!»— деб уйига бориб хотинига киши қўйиб у билан ярашади.

Эй подшо, яна ҳикоя қиладиларки, ўтган замондаги савдогарлардан бири сафарда кўп юрар экан. Хотини соҳибжамол, гўзал экан. Хотинни жуда яхши кўраркан ва муҳаббати зиёдлигидан хотинини ҳаммадан қизганаркан. Хотинига овунчоқ бўлиш учун бир тўти олиб берган экан, у тўти хожаси йўқ вақтида бўлган ҳодисаларни хожаси келганда айтар экан. Савдогар сафарга кетганда хотини бир йигит билан ўйнашиб қолибди. Йигит келганда уни жуда сийлаб, у билан бирга бўлар экан. Савдогар сафардан келганда тўти можаролардан хабар бериб: «Эй хожам, сен сафарда юрган вақтингда бир турк йигит хотининг олдида киради. Уни хотининг жуда сийлайди»,— дейди.

Савдогар бу сўзни эшитиб, хотинини ўлдиришга қасд қилади. Хотини буни эшитгач, эрига: «Ҳой киши, худодан қўрқ, ақли ҳушингни қўлингга ол! Қуш деганнинг ақли бўладими? Тўтининг сўзи ростми, ёлғонлигини билишни хоҳласанг, мен сенга кўрсатаман. Бугун ошналарингдан бирининг уйига бориб ёт, эрталаб келиб тўтидан сўра, айтган сўзининг рост, ёлғонлигини биласан»,— дейди. Савдогар дўстларидан бирининг уйига боради. Кечаси дўстиникида қўниб қолади. Савдогарнинг хотини кечаси қафасни бир тери билан ўраб устидан сув соча бошлайди, катта елпиғич билан сиртидан қаттиқ-қаттиқ елпийди. Чироқни яқинига олиб келиб, худди яшин яшнагандек қилиб, силтаб-силтаб қўяди, қўл тегирмонини яқин келтириб, тонг отгунча момақалдироқдек қалдиратиб айлантиради.

Эрталаб эри келганда: «Эй хожам, тўтидан сўранг, нима дер экан!»— дейди хотин. Савдогар тўтини гапга солиб, ўтган кечаси нималар бўлганлигини сўрайди. Тўти: «Эй хожам, ўтган кечада нима бўлганлигини ким кўриб, ким эшитибди?»— дейди. «Нима учун бундай дейсан?»— деб сўрайди савдогар. У: «Эй хожам, ёмғир ёғди, шамол турди, яшин яшнади, ҳаво гулдуради»,— дейди. «Ёлғон айтасан, кечаси айтганларингдан бири ҳам бўлмади»,— дейди савдогар. «Мен кўрган, билганим ва эшитганимни айтдим»,— дейди унга тўти. Садогар хотини ҳақида тўтининг айтганлари ёлғон эканлигига ишониб, хотини билан топишмоқчи бўлганда: «Менга туҳмат қилган тўтини ўлдирмагунингча, сен билан топишмайман»,— деб хотини оёғини тираб туриб олади.

Эри ўрнидан туриб бориб тўтини сўйиб ташлайди. Хотини билан топишиб, бир оз кун бирга турганидан кейин, кунларнинг бирида уйдан турк йигитининг чиққанини кўриб қолади. Тўтининг сўзи рост бўлиб, хотинининг ёлғончилигини билади. Тўтини сўйганлигига пушаймон бўлади. Шу ондаёқ уйига кириб, хотинини сўяди ва умри бўйи хотин олмасликка қасамёд қилади. Эй подшо, бу ҳикояни хотинлар макрининг кучли эканини билдириш учун айтдим, ошиқиш пушаймонликка олиб боради»,— дейди.

Бу сўздан кейин подшо ўғлини ўлдириш қасдидан қайтади.

У кунни ўтиб эртасига канизак яна подшо олдига кириб ер ўпиб: «Эй подшо, менинг ҳақимда бепарволик қилдинг, бир ишга фармон бериб эдинг, уни вазириг бекор қилганини бошқа подшолар ҳам эшитиб кетди. Подшо сўзини ўтказса, халқ унга итоат қилади ва ҳар бир киши унинг адолат, инсофини билади. Уғлинг билан менинг можаромни адолат қил. Эшитган

ним бор, ўтган замонда бир кудунгар ҳар кунни Дажла қирғоғига бориб кудунг қиларкан. Боласи ҳам бирга бориб отаси ишини тугатгунча дарёга тушиб сузаркан. Отаси уни бу ишдан қайтармас экан. Кунларнинг бирида у дарёда сузиб юриб чарчаб, қўллари толиб ғарқ бўлиб кетибди. Отаси отилиб бориб ўзини дарёга ташлаб, ушлаб қолибди. Бола отасига маҳкам ёпишиб олган экан, ота-бола баравар ғарқ бўлибди. Эй подшо, агар ўғлингни қайтармасанг ва ундан ўчимни олиб бермасанг сен ҳам шундай бўласан. Мен яна икковингиз ғарқ бўлманг, деб шундан қўрқаман»,— дебди канизак.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— канизак подшога кудунгар билан боласининг ҳикоясини айтгач: «Мен икковингизнинг ғарқ бўлиб кетишингиздан қўрқаман»,— дебди.

Канизак, яна эрларнинг макридан эшитганларим, деб ҳикоя бошлабди:

«Бир киши ҳусну жамолда тенги йўқ гўзал хотинга ошиқ бўлган экан. Хотиннинг эри бор экан. Улар

бир-бирини жуда яхши кўришаркан. Хотин ифбатли, ақлли ва тақводор хотин экан. Ошиқ бўлган киши ҳеч унга етишиш иложини топмабди. Ахири бир кун бир ҳийла ўйлабди. Эрининг тарбиялаган бир йигити бор экан. Аммо у хожаси олдида жуда ишончли экан. Хотинга ошиқ бўлган киши у билан ошна бўлиб олиб, хотинни ўзига ром қилиб олгунча йигитга меҳрибон-

*Беш юз саксонни
тўлдирувчи кеча*

чилиқ қилибди. Тез-тез ҳады ва эҳсонлар қилиб турар экан.

Кунларнинг бирида ошиқ киши йигитга: «Ҳай фалончи, хожангнинг хотини уйдан чиқиб бирор ерга кетганида мени уйингга олиб бормайсанми?»—дебди. «Хўп бўлади»,—дебди йигит. Бир куни йигитнинг хожаси дўконга, саидаси ҳаммомга кетган экан, йигит келиб у кишини уйга олиб кирибди. Уйдаги ҳамма нарсаларни унга кўрсатибди. У киши хотинга бир макр ишлатиш ниятида тухумнинг оқини бир идишга солиб олиб борган экан. Уй эгасининг ўрнига яқин борганда, йигитга билдирмасдан ўрнига тухум оқини тўкиб қўйибди. Сўнгра уйдан чиқиб ўз йўлига кетибди.

Бир оздан кейин уй эгаси дўкондан келиб дам олиш учун ўрнига ётган экан, қараса, ўрни ҳўл. Ушлаб кўриб, эркак кишининг манийси деб гумон қилибди. Ғазаб билан йигитга қараб: «Саиданг қани?»—дебди. Йигит унга: «Ҳаммомга кетдилар, ҳозир келадилар»,—деб жавоб берибди. Йигитдан бу сўзни эшитиб, гумони чинга айланибди ва йигитга: «Дарҳол бориб саидангни олдингга солиб кел!»—дебди.

Хотини кириб келиши билан унга ҳужум қилиб, қаттиқ урибди ва оёқ-қўлини боғлаб сўймоқчи бўлганида, хотини қўни-қўшниларига эшиттириб додлабди. Қўни-қўшнилари йиғилишиб келишибди. Хотин уларга: «Эрим мени сўймоқчи, гуноҳим нима эканини билмайман»,—дебди. Қўшнилари эрини ўртага олиб: «Бу инсофдан эмас, ё қўйиб юбор, ёки яхшилик билан хотин қил. Бизлар узоқ вақтлардан бери қўшнимиз, бу хотиндек иффагли, пок хотинни кўрмадик, ёмон йўлга кирганини асло билмаймиз»,—дебдилар. У киши қўшниларига: «Мен ўрнимда эркак киши манийсига ўхшаш суюқлик кўрдим. Бўлмаса қаёқдан келиб қолибди»,—дебди. Бир киши ўридан туриб: «Қани, уни

менга кўрсат»—дебди, кўргандан кейин: «Менга ўт билан бир идиш олиб кел»,—дебди. Тухумнинг оқини олиб, идишга солиб ўтда пиширибди. Ундан ўзи ебди ва турганларга ҳам едирибди. Ҳозир бўлган кишилар, тухумнинг оқи эканлиги ҳақиқат дейишибди. У киши хотинига зулм қилганлигини ва хотини вафодор эканлигини билибди, қўшнилари кириб уларни яраштириб қўйишибди. Хотинга ошиқ бўлган кишининг хотин ҳақида қилган макр-ҳийласи ва ишлатган тадбирлари бекор бўлибди. Хотин булардан хабарсиз экан. Эй подшо, билгинки, буларнинг ҳаммаси эрларнинг макри»,—дебди канизак.

Подшо яна ўғлини ўлдиришга буюрган эди, иккинчи вазири дарҳол подшо олдида ер ўпиб: «Эй подшо, ўғлингни ўлдиришга ошиқма! Онаси бола кўришдан умидини узганда бу болага етишган. Биз бу болани мулкингда ёдгор ва молу дунёнгни сақловчи бўлади, деб умид қиламиз. Эй подшо, сабр қил, ўғлингнинг ҳам сўзи ва далили бўлса ажаб эмас. Агар ўлдиришга шошилсанг, савдогар киши пушаймон бўлганидек пушаймон бўласан»,—дебди. «Эй вазир, унинг ҳикояси қандай ва у нима учун пушаймон бўлган?»—деб сўрабди подшо.

«Эй подшо, ўтган замонда яхши еб, яхши кийган нозик табиатли бир савдогар бор экан. Кунларнинг бирида, у бир шаҳарга сафар қилиб боради. У шаҳар бозорига кириб икки дона кулча кўтариб юрган кампирни кўради. «Нонингни сотасанми?»—деб сўрайди савдогар ундан. Кампир: «Ҳа»,—дейди. Нонни арзон баҳога сотиб олиб, турган ерига келади ва шу куни шу нонни ейди. Эртаси куни тонг отгач яна шу жойга боради ва у ерда кампирнинг яна икки нон кўтариб турганлигини кўради. Кампирдан нонни сотиб олиб турган жойига қайтади. Шу тахлитда йигирма кун

ўтади. Сўнгра кампир йўқ бўлиб кетади. Уни ҳар кимдан сўроқласа ҳам хабарини топмайди. Бир куни суриштириб юрганда, шаҳарнинг бир кўчасида унга дуч келиб қолади ва тўхтаб унга салом беради. Кўринмай қолганлиги ва нон келтирмай қўйганлигининг сабабини сўрайди. Кампир жавоб бергиси келмай туради. Савдогар жавоб бермаганига қўймай, қистаб сўрайди.

Кампир: «Эй хожам, нонни қайси йўсинда олиб келганим ва келмай қолганим сабабини эшит. Мен бир кишининг хизматчиси эдим. У одамнинг орқасида ел тушган яраси бор эди. Ҳар куни табиб келиб, унни мойга қориб ярасига тонг отгунча боғлаб қўярди. Эрталаб олиб ташлаганда, уни мен икки кулча қилиб пишириб сотардим. У одам ўлди, нон ҳам узилиш бўлиб қолди»,— дейди.

Савдогар бу сўзни эшитиб: «Биз худонинг мулки ва биз худога қайтамиз. Оллоҳдан бўлмаса, бандада куч ва қудрат йўқ»,— дейди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— кампир савдогарга нон келтирмаганлиги сабабини айтгач, у:

«Оллоҳдан ёрдам бўлмаса, бандада ҳеч қандай чора ва қудрат йўқ!»— деб, кўнгли айниб қусиб-қусиб оғриб қолади, қилган ишига пушаймон бўлади. Аммо пушаймондан фойда бўлмайди.

Эй подшо, хотинлар макри ҳақида ҳикоя қиладилар: «Ўтган за-

мондаги подшолардан бирининг қилич кўтариб турадиган соқчиси бир хотинга кўнгли берган ва уни жуда ҳам севар экан. Подшо шу югурдак қулини унга юборибди. Йигит ҳалиги ошиқаси олдида ўйнаб-кулишиб ўтириб қолибди. Хотин ҳам унга мойил бўлиб кўкрагига босибди. Булар шу ҳолда айш қилиб турганларида, йигитнинг хожаси келиб эшикни қоқибди. Хотин дарҳол йигитни уйнинг камгагига бекитиб, эшикни очибди. Йигитнинг хожаси, шоҳнинг соқчиси қўлида қиличи билан кириб, хотиннинг ёнига ўтирибди. Хотин мойиллик билдириб, у билан ўйнашгани турибди.

Шу онда хотиннинг эри келиб эшикни қоқибди. Шоҳнинг соқчиси: «Бу ким?»— деб сўраган экан: «Эрим»— деб жавоб берибди. «Энди нима қиласан, мен қандай қиламан?»— дебди соқчи. Хотин унга: «Сен қиличингни кўтариб йўлакда мени сўкиб тур. Эрим киргандан кейин чиқиб ўз йўлингга кет»,— дебди.

Эри кириб шоҳ соқчисининг қилич яланғочлаб, хотинини сўкиб, қўрқитиб турганлигини кўрибди. Шоҳнинг соқчиси унинг эрини кўриб, уялгандай бўлиб, қиличини қинига солиб уйдан чиқиб кетибди. Эри: «Нима гап?»— деб хотинидан сўрабди. Хотини унга: «Эржон, хўп яхши вақтда келдинг-да, бир мўмин кишини ўлимдан қутқариб қолдинг. Томда ип йигириб ўтиргандим, бир йигит қочиб келиб ҳовлимизга кирди, тили осилган, ўлим хавфидан қўрқиб ҳушидан кетаёзган. У келиб менга ўзини ташлаб, оёқ-қўлларимни ўпиб: «Эй саидам, мени ўлимдан қутқар!»— деди. Мен уни уйнинг камгагига бекитиб қўйдим. Бу кўрган кишинг қилич яланғочлаб унинг орқасидан қувлаб келди, уни хўп қидирди ва мендан сўради. Мен кўрмадим деб, тондим. У мени сўкиб, қўрқитиб, турган вақтида келиб қолдинг. Сени етқизган



Беш юз саксон
биринчи кеча

худога шукур, жуда ҳайрон бўлиб турган эдим. Ундан қутқазиб оладиган киши ҳам йўқ эди»,— дебди. «Жуда яхши қилибсан. Бу яхшилигингга оллоҳ мукофот беради!» дебди унга эри.

Сўнгра у камгакка бориб йигитни чақириб: «Чиқ, қўрқма!»— дебди. Йигит камгакдан қўрқа-қўрқа чиқибди. Хотиннинг эри йигитга жони ачиб: «Кўнглингни тўқ қил, сенга ҳеч гап бўлмайди»,— дебди. Йигитча уни дуо қилиб чиқиб кетибди.

«Эй подшо, билгинки, буларнинг ҳаммаси хотинлар макриданир. Уларга мойил бўлиб сўзларига алданишдан сақлан»,— дебди вазир.

Бу сўзларни эшитиб подшо ўғлини ўлдириш қасдидан қайтади.

Учинчи кун бўлганда канизак яна подшонинг олдига кириб ер ўпиб: «Эй подшо, ўғлингдан мен учун ўч ол, вазирларингнинг сўзига кирма, бу кунда вазирларингдан фойда йўқ. Емон вазирнинг фикрига мойил бўлган подшога ўхшама»,— дебди.

«У нима деганинг? Бизга ҳикоя қил!» дейди подшо канизакка қараб.

«Эй саодатли шоҳ, ўтган замондаги подшолардан бирининг бир боласи бор экан. Уни отаси жуда севаркан, бошқа болаларидан ортиқ кўраркан. Кунларнинг бирида у отасига: «Отажон, мен ов овлаш, қуш солиш учун саҳрога бормоқчиман»,— дебди. Подшо дарҳол керак-яроқларни тайёрлашга буюрибди. Вазирлардан бирини ўғлининг хизматида бўлиш учун бирга боришга тайинлабди. Вазир шаҳзодага керак бўладиган ҳамма нарсаларни олиб тахт қилибди. Ходимлар, ноиблар ва қул йигитлардан олибди. Йўл бўйи ов қилишиб бориб, бир сабззор яйловга етибдилар. У ерда ов қилинадиган нарсалар кўп экан. Шаҳзода вазирга келиб, манзарали, кўнгил очар ер-

ларни мақтабди. Улар шу ерда бир неча кун роҳат қилиб туришибди.

Сўнгра шаҳзода у ердан кўчишга буюрибди. Шу онда шаҳзода олдидан бир кийик ўтиб қолибди. Шаҳзода кийик иштиёқи ва ов овлаш умидида йўлдошларидан айрилиб қолибди-ю, вазирга: «Мен бу кийик кетидан кетаман»,— дебди. Вазир уни қайтармабди. «Кўнглинг хоҳлаганини қил!»— дебди унга. Шаҳзода ёлғиз ўзи кийикнинг кетидан кетибди. То қоронғи тушгунча қувлабди. Кечаси кийик қўрқинчли бир ерга чиқиб кетибди. Шаҳзода тун қоронғисида қолади. Қайтай деса йўлни билмайди. Ҳайрон бўлиб то тонг отгунча от устида юради. Очлик, ташналик устига-устак бўлади. У қайси томонга кетаётганлигини биямайди. Кун ўртаси бўлиб ер қизиб, ҳаво исийди.

Тўсатдан шаҳзода бинолари баланд-баланд ҳашаматли шаҳарга чиқиб қолади. Шаҳарда инсон зооти кўринмас, атроф харобазорга айлантирилган эди. Унда бойўғли ва қарғалардан бошқа жониворни кўрмади. Шаҳар қурилиши ва аломатларига қараб тааж-жуб қилиб турганида, шаҳар деворларидан бирининг тагида йиғлаб турган ҳусну жамол эгаси бўлган бир гўзал қизни кўради. Унга яқин бориб: «Ким бўласан?»— деб сўрайди. Қиз: «Мен Шаҳбо ерининг подшоси ат-Таббоҳ қизи ат-Тамимнинг қизиман. Кунларнинг бирида саройдан ёлғиз чиққан эдим, жин тсифасидан бир дев мени юлиб олиб ҳавога кўтарилди. Унинг устига ўтлик бир шуъла тушиб куйиб кетди. Мен шу ерга тушиб қолдим. Уч кундан буён очман, ташнаман. Сени кўргач умид узган ҳаётимдан умид қилдим»,— дейди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди ва Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз саксон
иккинчи кеча

й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — ат-Таббоҳ подшонинг набираси шаҳзодага хитоб қилиб: «Сени кўргач умид узган ҳаётимдан умид қилдим»,— деган эди, шаҳзоданинг унга раҳми келиб, арғумоқ отининг орқасига мингаштириб олди ва унга: «Кўнглингни тўқ тут, кўзингни нурлантир. Агар муқаддас оллоҳ мени ўз оиламга, қавму қариндошларим ёнига еткурса, сени ўз юр-

тингга юбораман»,— дейди.

Сўнгра йўл топиб бу шаҳардан чиқиш мақсадида йўлга тушади. Орқасига мингашган қиз: «Эй шаҳзода, мени отдан тушир, бир ишим бор»,— дейди. Шаҳзода тўхтаб, уни отдан тушириб кутиб туради. У девор орқасига — панага ўтиб, хунук бўлиб қайтиб чиқади. Уни кўргач, шаҳзоданинг баданига титроқ туради ва ундан қўрқиб, ранги ўчиб, ҳуши бошидан учаёзади. Қиз яна арғумоқ устида ўтирган шаҳзоданинг орқасига сакраб миниб олади. Лекин у алвасти суратига кирган эди. «Эй шаҳзода, нимага рангинг ўзгариб кетди?»— дейди унга қиз. «Мен мушкул бир ишни ўйлаган эдим, шунинг учун бўлса керак»,—деб жавоб беради шаҳзода. «Отангинг қўшинлари ва ботирларидан ёрдам сўра»,— дейди қиз. «Менинг бу оғир кунимга қўшинлар асқатолмайди ва ботирлар ёрдам беролмайди»,— дейди шаҳзода. «Бўлмаса, отангинг мол-хазиналаридан ёрдам сўрагин»,— дейди қиз. «Бошимга тушган бу савдога мол-хазина бас келолмайди»,— дейди шаҳзода. «Сизлар осмонда худо бор ва у ҳар бир нарсага қодир, деб даъво қиласизлар»,—

дейди қиз. «Ҳа, бизларнинг худодан бошқа меҳрибонимиз йўқ»— дейди шаҳзода. «Бўлмаса, унга дуо қил, шояд у мендан сени халос қилса»,— дейди қиз.

Шаҳзода осмонга қараб, астойдил дуо қилиб: «Ё оллоҳ, бу даҳшатли қайғудан халос бўлиш учун сендан ёрдам сўрайман»,— деб қўли билан қизга ишорат қилади. Дарҳол қиз куйиб кўмир бўлиб ерга тушади. Шаҳзода худога ҳамд этиб, шукрона бажо келтирди. Чунки у ўз жонидан умид узган эди. Сўнгра у отига қамчи бериб жадал юриб кетади. Ўз мамлакатига бориб отасининг мулкига етгунча, оллоҳ унга тўғри йўл кўрсатиб турди.

Бу ишлар ҳаммаси шаҳзода билан бирга борган вазирнинг маслаҳати билан бўлди. Чунки унинг мақсади шаҳзодани сафарда ҳалок қилиш эди. Лекин шаҳзодага худо ёрдам қилиб, саломат қолди. Эй подшо, нияти ёмон вазирлар подшоларига софдил ва тўғри ният билан маслаҳат бермасликларини билиб қўй, деб бу ҳикояни айтдим»,— дейди канизак.

Подшо унга илтифот қилиб, сўзини эшитади ва ўғлини ўлдиришга буюради. Шунда: «Подшонинг бугунги қасдини мен тўсаман»,— деб, подшо олдига учинчи вазир киради.

Учинчи вазир подшо олдига кириб ер ўпиб: «Эй подшо, мен сизга меҳрибонман, ўзингизга ва давлатингизга хайрихоҳман. Тўғри ва рост ният билан маслаҳат бераман; кўзингинг нури ва қалбинг меваси бўлган болангни ўлдиришга шошилма. Балки боланнинг гуноҳи енгилдир, канизак унинг гуноҳини сенга катта қилиб кўрсатгандир. Ҳикоя қиладиларки, ўтмишда икки қишлоқ одами бир қатра асал учун бири-бирини ўлдирган экан»,— дейди. «У қандай бўлган экан?»— деб сўрайди подшо. Вазир ҳикоя қилади:

«Ўтган замонда бир сайёҳ саҳрога чиқиб ваҳший

хайвон овлар экан. Кунларнинг бирида тоғдаги горлардан бирига кириб қолибди ва у ерда асалга тўла бир чуқурни кўрибди. У ўзи билан бирга олиб юрадиган тўлимини асалга тўлдириб, елкасига ташлаб шаҳарга олиб келибди. Искович ити ҳам ўзи билан бирга экан. Овчи итини жуда қадрлар экан. Овчи тўғри зайтун мойи сотувчи дўконга келиб асалини кўрсатибди. Дўкондор асални сотиб олибди. Асални кўриш учун тўлим оғзини очганда, бир томчи асал ерга томиб кетибди. Бир қуш тушиб уни чуқимоқчи бўлган экан, дўкондорнинг мушуги қушга сапчибди. Буни овчининг ити кўриб қолиб мушукка сапчиб уни бўғиб ўлдирибди. Дўкондор овчининг итига ёпишиб, уни ўлдирибди. Овчи дўкондорга ёпишиб уни ўлдирибди. Дўкондор бир қишлоқдан, овчи бошқа бир қишлоқдан экан. Икки қишлоқ одами бу воқеани эшитиб, қурол-аслаҳа ва жанг тайёргарлиги билан келишиб, икки тарафда саф тизиб уруш қилишибди. Хуллас, бу жангда кўп одам қирилиб кетибди.

Хотинлар макри ҳақида яна ҳикоя қиладиларки, бир хотиннинг эри бозордан озиқ олиб келишни буюриб, қўлига бир танга берибди. У гуручфурушга бориб гуруч олибди. Гуручфуруш хотин билан имлашиб, унга қараб: «Гуруч шакар билан яхши. Агар шакар керак бўлса, олдимга кир»,— дебди. Хотин дўконга кирибди. Гуручфуруш қулига ишора қилиб: «бу хотинга бир тангалик шакар тортиб бер»,— дебди. Қул хотиндан рўмолини олиб, гуручини бўшатиб, ўрнига тупроқ солибди. Шакарнинг ўрнига тош солиб рўмолини тутиб олдига қўйибди. Хотин гуручфуруш олдидан чиқиб, рўмолини олиб уйига қайтибди. Уйига келгандан кейин рўмолни эрининг олдига қўйиб, қозон олиб келибди.

Эри рўмолдаги тош билан тупроқни кўриб: «Мен

сенга иморат қиламиз деган эдимми? Менга тупроқ билан тош келтирибсан»— дебди. Хотин уни кўриб дўкондорнинг қули ҳазиллашган экан-да, деб қўйибди. Олиб келган қозонини ушлаб туриб, эрига: «Эй эр, бир ишга хаёлим қочиб ғалвир олиб келаман деб, қозон олиб келибман»,— дебди. Эри унга: «Хаёлингни қочирган нима?»— дебди. «Ҳой эр, берган бир танга пулингизни бозорда тушириб қўйдим. Бир тангам тушди, деб ахтариб туришга одамлардан уялдим-да, танга тушган жойдаги тупроқни тўдалаб олиб келдим. Элагани ғалвир олиб келаман деб, қозон кўтариб келибман»,— дебди.

Сўнгра бориб ғалвир олиб келиб: «Кўзингиз меникдан ўткирроқ, сиз эланг»,— деб эрига берибди. Эри эса юз-даҳанларини чанг босгунча тупроқни элабди, хотинининг макри ва унинг қилган ишларини билмабди.

Эй подшо, бу хотинларнинг макридандир.

Подшо вазирнинг сўзларини эшитиб, ўз раъйига берилиб кетганлигини билди, ўғлини ўлдиришга жазм қилган бўлса ҳамки, ўз раъйидан қайтди.

Тўртинчи кун бўлганда, канизак яна подшо ҳузурига кириб, ер ўпиб, деди: «Эй саодатли, адолатли подшо, мен ўз ҳақимни сенга очиқ изҳор қилдим. Мен даъво қилган кишим қалбинг қуввати бўлган боланг эканлиги учун, сен унга жазо бермадингки, оллоҳ ўтмишдаги шаҳзодаларнинг бирига ёрдам бериб, унинг отаси ҳузурда хизмат қилган вазирнинг макридан халос этганидек, менга ҳам ёрдам беради». «У қандай бўлган?»— деб сўради подшо.

«Эй подшо, ҳикоя қилишларича, ўтган замондаги подшолардан бирининг ёлғизгина бир ўғли бўлиб, бўлак зурёди йўқ эди, бола балоғатга етганда, подшолардан бирининг ҳусну жамолга тўлган гўзал бир қи-

зини олиб берди. Аммо қизнинг амакиваччаси киши қўйиб, қизнинг отасидан ризо сўраган экан, лекин қиз унга тегишга рози бўлмабди. Амакиваччаси қизнинг бошқа кишига текканини билгач, ғайирлиги келиб, ўғлига қизни олиб берган подшонинг вазирига ҳадялар юбориб, ўзига мойил қилди. Шу билан мақсадига йўл топишни ўзига маъқул кўрди. Кейин яна унга зўр ҳадя ва ҳисобсиз моллар юбориб, шаҳзодани ўлдириш учун макру ҳийла ишлатишни ёки ҳийла билан қизни олишдан қайтаришини сўраб, қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: «Эй вазир, амакимнинг қизи мени ҳасратда қолдириб, бошқани ихтиёр қилганига ғайирлигим келиб, асло чидаб туролмайман». Ҳадялар вазирга келиб етгач, у қабул қилиб, унга: «Кўнглинг тинч ва вақтинг чоғ бўлсин, сенинг кўнглинг тилаган иш бизнинг қўлимиздан келади»,— деб жавоб ёзди.

Қизнинг отаси подшо эса куёв бўлган шаҳзодага ўз жойига келиб, қизига қўшилишини киши орқали сўраб хат ёзди, хат шаҳзодага келиб етгандан кейин отаси ҳам унинг боришига рухсат берди. Ҳадя олган вазирни шаҳзодага ҳамроҳ қилиб, икковига бир минг отлиқ аскар қўшди ва бирга олиб кетишлари учун уларга ҳадялар, тахтиравон, уй эшик ва деразаларига тутадиган пардалар ва чодирлар қўшиб берди. Сўнгра вазир шаҳзода билан бирга жўнаб кетди, лекин қалбида макр билан уни ёмон аҳволга туширишни ўйларди. Саҳрода кетаётганларида, вазир рўбарўдаги тоғда Заҳра номли оқар чашма борлигини, эркак киши ичса аёлга айланиб қолишини эслаб, аскарларни унинг яқинига бориб тушишга буюрди, ўзи бир тулпор отга миниб, шаҳзодага: «Мен билан бориб, бу жойдаги чашмани томоша қилиб келмайсанми?»— деди.

Шаҳзода ҳам отланиб, отасининг вазир билан биргаликда кетди, лекин шаҳзода илми ғайба ўзи ҳақида нима ишлар борлигини билмас эди. Улар тўхтамай юриб, ўша чашмага етдилар. Шаҳзода тулпор отидан тушиб, қўлини ювиб, сувдан ичди ва шу ондаёқ аёлга айланиб қолди. Бу ҳолига оҳ уриб йиғлаб, ҳушидан кетди. Вазир унинг бу аҳволга тушганига жони куйган кишидек, тепасига келиб: «Сенга нима бўлди?»— деб сўради. Шаҳзода бўлган ҳодисадан хабар берди. Вазир бунни эшитиб, шаҳзоданинг ҳолига ачиниб йиғлади: «Оллоҳнинг раҳми келсин, нима қилиб бу мусибатга дучор бўлдинг? Бу бало сенга қайдан етди? Хурсандлик билан кетаётган эдик-ку, сен бўлсанг, бориб подшонинг қизига қўшилмоқчи эдинг, эндиликда боришимизни ёки бормаслигимизни билмай қолдим. Ўзинг нима дейсан?»— деди вазир. Шаҳзода унга: «Сен қайт, бошимга тушган савдони бориб отамга айт, то мен бу нарсадан хориж бўлмагунимча ёки қайғу-аламда ўлиб кетмагунимча, бу ердан қўзғалмайман»,— деди.

Сўнгра шаҳзода бошига тушган ҳодисани англаиб, отасига хат ёзди. Вазир эса хатни олиб, аскарлар, олиб кетаётган совғалар ва ҳадяларни шаҳзоданинг олдида қолдириб, подшо турган шаҳарга қайтиб кетди. Лекин у, шаҳзода бошига тушган ҳодисага ичичидан севиноар эди. Вазир бориб, подшо олдида киргач, ўғлининг қиссасини айтиб, ёзган хатини унга берди. Подшо ўғлига қаттиқ қайғурди, кейин подшо ҳукамолар, махфий илмдан хабардор уламоларни чақириб, ўғли йўлиққан ҳодисанинг сир-асрорини сўради. Биронта киши унга бу ҳақда жавоб қайтармади.

Вазир эса шаҳзодага етган ҳодисанинг хушхабарини қизнинг амакиваччасига эшиттириш учун хат

юборди. Унга бу хабар етгач, у ғоятда севишиб, амасининг қизини олиш тамаида вазирга зўр ҳадялар ва ҳисобсиз моллар юборди ва ташаккурлар билдирди.

Шаҳзода эса шу чашманинг тепасида емай-ичмай уч кеча-кундузни ўтказди; кимки оллоҳга таваккал қилса, ноумид қолмайди, деб у улуг ва муқаддас тангрига суянди. Тўртинчи кеча бўлганда, тўсатдан подшо ўғлига ўхшаш бошига тож кийган бир отлиқ ҳозир бўлди, шаҳзодадан: «Эй йигит, сени бу ерга ким олиб келди?»— деб сўради. Шаҳзода юз берган воқеа-ҳодисани унга баён қилди. Шаҳзода унга, уйланган қизига қўшилиш ниятида кетаётганлигини, ҳамроҳ бўлиб кетаётган отасининг вазири бу чашмадан сув ичиш учун бирга олиб келганлигини, ундан сув ичиб, шу маломатга гирифтор бўлганлигини билдирди. Шаҳзода унга қиссасини гапирган сари ўпкаси тўлиб, ўзини тутолмай йиғлар эди.

Отлиқ шаҳзоданинг сўзини эшитгач, унинг ҳолига раҳми келиб: «Сени шу мусибатда солган одам — отангининг вазири экан. Чунки бу чашмани одам боласидан фақатгина у биларди, бошқа ҳеч ким билмас эди»,— деди. Сўнгра: «Менга мингаш, уйимга юр, бу кеча менга меҳмон бўл»,— деди отлиқ: «Майли борай, аввал ўзингни танит, ўзинг ким бўласан?»,— деди шаҳзода. У: «Мен жин подшоҳининг ўғли бўлман, сен эса инсон подшоҳининг ўғлисан. Ўзингни тетик тут, қайғу-ҳасратининг кетишига ишониб, кўнглингни тўқ қил, вақтингни чоғ қил. Бу ишлар менга осон»,— деди.

Сўнгра шаҳзода аскарлари ва қўшинларини ташлаб, у билан бирга эрталаб йўлга тушганларича ярим кечагача йўл юрдилар. Жин подшосининг ўғли шаҳзодага: «Биласанми, ҳозиргача қанча йўл босдик?»

деди. «Йўқ, билмайман»,— деди шаҳзода. «Биз жидду жаҳд билан юрган йўловчининг бир йил давомида юрадиган йўлини босиб ўтдик»,— деди жин шоҳининг ўғли. Шаҳзода унинг сўзига таажжуб қилиб: «Энди бизнинг ишимиз ва ватанга қайтишимиз қандай бўлади?»— деб сўради ундан. «Бу сенинг ишинг эмас, бу менинг ишим. Дардингдан ариганинда, оилангга кўз юмгунча вақт ўтмай етиб борасан, бу иш менга жуда осон»,— деди жин шаҳзодаси. Шаҳзода бу сўзни эшитгач, ғоятда сеvingанидан учиб кетгундек бўлиб, бу тушимми ёки ўнгимми, деб гумон қилар эди. «Бадбахтни бахтиёр қилишга қодир эгамни ҳамма айблардан пок, деб ёд қиламан»,— дея жуда ҳам севинар эди у.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз саксон
учинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.— Жин подшосининг ўғли одам подшосининг ўғли бўлмиш шаҳзодага: «Дардингдан ариганинда оилангга кўз юмиб очгандан ҳам тезроқ фурсатда қайтасан»,— деди. Шаҳзода бунга севинди, икковлон тўхтамай, тонг отгунча юриб, дарахтлари баланд, қушлари сайраган, боғлари яшнаган, қасрлари ҳашаматли гўзал бир сабзорга етганда жин подшосининг ўғли тулпор отидан тушиб, шаҳзодани ҳам тушишга буюрди. У ҳам тушган эди, жин шаҳзодаси унинг қўлидан ушлаб, қасрлардан бирига олиб кирди. Унда бир подшо ва шаъну шавкатли султон ўтирганини кўрди ва шу кун кечгача унинг ҳузурида меҳмон бўлди. Сўнгра

ра жин подшосининг ўгли туриб, тулпор отига минди. Шаҳзода ҳам отига минди ва тун қоронғисидан то тонг отгунча жидду жаҳд билан юриб, қора тошлар билан тўлган нообод бир манзилга етдилар. Бу жой худди жаҳаннамга ўхшарди. «Бу ерни нима деб атайдилар?»— сўради шаҳзода ундан. «Бу ерни қора ер дейдилар. Бу ер жин подшоларидан бирининг ери, унинг номи Зулжаноҳайну (икки қанотли) дир. Подшолардан ҳеч бири унга бас келолмайди ва ҳеч ким унинг ерига бостириб киролмайди. Биз рухсат олгунимизча, сен ўз жойингда жилмай тур»,— деди. Шаҳзода шу ерда турди. У андаккина ғойиб бўлиб, яна пайдо бўлди. Икковлон йўлга тушиб, юриб-юриб Қоратоғдан оқиб келаётган бир чашмага етдилар. Жин шаҳзодаси меҳмонга: «Отдан тушиб, бу чашмадан ич»,— деди. Шаҳзода тулпордан тушиб, чашмадан сув ичди, шу онда худойи таолонинг қудрати билан аввалгидек эркак ҳолига қайтди. Шаҳзода ғоят севинди. У умрида бунчалик хурсанд бўлмаган эди. Сўнгра: «Эй биродар, бу чашмани нима деб атайдилар»,— деди шаҳзода. «Унга хотинлар чашмаси деб ном берганлар. Бу чашмадан хотин киши ичса, эркакка айланади. Аввалгидек эрлик ҳолингга қайтганинг учун тангрига ҳамд айтиб, отингга мин»,— деди жин шаҳзодаси. Шаҳзода худога шукур айтиб, сажда қилди. Улар отга миниб, куннинг охирида ўша жин подшосининг ерига қайтиб келдилар. Шаҳзода унинг ҳузурида яйраб-яшнаб кечгача меҳмон бўлди.

Сўнгра шаҳзодага: «Бу кеча хотининг ёнига қайтишни хоҳлайсанми?»— деди жин шаҳзодаси. «Ҳа, хоҳлайман, қайтишга жуда ҳам муштоқман»,— деди шаҳзода. Жин шаҳзодаси Рожиз номли бир қулини чақириб: «Бу йигитни кўтариб, тонг отар вақтигача

қайнотаси ва хотини ёнига етказ»,— деди. «Бош устига»,— деди у. Сўнгра ғойиб бўлиб, дев суратига кириб келди. Шаҳзода уни кўргач, беҳуш бўлиб қолди. Жин шаҳзодаси: «Кўрқма, сенга ҳеч қандай хатари йўқ, тулпор отингга миниб, қул устига чиқ»,— деди. Шаҳзода: «Йўқ, отни сизнинг олдингизда қолдириб, елкасига ўзим минаман»,— деб отдан тушиб, қулнинг елкасига минди. Сўнгра, жин шаҳзодаси унга: «Кўзингни юм»,— деди. Шаҳзода кўзини юмди. Қул эса осмон билан ер ўрталиғида тўхтамай учарди. Шаҳзода ўзини билмай қолди. Кечанинг учдан бири қолганда, қайнотасининг қасрига етди. Қасрга етгач, дев унга: «Туш»,— деди. У тушди. «Кўзингни оч, бу қайнотанг ва унинг қизининг қасри»,— деди қул ва шаҳзодани қолдириб, ўз йўлига қайтиб кетди.

Тонг отиб, кун ёришгач, шаҳзода қаср устидан тушди. Қайнотаси уни қарши олди ва қаср устида кўрганига таажжубланиб, унга: «Биз одамларнинг эшикдан келганини кўрардик, сен бўлсанг, осмондан тушдинг»,— деди подшо. «Тангрининг иродаси шундай бўлди»,— деб жавоб берди шаҳзода. Подшо таажжуб қилиб, унинг саломат келганига севинди за вазирига катта тўй-томоша қилишни буюрди. Вазир тўй тайёргарлигини кўрди. Тўй бўлди. Сўнгра шаҳзода қизга қўшилди. Қайнотасининг уйида икки ой тургандан кейин хотинини олиб, ота шаҳрига жўнади.

Қизнинг амакиваччасига келсак, шаҳзоданинг қизга қўшилганини билгач, ғайрилиги ва ҳасадининг зўрлигидан, чидолмай ҳалок бўлди. Шаҳзодага тангри ёрдам бериб, отасининг вазири шарридан саломат қолди. Хотинини олиб, чексиз севинч билан отаси ёнига етиб келди. Отаси аскар ва вазирлари билан

пешвоз чиқиб уни қарши олди. «Эй подшо, мен ҳам вазирларнинг устидан тангрининг менга ёрдам беришини умид қиламан ва ўғлингдан ўч олиб беришингни илтимос қиламан»,— деди канизак. Подшо ундан бу сўзни эшитиб, ўғлини ўлдиришга фармон берди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод,— канизак подшога ҳикоясини айтгандан кейин: «Ўғлингдан

ўч олиб беришингни илтимос қиламан»,— деди. Подшо ўғлини ўлдиришга буюрди. У кун тўртинчи кун эди. Тўртинчи вазир подшо олдига кириб, ер ўпиб: «Эй подшо, мулkingиз обод бўлсин, қасд қилган ишингизни ошиқмай ўйлаб кўриб, оҳисталик билан қилинг, ақлли киши охирини ўйламасдан иш қилмайди.

Оқибатни ўйламаган кишига замона йўлдош бўлмайди, дейилган. Кимки бир ишни ўйламай қилса, ҳаммомчига хотини орқасидан етган кулфат унинг бошига ҳам тушади»,— деди.

«Ҳаммомчига хотини орқасидан нима кулфат етган?»— деди подшо. «Эй подшо, ҳикоя қиладиларки, ўтмишда бир ҳаммомчи бўлган экан. Унинг ҳаммомига казо-казолар ва бошлиқлар (ҳоким, вазирлар) кира экан. Кунларнинг бирида унинг ҳаммомига вазирзодалардан чиройли бир йигит кирибди. Узи тўладан келган йигит экан. Ҳаммомчи унинг хизматида турган экан. Йигит кийимларини ечиб, яланғоч бўлганда, ҳаммомчи қайғуриб: «Эй хожам, сизга юра-

гим ачишяпти, шунчалик ҳусн ва жамолга эга бўлиб, улуғ оиладан бўлсангиз ҳам, эрлардек баҳра оладиган мардлик олати сизда йўқ экан»,— дебди. Йигит унга: «Айтганинг рост, лекин эсимда йўқ нарсани эсимга солдинг»,— дебди. Ҳаммомчи: «Нима эди?»— деган экан: «Мана бу бир тиллани олиб, менга бир чиройли хотин келтир, мен ўзимни синаб кўраман»,— дебди йигит.

Ҳаммомчи бир тиллани олиб, хотинининг ёнига бориб: «Эй хотин, ҳаммомга вазирлар авлодидан тўлишган, ойдек гўзал бир йигит келди. Аммо унинг эрлик олати йўқ. Бор бўлса ҳам пистадаккина. Йигитнинг бу ҳолига ачинсам, у ўзини синаб кўрмоқчи бўлиб, бир танноз, чиройли хотин топиб кел, деб бу бир тиллани менга берди. Бу тилла сенга буюрган экан. Ҳечқиси йўқ, мен у билан сўзлашганингни ҳеч кимга айтмайман, у билан бир оз кулишиб ўтириб, шу бир тиллани ўзинг олиб қўя қол»,— дебди. Ҳаммомчининг хотини эридан бир тиллани олгач, яхши кийимларини кийибди, чиройи очилиб, ҳуснига ҳусн қўшилибди. Эри билан бирга бориб холи бир жойда вазир ўғлининг ҳузурига кирибди. Қараса, у чиройли, тўлган ойдек йигит экан. Унинг ҳусну жамолини кўриб ҳушидан айрилибди. Йигит ҳам уни кўргач, ақлидан озиб, ихтиёрини қўлдан берибди. Икковлари уйда холи қолиб, эшикни қулфлаб олишибди. Йигит ёш аёлга ёпишиб, кўкрагига босиб қучоқлаган экан, олати қўзғалиб, ишратга берилибди. Ҳаммомчининг хотини гоҳ йиғлар, гоҳ дод дер, гоҳ бетоқат бўлармиш. Ҳаммомчи бўлса, эшик орқасида туриб: «Ҳой онаси, бўлди энди, чиқ, боланг йиғлаб қолди, эмадиган вақти ўтиб кетди»— дермиш. Йигит буни эшитиб: «Чиқ, эмизиб кел»,— деса, хотин: «Сенинг ёнингдан чиқсам, боламдан илгари ўз жоним чиқади, йиғласа йиғлар.

*Беш юз саксон
тўртинчи кеча*

Ҳозир кўзимга бола кўринармиди. Онасиз етим бўлиб ўсар»,— деб йигитдан ажралгиси келмай қолибди.

Ҳаммомчи эшик олдида гоҳ йиғлаб, гоҳ бақириб доду фарёд қилибди. Хотини эса жавоб ҳам бермабди. Эри жонини жабборга берса ҳам хотинига етишолмабди. Ахийри ҳаммомчи бу хўрликка чидолмай, ҳаммом устига чиқиб, ўзини ерга отибди ва ўша заҳоти тил тортмай ўлибди. Эй подшо, хотин макри ҳақида яна шунга ўхшаш бир ҳикоя эшитганман»,— деди вазир. «У эшитган ҳикоянг қандай?»— деди подшо. «Эй подшо, бир ҳусну жамолга тўлган ва қадди камолга етган, гўзалликда тенги бўлмаган бир хотин бор эди. Унга бепок йигитлардан бирининг кўзи тушиб, уни ғоятда севиб, ишқига мубтало бўлиб қолибди. У хотин иффатини зинодан сақлар ва ундай ишларга рағбат қилмасди. Иттифоқо, кунларнинг бирида эри бошқа бир мамлакатга сафар қилибди. Вақтни ғанимат билиб, йигит кунига неча мартадан киши қўя бошлабди. У хотин эса жавоб бермабди. Йигит ўзига яқин жойда турадиган бир кампирни топиб, унга салом бериб, ишқи тушиб қолган хотиндан шикоят қилибди, мақсади унинг висолига етишиш эканини билдирибди. Кампир унга: «Мен бу ишни бажараман. Бунда ҳеч қандай қийинчилик йўқ, сени албатта севганинга етказаман».— дебди. Йигит кампирнинг сўзини эшитгач, бир тилла бериб, уйига қайтиб кетди. Тонг отгач, кампир ёш аёл олдига кириб, у билан яқинроқдан танишди, ҳар куни бир марта келиб кетадиган бўлиб, ҳатто наҳорги ва кечки овқатларда ҳам доим унинг олдида бўладиган бўлди. Бора-бора кампир у билан шундай иноқлашиб кетдики, ҳатто ҳазил-ҳузул қиладиган ҳам бўлиб қолди. Шундай қилиб, аёл кампирга ўрганиб, ундан бир нафас айрилмайдиган бўлди. Кампир ҳар вақт хотиннинг олдидан

чиққанда чарвига мурч аралаштириб бир ургочи итга бериб юрарди. Ундан бу саховатни кўрган ит доим унинг кетидан қолмай эргашарди. Кампир бир кун итга илгаригидагидан кўра кўпроқ мурчни чарвига аралаштириб берди. Ит уни егач, мурчнинг аччиғидан кўзидан тинмай ёш оқа бошлади. Ит унинг кетидан эргашиб хотиннинг уйига келганда ҳам кўзидан ёши оқиб турарди. Буни ёш хотин кўриб, ғоятда таажжубда қолди, кампирдан: «Бу итнинг кўзидан ёш оқиш сабаби нима?»,— деб сўради хотин.

«Эй қизим, гапларимга қулоқ сол, бу итнинг ажойиб саргузашти бор. Бу ит ҳусну жамолга тўлган ва қадду камолга етган бир гўзал қиз эди, ҳамиша мен билан бирга эди. Уни маҳалласидаги бир йигит яхши кўриб қолди ва унга муҳаббати тобора ортиб висолига етолмай, бетоб бўлиб, ёстиққа бош қўйди. Шояд севгилимнинг кўнгли юмшаб, раҳми келса, деб бир неча марта қизга одам юборди. Лекин қиз қабул қилмади. Мен қизга насиҳат қилиб: «Эй қизим, унинг хоҳишини қабул этиб бўйсун, унга раҳминг келсин, бечорага шафқат қил»,— деб увалло ялинсам ҳам сира қабул қилмади. Ахири йигитнинг сабру тоқати тугаб, кўз ёши тўкиб яқинларига воқеани баён қилган экан, улар сеҳр билан қизни итга айлантириб қўйдилар. Қиз шу аҳволга тушиб қолгандан кейин, мендан бошқа мураббийси, марҳамат қиладиган кишиси топилмади. Шундан буён уйимга келиб, мендан меҳрибончилик тилаб, оёқ-қўлимни ялаб йиғлайди. Унинг бу ҳолга тушиб қолганига ачиниб, мен унга: «Кўп насиҳатлар қилдим. Насиҳатларим сенга фойда бермади»,— дедим.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз саксон
бешинчи кеча

й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.—Қампир аёлга итнинг ҳикоясини айтиб берди ва ўз ғарази йўлида макру фириблар ишлата бошлаб, хотинга: «Бу сеҳрланган ит ҳузуримга келиб йиғлаганда, мен унга: «Сенга кўп насиҳат қилдим, аммо насиҳатларимни қабул қилмадинг»,— дедим. Эй қизим, уни бу ҳолда кўргач, шафқат қилиб, ўзим билан туришига рози бўлдим. Бу бечора шу ҳолга тушиб қолган, ўтмишини ўйлаб, ўзидан-ўзи йиғлагани йиғлаган»— деди кампир. Хотин кампирнинг сўзини эшитгач, кўрқиб кетиб, кампирга: «Эй она, оллога қасамёд қиламан, бу итнинг саргузаштини айтиб, мени жуда кўрқитиб юбординг»,— деди. Кампир унга: «Қизим, нимага кўрқасан»,— деганда, у кампирга: «Бир гўзал йигит менга ошиқ бўлиб қолган. У менга бир неча марта киши юборди. Мен унамадим. Бугун бу итнинг аҳволини кўриб, юрагимга ваҳима тушди»,— деди. Кампир: «Эй қизим, у йигитга асло қаршилиқ қила кўрма, негаки, мен сендан хавфдаман. Агар унинг истиқомат қилар ерини билмасанг, менга тавсифини айт, уни албатта сенга топиб бераман. Қизим, мendan сенга насиҳат, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирма»,— деди. Хотин унга йигитнинг қандай сифатларга эга эканлигини айтди. Кампир йигитни танимагандек кўрсатиб, ўзини гўлликка солиб, сўнг: «Сўраб-сўраб сен айтган йигитни топиб оларман-да»,— деди. Хотиннинг олдидан чиқиб, тўғри йигитнинг уйига борди ва унга: «Йигит, кўнглинг шод бўлсин, хотиннинг ақлини ўғирладим. Сен эртага пешинда кўчанинг бошида тур, сени унинг

олдига олиб бораман. Кечгача ва туни билан айш-ишрат сурасан»,— деди кампир. Йигит севинганидан кампирга икки тилла бериб, муродим ҳосил бўлса яна ўн тилла бераман, деб ваъда берди.

Кампир хотиннинг олдига келиб «Сўраб-сўраб ахири йигитни топдим, у билан сенинг тўғрингда сўзлашдим. У жуда ғазабланган экан, сенга зиён-заҳмат етказишга қасд қилган экан. Ялиниб-ёлвориб кўнглини юмшатдим. У эрта пешинда олдинга келади»,— деди. Хотин севиниб: «Эй она, агар кўнгли юмшаб, олдинга келадиган бўлса, сенга ўн тилла бераман»,— деди. «Йигитдан олдин сенинг олдинга мен келаман, шунда билгинки, у сенинг олдинга кирадиган»,— деди. Тонг отгандан кейин кампир хотинга: «Ҳозирлик кўриб, энг яхши кийимларингни кийиб, ясан, мен бориб, йигитни олиб келаман»,— деди. Хотин нафис кийимларини кийиб ясангани ва таом ҳозирлагани шошилди. Кампир тайинланган ерга бориб, йигитни мунтазир бўлиб кутиб турди, ҳадеганда йигит келавермагач, у ёқ-бу ёққа айланиб, уни қидирди, лекин тополмади. Кампир ўз-ўзига: «Энди иш қандай бўлди, шунча тайёрланган таомлар исроф бўладими? Ваъда қилган ўн тилла нима бўлади? Мен бу ҳийлани уддасидан чиқолмай, икки қўлимни бурнимга тиқиб бораманми? Унинг ўрнига бошқа бир йигитни олиб борсам яхши бўларди»,— деб жиғибийрони чиқиб турган вақтда, бир гўзал йигитни кўриб қолди. У йигитнинг тароватидан сафардан янги келганлиги билиниб турарди. Кампир дарҳол унинг олдига бориб, салом бериб: «Сиз лаззатли таом ва сингимли шароб билан гўзал канизакни хоҳлайсизми?»— деган эди, йигит: «Айтганларинг қаерда?»— деб сўради. Кампир: «Уйимда»,— деди. Йигит кампирнинг кетидан эргашди. Кампир эса бу йигит хотиннинг эри эканини бил-

мас эди. Келиб эшикни тақиллатди. Хотин эшикни очди-ю, дарҳол кийимларини кийиб, исли-упорли нарсаларини суриб, йигит ҳузурига пешвоз чиқиш учун югуриб, уйга кириб кетди. Кампир йигитни ўз ҳийлаларидан ўзи мамнун бўлиб даҳлизга ўтқизиб турганида, хотин тўсатдан кириб қолиб, кўзи эрига тушди.

Хотин кампирдан илгарироқ макру ҳийла билан иш бошлаб, эрининг олдига бориб, оёғидан маҳсисини ечиб, эрига: «Сен билан аҳду паймонимиз шумиди? Хиёнат қилишга қандай журъат этдинг? Нима сабабдан бу йўлга кирдинг? Мен сенинг келишингни эшитиб, бу кампир воситаси билан виждонингни си-наб кўрмоқчи бўлдим. Ҳақиқатга энди тушундим. Сен турмуш қуришимиз олдидаги аҳдимизни буздинг. Мен сени пок, деб ўйлардим. Сен бузуқ хотинлар билан алоқа қилар экансан, деб маҳси билан эрининг бошига ура бошлади. Эри эса бу ишлардан тамоман бе-хабар эканлигини ва бутун умрида унга хиёнат қилмаганлигига қасам ичиб, хотини тўхмат қилаётганлиги, унинг айтганларининг ҳеч бирини қилмаганлигига ишонтириб, оллоҳ номига қасамёд қилар эди. Хотини эса тўхтамай эрини урарди, йиғларди.

— Ҳой мусулмонлар, келинглр, аҳволимни кўринглар,— деб додларди у.

Эри қўли билан унинг оғзини бекитаман деса, қўлини тишларди. Шунга қарамай, эри ялиниб-ёлвориб хотинининг қўл-оёқларини ўпарди. У шунда ҳам эридан рози бўлмай, уришдан тўхтамас эди. Сўнгра кампирга кўзи билан: «Кўлимни тут»,— деб ишора қилди. Кампир келиб, унинг қўл ва оёқларини ўпавериб, ахири икковини айириб қўйди. Эри келиб, кампирнинг қўлини ўпиб: «Бундан мени қутқардинг, улуг оллоҳ сенга яхши мукофот берсин»,— дер эди. Кампир бўлса, хотиннинг ҳийла ва макридан таажжубда

серрайиб қолган эди. «Эй подшо, булар ҳаммаси хотинларнинг макру ҳийласидандир»,— деди вазир.

Подшо бу сўзларни эшитгач, насиҳатни қабул қилиб, ўғлини ўлдиришдан қайтди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.—Тўртинчи вазир подшога ҳикоясини айтгандан кейин, шоҳ ўғ-



Беш юз саксон
олтинчи кеча

лини ўлдиришдан қайтди. Бешинчи куни бўлгач, канизак қўлига заҳар тўлдирилган бир қадаҳ кўтариб, подшо ҳузурига кирди-да, додига етишини талаб қилди. Узини ўзи уриб: «Эй подшо, инсоф қилиб, ўғлингга жазо бермасанг, ушбу қадаҳдаги заҳарни ичаман. Гуноҳим қиёматгача сенинг гарданингда қо-

лади, чунки вазирларинг мени ҳийлакор деб биладилар. Ваҳоланки, дунёда улардан маккорроқ одам йўқ. Эй подшо, заргар билан канизак ҳикоясини эшитмадингми?»— деди канизак.

«Канизак билан заргарнинг нима саргузашти бор?»— сўради подшо. Канизак: «Эй саодатли шоҳ, ҳикоя қиладиларки, бир заргар бор экан; у хотинбозлик ва ичкиликбозликка муккаси билан кетган экан. Кунлардан бир кун у дўстларидан бирининг уйига бориб, унинг деворида бир қизнинг суратини кўрди. Умри бино бўлиб бундай гўзал қизни кўрмаган эди. Заргар унга маҳлиё бўлиб қолди. Қизнинг ишқи қалбига тушиб, бетоб бўлиб қолди, ахири аҳволи ёмонлашиб, ўлар ҳолатга келди. Бир кун дўстларидан бири унинг ҳолидан хабар олгани келиб, бетоблигининг

сабабини сўраганида, у: «Э биродар, дардим оғир, касалимнинг сабаби юрагимга тушган ишқдан. Мен фалончи дўстимнинг уйда осифлик турган суратга ошиқ бўлиб қолдим»,— деган эди, дўсти койиб: «Жинни бўпсан, дўстим. Суратга киши ошиқ бўладими, ахир, у жонсиз нарса-ку, шу ҳам гап бўптими.— Рассом қандайдир бир гўзал хотиннинг суратини чизган-да»,— деди. Дўсти унга: «Шояд рассом уни ўз миясидан чиқариб ижод қилган бўлса?» «Ҳа, ўз миясидан чиқарган»,— деди заргар унга. «Ҳой биродар, нима бўлса бўлсин, мен унинг ишқида адои тамом бўламан. Агар шу суратга ўхшаган моҳипайкар дунёда бўлса, унда мен оллодан то унинг висолига етмагунимча умримни узайтиришига умид қиламан»,— деди. Кўргани келган киши суратни чизган рассомни суриштира бошлади. Рассом бир шаҳарга кетган экан, тополмади. Биродарлари унинг ҳолига ачиниб, рассомга қўйидаги мазмунда хат ёзиб: «Суратингни ҳаёдан чиқариб чизган эдингми ёки дунёда шундай аёлни кўрган эдингми?»— деб сўрадилар. Рассом эса уларга: «Мен ҳинд мамлакатининг Кашмир шаҳри вазирларидан бирининг созанда канизагининг суратини чизган эдим»,— деб жавоб ёзди. Заргар бу хабарни эшитгач, сафар асбоб-анжомларини тайёрлаб, туғилиб ўсган форс мамлакатидан ҳинд мамлакатига жўнади. У кўп машаққатлар билан Кашмир шаҳрига етди. Шаҳардан ўзига бошпана топди. Кунлардан бир кун у шу шаҳарлик бир аттор олдига борди. Аттор ўта донишманд киши эди. Заргар аттордан подшоси ва унинг аҳволи ҳақида маълумотлар беришни сўради. Аттор унга: «Подшоҳимиз адолатли, одобли, давлат аъёнларига марҳамати кенг, фуқарога бўлса шафқатли одам. Лекин дунёда жодугарларни жуда ёмон кўради. Улардан биронтаси эркагими ё хотиними барибир қўлига

тушса, ўша заҳоти шаҳардан ташқарига олиб чиқдириб қудуққа ташлатади. Жодугар қудуқда очлигидан ўлиб кетади»,— деди. Сўнгра заргар вазирлари ҳақида сўрай бошлади. Аттор вазирларнинг ахлоқи ва феълү атворини сўзлаб берди. Охирида сўз созанда ва ашулачи канизак устига келиб тўхтади. Аттор созанда қиз қайси вазирнинг қўлида эканлигини айтиб берди. Заргар созанда қизни қўлга киритиш учун ҳар хил тадбирлар ўйлай бошлади. Кунларнинг бирида кечаси ёмғир ёғиб, бўрон бошланган эди, заргар бир нечта адад ўғрилари ёнига олиб, канизакнинг хўжаси бўлган вазирнинг уйига жўнади. Бориб, қаср деворига нарвон қўйди, нарвон етмаган ерига темир чангал ташлаб, қасрга чиқди. Қараса, канизаклар ширин уйқуда ётибдилар. Сўрилар орасида мрамрдан ишланган бир каравот бўлиб, унда ўн тўрт кунлик ойдек бир қиз барқ уриб ухлаб ётибди. Заргар оҳиста олдига бориб, устидаги пардани очса, ёпинган пардаси олтиндан экан. Бош томонида бир шам, оёқ томонида бир шам ёниб турган эмиш. У шамлар олтиндан ишланган шамдонга ўрнатилган бўлиб, улар анбардан экан. Ёстиқ остидаги бир қутида канизакнинг зийнат асбоблари турарди. Уларни туғиб бошгинасига қўйган эди. Заргар пичоғини қинидан суғурди-да, канизакнинг думбасига уриб, уни оғир ярадор қилди. Канизак жонҳолатда қўрқиб уйғонди. Бошида заргарни кўриб, қўрққанидан чурқатиб овоз чиқармади. Мол ўғриси деб гумон қилиб: «Мана бу қутининг ичидаги барча нарсалар сеники, ол Фақат мени ўлдирма, бундан сенга фойда йўқ. Сен менинг пушти паноҳимсан»,— деди. Заргар қутини ичидаги нарсалари билан олиб, келган йўлига қайтиб кетди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз саксон
еттинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.— Заргар канизакнинг думбасига пичоқ уриб, уни оғир ярадор қилгач, зийнат асбоблари солинган қутини олиб, келган йўлига қайтиб кетди. Тонг отгач, зийнат асбоблари солинган қутини олиб подшонинг олдига борди. Подшо олдида ер ўпиб: «Эй муҳтарам подшоҳи олам, мен Хуросон мамлакатидан ҳузурингизга келдим. Сизга доим бахтиёрлик хоҳлайман.

Сизнинг адолатли подшо эканлигингиз, доим фуқарога ғамхўр эканлигингизни эшитиб, сизнинг табаингиздан бўлишни истаб, ўз юртимдан жанобингизга ҳижрат қилиб чиққан эдим. Кечаси шаҳрингизга етиб келсам, шаҳар дарвозаси ёпилиб қолган экан. Нойлож шаҳардан ташқарида тунадим. Уйқу элтиб, энди кўзим илинай деган экан, тўсатдан тўрт хотинни кўриб қолдим. Улардан биттаси супурги минган, яна бири елпиғич минган эди. Эй подшо, билсам улар жодугарлар экан, шаҳрингизга кириб кетишди. Улардан бири олдимга келиб, бир тепди-да, қўлидаги тулки думи билан урди, зарбининг аламига чидолмай, қочиб кетаётганида пичоқ санчган эдим, думбасига тегди. Жароҳатлангач, қочди. Қутиси ичидаги нарсалари билан тушиб қолди. Очиб қарасам, ичида ҳар хил зийнат асбоблари бор экан. Булар менга керак эмас, сизга бўлсин. Мен тоғу тошларни кезиб юрган ва мол-дунёга ҳирс қўйишдан воз кечган жаҳонгашта одамман. Дунёдаги барча нарсаларни тарк қилиб, ёлғиз худони деган бандаман»,— деб қутини подшо олдига қўйиб, ўзи чиқиб кетди. У кетгандан кейин подшо қутини очиб,

ундаги ҳамма зийнат асбобларни олиб кўраётганда, канизакнинг хўжаси вазирга инъом қилган дур марваридни кўриб қолди. Подшо дарҳол вазирни чақиртирди. Вазир подшо ҳузурига киргач: «Булар сенга ҳадя қилинган зеб-зийнатлар эмасми?»— деб сўради. Подшо. Вазир уни кўриб, таниди-да: «Ҳа, буни мен созанда канизагимга ҳадя қилган эдим»,— деди. Подшо унга: «Дарҳол канизакни ҳузуримга келтир», деб буюрди. Вазир уни ҳозир қилди. Подшо вазирга: «Канизакнинг думбасини очиб кўр, бирор жароҳати бормикин»,— деди. Вазир канизакнинг думбасини очиб қараб, жароҳатни кўрди. Вазир подшога: «Эй подшоҳ, эй хўжам, ҳақиқатда думбасида жароҳати бор»,— деди. Подшо вазирга: «Тарки дунё қилган зоҳид айтганидек, шак-шубҳасиз бу жодугар экан»,— деди. Сўнгра подшо канизакни жодугарларни ташлайдиган қудуққа ташлашга буюрди. Уша заҳоти канизакни қудуққа олиб бордилар. Заргар ишлатган ҳийласи амалга ошганини билиб, минг тилла солган ҳамённи олиб, қудуқ пойлоқчиси олдига бориб, у билан кеча оққунга қадар сўзлашиб ўтирди. Ахири пойлоқчига: «Эй биродар, бу канизакни шу қўйга солиб, бу маломатларга гирифтор қилган одам мен бўламан»,— деди. Сўнгра ўз қиссасини аввалидан охиригача ҳикоя қилиб: «Эй биродар, мана бу минг тиллали ҳамённи ол. Бунинг эвазига канизакни менга бер. Мен ўз мамлакатимга олиб кетаман. Канизакни қамаб қўйганингдан нима фойда. Буни ғанимат бил. Икковимиз сенга ташаккур айтиб, доимо саломат бўлишинг учун дуо қилайлик»,— деди. Зиндонбон заргар ҳикоясини эшитгач, унинг ишлатган ҳийласига ғоятда таажжуб қолди. Сўнгра зиндонбон ҳамённи олиб, шаҳарда бир соат ҳам турмасликни шарт қўйиб, канизакни бўшатди. Заргар канизакни олиб, дарҳол йўлга равона бўлди.

Эй подшо, эркакларнинг макрини кўрдингми? Вазирларнинг ўғлига жазо беришдан сени қайтардилар. Тонгла маҳшарда мен сен билан бирга қасосимни олиш учун адолатли ҳокимнинг олдида турман»,— деди канизак.

Подшо канизакнинг сўзини эшитгач, ўглини ўлдиришга буюрди. Дарҳол бешинчи вазир шоҳ ҳузурига кириб, унинг олдида ер ўпди. Сўнгра: «Эй шаъни улуғ подшо, фарзандингизни ўлдиришга ошиқманг, шошма-шошарлик кетидан пушаймонлик келади. Умрининг охиригача пушаймон еб, бирон марта ҳам кулмаган кишидек бўлиб қолмасангиз деб қўрқаман»,— деди вазир. «Эй вазир, бу қандай бўлган эди?»— деди подшо. Вазир унга: «Эй подшо, ҳикоя қиладиларки, ўтмишда бир бадавлат киши бўлган экан. У кишининг куни битиб, ажали етиб оламдан ўтибди. Ундан бир сағир бола қолибди. Бола балоғатга етгач, кайф-сафога берилиб, отасидан қолган мол-дунёни хоҳлаган кишиларига бера бошлабди. Ахири мол-дунёси тугабди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.— Бола отасидан қолган мол-дунёни тугатгач, қулу чўриларни сотди. Бу пулни ҳам сарф қилиб, ахири фақир бўлиб қолди. Орадан бир неча йил ўтди. Йигит кунларнинг бирида бир деворнинг тагида ишга ёллайдиган кишини кутиб ўтирган эди, тўсатдан, тоза кийинган нуроний бир киши олдига келиб, салом берди. Йигит унга: «Эй ама-

*Беш юз саксон
саккизинчи кеча*

ки, мени илгари танирмидингиз?»— деди. У киши: «Эй бўтам, мен сени танимайман. Лекин, сен шу ҳолда бўлсанг ҳам илгари бадавлат бўлганлигингни кўриб турибман»,— деди. Йигит у кишига: «Эй амаки, қазо билан тақдир ўз ҳукмини ўтказди»,— деди-да, кетидан: «Эй нуроний амаки, биронта хизматингиз йўқми, мен хизматингизни бажарсам?»— деди йигит. «Эй ўғлим, бир озгина ишим бор, сени мўлжаллаб турибман»,— деди у киши. «Эй амаки, қандай иш экан?»— деб сўради йигит. У киши: «Бизлар ўн нафар қария бир уйда яшаймиз, лекин хизматимизни қиладиган киши йўқ. Агар хизматимизни адо этиб турсанг, емак-ичмагинг етарли бўлади, биздан сенга етадиган яхшиликлар кўп бўлади. Хизмат ҳақи ҳам берамиз. Шояд, олло биз сабабли қўлингдан кўтарилган давлатингни яна ўзинга қайтарса»,— деди.

«Буюринг, хизматингизга тайёрман»,— деди йигит. «Ўғлим, сенга шартим бор»,— деди қария. «Эй амаки, нима шартингиз бор?» «Эй болам, бизни қандай ҳолда кўрсанг ҳам, пинҳон тутасан. Бизни йиғлаётган ҳолда кўрсанг, сабабини сўрамайсан»,— деди. Йигит унга: «Хўп бўлади, эй амаки»,— деди. Қария унга: «Болам, худога таваккал қилиб, мен билан юр»,— деди. Йигит қариянинг кетидан юрди. Қария йигитни олиб бориб ҳаммомга туширди. Сўнгра қария бир кишини кийим-кечакка юборди. У ипакли кийимлар олиб келиб, йигитга кийинтиргач, қария уни улфатлари олдига бошлаб келди. Йигит муҳташам бинони кўриб лол қолди. Хоналар бир-биридан чиройли эди: Бинонинг саҳнида ҳовуз, фонтан бўлиб, атрофида қушлар сайраб турарди: Уйлардан боғчага қаратиб деразалар қўйилган эди: Сўнгра қария уни бир хонага олиб кирди. Бу хона мармар тошлар билан зийнатланган, шифтларига олтин суви юритилган

эди. Хонага ипак гиламлар тўшалган, унда ўнга қария бир-бирларига тикилиб ўтирарди.

Улар ғам ва қайғу кийимини кийиб, ҳўнграб йиғлардилар. Йигит таажжуб қилиб, қариядан сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, шарт эсига тушиб, тилини тийди. Сўнгра қария ичига ўттиз минг тилла солинган бир сандиқни йигитга топшириб: «Эй болам, бу сандиқдаги олтинларни тежаб-тергаб сарф қил. Сен ишончли кишимизсан. Топширган амонатимни сақла»,— деди. Йигит: «Фармонингиздаман»,— деди. Йигит қария айтгандек сарф қила бошлади, шу орада улардан бири ўлди. Йўлдошлари уни ювиб, кафанлаб, уй орқасидаги боғчага кўмишди. Яна иккинчиси ўлди. Шундай қилиб улар бирин-кетин ўлаверишди, ахири йигитни хизматга буюрган қариягина қолди. Улар шу уйда бирмунча вақт истиқомат қилишди. Бир куни қария ҳам бетоб бўлиб қолди. Йигит ундан умид узиб, жуда ачинди.

Сўнгра унга: «Эй амаки, мен сизларга ўп икки йил мобайнида қурбим етганча сидқидил билан хизмат қилдим»,— деди. Қария унга: «Тўғри болам, бу қариялар ўлиб, оллоҳнинг раҳматига етишгунча, бизга ҳалол хизмат қилдинг. Ўлимга даво йўқ»,— деди. Йигит: «Эй хожа, сиз хатар тўшагида ётибсиз. Сиздан ҳўнграб йиғлаганларингизни, доим қайғуриб ҳасрат чекканларингизнинг сабабини баён қилишингизни сўрайман»,— деди. У: «Эй бўтам, бу нарсаларни билиш сенга мумкин эмас. Мени тоқатим йўқ ишга ундама. Чунки мен мубтало бўлган ишга ҳеч бандайи мўминни мубтало қилмаслигини худодан сўраганман. Бизлар йўлиққан балога йўлиқмасликни истасанг, ҳув анови эшикни асло оча кўрма, деб қўли билан бир эшикка қараб ишорат қилди. Агар биз тушган аҳволга тушишни хоҳласанг, шу эшикни оч, ана шунда

бутун сир-асрорни биласану, аммо пушаймон бўласан. Кейинги пушмон — ўзингга душман»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз саксон
тўққизинчи кеча*

эшикни очмаслик ҳақида қилган насихатларини ўйлаб ўтирар экан, эшикни бориб кўрмоқчи бўлди-да, унга яқин борди. Нақшдор эшикка ўргимчаклар уя қурган, тўрт пўлат қулф солинган эди. Бунга кўргач, қариянинг панд-насихати ёдига тушиб, очишдан қайтди. Лекин юраги эшикни оч, деб ундар эди. Етти кунгача ўзини зўрға тутди. Саккизинчи кунга келганда, ўзини ушлолмади: «Албатта шу эшикни очаман, бошимга қандай савдо тушса ҳам розиман. Ҳар бир иш худонинг иродаси билан бўлади»,— деди-ю, ўрнидан туриб, қулфларни уриб синдириб, эшикни очди. Ичкарига киргач, бир тор даҳлизни кўрди. Унда узоқ юриб, бирдан азим бир дарё қирғоғидан чиқиб қолди. Йигит таажжубда дарё қирғоғидан юра бошлади. Тўсатдан бир бургут учиб келиб йигитни чангалига олди-да, осмон билан ер ўртасида учиб, денгиз ўртасидаги бир жазирага ташлаб кетди. Йигит эса бу ҳолга тааж-



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.— Қария йигитга бу эшикни очиб, пушаймон бўлишдан сақ-

лан, чунки сўнгида пушаймон бўлишдан фойда йўқ, деди. Сўнгра кундан-кунга қариянинг аҳволи оғирлашиб, ахири оламдан ўтди. Йигит уни ювиб, кафанлаб кўмиб, ундан қолган молу мулкка эга бўлди. Лекин қариялар аҳволини ўйлаб-ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Кунлардан бир кун у қариянинг

жубланиб, қаёққа борарини билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Орадан анча кун ўтди. Кунларнинг бирида тўсатдан денгиздан бир кема юлдуздек ярқиллаб кўринди. Шояд нажоткорим шу кемада бўлса деб умид билан қараб турди. Кема етиб келгач, қараса, анбус дарахтидан, фил тишларидан ясалган, устунлари сапдал ва уд ёғочларидан ишланган бўлиб, олтин тахта-лар билан қопланган эди. Кемада тўлган ойдек ўн қиз бор эди. Улар йигитни кўриб, кемадан чиқиб, қўлини ўпишиб: «Сен куёвларнинг подшосисан»,— дейишди. Сўнгра бир қиз йигит олдига келди. У худди тиниқ осмондаги ярқираб турган қуёшдек гўзал эди. Қиз йигитга шоҳона кийимлар кийгизиб, бошига жавохир ёқутлар билан зийнатланган олтин тож қўйди. Сўнгра қўлтиқлаб олиб келиб ранг-баранг гиламлар тўшалган қайиққа солди. Қайиқ елканини эшиб денгиз бўйлаб сузиб кетди. Бу тушимми, ўнгимми, деб ҳайрон эдим. Қаёққа олиб кетаётганларини ҳам билмасдим. Куруқликка чиқиб кейин қарасам, ҳамма ер аскарларга тўлиб кетибди. Уларнинг ададини улуг ва муқаддас оллодан бошқа ҳеч ким билмас эди. Аскарлар совут кийган эдилар. Менга марварид ва қиммат баҳо жавохирлар қадалиб зийнатланган, олтин эгарли бешта от келтирдилар. Отлардан бирига миндим, тўрт от кетимдан юрди. Отга минганимдан кейин бошимдан фалокат кўтарилгандек бўлди. Ноғоралар қоқилди, жомлар чалинди, аскарлар ўнгдан, сўлдан саф тортди. Ўзимни уйғоқ эканимни ҳам, уйқудалигимни ҳам билолмасдим. Юришда давом этдик. Лекин бу беҳад тантанага таажжубда эдим. Юра-юра ахири бир сабззорга етдик. Сабззорда қасрлар, бўстонлар, дарахтлар, кўллар, сайраб турган қушлар бор эди. Шу вақт тўсатдан, қаср ва бўстонлар ичидан аскарлар селдек оқиб чиқиб, ҳамма ёқни

тўлдирди. Шу вақтда уларнинг ичидан отга минган, атрофида ясовуллар билан подшолари чиқиб келиб, менга яқин қолганда отдан тушди. Ясовуллари ҳам отдан тушишди, сўнгра ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, саломлашиб, отларига миндилар. Подшо менга: «Сен бизнинг меҳмонимизсан, биз билан бирга юр»,— деди. Подшо мен билан суҳбатлашиб келарди. Унинг қўшинлари то қасрга етгунимизча кузатиб бордилар. Қасрга етгач, ҳаммамиз отдан тушиб қасрга кирдик».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Подшо йигитга ўзи билан бирга юришни таклиф қилди. Қўшинлари билан бирга бориб қасрга кирди. Подшо йигитнинг қўлидан тутиб олиб бориб, олтин курсига ўтқаздида, ўзи унинг ёнига ўтирди. Подшо юзидан ниқобини олган эди, йигит қаршисида қуёшдек хусну жамолли, таърифига тил лол моҳипайкарни кўрди. Йигит бу улуг неъмат ва кат-

Беш юз тўқсонли тўлдирувчи кеча



та бахтни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Сўнг қиз йигитга: «Эй подшо, мен буларнинг маликаси бўламан, булар аёл аскарлардир. Бизнинг мамлакатда эркаклар деҳқончилик, мамлакат ободлиги, қурилиш ишлари билан шуғулланишади. Аммо ҳукмронлик мансабдорлик ва аскарий хизматлар хотинлар қўлидадир»,— деди. Йигит бу сўзларга ғоятда таажжуб қолди. Улар сўзлашиб ўтирар эканлар, вазира кириб келди. У сочига оқ оралаб қолган, келишган, вазмин, ёшлигидаги хусни ҳали кетмаган аёл эди. Малика

унга: «Қози ва гувоҳларни ҳозир қил»,— деди. Вазира қози ва гувоҳларни ҳозир қилиш учун кетганида, малика йигитга меҳрибончилик кўрсатиб, уни ёқимли сўзлар билан овутиб ўтирди. Унга қараб: «Мени хотинликка оласанми?»— деди малика. Йигит бу сўзни эшитиб, дарҳол ўрнидан туриб ер ўпмоқчи бўлган эди, малика уни бу ишдан қайтарди. Йигит унга: «Эй сандам, мен ўзимни хизматчиларингдан ҳам паст тутаман»,— деди. «Мана шу турган хизматчи ва аскарлар, мол-дунё, ҳазиналар, омборларни кўряпсанми?»— деб сўради малика. Йигит унга: «Ҳа, кўряпман!»— деди. «Буларнинг ҳаммаси сенинг ихтиёрингда, хоҳлаганча сарф қилиб, хоҳлаган кишингга ҳадя қилаверасан, ихтиёр сенда». Сўнгра бир қулф солинган эшикни кўрсатиб, асло бу эшикни очмайсан, очсанг, пушаймон бўласан. Лекин кейинги пушаймоннинг фойдаси йўқ деди. Малика сўзини тамом қилмасданоқ, вазира қози ва гувоҳларни бошлаб келди. Улар сочлари ёйилиб елкасига тушган кампирлар эди. Малика никоҳ маросимини ижро этишга буюрди, улар маликани йигитга никоҳ қилдилар. Тўй жуда тантанали ўтиб, меҳмонлар тарқалгач, йигит билан малика маҳсус хонага киришди. Улар етти йил лаззатли ҳаёт кечирдилар. Кунларнинг бирида йигитнинг эсига эшикни очиш фикри тушиб, унда кўрганларимдан кўра олийроқ хазина бўлмасайди, очишни ман қилмасди, деди-да, дарҳол бориб эшикни очди. Ичкарига қараган эди, кўзи денгиз қирғоғидан чангалида кўтариб келиб, жазирага ташлаб кетган бургутга тушди. Бургут йигитни кўргач, абадий ғам-кулфатга гирифтор бўлган кишига «Хуш келдинг»,— деди. Йигит бу сўзни эшитиб қочган эди, бургут қувиб бориб, човутига олиб олди-да, ҳавога парвоз қилди. Осмонда узоқ учиб, охири ташлаб кетгани—жазирага келиб, йигитни ташла-

ди-ю, дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Йигит тушган ерида ҳушидан кетиб қолди. Орадан бир оз ўтгач, ҳушига келди-да, ўтган даври-давронларини ўйлаб ҳўнграб йиғлай бошлади. Қаерга борарини билмай, жазирада зор йиғлаб қолаверди. Бургут ташлаб кетган жазирада икки ой яшаган бўлса ҳам, йигит ҳамон хотини маликага етишиш орзусида эди. Тунларнинг бирида ғам-андуҳ ичида қолиб, ўй суриб кўздан уйқу қочди. Шу вақт тўсатдан бир нидо эшитилди. Овоз: «Қандай мартабага эга эдинг. Энди аҳволинг нечук? Қўлдан кетган аркони давлатинг қани энди? Яна кўпроқ ҳасрат чек, ҳасрат!»— деб нидо қилар эди. Йигит бу сўзларни эшитгач, маликани кўришдан ва қўлидан кетган аркони давлатининг қайта қўлига киришидан тамоман умидини узди. Шунда йигит қариялар бошига тушган савдолар ўзининг ҳам бошига тушганлигини англади. Уларнинг кўз ёшлари ва чеккан қайғу ҳасратларининг сабабчиси шу эканлигини билиб, уларга таҳсин ўқиди. Бундан кейин йигит қайғу-ҳасрат чекиб қариялардек ҳаёт кечириб, то умрининг охиригача пушаймон еб, емак-ичмакни, ўйин-кулги, лаззатли таомлар истеъмол қилишни тарк этди. Умри доимо йиғлаб, нола-фиғон қилиш билан ўтди. Базмларни бузувчи, қайғуларни қўзғовчи ўлим-келгач, уни ҳам қариялар ёнига дафи қилдилар.

Эй шоҳ, билгин, ошиқиш яхши эмас. У доимо пушаймон билан тугайди. Мен сенга бу қиссани келтириб, гўё насиҳат қилдим»,— деди. Подшо бу сўзларни эшитиб, таъсирланди-да, вазирнинг қилган насиҳатини маъқуллаб, боласини ўлдиришдан қайтди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз тўқсон
биринчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деди
Шаҳризод.— Подшо ва-
зирнинг ҳикоясини эши-
тиб, боласини ўлдириш-

дан қайтди. Олтинчи кун бўлганда,
канизак қўлида яланғоч пичоқ, под-
шо олдига кириб: «Эй хожам, ме-
нинг шикоятимни қабул қилмай,
менга зулм қилган киши тўғрисида
ўз ҳақинг ва ҳурматингни сақлаб
қолишни лойиқ топдинг. Вазирла-
ринг бўлса, менинг ҳақимни зое қи-
лиш ва ҳақимга кўз ташламаслик

ниятнда хотинларнинг макру ҳийласи кўп, деб даъво
қилдилар. Энди мен ҳузурингда савдогарнинг хотини
билан холи қолган шаҳзода қиссасини ҳикоя қилиб,
эрларнинг хотинлардан ҳам маккорроқ эканлигини
исбот қиламан»,— деди. «Савдогар хотини билан
шаҳзода можароси қандай?»— деб сўради подшо.
«Эй саодатли шоҳ,— деди канизак,— бир савдогар
хотинга жуда ҳам кунч ва ғайир экан, унинг ҳусну жа-
молда таърифи йўқ хотини бор экан. У хотинига ғайир-
лик қилиб, ишонмай, шаҳарда яшашдан воз кечиб, ша-
ҳар ташқарисиди бир қаср бино қилди. Қаср баланд
деворлар билан ўралган, дарвозалари мустаҳкам эди.
Савдогар шаҳарга бормоқчи бўлса, дарвозаларни
қулфлаб, калитини олиб кетар эди. Кунларнинг бирида
подшонинг ўғли сайри томоша қилиш учун шаҳардан
чиқиб, савдогарнинг данғиллама қасрига кўзи тушди.
Қасрнинг устидаги гўзал қизни кўриб, шаҳзоданинг
эси оғиб қолди. Сўнгра йигитларидан бирига қоғоз,
қалам, даво келтиришни буюрди. Шаҳзода қизга бўл-
ган ишқу муҳаббатини билдириб, мактуб ёзди. Сўнгра
мактубни ўқнинг учига қўйиб, қасрга отди. Аёл

қасрга келиб тушган мактубни кўриб, канизакларидан
бирига уни келтиришни буюрди. Уни ўқиғач, шаҳзода-
нинг бир кўришда унга ишқи тушганини билиб, жавоб
мактуби ёзди. Ёзган жавобида шаҳзодага муҳаббати
унинг муҳаббатидан кўра зиёдроқ эканлигини изҳор
қилди. Қасрнинг туйнугидан шаҳзодани кўргач, аёл-
нинг шавқи янада ортди. Жавобини унга ташлади.
Буни кўриб шаҳзода қаср остига келди. Ёш аёлга: «Ип
ташла, мана бу калитни бир учига боғлайман, тортиб
оласан»,— деди. Аёл ип ташлаган эди, шаҳзода калит-
ни ипга боғлади. Шаҳзода мулозимларига бир хотин-
нинг муҳаббатига гирифтор бўлиб қолганлигини ва
унинг васлига етмаса асло чидолмаслигини билдирди.
Шаҳзода аъёнларидан бири: «Бу ишда қандай тадбир
қилишга буюрасиз»,— деди. «Мени бир сандиққа со-
либ, савдогар қасрига олиб боринглар-да, шу амона-
тимиз сенда туриб турсин, денглар. Шу йўл билан
мен аёл васлига ета оламан. Кейин ундан сандиқни
қайтариб оласан»,— деди шаҳзода. Мулозим: «Амри-
нгизга тайёрман»,— деди. Шаҳзода сандиққа тушди.
Мулозим сандиқни қулфлаб савдогар қасрига олиб
борди. Савдогар унга пешвоз чиқиб, қўлини ўпди-да:
«Эй хожам, шояд бир хизматингиз ёки ҳожатингиз
бўлса, уни бажариш шарафига муяссар бўлсам,
ўзимни бахтли ҳисоблайман»,— деди.

Мулозим унга: «Бу сандиқни сенга амонат қол-
дираман. Буни уйингни тўрида сақлашингни сўрай-
ман»,— деди. Савдогар сандиқни кўтартириб кирги-
зиб, омборга қўйди-да, ўз иши билан қасрдан чиқиб
кетди. Аёл сандиқ ёнига бориб, ҳалиги шаҳзода узат-
ган калит билан сандиқни очган эди, сандиқдан ой-
дек бўлиб шаҳзода чиқди. Аёл уни кўргач ҳуши
учиб, нафис кийимларини кийиб, у билан муҳташам
бир хонага кириб, етти кун айш-ишрат суришди. Эри

келган вақтларда шаҳзодани сандиққа бекитиб, қулф-лаб қўярди. Кунларнинг бирида подшо ўғлини йўқлаб қолди. Воқеадан хабардор мулозим шошилиб савдогарнинг уйига борди-да, ундан сандиқни талаб қилди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Беш юз тўқсон
иккинчи кеча



Й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод. — Мулозим савдогарни топиб ундан сандиқни талаб қилди.

Савдогар одатдаги келадиган вақтидан барвақтроқ келиб, эшикни қоқди. Хотини эрининг келганини сезиб, шаҳзодани сандиққа солдию, қулфлашни унутди. Савдогар ҳам-молларга сандиқни кўтартирмоқчи бўлган эди, сандиқ очилиб кетди. Сандиқ ичига қараб, шаҳзодани таниди. Жонҳолатда мулозим олдига

чиқиб: «Ичкари кириб, шаҳзодани олиб чиқ. Унга тегишга бизнинг ҳаддимиз сифмайди»,— деди.

Мулозим ичкари кириб шаҳзодани олиб кетди. Улар қайтиб кетгач, савдогар хотинини талоқ қилди.

Эй подшо, яна ҳикоя қиладиларки, кунлардан бир кун озода кийинган, келишган бир одам бозорга бориб, бир қул сотиб олиб, уйига олиб келди. Хотинига уни яхши парвариш қилишни топширди. Бир кунни у киши хотинига: «Эртага бўстонга бориб ўйнаб, томоша қилиб, кўнгил очиб кел»,— деган эди, хотини: «Миннатдорман»,— деди. Бу сўзни эшитган қул турли хил таомлар, ичимликлар, ҳўл мевалар олиб, бўстонга қараб йўл олди. Тайёрлаган таомини бўстондаги дарахтлар тагига яшириб қўйиб, хўжасиникига қайтди. Тонг отгач, ҳалиги киши қулига саидаси би-

лан бирга бўстонга боришни, етарли смак-ичмак ва ҳўл мевалар олиб олишни буюрди. Аёл қул билан бирга отда бўстонга қараб йўлга тушди. Бўстонга етиб боришганда бир қарға қағиллади. Қул унга: «Рост айтасан»,— деди. Саида ундан: «Қарға нима деганини биласанми?»— деб сўради. Қул: «Ҳа, биламан, эй саидам»,— деди. Саидаси унга: «Қарға нима дейди?»— деди. «Эй саидам, бу дарахтнинг тагида таом бор, уни енглар, деб айтади»,— деди. Саидаси: «Қани, кўрай-чи, қушнинг тилини билармикинсан»,— деди. Саида дарахт тагига бориб, қўйилган таомни топди. Уни бирга тановвул қилдилар, Саида унга таҳсин ўқиди. Бир вақт бўстонда сайр-томоша қилиб юришган эди, қарға яна қағиллади. Қул унга: «Рост айтасан»,— деди. Саидаси унга: «Қарға нима дейди?»— деди. У: «Эй саидам, фалон дарахтнинг тагида бир кўзада ширин шароб бор деб айтади»,— деди. Саидаси қул билан бориб уни топди. Бунни кўргач, таажжуби яна ортди. Қул унинг олдида анча қадрли бўлиб қолди. Саида қул билан бирга шароб ичишди. Улар еб-ичиб, бўстонда сайр қилиб юришганида, яна қарға қағиллади. Қул: «Рост айтасан»,— деди. Саидаси унга: «Бу қарға нима дейди?»— деди. «У фалон дарахтнинг тагида ҳўл мева ва газаклар бор»,— деяпти. Саида қул билан бирга ўша дарахтнинг тагига бориб, ҳўл мева ва газакларни олиб едилар, бўстонда томоша қилиб юрганларида, яна қарға қағиллаганди, қул унга тош ота бошлади.

Саидаси: «Нима учун унга тош отасан? У нима дейди?»— деди.

Қул: «Эй саидам, унинг сўзини айтолмайман»,— деди.

Саидаси: «Айт, мендан уялма. Бу ўртамиздаги сир, пинҳон тутаман»,— деди.

У: «Йўқ, айтолмайман»,— деди. Саида, айтасан, деб уни қистайверди. Ниҳоят саида оллоҳ номини тилга олиб қасам ичгач, қул: «Саидангга эри қиладиган ишни қилгин»,— деб айтади деди. Саидаси бу сўзни эшитиб, шу қадар кулдики, кулгининг зўрлигидан ерга ағанаб қолди. Сўнгра саидаси: «Истагинг ҳеч гапмас, мен розиман»,— деди. Кейин бир дарахт тагига гиламча ёздириб, қулнинг ҳожатини чиқариш ниятида қулни ёнига чақирди. Тўсатдан келиб қолган қулчинг хожаси уни чақириб: «Саидангга нима бўлди, нега дарахт тагида йиғлаб ётибди?»—деб сўради. «Эй хожам, саидам дарахтдан йиқилиб тушиб, оз бўлса ўлган эди, улуғ оллоҳ, қайтиб берди, дам олиб ётибди»,— деди қул. Хотин, тепасида эрининг турганини кўриб, ўзини касалликка солиб, вой белим, вой биқинимлаб, оҳ-воҳ ура бошлади. У зўр бериб, энди ўламан, дерди. Эри нима қиларини билмай, ҳайрон бўлиб қолган эди. У қулини чақириб: «Саидангга от келтир»,— деди. Аёлни отга миндиришди. Бир узангидан эри, бир узангидан қул ушлаб олган эди. Эри, оллоҳ шифо берсин, ўз паноҳида сақласин, дерди.

Эй подшо, бу эркакларнинг макру ҳийласидир. Мени ҳимоя қилишдан, қасосимни олиб беришдан вазирларингиз сизни қайтармасин»,— деб йиғлади. Подшо унинг йиғлаганини кўриб, тездан ўглини ўлдиришга буюрди. Чунки у канизакларининг энг севимлиси эди. Дарҳол подшо қошига олтинчи вазири кириб, ер ўпиб дуо қилди. «Эй олий ҳазрат, улуғ оллоҳ сизни азиз қилсин! Мен холис дўстман, ўғлингизни ўлдириш тўғрисида муҳлат беришингизга далолат қиламан»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.— Олтинчи вазири кириб, эй олий ҳазрат, ўғлингизни ўлдириш-

га муҳлат беринг. Чунки ботил иш тутундек асоссиз, ҳақ ишнинг биноси эса мустаҳкам, ҳақ ишнинг нури ботил иш зулматини албатта ёради.

Эй подшо, билингки, хотинларнинг макри ҳийласи беҳисоб. Ҳикоя қиладиларки, бир хотиннинг давлат арбобларига ишлатган макридек макрни ҳеч ким ишлатган эмас,—

деди вазир. «У қандай бўлган?»— деб сўради подшо.

— Эй подшоҳи олам, савдогарлар хонадонидан чиққан бир қиз сафарда кўп юрадиган савдогарлардан бирига теккан экан. Эри сал ўтмай олис юртга сафар қилиб, у ерда узоқ вақт туриб қолибди. Хотиннинг кўнгли бўлиниб, гўзал бир савдогарзодага ошиқ бўлиб қолибди. Хотин йигитни, йигит хотинни севар экан. Қулларнинг бирида йигит бир киши билан уришиб қолибди. У киши савдогарзодага тўхмат қилиб, шаҳар волисига шикоят қилибди, воли уни зиндонга ташлатибди. Бу хабар йигитнинг маъшуқасига етгач, ҳуши бошидан учиб, дарҳол энг нафис кийимларини кийиб шаҳар волисининг уйига борибди. Волига салом бериб кириб, арзнюмасини топширибди. Арзнома қуйидаги мазмунда экан. «Воли жанобларига! Сиз зиндонга солиб, ҳибс этган киши, менинг туғишган биродарим эди. У бир киши билан уришиб қолган экан, шу биродарим устидан ёлғон гувоҳлик беришибди. Оқибат у зиндонга ноҳақдан-ноҳақ тушиб қолган. Менинг ундан бўлак ҳолимдан хабар оладиган мураббихим йўқ. Сиз хожамиздан, мазкур



*Беш юз тўқсон
учинчи кеча*

биродаримни бўшатиб беришингизни сўрайман». Воли аризани ўқиб чиқибди-да, хотинга боқиб, ошиқи шайдо бўлиб қолибди. «Сен уйга кириб тур, уни зиндондан чақиртираман, ўзинг билан бирга олиб кетасан»,— дебди. Хотин: «Эй хожам, менинг худодан бошқа кишим йўқ, бир заифаман, бировнинг уйига киролмайман»,— дебди. Воли: «Уйга кирмагунингча, васлингдан баҳраманд бўлмагунимча биродарингни бўшатайман»,— дебди. «Сиз шу ишни истасангиз, уйимга борасиз, кун бўйи ҳам ҳордиқ чиқарасиз, ҳам васлимдан баҳраманд бўласиз»,— дебди хотин. Воли: «Уйинг қайда?»— деган экан, хотин уйини қаердалигини айтиб берибди. Воли қилар ишини билмай, ақли-ҳуши хотинда бўлиб қолибди. Хотин эса воли олдидан чиқиб, тўғри шаҳар қозисига борибди. «Эй хожамиз, қозиз»,— дейиши билан қози: «Ҳа, нима арзинг бор?»— деб сўрабди. «Арзимни тингланг, оллоҳ сиздан марҳаматини аямасин»,—дебди хотин. «Сенга ким зулм қилди?»—деб сўроқлабди қози. «Эй хожам, бир туғишган биродарим бор эди, ундан бўлак кишим йўқ, шунинг ташвиши мени сизга юборди. Чунки унга бир неча кишилар ёлғон гувоҳлик беришди, бунга ишонган воли биродаримни зиндонга буюрди, унинг бу иши жоҳиллик эмасми. Мен сиздан ўтиниб сўрайман, воли зиндонидан биродаримни бўшатиб беринг»,— деди хотин. Қози хотинни кўргач, унга ошиқ бўлиб қолди. Хотинга: «Сен уйга кириб, канизаклар олдида ўтира тур, мен биродарингни бўшатиш учун волига киши юбораман, агар унинг қарзи бўлса, васлингга етишим эвазига тўлаб юбораман. Сен мени ўзингга мафтун этдинг»,—деди қози. Қозига: «Эй хожам, сизданки шу ярамас иш келадиган бўлса, унда бошқалардан ўпкаламаса ҳам бўлар экан»,—деди хотин. Қози:

«Рози бўлмасанг, қайдан келган бўлсанг жўна, кўзимга кўринма»,— деди.

Шунда хотин: «Эй хожам, агар кўнглингиз шу нарсани хоҳлар экан, унда бу ердан кўра холироқ менинг уйимга боринг, у ер тинч, чунки ҳеч ким халақит бермайди, бу ерда одам кўп. Мен бундай шарий ишларни билмайдиган бир хотин эдим, лекин зарурат мени бу ишга мажбур қилди»,— деди хотин.

«Уйинг қаерда?»— деди қози. Фалон жойда деди-да, хотин қозига ҳам воли билан ваъдалашган кунга ваъдалашди. Қозиникидан чиқиб, тўғри вазир олдига борди. Вазирга биродари ҳақидаги шикоятини айтиб, воли биродарини ноҳақдан-ноҳақ зиндонга ташлаганлигини баён қилди. Вазир хотинни кўриб, шайдоий беқарор бўлиб қолди. Ундан васлига етказишни талаб қилди. Шундагина биродарингни зиндондан бўшатираман, деди. «Агар бу ишни хоҳласангиз, мен рози, фақат менинг уйимда бўлиши мумкин, чунки уйим холи ҳамда унча олис эмас»,— деди хотин. «Уйинг қаерда деди?»— вазир. Уйим фалон жойда, деди-да, воли билан қозига ваъдалашган кунга вазир билан ҳам ваъдалашди. Хотин вазир олдидан чиқиб, шаҳар подшоси олдига борди ва ундан биродарини зиндондан озод қилишларини сўради. «Биродарингни қамаган киши ким эканлигини бизга маълум қил!»— деди подшо. «Воли»,— деди хотин. Хотинни севиб қолган подшо юрагидаги ишқ туғён уриб, хотинни биродари зиндондан бўшатгунча ўзи билан қасрда туришга буюрди. Шунда хотин: «Эй подшоҳи олам, бу иш ихтиёрий бўлса ҳам, зўрлаб бўлса ҳам сиз учун осон. Агар подшодек одам мендан нафсларини қондирмоқни ихтиёр қилсалар, бу мен учун катта бахт. Бу борада менинг уйимга қадам ранжида қилсинлар», деди.

Шоир деганидай, деди хотин:

Дўстларим! Фазлу камолот хожаси гоҳ мен билан,
Гоҳ-гоҳ мендан хабар олганлигини ким билар?
Бўлмаса фазлу камолотим агар, оҳ, мен билан —
Базму, суҳбатлар қуришни ким севар, ким интилар!

Шунда подшога: «Амрингга қарши ҳеч нарса демайман»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз тўқсон
тўртинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деди Шаҳризод.— Хотин подшонинг талабига жавоб берди ва уйини қаерда эканлигини айтди. Волига, қозига, вазирга ваъдалашган кунга подшо билан ҳам ваъдалашди. Сўнгра подшо ҳузуридан чиқиб, бир дурадгор олдига келиб, кўп қаватли жавон тайёрлаб беришни буюрди. Жавон тайёр бўлгач: «Меҳнатингизга қанча бераман»,— деди хотин. Хотиннинг васлини кўриб дурадгор ҳам ошиқ бўлиб, эс-ҳушидан ажралди. «Эй саида! Висолингизга етишдан бошқа мақсадим йўқ»,— деди уста. «Ундай бўлса,— деди хотин,— беш қаватли жавон ясаб бер»,— деди. Дурадгор уста унга: «Эй, ундай бўлса, бир оз кут, буюрган беш қаватли жавонингни кўнглингадигдек қилиб ясаб бераман, олиб кетасан, орқангдан ўзим бораман»,— деди.

Хотин жавонни ясатиб, уйига олиб кетди. Жавонни катта хонага қўйдирди. Сўнгра тўртта тўнни бўёқчига бўятиб, ҳар хил таомлар, ҳўл мевалар тайёрлай бошлади. Ваъдалашган куни келди, хотин нафис кийимларини кийиб ясанди ва ўзига исли-упорли нарсаларни суртиб оро берди. Жавонли хонага ги-

ламлар тўшаб, меҳмонларни кутиб ўтирди. Тўсатдан қози келиб қолди. Хотин дарҳол ўрнидан туриб, ер ўпди, қозини махсус ўринга ўтқазди ва у билан ўйнашиб-кулишди. Қози хотиндан ҳирсини қондиришни талаб қилди. Хотин унга: «Эй хожам, уст-бошингизни ечиб, мана бу сариқ кўйлакни кийиб, мана бу рўмолни бошингизга ўранг, мен ҳозир таом ҳозирлайман. Сўнгра хоҳлаганингиз бўлсин»,— деди. Қози кийим-бошларини ечиб, кўйлакни кийиб, рўмолни бошига ўраб турган эди, тўсатдан биров эшикни тақиллатиб қолди. «Эшикни тақиллатган ким?»— деди қози. «Эрим»,— деди хотин. «Энди мен нима қилдим, шарманда бўлдим, шарманда»,— деди қози. Хотин қозига: «Қўрқманг, сизни мана бу жавонга киритиб, устингиздан қулфлаб қўяман»,— деди хотин. Шунда қози: «Ихтиёр сенда, нима қилсанг қил, фақат мени шарманда қилма»,— деди. Қозини жавоннинг остки қаватига киргизиб, устидан қулф солиб қўйди. Сўнгра эшикни очди, қараса, воли экан. Олдида ер ўпиб таъзим қилди, уни махсус ўринга ўтқазди. Сўнг хотин: «Эй хожам, бу ўрин сизга аталган, бемалол ўтираверинг, мен анчайин сизнинг канизагингиздирман. Сиз бугун мен билан айш-ишратда бўласиз, устингиздаги кийим-бошларингизни ечиб, мана бу қизил кийимни кийинг, бу кечаси ётганда киядиган кийим»,— деди-да, бошига эски бир латтани ўратди. Кийим-бошларини ечиб олгандан кейин, ёнига келиб ўтирди, воли унга қўл узатган эди, хотин: «Эй хожам, бугун сиз билан айш-ишратда бўлман, кўнглингизни тўқ тутинг, энди сиз биродаримни зиндондан озод қилишлари учун бир қоғоз ёзиб берсангиз, менга марҳамат қилган бўлардингиз, шунда менинг ҳам кўнглим таскин топарди»,— деди хотин. Унга: «Эшитаман, бўйсунаман»,— деди воли. Сўнгра зиндонбонига зудлик билан фалончини зиндондан

озод қил, деб хат битиб, муҳрини босди ва хатни хотинга берди. Хотин хатни олгандан кейин, волининг олдига ўтириб у билан ўйнаша бошлаган эди ҳамки, эшик тақиллаб қолди. «Бу ким?»—деб сўради воли. «Эрим»,—деб жавоб берди хотин. Воли: «Шарманда бўлдим, энди мен нима қиламан, қаерга яширинаман»,—деди. «Мен эримни орқасига қайтариб юбориб келгунимча мана бу жавонга кириб туринг»,—деб жавоннинг иккинчи қаватига волини киргизиб, устидан қулфлаб қўйди. Воли билан қози жавон ичидан хотиннинг бутун сўзларини бемалол эшитиб туришарди. Хотин чиқиб эшикни очиб қараса, вазир экан. Дарҳол олдидан ер ўпиб, эҳтиром билан қарши олди ва: «Эй хожа, кулбамизга қадам ранжида қилишингиз билан беҳад хурсанд қилдингиз, бошим осмонга етди, оллоҳ бизни бундай учрашиб туришимиздан маҳрум қилмасин»,—деб вазирни тайёрланган жойга ўтқазди. Сўнгра: «Устингиздаги кийимларингизни ечинг, саллангизни қўйинг! Мана бу юпқа устбошларни кийиб олинг!»—деди-да, эгнига кўк кўйлак, бошига хотинларнинг махсус қалпоғини кийгизди. Вазир хотин айтганларини бажарди. Хотин вазирга: «Эй хожа, вазирлик либосини кийишнинг ўз мавриди бор, ҳозир унақа вақт эмас, ҳозир ўйнаб-куладиган, кўнгил очадиган, айш-ишрат сурадиган вақт»,—деди хотин. Вазир хотин билан ўйнашиб-кулишиб ўтирди, сўнг вазир хотиндан ўз нафсини қондиришни талаб қилди. Шунда хотин: «Ҳали бу ишнинг мавриди эмас, шошманг»,—деб турган вақтида тўсатдан эшик тақиллаб қолди. «Эшикни тақиллатган ким?»—деди вазир: «Вой шўрим, эрим?»—деб жавоб берди хотин. Вазир унга: «Энди нима қилдик, паққос шарманда бўлдик»,—деди. Хотин: «Қўрқманг, мен то эримни орқасига қайтариб юборгунимча мана бу жавонга

кириб туринг»,—деди. Вазирни жавоннинг учинчи қаватига киргизиб, устидан қулфлаб қўйди. Чиқиб, эшикни очган эди, қараса, подшо экан. Хотин подшо олдидан ер ўпди ва уни тўшаклар тўшалган махсус ерга, уйнинг тўрига ўтқазди. «Подшоҳи олам,—деди хотин,—кулбамизга қадам ранжида қилиб беҳад хурсанд қилдингиз, агар сизга, муборак қадамингиз тагига дунёдаги барча молу дунёни садақа қилсам ҳам арзимамайди»,—деди хотин.

Қисса шу ерга етганда тоғ отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Беш юз тўқсон
бешинчи кеча*



Эй саодатли шоҳ,—деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Подшо хотиннинг уйига киргач, хотин унга: «Агар йўлингизга дунёдаги барча молу дунёни садақа қилсам ҳам арзимамайди»,—деди. Подшо тайёрланган махсус жойга бориб ўтирди. «Ижозатингиз билан бир калима сўз айтишга рухсат этинг»,—деди хотин. Подшо: «Айта қол»,—деди. Шунда хотин подшога: «Эй хожа, кийим-бошларингизни счиб, саллангизни қўйиб, бемалол роҳатланиб ўтиринг»,—деди.

Подшо устидаги кийимларини ечтириб, эгнига эски бир тўнни кийгизди ва у билан ўйнашиб-кулишиб ўтирди. Буларнинг сўзини жавондагилар эшитиб ўтиришарди. Лекин улар гапиролмасдилар. Подшо хотинни бағрига тортиб, ўз ҳирсини қондирмоқчи бўлган эди, хотин унга: «Бу иш қочмайди, мен жанобингизга бу ўтиришни ваъда қилганман, бас, шундай экан, албатта сизни бугун хурсанд қиламан»,—деб ту-

рувди ҳамки, тўсатдан эшик тақиллаб қолди. Подшо: «Бу ким бўлди?»—деб сўради. Хотин унга: «Эрим бўлса керак»,—деб жавоб берди. Шунда подшо: «Уни олдимизга киргизма, ўз ҳурмати билан қайтар, қайтса қайтгани, агар қайтмаса, мен чиқиб снѐсат билан қайтараман»,—деди. Шунда хотин: «Эй подшоҳи олам, ундай қилманг. Мен уни яхшиликча қайтараман, сабр қилинг»,—деди. «Мен қандай қиламан»,—деди подшо, шунда хотин уни жавоннинг тўртинчи қаватига киргизиб, устидан қулфлаб қўйди, сўнгра бориб эшикни очиб қараса, дурадгор экан. Дурадгор эшикдан киргач, хотинга салом берди. Хотин алик олди. Сўнг дурадгордан ясаган жавонинг қандай жавон эди, жавонга ўхшаш ҳеч қандай ери йўқ-ку, деди. Шунда дурадгор: «Эй хоним, нима гап ўзи?»—деди. Хотин унга: «Ясаган жавонингнинг қаватлари жуда тор-ку»,—деди. Уста унга: «Тор эмас эди-ку»,—деди. «Ишонманг ўзинг кўриб боқ», деди. Уста жавоннинг бўш қаватига кирган эди, хотин дарҳол устидан қулфлаб қўйди. Хотин бу ғаламусларни саранжом қилгач, воли берган мактубни олиб, зиндонбон ҳузурига борди. Зиндонбон мактубни ўқиб чиққач, ўша заҳотиёқ ошиқини зиндондан озод қилди. Хотин севганига қилган ишларини бошдан-оёқ айтиб берди. Йигит бу гапларни эшитгач, бош олиб бу шаҳардан чиқиб кетамиз, акс ҳолда бирор фалокатга гирифтор бўлишимиз мумкин, деди. Ўша заҳоти ошиқ билан маъшук бор буд-шудларини йиғиштириб, туяга ортишиб шаҳардан чиқиб кетишди. Жавондагилар уч кундан бери емай-ичмай са таҳорат қилмай ётардилар. Уларни таҳорат ушатгилари қисталанг қилар эди. Ахири заҳар танг қилган дурадгор чидолмай подшо устидан, подшо эса вазир устидан, вазир воли устидан, воли қозининг устидан сийишиб юборди. Қози:

«Бу нажосат қайдан келди, қамалиб ётишимиз етмасмиди, устимиздан сиясанларми, аблаҳлар!»—деб бақирарди. Воли эса баланд овозда: «Эй қози, олло марҳамат қилиб яхши мукофот берсин»,—деди. Қози овоздан, бу воли эканини билди. Воли ҳам свозини баланд қўйиб: «Бу қандай нажосат»,—деб бақирарди. Вазир овозни таниб: «Худо марҳамат қилиб, яхши мукофот берсин, эй воли»,—деди. Воли овоздан вазир эканини таниди. Вазир ҳам жон-пони чиқиб бақирарди: Охири подшо ҳам овозини баланд қўйиб: «Оллоҳ зўр мукофот берсин, эй вазир»,—деди-да, вазирнинг сўзини эшитгач, сири фош бўлганини сезиб жим бўлди. Вазир охири бошига тушган хўрликка чидолмай: «Подшоҳимиздан тортиб биз, ҳаммамизни бир жавон ичига қамаган бу лаънати хотинга олло таоло жазо берсин»,—деди. Подшо бу сўзни эшитгач: «Жим, ҳовлиқманглар, бу ярамас хотиннинг тузоғига ҳаммадан аввал мен илиндим»,—деди. Дурадгор хафа бўлиб: «Менинг гуноҳим нима, баҳолашиб мен унга тўрт тиллага жавон ясаб берган эдим, шу тўрт тиллани олгани келган эдим, у ҳийла билан мени ҳам жавонга қамаб, устидан қулфлаб қўйди»,—деди. Улар ўзаро бир-бирлари билан гаплашиб ётишди, подшонини бир оз хафалигини ёзишган бўлишди. Хотиннинг қўшнилари унинг ҳовлисидан чурқ этган овоз эшитилмагач, ажабланиша бошлашди. Эшигини бузиб, ҳовлига кирайлик-чи, нима гап экан, буни воли ёки подшо асло эшита кўрмасин. Агар улар бундан хабар топсалар, бизга омонлик беришмайди, дейишарди. Қўшнилар эшикни бузиб, ҳовлига киришди, уларнинг кўзи жавонга тушди. Жавондан одамларнинг инграган овозлари эшитиларди. Улар бир-бирларига: «Ажабо, булар ким бўлдийкин, жин-пин бўл-

са-я»,— дер эдилар. Улардан бири, келинлар, жавонни ёндирамиз деб бақирди. Бу хунук сўзни эшитган қози, жони ҳиқилдоғига келиб: «Ундай қила кўрманлар, яхшилар!»— деб бақирди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ деги, Шаҳризод. — Қўшнилари жавонни ёндирамиз, деб турганда: «Ундай қилманлар ҳой яхшилар!»— деб қози бақирди. Қўшнилари бир-бирларига жавондагилар жинлардек сўзлашяпти дейишса, қози дарҳол қуръон оятларидан ўқиб кетди, сўнг уларга биз ётган жавон олдига яқинроқ келинлар, деди. Улар яқинроқ келишди. Қози: «Мен фалончидирман, сизлар фалончи, фалончидир-

ларсиз, биз бу ерда кўпчиликмиз»,— деди. Қўшнилари: «Сизларни бу аҳволга ким солди, қандай қилиб жавонга кириб қолдиларингиз?»— дейишган эди, қози воқеанинг аввалидан охиригача айтиб берди. Улар бир дурадгорни бошлаб келишди. Дурадгор жавоннинг қози ётган қаватини очди. Сўнг воли, вазир, подшо, дурадгор ётган қаватларни ҳам очди. Жавондагилар бир-бирларини кўриб, хижолат чекдилар, ўлганларининг кунидан бир-бирларига қараб кула бошладилар, бу кўйга солган хотинни изладилар, бироқ уни топмадилар. Хотин эса улардан ечиб олган ҳамма кийимларни олиб кетган эди. Улар уйларидан кийим-бош олдириб келиб кийиб, уйларига жўнаб кетдилар. Эй хожамиз, подшо! Хотиннинг ишлатган макру ҳийласини кўринг, қандай кучли,

деди вазир. Хотинлар макри ҳақида яна шундай ҳикоя қиладиларки, ўтган замонда бир одам умрида тунда бир марта бўлса ҳам лайлатул қадрни кўришни доимо орзу қилиб юрар экан. Кечаларнинг бирида у осмонда фаришталарни кўрди, осмон эшиклари очилиб, жамики мавжудот бир ерда туриб олиб сажда қила бошлади. Бу аҳволни кўрган ҳалиги киши хотинига: «Ҳой фалончи, олло таоло менга лайлатул қадрни кўрсатиши аниқ, агар шу кечада лайлатул қадрни кўрсам, ундан уч нарса тилайман, маслаҳат бер, нима тилай»,— деди. Хотини: «Закаримни катта қил»,— деб сўра, деди. У шундай деган эди, олати сувқовоқдек бўлиб қолди, ўтириш-туриши оғирлашиб, хотини билан ҳам қўшилиши мумкин бўлмай қолди.

У хотинига: «Энди нима қилдим, ўз нафсингни қондиришни ўйлаб тилаган тилагинг мустажоб бўлди»,— деди. Хотини унга: «Мен бу қадар катта бўлишини асло билмаган эдим»,— деди. Эри осмонга боқиб: «Ё оллоҳ, мени бу мушкул аҳволдан қутқаз»,— деб илтижо қилган эди, тўсатдан олати ғойиб бўлиб, ўрни теп-текис бўлиб қолди. Хотини буни кўргач: «Энди сенинг менга керагинг йўқ, олатсиз сени бошимга ураманми»,— деди. Эри унга бу савдоларнинг барисини сенинг аҳмоқлигингдан, тadbирсизлигингдан содир бўлди-ку, ахир. Мени худодан сўрайдиган уч талабим бор эди, агар шу талабим мустажоб бўлса, у дунёю бу дунё бахтли бўлар эдим, уларнинг икkitасидан ҳеч нарса чиқмади, энди биттаси қолди, холос. «Ундай бўлса, оллоҳдан сўра, сени аввалги аслингга қайтарсин»,— деди хотини. У парвардигорга илтижо қилган эди, дуоси мустажоб бўлиб, аввалги аслига қайтди. Эй подшо, бу ишлар хотиннинг ёмонлиги сабабли содир бўлди. Мен буни сенга хотинларнинг ғофил банди эканлиги, ақл-

*Беш юз тўқсон
олтинчи кеча*

сизлиги ва ярамаслигини баён қилиш учун мисол келтирдим. Канизакнинг сўзига кириб, қалбинг қуввати болангни ўлдирма, сендан кейин зурёд қолсин»,— деди вазир. Сўнгра подшо ўглини ўлдиришдан қайтди.

Ёттинчи кун бўлганда, канизак додлаганча подшо саройига келиб, катта гулхан ёқди. Подшо лашкарлари уни ушлаб, подшо олдига олиб келдилар. Подшо ундан: «Нима учун бу ишни қилдинг?»— деб сўради. Канизак унга жавоб бериб: «Агар ўглингдан ўчимни олиб бермасанг, ўзимни шу ўтга ташлайман. Бундай ҳаётдан тўйдим, сенинг олдингга келмасдан илгари васиятномамни ёзиб, молларимни садақа қилиб, ўлимни ўзимга жазм қилиб келдим. Ҳаммом пойлоқчисини азоблаб пушаймон еган подшодек, сеп ҳам охири пушаймон ейсан».

«Унинг қиссаси қандай бўлган?»— деб сўради подшо.

— Эй подшо, ҳикоя қиладиларки, тарки дунё қилиб, худо йўлига ибодат билан машғул бўлган бир хотин бир подшонинг қасрига ҳар кун келиб-кетиб юрарди. Ҳамма бу хотинни табаррук хотин деб биларди, хотиннинг қадри жуда баланд эди. Кунларнинг бирида шу хотин одатича қасрга келиб, маликанинг ёнига ўтирди, малика унга қиммати минг тиллалли бўйнига тақадиган дур тақинчоқларини берди-да: «Эй хотин, буни мен ҳаммомдан чиққунимча ушлаб тур, ювиниб чиққач, оламан»,— деди. Ҳаммом саройининг ичида эди. Хотин малика тақинчоқларини олиб қолди. Малика ҳаммомга кириб кетди, у чиққунча пойлаб ўтирди. Кейин хотин дурларни жойнамоз тагига қўйиб, намоз ўқимоқчи бўлди, таҳорат қилишга кетди, келгунича осмондан бир қуш учиб келиб, ҳалиги дурларни чангалига олиб, учиб қасрнинг бир

бурчагига олиб бориб ташлади. Хотин буни сезмай қолди. Малика ҳаммомдан чиққач, тақинчоқларини пойлоқчи хотиндан талаб қилди. Хотин жонҳолатда тақинчоқларни қидира бошлади. Аммо тополмади.

Хотин маликага қараб: «Эй маликам, оллоҳ номи билан қасамёд қиламанки, тақинчоқларинг мендалигида олдимга ҳеч зор келмади: мен уни жойнамознинг тагига қўйиб, намозга турганимда мени ғофил қилиб, эҳтимол хизматчилардан биронтаси олиб қўйдимикан, бу ҳақда улуғ оллоҳ билувчидир»,— деди.

Подшо буни эшитгач, пойлоқчи хотинни гулханга ташлаб, азоблаб ўлдиришни буюрди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — подшо пойлоқчи хотинни гул-

ханга ташлаб, азоблаб ўлдиришни буюрди. Малика хотинни қаттиқ қийнай бошлади, аммо у ғафлатда қолиб ўғирлатганини айтмади. Ҳеч нарсага иқроп бўлмади, ҳеч кимга тўхмат ҳам қилмади. Кейин подшо уни зиндонга ташлаб, оёғига кишан уришга буюрди. Хотинни зиндонга ташлаб,

оёғига кишан уриб қўйдилар. Подшо кунларнинг бирида, атрофидан шилдираб сув оқиб турган қасрда хотини билан ўтирар эди, ногаҳон подшонинг кўзи қасрнинг камгагида дурларни чўқиётган бир қушга тушди. У канизакка дурларни қушнинг чангалидан олиб келишни буюрди, канизак дарҳол бориб, қушнинг чангалидан дурларни олди. Дурларни



*Беш юз тўқсон
еттинчи кеча*

таниган подшо, хотинга ноҳақдан-ноҳақ зулм қилганига афсус еб, хотинни дарҳол зиндондан озод қилиб, ҳузурига келтиришни буюрди, хотинни ўша заҳоти ҳозир қилдилар. У келгандан сўнг подшо бағрига босиб, ҳўнграб йиғлай бошлади. Қилган ишларидан пушаймон еб, хотиндан афв сўраб, унга хазинадан тилла беришга буюрди, бироқ хотин подшо инъомларини олишни рад этди, кейин шоҳнинг хатоларини кечириб, боши оққан томонга жўнаб кетди, бу кўргиликлардан нолиб, ўзига-ўзи қасам ёд қилиб, ажали етгунича олло таолога ибодат қилди.

Эй подшо, эрларнинг макридан яна ҳикоя қилишларича, нар ва мода иккита каптар бўлган экан. Улар қишда уяларига буғдой, арпа тўплаганлар, ёзда йиққан донлари қуруқшаб қолган. Буни кўрган нар каптар мода каптарга: «Бу донларни сен егансан»,— дейди. Мода каптар: «Оллоҳ номи билан қасам ёд қиламанки, мен асло емадим!»— дейди. Бу сўзга ишонмаган нар каптар мода каптарни қанотлари билан уриб, тумшуги билан чўқиб ўлдирди. Қиш келгач, донлар аслига қайтди. Нар каптар модасини зулм ва ғараз билан ўлдирганлигига пушаймон еди. Кейинги пушаймон, бошга душман, фойда бермайди. У модасининг ёнида қайғуга ботиб, бир ҳолатда бўлиб қолди. Ахири у ҳам озиб-тўзиб, ўлиб кетди.

Шунингдек, эрларнинг хотинларга нисбатан қилган макр-ҳийлалари ҳақида бу ҳикоялардан кўра ажойиброқ ҳикояни қиладилар. Подшо: «Айт, шу ҳикоянгни!»—деб хитоб қилди. Канизак сўз бошлади: «Билгин, эй подшо, бир подшонинг қизи бор эди. У замонида ҳуснў жамолда, қадду камолда, нозу истиғнода, эрларнинг ақлини ўғирлашда танҳо эди.

Унинг ўзи ҳам: «Замонимда менга тенг келадиган қиз йўқ»,—дерди. Подшоларнинг ўғилларидан совчи келса, ҳеч бирига рози бўлмасди. Исми Датмо эди. У: «Майдонда қилич чопишда, найза санчишда мендан голиб келган кишига тегаман, шунда ҳам ўз розилигим билан тегаман, агар мен голиб чиқсам, унинг отини, аслаҳаларини, кийим-бошларини олиб: «Бу одам фалончи томонидан озод қилинган» деб пешанасига тамға босаман»,— дерди.

Узоқ, яқиндан подшозодалар у билан беллашгани келишарди. У эса, ҳаммасидан голиб келиб, уларни хижолат қилиб, қуроолларини олиб, пешанасига тамға босарди. Унинг овозасини Ажам подшоларидан бирининг ўғли эшитди, унинг оти Баҳром эди. Баҳром узоқ масофадан йўл тортиб келди, ўзи билан бирга беҳисоб мол-дунё, от ва подшо хазинасидан бойликлар олиб келди. Қизнинг отасига қиммат баҳо ҳадялар юборди. Подшо ҳам уни яхши кутиб олди. Шаҳзода вазирларини совчиликка юбориб, подшо қизини сўратди. Қизнинг отаси ҳам киши юбориб, шаҳзодага: «Эй шаҳзодам, менинг ҳукмим қизим Датмога ўтмайди, чунки у майдонда ўзидан голиб келолмаган кишига тегмасликка қасам ёд қилган»,— деди. Шаҳзода унга жавобан: «Мен шу шартга рози бўлиб келдим»,— деди. Подшо унга: «Ундай бўлса, эртага у билан учрашасан»,— деди. Эртасига подшо қизига киши юбориб, руҳсат сўради. Қиз буни эшитиб, жангга тийёрлик кўрди ва қурол-аслаҳаларини тақиб, майдонга чиқди. Шаҳзода ҳам унинг олдига чиқиб, у билан жанг қила бошлади. Бу хабарни эшитган халойиқ, майдон атрофига тўпланди. Иккаласи ҳам замонасининг энг яхши қуроолари билан қуроолданишган эди. Улар узоқ вақт майдонда жавлон уриб, жанг қи-

лишди. Қиз бошқаларда кўрмаган шижоат ва от ўйнатишни унда кўриб, таажжубда қолди. Шунда малика, шаҳзода уни хижолат қилиб қўйишидан кўрқиб, макр ишлатишга аҳд қилди. У ўн тўрт кечалик ойдан ҳам равшанроқ эди. У ҳийла билан юзидаги пардани кўтариб юборди. Шаҳзода буни кўргач, ҳушидан кетиб, заифлашиб кучдан кетди. Қиз уни эгаридан узиб олди, шаҳзода унинг панжасида бургут оғзидаги чумчуқдек бўлиб қолди. Қизнинг ҳусну жамоли уни ақлдан оздирган эди. Бинобарин, у нима бўлаётганини ҳам билмас эди. Қиз шаҳзоданинг отини, қурол-аслаҳаларини, кийим-бошларини олиб, пешонасига тамға босиб, қўйиб юборди.

Шаҳзода ҳушига келгач, қизнинг муҳаббатида ёниб емади, ичмади, ухламади. У қулларини отасига юбориб, дилидаги мақсадига етмагунича отаси олдига қайта олмаслигини билдириб хат ёзди. Подшо ўглининг мактубини ўқигач, қайгурди ва ёрдамга аскар юборишни лозим кўрди, бу воқеадан воқе бўлган вазирлари уни сабр қилишга маслаҳат бердилар. Шаҳзода ўз мақсадига етишиш учун ўзини қари киши қиёфасига солиб подшо қизи боғига равона бўлди. Шаҳзода боғбонга: «Мен узоқ мамлакатдан келган ғарибман, касбим боғбончилик»,— деди. Боғбон бу сўзларни эшитиб, ғоятда севиниб, уни боққа киргизиб юборди. Шаҳзода боғда хизмат қилишга кирди. Қулларнинг бирида қуллар хачирларга гила ва идишлар ортиб боғга келиб қолдилар. Шаҳзода улардан нима сабабдан келаётганликларини сўради. Улар: «Подшонинг қизи боғда сайр қилмоқчи»,— дедилар. Буни эшитган шаҳзода ўз шаҳрида элтирган нафис ипақли кийимларни боғга олиб келиди ва бир дарахт тагига

Ўтириб олиб, ўзини қари киши қиёфасига солиб қалтирай бошлади...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— эрон шаҳзодаси ўзини қари киши

қиёфасига солиб, олдига нафис кийимларни қўйиб боғда ўтирди. Ўзини қариллик орқасида титроқ бўлиб қолган қилиб кўрсатиб, титрарди. Орадан бир оз ўтгач, боғга канизаклар, хизматчилар кела бошладилар. Улар орасида ойдаёки ёниб подшо қизи келарди. Малика қирқин қизлари билан боғда

сайр қилиб юриб, ноҳосдан бир дарахт тагига ўтирган кишини кўриб қолди. Қарасалар, қўлларини, оёқларини титраётган қари бир киши, олдада нафис кийимлар, подшолар хазинасидан чиққан моллар турарди.

Қизлар бу аҳволни кўриб ҳайрон қолишди, ундан бу нафис кийимларни олдига қўйиб ўтириш сабабини сўрадилар. Шаҳзода уларга жавобан: «Бу буюмларни орангиздан бирингизни олмоқ учун қўйиб ўтирибман»,— деди. Қизлар ундан кулишиб: «Агар олсанг, нима қилардинг?» дейишди. Шунда шаҳзода: «Бир ўйиб, қўйиб юбораман»,— деди. Бу гапни эшитиб шоҳ қизи: «Мана бу канизакни сенга хотинликка бердим, ола қол»,— деди. Шаҳзода титраб-қақшаб ҳассага суняниб зўр-базўр ўрнидан туриб, канизакни ўлдирди, ҳалиги зийнатларини унга ҳадя қилди. Канизак беҳад севинди, қизлар бўлса шаҳзодадан кула-

кула манзилларига жўнаб кетишди. Эртасига яна боғга сайрга келиб, шаҳзода олдига келдилар, шаҳзода ҳамон кечаги ўрнида ўтирарди. Олдида нафис кийимлар, зийнатли асбоблар аввалгисидан ҳам кўпроқ эди. Қизлар унга: «Эй ҳурматли қария, бу нафис кийимларни нима қиласан?»— дейишди. Шаҳзода: «Кечагидек сизлардан биттангизга шуни бериб, бир ўнаман»,— деди. Подшонинг қизи унга: «Мана бу канизакни сенга хотинликка бердим, ол»,— деди. Шаҳзода ўридан туриб, канизакни бир ўпиб, унга нафис кийимлар ва зийнатли асбобларни берди, ҳам-малари ўз жойларига кетишди.

Подшо қизи канизаклар олган нафис кийимлар ва зебу зийнатларни кўргач, ўз-ўзига: «Ҳаммадан бурун бу нарсалар менга тегиши керак, нима, бир ўпич берганим билан бир ерим камайиб қоладими»,— деди.

Тонг отгач шоҳ, қизи канизакларидан бири қиёфасида қариянинг олдига келиб, унга: «Эй қария, мен мана шу мамлакат подшоҳининг қизи бўламан, мени хотинликка олишни хоҳлайсанми?»— деди. Шаҳзода: «Севаман, жон деб оламан»,— деди. Сўнгра нафис кийимлар ва зебу зийнатларнинг энг қиммат баҳоларини унга ҳадя қилди, уни ўпмоқчи бўлиб ўридан турди (қиз ҳеч қандай ибосиз, бамайлихотир турарди). Шаҳзода уни бор кучи билан ерга ётқизиб, унга қўшилди. Сўнг: «Мени танияпсанми, кимман?»— деди. Шоҳ қизи: «Билмадим, ким бўласан?»— деди. Шунда шаҳзода: «Мен Ажам подшосининг ўғли Баҳром бўламан, сенинг йўлингда шу кўйга тушиб мамлакатимни ташлаб чиққанман»,— деди. Қиз ўридан туриб, ўзига-ўзи: «Агар уни ўлдирсам, бундан ҳеч қандай фойда чиқмайди. Энди у билан бирга унинг шаҳрига қочиб кетишдан бошқа

чора қолмади»,— деб ўйлади. Шаҳзоданинг юртига бирга жўнашга рози бўлиб, сафарга тайёрланишини билдирди. Бир кечада ваъдалашиб, аргумоқ отларга миниб жўнаб кетдилар.

Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, Эрон мамлакатига етиб келдилар. Шаҳзоданинг отаси ўғлининг келаётганини эшитгач, сарой аъёнлари ва аскарлари билан пешвоз чиқиб кутиб олди. Орадан бир неча кун ўтгач, Датмонинг отасига шоҳона ҳадялар билан мактуб юбориб, қизининг дарагини билдиришди. Датмонинг отаси ҳадяларни кўриб ва қизи ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда севинди ва ҳадяларни олиб келганлар ғоятда иззат-икромда бўлдилар. Кейин тўй қилиб, қози ва гувоҳларни чақиртириб, эрон шаҳзодаси билан қизининг никоҳини ўқитди. Эрон подшоси олдидан никоҳ мажлисига келганларга сарполар берди; қизига сепларини юборди. Улар то умрларининг охиригача бирга яшашди.

Эй подшоҳи замон, эрларнинг хотинларга нисбатан ишлатган макр-ҳийласини кўр! Ула ўлгунимча ҳақимдан кечмайман!»— деди.

Подшо ўғлини ўлдиришга амр қилди.

Дарҳол еттинчи вазир кириб, подшо олдида ер ўпди ва сўз бошлади: «Эй подшо, бу насиҳат сўзни айтгунимча менга муҳлат бер. Сабр таги раҳмон деганларидек; кимки сабр қилса, тилагига етади, шошган одам пушаймон ейди. Мен бу хотиннинг кирди-корларини биламан, у подшони аянч аҳволга солмоқчи; сенинг инъом-эҳсонинг ва мурувватингдан қуллар сенга хайрихоҳдир. Эй подшо, мен хотинларнинг инсон билмайдиган макру ҳийлаларини биламан. Улардан бири кампир билан савдогар ўғлининг ҳикоясидир». Шунда подшо ундан: «Эй вазир, у

қандай бўлган?»— деб сўради. Вазир унга жавобан сўз бошлади:

— Эй подшоҳи олам, бадавлат бир савдогарнинг якка-ю ёлғиз бир ўғли бор эди. Кунларнинг бирида ўғли отасига: «Эй ота, дилимда бир орзуим бор, сиз мени шу орзуимга етказсангиз», деди. Отаси унга: «Эй ўғлим, у нима эди? Мабодо орзуинг кўзимнинг нури бўлса ҳам сенга беришга тайёрман, айт, ниятинг нима?»— деди. Ўғли унга: «Сиздан бир ятимосим шуки, менга бир оз мол-дунё берсангиз, мен савдогарлар билан Бағдод шаҳрига бориб томоша қилсам, қасрларини кўрсам. Савдогарлар Бағдод қасрларининг тавсифини қилишди, мен уларни кўришга муштоқ бўлдим», деди. Отаси унга: «Эй нуридийдам, сен сафар қилсанг, менинг аҳволим нима кечади?»— деди. Шунда ўғли: «Падарим, мен шунга аҳд қилганман, албатта боришим керак. Кўнглимдаги орзуимга етмасам, юрагим таскин топмайди»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — савдогарнинг ўғли отасига албатта

сафар қилишим ва Бағдодни кўришим керак, деди. Отаси ахири рози бўлиб, ўттиз минг тиллалик тижорат моллари тайёрлади. Ўғлини ишончли савдогарларга тайинлаб, сафарга узатди. Улар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, Бағдод шаҳрига етдилар. Савдогарзода Бағдоддан шинам бир ҳовлини



Беш юз тўқсон
тўққизинчи кеча

ижарага олмоқчи бўлди. Ҳовлида турли қушлар сайраб турар, хоналари бир-бирига муқобил эди, ерлари-га рангдор мрамар ётқизилган эди, шиплари ложувардлар билан зийнатланган эди. Дарвозабондан: «Бу ҳовлининг бир ой ижара ҳақи қанча?»— деб сўради. У: «Ун тилла»,— деди. Савдогарзода: «Гапинг ростми ёки мени масхара қилиясанми?»— деди. Шунда дарвозабон: «Оллоҳ билан қасамд қиламанки, гапинг рост. Чунки бу ҳовлида турганлар нари борса бирикки ҳафта туради, ундан ортиқ турмайди», деди. Савдогарзода: «Нима сабабдан?»— деб сўради. У: «Эй ўғлим, кимки бу ҳовлида турса, ё бирор дардга чалинади ёки ўлади. Унинг зийнатларига учма, эл олдида у шундай ёмон ном чиқарган. Ҳеч кимнинг юраги дов бермайди, шунинг учун ҳам ҳовлининг ижара ҳақи камайтирилган», деди.

Савдогарзода бу сўзни эшитгач, ғоятда таажжубланди. «Бу ҳовлида турган кишининг бирон дардга чалиниши ёки ўлишига албатта бир сабаб бўлса керак», деди. Савдогарзода ўйлаб, мардуд шайтоннинг шарридан оллоҳдан паноҳ сўради ва бу ваҳмин кўнглидан чиқариб, ҳовлини ижарага олди. Савдо иши билан бўлиб, орадан бирмунча вақт ўтди. Дарвозабон айтган сўзларни сезмади. Кунлардан бир кун у дарвоза олдида ўтирган эди, тўсатдан оқ сочли, чипор илонга ўхшаш бир кампир лип этиб олдидан ўтиб қолди. У оллоҳга кўп тасбеҳ ва тақдис этарди. Кампир ерда ётган тош ва хас-чўпларни ҳар томонга итқитарди. Савдогарзодани кўриб, унга таажжуб қилди. Шунда савдогарзода: «Эй кампир, нега менга таажжубланиб қарайсан, мени танидингми ёки мени бировга ўхшатдингми?»— деди. Кампир савдогарзоданинг сўзини эшитгач, унинг олдига келди ва: «Бу уйда турганиннга қанча бўлди?»— деб сўради. «Эй она,

бу уйда турганимга икки ой бўлди», деди йигит унга. Кампир: «Шунга таажжубдаман ўғлим, мей сени танитайман, эҳтимол сен ҳам мени танимассан, сени бировга ўхшатганим ҳам йўқ. Бу ерда сендан бўлак ҳеч ким турган эмасди, агар турган бўлса ё ўларди ёки бўлмаса бирон дардга чалинарди. Сенга таажжубланиб қарашимнинг сабаби шу. Бўтам, сен умрингни хавфга соляпсан. Қасрдаги болохонани кўрдингни?»— деди.

Шуни деди-ю, кампир ўз йўлига кетаверди. Савдогарзода бу сўзни эшитгач, ўйланиб қолди. Ўзига ўзи: «Тўғри, қасрнинг тепасига чиқиб, у ердаги болохонани кўрмабман»,— деди. Кейин у ичкарига кирди ва хоналарни айланиб юриб бир эшикни кўрди. Эшикка ўргимчаклар уя қўйиб кетган эди. Йигит ўзича: «Бунда ўлим хавфи борга ўхшайди, шунинг учун ҳам унинг ичига ҳеч ким кирмаганидан ўргимчак уя қўйиб кетган бўлса керак!» деб ўйлади. Улуғ оллоҳнинг пайғамбарга: «Эй пайғамбар, умматларингга айт, уларнинг пешонасига битилганидан бошқа ҳеч нарса бўлмайди», деган сўзига амал қилиб, эшикни очди, шотидан юқорига кўтарилиб, болохонага чиқди. Болохона шинам ва озода эди. Савдогарзода болохонадан шаҳарни томоша қилаётиб кўшни болохонада ўтирган бир гўзал қизни кўриб қолди. Қизнинг чиройи савдогарзодани мафтун этди, у ақл-ҳушидан адашди. Қиз савдогарзодани Айюбнинг азобига, Яъқубнинг қайғусига туширди.

Йигит ўзича: «Одамлар, бу ҳовлида ҳеч ким турмайди, агар турса ўлади ёки касалга чалинади, деганларининг сабаби шу канизакдан бўлса керак. Энди ундан қандай қутуламан, ўзимни йўқотиб қўйдим», деди-ю, болохонадан зўрға ҳовлига тушиб, мажолдан кетиб ўтириб қолди. Йигит оромини тамо-ман йўқотган эди. Шу вақт кўчадан ҳалиги кампир

зикру тасбеҳ айтиб ўтиб қолди. Савдогарзода ўрнидан туриб, унинг олдига бориб, салом берди ва: «Эй она, қасрдаги болохонанинг хабарини айтганингча тинч эдим, болохонага чиқдим у ҳузур-халоватим йўқолди. Ҳушимни олган малакни кўрдим. Ҳозир ажал келиб, гирибонимдан ушлаётгандек бўляпти. Бунда бирдан-бир мададкорим сенсан. Айт, на чора?», деди.

Кампир бу сўзни эшитгач кулди ва: «Худо хоҳласа, сенга ҳеч нарса бўлмайди», деди. Савдогарзода кампирдан бу сўзни эшитгач, ҳовлига кириб, юз тилла олиб чиқиб, кампирга: «Эй она, бунини ол, менга саидлар ўз қулига қиладиган яхшилик қил, ёрдам бер, агар шу аҳволда ўлиб кетсам, тонгла маҳшарда уволимга қоласан, қўлим ёқангда бўлади»,— деди.

«Эй ўғлим, агар сен менга бир оз мадад бериб юборсанг, шунда муродингга етган бўлардинг»,— деди. Савдогарзода: «Эй она, мендан нима истайсан?»— деди. Кампир: «Сендан истагим шуки, ипак моллар бозорига бориб, Абул Фатҳ бин Қайдом деган одамнинг дўконини сўрайсан. Уни топиб салом бергин ва: «Дўконингиздаги олтин ҳал билан нақшлар солинган рўмолингизни беринг» дегин, билиб қўй, унинг дўқонида бундан яхши рўмол йўқ. Савдолашмай рўмолни олгин. Мен, худо хоҳласа, олдингга эртага келаман», деб кампир келган йўлига жўнаб кетди. Савдогарзода кечани бедор ўтказди. У эрталаб қўйнига минг тилла солиб ипак моллар бозорига бориб, Абул Фатҳ дўконини суриштирди. Дўконни кўрсатишди, йигит дўкон олдига борди. Дўкон атрофида қуллар, хизматчилар турарди. Абул Фатҳ молдунёси сероб, салобатли одам экан. Бунинг устига, шундай гўзал бир хотини ҳам бор эдики, унинг хотинидек хотин биронта шаҳзодада ҳам йўқ эди.

Савдогарзода Абул Фатҳ олдига бориб, салом берди. Абул Фатҳ саломига алиқ олди. Йигит Абул Фатҳ дўкони олдига ўтирди ва унга: «Эй афандим, фалон хил рўмолингизни менга кўрсатсангиз», деди. Савдогар қўлига дўконнинг ичкарисидан ипакли тугунчанга олиб чиқишни буюрди. Қўл тугунни олиб чиқди, дўкондор тугундан бир неча рўмолларни олди. Савдогарзода рўмолларнинг чиройлилигидан ҳайратда қолди. Йигит кампир тайинлаган рўмолни кўргач, айтган баҳосига сотиб олиб, севиhib уйига кетди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод.— Савдогарзода рўмолни сотиб олиб, ҳовлисига келди. Шу онда кампир ҳам келди, йигит уни кўриши билан ўрнидан туриб, рўмолни кампирга берди. Сўнгра кампир унга: «Менга чўғ келтир»,— деди. Йигит чўғ келтирди. Кампир рўмолнинг учини чўққа тутган эди, чўғ куйдирди. Кейин аввалгидай қилиб ўраб, дўкондор Абул Фатҳ

Олти юзни шўлдирувчи кеча

уйига олиб жўнади. Етгач, эшигини қоқди. Эшикни бир хотин очди. Эшикни очган хотиннинг онаси билан кампир дугона эди. Эшик очган хотин кампирга: «Эй она, ойим янигинга уйига чиқиб кетган эди, нима ишингиз бор?» деди. Кампир: «Эй қизим, онанг бу ерда эмаслигини биламан, уйда у билан бирга эдим, мен намоз вақти ўтиб кетишидан кўрқиб, сенинг олдинга келдим, Сен покиза жувон-

сан, уйинг ҳам озода, шу ерда таҳорат қилиб, намоз ўқимоқчиман», деди.

Хотин кампирга ижозат берди. Кампир унинг ҳақиқага дуо қилди. Кейин обдастани олиб таҳоратхонага кирди. Таҳорат олиб бўлгандан сўнг, намоз ўқимоқчи бўлди. Кейин жойнамоз устидан туриб канизак олдига бориб, унга айтди: «Эй қизим, билишимча бу ер нопок жой экан, шунинг учун намозимни буздим. Менга бошқа жой кўрсат, бемалол намозимни ўқиб олай»,— деди. Бу сўзни эшитгач, хотин кампирга: «Эй она, кел, эрим намоз ўқийдиган ерда намоз ўқий қол»,— деди. Кампир хотин кўрсатган ерга келиб намоз ўқиди ва дуо қилди. Сўнгра хотиннинг кўзини шамғалат қилиб туриб, қўлтиғидаги рўмолни секин ёстиқнинг тагига бекитиб қўйди. Сўнг уйдан чиқиб кетди.

Кеч киргач савдогар уйига келиб, ўрнига ўтирди. Хотини таом келтирди, таомдан еб, қўлини ювди. Кейин ёстиққа ёнбошлади. Бирдан кўзи ёстиқ тагидан чиқиб турган рўмолнинг учига тушиб қолди. Уни тортиб олди. Хотиндан гумонсираб уни олдига чақириб деди: «Бу рўмол қаердан келиб қолди?» Хотини қасам ичиб, унга: «Сендан бошқа ҳеч ким келгани йўқ»,— деди. Савдогар шарманда бўлишдан қўрқиб сукут қилди ва ўзича ўйлади: «Агар бу сирни очсам, бутун Бағдодда расво бўламан». Чунки бу савдогар халифанинг суҳбатдоши эди. Шунинг учун ҳам хотинига ҳеч нарса демади. Узоқ сукутдан сўнг хотини Махзияга: «Онанг юраги оғриб, касал бўлиб ётган эмиш, уруғ-аймоқлари устида йиғлаб ўтиришганмиш. Сен ҳам бориб, онангнинг аҳволидан хабар олиб келасанми?»— деди.

Хотини онасиникига кетди, борса, онаси соппа-соғ, ҳеч нарса бўлмабди. Орадан бир оз ўтувди ҳамки.

ҳамоллар Махзиянинг мол-мулкини кўтаришиб келиб қолишди. Онаси бу аҳволни кўриб: «Эй қизим, нима воқеа рўй берди?»— деди. Қизи бўлган воқеани сўзлаб берди. Онаси қизига ачиниб қайғурди.

Орадан бир неча кун ўтиб, бояги кампир хотиннинг олдига келди, кампир саломлашиб, унга: «Эй севган қизим, хаёлимни паришон қилдинг», деб хотиннинг онасига қараб: «Эй синглим, нима гап, нима воқеа бўлди? Эшитишимча уни эри қўйиб юборганмиш. Нима гуноҳ қилибди?»— деди. Хотиннинг онаси: «Эй она, эри сени табаррук киши деб шояд сенга мурожаат қилса, қизимни дуо қилгин, чунки сен кундузлари рўза тутиб, кечалари ухламай ибодат қиладиган одамсан»,— деди.

Улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Шунда кампир: «Эй қизим, хафа бўлма, худо хоҳласа, яқин орада сени эринг билан яраштириб қўяман»,— деди. Кампир савдогарзоданинг олдига бориб: «Тайёрлан, мен сенинг олдинга бу кеча у хотинни олиб келаман», деди. Савдогарзода емак-ичмак тайёрлаб, уларни кутиб ўтирди. Кампир хотиннинг онаси олдига бориб: «Эй синглим, қизинг уйда сиқилиб кетди, мен билан юрсин, уни бир жойга олиб бораман, ўйнаб-кулиб, юрагининг чигилини ёзиб келсин, кейин ўзим олдинга олиб келиб қўяман»,— деди. Қизинг онаси қизини ясатиб, энг яхши тақинчоқларини тақтирди ва кампир билан қўшиб юборди. Онаси кампирга: «Қизимни ҳеч ким кўрмасин, эрининг халифа олдидаги обрўйини биласан. Узоқ қолиб кетманглар, тезда қайтинглар», деб уларни узатиб қолди.

Кампир уни бошлаб савдогарзоданинг уйига олиб борди. Қиз бу ҳовлини кўриб, оғзи очилиб қолди. Йигит улар келганини кўриб пешвоз чиқди».

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
биринчи кеча*



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— улар келганини кўриб йигит пешвоз чиқди. Йигитнинг гўзаллигига хотиннинг ақли оғиб қолди. Аёл нақшдор хоналарни, хушбўй позу неъматларни кўриб, ўзига-ўзи нишонмасди. Кампир унинг ҳайратда қолганлигини кўриб: «Эй қизим! Оллоҳ номи билан айтаманки, ҳар хил хаёлларга борма, асло чўчима! Мен шу ҳовлида бўламан, сендан айрилмайман. Биров бировинга моссанлар, бемалол маишат қилинглар»,— деди. Хотин хижолат чекиб ўтирарди. Йигит ҳар хил шеърлар ўқиб, ҳикоялар айтиб берди. Сўнг хотин очилиб ўтирди, май бир оз таъсир қилгандан кейин, қўлига удни олиб хониш қилди, йигитнинг ҳусну жамоли уни мафтун қилган эди. Кампир уларнинг олдидан чиқиб кетди.

Тонг отгач, кампир қайтиб келиб: «Эртангиз хайрли бўлсин!»— деди. Кейин хотиндан: «Хоним, кечангиз қандай ўтди?»— деб сўради. Хотин: «Сенинг марҳаматинг ва илтифотинг билан кечамиз яхши ўтди»,— деди. Сўнгра кампир: «Юр, уйингга борайлик», деди хотинга. Йигит бу сўзни эшитгач, кампирга юз тилла бериб, деди: «У бу кеча ҳам олдимда қолсин». Кампир улар олдидан чиқиб, жувоннинг онаси олдига борди. Унга: «Қизинг сенга кўпдан-кўп салом йўллади. Янги келинчакнинг онаси қизингни бу кеча келинчак олдида ётиб қолсин, деб олиб қолди»,— деди. Жувоннинг онаси: «Опа, мендан

уларга салом айт, агар янги келин шу билан хурсанд бўладиган бўлса, майли, қизим ётиб қола қолсин, ўйнашсин, кулишсин, эртага келар, эри сезмаса, ўзи тинч бўлса бўлгани»,— деди.

Кампир жувоннинг онасига турли хил ҳийлалар ишлатиб, уни етти кун йигитнинг олдида олиб турди. Кампир бунинг эвазига ҳар кунни йигитдан юз тилладан олар эди. Орадан етти кун ўтгач, жувоннинг онаси кампирга: «Қизимни ҳозир олдимга олиб кел, ундан кўнглим тинчимаяпти. Кетганига анча кун бўлиб қолди, хаёлим ҳар қаёқларга кетяпти»,— деди. Кампир ғазабланиб, жувоннинг олдига келди. Қараса, йигит маст ётибди. Жувоннинг қўлидан маҳкам ушлаб, йигитнинг олдидан тўғри онасининг олдига олиб келди. Жувоннинг онаси қизини хурсандчилик билан кутиб олиб, эсон-омон кўришганига ғоятда севинди. «Эй қизим, кўнглим сендан сира тинчимади, опамдан шубҳага тушиб, унга қаттиқ сўз айтиб дилини оғритдим», деди она. Қизи онасига: «Тур, узр сўра, оёқ-қўлини ўп, чунки у менинг ҳожатимни чиқаришда қулдек ҳаракат қилди. Агар айтганимни қилмасанг, мен сенга қиз эмасман, сен менга она эмассан»,— деди. Жувоннинг онаси дарҳол ўрнидан туриб, кампир билан ярашди.

Йигит кайфи тарқалиб, кўзини очиб қараса, ёнида жувон йўқ, шундай бўлса ҳам мақсадига етганидан жуда хурсанд бўлди. Кейин кампир йигитнинг олдига келиб, унга салом берди-да: «Қилган ишларим қалай?»— деб сўради. Йигит: «Тасавно сенга, ишлатган тadbир-чораларинг жуда яхши»,— деди. Кампир унга: «Кел энди, бузган ишимизни ўнглайлик, бу жувонни эри билан яраштириб қўяйлик, чунки уларнинг қўйди-чиқдига боришларига биз сабабчи бўлдик»,— деди. Йигит: «Мен нима қилай,

ўргат»,— деди. «Сен ўша савдогар дўконига бориб, унга салом бериб, олдида ўтирасан. Мен дўкон олдидан ўтаман. Мени кўрган замонинг ёқамдан тортиб, бақириб, сўкиб, пўписа қилиб, рўмолни мендан талаб қиласан, кейин дўкондорга: «Э хожа, сендан эллик тиллага олган рўмолим эсингдами? Хотиним шу рўмолнинг бир учини куйдириб қўйибди, уни мана шу кампирга, бировга яматиб келтириш учун берган экан, кампир қайтариб олиб бормади. Ушандан бери буни учратмадим...» дейсан», деди. Йигит унга: «Хўп бўлади»,— деди.

Йигит дўкондор олдига бориб ўтирган эди, тўсатдан кампир қўлида тасбеҳ ўгириб дўкон олдидан ўтиб қолди. Йигит уни кўриши биланоқ, ёқасига ёпишиб, уриб, сўка бошлади. Кампир мулойимлик билан: «Эй ўғлим, сен ҳақсан»,— деди. Буларнинг устига бозор аҳли йиғилиб келиб: «Нима гап?», «Нима бўлди?» дейишаверди. Йигит: «Эй халойиқ, бу дўкондордан эллик тиллага бир рўмол олган эдим. Хотиним бир оз ўраб, кейин оловда хушбўй тутатқиларни тутатиб ўтирган экан, учкун сачраб, бир тарафини куйдирибди. Бу кампирга: «Буни бирор кишига яматиб олиб кел»,— деб берган экан, ўшандан бери на кампирдан ва на рўмолдан дарак бор»,— деди. Кампир айтди: «Йигитнинг гапи тўғри, мен ундан рўмолни олиб, одатда кириб юрган уйларимнинг бирига кирдим. Эсимда бўлмай, кирган жойимда уни қолдириб кетибман, қаерда қолдирганим сира эсимга келмаяпти. Ўзим бир камбағал одам бўлганим учун эгасидан кўрқиб, уйига бормадим». Жувоннинг эри—дўкондор бу гапларни эшитиб турарди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
иккинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — йигит кампир ўргатганидек қойибди. Жувоннинг эри — дўкондор бу сўзни аввалидан охиригача эшитибди. Дўкондор йигит билан бу кампир ўртасида бўлиб ўтган сир-синоатдан огоҳ бўлгач, ўрнидан туриб: «Оллоҳу акбар! Мен улуғ оллоҳдан гуноҳларимни, кўнглимга тушган гумонларни афв этишини сўрайман», деб, ҳақиқатни

ошкор қилган улуғ оллоҳга ҳамд этди. Кейин дўкондор кампирга қараб: «Эй кампир! Бизнинг уйимизга ҳам кирармидинг?» — деди. Кампир: «Ҳа болам, сенинг уйингга ҳам, бошқаларнинг уйига ҳам яхшилик ниятида кирардим, ўша кундан бери ҳеч ким менга рўмолнинг хабарини бермади», — деди. Савдогар айтди: «Бизнинг уйдагилардан сўрадингми?». Кампир: «Уйингизга бордим, қўни-қўшнилариңиз савдогар хотинини қўйган дейишди, орқамга қайтдим. Шундан бери ҳеч кимдан сўрамадим», — деди. Савдогар йигитга қараб: «Йигит кампирни қўйиб юбор, рўмол менда», деб рўмолни дўкондан чиқариб, халойиқ олдида ямашга берди. Кейин бир қанча шоҳи кийимликлар олиб хотинининг олдига борди. Хотини олдида беҳад узрлар айтиб, оллоҳдан афв сўради. Дўкондор хотини билан ярашди. У кампир қилган макр-ҳийлалардан беҳабар эди.

Эй подшоҳи олам, бу ҳам хотинлар макридан бири. Сўнгра вазир айтди:

«Эй подшо, ҳикоя қиладиларки, кунлардан бир

кун бир шаҳзода сайр қилиш учун йўлга чиқиб, ўртасидан зилолдек анҳорлар оқаётган, атрофи ҳар хил мевали дарахтлар билан ўралган ям-яшил бир боққа етди. Боғ шаҳзодага ёқиб қолди, дам олмоқчи бўлиб ўтирди, шу вақт тўсатдан боғ ичидан осмонга кўтарилаётган тутунни кўриб қолди. Шаҳзода қўрқиб, бир дарахт устига чиқиб кетди. Бундай қараган эди, мрамрдан ишланган, қулфлоглиқ бир сандиқни бошига қўйган девнинг дарёдан чиқиб келаётганини кўрди. Дев сандиқни боғнинг ўртасига қўйиб, уни очди, ичидан куёшдек жозибадор бир қиз чиқди. У инсон тоифасидан эди. Дев қизни олдига ўтқазиб, уни томоша қила бошлади. Сўнгра дев бошини қизнинг тиззасига қўйиб, уйқуга кетди.

Қиз девнинг бошини олиб сандиқ устига қўйдида, ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Шу вақт кўзи дарахт устидаги шаҳзодага тушиб қолди. Қиз шаҳзодага: «Дарахтдан туш», деган ишорани қилди, шаҳзода пастга тушгани кўрқди. Қиз қасам-ёд қилиб: «Агар пастга тушмасанг, девни уйғотаман, сени ўлдиради», — деди. Шаҳзода қўрққанидан дарахтдан тушди. Қиз унинг оёқ-қўлини ўпиб, ундан ўз нафсини қондиришни талаб қилди. Шаҳзода унинг талабини қондирди. Кейин қиз унга: «Қўлингдаги узукни менга бер», — деди. Шаҳзода узугини берди. Қиз узукни ёнидаги ипак рўмолга ўради, у рўмолда саксондан ортиқ узук бор эди. Шаҳзоданинг узугини ҳам ўша узуклар орасига қўшиб қўйди. Шаҳзода унга: «Шунча узукни нима қиласан?» — деди. Қиз: «Қаршингдаги дев мени отамнинг қасридан олиб чиқиб, бу сандиққа солди, устимдан қулфлаб қўйди, қаерга борса, мени бошига қўйиб кўтариб олиб юради, камоли ғайирлигидан мендан бир дам айрилишга тоқати йўқ, кўрмаса

туролмайди. Мен истаган нарсани қилдирмайди, бунга чидолмай, васлимдан ҳеч кимни бебаҳра қилмасликка аҳд қилдим. Бу узуклар васлимга етганларнинг ҳадясиدير. Васлимга етган ҳар бир кишининг узугини олиб, шу рўмолга ўрайман»,— деди. Кейин яна шаҳзодага: «Сен ўз йўлингга жўна, мен бошқа кишини кутаман, ҳаливери дев уйғонмайди»,— деди.

Шаҳзода бу сўзларга ишонмай, йўлига равона бўлди. Отаси — подшо олдига етиб келди. Подшо ўғлининг узук йўқотганини эшитгач, уни ўлимга буюрди, тахтидан туриб, қасрига кирди, шу вақт вазирлари подшони ўғлини ўлдиришдан қайтардилар. Кунлардан бир кун подшо вазирларини чақиртирди, подшо тахтдан туриб келиб, уларни қарши олди. Уғлини ўлдиришдан қайтариб, олижаноб иш қилганликлари учун ташаккур билдирди. Шаҳзода ҳам уларга ташаккур билдирди ва: «Жонимнинг саломат қолиши учун отамга олижаноб тадбир кўрсатдингиз, олло таоло сизларга мададкор бўлсин. Бу яхшиликларингизни умр бўйи унутмайман», деди. Шаҳзода шуни айтиб, вазирларга узугининг йўқолиш сабабини бошдан-оёқ айтиб берди. Улар шаҳзодага узоқ умр, баланд мартаба тилаб, дуо қилишиб, тарқалишди.

Эй подшо, хотинларнинг макрини кўрдингми, эрларнинг бошига қандай кўргиликлар солишади.

Подшо ўғлини ўлдиришдан қайтди.

Саккизинчи кун тонг отгач, подшо тахтда ўтирганда, ўғли устози Синдбод билан қўл қовуштириб кириб келди ва отасининг олдида ер ўпди, сўнгра фасаҳ тил билан отасини ва аркон-давлат арбобларини мақтади, уларга ташаккур билдириб, санолар айтди. Подшо ҳузурда амирлар, уламо-

лар, аскарлар ҳозир эди. Улар шаҳзоданинг фасоҳат-балоғатига ва чиройли нутқиға, ақл-идрокиға таҳсин ўқишди. Подшо бу ҳолни кўриб, ғоятда севинди, ўғлининг пешонасидан ўпди. Уғлининг устози Синдбоддан шаҳзоданинг нима сабабдан етти кун сукут қилиб юрганининг сабабини сўради. Синдбод шоҳга: «Эй хожа, мен у вақтда шаҳзодани ўлдира-сиз деб қўрққан эдим, мен бунини шаҳзода туғилган кунини толейини билиш ниятида қура ташлаб билган эдим, бу синоатларнинг бари ўша вақтда менга аён бўлган эди. Энди подшоҳимизнинг олий ҳимматлилиги туфайли бу кўнгилсиз воқеа бартараф бўлди»,— деди. Бу гапдан подшо хурсанд бўлди. Подшо вазирларидан: «Агар ўғлимни ўша вақтда ўлдиртириб юборсам, гуноҳи менга бўлармиди, қизга бўлармиди ёки муаллими Синдбодга бўлармиди, кимга бўларди, сўзлан-лар?»— деди. Мажлис аҳли бу сўз олдида сукут қилди. Синдбод шаҳзодага қараб: «Эй ўғлим, бу саволга ўзинг жавоб бер»,— деди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли, шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод, — Синдбод шаҳзодага: «Бу саволга ўзинг жавоб бер, эй ўғлим»,— деди. Шаҳзода сўз бошлади: «Кунлардан бир кун бир савдогарниккига меҳмон келибди. Савдогар канизагини бозорга сут олиб келиш учун юборибди. Канизак сутни қувачага солиб уйига қайтибди. Йўлда келаётганда осмонда учиб келаётган калхат чангали



Олти юз
учинчи кеча

даги ўлжаси илонни бир сиққан экан, унинг заҳридан кувачага бир томчи томибди. Канизак бундан беҳабар келаверибди. Уйга келгач, хожаси канизак қўлидан сутни олиб меҳмонни билан ичибди. Улар ўша заҳоти бандаликни бажо келтирибдилар. Эй подшоҳи олам, қани айт-чи, бунда ким айбдор?»— деди.

Утирганлардан бири: «Айб сутни ичганларда»— деди. Яна биров: «Бунда кувачанинг оғзини бекитмай олиб келган канизак айбдор», деди. Синдбод: «Эй ўғлим, бунга сен нима дейсан», деди. Шаҳзода бўлса: «Менинча, бу гапларнинг бари нотўғри, айб канизакда ҳам эмас, ичганларда ҳам эмас. Аввало уларнинг ажал-паймоналари етган, ёруғ дунёдан ризқ-рўзлари тугаган, пешоналарига шу нарса азалдан ёзилган»,— деди. Утирганлар шаҳзодага гоятда таажжуб қолиб, унинг ҳақиқага дуо қилдилар. «Эй хожамиз, сен улуг ҳикмат сўзладинг, сен замонамизнинг доносисан»,— дедилар. Шаҳзода улардан бу сўзни эшитгач: «Йўқ, мен сизлар айтганчалик доно эмасман, мендан кўра қари кўр, уч ёшлик, беш ёшлик бола донороқ»,— деди. Мажлис аҳли: «Эй шаҳзода, бизга сендан донороқ бўлганларнинг қиссасини гапириб бер»,— дейишди.

Шаҳзода гап бошлади: «Ҳикоя қиладиларки, бадавлат савдогар бир мамлакатга сафар қилишни ихтиёр қилиб, у мамлакатдан келганлардан: «Қандай моллар мамлакатингизда қадрлироқ?»— деб сўради. Улар: «Сандал ёғочининг нархи баланд»,— дейишди. Сўнгра савдогар қўлидаги бор пулига сандал ёғочи харид қилиб, ўша шаҳарга сафар қилди. У шаҳарга намозшом вақтида етиб борди, шу вақт олдидан бир кампир қўйларини ҳайдаб ўтиб қолди. Савдогарни кўргач, кампир: «Эй бўтам, кимсан

ўзинг?»— деди. «Мен шаҳрингда мусофир савдогарман»,— деди. «Сен бу шаҳар халқидан эҳтиёт бўл, улар қилвири ва муттаҳам одамлар, мусофирни алдаб қўлга тушириб, бор нарсасини шилиб оладилар. Ўзингга эҳтиёт бўл»,— деди-да, кампир йўлига кетаверди.

Тонг отгач, шаҳар халқидан бири савдогар олдига келиб салом берди ва: «Эй хожам, қаердан келдингиз?»— деди. «Фалон шаҳардан келдим»,— деб жавоб қилди савдогар. «Тижорат молларидан нима олиб келдингиз?» «Сандал ёғочи олиб келдим, чунки бу шаҳарда унинг баҳосини баланд деб эшитган эдим»,— деди савдогар. У: «Сизга бу гапни айтган одам нотўғри айтибди, биз сандал ёғочини ўтин қилиб ёқамиз. Бизга унинг ўтинчалик қадри йўқ»,— деди. Савдогар бу сўзни эшитиб, пушаймон еди, ажабланди. Сўнгра у бир саройга қўниб, сандал ёғочини ўчоққа ёқа бошлади. Ҳалиги киши келиб: «Эй савдогар, сандалингнинг ҳар сопини¹ қанчадан сотмоқчисан, айт, айтган баҳорингга оламан»,— деди. «Сотдим, ола қол»,— деди савдогар. Ҳалиги киши савдогардан ҳамма сандал ёғочларини сотиб олиб, уйига ташиб олди, кейин сандал ёғочи оғирлигига олтин берадиган харидорни излай бошлади.

Тонг отгач, савдогар шаҳарда кетаётган эди, бир кўзи кўр, иккинчиси кўк киши унга дуч келди. Савдогарнинг ёқасига ёпишиб: «Кўзимни кўр қилган одам сен бўласан, қўлимга тушдингми, энди мендан омон қутулолмайсан!»— деб дағдаға қилаверди. Савдогар унинг бўлмаган даъвосини рад қилди. «Елғон айтяпсан, кўзимни кўр қилган одам сен бўласан!»— деди унга ҳалиги кўр. Одамлар бу можаро атрофига

¹ Соп—оғирлик ўлчови бўлиб, бир соп—1 кг. 700 граммга тенг.

йиғилишди ва: «Эй кўр одам, унга эртагача муҳлат бер, эртага у кўзининг хунини тўласин»,— дейишди унга. Кўр одам бу гапга рози бўлди. Савдогар йўлга тушди. Жанжал вақтида савдогарнинг бир пой кавуши йиртилган эди. Ямоқчи олдига бориб, кавушини яматишга берди ва: «Сени рози қиламан»,— деб йўлига кетаверди. Бу ердан кетиб, қиморбозлар қимор ўйнаётган ерга борди ва ғам-аламини тарқатиш учун уларнинг олдига ўтирди. Қиморбозлар савдогарни ҳам ўйинга таклиф қилишди, у ҳам қимор ўйнай бошлади. Савдогар қиморда ютқазди. Шунда улар: «Ё денгизнинг ҳамма сувини ичасан ёки бор мол-дунёнгни бизга ташлаб кетасан» деган шартни қўйдилар. Савдогар ўрнидан туриб: «Эртагача менга муҳлат беринглар»,— деди. Қиморбозлар савдогарнинг айтганига рози бўлдилар. Кейин у бошига тушган савдоларга қайғуриб, йўлга тушди, аҳволи нима кечишини билмас эди.

Бир жойга бориб ўйлаб, ғам-аламдан қадди букилиб ўтирган эди, илгариги кампир яна олдидан ўтиб қолди, мусофир савдогарни таниб: «Эй мусофир, бошингга тушган ғам-андудан қаддинг букилиб ўтиришингдан, шаҳар аҳли сени қўлга туширганга ўхшайди», деди. У кампирга ўз саргузаштини аввалдан охиригача ҳикоя қилиб берди. Кампир: «Сандал ҳақидаги бу гапни сенга ким айтди? Ахир бу шаҳарда сандалнинг баҳоси қиммат, ҳар бир расли¹ сандалга ўн тилла беришади. Сенга мен бир тадбир ўргатаман, шунда сен ўзингни бу савдолардан қутқариб кетасан. Гапимни эшит: фалон жойдаги фалон дарвоза олдига борасан, борсанг, у ерда бир кўр ҳам шал мўйсафид киши ўтиради, у киши жуда доно, бутун сир-синоат-

¹ Бир расл-икки килограммга тенг.

лардан хабардор киши. Ҳамма унинг олдига бориб йўл-йўриқ сўрайди. Доно мўйсафид келганларнинг ҳаммасига йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳат беради, чунки у маккорликда, сеҳр-жодуда, айёрликда тенги йўқ одам. Кечаси айёрлар унинг олдига йиғиладилар. Сен унинг олдига бориб, даъвогарларинг кўрмайдиган пана ерда туриб уларнинг сўзини эшит. У айёрларга ғолиб келадиган ва мағлуб қиладиган йўл-йўриқларни кўрсатади. Шояд сен ундан даъвогарларингдан қутултирадиган чора-тадбирни эшитсанг.»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— кампир савдогарга: «Кечаси ҳамма айёрлар йиғиладиган доно мўйсафид олдига борсанг, шояд сен ундан даъвогарларингдан қутуладиган йўл-йўриқ эшитсанг»,— деди.

Савдогар кампир айтган ерга бориб, ўзини пана ерга олиб турди. Бир оз вақт ўтмасдан унинг олдига кишилар тўплана бошлади, улар бир-бирларига салом беришиб, қариянинг атрофида ўтиришди; савдогар улар орасида ўз даъвогарларини ҳам кўрди. Қария уларга таом келтирди, едилар. Сўнгра ҳар бири шу кунги можаросидан унга хабар бера бошлади. Бинобарин, сандал олган киши ҳам қарияга ўзининг шу кунги можаросидан, сандални эгасидан баҳо тайинламасдан олганини, бир сопни хоҳлаганингча баҳода оласан, деб тўхтатилганидан хабар берди. Қария унга:



Олти юз
тўрттинчи кеча

«Сенинг ҳақдоринг ютибди»,— деди. «Қандай қилиб ютади?»— сўради у. Қария: «Агар сенга сони' тўлдириб олтин ёки кумуш оламан, деса, қурбинг етадими?» деб сўради. «Ҳа, қурбим етади, шунда ҳам мен ютаман», деди савдогар. Агар сенга: «Мен соми тўлдириб, ярми эркак, ярми урғочи бурга оламан деса, унда нима қиласан?»— сўради қария. Шунда айёр савдода ютқизганини сезди.

Кейин бир кўзли қария олдинга ўтибди: «Эй қария, мен бугун бир кўк кўз мусофирга: «Кўзимни кўр қилган одам сен бўласан», деб бўйнидан олдим, кўпчилик ўртага тушиб, уни қўйиб юбор, эртага кўзингнинг хунини тўлайди дегач, мен уни қўйиб юбордим»,— деди. Қария: «Агар у бир ҳийла ишлатса, албатта у ютади»,— деди. Айёр: «У қандай ютаркан, ютолмайди»,— деди. Қария: «Агар у кўзингни ўй, мен ҳам кўзимни ўяман, икковини тортамыз, агар кўзимиз баробар келса, даъвонг тўғри»,— дейди. Сўнгра кўзингнинг хунини тўлайди, сенинг икки кўзинг ҳам кўр бўлиб қолади, у бир кўзи билан ҳам кўра беради»,— деди. Шундан кейин кўр одам савдогарнинг ёлиб келишини билди.

Кейин ямоқчи қариянинг олдига ўтиб: «Эй қария, мен бугун бир одамни кўрдим, менга кавушини яматишга берди. Ҳақини талаб қилган эдим, «Сени рози қиламан», деб йўлига кетаверди. Мен бор молдунёсини бермагунича асло рози бўлмайман»,— деди. Қария унга: «У сендан кавушини ҳеч нарса бермай олиб кетади»,— деди. «Қандай қилиб?»— деди ямоқчи. «У сенга, подшо душманлари қочди, уни кўролмаганларнинг кучи қирқилди, подшо хайрихоҳлари кўпайди, дейди. Сен рози бўласанми, бўлмайсанми?»

Г С 6 — идиш.

Агар сен розиман десанг, кавушини олиб қайтиб кетаверади, агар йўқ десанг, кавуши билан сени савалайди», деди. Косиб енгилганини билди.

Сўнгра савдогар билан гаров ўйнаган қиморбоз олдинга ўтиб: «Эй қария, мен бир киши билан гаров ўйнаб, уни ютдим ва дедим: «Агар денгиз сувини ичиб битирсанг, ҳамма мол-дунёمنى сенга бераман, агар ичолмасанг, сен бор мол-дунёнгни менга берасан»,— дедим. «Агар у сени ютмоқчи бўлса, албатта ютади»,— деди қария. «Қандай ютади?», деди гаров ўйнаган одам. Қария айтди: «Агар у, денгизнинг оғзини оғзимга тут, мен ичаман» деса, сен бунинг уддасидан чиқолмайсан, унда сен ютқизасан», деди. Савдогар даъвогарларидан қутулиш йўлларини билиб олди. Кейин ҳамма айёрлар ҳар томонга тарқалиб кетишди. Савдогар ҳам ўз жойига қайтди.

Тонг отгач, денгиз сувини ичишга гаров боғлаган киши келди. Савдогар унга: «Денгизнинг оғзини оғзимга тут, ичаман»,— деди. Бунинг уддасидан ҳалиги одам чиқолмади, савдогар ютди. Гаров ўйнаган одам юз тилла берди. Кейин ямоқчи келиб, ўзининг рози бўладиган нарсасини сўради, савдогар унга: «Подшо душманлари енгилди, пайига тушганлар ҳалок бўлди, авлодлари кўпайди, бунга розимисан, йўқми?»— деди. Ямоқчи: «Ҳа, розиман»— деди, савдогар кавушини пул тўламай олди.

Кейин савдогар олдига бир кўзли киши келиб, ундан кўзининг хунини талаб қилди. «Кўзингни ўй, мен ҳам кўзимни ўяман, икковини тортамыз, агар баробар келса, сенинг даъвонг ҳақли бўлади, мендан кўзингнинг хунини оласан»,— деди. «Менга муҳлат бер!»— деди бир кўзли одам. Савдогар муҳлат берди, бунинг уддасидан чиқолмай, оқибатда савдогарга юз тилла берди.

Шундан кейин савдогардан сандал олган киши келди ва: «Сандалингнинг қимматини ол»,— деди. «Нима берасан?»— деб сўради савдогар. «Бир со сандал баробарига бир со бошқа нарса беришга шартлашган эдик, агар хоҳласанг, тўлдириб бир со олтин ёки кумуш ол»,— деб жавоб берди у киши. Савдогар: «Мен олтин ҳам, кумуш ҳам олмайман, менга бир сони тўлдириб ярмисига эркак, ярмисига урғочи бурга берасан»,— деди. Бу сўзни эшитиб, ҳалиги киши: «Бу шартингга қодир эмасман»,— деди. Натижада савдогар ютди, сандал олган одам ҳамма сандални қайтариб бериб, яна устига юз тилла ҳам қўшиб берди. Савдогар сандални яхши баҳога сотиб, ўз мамлакатига жўнаб кетди...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— савдогар сандалини сотиб, ўз мамлакатига жўнаб кетди.

Энди уч ёшлик болага келсак, бир фосиқ, хотинбоз киши бошқа бир шаҳарда гўзал бир хотиннинг дарагини эшитиб, ўша шаҳарга савдогар қилмоқчи бўлди. Унинг ишқмуҳаббатига тортяпган азоб-уқубатларини, ишқи юрагини ўртайпганини тавсифлаб мактуб йўллади.

Хотин унинг келишига розилик берди. Хотинга бир қанча ҳадялар олиб жўнади. У одам етиб келди. Хотин уни ҳурмат ва иззат билан кутиб олиб, қўлини ўпди, дастурхон тайёрлаб, уни таърифи йўқ зиёфат қилди.

Хотиннинг уч яшар боласи бор эди, болага қарамай у билан машаққатда бўлди. Келган киши: «Юр, бирга ётайлик»,— деди. Хотин: «Болам уйғоқ, ҳали ухлагани йўқ»,— деди. У киши: «Бу бола ҳали ёш, ҳеч нарсага ақли етмайди»,— деди. Хотин: «Гапирма, у ҳамма нарсага тушунади»,— деди. Бола гуручли таомни кўриб йиғлаб юборди. «Болам, нимага йиғлайсан?»— сўради онаси. «Гуручдан менга сузиб, устига мой солиб бер»,— деди бола. Онаси гуручдан сузиб, устига мой солиб берди. Бола уни еб туриб яна йиғлади. Онаси: «Эй болам, яна нимага йиғлайсан?»— деди. Бола: «Эй онажон, устига шакар сепиб бер!»— деди.

Келган киши аччиғланиб: «Сен шум бола экансан!»— деб болани жеркиб берди. Бола унга: «Оллоҳ билан қасамёд қиламанки, мен эмас, сен шумсан. Чунки сен, зино қилиш истаги билан бир шаҳардан иккинчи шаҳарга заҳмат чекиб келдинг. Мен таомни лаззатли қилиб мой, шакар билан едим. Айт-чи, қайси биримиз шуммиз?»

Келган киши ёшгина боладан бу сўзни эшитиб, гоятда хижолат бўлди. Ҳикматли сўз унга таъсир қилиб, тавба қилди ва хотинга ҳеч қўл теккизмасдан ўз шаҳрига қайтиб кетди. Умрининг охиригача тавба қилиб юрди.

Сўнгра шаҳзода: «Эй подшо, беш ёшлик болага келсак, ҳикоя қиладиларки, тўрт савдогар ўрталарида шерикчиликка минг тилла тўплаб, тижорат молларини олиш учун кетдилар. Йўлда хушманзара бир боғга учрадилар, боғга кириб ҳалиги тўрт минг тиллалик ҳамённи қоровул олдига қўйиб (боғга хотин киши қоровуллик қилар эди): «Бу ҳамённи ҳаммамиз бирга тўплангунимизча ҳеч қайсимизга берма»,— деб боғга кириб кетдилар. Боғни томоша



Олти юз
бешинчи кеча

қилдилар, едилар, ичдилар, ўйин-кулги қилдилар. Улардан бири: «Менда исли-упорли нарса бор, келинлар, мана бу оқар сувдан бошимизни ювиб, уни сурамиз», деди. Иккинчи бири: «Тароқ керак бўладида»,— деди. Яна биттаси: «Қоровул хотиндан бирпасга тароғини сўраймиз, шояд унда тароқ бўлса»,— деди. Шу заҳоти улардан бири қоровул хотин олдига бориб: «Ҳамённи менга бер!»— деди. Хотин: «Ҳамённи ҳаммаларингиз жам бўлганда бераман ёки йўлдошларинг ҳамённи сенга беришни талаб қилса берман»,— деб кўнмади. Тароққа келган киши олисроқда ўтирган ўртоқлари олдига бориб: «Бу хотин менга бермади»,— деди. Йўлдошлари хотинга: «Бериб юбор!»— дейишди. Хотин уларнинг сўзини эшитгач, ҳамённи ҳалиги кишига берди, у ҳамённи олиб, жуфтакни ростлаб қолди.

У киши ҳамённи олиб жўнагач, шериклари: «Нега ундан хабар йўқ», дейишиб, ҳаммалари қоровул хотин олдига келишди: «Нега унга тароғингни бермайсан?»

Қоровул хотин: «Мендан у ҳамённи сўради, ҳамённи эса сизларнинг рухсатингиз билан унга бердим, у ҳамённи олиб чиқиб кетди»,— деди. Қоровул хотиндан бу сўзни эшитгач, улар ўзларини ўзлари уриб, хотинни қисталангга олишди: «Сенга фақат тароғингни бериб тур деган эдик, сен эса унга ҳамённи бериб юборибсан»,— дейишди. Хотин: «Ахир менга ҳеч қанақа тароқ дегани йўқ, ҳамён деди», деб жавоб қилди уларга. Улар қоровул хотинни маҳкам ушлашиб қозига олиб боришди. Қозига бўлган воқеани баён қилдилар. Қози «адолат» юзасидан иш тутиб қоровул хотинни жавобгар қилди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Олти юз
олтинчи кеча



й саодатли шоҳ,— деб ҳикоясини давом эттирди Шаҳризод,— қози қоровул хотинни жавобгар қилди. Қоровул хотин қозининг олдида хафа бўлиб чиқиб, кимга афз қилишини билмай, ҳайрон бўлди. Йўлда унга беш ёшлардаги бир бола дуч келди. Бола хотиннинг ҳайрон бўлиб турганини кўриб: «Эй она, нега хафа кўринасан?»— деб сўради. Хотин болани менсимамай, саволига жавоб ҳам қайтармади. Бо-

ла саволини икки-уч марта такрорлади. Ахири қоровул хотин: «Бир тўда кишилар боғга кириб кетаётиб, олдимга минг тилла солинган ҳамённи қўйдилар ва ҳаммалари жам бўлганда беришни шарт қилиб, боғга кириб кетдилар. Улар боғда юришганида, олдимга улардан бири чиқиб: «Ҳамённи менга бер»,— деди. Мен: «Йўлдошларинг жам бўлганда бераман»,— дедим. У йўлдошларига қараб баланд овоз билан: «Бу менга ҳеч нарса бермаяпти»,— деди. Йўлдошлари яқинроқ жойда сайр қилиб юрар эди, улар менга: «Бериб юбор!»— дейишди. Ҳамённи унга бердим, у ҳамённи олиб, боғдан чиқиб кетди. У хаяллаб қолганидан кейин, йўлдошлари олдимга келиб: «Нима учун унга тароғингни бериб турмадинг»,— дейишди. Мен уларга: «Мендан тароқ эмас, ҳамён сўради»,— дедим. Улар мени қозига олиб келдилар. Қози мени жавобгар қилди»,— деди.

Бола унга: «Ҳолвага бир танга бер, кейин сенга бу даъводан қутулишинг учун бир нарса айтаман»,— деди. Қоровул хотин унга бир танга берди. «Нима дейсан?»,— деди. Бола: «Қозига мен билан улар ўрта-

сида ҳамённи тўртовлари ҳозир бўлганда беришлик-ка келишув бўлган эди, дегин»,— деди унга. Сўнгра қоровул хотин қозига бориб, унга бола ўргатган сўзларни айтди. Қози даъвогарларга қараб: «Ургангларда шундай келишув бўлгани ростми?»— деди. Улар шундай шарт бўлганлигини айтишди. Қози уларга: «Йўлдошларингизнинг ҳаммасини менинг олдимга ҳозир қилинглари-да, сўнг ҳамённи олинглари!»— деди. Савдогарлар қозининг айтганларини уддасидан чиқолмадилар. Қоровул хотин саломат қутулиб чиқиб кетди.

Мажлис аҳли шаҳзоданинг сўзини эшитишгандан кейин, подшога: «Эй хожамиз подшо, билки, шаҳзода ўз замондошларининг илму фанда энг доноси бўлибди»,— дейишди. Улар шаҳзода ва подшо ҳақиқа дуо қилишди. Сўнгра подшо боласини бағрига босиб, пешонасидан ўпди. Кейин канизак билан бўлган ҳодиса ҳақида сўради. Шаҳзода улуг олло таоло номи билан қасамёд қилиб: «Мени йўлдан уриб, ўзига чақирган канизакнинг ўзи эди»,— деди. Подшо шаҳзоданинг сўзини маъқуллаб: «Канизакни ҳукмингга топшираман, истаганингни қил, хоҳласанг ўлдир»,— деди. Шаҳзода отасига: «Уни шаҳардан сургун қиламан»,— деди.

Шаҳзода жамоатларни бир-биридан айирувчи, лаззатларни йўқотувчи ўлим келгунча отаси билан фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечирди. Подшо, шаҳзода, канизак ва етти вазирнинг қиссаси шу экан.

МУНДАРИЖА

Кампир ва зиёратчи ҳикояси	3
Канизак Таваллуд ҳикояси	7
Ҳосиб ва илонлар маликаси	112
Синдбод баҳрий ҳикоялари	247
Биринчи ҳикоя	251
Иккинчи ҳикоя	261
Учинчи ҳикоя	270
Тўртинчи ҳикоя	281
Бешинчи ҳикоя	297
Олтинчи ҳикоя	307
Еттинчи ҳикоя	316
Тилсим шаҳар қиссаси	327
Шаҳзода ва етти вазир ҳикояси	367



На узбекском языке

1001 НОЧЬ

ТОМ V

Гослитиздат УзССР — Ташкент 1962

Редактор Ш. Толибов

Рисом М. Широкий

Расмлар редактори Г. Остапенко

Техредактор Л. Ильина

Корректорлар: И. Қобилов ва Қ. Назаров

Босмахонага берилди 1/VIII-1962 й. Босишга
рухсат этилди 2/XI-1962 й. Формати 84×108¹/₃₂.
Босма л. 14,5. Шартли босма л. 23,78. Нашр
л. 19,36+7 вклейка. Тиражи 90 000. Индекс к/а
УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№ 64—61

**

УзССР Маданият министрлиги Узглавиздати-
нинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси
№ 21. 1962 йил. Заказ 324. Баҳоси 1 с. 9 т.